Тошкент – 2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Иккинчи жилд

Хазойин ул-маоний

Наводир уш-шабоб







Газаллар

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «НАВОДИР»ДИН

1

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо.

Юзунг зиёсидин ар субҳ айни ичра баёз,
Сочинг қаросидин ар шом бошида савдо.

Зуҳури ҳуснунг учун айлабон мазоҳирни,
Бу кўзгуларда ани жилвагар қилиб амдо.

Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,
Салои ишқин этиб офариниш ичра нидо.

Бири қабул эта олмай ани, магарким мен
Қилиб отимни залуму жаҳул бирла адо.

Демайки мен, ўзи маъшуқ ўлуб, ўзи ошиқ,
Ки тиғи ғайрат ўлуб анга нақши гайрзудо.

Навоий, ўлмади тавҳид гуфтугў била фаҳм,
Магарки айлагасен тилни қатъу жонни фидо.

2

Илоҳий, амринга маъмур етти торами аъло,
Не етти торами аъло, тўқуз сипеҳри муалло.

Жамилзикрлиг ўлған жамолинг этти таманно,
Вусулфикрлиғ элга висолинг ўлди тавалло.

Хаёл бикрларин жилвагарлик эткали ҳар ён,
Сен айладинг ҳулали дурри назм бирла муҳалло.

Ибодатингға янги ой бўлуб хам ўлди мусаллий,
Сипеҳр атласидин солибон ҳавоға мусалло.

Чу сендин ўлди қуёш панжаси аросида олтун,
Сочарға доғи сен эттинг анга карам яди туло.

Демакка зикринг эрур хонақоҳ ичинда ҳаё-ҳуй,
Салойи ишқинг ила аҳли дайр ичра алоло.

Навоий аҳли жунун зумрасиға кирди, Илоҳий,
Чу айладинг ани Мажнун, ўзунгни қил анға Лайло.

3

Юзунг кўзгусидин оламда юз нуру сафо пайдо,
Қуёш андин, анингдекким қуёшдин зарра нопайдо.

Сенинг кўюнг насимиға ўзин солдикки жон топтик,
Масиҳ анфосидин гар хастаға бўлмас даво пайдо.

Азалдин то абад сатҳи вужудунг зарфи тўлмаским,
Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо.

Сен эттинг шамъу гулда жилваким, парвонаву булбул
Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо.

Сенинг нашъанг эди Ширин ила Лайлодаким, Фарҳод
Ўлуб, Мажнунға бўлди юз туман ранжу ано пайдо.

Мазоҳир истабон асмоға ишқу ҳусн кўргуздунг,
Ки пайдо хирмани ажз ўлдию барқи жафо пайдо.

Биров етти санғаким ўзлуги даштини тай қилди,
Бақо истар киши аввал керак қилса фано пайдо.

Санга кўнглумдаги ҳожатни ҳожат йўққи, арз этсам,
Улус кўнглида пинҳонлар эрур чунким санго пайдо.

Навоий гулшани вақтиға эҳсон ямғурун ёғдур,
Ки анда гул била булбулға йўқ баргу наво пайдо.

4

Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро,
Ниҳон дардима ошкор эт мудоро.

Не дардингни кўнглумда асрарға тоқат,
Не сиррингни оғзимға олмаққа ёро.

Хаёлингда савдо пиширғанда, айлаб
Димоғимни ошуфта ул зулфи соро.

Фироқинг аро жон талашурда ёғиб,
Ҳамул ғам тоғидин бошим узра хоро.

Тараҳҳум, тараҳҳум, тараҳҳум, тараҳҳум,
Бутo, чобуко, маҳвашo, гулъузоро.

Қаронғудурур олам оҳим тунидин,
Қуёш янглиғ оч орази оламоро.

Навоийға жон ошкору ниҳон сен,
Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро.

5

Ё Раб, ул соатки тушкай ҳажр жисму жон аро,
Солғунг ойини фироқ ул ганжу бу вайрон аро.

Сарсаройин ҳар қуюн қилғай бадан туфроғининг
Жузв-жузвин бир-бир ушбу гунбади гардон аро.

Ўйла соврулғай аносир ҳар тарафким, топмагай
Бир-бирисидин нишон бу водийи ҳирмон аро.

Жисм таркиби паришон бўлғай ул янглиғки, ақл
Сўнгра жамъ ўлмоққа рухсат бермагай имкон аро.

Жисм ила жон ичра гарчи тушкай ошуби фироқ,
Солма фурқат ибтилоси жон била иймон аро.

Жузв-жузв айрилса бир-бирдин не ғам, гар қўймасанг
Лутф этиб ёлғуз мени ул водийи ҳижрон аро.

Ҳар неча тўфони исёним чекар гардунға мавж,
Кимсага Нуҳ ўлса киштибон не ғам тўфон аро?!

Ул ҳабибингни шафиъим қилки, бўлғай юз туман
Нуҳ муҳтожи анинг бу баҳри бепоён аро.

Эй Навоий, жонни туфроқ айлагил фақр аҳлиға,
Истасанг маншурлуқ ул хайли олийшон аро.

6

Зиҳи Буроқинг изи меҳру сайри барқосо,
Бу барқсайри била пўяси фалакфарсо.

Бурун қадам бу макондин чу ломакон қўйдунг,
Не навъ дейки, анинг гоми эрди гардунсо.

Висол субҳи дейин, йўқ уруж оқшомиким,
Сабоҳдек эди ул барқ нури бирла масо.

Қўлин бу барқ ёрутти, дамин бу ел очди,
Агар сипеҳр уза Мусо эди ва гар Исо.

Чу қолди сайрида Руҳ ул-амин, не тонг, ул ҳам
Гар ўлмади сафарингнинг ниҳоятиға расо.

Малойик ўлмадилар ул ҳарам аро маҳрам,
Рижол хилвати давридин ул сифатки нисо.

Навоий асру бузулмиш, боқиб иноят ила
Анинг бузуғлуғини бир кўз учи бирла ясо.

7

Бедилинг хайли русул, сенсен аларға дилрабо,
Ё набий, руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо.

Гоҳ давлатлиқ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,
Гаҳ фалакрав маркабингға етмайин пайки сабо.

Шоми васлинг топмағанға субҳи содиқ ҳар саҳар,
Панжайи хуршид ила пироҳанин айлар қабо.

Туфроғ ўлмишмен, қўяй деб остонбўсунгға юз,
Ҳолима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.

Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлғай ит,
Ким эшиғинг итларин топқай ўзиға ақрабо.

Бўлмағай эрди муяссар «Хамса», яъни панж ганж,
Қилмаса эрди мадад ҳолимға беш оли або.

Эй Навоий, чорайи дардингни қилғай улки бор
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.

8

Кимки еткай ишқ дарду доғидин офат анга,
Доғ муҳри салтанатдур, дард эрур сиҳҳат анга.

Ишқ кўйи туфроғи бир кимиёдурким, эрур
Юз қуёш иксирича, балким фузун қиймат анга.

Ишқ дайри базминиng синған сафоли ичра май,
Ким ичар, Жамшид жомин танламас ҳиммат анга.

Ҳар чубулған торидур афлок қасриға каманд,
Улки бўлса ишқ эски шолидин кисват анға.

Чун тушар ошиқ таниға ишқ ўтининг шуъласи,
Ўйла шаҳдурким, эрур зарбафтдин хилъат анга.

Ҳар шарар ул шуъладин бир барқ эрурким, кул қилур
Ламъадин юз шоҳ тахту тожини ҳирқат анга.

Ишқ ўти бошиға тушканким, ул ўтдин чиқса дуд,
Шоҳ заррин тож ила чатриға не ҳожат анга?

Тожу давлат берса ишқ ўтидин олиб бир шарар
Буки ўртар ўзлугин, етмасму бу давлат анга?!

Соқиё, бир бода тут, дўзах ўтидек ҳирқати,
Лек жаннат Кавсаридек лавн ила сафват анға.

То ичиб дўзахқа ҳам кирсам сиришким селидин,
Қолмағай халқ ўртамоқда шиддату ҳиддат анга.

Эй Навоий, назминг асру сода эрди, қўйди юз
Шоҳ ислоҳидин онча зеб ила зийнат анга.

9

Ул парипайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,
Кимки ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анга.

Не ажаб парвонадек куйсам юзи шамъиғаким,
Кўп бўлубмен васл умиди бирла саргардон анга.

Тоири ҳажринг бузуғ кўнглумниким қилмиш ватан
Чуғздекдурким, нишиман келди бир вайрон анга.

Ҳажрида таҳ-таҳ кўнгул қон боғлағандиндур нишон,
Номаи шавқумки тим-тим томди кўздин қон анга.

Тийрборони ғаминг кўнглумгаким ёғди, эрур
Ҳар тарафдин барқи офат ламъаи пайкон анга.

Оташин гул чунки булбул куйдурур юз важҳ ила,
Не осиғ фарёду афғон бирла минг дастон анга.

Эй Навоий, кўнглума амр этма тарки ишқким,
Ул самандардур, эмас ўт фурқати имкон анга.

10

Чин кийиги десам кўзин, ваҳ, недурур итоб анга,
Чунки қароси кўргузур ҳар сори мушки ноб анга.

Лаъли лабингда тер бўлуб оби ҳаёт қатраси,
Ёки Хизр суйи лабинг, қатра бўлиб ҳубоб анга.

Ёпмади кўзни ашкким, боқмасун ўзга юзга деб,
Ҳар сари айни рашкдин ёпти гаминг ниқоб анга.

Жисмим ағар куяр, кўнгул толпинури ажаб эмас,
Кимки уйига тушса ўт, йўқ ажаб изтироб анга.

Оқмади хай узоридин лаълиғаким, Ҳакими Сунъ
Эзди ҳаёт шарбатин, эмди урар гулоб анга.

Зулфи хаёлидин кўнгул ҳар ён этар ҳаво, валек
Сайдға не халос чун боғлиғ эрур таноб анга?

Ўзлугининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

Аҳли мазаллат оҳининг новакидин сипеҳр агар
Қочмади мунча, бас, недур хам бўлубон шитоб анга?

Ваъдайи васл этиб эди, тушта аёғин ўпмишам,
Дема, Навоий, ул парий айламасун ҳисоб анга.

11

Ваҳки, ҳол ошуфта қилди анбарин холе манга,
Қўйди юз бир хол шавқидин ажаб ҳоле манга.

Ишқ кўйида гадомен сиймгун ашким била,
Будурур ишқ ичра бўлса жоҳ ила моле манга.

Қайда имкони ҳаётим, эй кўнгул, чун дам-бадам
Соғари фурқат тутар бир ҳажри қаттоле манга.

Не ғанимат сурат ўлғай гар мусаввир жон олиб,
Ўхшаш ул маҳвашқа ёзиб берса тимсоле манга.

Булбулу парвона ишқ ошубидин парвоз этиб,
Бўлдилар ғойиб, нетайким, йўқ пару боле манга.

Аҳли айш олтун аёқ софин ичиб, кийдик ҳарир,
Ким сафоли фақр дурди басдурур шоле манга.

Ёр жон олса Навоийдин эрур топшурмағи,
Ул гар эҳмол айламас, худ йўқтур эҳмоле манга.

12

Буким қолибдур ул ой ҳажрида ҳаёт манга,
Ҳаёт қолмамиш азбаски бор уёт манга.

Улусни ўлтурур ул шўх илтифот айлаб,
Ўлармен ушбуки ҳеч этмас илтифот манга.

Мени худ айлади қатл, ушбудур васиятким,
Кўнгулни ҳам карам айлаб етурса бот манга.

Қуш ўлмишам, ёғибон ҳажр ўқи, вале не осиғ,
Ки бўлмас ул тараф учмоққа бу қанот манга.

Туганмагай ёзилиб меҳнатим, агар бўлса
Фироқ шоми қарову фалак давот манга.

Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилваи ҳусн,
Тенг ўлди Каъба била дайри Сўмнот манга.

Навоиё, чу эмас нася нақд бирлан тенг,
Беҳишт воизи пургўғаву Ҳирот — манга.

Узбекистан
№ 32406

13

Келмай ул қотили замона манга,
Бўлди ҳажр ўлгали баҳона манга.

Ўқи захм айлаб ўтти кўксумдин,
Яра қолди вале нишона манга.

Ҳажр аро навҳа айларамки, эрур
Нағмайи айш бу тарона манга.

Ишқ кўйида ҳамнафас бўлмиш,
Ҳар нафас оҳи ошиқона манга.

Эй кўнгул, ишқ ўтидин ёнма,
Бору ташвиш берма ёна манга.

Ҳажр аро ашк тухмини сочтим,
То не бергай самар бу дона манга.

Тавбадин сўз, Навоиё, демаким,
Ҳеч ёқмайдур ул фасона манга.

14

Нечаким куяр ҳажр аро жон манга,
Эмас таркини қилмоқ имкон манга.

Агар бўлса юз жон фидо қилғамен,
Насиб ўлғудек бўлса жонон манга.

Неча бўлса ағёр ҳамсуҳбати,
Эрур базмини кўрмоқ армон манга.

Агар рашкидин саъб бўлса ҳаёт,
Худ ул дам эрур ўлмак осон манга.

Қилиптур гули оташин ғунчаси,
Кўнгулни ўкуш сўзи ҳижрон манга.

Не ком олғамен, соқиё, бодадин,
Ки даврон тутар дам-бадам қон манга?

Навоий, кетиб, хилват эт уйниким,
Бўлур бу кеча ёр меҳмон манга.

15

Борди раҳм айламай ул кофири худрой манга,
Гар тараҳҳум қилибон қайтмаса, вой манга.

Нечук ўлмайки, борур вақтда ул умри азиз,
Барча бирла кўрушиб, қилмади парвой манга.

Тийрадурменки, паришон бўлубон васл кунин
Шоми ҳажр айлади ул зулфи сумансой манга.

Масту овора кўнгул иттию раҳм этмади ул,
Бодапаймой демай, бодияпаймой манга.

Йўқ сўзум чарх ила, ваҳ, қилди чу шабгир баланд,
Рўзгор этти қаро ҳажридин ул ой манга.

Соқиё, софи тараб аҳли висол ичсунлар,
Ҳажр зиндонида тутсанг бас эрур лой манга.

Ҳур зоҳидқа, Навоий, икки дунёдаю ул
Бути худрой демай, шўхи худорой манга.

16

Эй кўнгул, телбарадинг, эмди не тадбир санга,
Ул пари зулфини гар қилмаса занжир санга.

Юз бало келса чек эмди, чу бу иш манъи учун,
Нечаким панд дедим, қилмади таъсир санга.

Ихтиёре санға ҳам йўқ эди, не ёзғурайин,
Бўйла чун ёзған эмиш хомайи тақдир санга.

Сен чу ишқ ўтиға куйдунг, санга эмди не осиғ,
Айламак махлас учун ҳийлаву тазвир санга.

Мени куйдурдунг эса, сен дағи куйдунг, нетайин
Эмди юклаб бу иш ойинида тақсир санга.

Биҳил эт сен дағи мен хастаға, лекин деб эдим
Ҳар неким келди сенинг оллинга бир-бир санга.

Бузди кўнглунг уйини хонабарандози фироғ,
Эй Навоий, не осиғ панд ила таъмир санга.

17

Ийди рухсоринг кўруб, бўлди улус ҳайрон санга,
Эй улус ийди юзунг, жоним менинг қурбон санга.

Шамъ эмас ердин, кавокиб чархдин байрам туни,
Ким эрур ер-кўк туман минг кўз билан ҳайрон санга.

Ийдгаҳда гард эмас, балким етишкач мақдаминг,
Қўпти ердин садқа бўлмоқ истабон майдон санга.

Хусрави анжум дегайким, секритур кўк тавсанин,
Ийдгаҳда кимки кўрса рахш ила жавлон санга.

Чатр шаклидин самовий барча офат дафъиға
Тенгри айлаптур насиб ўз ҳифзидин қалқон санга.

Нотавон жисмимға байрамлиқ била бер сиҳҳате,
Ким кўнгул уммидвору мунтазирдур жон санга.

Неча байрамларда кийган жандасин фақр аҳлининг
Хор кўрма, эйки хилъатдур неча алвон санга.

Ийдгаҳ аҳлин даме қилма паришон, эй сипеҳр,
Ким эрур бу жамъ бир-икки замон меҳмон санга.

Эй Навоий, дурри назминг хутбадек топқай шараф,
Лутф ила қилса назар байрам куни султон санга.

18

Тушкали қаддинг ҳавоси бошима авбош аро
Бош аро кестим алиф ёзған алифдек бош аро.

Меваедурким назар боғида баъзи тутти ранг,
Қатра-қатра лаългун бу дона-дона ёш аро.

Меҳр қаттиқ кўнглунг ичра қайда бўлсун, бўлса ҳам
Филмасал бор ул гияҳ янглиғки буткай тош аро.

Бир-бирига бошларин пайваста невчун қилдилар,
Фитнаанғизе агар йўқтур ул икки қош аро.

Ком топған чоғда васлинг хонидин ҳажр оғуси
Талх эрур андоққи, эл соғар ичарлар ош аро.

Хайли зулмат ранжиға тушкан сафо аҳли эрур
Ўйлаким, тонг туйғуни қолғай сурук хуффош аро.

Гар Навоий оҳидин тан ўртанур, юз чурканур,
Етти ҳам ҳуммо ҳароратдин бўлур ҳам моширо.

19

Кирса ул гул хирмани ағёр ила гулзор аро,
Мен ҳамоно толпинурмен хирман эткан хор аро.

Жонни англармен балолар ичра ўлсам не ажаб,
Ул замонеким кўрармен ёрни ағёр аро.

Ложувардий вўсма бирлан зеб берган қошларинг
Жилвағар бўлған ики товус эрур гулзор аро.

Зулфида сарриштаи иймон бадалдур куфр ила,
Не тафовут тушса Марям риштаси зуннор аро.

Заъфлиғ жисмимда билгурган туганлар ҳайъатин,
Англа ёндашқан тугунларнинғ шабиҳи тор аро.

Тушти ел кайфиятидин суға гул яфроғлари,
Йўқса майдин зоҳир ўлди гуллар ул рухсор аро.

Масжид ичраким мени таҳқир қилдинг, эй фақиҳ,
Кўргасен жоҳимни кирсанг кулбаи хаммор аро.

Май ҳубоби гунбадин базм ичра ул дам дойир эт,
Ким шафақ май зоҳир эткай гунбади даввор аро.

Эй Навоий, элга, билгил, бенаволиг боиси,
Ҳар навоким зоҳир айларсен фиғони зор аро.

20

Жонда қўйдум чирмаған мактубини ҳижрон аро,
Билман ул мактубдур ёхуд алифдур жон аро?

Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул ҳирзул-амон,
Ким ғамим айш этти, еткач кулбайи аҳзон аро.

Риштайи олики, чирмаб эрди, очиб асрадим
Хунфишон кўз рагларидек дийдайи гирён аро.

Нотавон жисмим кўрунди заъфдин ул риштадек,
Баски тўлғанди ики кўзумдин оққан қон аро.

Гарчи жонондин азиз эрмас, эрур жондин азиз,
Ким васила бўлди маҳзун жон била жонон аро.

Руқъайи эҳсондин, эй мунъим, гадо комини бер,
Ким бу янглиғ ганж топмас кимса бу вайрон аро.

Эй Навоий, номайи мақсуд етти, хушдил ўл,
Ким хати озодлиғ будир ғами ҳижрон аро.

21

Нуқтайи мушкдур бу ё холи анинг жабин аро,
Куфр саводини не хуш сизди баёзи дин аро.

Хотами лаъл оғзидур, лек ҳадиси жон олур,
Заҳр ниҳон қилибдурур лаъли магар нигин аро.

Саждададур юзум, вале жон аро ул санам ғами,
Бўйнума субҳадур, вале бутдурур остин аро.

Жону кўнгул неча деди, асрали ўзни, келгач ул,
Ваҳ, яна қўзғалишдилар, кўргач ани ичин аро.

Лаъли ҳадисида демангким сифат ила кирпиғин,
Оғзима чунки санчилур неш бу ангубин аро.

Ақлу ҳавос эрур адам, жону кўнгулга йўқ вужуд,
Тафриқа тушкали мену ул бути нозанин аро.

Эсди магар хазон еликим хам ўлуб видо учун.
Воқиайи фироқ эрур сунбулу ёсамин аро.

Бу чаман ичра ҳар гулеким очилур, фиғонки, бор
Ҳодиса тифли мунтазир узмак учун камин аро.

Белингу инжу тишларинг ҳасратидин Навоийнинг
Жисмида ашки бордурур ришта дури самин аро.

22

Эй, ғаминг гавҳари жону тан аро,
Икки дур янглиғ ики махзан аро.

Боғ аро кирки, қиёмат солсун
Қоматинг сарв била савсан аро.

Гул сари боқмади булбул, чунким
Кўрди гулгашт этасен гулшан аро.

Дилраболиқ фанида моҳирсен,
Даҳрда сен киби йўқ бу фан аро.

Соқиё, бодаки, наззора қилай,
Ёр аксини майи равшан аро.

Истасанг душманинг ўлғай санга дўст,
Кирмагил дўст била душман аро.

Ишқ ўти ичра Навоий ким экин,
Бир гадоким куядур гулхан аро.

23

Қосидеким ёрдин бир сўз ривоят айласа,
Истарам сўрган сойи бошдин ҳикоят айласа.

Телбалар янглиғ гаҳ ўз ҳолимдадурмен, гоҳ йўқ,
Ул паридин ҳар киши бир сўз ривоят айласа.

Эй кўнгул, оҳингни дерсенким су айлар тошни,
Чин эрур, гар кўнглига анинг сироят айласа.

Жонға басдур ҳар нафас бир доғи, невчун бўлмасун
Қониъ улким, бир дирам ҳар дам кифоят айласа.

Топти Мажнун шуҳрату қолди менинг қиссам ниҳон,
Ким ўлар ҳар ким фасонамни бидоят айласа.

Ғам сипаҳ қасдимға тортибдур, не бўлди пири дайр
Бир қадаҳ бирла бу маҳзунни ҳимоят айласа.

Эй Навоий, фақрдин бебаҳрадур юз ғам етиб,
Соликеким шукр боринда шикоят айласа.

24

Яшил тўн бирла олтун тугмалардин зебу фар анда,
Қадинг норанжи раъно нахлидур буткан самар анда.

Бу хилъатким қилиптур хайчакон рухсорани пинҳон,
Эрур гулбунки, пинҳон бутти бир гулбарги тар анда.

Таолаллоҳ, не қаддур, қад эмас, жаннат ниҳолидур,
Очилған гул ёшунған барги гул буткан шакар анда.

Юзунғ равшан зулоледур, ғазабдин чин анинг мавжи,
Ки нилий холдин ҳар ён очилмиш нилуфар анда.

Ажаб гулшан эрур кўюнгки, жаннат боғида йўқтур
Ниҳолеким, гулу сунбул аён қилғай магар анда.

Неча овора кўнглумни сўроғ эттим киши билмас,
Магар кўйига йўл топсам, топилғай бир хабар анда.

Ториқтим хонақаҳда, дайр сори юзланай эмди,
Ки мунда неча зулматдур, сафодур сарбасар анда.

Қадаҳ софию пири дайр софий, муғбача софий,
Не кўргай жуз сафо бир кимсаким, тутқай мақар анда.

Навоий назми рангину равон эрса ажаб эрмас,
Ки махлут ўлди кўз ёши била хуни жигар анда.

25

Жамолинг жилва қилди, бор эди оғзинг ниҳон анда,
Қуёш чиққач не мумкин, зарра бўлмоғлиқ аён анда.

Қадинг ҳажрида юз девор уза қўйдум чу заъфимдин –
Чекилди бир алиф ҳар қатра ашкимдин нишон анда.

Сабо зулфин очиб тарқатмағил мажнун кўнгулларни,
Ки маскан айламишлар бир сурук бехонумон анда.

Анинг кўйига борған билки менмен ҳар қачон кўрсанғ,
Ўлим ҳолида ётқан бир ғариби нотавон анда.

Магар ел ҳожиб ўлмиш гулшани кўйига ул гулнинг,
Ки мониъдур борурға хаста булбулдин фиғон анда.

Бало даштидағи оворалар сонин талаб қилдинг,
Бу янглиғ хонумонидин жалоларға не сон анда.

Чаманда яхши ёронлар била сармаст эмиш, ваҳким
Эмас мумкин сола олмоқ ўзумни мен ёмон анда.

Риёйи хонақаҳда гар сафо касб этмадинг бир дам,
Фано дайриға кирким, йўқ кудурат бир замон анда.

Кўнгул жоми жаҳонбиндур, тўла қил соф май бирла,
Ки солғай акс неким бўлса аҳволи жаҳон анда.

Жаҳон аҳли нифоқидин қаён борсам эмон эмин,
Тилармен ул жаҳонни, топқамен шояд амон анда.

Навоий минг жароҳат бирла тун ул кўй аро кирмиш,
Ки оқмиш ерга, юқмиш томға ҳар сори қон анда.

26

Ер тутқали ул кофири худком кўнгулда,
Йўқ менда кўнгул ўйлаки ором кўнгулда.

Ҳам гул иси, ҳам сарв бўйи кўнглума ёқмас,
То эврулур ул сарви гуландом кўнгулда.

Сиймин зақану шуълаи рухсорни ёпким,
Ўтлар ёқадур ул тамаъи хом кўнгулда.

То ғунчадек оғзингга тутуб зулфни очдинг
Қўзғатди хирад хайлини ҳар шом кўнгулда.

Кўнглумга дема зуҳддин, эй шайхки, ҳар кун
Кофир бачае май қилур ошом кўнгулда.

Кўнглумни бу дам жом ила боре тутайин хуш,
Чун зоҳир эмас сурати анжом кўнгулда.

Муғ дайрида қилдим ватан андоқки Навоий,
Ким муғбачалар васлидурур ком кўнгулда.

27

Буду нобудум агар тенг бўлди жонон оллида,
Зарра йўқу бори тенгдур меҳри рахшон оллида.

Кўзларимнинг чашмаси оллида уммон ҳажр аро
Кўр биайниҳ ўйладурким чашма уммон оллида.

Васл ичинда дўзах ўти бирла қўйған тоза доғ
Оташин гулдек гумон қил доғи ҳижрон оллида.

Эй мусулмонлар, не ҳолатдурки, ишқ этмиш забун,
Юз мусулмон хайлини бир номусулмон оллида.

Улки мажнун дейдилар, чиндурки ҳар дам кўргузур
Чок бўлған кўнглагин бу жисми урён оллида.

Фақр ила шод ўлки, ҳар ким бўлса аҳли маърифат,
Даҳр туфроғ бирла тенг бўлмоқ не имкон оллида.

Эй Навоий, жон сабо оллида қилғаймен нисор,
Бу гадо ҳолин деса етканда султон оллида.

28

Йигитлигимда эдим мубтало йигитларга,
Қариб ҳам ўзни тилармен фидо йигитларга.

Юзи сариғ, боши оқ бир қари гар ўлса, не ҳайф,
Энги қизил, кўзу қоши қаро йигитларга.

Десанг, қариб бўлайин зуҳду офият бирла,
Магарки бўлмағасен ошно йигитларга.

Тилар эсанг қарилиқ иззу рутбасини, магар
Кўнгулни бермагасен дилрабо йигитларга.

Нечаки бўлса йигитликда шўхлиқ матлуб,
Вале адаб била хуштур ҳаё йигитларга.

Қариға ҳар неча бўлса ситам йигитлардин,
Не бўлғуси қаридин жуз дуо йигитларга.

Не навъ зуҳд ила тақвони асрайин маҳфуз,
Ки учрадим қариликда бало йигитларга.

Етар азоб қариб, нохалаф ўғуллардин,
Нечаки тутсам ўзумни ато йигитларга.

Чу ҳусн бўлди, вафо истаманғ йигитлардин,
Ки Тенгри бермади ҳусни вафо йигитларга.

Нечаки маст йигитларни аҳли ишқ тилар,
Валек ишқдурур порсо йигитларга.

Навоиё, қарисанг ҳам жаҳонда бир неча кун
Рафиқ бўл, тилар эрсанг наво йигитларга.

29

Хатту зулфу қошларинг, эй дилбари чобук, бало,
Ул не юздурким, эрур давринда юз турлук бало.

Ошиқ ўлтурмакка ул кўздек балое кўрмадук,
Йўқса ошиқ бўлғали оламда кўп кўрдук бало.

Ул не кўздурким, эрур нозу карашма жомидин
Бўлса махмур — офат, аммо бўлмоғи усрук — бало.

Ишқ даштида ўлумдин қочмағилким, анда бор
Минг балоким, бу балодур барчадин ўксук бало.

Ишқ аро кўрдук ниҳоятсиз балийят, эй кўнгул,
Ҳажрдин душвор лекин кўрмамиш эрдук бало.

Ул балоларким, чиқарғай офиятдин кимсани,
Ишқ эрур қотил ва лекин май эрур кучлук бало.

Эй Навоий, ташлаб ўзлукни фано йўлиға кир,
Ким эрур ул йўлда эгнингга бу оғир юк бало.

30

Тифллар тошики, жисмим қилди сартосар қаро,
Бўлди савдоға саводи аъзам андин ҳар қаро.

Ёшдин англа юзум, гар сиймгундур, гар қизил,
Тошдин англа танимни: гар кўк ўлмиш, гар қаро.

Дема, кўнглунг лавҳиға ёзғил хирад ойинини,
Баски, қўйдунг доғи ишқ ул сафҳадур аксар қаро.

Панжаи хуршидни гўё қаро этмиш кусуф,
То қилиптур илгин ул ҳури парипайкар қаро.

Дуди оҳимдин демайким, зор жисмим сўзидин,
Кулки бўлмиш ўт тушуб куйган киби бистар қаро.

Умр йўқ жуз тийралик исёндаким, ҳайвон суйи
Истамакдин рўзгорин топти Искандар қаро.

Чун Навоий ишқ аро комиллиғин сабт эттилар,
Бўлди баским, аҳли ишқ от ёздилар маҳзар қаро.

31

Кўзунгга тани нотавоним фидо,
Равонбахш лаълингга жоним фидо.

Лабинг ранги оллида қоним сабил,
Қадинг жилвасиға равоним фидо.

Белу оғзинг олди тану жонниким,
Анга ошкору ниҳоним фидо.

Бағир лаъли, кўз дурри оллингда сарф
Демайким, санға баҳру коним фидо.

Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси,
Ки оллингда яхши-ёмоним фидо.

Фано даштида қани оворалик,
Ким ул сайрға хонумоним фидо.

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам
Санга айлай, эй дилситоним, фидо.

32

Чу ишқ дарду балони жаҳонға урди сало,
Нахустроқ мени бехонумонға урди сало.

Мен олдим ўн улушидин тўқуз ярим улушин,
Яримки қолди, ани инсу жонға урди сало.

Анинг дағи ярмини олди офариниш эли,
Яримини ёна бу нотавонға урди сало.

Бу нотавон ани ҳам жон била қабул этти,
Чу қочтилар ани ҳам ҳар қаёнға урди сало.

Кўнгул чу дарду бало толибидурур, гардун,
Агар етишти минғ офат ҳам онға урди сало.

Фиғонки, элга тутуб бода соқийи даврон,
Чу давр етти манга, барча қонға урди сало.

Навоиё, санга ҳар яхшилиқки мумкиндур,
Ки ёр меҳнат ўтин мен ёмонға урди сало.

33

Ҳар жафо қилсанг тўзармен, қилмасанг дағи вафо
Ўзгаларга не вафо қилсанг тўзармен, не жафо.

Элга гар ваъда вафо қилдинг, жафо мен хастаға,
Элни билман, қил манга ҳар ваъдаким қилдинг, вафо.

Ваъдалар қатлимғаким қилдинг, танимдин кетти заъф,
Гўё алфозинг эди дардимға оёти шифо.

Оразинг хуршидидин тушмиш қадингнинг сояси,
Ёки ерга судралиб мушкин сочинг қолмиш қафо.

Хурдадонлар айламаслар фаҳм огзинг рамзини,
Не учунким, бордурур ул нуктада беҳад хафо.

Тийраликдур даҳр иши, софий фано жомию бас,
Айюҳа-с-соқий лано даъ мо кадар хуз мо сафо.

Эй Навоий, жонинг олғумдур деса қайғурмағил,
Жонга миннат тут, мунунг бирла гар этса иктифо.

34

Кўзумдин ашк тугандию бўлди қон пайдо,
Бағирдин анда бўлур поралар нишон пайдо.

Жунунум ўлса дамо-дам таажжуб этмангким,
Кўзумга ул пари ўлур замон-замон пайдо.

Нужуми ҳусндурур хўблар, ваҳ, ул соат,
Ки бўлса ул юзи хуршид ногаҳон пайдо.

Мунажжим, ахтари бахтимни қўйки, оҳимдин,
Бу кун эрур не нужуму не осмон пайдо.

Не заъфдурки, сўрар элга фаҳм ўлур нола,
Валек кўзга эмастур бу нотавон пайдо.

Не йўл экин буки, ҳар неча корвон борди,
Бирисидин не асар бўлди, не нишон пайдо.

Навоий ўлди анинг даргаҳида андоқ гард,
Ки туфроқ ичра эмастур ул остон пайдо.

35

Шарора хатлари соғинма дуди оҳим аро,
Ки йиртибон юзини кийди мотамимға қаро.

Темур кўнгуллук улус қирмоғиға суҳондур
Қаю харошки, зоҳир бўлур фиғоним аро.

Чаманда барча гул ўрнига солғай ўт, булбул
Менинг фиғоним ила бир кун ўлса нағмасаро.

Муносиб ўлди чу ёндошсалар кумуш, олтун,
Юзумни кўксунға қўйсанг не бўлди, сиймбаро!

Танимни захм қилиб ишқ аҳлиға ярадинг,
Тараҳҳум этқани бу нотавонға дағи яро.

Қилур гадолиғ ул ой хони ҳуснидин ушшоқ,
Нечукки шоҳи жаҳон базми айшидин фуқаро.

Навоий оҳи навосози шоҳ Абулғозий
Сипеҳр мартаба Султон Ҳусайн Бойқаро.

36

Лабингға айламиш ул холи анбарин ғавғо,
Нечукки шаккар уза айлагай чибин ғавғо.

Бу навъ келмагай ислом наҳбиға куффор,
Ки куфри зулфиға айлаптур аҳли дин ғавғо.

Десам қиёмат анинг кўйини не айбки, бор
Қиёмат аҳлича ул кўйда камин ғавғо.

Хушо жунунки, чу юзлансам ул пари сари,
Қилур бошимға юз атфоли маҳжабин ғавғо.

Не айб қўзғаса давронни бўйлаким, ҳар тун
Ичиб қадаҳ солур ул шўхи нозанин ғавғо.

Чу ишқ нуктаси дермен, ҳужум этар ушшоқ,
Нечукки дарс дер элга бўлур қарин ғавғо.

Навоий узра ғаму дард қўзғалур не экин,
Бу хастағаки қилур ёру ҳамнишин ғавғо?

37

Кўз юзидин олғанимға ашкдин қондур сазо,
Васл аро шукр этмаганга доғи ҳижрондур сазо.

Телба кўнглум билмаган бўлса висолинг қадрини,
Ҳажр анга еткурди инак улча имкондур сазо.

Гулшани васлинг ватан эрканда гар шукр этмадим,
Дашт уза бўлмоқ алохону аломондур сазо.

Ошкоро лутфу хулқунгдин агар топтим ғурур,
Фурқат ичра эмди доғу дарди пинҳондур сазо.

Ҳажр ила берма сазо гар васл аро густох эдим,
Тиғи кин бирла сиёсат қилки осондур сазо.

Ошиқ ар қилса гунаҳ қилмоқ сазо ҳижрон эмас,
Қатл тиғи сурки қилмоқ ғорати жондур сазо.

Васл базмида наво қадрин, Навоий, билмадинг,
Фурқат ичра кеча тонг отқунча афғондур сазо.

38

Сен киби бир гул топилмас кезса юз гулшан аро,
Қоматингдек нахли тар минг сарв ила савсан аро.

Сен қилурсен нозу ўлтурған тамошо қилғали
Руҳ шахсидур, эмас кўз мардуми равзан аро.

Жоним ичра бўлмаса, эй сиймтан, меҳринг сенинг,
Меҳрибонлиқ расмида жоним керакмас тан аро.

Қилмаса равшан жамолинғ ламъаси кўз мардумин,
Қўйман ул юзи қарони дийдайи равшан аро.

Ганжи ҳуснунғ ичра муҳлик ғамза, эй султони ҳусн,
Шоҳларға заҳр бўлғандекдурур махзан аро.

Муддаийлар ичраким қатлимға душманвор дўст
Тиғ сурди, дўстком этти мени душман аро.

Лайлию Ширину Узро ноз сендин касб этар,
Зуфунунлар кўрки, шогирдингдурур бу фан аро.

Ақл ранжидин амон истаб тутубмен майкада,
Эй хирад, қўйким, тинай бир лаҳза бу маъман аро.

Кўксум ичра йўқ эса кўнглум ажаб йўқ, эй хирад,
Не ажаб девонани гар топмасанг маскан аро.

39

Бас ажабдур гар манға ул дилрабо қилғай вафо,
Кимга умр этти вафоким, ул манғо қилғай вафо?

Чун вафосиздур қаро кўзлар санга ҳам, эй кўнгул,
Мумкин эрмастурки, ул кўзи қаро қилғай вафо.

Мен жафо тортарға хўй эттимки, йўқ имкониким,
Ул жафожў то қила олғай жафо, қилғай вафо.

Чун менинг дардим паривашлар жафосиндиндурур,
Ушбу дардимға магарким ҳам даво қилғай вафо.

Қил вафо, ушшоқинга, эй шўхким, ноғоҳ агар
Бир пари ишқиға зор ўлсанғ, санго қилғай вафо.

Даврнинг ифлосидин май ички, жоҳ аҳлиға ҳам
Айламон боварки, бу дайри дағо қилғай вафо.

Айтса бўлғай замон нодони, жоно, ониким,
Жон бериб аҳли замондин муддао қилғай вафо.

Ўзга ойлардин вафо нақл этсалар манъ айламан,
Лек инонман ониким ул бевафо қилғай вафо.

Эй Навоий, кўп вафодин дема сўзким, айби бор,
Фахр ишқ ичра агар бир бенаво қилғай вафо.

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «НАВОДИР»ДИН

40

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб,
Ким гули шуълайи ғам, ғунчасидур хори тааб.

Сунбули ришталарин риштайи мақсуд дема,
Ким кўнгуллар қуши домиға эрур барча сабаб.

Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,
Тойири умрунг учун донаву су топти лақаб.

Англа зийрак қуш аниким кўрубон мундоқ дом,
Бўлмағай теграсида обхўру донаталаб.

Дона еб, ҳосил этиб фазла, нажас айламагай
Боғ саҳнини, риоят қилибон тарки адаб.

Ё бўлуб домға муҳкам топа олмай махлас,
Урунуб, толпинибон айламагай шўру шағаб.

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб.

41

Топмиш ул юз қатра-қатра хайдин ўзга обу тоб,
Қайда, ваҳ-ваҳ, мунча кавкаб зоҳир айлар офтоб.

Чиқма тўққуз парда кейнидинки, олам куймасун,
Олсанғ олти-етти бурқаъ, қўйғил икки-уч ниқоб.

Бир дам ул юз нақши гирён кўз аро топмас қарор,
Су аро хуршид аксидекки қилғай изтироб.

То кўнгул девона бўлди ул пари лаълин кўруб,
Ҳифз учун қайдиға қилдим риштайи жондин таноб.

Дарди ишқимдин суол этти ул ой, фарёдким,
Юз жавобим бору йўқ ҳушум демакка бир жавоб.

Бу чаманда ғунча эрмас, англа, булбул кўнгликим,
Шишлади ишқ айламакка оташин гулдин кабоб.

Эй Навоий, гар десангким ғусса барбод этмагай,
Бош кўтарма бодадин зинҳор андоқким ҳубоб.

42

Етти ҳажр айёми, қатлимға недур ҳар дам итоб,
Мен худ ўлгумдур яқин, эй умр, кўп қилма шитоб.

Элга меҳрингдин куярмен, менга қаҳринг саҳл эрур,
Дўзах аҳлиға эрур жаннатни кўрмаклик азоб.

Ўлтурур чун ҳажр, бепарволигинг ортуқсидур,
Дард муҳликдур, не ҳожат шарбат ичра заҳри ноб?

Невчун элдек йўқ менга меҳрингки, сарву гул уза
Тушса хору хасни ҳам маҳрум қўймас офтоб.

Бодпойинг йўлида хоки таним гард айладим,
Ваҳким, ул гард-ўқ муродим юзига бўлди ҳижоб.

Ашк суйидин қадинг сарвини қилдим сарбаланд,
Ваҳ, ҳамул судин умидим уйини қилдинг хароб.

Ул қуёш ҳажри мени ўлтургали бас, эй сипеҳр,
Сен қуёш тиғин чекиб қилмоқ не ҳожат изтироб?

Бу чаманда су масаллик покрўни чархдин
Кўрмадикким, кўнгли синмай қолди андоқким ҳубоб.

Чун Навоийдин узулдунг, бор савоб ўлмоқ анга,
Жонидин маҳжур ўлар валлоҳу аълам биссавоб.

43

Эл парию ҳурни дегай гумон қилғонча хўб,
Лек эрур ҳури паризодим менинг юз онча хўб.

Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам беҳад, валек
Бўлмағай минғдин бир ул сарфитнаи давронча хўб.

Кун била тун юз била хаттингча хўб эрмас яқин,
Бўлса бу гулшанда бўлғайлар гулу райҳонча хўб.

Ҳусниға ушшоқ агар менча ҳалок эрмас не айб,
Ким киши ул юзни кўрмайдур мени ҳайронча хўб.

Ҳуснидин тўймоғ эмас мумкинки, беҳад хўб эрур,
Тўйғай эрдим, бўлса эрди Юсуфи Канъонча хўб.

Эй кўнгул, Фарҳоду Мажнун бўлғай эрди бизча зор,
Бўлса эрди Лайлию Ширин бизинг жононча хўб.

Буки тарки ишқ этарлар ваъда ёлғон қилса ёр,
Қилса бўлмас, бўлса ёр ул ваъдаси ёлғонча хўб.

Эй кўнгул, ҳуру пари васфин эшиттим, гўйиё
Ҳеч қайси одамийлиғда эмас инсонча хўб.

Эй Навоий, кўйининғ хори кўзумга гулча бор,
Ким эрур оллимда кўйи равзаи Ризвонча хўб.

44

Ажаб йўқ ўлса қаро зулф оразингға ниқоб,
Қуёшқа тонгмудурур бўлса шоми тийра ҳижоб?

Кўзумга ўт чақилиб кожи ғамдин, ашким оқар,
Нечукки соиқа тушкач тўкар ёғинни саҳоб.

Магарки масжид экандурки, бўлди бутхона,
Юзунгки, икки қошингдин тўридадур меҳроб.

Сочинг хаёли кўзум баҳри ичрадур, ё ишқ
Кўнгул сиёсатин истаб, су ичра солди таноб.

Юзунгки айни ҳароратдин ўлди ғарқи арақ,
Де ани чашмайи хуршид ё гули сероб.

Хумор ғолибу майхона эшиги боғлиқ,
Тараҳҳум айла манга ё Муфаттиҳ-ал-абвоб.

Навоиё, келибон пири дайр очса эшик,
Кўтарма бош оёғидин, бошинг гар ўлса туроб.

45

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб?

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ ғазаб.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод ағар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинғ исланғани эркин сабаб.

Ишқ комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд армани, ёхуд араб.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водийсиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.

46

Сочинғ қаронғу тун, эй сарвқадди ширинлаб,
Юзунғ тун ўртасида жилва айлаган кавкаб.

Юзунгда лаб су аро ўт эрур, бу асру гариб,
Лабингда хай ўт аро су эрур бу асру ажаб.

Ғамингда «ё Раб»у «ё Раб»ни кўкка еткурдим,
Қабул қурбини топқайму, ё Раб, ул «ё Раб»?

Хаёли хаста кўнгул ичраю манга қайғу,
Ки бу латифу йўқ ул ерда гайри ранжу тааб.

Есун итинг жигаримни узуб-узуб, негаким
Кесиб-кесиб қошиға ташламоғлиқ эрмас адаб.

Не келса чархдин ич бодаким, тафовути йўқ,
Агар иноят этарсен анга, йўқ эрса ғазаб.

Навоий, ўлмаки, матлубунг ўлмаса толиб,
Сенинг ичингга недин солди мунча дарди талаб?

47

Ул ойнинг гулшани ҳуснин хазондин асрағил, ё Раб,
Гулу шамшодин осеби замондин асрағил, ё Раб.

Балои ишқ ногаҳ учрар, ушбу телбадин ўзга
Улусни бу балойи ноғаҳондин асрағил, ё Раб.

Ул ой ҳар ёнки айлар майл, ишқ аҳли ҳужум айлар,
Манга сўз буки: ани барча ёндин асрағил, ё Раб.

Ниҳоний дарди анинг муҳлик эрмиш заҳри қотилдек,
Жаҳон аҳлини ул заҳри ниҳондин асрағил, ё Раб.

Манга номеҳрибонлиқ бирла ул бут қасди дин қилди,
Бари элни бути номеҳрибондин асрағил, ё Раб.

Халойиқ дини торожиға чиқти маст ул кофир,
Қаён майл этса ислом аҳлин ондин асрағил, ё Раб.

Чиқармен телба итдек офият кўйидин ўт сочиб,
Жамиъи яхшиларни мен ёмондин асрағил, ё Раб.

Жаҳон аҳлиға қилдим жон фидою қасди жон кўрдум,
Не маҳзун жонки бор, аҳли жаҳондин асрағил, ё Раб.

Навоийнинг фиғони ўти куйдурди жаҳон аҳлин,
Малойик хайлин ул ўтлуғ фиғондин асрағил, ё Раб.

48

Хатинг ҳам хўбдур асрую холинг ҳам бағоят хўб,
Лабинг ҳам хўб эрур, лаълингда нутқунг бениҳоят хўб.

Бошингда ҳам бинафша, юзда ҳам ул холлар хуштур,
Ки мусҳаф сафҳаси узра кўрунур ушбу оят хўб.

Чу сўз рангиндурур, хуштур, санамлар лаълидин хушроқ,
Ки лаб рангин эса андин келур рангин ҳикоят хўб.

Юзунг май нашъасидин хўб эрурким, оқча юзларни
Назарға кўргузур, чунким етар ўтдин сироят хўб.

Дегач сендин биров афсонае бас шод ўлурменким,
Кўнгул ичра нашотангиз эрур бўлса ҳикоят хўб.

Кишига дарди дил қилмон, кўнгулга тиглар урсанг,
Ки эрмас хўблардин нотавонларга шикоят хўб.

Қадаҳ гар бермасанг, эй дайр пири, не осиғ ранжим,
Сулук этмас асар, гар пирдин етмас ҳидоят хўб.

Ўлуб эрдим фироқ ошубидин, лекин менга соқий
Бир-икки-уч лаболаб жом ила қилди ҳимоят хўб.

Тушуб гул ҳуснидин булбулға мушкил, лол эди, қилдинг
Навоий ҳаллиға ул ой жамолидин ривоят хўб.

49

Қайси бир туҳматки бизга қилмади нисбат рақиб,
Қайси бирниким эшитқач қилмади бовар ҳабиб?

Чун рақибимға рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,
Найлай ўлмайким, ҳабибимға ҳабиб ўлмиш рақиб.

Ўз диёринда ғариб элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёринда ғариб ўлмоғлиғим эрмас ғариб.

Жон фидо айлаб дедим, васлинг насиб ўлғай манға,
Бўлса жоним қасди қилғанлар насиби, ё насиб!

Гар менинг ишқимға ҳуснунгдин вафое етмади,
Йўқ сенинғ ҳуснунг менинг ишқим нишони анқариб.

Гулда чун ранги вафодин рангу бўе йўқ эмиш,
Ўтмагай эрдинг бу гулшан сори кош, эй андалиб.

Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен тифли раҳ, чархи мухолифдур адиб.

50

Наботдин газак этсанг ичарда бодаи ноб,
Лабингға еткач, ўлур ул набот лаъли хушоб.

Учуқмудур буки, майгун лабингда зоҳирдур,
Йўқ эрса май юзида зоҳир ўлди реза ҳубоб?

Фироқ етмас эдиким, рақиб суҳбати ҳам,
Тамуғ бас эрмас эдиким, изофа бўлди азоб.

Сиришк оқар талабингға югурса пайки назар,
Нечукки тез борур эл сайр вақти қилса шитоб.

Қошинда ер ўпа олман қошиға тушса гириҳ,
Ки сажда рост эмас, эгри чун бўлур меҳроб.

Не тонгки, олами арвоҳ аро жунун тушкай,
Ки руҳ бўйниға ул зулф солди юз қуллоб.

Сипеҳр зулмини айлар замон мусовийдур,
Агар сен этсанг анга хоҳ лутфу хоҳ итоб.

Замона кимга вафо қилдиким, манга қилғай,
Замоне айла вафо, соқиё, кетур майи ноб!

Навоий айласа муғ дайрини ватан не ажаб,
Ким ул эшик анга очмиш Муфаттиҳ-ул-абвоб.

51

Оғзи рамзин билмасам, эй хурдадон, кўп қилма айб,
Хурда тутмоқ расм эмас фаҳм этмаганга сирри ғайб.

Жонму ё лаълинғ чучукдур десам, аччигланмағил,
Нукта мубҳам бўлса, эй жону жаҳон, сўрмоқ не айб?

Субҳ гўёким юзунг гулзоридин келди насим,
Ким тўлуптур атридин гулга этак, насринға жайб.

Оразинг узра ики зулфунгни очмоқ не эди,
Ким яқин хуршидиға ёптинг саҳоби шакку райб.

Ростлиғ иршоди бу йўлда қилур толибға пир,
Рост ул янглиғки, Мусоға асо берди Шуайб.

Чун ҳабибим чеҳра очди, шавқ ўтиға куйдилар,
Бузар ўлсун ёки Салмон, ё Анас, ёхуд Суҳайб.

Эй Навоий қарридинг, чиққил йигитлар базмидин,
Ким шабоб айёмиға нисбат эмас даврони шайб.

52

Гул чоғи ҳар гулга бир булбул тараннум кўргузуб,
Тоза қонлиғ доғ ила кўнглум қуши афғон тузуб.

Бўлди бир гул ҳажридин жисмим очилған гулбуне,
Жузв-жузвин баски тишлаб-тишлаб олмишмен узуб.

Ҳажринг оҳи ҳам кўнгулни буздию ҳам қўзғади,
Ел анингдекким совурғай ғунча ажзосин бузуб.

Заъфдин буким йиқилмишмен қилурмен пойбўс,
Сарвдек оллимда қаддингнинг хаёлин турғузуб.

Мултафит булбулға сен, эй гул, тиканга ёндашиб,
Ваҳ, неча ўлтургасен ҳар лаҳза они тиргузуб?

Дайр пири илгидин май дурди истармен, валек
Рози эрман ичкали зоҳид ридосидин сузуб.

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб,

53

Шоми ғам ёғдирдиму оҳим шафақни су қилиб,
Ё фалак қон йиғлар ул ой оллида ҳолим билиб?

Пўя ҳангоми самандинг наъли учқан турфадур,
Ким шарар кўрдики чиққай барқ ўтидин айрилиб?

Тан уйида кўнглум андоқким бузуғда хорпушт,
Баски атрофида пайконинг туруптур санчилиб.

Ғунчадек кўнглум бир очилғунча сенсиз қон ютар,
Таҳ-батаҳ аъзоси қон боғлаб яқоси йиртилиб.

Ҳар дам ул гулчеҳрадин ашким бўлур абри баҳор,
Кўзларимға ишқ илги кожидин ўт чақилиб.

Йўқ сенинг зуҳдунг, менинг журмумға тағйир, эй фақиҳ,
Чун қуруптур хомайи қудрат ёзилған ёзилиб.

Номаву қосид била топмас Навоий дарди шарҳ,
Чун туганмас меҳнати не ёзилиб, не айтилиб.

54

Раҳм этар кофир кўзунг ул зулфу юзда чирмолиб,
Гўйиё бўлмиш мусулмон ўтға зуннорин солиб.

Хирмани сабримни қўзғаб, кўз ёшимни сочти ҳажр,
Ўйлаким ҳар ён сочилғай дона, хирман қўзғолиб.

Зулфунга мажнун кўнгул боғланди, хотир жамъ қил,
Телба қайда борғуси, занжири ерга судролиб.

Қатл чун қилдинг кўнгулни, бу кафан тикмак экин,
Ўқларингким қолдилар жон пардасиға тевролиб.

Гар ўюб олдинг кўзумни, сендин олмоқ истамон,
Ҳусн агар будур, киши бўлмас кўзин сендин олиб.

Қоматинг борди назардин айлабон кўнглумни реш,
Рост ул ўқдекки ўткай, лек захм андин қолиб.

Соқиё, ҳажр ўлтурур, май тутқил анда заҳр эзиб!
Мутрибо, ҳолимға йиғла, навҳа оҳангин чолиб.

Қадди шавқидин ҳаво қилмоқ тилар кўнглум қуши,
Неча тан зиндонида маҳбус қолғай қийнолиб.

Эй Навоий, ғам туни эрмас шафақким, чархни
Қилди гулгун қон ёшинг дарёси ҳар дам чайқолиб.

55

Гулрухи раъноқадим чун боғ тавф айлар бориб,
Инфиолидин гули раъно қизориб, сарғориб.

Юз шикоф эттинг таним, йўқ эрди кўнглумдин нишон,
Ўйлаким ўт топмағайлар кулни ҳар ён ахториб.

Совуғ оҳимдин ёруғлуқ оз, вале кўп тийралик,
Қишда ул янглиғки, тун бўлғай узун, кун қисқориб.

Заъф вақти кўйидин чиқмоқ тахайюл айласам,
Икки қатла ҳар қадамда тинмоқ истармен ҳориб.

Тутмадим бўғзим сабудек бода тарки айлабон,
Май тилармен пири дайр оллида балким ёлбориб.

Соқиё, лаб ташнамен, андоқки, кўк жоми тўла
Бода тутсанг, сарнигун айлармен они сипқориб.

Эй ажал, ҳижрон аро олдинг Навоий жонини,
Лутф қилдинг, жонни ондин, они жондин қутқориб.

56

Чун кулар ёни сўкулган жисми зоримни кўруб,
Йиғлағайму ёни емрулған мазоримни кўруб?

Ўйла ғам даштида туфроқ ўлмишамким, ул тараф
Келмагай Фарҳод ила Мажнун ғуборимни кўруб.

Ҳажр ўти то ўртади кўнглумни ақлу ҳушу сабр,
Иттилар ҳар ён қарорған рўзгоримни кўруб.

Ғурбат ичра мен ўлар ҳолатда деманг зинҳор,
Келса ногаҳон биров ёру диёримни кўруб.

Ўйла мажруҳ ўлмишамким, қилмадилар тўъма ҳам,
Айлаб итларга асар жисми фигоримни кўруб.

Соқиё, икки лаболаб жом ила тиргуз мени,
Даҳр эли андуҳидин муҳлик хуморимни кўруб.

Эй Навоий, даҳр бўстониға мойил бўлма кўп,
Ғам хазониға бадал бўлған баҳоримни кўруб.

57

Дуди оҳим кеча-кундуз чу фалак сори бориб,
Субҳға дам тутулуб, шомға ораз қорориб.

Ишқ боғида фироқ илги умидим нахлини,
Йўққи шохин ушатиб, балки тубин ҳам қўпориб.

Сени истарга назар пайки югурди онча,
Ким эмастур ёшидин қатра, аёғи қабориб.

Чирмашиптур ўқиға пай киби жон ришталари,
Эй кўнгул, эмди бўлурму они тортиб чиқориб?

Тошким, ёғди яланг жисмима ғам хайлидин,
Лолалар очди бу туфроқ ёғинидин кўкориб.

Ўқининг тешмағи кўнглумни бас эрмас эдиким,
Бошоқ истарга доғи тиғ ила ҳар сори ёриб.

Саргарон қилди мени ўйла хумор, эй зоҳид,
Ким уятдин боқаолман юзунга бош кўториб.

Майли дунёки, солур кимсани тинмасликка,
Тинибон кўнгли анинг кимки, кўнгулдин чиқориб.

Ёрумоқ истар эсанг аввал арит кўнгулни,
Эй Навоий, кўзи ёруб кишиким, кўнгли ориб.

58

Тиғ ила хоки танимни ҳар тараф ёрдинг келиб,
Нақди жон олмоққа бу туфроғни ахтординг келиб.

Келдингу кўнглумни юз чок этмагунча бормадинг,
Баъд умре, эй ситамгар, яхшилар бординг келиб.

Жон сенга қурбонки, олиб жон, кўнгул афғонидин
Ҳам ўзунгни, ҳам мени, ҳам элни қутқординг келиб.

Қатл бас эрди, таним ул кўйдин судрамакинг,
Ортуқ эрди, эй жафожў, ҳаддин ўткординг келиб.

Эй кўнгул, оздур сенга бу ҳамки, ул ой кўйидин,
Манълар қилдим, вале юз қатла ёлбординг келиб.

Соқиё, еткурмиш эрди жонни оғзимға хумор,
Жон фидонг ўлсунки, бир май бирла қутқординг келиб.

Зуҳд этиб эрди Навоийни хароб, эй муғбача,
Тенгри ёрингким, фано дайриға бошқординг келиб.

59

Туганмас меҳри йўқ ҳажрим туни шарҳин савод айлаб,
Варақ афлок ўлуб, ул тун саводин-ўқ мидод айлаб.

Улусни оқизур ашким, фалакни куйдурур оҳим,
Чекиб ун йиғласам ғам шоми ул маҳвашни ёд айлаб.

Муроди номурод ўлмоқдин ортуғроқ эмас мумкин,
Муродин гар топар ул шўх, бизни номурод айлаб.

Иноиб васлиға ҳажрин унуттунғ, эй кўнгул, лекин
Қутулғайму ўлумдин, умриға эл эътимод айлаб.

Мени худ ул пари ҳажри қилиб саҳрода саргардон,
Чекиб бечора Лайло оҳу Мажнун эътиқод айлаб.

Совурғил ақл уйин, гардун, мени мажнун агар ўлсам,
Таним туфроғию оҳим елидин гирдбод айлаб.

Оёғ ёланг бориб қилдинг иморат Каъбани гўё,
Аёғинг ўпмаги бирла бузуғ кўнглумни шод айлаб.

Бошим ҳам зуҳд уётидин қуйи тушмиш ҳам андинким,
Борурмен дайр сари хонақаҳға хайрбод айлаб.

Навоий кўнглини кўп меҳр ила олди ул ой андоқ,
Ки олғай муштарий қаллошлар молин музод айлаб.

60

Эй кўнгул, маст ўлали азми харобот айлаб,
Дайр кўйида гадолиққа мубоҳот айлаб.

Бода тутким, бу улуғ коргаҳ аҳволиндин,
Ҳеч фаҳм ўлмади ҳар неча хаёлот айлаб.

Хуш мақом англа фано дайриниким бўйла мақом
Топмади аҳли вараъ қатъи мақомот айлаб.

Ринди майхора қадаҳ туттики, зоҳид ҳаргиз,
Қилмади бўйла карам арзи каромот айлаб.

Қўйғил ўзлукни гар одам эсанг, инак шайтон
Кибр ила найлади кўр, онча ибодот айлаб.

Ганж уммиди била туфроққа эл кирди басе,
Умр зойиъ қилибон фикри маҳолот айлаб.

Чекма кўп ранж, Навоийки, киши топмайдур.
Ўзидин халқни хушнуд муроот айлаб.

61

Баҳор элга айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима барқу йиғлаб саҳоб.

Солиб туфроғ устида бир гул ғами,
Ориғлиқ судек жисмима печу тоб.

Кетиб ғунчадек дағи наргис киби,
Оғиз бирла кўздин манга хўрду хоб.

Эсиб халқ сари насими висол,
Менга ҳажр ўтидин етиб илтиҳоб.

Гули васл агар даҳр боғида йўқ,
Етар қатлима ҳажр хори азоб.

Кўҳан дайр бедоду зулми била,
Дариғоки, ўтди замони шабоб.

Чу йўқ васл, бехудлуғ авлодурур,
Қадаҳ даврига айла, соқий, шитоб—

Ки, ўзни қилай неча соғар чекиб,
Бу дайри хароб ичра масти хароб.

Навоий, десангким замоне тинай,
Замон аҳлидин айлагил ижтиноб.

62

Кўзунгдин ҳам кўнгул, ҳам жонда ошуб,
Демай жону кўнгул, давронда ошуб.

Нечаким солса ошуб элга ҳайрат,
Улусча юз мени ҳайронда ошуб.

Чаманға бормиш ул гулрух, эмас ел,
Ки оҳимдин дурур бўстонда ошуб.

Ҳазин жону кўнгулда кўзларингдин
Тушуптур мунда офат, онда ошуб.

Кўзум булғанди мавжи ашкдин, вой,
Кўрунг кўлокидин уммонда ошуб.

Бўлай садқанг, мени кўп қилма музтар,
Неча бўлгай бу саргардонда ошуб.

Қадаҳ тут, соқиёким, асру тушмиш,
Бузуғ кўнглум аро ҳижронда ошуб.

Илигдин солма бир дам давр аёғин,
Фалакдин чун тушар давронда ошуб.

Солур кўнглум, Навоий, не эканким,
Яна кўптур бу бесомонда ошуб.

63

Кўзум ёшиму оқиб, ул қуёш сари чу боқиб,
Йўқ эрса тобидин анинг кўзумга терму оқиб?

Не кўздур улки, итига солурда бағримни,
Қийиб-қийиб олиб, андин қиё-қиё чу боқиб.

Узулди тори ҳаётим менинг, магар ул умр,
Узунроқ эткай ани зулфи риштасини тоқиб.

Етишса кожи фироқ кўзумга ўт чақилиб,
Кўнгулни ўртагали ҳам фалак бу ўтни чоқиб.

Тўпамни сарзаниш илги тенг этти ер бирла,
Ки ҳар кишики, етиб, кўйида бошимға қоқиб.

Чу ишқ ўтин ёралиқ кўнглум ичра ёқти ул ой,
Ўнголди захми бу марҳам жароҳатимга ёқиб.

Яшурмоқ истамагил майни мендин, эй соқий,
Ки тийра айламагай айшим ул қуёш уёқиб.

Жаҳонни бир кесак англа, ҳавоси — гарди бало,
Бу гарддин қутулуб ҳар киши ани йироқиб.

Навоиё, чу сипаҳ чекти ишқ кўнглумга,
Салоҳу зуҳд ила тақво бузулдилар улоқиб.

Бу кеча базмим аро турфалар ифшо айлаб,
Ўртади ишқ икки офат манга пайдо айлаб.

Бири дасториға гулранг ўтаға санчиб,
Қон хаёли бошида эрканин имо айлаб.

Бирининг боши уза титрагуч ул янглиғким,
Титрабон руҳ чу ул сари тамошо айлаб.

Бириси сархушу қошида гириҳ, илгида тиғ,
Юз минг имону хирад мулкини яғмо айлаб.

Бириси гул уза ошуфта қилиб сунбулини,
Юз туман жону кўнгул хайлини шайдо айлаб.

Ишқ гоҳи урубон жонима ҳайрат барқи,
Чун анинг жилваи ҳуснини тамошо айлаб.

Нафс гоҳи солибон кўнглума ишрат ҳаваси,
Чун мунунг давлати васлини таманно айлаб.

Агар ул ҳусн тамошосиға бўлсам мойил,
Руҳни волиҳ этиб, ақлни шайдо айлаб.

Йўқса бу васл таманносиға бўлсам рогиб,
Коми фикри мени офоқда расво айлаб.

Манга не ул бўлиб алқисса муяссар, не бу,
Гоҳ ани зоҳир этиб, гаҳ муни ихфо айлаб.

Эй Навоий, дема кўп, ҳарзаву қил истиғфор,
Тенгридин офияту тавба тавалло айлаб.

65

Ғозаву сурмаға чун кўнгли бориб,
Гул қизариб, дағи наргис қарориб.

Қолди деб гамзам ўқи кўнглунг аро,
Истаю ҳар сари кўксумни ёриб.

Не қуёшдурки, хаёл ичра юзи,
Назаримға чу келиб кўз ёшориб.

Ишқ нахлини кўнгулда эктим,
Барчанинг майли ниҳолин қўнғориб.

Талабингда югуриб пайки назар,
Ончаким бошгин-аёғи қабориб.

Ёр аксининг ўлуб жилвагаҳи,
Кишиким хотири миръоти ориб.

Дайр пири қулименким, май ила
Ғайр нақшини кўнгулдин кеториб.

Шуълайи ораз ила муғбачалар,
Дайр аро дуд бошимдин чиқориб.

Кўксини қилди Навоий чу шиёр,
Тухми меҳрингни бу мазраъдаториб.

66

Ёр ул вақт жафо расми тутуб,
Ким вафо даъбу тариқин унутуб.

Халқни ғофил этиб қатл қилур,
Кўз очар фитнаға элни уютуб.

Юзу оғзинг ғамидин кўз ёшим
Чун оқиб, гул очилиб, ғунча бутуб.

Бўлубон хайли малак парвона,
Чун қазо шамъи жамолинг ёрутуб.

Фурқатинг дўзахиға хотирни,
Боғи жаннат аро бўлмас овутуб.

Бу фано дайрида улким ичмай,
Баски даврон аро хуноба ютуб.

Заҳри ғам тутти Навоийға фироқ,
Лаълинг уммидидин оғзин чучутуб.

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИЙВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «НАВОДИР»ДИН

67

Ул парийнинг чу бу мажнундин эрур ваҳшати кўп,
Манга андин неки, аҳбоб ила бор улфати кўп.

Тушса куйган танима соиқайи ишқи не тонг,
Ким шарар бирла бўлур сўхтанинг нисбати кўп.

Кўнглума васл зулоли била бергил таскин,
Ким ани куйдурадур ишқ ўтининг ҳирқати кўп.

Куймагим дафъи учун дўзах ўтин истармен,
Негаким жонима етти шарари фурқати кўп.

Жонни ул навъки тан орзу эткай беҳад,
Руҳбахш эрнинга жонимнинг эрур ҳасрати кўп.

Ҳолатим саъб эса ул пок ғамидин не ажаб,
Ишқнинг шиддати кўп, ҳусннинг ар иффати кўп.

Дайр пири чу карам бирла талофий айлар,
Ғам эмас, гар етишур муғбачалар шиддати кўп.

Бодайи соф била дафъи кудурат қилсун,
Аниким тийра қилур давр элининг заҳмати кўп.

Эй Навоий, чу ўтар яхши-ёмон, ғам емадик,
Улки давронда эрур ишрати кам, меҳнати кўп.

68

Аввал иста манзили амну ҳарифи сода топ.
Чунки бу икки муяссар бўлди, нуқлу бода топ.

Иктифо қилма буларға, истар эрсанг лаҳзае,
Нукта сурмак бир ҳарифи фонийи озода топ.

Ким кўнгул сайд этса, лўли бўлсаким тут муғанам,
Айтман арлот ё барлосдин мирзода топ.

Эй парирух, ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,
Истасанг ошиқ менингдек бедили афтода топ.

Неча ишқ аҳлини айлаб имтиҳон, рад қилғасен,
Ҳар жафо айларга кўнглум иставу омода топ.

Эй кўнгул, гар шайх ишқинг манъ қилди, қилма айб,
Олам ичра боре аввал бир анингдек лода топ.

Эй Навоий, умрунг ўтти, неча бут зикрин демак,
Гўшае тут эмди, бир тасбиҳ ила сажжода топ.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «НАВОДИР»ДИН

69

Чун қўюб кеткунг жаҳон мулкин мусаххар бўлди тут,
Чун ётиб ўлгунг фалак тахти муяссар бўлди тут.

Бир овуч су топмайин ўлсанг керак чун ташналаб,
Баҳр ила бар фатҳида ўзни Сикандар бўлди тут.

Чун ҳумоға туъмадур охир бошингда ҳар сўнгак,
Ул ҳумо бошингга беш кун соягустар бўлди тут.

Афсарингни шом туфроққа урар чун даври чарх,
Субҳ заррин тожини бошингга афсар бўлди тут.

Не Фаридундин асар чун қолди, не Жамшиддин,
Ҳашматинг Жамшиду Афридунға ҳамбар бўлди тут.

Ул гул айлар рўзгоринг тийра, ўртар бу шарар,
Бас мутиъи ҳукму раъйинг чарху ахтар бўлди тут.

Ул бағир қони, бу кўз ёши дурур чун оқибат,
Дурру лаълинг кон ила дарёға мунжар бўлди тут.

Чун лагадкўби қазо паст эткуси тавсанлиғинг,
Тавсани гардун рикобингға таковар бўлди тут.

Эй Навоий, ич фано жомин, йўқ эрса тенгдурур,
Даври дун раъйинғ била гар бўлмади, гар бўлди тут.

70

Бир мақоми амн топ, анда бурун ором тут,
Сўнгра туз базму дилоромингға ҳар дам жом тут.

Гарчи кундуз меҳр тобидин ёруғроқдур жаҳон,
Бўйла жоми айшни, албатта, лекин шом тут.

Ёри гулрух лаъли серобию соғар қонидин,
Ҳам майи гулранг нўш эт, ҳам майи гулфом тут.

Бир нафас мутриб суруди дилкашидин бода тот,
Бир замон соқий ақиқи беғашидин ком тут.

Бўлма бот усрук, ғанимат тут бу янглиғ кечани,
Жоми май тун аввалидин то саҳарҳангом тут.

Бўлса бўлғай элга бу давлат муяссар, эй кўнгул,
Бизга лекин даст бермакни хаёли хом тут.

Гар Навоий волийингдур, қовмағил, эй муғбача,
Они ҳам бу дайр аро бир ринди дурдошом тут.

71

Навбаҳор ўлдию мен ҳажрида, соқий, май тут,
Токи йиғлай қилибон арбада андоқки булут.

Ҳажрдин абри баҳорий кибидур тийра кўзум,
Кўз юмуб очқуча, эй барқи висол, они ёрут.

Сен суманбарсену мен лола киби қон ароким,
Дояи даҳр бериптур манга қону санга сут.

Ҳажр андуҳидамен, соқий, ул ойдин сўз деб,
Мени бир-икки тўла соғари май бирла овут.

Икки лаълингни ўпай, дағи баҳо жон берайин,
Гар баҳо ўксук эса, сен дағи нисфин ўксут.

Бода чун боиси нисён эмиш онча ичайин,
Ким манга ҳар неки жуз ёрдурур, бўлсун унут.

Эй Навоий, манга бас ул санами лўливаш,
Бекка қипчоқу оқор, шаҳға қиёту билгут.

72

Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон оқибат,
Асраған розимни ёйди сели мужгон оқибат.

Ёшуруб эрдим бағир чокини, ваҳким, қилди фош
Ҳар тараф кўздин тарашшуҳ айлаган қон оқибат.

Тиғи ҳажрингдин ниҳон кўксум шикофин, оҳким,
Элга равшан айлади чоки гирибон оқибат.

Войким, кўксум шикофидин улусқа бўлди фаҳм,
Ишқ ўти бағримға қўйған доғи пинҳон оқибат.

Шавқидин дам урмайин бедодиға хурсанд эдим,
Ваҳки, бўлдум ҳажридин расвойи даврон оқибат.

Гар будур кофир кўзу зуннори зулфи, эй фақиҳ,
Бўлғудекмен дайр аро масту паришон оқибат.

Ишқ кўйида жунунумни мунодий айлади,
Ҳажр тошидин мунаққаш жисми урён оқибат.

Даҳр бўстони аро саркаш ниҳоле кўрмадук,
Соя янглиғ бўлмаған ер бирла яксон оқибат.

Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат?

73

Лаълидин чунки такаллумда томар оби ҳаёт,
Совуғ оҳимдин ўлур боғласа муз ҳабби набот.

Ул парий кўздин учар, кўз доғи шавқидин учар,
Ваҳки, мен учқоли ҳам йўқтур эгнимда қанот.

Зулфунг оллида бинафша суда кўргач аксин,
Қўймади ёна бошин юқори қилмоққа уёт.

Борибон ҳар неча бот келса, кўрунур менга кеч,
Келибон ҳар неча кеч борса, кўрунур манга бот.

Сирри ишқингни дей олман, ёза ҳам олманким,
Тили икки қаламу кўнгли қоро келди давот.

Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб,
Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт.

Соқиё, ҳуш керакмас манга ҳижрон дамида,
Бода тут, доруйи беҳуш вале бодага қот.

Тиладим ёр, ҳаёт айлай анга сарф дедим,
Ваҳки, ул доғи вафо қилмади андоққи ҳаёт.

Эй Навоий, тиласанг сели фанодин махлас,
Фақр даштида керак тоғдек орому сабот.

74

Лаъл эмас ширин лабингким, жон топар андин ҳаёт,
Ким сўруб билдим ул эрмиш лаългун қилған набот.

Лек ул янглиғ наботеким қуяр чоғда ани,
Ширази жон ширази эрмиш, суйи оби ҳаёт.

Оқса рухсорида хай, не тонг кўнгул тўқтатмасам,
Тоғ бўлса топмас ул сайр ичра имкони сабот.

Ҳажр дудидин қаро бўлған кўнгул ичра ўқунг,
Шарҳи ҳолим ёзғали бўлмиш қалам бирла давот.

Хўблар хайли аро ҳар сори тушмиш рустахез,
Гўйиё майдон ичига чобукум секритти от.

Боқма, эй зоҳид, ҳақарот бирла ашё сориким,
Бўлмаған онинг сифоти мазҳари йўқ ҳеч зот.

Эй Навоий, кўргали они учар ҳар дам кўзум,
Лек не суд учмоқ ул қушким анга йўқтур қанот.

75

Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғат,
То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнат.

Тишлабки, сочинг ўрдунг, очқанда паришон қил,
Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрат.

Кулбамға хайафшон кел, зулфунғ қилиб ошуфта,
Анжум сипаҳин синдур, офоқ улусин қўзғат.

Ораз қуёшин очиб ашки қуруған кўзни
Кўп ҳажрда йиғлатдинғ, бир васлда ҳам йиғлат.

Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Мажнунға ошиқлиқ ишин ўргат.

Хоро тубига ётқунг, йўқ суд агар юз йил,
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнат.

Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элткучи дору жомиға анинг чайқат.

76

Менга бегонадурур ул буту мен ишқида маст,
Ошно бўлмайин этти мени бегонапараст.

Лабидин жон иси келдию мен ўлдум беҳуд,
Ваҳ, не майдурки иси еткач, этар халқни маст.

Сабзхатлар бўйи қисқарди бўюнг жилвасидин,
Сарвнинг теграсида сабза кўрунгандек паст.

Тобға тушти қуёш панжаси ҳуснунг қўлидин,
Сидра гар ҳамқадинг ўлса, қуёш ўлғай ҳамдаст.

Сўрма дайр ичра шикастимники, бир муғбачанинг
Зулфи зуннoридин ўлди менга бу навъ шикаст.

Туну кун маст эсам, эй шайх, мени ёзғурма,
Соғ ўлурму кишиким, ичти майи жоми аласт.

Эй Навоий, сени чун қилди қазо кофири ишқ,
Фориғ ўл бут қошиға сажда қил эмди пайваст.

77

Бодайи ишқинг кўруб топти бузуғ кўнглум шикаст,
Сел етмасдин бурун вайроним ўлди ерга паст.

Гоҳ ғалтондур, гаҳе уйқудадур усрук кўзунг,
Йўқ таажжуб, гоҳ ғалтон бўлса, гаҳ уйқуда маст.

Ул санамға сажда қилсам, зоҳиди худбин, не айб,
Бутпараст ўлмоқ кўп ортуғроқки бўлмоқ худпараст.

Соқий илгин бердиким, ўптум дағи ичтим қадаҳ,
Найласун ичмай қадаҳ ҳар кимга мундоқ берса даст.

Кўксума наълу алиф шакли иморат тарҳидур,
Ташқари ҳам етти ишқинг мулкига девори паст.

Зоҳид айтурким, май ичма, ваҳ, анинг ҳукми била
Соғ ўла олғайму масти бодайи жоми аласт?

Эй Навоий, ишқ ила кўнглум хаёл этти масоф,
Рўбарў бўлғач менинг қалбим сари тушти шикаст.

78

Эй кўнгул, дедимки, айлаб азм жононимға ет,
Демадимким, турғилу афғон била жонимға ет.

Бошинг ол кет, лек чун ҳам бекасу ҳам хастамен,
Ҳолатим сўрмоққа ғоҳе байт-ул-аҳзонимға ет.

Чунки кўрдунгким ўлубмен, тутма мотам, қайт бот,
Ул дами жонбахшу лаъли оби ҳайвонимға ет.

Ўлганимни арз этиб йиғлаб дегилким, эй Масиҳ,
Айлабон лутф ул қатили тиғи ҳижронимға ет.

Келмак ўлса итлари жисмим тугатмасдин бурун
Бошлабон ул кофири қотилни вайронимға ет.

Еткач-ўқ чун тиргузур, қўпсам бўлай деб садқаси,
Зинҳор ул дам мадад айлар учун ёнимға ет.

Деб эдинг, еткум Навоийға қатиғроқ тушса иш,
Ушбу дамким, ҳажр қасд айлаб турур қонимға, ет.

79

Тийраву афсурдабиз, эй ишқ тарқатқан булут,
Бир бало барқи била ҳам ўрта бизни, ҳам ёрут.

Кўз неча бўлғай қуруқ зуҳд ашкидин ул зарқ ила.
Шуъла тортиб, эй бало оҳи ўти, они қурут.

То қачон қилғай кўнгулни маъсият дуди қаро,
Бир чароғи ҳусн ила, эй ишқ, ул уйни ёрут.

Айлабон барбод зуҳду илмни, эй пири дайр,
Тифли раҳдек эмди бизга ишқ алифбесин ўқут.

Ҳусн итибдур, эй мусаввир, тортибон бир турфа шакл,
Қайғулуқ кўнглумни ул сурат била гоҳе овут.

Ҳосили умр, эй кўнгул, чун ишқ эмиш ўрган ани,
Ўзга умрунгда неким ҳосил қилиптурсен унут.

Эй Навоий, берса бир лўливаше савдоси даст,
Зинҳор икки жаҳон сармояси таркини тут.

80

Ким экин майдонда, ё Раб, ул тўни гулгун йигит,
Ким гамидин тош урар кўксига юз маҳзун йигит?

Не ажаб хам қад била сарғарса рухсоримки, бор
Дилбарим бир қомати раъно, юзи гулгун йигит.

Мен чекарга ранжу меҳнат ғам туни ожиз қари,
Кўнглум олған зулму бедод ичра рўзафзун йигит.

Эй йигит, ҳуснунг закоти, сўр қарилар кўнглини,
Кимсани кўймас ҳамиша чун бу даҳри дун йигит.

Мунҳариф бўлган қариға қайда майл этгай биров,
Ким эрур шайдоси ғам даштида юз мажнун йигит.

Найлайин тўртунчи гардуннинг қари меҳриниким,
Кўрмамиш оламда моҳимдек тўқуз гардун йигит.

Мен – сўзи кавн аҳлиға афсоналиг қилған қари,
Сен – кўзи Кашмир элига ўргатур афсун йигит.

Чун қаридинг, чиқ йигитлар базмидинким, қарининг
Келмагидин йўқ, боруридиндурур мамнун йигит.

Эй Навоий, чун қари бўлдунг ибодат кунжи тут,
Элга хор айлаб ўзингни бўлмағунгдур чун йигит.

81

Оҳким, олди қариған чоғда кўнғлум бир йигит,
Ким агар жон берсам, истиғнодин ўлмас мултафит.

Қасдима ул новак айлаб тезу мен судраб асо,
Кўйида ҳар ён ешилган ўйлаким ганчилиқ ит.

Мен киму ислом ким, сажжода бирла хирқани
Айлади ул бутнинг атфол хаёли титу пит.

Ашк ҳажринда кўзум оқ этди андоқким момуқ,
Жолайи ашк ул момуғдин ёғди андоқким чигит.

Бир насиҳат бордурур, лекин қулоғинғға дегум,
Юз яқин тут бу қаридин, эй йигит, бир панд эшит.

Қад чу хам бўлди, эмас ҳеч иш муносиб жуз рукуъ,
Сажда ўрнин оҳ ила, хошок ила хасдин арит.

Эй Навоий, чун сени куйдурди чарх, эмди не суд,
Оҳ ўтидин сен ани хоҳи қизит, хоҳи эрит.

82

Ҳабиб ғайр ила май ичти, эй кўнгул, қон ют,
Эл ичса васл майин, боқу заҳри ҳижрон ют.

Чу ҳажр муҳлик эрур, бода эрмас анга илож
Тутайки, жоми май ўрниға шираи жон ют.

Менгаки дўст керак, эй Хизр, ютармен қон,
Сенгаки умрдурур ком, оби ҳайвон ют.

Ўқидин, эй кўнгул, ич шарбат ўрниға хуноб,
Ушоқ муз ўрнида ул шарбат ичра пайкон ют.

Висол нўшинки то мумкин бўлғай истар эсанг,
Фироқ заҳриии, бас, улча бўлғай имкон ют.

Ичингда сирри ҳақиқатни ёшурай дер эсанг,
Улустин ул гуҳари бебаҳони пинҳон ют.

Навоий, айла анинг ишқи таркини, йўқ эса
Чу ғайр ила май ичар, боқу заҳри ҳирмон ют.

83

Чобукеким қатл учун сурди яна майдонға от,
Одамий қолмас тириг солған замон жавлонға от.

Будурур маъноки, шояд қолған эркин бир киши,
То анинг жонин ҳам олғайким, сурар ҳар ёнға от.

Ҳар кишини қатлким айлар, ўлармен рашкидин,
Ваҳки, бир ҳам ёнғилиб сурмас мени ҳайронға от.

Не бало қаттиғ кўнгулдурким қатил эл қошиға
От сурар сурған масаллик лолаву райҳонға от.

Ўйлаким бузғай қуюнни ўзга бир тўфон келиб,
Ул сифат нобуд этар сурғач бу саргардонға от.

Кимни ўлтурмакка отсанг ўқ, менинг жоним чиқар,
Бир дағи тиргузгали мен бедили бежонға от.

Даврдин кўп ранжамен, усрук чиқиб майхонадин,
Рахши ҳиммат узра солмоқ истарам давронға от.

Шом туфроққа кирардин чора йўқтур, гарчи субҳ,
Кимки секриткай қуёшдек бу бийик айвонға от.

Кўс уни тутти Навоий назмидек офоқни,
Гўйиёким сайр этарга чектилар султонға от.

84

Етилмиш, Аллоҳ-Аллоҳ, не қомат, ул қомат,
Ки олам аҳлиға солди қиёмат ул қомат.

Қўнгарғай асрамайин боғбон ниҳолларин,
Чаманда сарвдек этса иқомат ул қомат.

Чу қилди жилва, вафо сари ҳеч қилмади майл,
Жафода топқан учун истиқомат ул қомат.

Хиром вақти халойиққа фитна ёғдурди,
Ки борча фитнадин ўлсун саломат ул қомат.

Бошимға еттию ўлган таним равон топди,
Бу ишни ростий этти каромат ул қомат.

Чу ноз жилвасини сарвдек қилур билингиз,
Ки қатл этардин эрур бенадомат ул қомат.

Навоий, эмди ўзунгдин илик ювким, ўлгунг,
Ки зоҳир айлади шаққи қиёмат ул қомат.

85

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарғи хандонимға айт.

Буки анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи
Яхши фурсат топсанғ, ул бадаҳду паймонимға айт.

Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал номусулмонимға айт.

Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Буки юз минғ фитнакўзлуг бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб ёқа, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар, бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

86

Ишқ солди хонумоним ичра ўт,
Лаъли оташноки жоним ичра ўт.

Нега еткан ерга ўртар халқни
Бўлмаса оҳу фиғоним ичра ўт?

Кўнглум эрмас тандаким, ҳажринг аро
Тушти жисми нотавоним ичра ўт.

Ўқларингнинг касратидин чектим оҳ,
Тушти андин найситоним ичра ўт.

Ҳажрдин куйди сўнгаклар, ваҳки, ишқ
Солди хошоки ниҳоним ичра ўт.

Соқиё, майдин су урким, солди давр
Жони беному нишоним ичра ўт.

Эй Навоий, чун чақилди барқи ишқ,
Тушти андин хонумоним ичра ўт.

87

Қилди душман раҳм, баским қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,
Баски, ҳар дам еткурур мен зорға озор дўст.

Душман ар жонимни афғор айласа, қилдим биҳил,
Жавр тиғидин чу кўнглум айламиш афғор дўст.

Кеча душманларғаким, ноламдин уйқу келмади,
Ранжамен мундин дағиким, бўлмади бедор дўст.

Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунуб дўстваш,
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.

Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо,
Гарчи қозғандим қилиб жоним фидо бисёр дўст.

Чархнинг меҳриға мағрур ўлмағилким, ғадри бор,
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.

Соқиё, қил дўстлуқ, тут бодаким йўқтур ғами,
Бўлса олам душмани ҳар кимга сендек бор дўст.

Итларинг ғавғо қилур гўё Навоий ўлдиким,
Боши узра жамъ ўлуб афғон қилурлар ёру дўст.

88

Эйки, файз истарсен, ўзни сарвдек озода эт,
Ҳар паришон нақшдин сафҳангни гулдек сода эт.

Гар фано даштиға киргунгдур су худ кўз ёши бас,
Лекин аввал зодсизлиқ зодини омода эт.

Таййи арз этсанг чоқиндек бир шарарча кўрмагил,
Барқдек ўзни фано туфроғида афтода эт.

Бир фано оҳи елидин сарбасар барбод ўлур,
Гар ҳаво узра булут ажромини сажжода эт.

Ўзни расволиққа қилмоқдур алам гар туғунга,
Кўк ливосин шуққа доғи сидра шохин хода эт.

Кўмган ўлғайсен бошингни бир овуч тош остида,
Тожинга зийнат агар лаълу дуру бежода эт.

Эр эрсанг, бўл сулбким, не мода бўлғунгдур, не нар
Ўзни гар юз қатла олам аҳлидек нармода эт.

Офият кунжида эрдим, ким деди, эй муғбача,
Дину исломим уйин бузмоққа майли бода эт?

Нақд жаннатдур, Навоий, кавсаросо май ичиб,
Ўзни зору волиҳи бир сарви ҳурийзода эт.

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «НАВОДИР»ДИН

89

Замона эрур чун маҳалли ҳаводис,
Замоне керак бўлмасанг анда мокис.

Амал қасрини айлама анда иҳдос,
Ки ҳар лаҳза бўлғай ўкуш фитна ҳодис.

Чиқарға бу вайронадин чора йўқтур,
Гар Одам ва гар Нуҳу гар Сому Ёфис.

Бўлур тийра кўзгунг, тўлар заҳра жоминг,
Тутайким, бўл Искандару Жамға солис.

Жаҳон шуғли сари талаб қилма мужиб,
Анинг таркини тутқали иста боис.

Фано хонақоҳи аро сомит ўлғил,
Йўқ улким, бақо дарсгоҳида боҳис.

Навоий, амал хирмани ичра ўт сол,
Ки бўлмоқ керакмас бу мазраъда ҳорис.

90

Фалак ҳаводисидин бўлса ҳар бало ҳодис,
Ул ой василасидиндур бурун манго ҳодис.

Агарчи дард ҳудусидур улча мумкин эрур,
Валек бўлмади бир дардима даво ҳодис.

Нетиб Ҳарамға қилай азм, дайр ичинда манга,
Ки бўлди муғбачалардин юз ибтило ҳодис.

Балийят аҳлини озод айламиш гардун,
Нединки барча балоси бўлур манго ҳодис.

Сипеҳрдин не шикоят эрур, чу қисми азал,
Агар вафо етишур, гар бўлуб жафо ҳодис?

Сипеҳр фитна тўкар ерга, лек ул ойдин,
Эрур не фитнаки бўлғай жаҳон аро ҳодис.

Ҳудус топмади эркан Навоий эмгагича,
Жаҳонда ишқ балийёти бўлди то ҳодис.

91

Менинғ расволиғимға бодаи гулгун эрур боис,
Майи гулгун ичарга соқийи мавзун эрур боис.

Парийвашлар жафосиға гунаҳ бил телба кўнглумдин,
Буким тош ёғдурур атфол, анга мажнун эрур боис.

Фалак бежурм эрур, ғам келса бу маҳзун сариким, ҳузн
Топиб ўз жинсини келмакка бу маҳзун эрур боис.

Совурсам кўкка туфроқ, дард водийсида тонг йўққим,
Қуюндек бўйлаким саргаштамен, гардун эрур боис.

Не тонг бу телба оғзида сўзи доим ул ойнингким,
Парий васлиға аксар эл аро афсун эрур боис.

Лабинг жонбахш, аёғдин бошинга қотил, не айб ўлсам,
Тирилмакликдин ўлмакликка чун афзун эрур боис.

Рақибингға десам лаънат, ери борким сенга ноҳақ,
Менинг қонимни тўктурмакка ул малъун эрур боис.

Ридо дайр ичра раҳн этканга чун қилдинг газаб,эй шайх,
Яна ёзғурма борсам ул сари марҳун эрур боис.

Навоий бода ичмас, лек чун соқий қадаҳ қуйди,
Ул офатшакл эрур мужиб, бу дилкаш ун эрур боис.

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «НАВОДИР»ДИН

92

Зиҳи бошинг уза «Ва-ш-шамс» зеваридин тож,
Сочинг саводида тафсири лайлат-ул-меърож.

Нужум жавҳаридин тожи жоҳинга тарсиъ,
Сипеҳр атласидин тахти рифъатингға давож.

Саҳар яшил аламидин ливонг уза шуққа,
Малак қалин ҳашаридин сипоҳингга афвож.

Беҳишт сори киши тийра гўрдин бормас,
Шафоатинг алифи тутмайин йўлиға сирож.

Ҳидоятинг қўлидин шарбати шифо топибон,
Аники иллати куфр айлабон заифмизож.

Салоти хамсани адёнға айладинғ носих,
Бу панжа бирла малакнинг юзига урдунг кож.

Навоий ўлди чу муҳтожинг, айла раҳм ангаким,
Ғаний карим эса ибромға эмас муҳтож.

93

Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахту тож,
Аҳли тож оллида андоқким гадога эҳтиёж.

Ким гадойингдур бош индурмас, дағи тортар аёқ,
Чархи аъло бўлса тахту меҳри анвар бўлса тож.

Лаъли серобинг бериптур оташин ранги била
Офати жоним учун ўт бирла суға имтизож.

Дарди ҳажримға буюрди сабр, дарди йўқ табиб,
Заҳри қотил бирла муҳлик ранжима айлар илож.

Ой юзунг бирла талашди буки кўктур орази,
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож.

Эйки, бердинг ишқ султонига кўнглунг кишварин,
Англағилким жону ақлу дин эрур аввал хирож.

Хўблар ўргансалар, тонг йўқ, Навоий назмини,
Ким аларнинг ҳусни анинг ишқидин топмиш ривож.

94

Майи лаълингга гўёким ҳаёти жон эрур мамзуж,
Ки ул эрмас зулоли чашмайи ҳайвон эрур мамзуж.

Агар бағрим судур, ўлмай нетайким анда ғамзанғдин,
Су берган заҳр бирла қатраи пайкон эрур мамзуж.

Кўрунг ғам базмида хунобалар ютмоқки, жомимға
Бағирдин келгану, кўздин тўкулган қон эрур мамзуж.

Лабингдин барча ҳижрон ваъдасидур, кўрмадук нўше,
Ки заҳр ул нўш аро токим эрур имкон, эрур мамзуж.

Висол ичра майи айш ўлса қисминг, бўлма кўп эмин,
Ки жоми васл ила хунобаи ҳижрон эрур мамзуж.

Шафақгун май ҳилолий жом агар кўрсанг ҳарис бўлма,
Ки софи ҳирс бирла дурдийи ҳирмон эрур мамзуж.

Навоий ашкига дерсен не янглиғ мазж топмиш қон,
Бағир чок ўлса, ул қон бу суға осон эрур мамзуж.

95

Кўнглумга айла лаъли шакарханд ила илож,
Қилған киби заифқа гулқанд ила илож.

Кўп ишқ таркидин дема сўз, қўйғил, эй табиб,
Муҳлик маразға қилмади эл панд ила илож.

Онсиз ўлармен, оллима ҳуру парий не суд,
Топмас онинг ғами анга монанд ила илож.

Қайд эт кўнгулга силсилаи зулфин, эй ҳаким,
Ким телбага муносиб эрур банд ила илож.

Ул кўйдин ити чу мени қовмақ истади,
Бағримдин айладим неча парканд ила илож.

Даврон жафоси дафъиға мажнуну маст бўл,
Ким йўқ ул ишка раъйи хирадманд ила илож.

Муҳлик эмиш фироқ, Навоий, магар сипеҳр
Қилғай бу қатъи дардини пайванд ила илож.

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «НАВОДИР»ДИН

96

Наргис ул кўздек эмас, эй боғбон, боқиб кўз оч,
Не учунким ул парий қиймоч эрур, бу бир талоч.

Айлади ошуфта савдойи димоғим рагларин,
Тонғ елидин андаким бутрашти ул ошуфта соч.

Зулфи эгниға етар гар сочи ерга судралур,
Тенгдурур қайдим учун гар бир қарич, гар юз қулоч.

Куйди жисму йиғлабон кўнглумда хаттинг шавқидур,
Гарчи мумкин йўқ кўкармак су била куйган ёғоч.

Ишқ оламсўз келди, қўй фусунунг, эй хирад,
Етти чун ер-кўкни йиртиб арслон, эй тулку, қоч.

Сарвнозим гул чоғи гулшанға кирди, эй насим,
Ҳам ани елпию ҳам гул яфроғин бошиға соч.

Қўйки, ул юз хониға наззора айлай тўйғуча,
Ким кўзум бўлмиш бу қаҳти ҳусн айёмида оч.

Дўст зикру фикрини қилғил ғизоким яхшироқ,
Ҳуш ила туфроққким, ғафлат била қандий кулоч.

Эй Навоий, кўнглунга етмас риёзатсиз сафо,
Кулба равшан истасанг ҳасрат суйидин рўза оч.

97

Қўйди юз шоми ажал зулфин паришон айлагач,
Умр хуршиди уёқти, чеҳра пинҳон айлағач.

Сурди кўнглумни бузуб хокий таним узра саманд,
Елга берди туфроғин, бу уйни вайрон айлагач.

Лаъли ҳажри қилди қон бағримни ғамдин лахт-лахт,
Қатра-қатра тўкти кўзлар йўлидин қон айлагач.

Оҳким, бахтим оғир уйқусидин уйғонмади,
Гарчи юз минг фитна уйгонди мен афғон айлагач.

Қилмайин сархуш ҳануз, эй муғбача, қўймоқ недур,
Оллима зуннорни дайр ичра меҳмон айлагач.

Ошиқ эткач шуҳрайи шаҳр этти ул кофир мени,
Шаҳр кездурган кеби кофир мусулмон айлагач.

Чекмади булбул Навоийдек фиғонким, ёнмасун
Сайр учун ул сарви гулрух азми бўстон айлагач.

98

Гириҳ-гириҳ чу тугарсен, етар оёғинга соч,
Гириҳларин чу очарсен, тушар қулоч-қулоч.

Кўнгулни қийди анинг ғамзасию қилмади раҳм,
Қиё-қиё боқибон ул ики кўзи қиймоч.

Чаманда кеча ётиб маст оразин ёпмиш,
Кўп эмди, тонг ели, ул гулни лутф бирлан оч.

Қадинг чаманда кўруб боғбон агар сарвин
Кўзига илса ҳамоно керактур анга ёгоч.

Жунунга тушти санавбар қадингдин, ўйлаки су
Бўлуб аёғиға занжир узалди бошида соч.

Сипеҳр наъл кўруб кўксум узра меҳроби,
Бало ўқиға ҳамоноки айлади омоч.

Навоиё, дер эсанг кўрмайин вафосизлиқ,
Таваққуф этмаю даҳр аҳлидин вафо киби қоч.

99

Кўруб дардим тараҳҳум қилмадинг ҳеч,
Тўкуб ашким табассум қилмадинг ҳеч.

Фироқинг ўти ичра неча йиғлаб,
Фиғон чектим, тараҳҳум қилмадинг ҳеч.

Жаҳонға оҳу ашким солди ошуб,
Бу тўфондин таваҳҳум қилмадинг ҳеч.

Сўзунг шавқидин эрдим хаста умре,
Сўрарға бир такаллум қилмадинг ҳеч.

Мусаллам ишқ, эй кўнглум, сенгаким,
Кўруб зулмин тазаллум қилмадинг ҳеч.

Муҳаббат аҳли қисмин невчун, эй чарх,
Қилиб меҳнат, танаъум қилмадинг ҳеч.

Навоий сари, эй даври мухолиф,
Наво савтин тараннум қилмадинг ҳеч.

100

Ул турки хитонинг эрур андоқки кўзи қиймоч,
Ким ноздин ўлмас демак оллиндаки, кўз оч.

Бағримни қиё боқмоқ ила қиймоғидиндур,
Ё айни такаббурдин эрур кўзлари қиймоч?

Очлиқдин ул ойнинг магар ўлди кўзи бемор,
Қон ичкали мойил нега бўлмиш гар эмас оч?

Ўзбак, мўғул ўлғай анинг оллида мусулмон,
Билман они қалмоқмудур, йўқ эса туғмоч.

Турмас ажал ул ғамзаи хунрез ўқидин,
Жонинг керак эрса сенга, эй хаста кўнгул, қоч!

Ўпмакка юзи хўбдурур, ғабғаби ҳам хўб,
Чун оғзи топилмаслиқ аро олмоқ учун бож.

Кейнича кўнгулсиздур эришмакка Навоий,
Ул шўх чу ўз мулкига борди кўнгул олғоч.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРАМИЙЛАРИНИНГ ҲУСНОРОЙЛИҒИ «НАВОДИР»ДИН

101

Бу чаманким, тўкилур шом, гул очилса сабоҳ,
Бодасиз шому сабоҳ ўлмоқ эмас бизга салоҳ.

Даври айёмға йўқ чунки вафо, эй соқий,
Сен вафо айлаю бас, айлама даври ақдоҳ.

Бекарон раъфат эрур даҳрда элга офат,
Роҳати беҳад агар истар эсанг топқил роҳ.

Пири хаммор эшиги боғлиқ эрур, мен махмур,
Раҳм этиб оч бу эшикни юзума, ё Фаттоҳ.

Қилмағил қасд киши қонию нақдига, валек
Айш нақдини қадаҳ қони била англа мубоҳ.

Хасмкуш келди фалак золи бил, эй шайх, манга
Раз қизи борида ул колумани қилма никоҳ.

Эй Навоий, тиласанг ғам тенгизига соҳил,
Киштии бода бурун топқилу бўлғил маллоҳ.

102

Жонима еткурди ул лаъли равоносо фараҳ,
Элга еткурган масаллик лаългун саҳбо фараҳ.

Лаъли ёқути муфарриҳдур магар билхосия,
Ким хаёлидин манга йўқтур насиб илло фараҳ.

Қон ёшимдин демангиз сўзким мукаддар бўлмасун,
Бодадин топқан замон ул шўхи маҳсиймо фараҳ.

Лаъли ҳижронида, эй соқий, яна май тутмаким,
Тортсам Кавсар майи етмас манга асло фараҳ.

Боиси ғамдур лаби ҳажрида лаъли обдор,
Май дебон рангин су ичкан айламас пайдо фараҳ.

Гар фараҳ истар эсанг, майхона азми айлаким,
Андин ўзга ердин олмас гунбади хазро фараҳ.

Эй Навоий, дайр пири тутса май, ложуръа ич,
Фикр қилмаким, санга еткай малолат ё фараҳ.

103

Бўлса бўлғай сарв қадлар ичра ҳар гулрў малиҳ,
Сарви гулрўйум менинг лекин эрур асру малиҳ.

Хол эрурму йўқса туз солған сиёҳий нуқтаси,
Ким эрур васф айлагандин ортуқ ул ҳинду малиҳ?

Лабларинг кулгач, тўкар туз бирла шаккар танг-танг,
Аллоҳ-Аллоҳ, бўлур эрмиш мунча ҳам кулгу малиҳ.

Кўп малоҳат бобида Ширидин айтур Кўҳкан,
Сабзиширинимча ул бор эрди эркинму малиҳ?

Эйки, Юсуф бирла сўрмишсен ҳабибим ҳуснидин,
Ул сабиҳ ўлди, латофат ичра аммо бу малиҳ.

Оразинг кўрғач, кўзум шўроба тўккач, анғладим,
Ким эрурсен сен малоҳат аҳлидин айру малиҳ.

Эй Навоий, аччиғ-аччиғ йиғларимни қилма айб,
Ким эрур кўнглумни олған кофири бадхў малиҳ.

104

Ахтарин ашк эттию совуғ нафасни оҳ субҳ,
Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.

Ғам туни муҳлик ғамим англаб ёқа чок айлади
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимға тортиб оҳ субҳ.

Тийра ҳижрондин чу йўқтур фарқ субҳу шомима,
Хоҳ шом ўлсун қарорған рўзгорим, хоҳ субҳ.

Дуди оҳимдин қарорғай ҳажр шомидин батар,
Бўлса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.

Тийра шомим дафъ қилди меҳр зоҳир айлабон,
Яхши борди меҳрибонлиғларда шайъуллоҳ субҳ.

Хуштурур жоми сабуҳ, эй шайх, сен ҳам ичкасен,
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлук моҳ субҳ.

Ғам туни кўҳи балосидин магар бўлмиш халос,
Ким менингдек кўргузур рухсораи чун коҳ субҳ.

Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг,
Ким сенинг уйқунгға хандон бўлмасун ногоҳ субҳ.

Эй Навоий, ул қуёшнинг муждайи васлин бериб,
Қилса неткай, шоми ҳажрим меҳнатин кўтоҳ субҳ.

105

Ҳажрдин асру ҳазинмен, соқиё, тутқил қадаҳ,
Ҳар неча соғар улуғ бўлса тўло тутқил қадаҳ.

Гар анинг нўш айларидин ожиз ўлса аҳли базм,
Жамъ этиб борини бир йўли манго тутқил қадаҳ.

Қониъ эрман бир қадаҳ бирлаки, дардим саъб эрур,
Ҳар неча ложуръа нўш этсам, яно тутқил қадаҳ.

Бир нафас маст ўлмасам ҳижрон ғами айлар ҳалок,
Жонима раҳм айлабон, баҳри Худо тутқил қадаҳ.

Гар муяссар бўлса базми васл, лутф айлар эсанг,
Қўй мени наззорага, кўпрак анго тутқил қадаҳ.

Улу мен чун маст бўлдуқ ихтиёринг бордур,
Хилват айлаб бер ижозат элга, ё тутқил қадаҳ.

Чун харобот ичра туштунг, чиқмоғинг душвор эрур,
Ихтиёринг йўқ ичиб, эй порсо, тутқил қадаҳ.

Хирқайи зуҳдин Навоий қилди раҳн, эй майфуруш,
Қўйма ҳуш илгида они бенаво, тутқил қадаҳ.

106

Субҳ дайр ичра муғанний ўйла тузди шадди руҳ,
Ким унидин бўлди Руҳуллоҳга оҳанги сабуҳ.

Тоза бўлди руҳлар ул навъ шадди руҳдин,
Ким лисони ҳоли Руҳуллоҳға қилди тоза руҳ.

Йўққи, ёлғуз шаддидин тушти қулуб ичра кушод,
Ҳар гирифти доғи арвоҳ ичра солди юз футуҳ.

Дайр пири онча тутти элга жоми руҳбахш,
Ким яқиндурким ушатқай тавба бўлса юз Насуҳ.

Руҳи қудсий эрди анфоси зуҳур эткунча фажр,
Ваҳйи юҳо эрди анфоси тулуъ эткунча юҳ.

Йўққи, май киштийси ғам тўфонидин айлар халос,
Ким топар андин киши бир қатра ичса умри Нуҳ.

Сирри ваҳдат нуктасидур бас дақиқ, эй порсо,
Май қуёши ламъаси бирла магар топқай вузуҳ.

Эй мударрис, ишқ сирри дафтари бир нуктадур,
Гарчи мингдин бир ёзилмайдур ёзиб юз минг шуруҳ.

Васлсиз бўлмас Навоий кўзу кўнглига илож,
Ким журуҳ узра журуҳ ўлмиш, қаруҳ узра қаруҳ.

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «НАВОДИР»ДИН

107

Фано тариқида ҳар кимки ҳосил этти русух,
Риёву зуҳд анинг оллида эрур мансух.

Не навъ ўзлуги мансух бўлмағай қошида,
Бировки, дўст шуҳудиға ҳосил этти русух.

Чу ишқсиз эди зуҳд аҳли келди ноболиғ,
Эрурлар атфол, эл гарчи дер аларни шуюх.

Демакта воқеа ёлғону чин тахайюл этиб,
Киши эканларин андоққи ёд қилса масух.

Жаҳони хокий эрур бир кесак, вале нопок,
Этак етурмамак авло мулаввас ўлса кулух.

Арит сиришк била ботинингда бор эса чирк,
Юв тавба суйи била бўлса ботининг аро шух.

Навоий аҳли фано иста, қўй риё аҳлин,
Ки найшакар борида туҳфа қилмади киши лух.

108

Фироқ ўтики, бало оғзидур анга манфах,
Мисоли дўзаху жаннатдурур ул дўзах.

Не тонг ёшунса кеча зулфида қуёш гўйи
Агар бу навъ эса чавгони зулфу гўйи занах.

Эрур кирарга кўнгул хайли ул тараф бир-бир,
Тароғ сочингдаки йўллар ясаб турур рах-рах.

Қуёш ҳамоно кўк атласин либос этмиш
Ва ё кийиптур ул ой нилгун насиж ила нах.

Гаҳеки кўргузасен заҳрчашм тонг эрмас,
Бўлур чу бодомнинг донаси бирарда талх.

Юз очса ақлим эли тўлғанур, нединким бор
Чинор панжаси шал, офтоб панжаси шах.

Навоий оҳини зоҳид кам этмади сўз ила,
Нединки, дуд ўлур афзун, қотилса ўт ила ях.

109

Шўх кўп йўқ бириси, ўйлаки, айёр ул шўх,
Шўхлуқ бирла қилур элни гирифтор ул шўх.

Боқиб ағёрға тишлар лабини ишва била
Еткурур қатл учун жонима озор ул шўх.

Гул қизариптуру сунбул қарорипдур, гўё
Боғ аро қилди аён зулф ила рухсор ул шўх.

Хўблар бутрашибон, қўзғалишур ишқ аҳли
Масту бебок магар бўлди падидор ул шўх.

Кимниким зор кўрар ўлтурур ул шўхи бало
Не бало турфа иш ўлмиш буки, мен — зор, ул — шўх.

Дайр аро муғбачайи шўх ушатти тавбам,
Маст бўлмай нетайин бор чу хаммор ул шўх.

Шўхликдин не деса чун унутур, эмин эман,
Гарчи худ ваъдайи васл айласа изҳор ул шўх.

Эй кўнгул, дину хирад нақдини асраки, эрур
Зулф аро холи киби шабраву таррор ул шўх.

Гар Навоийдин эрур бехабар ул шўх, не тонг,
Мастлиғдин эмас ўздин чу хабардор ул шўх.

110

Эй кўнгул, чунки эрур ёр майи фурқати талх,
Кимки бу майни ичар бўлса, не тонг риққати талх.

Шарбати сабр дер ич носиҳу юз войки бор,
Оби ҳайвон била ҳал айласа бу шарбати талх.

Ўзгалар бирла ичарсен маю мен зорға ул
Бодаедурки, эрур таъми ачиғ, лаззати талх.

Соқийи базм, яна тутма манга жоми фироқ,
Ким бу соғарнинг эрур чошнийи шиддати талх.

Талхком ўлдум анинг кўйида бекасликдин
Ишқ кўйининг эрур чун қадаҳи ғурбати талх.

Хўблар лаъли хаёлига чурканмаки, бор
Ўзи ҳар неча чучук, ҳажри аро меҳнати талх.

Эмдиким васл ародур қўйки, Навоий, ўлдик,
Эй кўнгул, чунки эрур ёр майи фурқати талх.

111

Эрур барот ила байрам ул ойға зулф ила рух.
Хуш улки тун-куни бўлғай бу иккидин фаррух.

Бирин-бирин нетайин ою сарв ила гулни,
Менингки моҳим эрур сарвқомату гулрух.

Ҳадиси ўлтурубон тиргузурки, сўз сўрсам,
Агар аччиғланур, аммо чучук берур посух.

Малоҳат ўлса олур жонни лўлию ҳинду,
Гар ўлмаса қочурур моҳи Ўқчаву Халлух.

Ёзар қалам киби водийи ҳажр аро қаламим.
Сўнгакдурурки, анинг жавфида қуруптур мух.

Фано тариқида бирдек эмас бори маъруф,
Бирига Кархдурур жилвагаҳ, бирига Курух.

Навоиё, эрур ул шўхи туркман бас тунд,
Наво тилар эсанг андин югурма ордича чўх.

112

Мени ишқдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

Май устидаги хасча қилма ҳисоб,
Агар су уза солса сажжода шайх.

Ёруғлуқ эмас мумкин андинки, бор
Залолат тариқида афтода шайх.

Риё баҳри ичра тамаъ заврақин
Солиптур асодин тутуб хода шайх.

Ёяр доми тазвир эл сайдиға
Қилиб субҳадин дона омода шайх.

Fазабда сабуъ, шаҳват ичра баҳим,
Агарчи эрур одамийзода шайх.

Кирар одамий сониға қилса нўш,
Фано дайрида бир қадаҳ бода шайх.

Иродаттин ўлғай эдим бандаси,
Агар топсам эрди бир озода шайх.

Эранлардин ўзни тутар, гарчи бор
Ўқуш зебу зийнат била мода шайх.

Навоий тилар сода юзлуг йигит,
Не ғам гар ани манъ этар сода шайх.

113

Хатинг сипоҳи чу чиқти нечукки мўру малах,
Демаки, қочмасун арбоби ишқу урма занах.

Қуруди мазраъи шавқум, чу зоҳир эттинг хат,
Ки дона офатидур мазраъ ичра мўру малах.

Юзунг ўтики бор эрди кўзумга равза гули,
Тутун киби хатинг ул ўтни айлади дўзах.

Ниқоб аро юзунғ эрди ғилоф аро кўзгу,
Не хатдурки, ани қилди кийиз ичиндаги ях.

Хатики, хат-хат осилмиштур эмди ул рухдин,
Не рух дейин юзиниким, бўлуптур ул рах-рах.

Тасаввур этмаки, эл ўпмак орзу қилғай,
Магарки мўчина оғзи лабингдин олғай мах.

Жамоли зоҳир учун ўлдунг, эй Навоий, зор,
Чу ёпти оразини хат, уёлдинг эркин, вах.

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «НАВОДИР»ДИН

114

Эй жамолинг меҳридин равшан азалдин то абад,
Зарра янглиғ ул ёруғлуқ ичра саргардон хирад.

Кунҳи зотингдин хирад гар бўлса аъмо не ажаб,
Заррага юз минг қуёш моҳиятин билмак не ҳад?!

Ҳам хирад нури топиб ҳуснунг қуёшидин димоғ,
Ҳам вараъ рўзи олиб зикринг ғизосидин жасад.

Сенға толиб, кимки азми Каъба айлар, йўқса дайр,
Сен муроди, кимки дайр ичра санам дер ё самад.

Халқ раддидин не ғам, топғанға лутфунгдин қабул,
Эл қабулидин не суд оники қаҳринг қилса рад.

Бўлмағай мумкин залолат чоҳидин чиқмоқ киши,
Лутфунг илги риштайи тавфиқ ила қилмай мадад.

Қувватингнинг ожизи гар пилтан, гар шерзўр,
Миннатингнинг шокири гар гулжабин, гар сарвқад.

Ҳам муножот аҳлининг кўнглида бийминг беҳисоб,
Ҳам харобот аҳли жонинда умидинг беадад.

Журму исён чоҳидин чиқмоқ Навоий илтимос
Сендин айлар, негаким йўқтур санга куфван аҳад.

115

Ситам эрмас эдиким, айладинг кўнглумни юз парканд,
Ситам будурки, тикмак бирла истарсен анга пайванд.

Ҳам ип кул бўлгаю, ҳам игна су бўлғай тикар бўлсанг,
Нединким бор алардин ахгари сўзанда ҳар парканд.

Жамолингға қуёш ўхшар, валекин онча ҳам кўп йўқ,
Анга бўлғанча ой монанд, ул бўлғай санга монанд.

Парирўйимдин айру, эй ҳаким, оч қайду бандимни,
Ки мен дев ўлмишам, девона эрманким, солурсан банд.

Ҳабибим истаю гулшан аро ҳар дам гул ислармен,
Мени Юсуфдин айру қилди қонлиғ кўнглаги хурсанд.

Кўзумнинғ мардуми Одамдурур гўё қаро бўлған,
Бу ёшларким, бўлур зоянда андин барчаси фарзанд.

Лабинг нўши закотин ҳожат аҳлиға берур бўлсанг,
Ўлубмен ҳасратидин жонга йўқ ўлганча ҳожатманд.

Дединг гулқанд, эй тарсо ҳакими, англабон заъфим,
Вале дафъ ўлди қилғач муғбача дайр ичра шаккарханд.

Алам еткач, Навоий, даҳрдин, май бил анинг дафъи,
Қабул эткан кишига басдурур оламда бу бир панд.

116

Қайда қилғай соядек мен телбайи хокийни банд
Ким, қуёш бўйниға солмиш сунбулунг печон каманд.

Қатлим этмаслар ғаму дардинг, вале тахқирдин
Мўр қатлин аждаҳокушлар қачон айлар писанд?

Наълидин чақилмас ўт, балким шарарлар айрилур,
Ҳар тараф майдон ароким ўт киби сурсанг саманд.

Тонг йўқ оҳим ул қуёшнинг бурқаъин рафъ этмаса
Ким, булутқа дуд етмас нечаким чиқсун баланд.

Ғўтаму урмиш кўзумнинг мардуми қон ёш аро,
Ё ёшурмиш ул қаро кўз оразин гулгун паранд.

Истагунча, эй кўнгул, ҳар дам даво, дард истагил
Ким, даво топмоқ эмастур мумкин ўлмай дардманд

Бўлғали хуноби ҳижрондин Навоий талхком,
Гоҳе йиғлар аччиғ-аччиғ, гоҳ айлар заҳрханд.

117

Нолонмен очар бўлса юз ул ҳури парийзод,
Булбулға не тонг гул очилур фаслда фарёд.

Гулгун тўн аро қоматиму жилвағар ўлди,
Гул баргидаму бўлди ниҳон савсани озод?

Ашким суйининг мавжини кўнглунгга кечурким,
Жавҳар била хушроқ кўрунур эл аро пўлод.

Кўнглум зақанинг ичра кўруб ёйдинг анга зулф,
Чоҳ узра кабутарға ёяр домини сайёд.

Булбулни ғаминг қўзғаса шод ўлмағил, эй гул
Ким, ўт ҳам ўчар, кулни фалак айласа барбод.

Ғамзанг мени бир тиғ била айламади қатл,
Бу феъл қилур кимға азоб айласа жаллод.

Кўнглини Навоийнинг ўқунг касрати бузди,
Бу кулба ёғин касратидин қолмади обод.

118

Бўлди кўнглум шод топқач тиғдин кўксум кушод,
Йўқ ажаб ҳар кимгаким еткач кушоде бўлса шод.

Хаттинг эл кўнглини кўпрак олди, гўё хат эмас
Юз уза қилдинғ кўнгул олмоғлиқ афсунин савод.

Ул пари ишқида мен девона эрман, девмен,
Ишқ водийсинда ҳар оҳим эрур бир девбод.

Дема қочдим жаврдинким, баски тош ёғдурди ҳажр,
Гард ўлуб барбод бўлди бу тани хокийниҳод.

Номурод ўлсам не тонгким ихтиёр этканда ишқ,
Улки аввал таркин эттим, эрмас эрди жуз мурод.

Ёрдин ғар истасангким кўрмагайсен ғайри васл,
Ғайр васлин мутлақо ёд айламакни қилма ёд.

Эй Навоий, муътақидсен қайда кўрсанг пок юз,
Юз кишида йўқ экан бир сен киби пок эътиқод.

119

Гар кўнгулни айласа ул қотили хунхора сайд.
Қатл учун қони тўкулмай найлагай бечора сайд.

Эй кўнгул, ул шўх захм урса давоға қилма саъй,
Раем бўлмас истамак марҳам, чу топти ёра сайд.

Зулф аро сайд айламак истар кўнгулларни кўзунг,
Шабшикор ул навъким қилғай кийибон қаро сайд.

Қатл қилмай кести тўш-тўштин кўнгулни шўхлар,
Бисмил ўлмасдин бурунроқ бўлди пора-пора сайд.

Билгай ул кофир анга телмурмагимни, билсаким
Не тазаллум бирла қотилни қилур наззора сайд.

Муршиди жозиб тилаб топмай гум ўлдум, войким,
Бўлди бу саҳрода сайёд истаю овора сайд.

Телба қушдекдур Навоий кўнгли савдо даштида,
Они то сен айламишсен, эй парий рухсора, сайд.

120

Дуди оҳ эрмас, кўнгул уйин қаро қилғанда дард
Чун йиқилди ишқ зулмидин ҳавоға чиқти гард.

Ҳар тараф азм этмагинг кўп дардлар дармонидур,
Келки асру дарди дил изҳор этарлар аҳли дард.

Қайдаким тушса назар пайки сиришким селидур,
Ким кўруптур су уза бу навъ пайки раҳнавард.

Лола янглиғ бўлди гулгун бодадин ул юз гули,
Ваҳ, не рангин очилур эрмиш қизил су ичса вард.

Ўйла чиқтинг секритиб шабрангу тортиб тиғким,
Шаҳсувори чарх юз қайтарди бўлмай ҳамнабард.

Тез эвур даврунгда, эй соқий, сипеҳросо қадаҳ,
Барҳам урмасдин бурун мажлисни чархи тезгард.

Басдурур ул ойни кўргандин кўнгул титратмаси,
Эй Навоий, чекмагил сен доғи ҳар дам оҳи сард.

121

Эй, юзунг оллида беҳол хирад,
Васфин айларда бўлуб лол хирад.

Чунки сен секритибон тавсани ҳусн,
Бўлубон йўлида помол хирад.

Ваҳки, сен тифлдин ўлди мабҳут,
Ўйлаким пири куҳансол хирад.

Эҳтимом этти жунунум сари ишқ,
Нечаким айлади эҳмол хирад.

Ишқ кўйида мазаллат чексун,
Тиласа давлату иқбол хирад.

Соқиё, майки, мени васвасадин,
Айлади шефтааҳвол хирад.

То фано селида бўлғай нобуд,
Кўруб ул жавҳари сайёл хирад.

Дайр пири мангаву муғбачалар
Неча урса юзига зол хирад.

Ё Раб, эт ишқ Навоийға насиб,
Кўнглидин лек бурун ол хирад.

122

Кўнгул ҳароратин англатди оҳи дардолуд,
Уй ичра ўт эканин элга зоҳир айлади дуд.

Вужудум этти адам оқибат бу ҳайратким,
Адамдек оғзи аро сўз не навъ топти вужуд.

Кўзунг шамойилини наргис ар кўра олмас,
Санға не фикр кўзи чиқсун улки, бўлди ҳасуд.

Даме ҳарам, нафасе, дайр қасди айлармен,
Не ерда юз қўяр ўлсам юзунғдурур мақсуд.

Кўнгулни ёрға боғлаву рафъ қил ағёр,
Ки бордур улки анинг ғайридур саробу намуд.

Малул ўлубмен ўзумдин, фано майи тутқил,
Ки рангу атри вужудумни айлагай нобуд.

Вагар сумурса, Навоийға еткай андоқ сукр,
Ки фарқ топмағай оллинда шоҳиду машҳуд.

123

Зиҳи ҳажрингда айлаб бизни ғам шод.
Хаёлинг хотири ғамгинни ҳам шод.

Ғамингни лаҳза-лаҳза еткурурсен,
Килурсен хотиримни дам-бадам шод.

Килур мунглуғ кўнгулни доғи ишқинг
Гадодекким, бўлур топқач дирам шод.

Агарчи боғ аро озодадурлар,
Қадингға бандадурлар сарву шамшод.

Ичармен жоми май ҳижронда, гарчи,
Ки бўлмас май била аҳли алам шод.

Сафоли дайр дурдидин севундум,
Не тонг қилса гадони жоми Жам шод.

Навоий савти ишқ аҳлин қилур хуш,
Тонг эрмас қилса дард аҳлин нағам шод.

124

Ишқ аро расволиғим элга берур Мажнунни ёд,
Ўйлаким айлар ани кўрган мени маҳзунни ёд.

Ғам тунида меҳнати ҳижрони афзундур манга,
Ҳар қачонким айласам ул ҳусни рўзафзунни ёд.

Қатра-қатра қон томар икки кўзумдин шавқида,
Дам-бадамким қилсам ул икки лаби майгунни ёд.

Лутфи йўқтин кўнглума бевазн эрур шамшоду сарв,
Оҳ тортиб айласам ул қомати мавзунни ёд.

Лаъли жонбахшинғ деган сўзни эшиткан қилмагай
Оби ҳайвон бирла боғланған дури макнунни ёд.

Ҳар киши нўши майи лаълингдин ичса журъае,
Қайда қилғай ўзга неши гардиши ғардунни ёд.

Чун азалда сарнавишт ўлғанни кўрмай чора йўқ,
Ҳар замон айлаб шикоят қилма даҳри дунни ёд.

Азми Бағдоду Бухоро айлаган аҳбоб учун
Берса тонг йўқ элга ашким Дажлаву Жайҳунни ёд.

То Навоийни жунун даштиға солди ул пари,
Ҳазл учун ҳам қилмади бир қатла ул мажнунни ёд.

125

Кўнгулда юз била хаттинг гар ўт солур, гар дуд,
Мунаввар ўт тушар ул уйдаву муанбар дуд.

Фироқ кулбасида тортарам дамодам оҳ,
Не айб тутса бу вайронани саросар дуд.

Фалак юзундаки ҳар сари дуди оҳимдур,
Фироқ аҳлиға бир шоми ҳажр эрур ҳар дуд.

Хатинг қуёш киби юз узра парвариш топти,
Ажаб эмастур агар бўлса шуълапарвар дуд.

Улус қабулию радди била ишим йўқ, лек
Неча ул ой манга мақбул, мен анга мардуд.

Замона боғи гулу сунбулини исламаким,
Димоғ офатидур шуъла фарз қил, гар дуд.

Навоий оҳидин ул ойни ёшурунг зинҳор,
Ки хўблар тарафи майл айлар аксар дуд.

126

Зикринг айларда чекармен ҳар дам оҳ, эй сарвқад,
Ўйлаким, Қуръонға нотиқ тортғай ҳар лаҳза мад.

Васли иқболин хаёл этканда сен қайт, эй кўнгул,
Ким тахайюл бирла қилған ишка ҳожат йўқ мадад.

Ёр ҳажру васлини не қилса бўлғай жуз қабул,
Тенгри берган айш ё меҳнатни бўлмас қилса рад.

Ҳусн гулзорида бир-бир жола ёққан лутфи бор,
Қатра-қатра дур киби хай бирла ул гулфом хад.

Қолмишам зулфу юзунг шавқида субҳу шом, лек
Ул бири субҳи азалдур, бу бири шоми абад.

Не хирад, не ҳуш биздин истангиз, эй аҳли зуҳд,
Ишқ лол эткан кишида қайси ҳушу не хирад?

Эй Навоий, васл аро ўлтурсам ўзни, қилма айб,
Ким эмиш муҳлик киши кўрмак ўз-ўзиндин ҳасад.

127

Сену — фирдавс ичида кавсару ҳур, эй зоҳид,
Мену — майхона аро бодаки тутқай шоҳид.

Телба кўнглум ер ўпар ёр қоши оллинда,
Масте меҳроб аро ул навъки бўлғай сожид.

Эй кўнгул, ҳар неки ишқ аҳлини манъ айлаб эдук,
Кўргач ул ойни бори бизга-ўқ ўлди оид.

Менмену — муғбачалар дайр ичинда, ваҳ, неткай
Мундин ўзга киши бутхонада бўлса обид.

Мен гадо масту харобот аро илгимда сафол,
Боқса Жамшид бу иқболима бўлғай ҳосид.

Билса Фарҳод ила Мажнун жазаъ эткайлар эди,
Ишқ бедодидин улча манга бўлди ворид.

Эй Навоий, бу чаман ичра вафо истамаким,
Ул матоъ ўлди бу бозорда беҳад косид.

128

Эй, сочинг занжирининг савдосида мажнун хирад,
Дам-бадам кўпрак паридек ҳуснунга мафтун хирад.

Ақлим учди айладим то касб ишқинг илмини,
Гарчи элга илм касбидин бўлур афзун хирад.

Эй ҳаким, этма жунунум айбким, кўргач они,
Тўхтата олмас димоғи ичра Афлотун хирад.

Эй хирадманд, англамассен ҳолатин ушшоқнинг,
Не учунким ишқ таврида эрур мажнун хирад.

Оҳким, еткач анинг ишқи тамомин қилди маҳв,
Гарчи қилди панд ила кўнглумни юз афсун хирад.

Гармрав ошиққа мардуд ўлса носиҳ, қилма айб,
Ким келиптур аҳли ишқ оллида доим дун хирад.

Эй Навоий, ишқ аёғининг нисори айлагум,
Сочса ҳар соат насиҳатдин дурри макнун хирад.

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗУЛҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛИҒИ «НАВОДИР»ДИН

129

Қазо не ҳукмки айлар жаҳонгадур нофиз,
Жаҳону бас демаким, инсу жонғадур нофиз.

Жаҳон аро бани Одам нетиб халос ўлғай,
Ким ул малойикайи осмонғадур нофиз.

Нафози ҳукм шаҳи комрондин элга бўлур,
Не ҳукм ул этса, шаҳи комронғадур нофиз.

Агар ёмону агар яхши кимса йўқ озод
Нединки, буйруғи яхши-ёмонғадур нофиз.

Бузуғ жаҳонға анинғ ҳукми нофиз ўлғандек,
Ҳабиб ҳукми мени нотавонғадур нофиз.

Бўйин қўюбмен агар тиғи қатл сургунгдур,
Ки амри дилбарининг ҳар қаёнғадур нофиз.

Навоий айласа ҳар ён азимат андин эрур,
Ки буйруғунг мени бехонумонғадур нофиз.

130

Кўнглум эрур ул ғунчайи сероб ила мултаз,
Ул навъки маст ўлса майи ноб ила мултаз.

Лаззат топар ул шўх чучук жоним олурдин,
Атфолдек ўлған киби жуллоб ила мултаз.

Рангин лабинг озурда кўнгул комидур, арчи
Бемор эмас шарбати унноб ила мултаз.

Кўнглум юзу лаълингдин ўзин айлади беҳуш,
Ким субҳ бўлур халқ шакархоб ила мултаз.

Сен базми нишот ичра майи ноб ич, эй шўх,
Ким бизни фироқ айлади хуноб ила мултаз.

Соқий, қадаҳе тутқилу, эй турфа муғанний,
Базм аҳлини қил бир неча мизроб ила мултаз.

Кўп равза била ҳурни кўргузма, юз очқил,
Ким хаста Навоий эмас асбоб ила мултаз.

131

Эй лабларинғ ҳаловатидин жонға илтизоз,
Топқай етишса чашмайи ҳайвонға илтизоз.

Жон чунки лаззат айлар анинг лаъли ёдидин,
Берса не тонг ҳаловати жононға илтизоз.

Лаълингни қилса яхши-ёмон орзу, не тонг,
Жондин бўлур чу оқилу нодонға илтизоз.

Даврон элиға лаззат ағар бўлса, не ажаб,
Майдин чу бор ул офати давронға илтизоз.

Нутқунг ҳаловатини не билсун рақибким,
Ширин ҳадисдин етар инсонға илтизоз.

Лаълинг ҳимоят этмаса ул юз назораси,
Муҳлик бериптурур мени ҳайронға илтизоз.

Синған сафол ичинда Навоийға бодадин,
Ончаки жоми Жам била султонға илтизоз.

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТАХЕЗИ «НАВОДИР»ДИН

132

Зиҳи мазоҳир аро меҳри оразингдин нур,
Қуёштин ўйлаки заррот хайли ичра зуҳур.

Вужудунг айлади кавну макон вужудин фош.
Ҳамул сифатки қуёш қилди заррани машҳур.

Хирад гар аъмо эса кунҳи зотинғ ичра не тонг,
Қуёшни кўрмаса хуффош бордурур маъзур.

Сенинг жамолингга гул кўзгусида булбул маст,
Сенинг зуҳуринг ила гул жамолиға мағрур.

Йўқ эрса ғунчага ҳифзинг нечукки пардаарус,
Аруси парданишин янглиғ ўлмағай мастур.

Сени тилаб туну кун баски айлабон таку пўй,
Нафасларини ола олмайин сабову дабур.

Боқиб сужуд аро қошингға габр, агар мўъмин,
Тилаб қадаҳ аро аксингни маст, агар махмур.

Май ичра аксинг аро софчашға айшу нашот,
Қадаҳда нашъанғ ила дурдкашға завқу сурур.

Чу сенсиз ўлди ҳарам ичра порсо, не осиғ,
Навоий ўлса сенинг бирла дайр аро, не қусур?

133

Сариғ коғазмудурким сўзи ҳажрим айладим таҳрир
Ва ёхуд шуъла тушти сафҳаға ул сўз этиб таъсир?

Магар ҳуро сочин қилди қаламгун сафҳасин когаз,
Қилурда сунъ наққоши нигорим суратин тасвир.

Боқиб дермен: шикоят айлайин кўргач ани, қолмас
Кўзумга тоби наззора, тилимга қуввати тақрир.

Мени ҳажр офатидин қутқару қатлимга таъжил эт,
Нединким, бийми офат келди ишта айламак таъхир.

Дединг: васл ичра тақсир этмайин ншқим қабул этсанг,
Чу бўлдум ошиқ, эттинг ҳажр асири, қилмадинг тақсир.

Жунун хатти муҳити ичра марказ бўлмағим не суд,
Ки бу хат бирла бўлмас ул парини айламак тасхир.

Сочинг куфри худ имонимни олди, ваҳ, не айш ўлғай,
Ки ул зуннорни бўйнумға боғлаб қилсалар такфир.

Мени гар муғбача дайри фано ичра асир этти,
Чу тақдир эрса, эй шайхи ҳарам, не қилғамен тадбир?!

Навоийға не мумкин васликим, ҳар тун бу фикр ичра
Не тадбир этса охир ишқдин бори топар тағйир.

134

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур.

Ема дарду андуҳдин ғамки, истаб
Топилмас бу давр бўлса, бу муғтанамдур.

Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ,
Ки бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

Манга ишқ дарди эмас муҳлику бас
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Харобот аро, эй хуш ул ринди сармаст,
Ки оллинда олам вужуди адамдур.

Мақом этса туфроқ уза — тахти Жамшид,
Сафолеки ул май ичар жоми Жамдур.

Қадаҳ важҳи гар шайхдин ҳосил эрмас,
Не ғам дайр пири чу соҳибкарамдур.

Навоий ичар бода ул шўх тутқач,
Неча гарчи тақво била муттаҳамдур.

135

Рангсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар,
Ё адасдур, ё ёпушмиш бир адас чоғлиғ шакар.

Кўргач оҳимни, ғазабдинму қизарди ул узор,
Йўқса ул ҳумрат бу ўтнинг тобидин бўлди асар?

Новакинг жисмимга сончилғач етишти юз бало,
Шох уза пайванд қилғач мунча ким топмиш самар?!

Мен ул ойға маҳв қолғач, тан аро пайконларин
Чеккан эрмиш халқу ҳайратдин манга бўлмай хабар.

Икки гавҳардур қулоғингда ва ё қилмиш сипеҳр
Ойнинг атрофида икки саъд кавкаб жилвагар.

Чарх зулмидин не тонг сўгум сабуҳий вақтиким,
Субҳ ҳам бу ғуссадин йиртар яқосин ҳар саҳар.

Эй Навоий, ҳажр ўтлуғ дашти ичра англадим,
Ониким дерлар сақардин қитъае эрмиш сафар.

136

Сенинг ҳуснунг, менинг ишқим ажойиб унс тутмишлар,
Магар бу шуълани ул шамъ тобидин ёрутмишлар.

Бериб эрди ики кофир кўзунг қатлим учун ваъда,
Ҳамоно айни усруклукдин ул ишни унутмишлар.

Мену — дарду бало, эй шодлиқ, борғилки, ҳажринда
Мени ғам тунлари бекаслигим вақти овутмишлар.

Кўнгулда яроларким бутмади ҳар навъ марҳамдин,
Лабинг нўши ҳавосин истимоъ этканда бутмишлар.

Тамаъ узмак ики ширин лабингдин мумкин эрмаским,
Ки то ул шаҳддин тотмишмен оғзимни чучутмишлар.

Сиришким сели ичра ишқу дардингдин заиф ўлди,
Бу су ичра ул ўтлар гўйиё жисмим қурутмишлар.

Чу мен безормен иткан кўнгулдин, демангиз, келмиш
Нега ул телбаи расвони бу жониб ёвутмишлар?

Май ичкил, доғи туткил бевафову меҳрлар тарки,
Анингдекким, алар меҳру вафонинг тарки тутмишлар.

Навоий, май била кўнглумга ўт солким, замон аҳли
Совуғлуқ онча қилмишларки, кўнглумни совутмишлар.

137

Ҳам кўзум тортар, ҳамул мезон била кўнглум солур,
Ё Раб, ул келгаймуким кўз ёрутуб кўнглум олур.

Тортсам кўнглум футури шиддатидин қаттиғ оҳ,
Даҳр боғи соврулуб, афлок доғи қўзғалур.

Ваҳки, захмининг исидин майл ҳам қилмас итинг,
Fусса тиғидин нечаким зор жисмим тўғралур.

Тоқатим гар қолмади тортарға меҳнат тоғини,
Не ажаб бу юкни гар афлок чекса тавшалур.

Сўзи ҳажринг дафъ ҳам бўлса, кўнгулда доғи бор,
Ўт ўчар, лекин асар ёнган макон ичра қолур.

Бас тўлодур жоминг, эй соқий, илиг титратмаким,
Мен ичай андинки, тўккунгдур ани гар чайқалур.

Эй Навоий, ишқ ўтин кўз ёшидин паст айларам,
Лек ҳар дам ул қуёш ёди ичимга ўт солур.

138

Тийра шомим ичраким барқи балолар чоқилур,
Ҳар нафас ишқ аждаҳоси оғзидин ўт сочилур.

Ҳажр даштин, ваҳ, нетиб қатъ айлайинким, ҳар тикан
Бош чиқарур орқасидин чун кафимға санчилур.

Ишқ аро панд этмаким не суд, эй аҳбобким,
Ҳар фиғонда банд-бандим бир-биридин айрилур.

Чун иложим қилғали ҳолим сўрарсен, эй табиб,
Бу ҳикоятни бировдин сўрки ўз ҳолин билур.

Тоғу водий ичра андоқ саъб ҳолим борким,
Кўрса гар Фарҳод, агар Мажнунки юз ҳайрат қилур.

Не қародур шоми ҳажримким ёрумас шаммае,
Мунча ўтким, чарх тоқида дамимдин чоқилур.

Номадин мумкин эмас, эй шўх, ҳолим англамоқ,
Ўртанур коғаз, фироқим шарҳи чунки ёзилур.

Соқиё, сўзни узатмай эмди туткил бодаким,
Достони ҳажр қисқармас нечаким айтилур.

Эй Навоий, азми дайр эткил тилар бўлсанг фароғ,
Ким бу янғлиғ гавҳар андоқ кон ичинда топилур.

139

Кечаким зулфунғ хаёли кўнглум ичра айланур,
Тонгға тегру заъфлиқ жисмим йилондек тўлғанур.

Даргаҳингда бир заиф ит бирла мен ҳар кечаким
Гаҳ танин бошим, гаҳи боши танимни ястанур.

Эй пари, мажнун кўнгул сўзидин ўзни асраким,
Барқи оҳидин малойикнинг қаноти чурканур.

Мен киму уйқуки, ҳижрон шоми оҳим суридин,
Деса бўлғай сўнгғи уйқу элткан эл уйғанур.

Гар забун бўлсам ажаб эрмаски, тушса ишқ аро,
Аждаҳолар хоксор ўлмоқ тариқин ўрганур.

Оташин рухсор ила куйдурма элни асруким,
Шамъ юз парвонани ўртар, ўзи ҳам ўртанур.

Сарвқадлар жилваси тонг йўқ Навоий оҳидин,
Доимо ашжор ел таҳрики бирла тебранур.

140

Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқарур,
Ки гар табиб илигим тутса, бармоғи қабарур.

Эмас бу чашмайи хуршидким, ул ой ғамида
Кўруб сипеҳр ёмон ҳолатим кўзи ёшарур.

Сиришк касратидин гар кўзум оқарса не ғам,
Ғаминг тунида чу юз қатла ҳар замон қарорур.

Чекармен оҳим ўтин ҳажр дардидин ҳар шом,
Сипеҳр сорики, мунча нужум шамъи ёрур.

Десангки, ҳажр юкин тортқил, не чорам бор,
Ки Қоф тоғини хас узра қўйсалар кўтарур.

Иқомат истама бу манзил ичраким, ҳар кун
Мусофир анда нечаким келур юз онча борур.

Навоий оҳки, топмас висолдин хабаре,
Хаёл элчисини гарчи юз сари юборур.

141

Кўнгул уйида юзунг нақшин айламан тасвир,
Ки дуди оҳим ила ранги топмагай тағйир.

Бу навъ доирайи ишқинг аросида хол,
Магарки ҳинду эрурким, пари қилур тасхир.

Магар су оби ҳаёт эрди, ел Масиҳ дами,
Чу тийнатингни қазо илги айлади тахмир.

Не тошки, отса, ярам чокидин ичимга солиб,
Бузуғ кўнгулни тиларманки, айласам таъмир.

Чу келди муҳтасиб, эй соқий, айлагил мени маст,
Ки қилмағай асар ул дамки, айлагай таъзир.

Не келса оллинга кўп қилма дафъиға кўшиш,
Ки жидду жаҳд ила тағйир топмади тақдир.

Навоий ўпти юзунгни тушида лутф айлаб,
Дегилки, не экин анинг бу тушига таъбир.

142

Етти жон оғзимаким чиқмас уйидин ул ҳур,
Чиқмаған жонға умид, ушбу масалдур машҳур.

Ой юзунг айлади бурқаъ қасабин юз пора,
Солди ҳар порасидин ерға юзунг партави нур.

Нафасинг ҳашр куни нашр бўлур олам аро,
Бир нафасда нега йўқса тирилур аҳли қубур?

Ишқнинг қуввати бирла чекарам ҳижронни,
Йўқса бир мўрға йўқ тоғни чекмак мақдур.

Чун азал қисматин эл коми била қилмадилар,
Ишқдин тутса бўлур бизни халойиқ маъзур.

Туз кўнгулга басару нутқи пароканда не бок,
Тилу кўз ғайбатидин ғойиб эмас аҳли ҳузур.

Бир нафас умрға бўлмас мутааҳҳид бўлмоқ,
Эй Навоий, не бало ғофил эрур аҳли ғурур.

143

Жунун салосилида бўлди жисми зор ҳақир,
Сўнгак хилолки бўйниға тақдилар занжир.

Фиғону зорима раҳм этти турфа ишдурким,
Парини айлади мажнун фусун била тасхир.

Не тонг кетурса манга ишқ ҳар дам ўзгача ҳол,
Ки шуъла вазъи аро дам-бадам эрур тағйир.

Хатинг саводи аро ожиз ўлди аҳли қалам,
Ки ёзди килки қазо бирла котиби тақдир.

Гар этса жонни тамаъ улдурур ҳаёти абад
Қабул қилмаса, ўлмактин ўзга йўқ тадбир.

Сен ўзлугунг бутин аввал ушатқил, эй зоҳид,
Ҳамиша дайри фано аҳлин эткуча такфир.

Навоий андоқ эмиш мастким, хабар йўқ анга,
Ки муҳтасиб ани кўй ичра айламиш таъзир.

144

Чун мени мажнун бошин атфол тоши синдурур,
Оҳ ўти жўлида сочимдин анға киз куйдурур.

Аҳли диллар, чеҳра очди ёр – очманг дийдаким,
Ҳар киши ул юзга кўз олдурди – кўнглин олдурур.

Кўргач ул юзни бошимға урди юз тиғи бало,
Кўрки, чиққур кўз бошимға не балолар келтурур.

Кўзда асрабмен бағир қонин тилар бўлсанг ҳино,
Суртсам кўзни аёғингға ҳамул дам билгурур.

Булажаблиғлар жунунум ичра кўрким, халқни
Ишқ бир дам йиғлатур ҳолимға, бир дам кулдурур.

Навбаҳори ҳусндин топма фиреб, эй шўхким,
Чарх даври навбаҳор ўтмай хазонин еткурур.

Эй Навоий, ҳажр андуҳида маст ўл зинҳор,
Ким кўнгулдин ғамни бир дам зойил эткан майдурур.

145

Қайси тўбий жилваси сарви хиромонингча бор?
Қайси кавсарнинг зулоли оби ҳайвонингча бор?

Ғунчада гулбаргдек тил, жоладек тиш доғи йўқ,
Деса бўлғайму аниким лаъли хандонингча бор?

Қайда сунбулдин насим эскач, кирар жисмимға руҳ,
Ким деғаймен ониким зулфи паришонингча бор?

Айламас кўз мардуми ҳаргиз қуёш ичра ватан,
Они дей олманки холи анбарафшонингча бор.

Новак очмас гар тушар жон риштаси ичра гириҳ,
Демак они бўлмағайким нўги мужгонингча бор.

Демаким, кўнглунгга қўйғум зулм ила доги ажал,
Сен гумон қилма аниким доғи ҳижронингча бор.

Эй кўнгул, қонингни истарсен тобониға ҳино,
Кўзларим хуноби ранғи ҳам сенинг қонингча бор.

Урма ҳиммат лофини оллингда бу тоқи сипеҳр,
Фақр кўйинда агар ўз кунжи вайронингча бор.

Эй Навоий, истасанг давр аҳли зулмидин халос,
Ур фано даштиға гому бора олғонингча бор.

146

Суда юзунгму акси ё чашма аро париймудур?
Чашмаи меҳр ичинда ё ламъаи Муштаримудур?

Кўйи биҳишти жовидон, ўзи биҳишт ичинда ҳур,
Қомату лаъли англаман, тўбию кавсариймудур?

Жисмим аро янги туган ҳар сариму кўринди ё
Ҳар бири ишқ авжининг муҳтариқ ахтаримудур?

Уйга ҳануз кирмайин динима тушти юз халал,
Буки келур, кўр, эй кўнгул, ул бути озариймудур?

Куйган ичимда бодадин ишқ ўти бўлди шуълазан,
Поралари бағирнинғ ул шуъланинг ахғаримудур?

Жоми жаҳоннамойини васф кўп эттинг, эй рафиқ,
Меҳри мунир жоми ё майкада соғаримудур?

Эйки Навоий улфати равзаға йўқтурур, дединг,
Асру таажжуб айлама, Мирғанийи Ҳиримудур?

147

Лаълинг, аё, не ажаб рангиндур,
Сўзи анинг не бало шириндўр.

Хам қошинг тақвову тоатқа бало,
Ҳам кўзунг офати ақлу диндур.

Ҳулла ичра баданингким кўрунур,
Гўиё гулбарг аро насриндур.

Қатлу тиргузмак эрур ойининг,
Аллоҳ-Аллоҳ санга не ойиндур?!

Соқиё, ҳажрида тутқил манга май,
Ким бу судин ўтума таскиндур.

Маю – васл аҳлики, бу давр ичра,
Бизга хуноби жигар таъйиндур.

Ҳажринг айёми Навоий тинмас,
Бир кўрунуб анга кўнглин тиндур.

148

Дилбаро, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

Мазраи айшим кўкармайдур самуми оҳдин,
Йўқса ёшдин мунча намким, менда бордур, кимда бор?

Қўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ,
Бўйла ишқи пок ҳамким, менда бордур, кимда бор?

Бахт ул ой қасриға қўнмас, йўқса дуди оҳдин
Бу каманди хам-бахамким, менда бордур, кимда бор?

Қалби рўйандуд ила байъ этса васлин, эй кўнгул,
Доғдин мунча дирамким, менда бордур, кимда бор?

Бор экин вобастайи тавфиқ йўқса, эй рафиқ,
Бу қадар шавқи ҳарамким менда бордур, кимда бор?

Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бу навъ
Хусрави соҳибкарамким, менда бордур, кимда бор?

149

Гул юзунг ҳажрида чиқса ўтлуғ оҳим гоҳлар,
Кўкта гулнорий булутлардек кезар ул оҳлар.

Ул бути зарринкамар ишқида то бел боғладим,
Заъф аро мендин қамишлардур нишон, бал коҳлар.

Ул юз оллида қуёш юзлуглар ўлмиш ҳусн аро
Ўйлаким бўлгай қуёш бўлғанда толиъ моҳлар.

Нола тортармен қачон отланса ул султони ҳусн,
Йўқ ажаб чекмак нафир ўлғанда рокиб шоҳлар.

Кўйи сори борди кўнғлум, балки ашку оҳ ҳам,
Ваҳки, қолиб мен, азимат қилдилар ҳамроҳлар.

Истасанг уйғонмоқ ўл бедорлар ҳамсуҳбати,
Ким бу ғафлатни магар дафъ айлагай огоҳлар.

Эй Навоий, пора-пора бўлса кўнглунг яхшидур,
Ким тараддудсиз олишқайлар ани дилхоҳлар.

150

Куфрдин зуннорлар гар турраси тобинда бор,
Кирпигидин даҳи сафлар қоши меҳробинда бор.

Бир кажакдур тортибон жамъ эткали эл кўнглини,
Қайси пурхамким, паришон зулфи қуллобинда бор.

Терда ул юз тобидин, лол ўлса тонг йўқ боғбон,
Қайда мундоқ ўт анинг гулбарги серобинда бор.

Дема лаъли ўлтурур тиргузмас элни, эй Масиҳ,
Ким бу кайфият ҳам анинг бодайи нобинда бор.

Нечаким жонбахшлиқ лаълинг шакархандидадур,
Онча жон олмоқ даҳи ул кўз шакархобинда бор.

Ишқ мулкида тиларсен нақди жон зулм айлабон,
Соғинурсенким магар ул ишқ арбобинда бор?

Эй Навоий, гар лисони ҳол эшитмайсен, эшит,
Ким ажаб ҳолат бизинг созанда мизробинда бор.

151

Ошкоро юз туган гарчи тани зоримда бор,
Онча юз доғи ниҳоний жони беморимда бор.

Истадинг кўнглум иложин айлайин деб, эй табиб,
Менда йўқ улким тиларсен, лек дилдоримда бор.

Новаки гамзангға пайкон истасанг, эй қоши ё,
Келки, андин бениҳоят жисми афгоримда бор.

Юз бўғун эрмас сўнгакдин риштайи жоним аро,
Иқди зулфунгдин туганлардурки, бу торимда бор.

Жаврларким қилди ул кофир унутмайдур кўнгул,
Ким ҳисобидин гириҳлардурки, зунноримда бор.

Хирқаву сажжодани май раҳни қилсам не ажаб,
Ким асар махмурлуғдин шўхи хамморимда бор.

Гар Навоийни қилиб рад, назмин истар шукрким,
Менда гар йўқтур қабул, ошуфта гуфторимда бор.

152

Хатту юзунг ҳажрида кўзким, булут монандидур,
Чашмайи сабз ул бири, бу бир гулистон бандидур.

Қилди юз парканд ҳажринг тиғидин бағримни ишқ,
Итларингнинг ҳар бири оғзида бир паркандидур.

Жавр қилсанг қил, мени боре эшикдин сурмагил,
Ким кўнгулга васл ҳад йўқ, меҳнатинг хурсандидур.

Ишқ ила пайконлари ичра балокаш кўнглума,
Йўқ тафовутким шарарлар шуъланинг фарзандидур.

Ўқларингга юқти бағрим қониму, эй қоши ё,
Йўқса анда зеб учун ҳар ён бақам пайвандидур?

Чархким, ҳар субҳ эл қатлига айлар заҳрханд,
Бу анинг ширин табассум бирла шаккархандидур.

Эй Навоий, демаким кўнглунгга қилмиш қасди жон,
Ким менинг кўнглум анинг жон бирла ҳожатмандидур.

153

Кўксумни чунки қилди лабинг ҳажри ёралар,
Ҳар ёра қон киби оқизур лаълпоралар.

Бошдин-оёқ жунун ила ўлдум, гар истасанг,
Бу ерда хорлар топилур анда хоралар.

Гулрез эди юзунг ғамидин ҳажр тунлари
Оҳ ўтидинки, ҳар сори сочтим шароралар.

Усрук кўзунг қошида эмас кирпик ўқлари,
Бир маст ҳинду оллида эрмиш каторалар.

Ўлди юзунг назорасидин халқ, войким,
Ўлтурди бизни дағи эл эткан назоралар.

Ёзғурма, эй фақиҳки, йўл бермас ончаким,
Чиқмоққа дайрдин қилурам истихоралар.

Бечоралиғ тут эмди Навоийки, бўлмади,
Дардимга ҳар нечаки табиб этти чоралар.

154

Қуёш юзинда хатинг сабзасиға маскандур,
Бу важҳдиндур агар ранги сабз равшандур.

Кўнгулда онча ўқунгдин ўкулди пайконким,
Бошоқ била бу бало мазраида хирмандур.

Қилиб итобки, душманларимға бўлдунг дўст,
Аларки дўстларим эрди, эмди душмандур.

Узун фироқ туни барқидин нетиб куймай,
Ки аждаҳо хасим устига шуълаафкандур.

Кўнгул не навъ бало тошидин омон топқай,
Фигор жисмим уйи равзан узра равзандур.

Кўнгулни раз қизининг суҳбати билан соф эт,
Ки даҳр золи ажаб ҳийласозу пурфандур.

Навоий ўлди парирўйлар ҳавосидаким,
Дедук хирадлиғу ул асру телба эркандур.

155

Қилғали азми сафар улким манга дилхоҳдур,
Огаҳ ўз ҳолимдин эрмасмен, Худо огоҳдур.

Мен чу ҳажридин чекиб юз меҳнат ўлдум, ваҳ, не суд,
Буки шайдо кўнглуму жоним анга ҳамроҳдур.

Эй насими васл, эсиб жонимни жонон сори элт,
Ким фироқинг заъфидин андоқки барги коҳдур.

Деманг, ул ой узра солмиш соя бир мушкин булут,
Гўйиё мен тортқан ҳажрида дуди оҳдур.

Ҳар нафас ўрду сари кўнглум қуши айлар ҳаво,
Ким олиб кеткан кўнгулни бир маҳи хиргоҳдур.

Англағил аҳбоб қадринким булар бўлмай не нафъ,
Гар сенга афлок авжи узра тахту жоҳдур.

Эй Навоий, бежиҳат ёр этса ҳижрон ихтиёр,
Сўз демак бўлмас нединким сен гадо, ул шоҳдур.

156

Сарв уза гул очтиким, қад узра рухсорим будур,
Жонға нутқ ўргатдиким, лаъл ичра гуфторим будур.

Юз жафо, минг шўхлуқ кўргузса ҳаддим қайда бор,
Ким десам бир қатлаким шўхи жафокорим будур.

Сабр ила шавқумни айлай арз, меҳмон бўлса ёр,
Ишқ иқболида найлайким, йўқу борим будур.

Гарчи мен нобуд бўлдум, эйки, Мажнун суратин
Сафҳада қилдинг рақам, билким намудорим будур.

Пири дайру хонақаҳ шайхики ёзди руқъалар,
Номайи иқболим улдур, хатти идборим будур.

Муршидеким, махласим куфри тариқатдин тилар,
Ўзлугумнинг риштасин уздикки, зуннорим будур.

Эй Навоий, истасам зулфин паришон, қилма айб,
Найлайин сармояйи бахти сияҳкорим будур.

157

Чиқмаса жонон ғаму андуҳдин, жоним чиқар,
Завқидин ул дам кирар жонимки, жононим чиқар.

Мақдамидин боғ ўлур ҳам дашту ҳам кўй андаким,
Жилва айлаб боғдин сарви хирмоним чиқар.

Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,
Ғорати дин эткали ул номусулмоним чиқар.

Кўзда эрмас фурқатидин ашки гулгун қатраси,
Балки кўздин ҳам бағир захми киби қоним чиқар.

Захм аро қолған бошоқ жонимға етмиш, эй рафиқ,
Раҳм этиб Тенгри учун чек, доғи пайконим чиқар.

Чарх агар фарёду афғонимға етмас, айб эмас,
Ким анинг бедодидин фарёду афғоним чиқар.

Соқиё, ол бир қадаҳ бирла Навоий кўнглини,
Ким букун дерларки, сархуш кўнглум олғоним чиқар.

158

Шамъ ул ой ҳажрида тун куймагим огоҳидур,
Дуди эрмаским, менинг ҳолимға ўтлуқ оҳидур.

Чиқти жон, рози эман кўюнгга борғай, негаким
Ҳар қаён азм этса, дарду ғам анинг ҳамроҳидур.

Гар самандинг гардидин қолман не тонгким, бордур ул
Каҳрабоеким, бу хасдек жисм барги коҳидур.

Бир маҳи хиргаҳнишин кўнглумни олмиш, эй рафиқ,
Йўқ ажаб гар хаста кўнглум ноласи хиргоҳидур.

Ёр кўнгли истамиш кўнглумга сурмак тиғи кин,
Ҳар не дилхоҳи анинг мен телбанинг дилхоҳидур.

Мисри иззат истабон, зиндони ғамдин қочмаким,
Моҳи Канъон тахтиға боис мазаллат чоҳидур.

Эй Навоий, мен худ асрабмен ғами ишқин ниҳон,
Айлабон зоҳир кўнгулнинг нолаи жонкоҳидур.

159

Тоза сарве боғ аро, дерларки, ноз оғоз этар,
Ҳар дам они кўргали кўнглум қуши парвоз этар.

Нозининғ овозаси ўлтурди, оҳ, ул вақтдин,
Ким ани кўз бирла кўрсамким, не янглиғ ноз этар.

Кўрмай андоқ зорменким, рашк ўти айлар ҳалок,
Гар кўнгул жонимни ишқи сиррида ҳамроз этар.

Озу кўп демай фидоси айладим, билман, ҳануз,
Ким жафому кўп этар, ёхуд вафому оз этар.

Килғамен дамсозлиғ ҳажрида минг йил жон била,
Англасамким, васлида бир дам мени дамсоз этар.

Кўз била жон пардасин кўнглум муҳайё айлади,
Гўйиё қўйғач қадам кулбамға пойандоз этар.

Чарх меҳру кийнасидин не азиз ўл, не залил,
Нечаким гоҳе сени излолу гаҳ эъзоз этар.

Дайр пирининг муридименки, ҳар ён қилса азм,
Риндлардин май кўтармакка мени мумтоз этар.

Эй Навоий, истиқомат йўқ чу даврон табъида,
Ғам ема гар гоҳ меҳру, гоҳ ситам оғоз этар.

160

Ул ўтлуғ чеҳраға зарбофт хилъат не ярошибдур,
Магар хилъатқа ул юз ламъасидин ўт тутошибдур.

Фалакнинг боргоҳиға кўмоч ўлмиш қуёш жирми,
Анга оҳим сутундек дуди мундоққим улошибдур.

Малойик қушлари ғам шоми қўзғалмоқ тонг эрмаским,
Етибдур кўкка юз оҳим хаданги, балки ошибдур.

Бало дашти аро юз минг ўлуктур, онда қотил ишқ,
Хирад мағлуб хайли бирла гўёким савошибдур.

Лабингдин жон топай деб, кўп талашти ҳажр аро кўнглум,
Ўлар ҳолатда ул бемордекким жон талошибдур.

Қадаҳқа бода тарёкини қуй тошқунча, эй соқий,
Ки ғам заҳри била жомим тўлуптур, балки тошибдур.

Навоий гар лаби ёди била қон ютди, жон тутди,
Табибо, билки, бу шарбат анга беҳад ярошибдур.

161

Ложувардий қошинг узра зарварақ тобонмудур?
Ё магар кўк тоқи узра анжуми рахшонмудур?

Зулфиму оҳим елидин совурур оламға мушк,
Ё сабо таҳрикидин сунбул абирафшонмудур?

Хайчакон оразмудур, ё ҳусни банди зулф аро,
Юз асир ўлған кўнгуллар ҳолиға гирёнмудур?

Зарваракдин шуълалардур ҳар тараф рухсориға,
Ё ул ўтлуғ юзда ҳар ён бир кўнгул сўзонмудур?

Ҳажри золим шоми кавкабдинму гирёндур манга
Ё анинг субҳи ғариб аҳволима хандонмудур?

Эйки, майли жаннат этмассен менинг кўнглум киби,
Нотавон кўнглунг биров кўйида саргардонмудур?

Бўлди қадди ё Навоийнинг, юзи чун зарварақ,
Ложувардий қошинг узра зарварақ тобонмудур?

162

Ул қуёштин айру ўртанган ичимда қайғудур,
Кўнгул ичра су киби қон, кўз аро қондек судур.

Тишларингни соғиниб кўп йиғларимдин кўз ёшим
Бир-бири кейнича андоққим тизилган инжудур.

Кўз ёшим ичра ёруғ кўнглум қаронғу бўлғали
Тонг эмас, невчунки ул ёшларға тушкан кўзгудур.

Ул туганким телбараб иткан кўнгулга ўртадим,
Қай сари борса ул ойнинг қуллуғиға билгудур.

Кўзума келмас очуқ келганда ул юз оллима,
Онча яхши англамас кўзким, қуёшқа ўтрудур.

Қайғу ўлтурди мени, тутқил аёқчи тўстағон,
Ким чоғир қайғуни ўлтурмакка аччиғ оғудур.

Деб эдинг, олғум Навоий кўнглин, олгач ўртадинг,
Яхшилар олмоқ ёмонлар кўнглини мундоқмудур?

163

Дуд янглиғ дема, кўнглум оҳи дардолудидур,
Ким кўнгул узра туган қўйған фатилам дудидур.

Абри ҳасрат ёмғирию тийрборони фано,
Кисвати мавту ҳалоким хирқа тору пудидур.

Дард нақшин қилди ҳар доғим уза султони ишқ,
Ул дирамларнинғ бу гўё сиккайи беҳбудидур.

Ишқнинг савдоси жонимға зиёндур демаким,
Ҳар киши мундоқ зиён ишқ ичра қилса судидур.

Хўблар кўйида истиғно елидин ҳар ғубор,
Ким қўпар бир нотавоннинг жисми ғамфарсудидур.

Жавҳари жоним олиб тут журъае, эй муғбача,
Ким бу нақд аҳли фанонинг будию нобудидур.

Дер Навоий бўлса муғ дайрида маету жомачок,
Ким тирикликдин бу султонлиғ анинг мақсудидур.

164

Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.

Чун Зуҳал толиъ бўлур холинг хаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.

Жилва қилғач Муштарий, кўзни узоринг ёдидин
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.

Чун чиқар Баҳроми қотил, кўзларинг андишаси
Хаста жонимни қатили ханжари озор этар.

Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.

Зуҳра ҳолимға сурудин навҳаға айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.

Ўлмагим англаб Уторид ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин силли била аҳли азокирдор этар.

Тийра айлаб бениҳоят кеча умрум шамъини,
Васл субҳи ҳасрати ранжим юз ул миқдор этар.

Ростлиғ улдурки, билғач ул қуёш раҳм айлагай,
Улча аҳволимға ҳар тун чархи кажрафтор этар.

Эй Навоий, ишқ дардидин шикоят қилмаким,
Жонинга жавру жафосин ҳар нечаким бор этар.

165

Нетиб туз этай қадким, жисмимда шиканлардур,
Найлаб туз урай дамким, бағримда тиканлардур.

Тирноғ ила хатларким рухсорим уза чектим,
Юз боғида гуллардин ҳар сори чаманлардур.

Юз ёптию жон олди, очқанда равон олди,
Ўлтургали ошиқни билман бу не фанлардур.

Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда ғубор эрмас,
Афтода кўнгуллардур, фарсуда баданлардур.

Юз аҳд ила маҳвашлар кўнглумни олиб, эмди
Қатл айладилар, асру бадаҳд эканлардур.

Майхонада ҳар сори бир мастки, бош қўймиш,
Кирпичлари гўёким жонларга ватанлардур.

Жисмида Навоийнинг ҳар момуқ ила марҳам,
Бир неча ўқунг захми, бир неча туганлардур.

166

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.

Кўзум ашкининг руди оқар тезу тунд андоқ,
Ки гар уйқу кўз сори келур ҳам гузар йўқтур.

Отин тутсалар ногоҳ кетар ўйла ҳушумким,
Бадан ичра руҳумдин, дегайсен, асар йўқтур.

Кўнгул сўрғали келдинг, табибо, муни билким,
Ул оворадин сендек манга ҳам хабар йўқтур.

Йўлунгга нисор ашким, агар оз эрур гар кўп,
Итингға ғизо кўнглум, агар бор, агар йўқтур.

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун эттим,
Вафо нахли экканга бажуз ғусса бар йўқтур.

Навоий фироқингдин анингдек заиф ўлди,
Ки ўрнида эл боқса дегайлар, магар йўқтур.

167

Ул саводи хатмудур ё сабзайи жаннатмудур?
Ё қуёш узра ёзилған ояти раҳматмудур?

Буки сенсиз куйдурур жонимни билман яхшиким,
Юз тоғуғнинг ўтиму ё шуълаи фурқатмудур?

Эйки, дерсен, лабларимдин ҳожатинг недур, дегил
Мен — сусиз, ул — чашмайи ҳайвон демак ҳожатмудур?

Демаким не эркин ул ойнинг қуёшқа нисбати,
Бир-бирига иккисин ўхшатқуча нисбатмудур?

Қаддини кўргач ҳам ўлдум, ҳам тирилдим оллида,
Рост гар дерсен қиёмат де ани, қоматмудур?!

Даъвийи ҳиммат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,
Қилмоқ олуда нажосатқа ўзин ҳимматмудур?

Гар Навоий меҳнати ҳижронда ўлди айб эмас,
Юз туман муҳлик бало дегил ани, меҳнатмудур?!

168

Кўзунг сарфитнайи олам тушуптур,
Қошингдек бир янги ой кам тушуптур.

Сепибсенму гулоб ул юзга ёхуд
Гули сурий уза шабнам тушуптур?

Кўнгуллар захмидин солиб чекарга,
Магар қошинг учиға хам тушуптур?

Лабинг ҳажринда бағримдин борур қон,
Магар ул захмдин марҳам тушуптур?

Эмас елдинки, сайри боғ этарда
Аёғингға суман гул ҳам тушуптур.

Итинг синған сафолида май ичсам,
Не тонг илгимга жоми Жам тушуптур.

Навоийни қовуб истар рақибин,
Гадо маҳруму ит маҳрам тушуптур.

169

Яна ҳамдамим шуълайи ғам бўлуптур,
Ғамим шуъласи жонға ҳамдам бўлуптур.

Кўнгул пардаси устида доғи ишқинг,
Бу туғро уза нақши хотам бўлуптур.

Қилиб хоки кўюнгни балчиқ сиришким,
Туташқан яланг танға марҳам бўлуптур.

Нетиб куймайинким, ғаминг ковкови
Етибтур, кўнгул уйи барҳам бўлуптур.

Тўлуптур кўнгул ишқинг ўқидин андоқ,
Ки кўп ўқ дағи ўққа муҳкам бўлуптур.

Тутуб бир қадаҳ англат, эй дайр пири,
Ки бу коргаҳ сирри мубҳам бўлуптур.

Навоийға раҳм айлагил, эй париваш,
Ким ул телба расвойи олам бўлуптур.

170

Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,
Гарчи дерлар: талх дарёда чучук су ҳам бўлур.

Зулфу рухсоринг ғами не тонг бузуғ кўнглум аро,
Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, махзан ҳам бўлур.

Кўксума отсанг бир ўқ от, ёна бир ёниндаким,
Ул дағи кўнглумни шод айлар, бу ҳам муҳкам бўлур.

Ул пари ишқин малойикдин ёшурсам не ажаб,
Дарди йўқлар дард аҳлига қачон маҳрам бўлур?!

Оҳу ашкимдин шикоят кўп қилур ҳамсояким,
Дуд равзандин кирар уйнинг биноси нам бўлур.

Гар эгилса қоматим ишқинг юкидин, қилма айб,
Ким сипеҳр узра бу оғир юкни қўйсанг хам бўлур.

Олам аҳлидинким, ул ойни Навоий танлади,
Билмадиким ишқидин оворайи олам бўлур.

171

Ўтлуғ юзидин ул ойким бурқаин олиптур,
Кофирлиғин кўрунгким, Мусҳафқа ўт солиптур.

Ғам йўққи, кўйи ғардин кўзлардин оҳ учурди,
Ким ашк балчиқ эткан бир гўшада қолиптур.

Сабрим сипоҳу хайли кирпиклари сафидин,
Кўргач кўзи қаросин, ҳар сори қўзғолиптур.

Кўҳи ғамини кўнғлум чекканда кўрмади ранж,
Ҳажринг ғами юкининг остида товшолиптур.

Ислому ақлу диним нақдини сўрмангизким,
Май важҳиға бу бори дайр ичра сойқолиптур.

Ною нафир унидин мағрур бўлма, эй шаҳ,
Ким бу навони тузган кўси фано чолиптур.

Ул гул паёмини ел дей олмас, эй Навоий,
Йўл пўясидин онинг бағри магар толиптур.

172

Қачонким боданўшум май ичарга изтироб айлар,
Бурунроқким, ўзин маст айлагай, бизни хароб айлар.

Гули рухсорини май шабнами айлаб тару тоза,
Латофатда қуёшнинг чашмасин беобутоб айлар.

Мени гамгин қаён гом урмоғим ғам даштида сўрманг,
Қуюнни кимса англармуки, қай сори шитоб айлар.

Тилиб бағримни ишқинг тиғи ҳажринг ўқиға тевраб,
Ғамим базми учун кўнглум ўти ичра кабоб айлар.

Ҳар оҳим дудиким, кўк сори азм айлар, ани ишқинг
Бало селоби келтурмак учун мушкин саҳоб айлар.

Дегил умрум қуёши ҳажри шомида бўлур ғорат,
Қачонким оразинг хуршиди зулфунгдин ниқоб айлар.

Мазоҳирдин жамолинг меҳри гар зоҳирдурур тонг йўқ,
Қачон заррот хайли манъи нури офтоб айлар?

Қулимен дайр пиринингки, пинҳон ишқим англабтур,
Агарчи муғбача ҳамдамлиғимдин ижтиноб айлар.

Навоий, хонақаҳ дўзахча бордур, шайх анга молик,
Не тонг гар андағи элга насиҳатдин азоб айлар.

173

Ҳар гаҳки қадаҳнўшум майли майи ноб айлар,
Мужгон ўқиға шишлаб бағримни кабоб айлар.

Ҳажрим туни бедодин англар кишиким, ҳар тун
То субҳ биров ёди жониға азоб айлар.

Кеч келмагидин ўлсам жононнинг эмас тонгким,
Ул умр даранг айлар, бу умр шитоб айлар.

Бетоб кўнгуллардин қон оқса ажаб эрмас,
Машшота анинг зулфин бу навъки тоб айлар.

Хай қатралари юздин лаълингға бўлуб мойил,
Жоним учун ул майға мамзуж гулоб айлар.

Бу дайрда айб этма, гар масти хароб ўлсам,
Ким ҳар не иморатдур, даҳр они хароб айлар.

Мает айла Навоийни, англай дер эсанг комин,
Васлинг тамаъин ҳушёр айларга ҳижоб айлар.

174

Жонға йўқ кўнглумдину кўнглумга йўқ жондин хабар,
Менга не ўздин хабар, не кўнглум олғондин хабар.

Ўйла масти ноздур ул шўхким билмас ўзин,
Не ажаб гар йўқ анга мен зори ҳайрондин хабар.

Воизо, дўзах ўти доғин ўгарсен англадим,
Ким сенга йўқтур ҳамоно доғи ҳижрондин хабар.

Гарчи қосид лафзи жонафзо эди, лекин мени
Қилди жондин бехабар, гар қилди жонондин хабар.

Ўйла маҳвунг бўлған эрмишменки, бўлмайдур манга
Захм аро пайконларингни тортиб олғондин хабар.

Соқиё, давр аҳли жаври саъб эрур, маст эт мени
Ул сифатким, бўлмағай ўлгунча даврондин хабар.

Эй Навоий, шоҳ лутфидин кўнгулни жамъ тут,
Гар паришон келса бок эрмас Хуросондин хабар.

175

Қосидеким еткурур кўнглумга жонондин хабар,
Ўйладурким берғай ўлган жисмға жондин хабар.

Дема ҳажримдин хабарсизму экансенким, менга
Бор эди ўлмактин, аммо йўқ эди ондин хабар.

Не ажаб очилса кўр ўлған кўзум Яъқубдек,
Ким насими субҳ берди моҳи Канъондин хабар.

Шодмен гўё фироқ айёми бўлди муртафиъ,
Ким ҳабибим келмагига етти ҳар ёндин хабар.

Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли,
Ким берурлар ул бири сарсар, бу тўфондин хабар.

Соқиё, қуй давр аёғин, ўйлаким нўш айласам,
То қиёмат топмағаймен аҳли даврондин хабар.

Эй Навоий, тонг йўқ ўлсамким, ўтуптур неча кун,
Ким менга йўқ не кўнгул, не кўнглум олғондин хабар.

176

Куйди кўнгулки, қолмади ашқда қонидин асар,
Қон демайинки, кўзда ҳам ашки равонидин асар.

Ҳуш асари йўқ эрди гар элга кўнгул фиғонидин,
Оҳки, қолмамиш анинг эмди фигонидин асар.

Бошиға, эй Масиҳ, ет хастангники қолмамиш
Жонда ҳаётидин рамақ, жисмда жонидин асар.

Юз қуёш ўлса кетмагай ер юзидин қоронғулуқ,
Кирса жаҳон аро кўнгул ҳажри замонидин асар.

Бўлғай улус аро ул ўт бирла қиёмат ошкор,
Бўлса бу жони зорнинг оҳи ниҳонидин асар.

Гум бўл агар висолнинг толибисенки, топмағай,
Кимки фано йўлидадур ному нишонидин асар.

Борди, Навоиё, анинг кўйига ёралиғ кўнгул,
Кўргил агар инонмасанг йўл уза қонидин асар.

177

Бизга жаҳон боғидин ул сарви гуландом етар,
Ул чу етар сояйи сарву майи гулфом етар.

Базм бу навъ ўлди эса нуқлиҳадисин демаким,
Ғунча била наргисидин шаккару бодом етар.

Дин улуси қатли учун куфр эли ҳожат эмас,
Эй фалак, иш гар будур ул офати ислом етар.

Ҳар нафас, эй ишқ, анинг дарди ўтин кўнглума ёқ,
Бўлса бу марҳам чу анинг ранжиға ором етар.

Нўши висолинг била аҳбобни қил комраво,
Ким менга дардинг майи хунобасидин ком етар.

Тоғ киби торт қаноат этаги ичра оёғ,
Даври фалакдин сенга бир қурс агар шом етар.

Ўтти кўп айёму Навоийға ишинг фитна эди,
Мунча-ўқ, ўлғай ситам, эй фитнаи айём, етар.

178

Ёри бирла бода ичкан нўши жондурким, ичар,
Ёрсиз нўш ичса рангин бода қондурким, ичар.

Ҳар кишиким базмида соқий эрур нўшинлабе,
Жавридин гар қон ичар, лаъли равондурким, ичар.

Хизр умрию Скандар мулки топқан ёрсиз,
Оби ҳайвон ичса, заҳри бегумондурким, ичар.

Ҳажр аро бехуд бўлай деб кўнглум истар жоми май,
Демангизким, соқий ул номеҳрибондурким, ичар.

Эй сабо, ғавғодурур боғ ичраву маҳруммен,
Гўйиё маҳрамлари бирла фалондурким, ичар.

Хонақаҳда бода ичкан эмин эрмас шайхдин,
Ким фано дайридадур, дорул-амондурким, ичар.

Эй Навоий, ҳар дам ар қон ичса кўнглум қилма айб,
Бодайи лаълидин ул ойнинг нишондурким, ичар.

179

Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур,
Кўзума сенсиз гулафшон боғ хорафшон эрур.

Дафъа-дафъа гул сочилмайдур гулафшон боғида,
Ким менинг гулгун ёшимдин қатра-қатра қон эрур.

Баҳру тоғ этманг гумонким, ул бири кўзумга ёш,
Бу бири кўнғлумга дарду меҳнати ҳижрон эрур.

Дема бир дамда булут кўкни не навъ айлар ниҳон,
Ким бу мушкил дуди оҳим оллида осон эрур.

Буки ҳар ён чоқилур барқу ғирев айлар булут,
Кўнглума ул шуъла оҳу бу бири афғон эрур.

Йўққи, турмас бир замон ёмғурки, бир ой ҳажридин,
Ашкбор икки кўзум селобидин тўфон эрур.

Ақлингиз бор эса қилманг ёр ҳажрин ихтиёр,
Ким бу ишни улки қилди мен киби нодон эрур.

Ким майи васл ичтиким, ҳижрон хуморин чекмади,
Хорсиз гул даҳр боғи ичра не имкон эрур.

Дўстлар, қилманг Навоийға насиҳатким бу кун
Ҳажр дардидин бағоят бесару сомон эрур.

180

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр
Тўрт унсур кисватидур гўйиёким жон кияр.

Ўзбакий гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур,
Лемуйи терлик анинг остидаким, жонон кияр.

Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шикофин боғламай қаптон кияр.

Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун елак чун савсаний каттон кияр.

Ораз узра шўхлуқдинму ёпар синжобини,
Йўқса синжоби булутдурким маҳи тобон кияр.

Ҳар чубулған торидур сарриштайи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.

Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ,
Поку беғашдур гадонинг кисватин султон кияр.

181

Кимки анинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одамий бўлса, пари бирла малакдин ори бор.

Кеча улким чирманур бир гул била не тонг, агар
Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.

Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,
Пардин-ўқ жисмиға санчилған ададсиз хори бор.

Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур,
Анкабутеким анинг жон риштасидин тори бор.

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,
Гул юзида ётқан икки нозанин бемори бор.

Айлаб ўзни маету бехуд чиқмасун майхонадин,
Кимки мендек давр элидин кўнглида озори бор.

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен анинг сори бор.

182

Юз олман йўлидин қатлимға чун ташриф ёр элтур,
Намоз ичра ўлумлук макс этардин рўзгор элтур.

Қачонким масти лояъқил чиқар, ваҳким, анга берман
Кўнгулни ихтиёрим бирла ул беихтиёр элтур.

Итига туъма дарбойист бўлғай деб қаён борса,
Кўнгул сайдини фитрокига айлаб устувор элтур.

Менинг мажнунлуғумни ул пари ишқида манъ этманг,
Ки ақли кулни савдо даштиға девонавор элтур.

Шабистонингда анжум маҳраму кун бўлғали маҳрум,
Бу гулгул очилиб ҳар кеча, ул бир хорхор элтур.

Насими субҳ хайли сунбули зулфунгни тарқатқач,
Саводи тунча мушки судадин ҳар ён ғубор элтур.

Юзу зулфунг тилаб боғ ичра оҳим оташин гулдин,
Узар яфроғлар ўтдин дуд андоқким шарор элтур.

Мени майхонаға бординг дебон ёзғурма, эй зоҳид,
Ки усрук шаҳнадек улён қазо илги тутор элтур.

Қазо нарроди кўк тосинда ой-кун каъбатайнидин,
Душаш нақши била эл нақди умрин бешумор элтур.

Навоий қатлиға чун ваъда қилдинг, вафо қилким,
Йўлунгда телмуруб умредурурким интизор элтур.

183

Сариғ либос аро ул нўшлабки, хандондур,
Эрур Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондур.

Либосу жисм ила ул гулъузор кўргузди,
Хазон ичида баҳореки ақл ҳайрондур.

Либоси ўт киби асфар, тани ҳаёт суйи,
Ажойиб ўтки, аросинда оби ҳайвондур.

Ўшул дур орзусидинки, зарварақ киймиш,
Юзумнунг олтунида дурри ашк ғалтондур.

Фироқ даштидағи лолалар сариғ бутмиш,
Магарки доғлари барча доғи ҳижрондур.

Юз ул этакдин агар олмасам не тонгки, сомон
Чу каҳрабоға етар, қўймоғи не имкондур.

Сариғ юзумдек этиб субҳ ўзин соғиндиким,
Совуғ нафас била меҳрин ёшурмоқ осондур.

Навоийга берур эл панду ул муни дерким,
Сариғ либоси фалон шўхнинг не часпондур.

184

Хаста кўнглумнингки, зулфунг шомида ороми бор,
Бўлса беором тонг эрмаски, муҳлик шоми бор.

Рўзгори мендек ўлса тийра, субҳ эрмас ажаб,
Бир қуёш ҳижронидин улким қаронғу шоми бор.

Ул пари тонг йўқ малойик қушларин сайд айламак,
Ел ҳавоға ўйлаким ошуфта қилған доми бор.

Қадду андомим ушалди жилвасидин, дўстлар,
Ваҳ, не дилкаш қомату не дилфиреб андоми бор.

Ҳар кишиким ному бенанг ўлса, кирсун дайр аро,
Хонақаҳ тутсун ғанимат, улки нангу номи бор.

Оғзиға олмас таҳуро шарбатин, эй муғбача,
Ҳар кишиким бодайи лаъли лабингдин коми бор.

Телба деб қовма яланг кўрсанг Навоий жисмини,
Не учунким Каъбайи кўюнг сари эҳроми бор.

185

Кўнгул кўзлар йўлин тутмоққа ҳажрингда шитоб айлар,
Бирин тутқунча бирнинг сели оламни хароб айлар.

Қазо ташбиҳ этарга оразингға чарх боғидин,
Агарчи ўхшамас бир-икки гулни интихоб айлар.

Ул ой ҳажри шиканжида таноби зулфи ёдидин,
Фалак ўз даври ҳанжори била жисмимни тоб айлар.

Кўкартурға муҳаббат даштин ашким ямғури бирла,
Ҳар оҳим дудидин кўк бир баҳоройин саҳоб айлар.

Кўнгулга ҳажр захмиким уруб ўздин йироқ солдинг,
Бўғузлаб ташлаған қушдек тўкуб қон, изтироб айлар.

Кетур, эй ҳурваш соқий, майи кавсар зулолидек,
Ки дўзахдек хумори ҳажр жонимға азоб айлар.

Қулимен дайр пиринингки, журмум беҳисоб ўлса,
Ҳисоб этмас, вале эҳсону лутфин беҳисоб айлар.

Эрур косиб ҳабибуллоҳ, вале қилған фано касби,
Йўқ ул косибки, дунё молу жоҳин иктисоб айлар.

Май ичра ғарқадурмен то бошимда май ҳавосидур,
Қани риндеки май узра тамошойи ҳубоб айлар.

Санга мақсуд ағар Ҳақдур, улустин кечки, бу йўлда
Топар мақсудин улким мосиводин ижтиноб айлар.

Навоий ул кўзу лабнинг харобидур, ажаб эрмас,
Агар маст ўлғали ҳар дам ҳавои лаъли ноб айлар.

186

То дайр ичинда муғбачалардин нишонадур,
Эй пири дайр, бошиму – бу остонадур.

Ўздин бориб фиғоним эмас тонгки, дайр аро,
Ҳар сори боқса замзамайи бехудонадур.

Гаҳ пири дайр боис эрур, гоҳ муғбача,
Йўқ-йўққи, бода комиму ул-бу баҳонадур.

Дайр ичра йўқ сафол ила олтун қадаҳда фарқ,
Шоҳу гадо тенг ўлди ажаб корхонадур.

Асрори ваҳдат иста харобот пиридин,
Ким шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.

Гар кўнғлум ичра соқию май ўрт солмамиш,
Ҳар лаҳза оҳидин бу не ўтлуқ забонадур?

Ул умр бир замонлиғ эрур, истама вафо,
Афғонки, ул ҳам ўйлаки аҳли замонадур.

Кўздин сочилди ашку кўнгул ўти берди бар,
Ул навъ ўт чиқарди ажаб тавр донадур.

Оташгаҳ этти куфр эли кўнглум уйин магар,
Ким умр ўтти ўчмай ул ўт анда ёнадур.

Истар Навоий ўзни маю ишқдин халос,
Мониъ валек соқию жоми муғонадур.

187

То турраси торинда ҳар сори тугунлардур,
Заъф ичра сўнгаклардин ҳар сори бўғунлардур.

Дарёву булут эрмаским, оҳ ила ашкимдин,
Ҳам ер юзида кўллар, ҳам кўкта тутунлардур.

Шак йўққи, ёрутқайсен кулбамдағи зулматни,
Ҳажрингда манға, эй ой, билсангки, не тунлардур.

Овораву саргардон ишқ аҳлиға боқ, ҳар ён,
Ким водийи дард ичра не навъ қуюнлардур.

Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрниға жон олур,
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур.

Жисмимда туганларни айб айлама, эй зоҳид,
Ким сабр илиги тиккан хирқамда юрунлардур.

Ичканда Навоий май дайр аҳлиға сур ўлмиш,
Солғил қулоқ, эй носиҳ, ул ёнки не унлардур.

188

Кўз қонидин дема, этагим лолавордур,
Ким кўҳи дарднинг этаги лолазордур.

Ҳар лола бир ахгар эрур, лек сийнасўз,
Қай кўҳи дард аро бу сифат лола бордур.

Бир гул юзи фироқида хуноби ашк ила
Юз заъфарони ичра кўзум лолакордур.

Эл поймол этарлар узуб дашту тоғ аро,
Баским, юзунг гули қошида лола хордур.

Қон ичра ғарқ бағрим аро доғу дашт уза,
Бекаслигим чоғида манга лола ёрдур.

Соқий, кетур суроҳий ила лолагун қадаҳ,
Хосса бу дамки, субҳ ели лолабордур.

Теграмда оҳдинки эрур, эй Навоий, ўт,
Кўз қонидин дема, этагим лолавордур.

189

Ҳарорат жонима ул оташин лаъл ахгариндиндур,
Анга таскин ҳамул юз равзасининг кавсариндиндур.

Сочингнинг тийра шомидин юзунг субҳида йўл топмоқ,
Баногўшунгдағи дурри шабафрўз ахтариндиндур.

Таҳуро бодаси дерлар эрур жонбахшу руҳафзо,
Магарким чошни ул майға лаълинг соғариндиндур.

Шабистон субҳи давлатдин ёруғроқ бўлса тонг эрмас,
Ки партав анда ул рухсори шамъи анвариндиндур.

Юзунг очқач шамими лутф олам ичра бутратдинг,
Мағар бу атр ул ўт узра холинг анбариндиндур.

Баҳор айёмини беш кун ғанимат англа, эй булбул,
Ким мунча сўзу тобинг оташин гул мижмариндиндур.

Навоий, қилмағил бас назм бирла дурфишонлиғким,
Маоний бикриға зевар ҳадисинг гавҳариндиндур.

190

Икки кўзумки дарду бало жўйборидур,
Оҳим бухори устида абри баҳоридур.

Ушшоқ тийра ахтари ҳар ён шафақ аро,
Гўё сипеҳр сабзасининг лолазоридур.

Билмай дединг узулмиш экан субҳайи ақиқ,
Лаълинг ғамида қон киби ашким қаторидур.

Ғам гулшанида қаддим эрур ул яғочким,
Пайкону бори ҳажринг анинг баргу боридур.

Ҳар кимки Юсуфум ғамидин ўлди дашт аро,
Ҳар тун магар бўри кўзи шамъи мазоридур.

Бу дашт туфроғин дема мушкинки, ҳар овуч
Бир мушкбў ғазола тани хоксоридур.

Бергил тутуб пиёла Навоийға руҳким,
Жонин етурган оғзиға лаълинг хуморидур.

191

Жонда ишқинг бўлғуси, то танда жон бўлғусидур.
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлғусидур.

То тириктурмен ичига жола тушкан ғунчадек,
Хаста кўнглум дурри ишқингға макон бўлғусидур.

Дарду ишқинг доғи ул соатки ўлсам жон аро
Жоннинг икки нуқтаси янглиғ нишон бўлғусидур.

Қилди ашкимни шафақгун ҳажр бепоён туни,
Ҳулласин чек тонгнинг, эй гардунки, қон бўлғусидур.

Ул Масиҳ анфоси жонбахшу лаби ҳайвон суйи,
Аллоҳ-Аллоҳ, неча жоним нотавон бўлғусидур.

Меҳр шамъи дудидин қиссамни ёз, эй чархким,
Зийнати авроқинг ушбу достон бўлғусидур.

Ўқидин кўнглунг қачонға тегру захм ўлғай деманг,
То бу қуш бўлғусидур, ул ошён бўлғусидур.

Гул қулоғин чун оғир қилмиш кириб шабнам суйи,
Неча, эй булбул, ишинг доим фиғон бўлғусидур.

Эй Навоий, кўкка тегру дарди оҳимдин шиканж,
Еткали ул ойға гўё нардбон бўлғусидур.

192

Донайи ашкимки, ёғмоғлиғ била афсонадур,
Тухми меҳрин экмак учун ҳам ёғин, ҳам донадур.

Ишқ комил бўлса, маъшуқ арғувонхад бўлмасун,
Каҳрабо шамъиға ҳар каҳбарғ бир парвонадур.

Шишадек кўнглумки, тўлмиш бодайи ҳажринг била,
Гўйиёким ўлмагим учун тўла паймонадур.

Ишқ атфоли кўруб коғазда Мажнун суратин,
Қилдилар ғавғо, гумон айлабки бу девонадур.

Даҳрнинг бегонаваш золиға бўлма ошно,
Ким сени то ошно этти ўзи бегонадур.

Ул санам кўйида кундуз — гум, кеча сойир кўнгул,
Шаппаредурким анга кундуз мақар бутхонадур.

Эй Навоий, мужиби саргашталик эрмиш жунун,
Ичкали бу майни ҳар соат бошим айлонадур.

193

Маркаб эрмаским, сабо майдонда гардангез эрур,
Рокиб эрмас, барги гулдурким, сабодин тез эрур.

Ташлади ҳар ён улус жонини саргардон қилиб,
Гирдбоди фитна гўёким ғуборангез эрур.

Наъл эмас, равшан ҳилоле эл кўзин ёрутқали,
Пўяда ҳар сори шабрангига дастовез эрур.

Рокибу маркаб юзу аъзосидин терму оқар,
Ё булут дурбор ўлуб, хуршид анжумрез эрур?

Бодайи гулгун кетурким, шоми ҳижрон мен киби,
Юз туман Фарҳодни паст айлаган Шабдез эрур.

Ошиқиб терлаб иложимға етиштинг, эй Масиҳ,
Не ажаб гар шарбати лаълинг гулобомез эрур.

Гар яна маст отланиб кўнглакча жавлон қилмади,
Бас қулоқ сол шаҳр сориким, не рустохез эрур?

Ҳийла ожизлиғдин айлар ошиқ, англа, эй кўнгул,
Ким забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвез эрур.

Эй Навоий, ёр агар майхорадур, юз қатла шукр,
Ким эмассен порсову хаста, не парҳез эрур?!

194

Не лўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар
Қиё боқмоқлари поки итик, мужгонлари – ништар.

Юзидинким хижилдур гул, паришон ҳар тараф кокул,
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.

Югурмакликда ҳар гунбадки секрир ул маҳи гулхад,
Гули меҳр олдарар беҳад, уёлур гунбади ахзар.

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,
Қамардек ҳола кўргузди, узори давридин чанбар.

Либоси нози часпондур, гаҳе туз қадди чавгондур,
Замоне гўйи ғалтондур, зиҳи чобук, зиҳи дилбар.

Бошиға сийм ўлуб борон, тушуб гирдиға анжумсон,
Тулуъ эткан киби ҳар ён, қамар атрофида ахтар.

Тўкуб қон ниши ғам бирла, очиб майдон ситам бирла,
Олиб таблу алам бирла кўнгуллар кишварин яксар.

Жунун шамъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур фан,
Паридек бўлгали парранда, ул шўхи парипайкар.

Навоий бўлди лўливашки, келмиш анга лўли хуш,
Қани бир жоми лўликашки, лўли тутса бир соғар.

Тамаъ қилма фалакдин комким, ханжар қилур ошом
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозийгар.

195

Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлок ўртанур,
Асрасам кўнглумда, жону жисми ғамнок ўртанур.

Меҳр эмас, оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шарар,
Айб эмастур гар десам, дам урсам афлок ўртанур.

Бас таним ўртарга қонлиғ новакинг, ҳижронни қўй,
Барқ не ҳожат, бир учқун бирла хошок ўртанур.

Шамъ ўти моҳиятин англай деган парвонадек,
Оразинғ меҳрини фаҳм айларда идрок ўртанур.

Ишқ аро кўнглум неча толпинса, ортар шуъласи,
Ўтқа тушкан телба қилған сойи топок ўртанур.

Ашк юб жисмим кудуратдин, қурутмиш оҳ ўти,
Ламъае тушгач узоринг барқидин пок ўртанур.

Эй Навоий, чун рутабдек оташин лаъли аро
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлуб хок ўртанур.

196

Бу тоза туганким ғамидин кўнглум ародур,
Кўнглум қуши ғам дашти аро бағри қародур.

Жисмим аро пайконинг эмас ҳар сари, гўё
Ҳар гўшада ёмғур суйи ғам тоғи ародур.

То боғи ҳалокимда не гулларки очилғай,
Захмим доғи қон су киби тинмайки бородур.

Жонимни чиқармоққа агар йўл ясамас ишқ,
Ғам тиғи недин ҳар сори кўксумни ёродур?

Ғам шоми деманғ, субҳки кўк шамъин ўчирган,
Ашким суйидур, улки йироқтин оқародур.

Кир водийи ишқ ичра енгилракки, бу йўлда
Ўзлук юкини ташламоғон асру ҳородур.

Майхона – Навоийғаю зоҳидға – ики кавн,
Ким анга ғараз икки сародин бу сародур.

197

Оразинг ҳуснин фузун қилган ҳилолий қош эрур,
Ёхуд ул ой шамъини ёрутқали минқош эрур.

Кўз ёшим дурри ятимин маҳрами роз айламан,
Ҳар нечаким пок ғавҳардур, валекин ёш эрур.

Онча ёғдурди бало тошин танимға ишқким,
Юз минг ил ишқ аҳли гар кўксига урса тош эрур.

Хўблар лаъли хаёлотин пиширмактур ишим,
Шуълалиқ кўнглум бу соғарларға гўё дош эрур.

Қолди аввал тоғ аро Фарҳоду Мажнун дашт аро.
Ишқ йўлинда манга икки ажаб йўлдош эрур.

Ул Масиҳ анфоси тарсо сайдидур кўнглум қуши,
Ким малак дайри равоқи кунжида хуффош эрур.

Чун оғиз очти Навоий кўнгли ҳар ён захмидин,
Не ажаб гар ёшурун дарди эл ичра фош эрур.

198

Телба кўнғлумға хирад аҳли маоши қайдадур,
Телбага рўзи бажуз атфол тоши қайдадур?

Субҳу шомим саъб эканни билгай улким, билмагай,
Ким кеча ойи қаён, кундуз қуёши қайдадур?

Ул кўзу қоши қароға ойни ташбиҳ айламанг,
Ойнинг офатлиғ кўзи, пурфитна қоши қайдадур?

Бетаҳоши жон олур деб кўп мени қўрқутмангиз,
Жон берурда менда ҳам бори таҳоши қайдадур?

Гар қуёш ҳажрида тун юзинда анжум ашки бор,
Мендек ул гул ҳажрида гулранг ёши қайдадур?

Даҳр гулзорида гул ишқиға булбулнинг уни,
Гар бийик бўлғай фиғонимдек хароши қайдадур?

Кўйида итлар узуштилар Навоий хастани,
Ким эмас зоҳирки, жисми қайда, боши қайдадур.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «НАВОДИР»ДИН

199

Эй жалолу раҳматингдин гар залилу, гар муаззаз,
Сафҳайи кавнайн ўлуб отинг тирозидин мутарраз.

Юз бу оламча яратмоқ қудратинг оллинда жоиз,
Садякин ижод қилмоқ ўзгаларга йўқ мужавваз.

Мунча хилъат махзани инъому ташрифингдин ўлди,
Чарху тоғу баҳрға атлас вагар хоро вагар хаз.

Санъатинг саббоғидин кўк золи кийган ҳуллайи мовий,
Ҳошия бўлған шафақдин зайлиға ранги гул газ.

Офаринишни иҳота айлабон андоқ вужудунг,
Ким муҳит ул доира кўк нуқтадекким бўлса марказ.

Боғбонға чун ғино айлаб насиб эҳсонинг илги,
Хўша-хўша гаҳ зумуррад, гоҳ лаъли ноб осиб раз.

Нафс хор этмиш Навоийни, азиз эт фақр бирла,
Эй жалолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз.

200

Сарв янглиғ жилва қилсанг ноз ила, эй сарвиноз,
Жонлар эткайлар аёғингға фидо аҳли ниёз.

Танда ҳар наъл ичра бир тил шакли зоҳир айладим,
Дер учун жисмим ғами ишқингда ҳар тил бирла роз.

Нури рухсоринг кўнгулни қилди су, ваҳ, кўрмадук,
Шамъ тоби ўйлаким андин лаган топқай гудоз.

Ул санамким, қасри атрофида эл бош қўйдилар,
Каъбадекдурким қилурлар барча соридин намоз.

Ё сипанд эт юз ўтиға кўзларимнинг мардумин,
Ё юзунгни ёпиб айла эл кўзидин эҳтироз.

Ишқ агар комилдурур маъшуқни маҳкум этар,
Бўлмайин Маҳмуд, бўлмоқ истама ёринг Аёз.

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

201

Шаҳсуворим тавсани айларму оё пўя тез,
Ё қуёш турки фалак рахшин қилиптур гармхез.

Ул шиҳоб эрмаски, майдони аро гўй ўлғали,
Саъд кавкаблар тушар ерга қилиб кўктин гурез.

Гардлиғ чавгон хамида ахтар ўлған ўйлаким,
Гўйи ғабғаб даврида чавгон зулфи мушкбез.

Маркаби тер қатраси бирлаки ҳарён сочилур,
Бир саҳоби дурфишондур ер юзига қатрарез.

Гўйи чавгон зарбидин тутмоқ била ҳар дам ҳаво
Бийм эрурким шишайи гардунни қилғай рез-рез.

Соқиё, май берки бу даврон аро гўй урди ул,
Ким фалак чавғони бирла қилмади мардум ситез.

Гўй учун инди кавокиб, гардидин ер тутти авж,
Эй Навоий, воқиф ўл гўёки бўлди рустахез.

202

Қуш кетурди номангу, кўнглумни қилди шуълахез,
Айлади гўё қанотининг ели бу ўтни тез.

Зор тандин минг туган солмиш қаро, ўлсам не тонг,
Гулбуни умрумға бу янглиғки бўлмиш баргрез.

Сарсари ҳажрингки совурди кулумни, йўқтурур —
Ишқ ила дард аҳлиға мундоқ насими мушкбез.

Эйки дерсен чиқмамиш ул масти кофир қатл учун,
Бас недин ислом аро бу навъ тушмиш рустахез?

Гар саломат истасанг неким етар таслим бўл,
Ким ситез аҳлиға даврондин етар кўпроқ ситез.

Истама мендин дамодам бода ичмак, эй рафиқ,
Ким нашотим соғарии ғам тоши этмиш рез-рез.

Эй Навоий, чун заруратдур бу маскандин раҳил,
Хоҳ тутқил гўшае, хоҳи жаҳон мулкини кез.

203

Совуғ оҳимдин ўлсанг бетаҳаммул кўзга келтур юз,
Ки анда аблақ этмишмен мураттаб тегараси қундуз.

Юрак қони сиришким бирла кўздин чиқти ғам шоми,
Кеча дарёда раҳбарлик қилур соҳил сари юлдуз.

Қачонға тегру сарву наргису гул жилва қилгайлар
Чаман ичра хиромон қад била кўз очу юз кўргуз.

Рақибу — васл нўши, мену — ҳижрон ниши, ваҳ, раҳм эт,
Ани ҳам гаҳ-ғаҳе ўлтур, мени ҳам гаҳ-гаҳе тиргуз.

Қаронғу чаҳда Юсуфсен, ёруғ гулшан аро тонг йўқ,
Бўлурлар жилвагар доим қамар ақшом, қуёш кундуз.

Агар сен ҳамдамим бўлсанг иковлик яхшидур, йўқса
Абад умри агар топсам ўзумни истарам ёлғуз.

Гириҳ сарриштайи васлингға ҳар дам истамас бўлсанг,
Тааллуқ риштасин аҳли жаҳон бирла жаҳондин уз.

Дами базмим тузук, айшим зулолин истарам софий,
Муғанний, сен даги туз руду соқий, сен дағи май суз.

Навоий севди бир лўлини кездек рубъи маскунда,
Агар арлот, агар барлос, агар тархон, агар сулдуз.

204

Чу нома чирмадим ёзиб юзунг шавқида шўрангез,
Дамимдин ўт тушиб бир бошиға қилди ани гулрез.

Ўтум гар лаҳза-лаҳза тездур эрмас ажабким, бор
Самандинг тез аёғидинки секрир шуъла андин тез.

Оч ул гулранг оразники андоқ, ҳеч сувратда,
Қазо наққоши не чеҳракушой ўлмиш, не рангомез.

Чиқиб сархуш, чопиб абраш кирар майдонға ул маҳваш,
Ажаб эрмас агар тушса бари оламға рустохез.

Малак хайли бўлур девона кўргач ул паривашни,
Мени мажнунға шайхи бехирад талқин қилур парҳез.

Эрур мазлуму золим қатли ишқ оллида кўп осон,
Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдиму Парвез?

Агар жон пардаси кирпикларингдин бўлди парвезан,
Бу ҳам хуштурки, рухсоринг хаёлидин эрур гулбез.

Мени хилватдин, эй зуҳд аҳли, муғ дайри сари бошланғ,
Ки беҳад хушҳаводур куп терилган гунбаду даҳлез.

205

Бас эттим ашкфишонлиғ чу зоҳир эттинг юз,
Нечукки меҳр кўрингач, ниҳон бўлур юлдуз.

Жафоға қўптунгу тушти оёғинга зулфунг,
Нечукки, соя замонеки, меҳр турғай туз.

Муғанниё, неча оҳанги ҳажр, ваҳ, бир ҳам
Висол торини биркит, фироқ риштасин уз.

Ғариб тийрадурур базми айш, эй соқий,
Қадаҳ қуёшин олиб бода ламъасин кўргуз.

Фалакни соғар этиб тут, вале бу шарт била,
Ки томса тўққизу оқса, ичур менга ўттуз.

Ҳариф бўлмаса, зинҳор майга сунма илиг,
Ки заҳрдур, кишиким бодани ичар ёлғуз.

Навоий атласи ғардундин этса майполо,
Чу дайр дурдкашимен демангки, бодани суз.

206

Чун қўярмен ул жаҳон оройиши базмиға юз,
Айш базмин, соқиё, боғи Жаҳонорода туз.

Сарвда йўқ гул киби рухсору гулда кўзу қош,
Ҳусн аро, эй гулъузори сарвқад, сенсен тўкуз.

Тиғ агар чексанг сурар ернинг дағи яқини бор,
Ёлғуз эрмас илтимоси қатл агар чексам бўғуз.

Телбадур нокас рақибинг, қатл эрур вожиб анга,
Мундин ўзга йўқ иложи итким, ул бўлғай қутуз.

Май учун зуҳдум ридосин ол гарав, эй пири дайр,
Дема найлай, чун харобот аҳли ичса бода суз.

Чун ети қат ерга киргунг оқибат, ҳоло не суд,
Гар сипеҳр ажносидин олингға тортарлар тўқуз.

Ваҳки, то бир кўрди ул юзни Навоий, эй рафиқ,
Сабри юздин бирга келди, шавқи бўлди бирга юз.

207

Мотам ўз ҳолимғадурким, ўлтурур ул раҳмсиз,
Тийра идборим палосидин кўрунг бўйнумда киз.

Ул пари бирла иков қочсақ халойиқ топмағай,
Ким учар ул, заъфдин пайдо эмастур менда из.

Ваҳки, юз очқач ул оташпора рағмимға менинг,
Элга андоқ солди ўтким, чиқти мендин жизу биз.

Кўз қаросин юса ашким баҳрининг мавжи не тонг,
Чархдин анжумни юр кўлок урғач бу тенгиз.

Нукта дуррию камар лаъли эрур бас турфаким,
Бел анга маълум эмас, маълум эрурким йўқ оғиз.

Чиқти кўнглум сайди оллидин агарчи ёра еб,
Қовса ногаҳ озмасун, эй ишқ, анинг қонин томиз.

Қилма раз фарзандини кўп ҳамдаму дамсозким,
Пардадардур асру бу шоҳидвашу маккора қиз.

Жисм айвонида хатту нақш ила зеб истасанг,
Чек фано хаттинию бенақшлиқ нақшини сиз.

Эй Навоий, топти бедиллар хабар ўз кўнглидин,
Бу мажонин ичра ғойибдур бизинг оворамиз.

208

Сарвқадлар агар биру гар юз,
Юздин эрмас бири бизинг била туз.

Ғаразим ул санамға сажда дурур,
Ер ўпай деб қошида қўйсам юз.

Юзидин зулфиға кўнгул бормас,
Кимса шабравлуғ айламас кундуз.

Не биров бўлса ҳамраҳинг тоқат,
Не таҳаммулки, кезгасен ёлғуз.

Ҳар кўзум ул қуёш фироқи туни,
Бир фалакча аён қилур юлдуз.

Бормен, эй пири дайр, бас махмур,
Карам айла, каромате кўргуз.

Қадди ҳажринда тортсанг нола,
«Рост» оҳанги, эй Навоий, туз.

209

Қилур пайконларинг кўнглум ўтин тез,
Агарчи қатра бўлмас шуълаангез.

Танимға ул баҳори ҳусндин ўт
Тушуб ҳар дам урармен барқдек хез.

Эрур гул барги узра оби ҳайвон,
Лабинг ул дамки бўлғай бодаомез.

Деманг, лаъли майидин ижтиноб эт,
Не суд эткай манга ўлгунча парҳез.

Асиғ йўқ жони ширин берса Фарҳод,
Чу Ширин лаълидин ком олди Парвез.

Вафосиздур баҳори ҳусн, соқий,
Майи гулранг узра айла гулрез.

Ул ой васлин тилар бўлсанг Навоий,
Ҳам ўл шабзиндадору ҳам саҳархез.

210

Кўрунур оташин лаълинг дилафрўз,
Магар оллида чектим оҳи жонсўз.

Топилмае нур аро оламда хуршид,
Кўрунгач ул жамоли оламафрўз.

Висол айёми тонг йўқ очса рухсор,
Ки доим очилур гул бўлса наврўз.

Қуёш остида гардун сабз хинги —
Кўрунмас, маҳвашим чун минса кўкбўз.

Кўнгулга ғам тошидин берма рамким,
Ҳануз ул сайд эрур мурғи навомўз.

Қадаҳни давридин тиндурма бир дам,
Кўнгулни даҳрдин топсанг гамандўз.

Кўп оттинг новаки дилдўз, ваҳм эт,
Навоий ҳам чекардин оҳи дилдўз.

211

Деман, эй хўблар, вафо қилингиз,
Жавр ҳам қилсангиз, манго қилингиз.

Ҳожатим қаддингиз хиромидурур,
Қўпубон ҳожатим раво қилингиз.

Бўлмасун мендин ўзгага боре,
Гар вафо айланғ, ар жафо қилингиз.

Юз туман дардға даводур васл,
Нетти бир дардима даво қилингиз.

Жон бериб васл топмағанларни —
Десангиз, мендин ибтидо қилингиз.

Санағанлар висолу ком аҳлин
Бизни ул зумрадин сиво қилингиз.

Нетти жамъеки ошноларисиз,
Бизга ҳам ани ошно қилингиз.

Хонақаҳ шайхидин очилмас иш,
Дайр пирига илтижо қилингиз.

Телбаработур Навоий, эй ушшоқ,
Ул эди гарчи бурно оқилингиз.

212

Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз,
Меҳри ғардун бўлсалар кўз нуридин ёрутмангиз.

Гар шаҳ ўлсин, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,
Ёдини балким кўнгулга бир тараф ёвутмангиз.

Зулм ила юз чок қилған танға гар марҳам ёқиб,
Буткарурбиз, десалар, ул захмларни, бутмангиз.

Эл жафосининғ малоли қилса ҳар дам қасди жон,
Кўнглунгизни ғайри бекаслик била овутмангиз.

Ўксуди эл майли мендин, бир йўли, эй дарду ғам,
Гаҳ-гаҳе сиз боре бошимдин қадам ўксутмангиз.

Ҳажр ўтин жонимға ёқтим, кўрсангиз усрук мени,
Энди, эй панд аҳли, дўзах ўтидин қўрқутмангиз.

Чун Навоий дашт тутти эмди зинҳор, эй вуҳуш,
Ким башар жинсини ул мажнун сари ёвутмангиз.

213

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Ошнолиғ айлабон ўз жонингизга ҳар замон,
Боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлмангиз.

Еб паривашлар фиребин, сўнгра топмай илтифот,
Мен киби девонаву расвои олам бўлмангиз.

Васлу айш обод қилсун халқни, эй дарду ғам,
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Эй висол аҳли, ул ойнинг дарди ҳажридин мени,
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асру хуррам бўлмангиз.

Эй харобот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,
Мастлигдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

214

Ғам шоми гар ўтумға бўлур шамъ ашкрез,
Парвоналар қаноти ели айлар они тез.

Не шомдурки, меҳр анга кофур сепмайин,
Ҳар дам Зуҳал узори бўлур анда мушкбез.

Маҳшар кунидаким жазаъи акбар ўлғуси,
Ҳажрингда келди кўнглума юз онча рустахез.

Хаттинг малоҳати қошида сабзайи Эрам,
Бил сабзаи Эрам ёнида шўралиқ фарез.

Ҳар гомидин жаҳон ёруса элга тонг эмас,
Ул соликеки барқ киби бўлса гармхез.

Бу кўҳна дайр ичра десанг, ранжа бўлмайин,
Бўлғил ризо мақомидаву қилмағил ситез.

Васл истасанг, Навоий, эмас шарт бодия,
Бўл дайр арову доим анинг ёди бирла кез.

215

Не айб жон манга беҳол бўлса жононсиз,
Не ҳоли бўлғай ўлуг жисми зорнинг жонсиз.

Тўқуз фалакдин ўтар гарчи новаки оҳим,
Қилурмен ани ул ойға чекарда пайконсиз.

Кўнгул аро бири ўтмай, бири етар ғаму ишқ,
Бу уйда бир нафас эрман азиз меҳмонсиз.

Жаҳонни тутти висолида шодлиғ ашким,
Баҳор сели кам ўлмиш жаҳонда туғёнсиз.

Ичимда кирпиги, гар нола айласам тонг йўқ,
Кўнгулга ниш тикилса, бўлурму афғонсиз?

Манға қадаҳни дамодам етургил, эй соқий,
Ки ғам ҳалок қилур бор эсам даме онсиз.

Навоий ўлса, деманг хўбларки: «Кимдин эди?»
Сиз эттингиз юрагин чоку бағрини қон, сиз!

216

Онсиз ўлмоқ, эрур ўлмоқ жонсиз,
Бўлайин жонсизу бўлмай онсиз.

Қоши бу чок кўнгулдин айру,
Филмасал ёйе эрур қурбонсиз.

Оҳким, дард юзидин чиқмас,
Ўқ эмас бўлса эрур пайконсиз.

Ишқ дарёсиға, эйким, кирдинг,
Билки, бу баҳр эрур поёнсиз.

Ёрсиз кўнглум эрур ошуфта,
Мулк ошуб топар султонсиз.

Сую ўт ичра сиз, эй кўзу кўнгул,
То ул ой оразиға ҳайронсиз.

Гар Навоий чекар ун ҳажр туни
Йўқ ажаб тун эмас ит афғонсиз.

217

Эй шикибу сабр, бир кун худ манга ёр эрдингиз,
Ёрлиғ ҳам бўлмаса теграмда худ бор эрдингиз.

Келса эрди ҳар бало оллимға асраб қўймайин,
Оҳу афғон қилғали мендин хабардор эрдингиз.

То асири ишқ бўлдум, қочдингиз ул навъким,
Манга то бор эрдингиз, гўёки ағёр эрдингиз.

Пандингиздин эмди эрмасмен малул, эй дўстлар,
Доимо мен хастаға мундоқ ситамкор эрдингиз.

Деманг, эй жону кўнгулким, хорбиз ёр оллида,
Гар эрур ул ёр то бор эрдингиз, хор эрдингиз.

Эй харобот аҳли, демангким, недин ғамнокбиз?
Маст ўлунгким, ғам келур ҳаргаҳки ҳушёр эрдингиз.

Бир йўли қовманг Навоий кўнглини, эй шўхлар,
Ким гаҳи ул бенавонинг кўнглин асрор эрдингиз.

218

Деди: кўзум қичишур, айтдимки: бода томиз.
Деди: не ҳожат анга бода, маст эрур онсиз.

Бутар гул ичра гаҳе ғунча, лек очилмас,
Юзунгда турфадурур кулгуси била ул оғиз.

Кўзум ёшин аритиб ғар туганмаса тонг эмас,
Ажабдурур сочибон суйини қуруса тенгиз.

Юзунг қуёшму экин ё қуёш юзунгму экин,
Ки қайси, қайси экан фарқ эмас, нечукки эгиз.

Итинг изига кўзум суртсам ғариб эрмас,
Ки айн шакли била нақш ўлур аёғдин из.

Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,
Тобуқ қилиб юкунуб тўстаған ичинда қимиз.

Ҳамиша муғбачаву раз қизи фидоси бўлай,
Ки дайр пириға арзир бу навъ ўғил била қиз.

Чу даври чарх эрур боиси ғаму меҳнат,
Кўнгул фароғатини жом давридин олингиз.

Нечук йироқ бўлали пири дайру муғбачадин,
Навоиё, чу аларнинг муриду бандасибиз.

219

Бўлди шому жонға ул ой ҳажридин қайғу ҳануз,
Етти субҳу кўзларимга кирмамиш уйқу ҳануз.

Оби ҳайвонинг ғамидин токи заъфим бўлди саъб,
Бормамиш бир қатра бўғзум ичра, жоно, су ҳануз.

Жавр ўқин оттинг, вале бийм эрди ҳижрон тиғидин,
Етти ул ҳам бошима кўнглумдин ўтмай бу ҳануз.

Новакинг умредурур кўнглумда хандон бўлгали,
Бор анинг муфрит жунунидин мунга кулгу ҳануз.

Сеҳр ила ул кўз қилиб зулфунг камандин аждаҳо,
Бузди олам халқини, бас айламас жоду ҳануз.

Шоҳиди мақсуд акси кўнглума тушмас, дединг,
Ғайр нақшидин магар пок эрмас ул кўзгу ҳануз?

Деди: бўл фоний висолим истасанг, бўлдум фано,
Эй Навоий, сўрки мундин ортуқ истарму ҳануз?

220

Бўлмас қаро кўз элдин тутмоқ киши вафо кўз,
Сендин нетиб вафо кўз тутқаймен, эй қаро кўз?

Тушти кўзум кўзунгга, қолди кўнгул балоға,
Афғонки, икки ёндин бўлди манга бало кўз.

Гул бирла сарв эрмас ҳаргиз кўзумга мақбул,
Эй сарв қадди гулрух, ўргангали санго кўз.

Эй кош, рахши гарди оламни тутса, токим
Ул кўзга кирса ҳар ён солғач бу мубтало кўз.

Кўзни ўюб, кўнгулни ўртайки, ёр истаб,
Солди кўнгул мени бу дармондаликқа ё кўз.

Ул кўйдин келур ел кўзларни равшан айлаб,
Елдин не бўлди тутсам мен дағи тўтиё кўз.

Майдин кўзумга томиз бир қатра то очилсун,
Ким тийрадур бағоят ҳажринг аро манго кўз.

Айлар назар таваққуъ кўюнг гадойидин шаҳ,
Тутқан киби биайниҳ шаҳдин назар гадо кўз.

Кўз олмаса Навоий эрмас ажаб йўлингдин,
Тикмиш йўлунгға чунким ул зори бенаво кўз.

221

Ёпилмас гар менга қонлиғ судин кўз,
Сенга лекин очилмас уйқудин кўз.

Юзунг лавҳида важҳуллоҳ аёндур,
Не тонг гар олмасам ул кўзгудин кўз.

Боқа олман юзунг оллимға келса,
Қамашур меҳр кўргач ўтрудин кўз.

Кўзунг эл қони тўккандин ҳасад еб,
Не қонларким тўкар ул қайғудин кўз.

Эмассен ҳолима хандону гирён,
Ки ёшармиш сенга кўп кулгудин кўз.

Қадаҳ чархида май меҳрини, соқий,
Солиб ёрут манга ул ёгдудин кўз.

Навоий мает кўнглин ашк оқизди,
Гум этди охир анинг бехудин кўз.

222

Ишқ юки айлади торами аълони кўж,
Не ажаб, ар айласа мен киби шайдони кўж.

Тори сиришким чекиб дард қадим қилди хам,
Ўйлаким, эл чиллани тортиб этар ёни кўж.

Ўлмадим онсиз, уёт бошим этибдур қуйи,
Заъф гумон этмаким, қилди бу расвони кўж.

Ғам юкидин заъфлиғ шахсим эгилса, не тонг,
Ким бу юк этмиш басе жисми тавонони кўж.

Жисмима кирганда дард «дол»и киби бўлди хам,
Кимки эрур нақбрав чарх қилур они кўж.

Эгма қаддимға боқиб раҳм қил, эй сарвким,
Давр басе айлади қомати раънони кўж.

Қилди Навоий унин эгри киби тори ҳажр,
Айлагали ноладин чанғдек аъзони кўж.

СИН ҲАРФИНИНГ СУМАНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «НАВОДИР»ДИН

223

Жуд эмас кўп базл учун кўп мол қилмоғлиғ ҳавас,
Ким берур кўптин кўп, оздин оз ани бил жуду бас.

Разл тақдим этса йўқ аҳли сафоға ҳеч бок,
Суға не нуқсон, гар онинг устида ер тутса хас.

Ёр исидур ком келтурсин сабо ёхуд шамол,
Дўст тақririға ровий хоҳ Бузар, хоҳи Анас.

Тожварлар оқ уйида сокин ўлса аҳли ишқ,
Ўйладурким булбулу ҳудҳудға бўлғай бир қафас.

Корвони дард ила қатъ эт муҳаббат даштини,
Ким нидои муждаи васл айлар онда ҳар жарас.

Сурма ул шабхез аёғи гардин этким, кечалар
Итча йўқ кўйида гар худ шаҳна бўлсун, гар асас.

Дайр пири журъасин гар тутса бизга муғбача,
Нақди жондин ўзга ўтрусида йўқтур дастрас.

Эй Навоий, ишқ сиррин ким ҳавас қилса, дема,
Ким эшитмакка бу сўз лойиқ эмас ҳар булҳавас.

224

Боғ аро не сарв этармен орзу, не гул ҳавас,
Даҳр боғидин манга бир сарви гулрухсор бас.

Ул кечаким ёр ила ёрутғамен шамъи висол,
Зинҳор, эй субҳ, агар бўлсанг Масиҳ, урма нафас.

Куйди ҳам тан, ҳам сўнгаклар тушкач ул юз ламъаси,
Барқ ўтиға найлагай бир тор ила бир неча хас.

Нахли қаддинг ўйла олийдурки, термак мевасин,
Бўлса доғи дастрас, мумкин эмастур дастрас.

Онча тиғи ишқ чокидур таним атрофида,
Ким ани кўнглум қушиға дард айлаптур қафас.

Ул маҳи маҳмилнишин ҳавдажда, кўнглум ташқари
Не ажаб гар тинмай афғон чекса андоқким жарас.

Эй Навоий, илтимос этма санамлардин висол.
Гар десанг кўп куймайин биздин эшит бу мултамас.

225

Жонға лаълинг майи жомидур мултамас,
Не Хизр суйи, не жоми Жамдур ҳавас.

Қотилим тиғи кўзгуси занг ўлмасун,
Эй Масиҳ, ўлғоним кўрсанг асра нафас.

Кўз тутарменки, бу су йўли беркитгай,
Кўйидин ел учирса неким хору хас.

Кўнглум ул хол асири чу бўлмиш эрур
Анкабутеки, сайд этмиш ани магас.

Не шараф отингға бўлғоли поймол,
Не итинг пойбўсиғадур дастрас.

Кеч топардин талаб аҳли мақсадға йўл,
Гўйиё тинмайин нола айлар жарас.

Эй Навоий, танинг ичра жон йўқса ажаб,
Ким кўрубтур ики булбулу бир қафас.

226

Кўнгул ҳар тун фароғ истаб бало тоғини ёстанмас,
Агар ҳар дам неча қатла ул ой кўйини айланмас.

Вале бу турфадурким, гар фиғони чарҳдин ўтсун,
Ул ой ноз уйқусидин чиқмағунча меҳр уйгонмас.

Кўнгулга лофи ишқингдин неча бердинг ўлум хавфи,
Бу янглиғ ваъда бирла ғар сўрарсен эмди ҳам тонмас.

Лаби лаълинг хаёли ҳажр аро бағримни қон қилди,
Жиҳат будур ҳамоно қон ютардин гар кўнгул қонмас.

Ажал тиғи не бўлғай элни майдон ичра қатл этса,
Ки эл ғавғосидин чобуксуворим эмди отланмас.

Анингдек телба кўнглум ул пари кўйига юзланмиш,
Ки гар занжирлар бирла чекарлар халқким, ёнмас.

Насиме лоларўйим маҳмилига майл қилмаским,
Қуюндек рашкдин хоки таним юз қатла тўлгонмас.

Ўтуб ишқ ичра умрум, зоҳидо, қўй зуҳд иршодин,
Киши мундоғ улуғ санъатни улғойганда ўрганмас.

Гадолар силкидин кўйи харобот ичра хориждур,
Бировким илгиға тушса қуруғ нон бодаға монмас.

Ҳужум этти жаҳон меҳнатлари, тут бода, соқийким,
Қадаҳ чекмай киши бу хайлнинг дафъиға қотланмас.

Муҳаббат ўти эл бирлаки ёқдинг, ўртанур жони,
Навоий йўқса ҳижронинг ўтидин онча ўртанмас.

227

Менга бир сарви гулрух бўлди мунис,
Ки ҳайрондур кўзи оллинда наргис.

Чу ғам базмида майдек қон ютармен,
Эрур лаълинг ҳадиси нуқли мажлис.

Кўзу зулфу юзу қаддинг ғамидин
Мени бехудқа барбод ўлди беш ҳис.

Фалак тоқидек этти қоматим хам,
Қошинг меҳробини тузган муҳандис.

Дақойиқ ишқ илми ичра кўптур,
Ки тафҳимида ожиздур мударрис.

Асарсиздур кўнгулда шуълайи зарқ
Бўлур чун қалб рўкаш айлаган мис.

Навоий эрдию жон нақди олдинг,
Тирик мумкин эмас бу навъ муфлис.

228

Гулгун май ичиб сунбули чун гулға ёпилмас,
Ул гулшан аро бизга не гулларки очилмас.

Гулзори жамолидаки пайдо эмас оғзи,
Ул навъ гул очилдики, бир ғунча топилмас.

Анфоси Масиҳо киби ул нутқ насими,
Эсмас бериким, жон иси оламға ёйилмас.

Эй пири хирад, кўнглума кўп қилма насиҳат,
Невчунки, жунун аҳлиға ақл аҳли қотилмас.

Лаълинг майи то ичти, кўнгул ҳолини сўрма,
Ким мастдур андин бериким ўзини билмас.

Ҳушёр ани билгил бу фано дайрида, эй шайх,
Ким тўлғуча паймонаси бир лаҳза ойилмас.

Кўйи сари ҳар кечаки азм этса Навоий,
Ой шамъин ўчур, чархким, ул уйни ёнгилмас.

229

Бизга ул маҳваш тилию кўнгли бирла ёр эмас,
Кўнгли ичра ҳар неким онинг тилида бор эмас.

Тилга келмон кўнглум ўтинким, менга ул бағри тош,
Тил била ғам ер, кўнгул бирла вале ғамхор эмас.

Кўнгли ўзгадур, тили ўзга, не чора қилгамен,
Кўнглида юз фикру тил бирла бири изҳор эмас.

Не тилим, не кўнглум аҳволин билур ул шўхким,
Кўнгли ғам неши, тили оҳ ўтидин афгор эмас.

Ёр улдурким, тилию кўнгли онинг бўлса бир,
Ким тили ўзгою кўнгли ўзгадур, ул ёр эмас.

Кимки кўнглин истамас гамгин, тилини асрадик,
Ким тилин тийған кишининг кўнглида озор эмас.

Демаким дардингни шарҳ эт ё кўнгул, ё тил била,
Кўнглум эрмастурму бехуд ё тилим нокор эмас?!

Қайси тил бирла дейин, кўнглум тилайдур хонақаҳ,
Ким тилу кўнглум аро жуз кулбаи хаммор эмас.

Шоҳ мадҳида Навоий кўнгли — ганжу тил — калид,
Йўқса кўнглию тилида нуктаву гуфтор эмас.

230

Жонға лаълингдин бир ўпмакдур қиёсан илтимос,
Лаълинга ҳам жонни куйдурмоқ ало ҳозал-қиёс.

Кўнглума зарбафт хилъат шуъласидурким, эрур,
Тош аро бўлмоқ ниҳон Фарҳодқа хоро либос.

Деди, кўнглум кеча тонг йўқ пос агар тутса кўзум,
Ваҳки, уйқум йўқтурур тундин ўтуптур неча пос.

Ўт сочар ишқинг ҳаросон бўлса кўнглум, йўқ ажаб,
Аждаҳодин тонг эмастур мўрға бўлмоқ ҳарос.

Кўнглум ичра мазраи сабрим ўрулмай қолмағай,
Ҳар сўнгак ёнимда чун қатъиға онинг келди дос.

Хизмат эттим хонақаҳ шайхиға, қадрим билмади,
Дайр пири бандасименким, эрур бас ҳақшунос.

Эй Навоий, кисвати фақру фано сол эгнинга,
Йўқса хирқанг тенгдурур гар атлас ўлсун, гар палос.

231

Гар менингдур ёр лўли бўлса, шоҳ этмон ҳавас,
Найлай ул шаҳники, ҳар лўлиға бўлғай ҳамнафас.

Шиква қилман гар жафодин бошима ёғдурса тош,
Тоқатим йўқ элга қилса барги гул урмоқ ҳавас.

Ёрдин ҳар неча бедод ўлса, айлармен қабул,
Лек бўлса ғайр бирла мултафит мақбул эмас.

Жонни қўймасмен чибиндек лаъли узра рашкдин,
Ул шакар узра чибин қилсам тахайюл, хол бас.

Ву балони кўрмасун ошиққи қилғай илтимос,
Васлин онингким биров бўлгой анга ҳам мултамас.

Ўз ниғори маҳмилидин қилмасун деб кўз хато,
Ишқ дашти аҳлиға ҳар дам нидо айлар жарас.

Эй Навоий, ишқ атворида будур зулмким,
Гул мақоми боғ ўлуб, булбул ери бўлғай қафас.

232

Кўйи тоши бошима ҳайф, айласам уйқу ҳавас,
Ит уюр бўлса, аёғ — илги бошин қўймоққа бас.

Чун дедим: зулфунг камандин бўйнума солғил, деди:
— Итка бўлмас Каъба қандили танобидин марас.

Оҳ ўти ўртарга жисмимни не мониъ кўз ёшим,
Барқ урғоч ўртанур гар бўлса дарё узра хас.

Чоклар бўлған таним қон лаълию кўз дурридин,
Булбули руҳумғадур гавҳарлар ўткарган қафас.

Қўйса муфрит заъф аро оғзимға ул юз кўзгусин,
Урмағаймен тийра бўлмоқ ваҳмидин ўлсам нафас.

Дард аро ўлсанг даво аҳли замондин истама,
Ким топилмас даҳр аро бечораларға чорарас.

Илтимос этсам лабингдин жон топай деб, қилма айб,
Ким Навоийға будур ўлгунча, эй жон, мултамас.

233

Манга манзил кўҳан дайри фано бас,
Ёним остида эски бўрё бас.

Гули завқ элга боғи айш ароким
Менга ғам даштида хори бало бас.

Азалдан чунки қисмим риндликдур,
Қил эмди пандни, эй порсо, бас.

Вафо гар қилмасанғ жонимға боре,
Жафони қилмағил, эй дилрабо, бас.

Кўнгул доғиға қўйман марҳам, эй ишқ,
Анга невчунки ҳам дард-ўқ даво бас.

Эрур бир нукта ишқу олам ичра.
Деб ўлмас ҳаргиз андин можаро бас.

Наво ишқ ичра сен топ, эй Навоий,
Ки бизга бенаволиқлар наво бас.

234

Қилмон ул бебок кесган наълни ўпмак ҳавас,
Ким саманди наълини ўпмак муяссар бўлса бас.

Олам аҳлиға етар фарёду оҳим ҳар кеча,
Оҳким, йўқтур манга оламда бир фарёдрас.

Ўйла куйди ҳажр аро жисмимки, йўқ андин асар,
Қайда топилсун чу тушти дўзах ўти ичра хас.

Гар сабуҳ этсам не тонгким, софу содиқ хайлидин,
Бодадек бир ҳамдамим йўқ, субҳдек бир ҳамнафас.

Жамъ этар ovораларни чоклиғ кўнглум уни,
Йўлдин озғанларни ул янглиғки афғони жарас.

Гулшани васл истаган кўнглум қушиға тордур,
Чарх юз минг равзани бирла агар бўлса қафас.

Берса ул гулдин хабар хоҳи сабо, хоҳи шамол,
Деса пайғамбар ҳадисин хоҳ Бузар, хоҳи Анас.

Хирқа улдурким, кеча кезсанг, чубулғонториға
Боғлағайлар ўзни гар худ шаҳна бўлсун, гар асас.

Эй Навоий, олам ичра бенаволиғ кўрмади,
Улки ҳаргиз қилмади олам элин кўрмак ҳавас.

235

Тонг эмас гар чин юзинда қаҳрдин мавжуд эмас,
Кўзгунинг чунким кўрунмак жавҳари маъҳуд эмас.

Дашт аро оҳим сари иткан мусофир, юзланиб
Фаҳм қилмаским, эрур оҳим бухори дуд эмас.

Кўксум очтим ҳар тараф қилди гумон ул тифлким,
Лолалар бирла безабмен, доғи хунолуд эмас.

Ишқ бозорида савдо аҳлиға жуз нақди васл,
Ҳар нафас бир ганж агар учрар зиёндур, суд эмас.

Васл ичра демаким ушшоқни рад қилди ёр,
Ҳеч ким мендекки, ҳижронидамен, мардуд эмас.

Майда аксидур, кўз андин олмасам, соқий, не тонг,
Токи дийдор ўлса майдин мастлиқ мақсуд эмас.

Зарби ишқидин музайяндур юзумнинг олтуни,
Эй Навоий, демагилким сиккаи беҳбуд эмас.

236

Эй, фироқингда ҳаётимдин менға озору бас,
Ҳар дам ул озордин ўлмак тилаб мен зору бас.

Доғу қон ҳам бўлди ул юз лоласи ҳижронидин,
Йўққи ҳажринг нешидин кўнғлум эрур афгору бас.

То дедим бир қатла куфри зулфини тарк айлагум,
Куфр айтқандек ҳадисим бўлмиш истиғфору бас.

Оламедур хуш жунун ичра тахайюл, эй кўнгул,
Ким анисимдур туну кун ул пари рухсору бас.

Қон тўкар юз навъ ул қотил демангким боиси,
Ханжари хунрез эрур ё ғамзаи хунхору бас.

Мастким эгри хиром айлар ул ой ҳам қатл этар,
Қотилим ёлғуз эмастур чархи кажрафтору бас.

Эйки, дерсен, дайр пири хизматиға боғла бел,
Ўйла хизматқа марас билким, эрур зуннору бас.

Чархдин ёққон ҳаводис тошлариға ҳар киши,
Ким паноҳ истар, эрур ул кулбаи хаммору бас.

Ишқ аро расволиғи оламға невчун бўлди фош,
Чун Навоий ишқини қилди сенга изҳору бас.

237

Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,
Элидин ғайри жафо қилма ҳавас.

Етса ҳар дам сенга юз муҳлик дард,
Ўлсанғ ўл, лек даво қилма ҳавас.

Эй кўнгул, васл ҳавас қилдинг, ўл
Зорлиғлар била ё қилма ҳавас.

Айлаган ишқ ҳавас куч бирла,
Юз туман дарду бало қилма ҳавас.

Кўйи туфроғи эрур мушки Хито,
Истаган они хато қилма ҳавас.

Ишқ даштини десанг қатъ қилай,
Зоди раҳ ғайри фано қилма ҳавас.

Бенаволиғда, Навоий, ўлсанг,
Базми васл ичра наво қилма ҳавас.

Кўнглум ичра дарду ғам аввалғиларға ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалғиларға ўхшамас.

Не ситамким, қилса раҳми махфий эрди зимнида,
Эмди қилса ҳар ситам аввалғиларға ўхшамас.

Демангиз Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,
Хўбликда ул санам аввалғиларға ўхшамас.

Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзға ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалғиларға ўхшамас.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени,
Ким бу расвои дижам аввалғиларға ўхшамас.

Кўйининг эҳромидин кўнглумни манъ этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалғиларға ўхшамас.

Эй Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Fозийға карам аввалғиларға ўхшамас.

239

Ҳар неча куйсам ул ой кўнғлумни пайдо айламас,
Айласа ҳам, ўлсам они ошкоро айламас.

Ишвасидин илтифот аҳволима зоҳир бўлур,
Зорлиғ кўргузсам андоқ ишва пайдо айламас.

Жонға бир куймоқчадур ҳар кимга парво қилмоғи,
Ёна юз ўлмакчаким қатлимга парво айламас.

Шўхлуғлар бирла сабрим хирманиға ўт солур,
Ҳусн ила ёлғуз мени бедилни шайдо айламас.

Қайда юзлансам жунун ҳангомасидур халқ аро,
Ул чу етти кўз учи бирла тамошо айламас.

Айламас то ҳусни бир сендекни олам офати,
Ишқ бир мендекни ҳам оламда расво айламас.

Мен аёғи туфроғиға нақди жон айлай нисор,
Не ишимким, ул қабул айлар ани ё айламас.

Нақди исломим олиб бир журъа тут, эй муғбача,
Бўл равонким ҳеч кофир бўйла савдо айламас.

Муддатедурким, Навоийдур аёғинг туфроғи,
Пойбўсунг гар топар, ортуқ таманно айламас.

240

Хўблар минг бўлсалар, мен хастаға бир ёр бас,
Анда меҳр атворининг мингдин бири ғар бор бас.

Айтмонким, ҳар вафо қилсам, жафое қилмасун,
Ҳар вафоға минг жафо гар айламас изҳор бас.

Ҳар вафоға минг жафо ҳам қилса қилсун, мунчаким,
Ёр анга маҳруму маҳрам бўлмаса ағёр бас.

Эй висол аҳли, сизу — иззат саририким, менга —
Ҳажр кўйи итлари оллида бўлмоқ хор бас.

Мен киму нўши лабингдин истамак қути ҳаёт?!
Айласа ғамзанғ синони қатл бу миқдор бас.

Эй кўнгул, ғамгин эсанг куп қуйса соқий оғзингга,
Зарфни сипқармағунча қилмағил зинҳор бас.

Юз бало келса бошингға сабр қилғил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотин қил Навоийвор бас.

241

Нигорим дардима наззора қилмас,
Назора қилса даҳи чора қилмас.

Тилаб оғзин эмас бир дамки кўнглум
Ўзини ғунчадек юз пора қилмас.

Мени ғам дашти ичра ишқ итурди,
Ўзин эл куч била овора қилмас.

Кўнгулни айлағандек захм ғамзанг
Пичоқ, балким қилич ҳам ёра қилмас.

Мени девона то қилмиш, кўнгулга
Неларким ул пари рухсора қилмас.

Не ерсен даҳр золининг фирибин,
Вафо чун элга ул маккора қилмас.

Навоийдек юзунгга ким солур кўз,
Ки зулфунг рўзгорин қаро қилмас.

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «НАВОДИР»ДИН

242

Жамоли нурини чеккан тарозу ою қуёш,
Мағар бу бирида нур эрди, ул бирисида тош?

Гар ойда тош эмас эрди, қуёшда нуриндин
Кудурат ичра қолиб ой, мунаввар ўлди қуёш.

Қуёшқа нурки юқмиш ҳануз эрур ул нур,
Ҳануз ой ичра ҳамул тош эрурки, бўлмиш фош.

Уруж оқшоми тегрангда ою кавкаблар,
Масиҳ гирдида андоқки, бир неча хаффош.

Юзи тубон тушубон маркабинғ изиға малак,
Ер узра қурсни қилғон киби гадой талош.

Чу қурб Қофиға еттинг, етишмади Жибрил
Не навъ ҳудҳуд Семурғ ила бўлур йўлдош.

Аёғиға чу малойик бошин қўя олмас,
Навоиё, қўя кўр итлари аёғиға бош.

243

Қўймади шоми хуморим тийраликдин ақлу ҳуш,
Май қуёшин хум сипеҳридин чиқар, эй майфуруш.

Истамон худ ҳуш, лекин йўққи ҳуш олғай хумор,
Май тўла қуйғилки, айлай мастлиғдин тарки ҳуш.

Жоми нўшо-нўш хуштур ул сифатким, дайр аро
Бода олиб муғбача, нўш айлабон қилдурса нўш.

Ун чекиб май тут, деб эрсам дайр тоқиға садо,
Демаким ҳам ушбу маънини нидо айлар суруш.

Арбадамдин гар ториқтинг, соқиё, тут бодаким,
Бўлмағунгдур бўлмағунча масти лояъқил хамуш.

Муҳтасиб таъзир этар вақти таним қилди яланг,
Дайр пирининг қулидурменким, улдур айбпўш.

Гар Навоий бир аёғ гоҳи ичар ғам дафъиға,
Зоҳид андин ўзни ғамгин тутса, ичтик эмди қўш.

244

Дўстлар, кўнғлумни васл уммиди беҳол айламиш,
Орзу хайли ҳазин жонимни помол айламиш.

Шоҳ лутфи узрини қўлмоқ эмас мумкинки, шавқ
Ҳушум этмиш зойилу нутқумни ҳам лол айламиш.

Бас муносибдур баҳори васл аро кўз ёшини,
Кисватин қондин хазони ҳажрким ол айламиш.

Зулфи ичра бўлғамен пурпечу хамлиқ тордек,
Заъфлиқ жисмимниким, ҳижрон юки дол айламиш.

Ҳар замон ул ён қилур кўнглум ҳавоким қуш киби,
Ҳажр ўқи пайконларин ҳар ён пару бол айламиш.

Неча кунлук ҳажри тўфон айлабон ашким суйин,
Мени ул дарёда киштибонға тимсол айламиш.

Ҳажрида онсиз тирикликдин уятлиғмен, валек
Менда йўқ тақсир, ажал бу ишда эҳмол айламиш.

Ул ики лаб ҳажрида, майким, иложиға ҳаким
Лаъл ила ёқутни маҳлулу сайёл айламиш.

Эй Навоий, ҳажр мушкил бўлса ғам йўқтурки, Ҳақ
Шоҳ лутфин бўйла мушкилларга ҳаллол айламиш.

245

Сабзаи хат оразинг боғини хазро айламиш,
Гулшани рухсоринг ўзга ранг пайдо айламиш.

Ҳар дам ўлмиш хатту лаълингдин юз онча ошкор,
Ҳар не ишким умрида Хизру Масиҳо айламиш.

Ваҳ, не шайдоваш йигитдурким чиқиб олифтавор,
Юз туман олифтани ишқида шайдо айламиш.

Қоматим ё юз уза ашкимдин этмиш новлар,
Улки анинг кирпикин новак, қошин ё айламиш.

Не тамошодурки юз минг халқ ўлмиш ҳар қачон,
Ким ани эл, йўқса ул элни тамошо айламиш.

Бўлмамиш пайдо менингдек зору сендек раҳмсиз,
Тенгри то меҳру муҳаббат расми пайдо айламиш.

Эй саломат аҳли, бутрангким, мени бир муғбача
Дайрдин усрук чиқиб бу навъ расво айламиш.

Фард бўлким ул киши дунёда бўлмиш аҳли тарк,
Ким фано йўлида тарки аҳли дунё айламиш.

Кўп Навоийнинг мусаллоу ридосин сўрмаким,
Бирни раҳни бода, бирни бодаполо айламиш.

246

Шомким тун пардасинда айлади ихфо қуёш,
Парда олиб юздин ул ой айлади ифшо қуёш.

Йўққи чун кирди шабистон ичра зулфи шомидин,
Орази чун бўлди пайдо, бўлди нопайдо қуёш.

Базм чун тузди жамоли ламъасиндин йўққи шамъ,
Балки зоҳир айлади бир соғари саҳбо қуёш.

Субҳға тегру юзидин равшан эрди базми айш,
Ўйлаким, эл хотириға келмади асло қуёш.

Ламъаи рухсоридин қасрида ҳар айвон аро,
Зарварақдин шамсаларму эрду, билмон, ё қуёш.

Маст ўлуб оразни чун хилват аро қилди ниҳон,
Сарғариб титраб чиқарди пардадин сиймо қуёш.

Оҳким, биз рубъи маскундин чиқиб, кўп бўлғуси
Жилвагар тўртунчи торамдин Масиҳосо қуёш.

Килма, эй ғаввос, кўп ишқ аҳлининг манъини кўр,
Ким сену ғалтон гуҳар андишаси ушшоқу ёш.

Бил, Навоийким, тафовутдур қуёштин ойғача,
Айласанг наззора ул ой оразидин то қуёш.

247

Ҳусн боғи ичра қаддинг сарви бўлмоғлиққа туш,
Ҳар ҳаво қилған кўнгул ул қад уза сарв узра қуш.

Умрларким бўлған оворанг етишмиш оллинға,
Марҳабосиға илик сун худ дей олмонким қучуш.

Кўксума ғам тоғида ишқинг бало мисморини
Беркитурда айлади Фарҳод метинин чўкуш.

Лаъли шаҳдиға ҳаво қилғанда, эй жоним қуши,
Гар десангким топмайин махлас чибин янглиғ ёпуш

Кўйидин бизни чиқармоққа, рақибо, йиғма хайл,
Хасни қавмоққа насиме бас, эмас ҳожат уруш.

Ишрат этким, чарх оллинда тафовут йўқтурур,
Хоҳ базм ичра симоъ эт, хоҳ кунж ичра тумуш.

Дема, ҳажримдин Навоий ғамсиз эрмас бир замон
Истасангким ғамдин айрилғай, анинг бирла қовуш.

248

Ул париваш одамивашлиғлар айлаб қилди хуш,
Ҳар сариким бир малакваш бор эди девонаваш.

Айтмон жом оғзинга еткач, менинг оғзимға қуй,
Умри жовид истасам басдурки, бўлсам журъакаш.

Лаъли ҳижронида кўнглум бехуд ўлса қилма айб,
Ким жароҳатдин чу қон айрилса тонг йўқ бўлса ғаш.

Ёр чун жонимда махфийдур, тафовут йўқтурур:
Жилва қилса зоҳиран гар минг ёғоч, гар бир араш.

Чун малоҳат жон олур, ҳусн ичра они истагил,
Хоҳ дилбар кишвари бўлсун Хўтан, хоҳи Ҳабаш.

Соқийи даврон чу охир тўлдурур паймонамиз,
Эмдидин варзишқа ўзни айлали паймонакаш.

Эй Навоий, муҳтасиб дайр ичра кирди, сирмасанг,
Раҳну майпологға бас лойиқтур ул дастору фаш.

249

Меҳр эмас, гардун юзунг ҳижронидин доғ ўртамиш,
Ой эмас, марҳам учун момуқ мудаввар айламиш.

Кўнглум андоқ чок-чок ўлмишки, гўё тўъма деб,
Ҳажр тиғи итларингга бир-бир они тўғрамиш.

Бисмил этмиш зор кўнглум сайдини қилғоч шикор,
Ул шикорафкан ҳазин кўнглум бу янглиғ овламиш.

Лоларўюм асрамай кўнглумни ғар азм айлади,
Ёдгор андин туганлар чок кўнглум асрамиш.

Ер юзин тутқан баҳор айёми эрмас лолазор,
Ким юзунг ҳижронидин гирён кўзум қон йиғламиш.

Дема, соқий илгидин софийму хушдур, йўқса дурд?
Ҳар не андин келди, ул хуштурким ани толғамиш.

Гар Навоий ёридек йўқ олам ичра, не ажаб,
Ким кезиб оламни маҳвашлардин ани танламиш.

250

Юз сеҳр қилса кимгаки элликдин ўтти ёш,
Атфол саҳраси қилур атфолдек маош.

Улким соқол бўяр ҳаваси тушти бошиға,
Бўлмоқ соқол қаро, не осиғ, чун оқарди бош?

Гўёки молу жон чин эрур, негаким қори
Чун етти жон талашқали, ул мол этар талош.

Ҳожиб нетар бировки кўзи бўлди мунзавий,
Эв гўшасида доғи анга ҳожиб ўлди кош.

Юздан тўкар су улки кўзи, оғзи, бурнидин,
Эл оллида оқар шўлакай бирла сую ёш.

Эйким, юзунг қуёш эди, сарғарди шайбдин,
Билгилки, сарғарур уёқур чоғида қуёш.

Оллингда бас қаттиқ йўлу қатъиға йўқ гузир,
Гар шоҳ, гар гадо бўлу гар тунду гар ёвош.

Билким, бу йўлда зод эрур аъмоли хайру бас,
Йўқ илму фазлу мансабу молу уруғ-қаёш.

Юз бийму оқибат иши маълум эмас киши,
Туғмаса эрди ё туғубон ўлса эрди кош.

253

Гўйиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош,
Ким қўяр ҳар бириси бир-бирининғ оллида бош.

Юзни бир тифл учун атфолға майдон ясадим,
Йўқса не важҳдурурким югурур юз сори ёш.

Улки базм ичра сочар бошиға гул не билгай,
Ҳолин анингки фалак ёғдурадур бошиға тош.

Кўзларинг даврида мужгонингга ул навъи ҳужум,
Недурур қилмасалар фитнанинг устида талош?

Истабон ҳуш замон меҳнатидин, эй соқий,
Жомима доруи беҳуш эзиб қотсанг кош.

Фақр даштида фано йўлиға ҳамраҳ тилама,
Йўл чу маълум эмас, қайда топилсун йўлдош?

Эй Навоий, юзидин деки очиқ ёруғ эрур,
Зулфидин демаки ҳам тийрадурур, ҳам чирмош.

254

Сўз демай икки шакардек лабиким банд ўлмиш,
Кула олмастин иши эмди шакарханд ўлмиш.

Кўнглума барча шикоят ери йўқ, андинким
Тиғидин чок эса, ўқи била пайванд ўлмиш.

Гулдин олман кўзу ислармен ани невчунким,
Ранг ила бўйи менинг ёрима монанд ўлмиш.

Бутун эрмас бу кўнгул шишаси аҳдингдекким,
Синмишу ҳар синуқ андин неча парканд ўлмиш.

Юзи бирла лабини кўрса, қилур кўнглум заъф,
Гар кўнгул қувватининг мужиби гулқанд ўлмиш.

Ул пари то мени девонаву расво қилди,
Ваҳки, Мажнун менинг оллимда хирадманд ўлмиш.

Ранжа бўлма тилаб ортуқки, эрур осуда,
Улки, Ҳақ ҳар не насиб айлади, хурсанд ўлмиш.

Хосса маъниларим эл қилса тасарруф, кулдик,
Киши фарзанди қачон кимсага фарзанд ўлмиш?

Қовма, эй шайх, Навоийни эшитмас деб панд,
Ким сенинг пандинг эшитмаслик анга панд ўлмиш.

255

Вафодин чекса бош ул сарви маҳваш,
Ажаб эрмастур ўлмоқ сарви саркаш.

Замона аблақи қолғай равишдин,
Ул ошуби замон секретса абраш.

Кеча зулфунгни туш кўрдум паришон,
Бу кундур хотирим асру мушавваш.

Жаҳон қўзғолди офат сарсаридин,
Йигит жонинг учун отланма сархуш.

Муқомирваш ҳарифе кўнглум олмиш,
Ки ғаш қилғон сойи кўнглум қилур гаш.

Кўнгул ваҳдат майининг жоми эрмиш,
Бу соғар сода яхши, йўқ мунаққаш.

Навоийнинг жунунин айб қилманг,
Ким они телбаратмиш бир париваш.

256

Неча оҳ урсам бўлур кўздин бағир хуноби фош,
Эснамак бу эрса, кўзда не ажаб ул навъ ёш?

Эй пари, атфол тоши дема бу мажнунғаким,
Чарх зулми ёғдурур бошим уза ҳар лаҳза тош.

Суда андоққким қуёш акси тушар, гўё эрур,
Обгун чарх ичра ул рухсорнинг акси қуёш.

Гар кабутардек эмас тутмоқ учун кўнглум қушин,
Невчун очмиш қулочин ҳар тараф ул икки қош.

Тунд эрур ул бутки, қўймишмен бошимни оллиға,
Қиблаға бош индурурга менда йўқтур икки бош.

Бўлма кун қурсин тилаб афлокдек саргаштаким,
Бир фатири хом ила осон ўтар ҳар кун маош.

Олғали кўнглин Навоийнинг талошур хўблар,
Шоҳлар андоққи бир мулк узра қилғойлар талош.

257

Ишқ ичинда жуз ўлум мушкилки, бўлғай бизга иш,
Ким бўлубтур жон била гамзанг аро бориш-келиш.

Қон оқар ҳар ён танимдинким фироқ айёмида,
Қўймадим узмай таабдин ҳар қаён урғонда тиш.

Кўйида машъал юруткандек кўринди тонгғача,
Ул худ ўтлуғ зор саргардон менинг кўнглум эмиш.

Кеча ой даврида икки саъд кавкаб кўрмаган,
Кўр юзу икки қулоғи дурларин кийганда киш.

Заъфлиқ саргашта жисмимдин ажаб йўқ чиқса ўт,
Чунки ўт зоҳир қилур кўп давр топқондин қамиш.

Даҳр иссиғ-совуғидин гар фароғат истасанг,
Оби оташ рангни қўйма иликдин ёзу қиш.

Эй Навоий, чобукунгнинг истасанг побўсини,
Бўйнунга ип тоқмоқ уммиди била итдек эриш.

258

Зулфиға ҳар ён гириҳ тушкан эрур бас турфа иш,
Неча ерда телба кўнглум қасдиға бел боғламиш.

Равшан айлар шуъла устидин кўрунган дудни,
Маҳвашим эгнида олтойи била бошида киш.

Ёр жоним қасдиға ҳар дамки тишлар лаълини,
Маҳкам айлармен, фиғон қилмай дебон, бағримға тиш.

Зор жисмимға, не тонг, сарғашталикдин тушса ўт,
Ўт аён айлар иликда давр кўп топқон қамиш.

Лаълидин жон олғали бординг, келибсен жон бериб,
Эй кўнгул, мардона бординг, ул боришқа — бу келиш.

Fарраи ҳусн ўлдунг, эй гул, билмадинг бу боғ аро,
Ҳар баҳори келса, андин сўнг хазони бор эмиш.

Қон иси келди Навоий назмидин, эрмас ажаб,
Ким бағир қони била кўнглида топмиш парвариш.

259

Куйдуму топтим кўнгулни ўтға солғондин бу иш,
Ё кўнгулдиндур менға ё кўнглум олғондин бу иш.

Ваъдаи меҳр эттинг охир, ҳар не эл қилса хаёл,
Келгай, аммо келмагай сен аҳди ёлғондин бу иш,

Дер эмиш кўнгли тўла шиквам майидин бўлмиш, оҳ,
Қайда келгай мен киби кўнгли ушолғондин бу иш.

Андин айру ўлмайин кўрганда жон қилдим фидо,
Қилмангиз таҳсинки, қилмишмен уёлғондин бу иш.

Телба кўнглум қочса савдо даштиға айб этмангиз,
Қилди ғам зиндони ичра кўп қаболғондин бу иш.

Гарчи муҳлик ишқ аро туштум, кўзумни ҳам ўюнг,
Ким бошимға келди кўз ул сори солғондин бу иш.

Гар Навоий ҳажр аро ўлтурди ўзни йўқ ажаб,
Қилди ёри васлидин навмид қолғондин бу иш.

260

Менмудурменким қуёш кулбамни равшан айламиш,
Оби ҳайвон зулматободимни гулшан айламиш?

Юз фалакча топса рифъат байти вайроним, не тонг,
Юз қуёш чунким бу вайронимни маскан айламиш.

Кўз тегурманг, эй париларким, кўзум сарчашмасин,
Ул парию ҳури ризвон рашки маъман айламиш.

Мундин ўтмас дўстлуқ гардуни душманшевадин,
Ким ўзин душманларим қасдиға душман айламиш.

Меҳрни билмас эди номеҳрибоним, шукр эрур,
Гар бу фан таълим анга даврони пурфан айламиш.

Шеван эрди қисматим ҳижрон тунидин гўйиё,
Ким қаро киймиш менинг рашкимга, шеван айламиш.

Эй кўнгул, фарёд ила рам берма, гар вайронима,
Чуғз янглиғ тойири давлат нишиман айламиш.

Бахти жовид ушбу бўлғайким кўзум суртарга чарх,
Итларининг йўли туфроғин муайян айламиш.

Эй Навоий, йўқ ажаб, гар чарх ўз давронида
Меҳр бирла бир қароргон кўзни равшан айламиш.

261

Лабингни сўрғали муҳри сукут оғзима тушмиш,
Ки ул шаккар била эрним бири-бирига ёпушмиш.

Ҳаётим андин экинким чиқарға қуввати йўқтур,
Заиф жонки лабинг ҳажридин оғизға ёвушмиш.

Юзунг хижолатидин арғувонға тушти тағайюр,
Дарахти рангидин анғлар кишики қони қурушмиш.

Қулоқ дуриға харидор эди юзунг ажаб эрмас,
Нашот эл ароким Зуҳра Муштариға қовушмиш.

Ҳаёт мулкидин этмак сафар не мумкин ангаким,
Келиб ватанға сафардин ниғори бирла қучушмиш?

Не бок пок кўнгул сори чарх солса кудурат,
Зулол кўзгусини соя тийра қилса не бушмиш?

Навоиё, дема ишқинг сўзин чиқарма оғиздин,
Ёшурмоғим не осиғ, чун халойиқ оғзиға тушмиш.

262

Майки лаълидин томизди ул нигори боданўш,
Гўйиё, жон топқанидин тушти туфроқ ичра жўш.

Ишва бирла бетаҳаммул қилмаса ул муғбача,
Невчун дайр аҳлидин бир лаҳза кам бўлмас хуруш?

Раз қизи бебокликдин қилса урён халқни,
Дайри пири зайли эҳсон бирла келди пардапўш.

Лаъли майнинг жавҳари руҳ ўлди, чун ҳар қатраси,
Гўйи эъжози Масиҳо зоҳир айлар майфуруш.

Мастлиғдин элга юз сўз дер, вале бир сўз десам,
Кўз юмуб ҳам мастлиғ бирла ўзин айлар хамуш.

Турмади шайхи риёий, чун етишти пири дайр,
Қочмайин Иблис нетсун, чун нузул этти суруш.

Эй Навоий, демаким, жону кўнгулни найладинг?
Иккисин қилдим фидо, чун боданўшим тутти қўш.

263

Суроҳи то майи лаълинг висолин орзу қилмиш,
Ани бу орзу девонаи жўлидамў қилмиш.

Чибинлар шаккари лаълингда йўқ, жон қушларидурким,
Су ичмакликка ҳайвон чашмаси узра ғулу қилмиш.

Адамдур ул оғизким хурдабини ақл топмайдур,
Вужудин гарчи ул қатлим ишида гуфтугў қилмиш.

Ғаминг жон пардасин чок айлагач, гардун, не янглиғким
Лабинг ориттинг онинг риштаси бирла руфў қилмиш.

Кўнгулким ташнаи лаъли лабингдур, ваҳки, суд этмас,
Анга гарчи висолинг ваъдаси бағримни су қилмиш.

Лабинг еткан қадаҳ тарёкидин еткургил, эй соқий,
Ки ҳажр аччиғлиғи жомим аро майни оғу қилмиш.

Висолинг нўши бирла ўзгаларга нўши жон бўлким,
Навоий жони муҳлик ҳажр неши бирла хў қилмиш.

264

Шабистонимда жом ичра юзунг акси чароғ ўлмиш,
Чароғимға ва лекин жом зарфу бода ёғ ўлмиш.

Дирам узра дирам тўккан киби пинҳон хирад аҳли,
Гириҳлик кўнглум ичра ишқдин доғ узра доғ ўлмиш.

Илож айлай десанғ, қўй ислайин себи занахдонинг,
Менгаким сунбулунг савдосидин заъфи димоғ ўлмиш.

Кўзунг наргис, узоринг гул, қадинг сарву сочинғ сунбул,
Бузуғ кўнглум хаёлидин буларнинг турфа боғ ўлмиш.

Не қилсанг эмди қил кўнглумгаким, торожи ишқингдин,
Шикибу илму ақлу зуҳду тақводин фарог ўлмиш.

Ажаб Фарҳод эрур ширин лабинг шавқида кўнглумким
Анга пайконларинг метину ишқинғ қофи тоғ ўлмиш.

Тўла қуй жоми гардунвашқа май, эй соқийи маҳваш,
Ки ғам хайлини ғарқ айлар тенгиз бу навъ аёғ ўлмиш.

Май ичким, дарду ғам бир лаҳза соғ ўлмоққа қўймайдур,
Аниким, бу кўҳан майхонада бир лаҳза соғ ўлмиш.

Навоий тийра шомин кавкаби ашки қилур равшан,
Бу юлдузлар анга гўёки дурри шабчароғ ўлмиш.

265

Қайси водийким танимни ашк сели сурмамиш?
Қайси тоғ авжиғаким мавжи бошимни урмамиш?

Қайси ҳижрон шомиким ҳар лаҳза ҳижрон сарсари,
Бир-бир авроқин фалакнинг ҳар тараф совурмамиш.

Қайси дамким хотиримға чун ўтуб гулзори васл,
Ғунчадек кўнглумда ҳижрон юз тикон синдурмамиш?

Қайси ҳижрон даштиким қасдимға тортиб ғам сипоҳ,
Ул черикнинг ўтин оҳим шуъласи ёндурмамиш?

Қайси бир мажлиски, май тобию ораз барқидин,
Элга ўтлар солиб, ул қотил мени куйдурмамиш?

Қайси бирға олам аҳлидинки қилдим жон фидо,
Ғусса олам-олам ўтлуғ жонима еткурмамиш?

Эй кўнгул, дайри фано азми муборак азм эрур,
Қўй қадамким, топқон ул йўлни ватанда турмамиш.

Дайр пирининг қулименким, харобот аҳлидин
Неча кўрмиш журм, аларнинг юзига келтурмамиш.

Май тутуб кўнглумни тиндур бир замон, эй муғбача,
Ким замон бедоди они лаҳзае тиндурмамиш.

Зулф аро асра Навоий кўнглин элдин истама,
Телбани банд ичра зоминға киши топшурмамиш.

266

Телбалик сенсиз, эй пари, менга иш,
Кўксума тош урармен, эгнима тиш.

Нахли айшим қўнгорди ўйла ғаминг,
Ким маконида қолмади қиртиш.

Новакинг касрати кўнгул ичида,
Ўйлаким найситон ичинда қамиш.

Ё қошинг бирла қилди чун даъви,
Қатл учун бўғзиға солилди кериш.

Зулфу жисмингға рангу нозуклук,
Кўринур ул сифатки, қоқуму киш.

Не учун бўлди лаългун ашким,
Гар юрак қони эрмас анда қотиш.

Май кўп ичсам ажаб йўқ, эй соқий,
Қон ютарларда қилмишам варзиш.

Барги гулким сочилди кўйи аро,
Ул менинг пора-пора кўнглум эмиш.

267

Оразинг ҳижронидин келмас манга гулзор хуш,
Гулсиз андоққим эмас гулбунда юз минг хор хуш.

Хастадур кўнглум кўзунгдин ўйлаким мумкин эмас,
Лабларингдин шарбат олмай бўлгай ул бемор хуш.

Кўйида вайронае топиб йиқилдимким, келур
Қасри жаннатдин менга ул сояи девор хуш.

Кўйидин манъ айлар эрдим чун ўлармен, эй кўнгул,
Эмди бердим рухсатинг, ҳар қайда борсанг, бор хуш.

Ҳар киши мақсадга бир сарришта истар, эй фақиҳ,
Субҳа гар хуштур санга, бордур манга зуннор хуш.

Хирқаву зуҳду риё аҳлиға хуштур хонақаҳ,
Лек анинг рағмиға келди кулбаи хаммор хуш.

Эй Навоий, май била хуш тут ўзунгниким, эмас
Бу фано дайри аро бўлмоқ даме ҳушёр хуш.

268

Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Аллоҳ-Аллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Қаддиға эл майли бўлғондин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элға новак урди, мен ўлдум, эрур бу турфаким,
Жоним эткан реш эл бағриға кирган хор эмиш.

Риштаким муҳлик ярам оғзиға тиктим, англадим,
Ким кафан жинси қироғидин сувурғон тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриқ танға тушкон соядек,
Сели ғамдин эмди соя ўрниға девор эмиш.

Жонға тахвиф айладим тиғи ҳалокидин анинг,
Билмадим, бу иштин ул ўлгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, хўбларни кўрма осонлиғ била,
Ким бировким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.

269

Менга эмди сарв ила гул муддаоси қолмамиш,
Сарв бўйлуқ гулжабинларнинг ҳавоси қолмамиш.

Ўйла бузмиш меҳнату ғам хайли кўнглум кишварин,
Ким нашот анда сиғинғунча фазоси қолмамиш.

Мен балият ичрамен, эл шод, гўё чархнинг
Эмди дард аҳлиға еткунча балоси қолмамиш.

Ёрким қилмас жафову жавр эрмас раҳмдин,
Ким манга кўргузмаган жавру жафоси қолмамиш.

Баски ҳар торин бало атфоли уздилар чекиб,
Ваҳки, урён жисм уза меҳнат палоси қолмамиш.

Гул чоғи боғингғаким йўл бермадинг, эй боғбон,
Чинмудур дай бўлгали дерлар сафоси қолмамиш?

Эй Навоий, гар вафоси қолмамиш онинг санга,
Ғам емаким, анга ҳам ҳусни вафоси қолмамиш.

270

Кўнгулни бу кеча бир ой хаёли мубтало қилмиш,
Ки уйқу хайлини кўзлар саводидин жало қилмиш.

Кўнгулга тоза қўйғон доғлардинму савод ўлмиш,
Йўқ эрса ҳажр дудидин фалак юзин қаро қилмиш?

Вужудим хирманин ўртарға бир барқи бало урмиш,
Кўзумга ҳажр илги кожидин ҳар ўтки чоқилмиш.

Вафосизлиқ муҳаббат аҳли оридур, хушо, улким,
Ҳаёти нақдини бир қотил оллинда фидо қилмиш.

Аёғи туфроғининг қийматин жонлар деган, ҳайҳот,
Ҳаёт иксирини туфроғ бирла тенг баҳо қилмиш.

Гадолиғ айламиш йиллар кўзум, ул хўблар шоҳи
Қачон бир кўргузуб ораз, анинг комин раво қилмиш?

Висол истар эсанг қочма балиятдинки, кўргузмиш
Ниёз аҳли вафо, ҳар неча ноз аҳли жафо қилмиш.

Тараб жомини тутмас дайр пири бўлмайин фоний,
Биров бу файз топмишким ерин дайри фано қилмиш.

Навоий бенаво бўлким, азал қассоми қилғонда —
Халойиққа наво тақсим, бизни бенаво қилмиш.

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «НАВОДИР»ДИН

271

Бировки дайр сори зоҳир айлади ихлос,
Бурунғи нафъи буким хонақаҳдин ўлди халос.

Халос истасанғ андин аён қил ихлосинг,
Ки йўқ кишиға халос этмайин аён ихлос.

Авом зоҳиридек қилмағанға зоҳирини
Муяссар ўлмади ботин иши нечукки хавос.

Бировга хос иноят бу йўлда ом ўлди,
Ки ом суврати бирла ўзини айлади хос.

Симоъ важд ила гар бўлмаса муассир эмас,
Ки қулғу боисидур қилса фил ўзин раққос.

Бақо дурин тилабон терга ғарқалиқ не осиғ,
Бу дур топарға фано баҳри ичра бўл ғаввос.

Навоий, истаса қатлинг ҳабиб, сен яна ўл,
Ки ишқ тиғи шаҳидиға бўйла келди қасос.

272

Ҳусн оятики келди юзунг қиссасида нас,
Тонг йўқ, десамки шаънидадур «Аҳсан-ул қасас».

Мусҳафни ўртадим дединг ўтлуқ узор ила,
Кўнглум қабул қилди каломинг начукки нас.

Кўнглум қушини тиғи ғаминғ қилди чок-чок,
Билман кўнгулни қушмудурур эмди ё қафас.

Лаълинг нигини шарҳидадур гўйиё «Фусус»,
Ҳар жузвида нишонаи вақф айлади бу фас.

Ўлдумки, қатлинга нега ушшоқ бўлди хос,
Тиргузди буки ёна мени айладинг ахас.

Тақвии ишқ аро чу азимат тилар кўнгул,
Аввал керакки, бир тараф этсанг бори рухас.

273

Қатл учун элга чу таъмим ила бердинг танқис,
Ўлгум эрди мени гар қилмасанг эрди тахсис.

Ҳирси ул шўхнинг эл қатлига бордур онча,
Ки ажал ҳожат эмас айламак ани таҳрис.

Ҳажрдин ишқ ўтида топмади кўнглум махлас,
Гарчи ўт бирла бўлур қалбға бермак тахлис.

Ёр ҳажриға даво гулдин эмаским, бермас
Кимсага Юсуф иси қон аро ҳар пора қамис.

Гарчи билдимки ҳарис ўлди жаҳонда маҳрум,
Бўлмамоқ мумкин эмас ёр висолига ҳарис.

Кил фано дарси аро ўзни мулаххаски, эмас
Суд кашфида бу маънининг ўқумоқ «Талхис».

Ёрдин айру Навоий ўзига истар ўлум,
Эй ажал, жонинг учун берма анга кўп танқис.

274

Май мени қилди риёйи порсолиғдин халос,
Порсолиқ йўққи, ужбу худнамолиғдин халос.

Хонақаҳ аҳли йўлуқса мастлиғдин тониман,
Шукрким, бўлдум аларға ошнолиғдин халос.

Ишқ хилват кунжидин солди мени майхонаға,
Қилди зиндон гўшасида мубталолиғдин халос.

Дайр пири журъасин топмайки, улдур шоҳлиқ,
Дайр аро гар орзу қилсам гадолиғдин халос.

Эй жафогар, бир вафо қилким иковлон бўлғабиз,
Мен жафо чекмактину сен бевафолиғдин халос.

Соқиё, ҳажру хумор ичра етибмен жонима,
Бир қадаҳ бирла мени қил бу аролиғдин халос.

Эй Навоий, бенаво истаб сени дилдору сен,
Гар наво истарсен, ўлма бенаволиғдин халос.

275

Кишига берса ғаму меҳнати даврон танқис,
Яхшироққким анға берғай ғами ҳижрон танқис.

Берса танқис ғами ҳажр доғи онча эмас,
Ким берур рашк била ғайрати жонон танқис.

Истасам ўқини кўксумда будур ваҳмимким,
Топмағай тийра кўнгул ҳабсида пайкон танқис.

Мен уруб пўя жунун даштида, лекин не осиғ,
Ким эрур кўнглума ғам чоҳида пинҳон танқис.

Кўйидин рахти сафар боғласа ағёр не тонг,
Боғу гулшанда кўрар ғули биёбон танқис.

Чархдин заъфим ила бўлса малолим не ажаб,
Кўрар ул Зол била Рустами Достон танқис.

Эй Навоий, бас эрур телбалик эмди, берма,
Ул паривашқа чекиб нолаву афғон танқис.

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «НАВОДИР»ДИН

276

Қила олғонча риё аҳлидин эткил иъроз,
Яхшироқ сидқ ила осийки, риёлиқ муртоз.

Мужрими содиқ эрур узр била қобили файз,
Муъжиби зуҳдқа бўлмас мутажаллий Файёз.

Ўзлукунг салбидин ахлоқи замимангни кетур,
Ким кетар мусҳил ила неча мухолиф амроз.

Бош оқарди, кўз оқардию оқармас кўнглунг,
Тийрасен ҳар нечаким тутти саводингни баёз.

Чек риёзат вале иш ўрнида тутма ониким,
Бу риёзатдурур, улким эвази келди риёз.

Барча иш вақтида Ҳақ бўлса керактур ғаразинг,
Бу ғараздин чу бўлур дафъ керакмас ағроз.

Икки бармоққа тутар сиймни миқроз киби,
Фақр торин доғи қатъ эткучидур ул миқроз.

Ҳар не оллингға келур Ҳақдин эрур чун ориз,
Бас таҳаммул қилибон айлама ҳар дам иъроз.

Жаҳл айбини Навоий нетибон ёшурғай,
Эл кўзи очиқ эрур, гар ўзи эткай иғмоз.

277

Истасам бўсе лабидин, жон тилар жонон эваз,
Кўнгли бирла деса жонон оздурур, юз жон эваз.

Лаълин оғзимға оло олмон, аёғи туфроғин,
Топсам этмон макс агар жон истаса жонон эваз.

Пойбўси ҳам эмас ҳаддим аёғи туфроғи,
Гар муяссар бўлса жон бермак бўлур осон эваз.

Итларининг хоки пойин кўргали ҳам розимен,
Гар тилар олдик қарору ҳушу хонумон эваз.

Васли гар бўлмас муяссар, юз туман жону жаҳон,
Гар берилса ўтруда бермак эмас имкон эваз.

Соқиё, тут лаългун май баҳридин заврақ била,
Ким эрур бир журъасиға нақди баҳру кон эваз.

Эй Навоий, ишқ таркин айлагил, невчунки, мен
Васл учун жон бердиму бўлди манга ҳижрон эваз.

278

Оразингдур офтоби оламородин ғараз,
Жонфизо нутқингдур анфоси Масиҳодин ғараз.

Очмағаймен кўз мени девона ҳуснунғ бўлмаса,
Ҳар пари пайкар жамолиға тамошодин ғараз.

Ўқ тикилсун кўзларимга бўлмаса ўқдек қадинг,
Боғ аро ҳар дам ҳавои сарви раънодин ғараз.

Шоми ҳажрим зулфи мушкинингдин ўлсун тийрароқ,
Гар эмас кўнглумда зулфунг мушки сородин ғараз.

Жон бериб лаълимни истардин, ғараз недур дема,
Ким басе зоҳирдурур, жоно, бу савдодин ғараз.

Дарду меҳнат чекмакимдин қасдим анинг кўйидур,
Каъбадур соликка қатъи кўҳу саҳродин ғараз.

Эй Навоий, ёрнинг меҳру вафосин истама,
Қилмаған бўлсанг кўнгулга зулму бедодин ғараз.

279

Гар будур қомати раъно била зебо ораз,
Сарв бўй чекмасу очмас гули раъно ораз.

Оразим сабзаға ҳар гулшан аро суртармен,
Санга то сабзаи тар айлади пайдо ораз.

Тоқатим йўқ ики ўт бирла мени ўртарга,
Оташин лаъл манга айла аён ё ораз.

Парда ёпқилки, хатинг айлади беҳол мени,
Мен худ ўлдум қила олмасқа тамошо ораз.

Оразимни бир аёқ бирла қизорт, эй соқий,
Неча суртай аёғингға мени расво ораз?!

Ойға гулгуна магар суртти машшотаи чарх
Ё санга майдин эрур гул киби ҳамро ораз?

Эй Навоий, тиласанг давлати боқий топмоқ,
Олмағин дайри фано йўлидин асло ораз.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «НАВОДИР»ДИН

280

Десангки, фақр тариқини айлайин мазбут,
Керакки, зуҳду риё бирла қилмасанг махлут.

Бу йўлда шарт фанодур агар қадам қўйсанг,
Керак бажой кетурсанг неким эрур машрут.

Кишики зоҳири ошуфтадур замириға боқ,
Басоки маъни эрур поку лафз — номарбут.

Кўнгул саҳифасидин рафъ қил хавотирни,
Ки сафҳа зойиъ ўлур чун чибин қилур манқут.

Десанг ўзумдин этай ғайр суратин исқот,
Ўзунгдин айла бурун ўзлукунгни-ўқ масқут.

Фано риёзатида қаддин айлаган чавгон,
Қошида гўйча йўқтур бу гунбади махрут.

Навоиё, дер эсанг тонгла бўлмайин мақбуз,
Бу кун жаҳон элига ўзни айлагил мабсут.

Қилди ботил меҳрдин ҳар неча қилди ёр шарт,
Шарт кўп бузди нединким айлади бисёр шарт.

Шарти меҳр айлар букун андоқ унутур тонглаким,
Ҳаргиз этмайдур дегайсен ул пари рухсор шарт.

Кўйида ким пойбўси бирла иззат истаса,
Бордур анда айламак туфроғдек ўзни хор шарт.

Айлади шарти вафо, лекин қачон бор эътибор,
Мастликдин ҳар не қилса кофири хунхор шарт.

Ишқ таркида қилиб кўп шарт буздунг, эй кўнгул,
Ишки қилмоқ мумкин эрмас, қилмағил зинҳор шарт.

Дайр пири хидматиға, эй кўнгул, бел боғладинг,
Балким ушбу боғламоққа бор эди зуннор шарт.

То тирикмен тарки ишқ этмай дебон шарт айладим.
Шарт қилғон айладик боре Навоийвор шарт.

282

Ой юзунг кўзгуву атрофини тутқан занг хат,
Не ярошибдур ул ой давриға миноранг хат.

Сабзаи тардекки судин бош чиқарғай лутфи бор,
Оразинғдинким, чиқарға айламиш оҳанг хат.

Майдин ўлса оразинг гулгун, бўлур хаттингға зеб,
Ким топар чун сафҳа гулгун бўлди ўзга ранг хат.

Ўйлаким марғулалар кўргузди ул меҳроб уза,
Тўтиёдур хирмани гул узра урган чанг хат.

То қамар даврида не офатлар ўлгай ошкор,
Бўйлаким, ул юзда айлар фитнаву найранг хат.

Чиққали хат элни қатл айлар, чиқармиш гўйиё
Халқнинг қониға ул хунрез шўхи шанг хат.

Ҳусн мулкида шаҳ ул юз, чатр мушкин бўлди қош,
Не ажаб, бўлса зумурраддин анга авранг хат.

Эй кўнгул, соф айла сафҳангни тилар бўлсанг уруж,
Ким набиға ордур билмоқ саводу нанг — хат.

Сабзаву гул сори майл этмас Навоий хотири,
То чиқармиш юз уза ул шўхи сабзоранг хат.

283

Холларининг нуқтасидин топти зеб ул турфа хат,
Гарчи хат узра бўлур бир нуқтаву бўлмас нуқат.

Юз уза хаттин назора айлагил ғар кўрмадинг,
Эй кўнгул, кун сафҳасида тун саводи бирла хат.

Ҳажр шоми ойни рухсоринг соғинсам қилма айб,
Ким басар ҳисси қаронғу кечада қилди ғалат.

Сарв чун асру бийик, савсан бағоят паст эди,
Қоматинг хайрул-умур ойинидин топти васат.

Сели ашким рўди икки бўлди олам мулкини,
Гўйиё олам эрур Бағдоду ашким сели — Шат.

Тавсани ҳиммат била қатъ айлагил дашти фано,
Йўқса бу йўлда бўлубтур тавсани гардун сақат.

Эй Навоий, май бати қонин оқиз базм ичраким,
Гар кабоб айлар ва лекин элни маст айлар бу бат.

ЗО ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «НАВОДИР»ДИН

284

Не нутқи дилкаш эрур, ваҳ, не дилрабо алфоз,
Масиҳ нутқида йўқ бўйла жонфизо алфоз.

Эрур хужаста сўзунг файз мавжининг тенгизи,
Тенгизда ҳар сариғи дурри бебаҳо алфоз.

Сўзунгда лафзин эшиткач араб фасиҳлари,
Бириси қилмадилар сўзга ибтидо алфоз.

Сўзунгда пири хирад топмайин ғалат аҳком,
Тилингга саҳв ила ҳам ўтмайин хато алфоз.

Санга надим ўлубон Жабраил ҳам кетуруб,
Бир ошно қошидин барча ошно алфоз.

Сипеҳр жавфида дарё вужудунг ичра сўзунг,
Бу баҳр ичинда жавоҳир сўзунг аро алфоз.

Навоий айлади наътингни, вирд бўлса, не тонг,
Анга каломи равонбахшу мунтаҳо алфоз.

285

Лабингдин бўлди бу маҳжур маҳзуз,
Анингдекким, шакардин мўр маҳзуз.

Сўзунгдин топса ҳаз кўнглум ажаб йўқ,
Ки шарбатдин бўлур ранжур маҳзуз.

Эмас ҳажринг куюк кўксум иложи,
Ки бўлмас шуъладин маҳрур маҳзуз.

Сочингдин оразинг кўргузки, элни
Қаронғу тунда айлар нур маҳзуз.

Лабингга жон фидоким, қилди жонни
Бу ақшом асру номақдур маҳзуз.

Хумор ўлтурди, соқий, тут қадаҳким,
Май ўлмай бўлмади махмур маҳзуз.

Навоий кўнглини буздунг, қил эмди,
Этиб васлинг била маъмур маҳзуз.

286

Неча ёлғон сўзу музҳик ҳаракот, эй воиз?
Мажлис аҳли юзидин йўқму уёт, эй воиз?

Дедилар: панд ила тавсанлиғин элнинг ўксут.
Ким деди: тепкилу минбарни ушот, эй воиз?

Ҳуру жаннатни кўп ўкдунг, магар ул ён элни
Юборурга қиласен қатъи ҳаёт, эй воиз.

Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг —
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз.

Кеча ичмак маю кундуз демак ичманг они,
Ҳикмат ичра бу эрур яхши сифот, эй воиз.

Ўзғача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳни бот, эй воиз.

Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар
Бори бор ўз ишида анга сабот, эй воиз.

Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг,
Тортғил тафриқаға эмди салот, эй воиз.

287

Чекти булбул киби минг лаҳн ила достон ҳофиз,
Йўқ анингдек яна бу даврда хушхон ҳофиз.

Давр ўқир чоғда ажаб фитналар айлар изҳор,
Йўқ анингдек яна сарфитнаи даврон ҳофиз.

Ҳофиз эткан киби Ҳақ лутфи ани Қуръонда,
Бўлдик анинғ доғи ҳар ҳолида Қуръон ҳофиз.

Жон олур нағмаси ул руҳ ғизоси бирла,
Халқ жонин қилур ўз базмида меҳмон ҳофиз.

Гар унунг жон олур ани деса бўлғайму дариғ,
Ким фидо бошдин аёғингға сенинг жон ҳофиз.

Сендадур нағмаи Довуд ила анфоси Масиҳ,
Бордурур йўқ эса давронда фаровон ҳофиз.

Эй Навоий, дема лаҳниға недин бўлдунг сайд,
Халқ сайдиға қони ўйла хуш алҳон ҳофиз.

АЙН ҲАРФИНИНГ ИЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «НАВОДИР»ДИН

288

Иззат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ,
Ул хорлиққа мужиб эрур азза ман қанаъ.

Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш анинг бари,
Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.

Нафсинг ҳалокин истаю топсанг ани ҳалок,
Зинҳор мотам аҳли киби қилмағил жазаъ.

Невчунки то тирикдурур ул золими лаин,
Кўнглунгадур ҳалокату жонингғадур важаъ.

Руҳунгға сиҳҳат ўлса, малойик бўлур сипоҳ,
Нафсингға қувват ўлса, шаётин бўлур табаъ.

Тарк этма узру ажзға кўнглунгни солса фисқ,
Қўйғил риёву ужбға гар бош чекар вараъ.

Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийға иқтидо —
Айлангки, бу тариқа анга келди мухтараъ.

289

Меҳр ила гар келди чарх айвони рифъатдин маниъ,
Жом қўйғон дайр тоқин англағил андин рафиъ.

Дайр жаннатдур, кўр анда жилвагар ҳар муғбача,
Шакликим зоҳир қилиптур ҳуру ғилмондин бадиъ.

Соқиё, чун давр аро солдинг ҳилолий жомни,
Билким, ул сайр ичра бор ўзга кавокибдин сариъ.

Гар чиқиб масжиддин ўлдум бут қошида ғам емон,
Шояд ул журмумға ушбу тоатим бўлғай шафиъ.

Менки, дайр ўлди манга тақвию тоат буқъаси,
Ўлганимда куфр гўристонин айлармен бақиъ.

Бўлди соқийнинг гули рухсори гулгул бодадин,
Тут ғаниматким йигитлик фаслидур фасли рабиъ.

Хонақаҳдин ким Навоийдек борур майхонаға,
Анда-ўқ қўйдик риёву ужбдек феъли шаниъ.

Қилди уқор ўтоғасин ул қотили шижоъ.
Хуршид оразиға ҳамоно хати шиоъ.

Ул минмайин ҳануз таковарға, войким,
Мендин қарору сабру кўнгул қилдилар видоъ.

Майдонға чопти тавсанин ул навъким, дегил,
Ким чарх шаҳсувори била қилғуси низоъ.

Юз фитна солди ғайри мукаррарки, айламиш
Бедоду зулм таврида юз навъ ихтироъ.

Жонни оти аёғиға дедим, нисор этай,
Лек эрмас эди кўзга кўрунгунча бу матоъ.

Саркашлик этма шуъладек ўртарға элниким,
Асру бот инҳитот топар андоқ иртифоъ.

Боштин, Навоиё, чиқар ўзлук хаёлини,
Гар сарзаниш била дер эсанг кўрмайин судоъ.

Лабларингдин ҳар замон жонни тилармен мунтафиъ
Мунқатиъ бўлмай нафас, бўлмас умидим мунқатиъ.

Кўз юмуб очқунча, ваҳ, юз қатл қилмоқ йўқ эди,
Бўйла санъатларда маҳвашларға сенсен мухтариъ.

Кўктадур оҳим қуруқ тандин итиб мунглуғ кўнгул,
Шуъла дафъ ўлмай ўтундин дуд бўлмас муртафиъ.

Ишқу дарду шавқ кўнглум ичрадурлар, оҳким,
То не қилғайлар бўлуб мундоқ балолар мужтамиъ?

Ишқ эли ғавғосидин дардим десанг, маълум эмас
Хоссаким, улким анга дермен худ ўлмас мустамиъ.

Истасанг дайри фано сирриға топмоқ иттилоъ,
Мастлиғдин бўлмағил даврон ишига мутталиъ.

Эй Навоий, қил фано илмини яхши касбким,
Айлағайсен дафъ агар тақво буюрса мубтадиъ.

292

Кўруб оразинг йиғласам йўқ бадеъ,
Келур сел бўлғонда фасли рабеъ.

Неча ишқ аро бор эсанг тангдил,
Эрур ул уй икки жаҳондин васеъ

Гумон қилма ишқ аҳлини хоксор,
Ки ҳимматларидур фалакдин рафеъ.

Дамим ўти кўкка чиқар ўйла тез,
Ки барқ инмагай ерга андоқ сареъ.

Юзунғ оллида гул ҳадисин демон,
Хуш эрмас латиф элга лафзи шанеъ.

Агар зуҳд эди журмум, эй пири дайр,
Не ғам бўлса журмумға лутфунг шафеъ.

Навоий агар ёр эрур базлагўй,
Бадиъ элдин эрмас бадоеъ бадеъ.

293

Ҳажр ўтидин шом агар мендек эмас бехоб шамъ,
Риштаи жониға невчун солди печу тоб шамъ?!

Бир қуёш ҳажрида гар куймас недин бас мен киби,
Кавкаби ашкин тўкар андоққи дурри ноб шамъ.

Маҳвашимдек демаким, бўлмиш либоси лаългун,
Мен киби қон ёшдин ўлди ғарқаи хуноб шамъ.

Кечаеким тийра кулбамни ёрутқай ул қуёш,
Тонг эмас анжумдек ўлса ул кеча ноёб шамъ.

Ғам туни ул ой хаёлидин бузуғ кўнглум ёрур,
Гўшаи вайронға бастур партави маҳтоб шамъ.

Тийра шоминг файз нуридин десангким, ёруғой,
Тутқил ул янглиғки тутмиш гўшаи меҳроб шамъ.

Эй Навоий, ул қуёш қўйғоч шабистонимға юз,
Рашкдин сиймоб ашкидек бўлур сиймоб шамъ.

294

Торттим ранжи хумор айлаб майи аҳмар тамаъ,
Ул кишидекким, қозар тоғ айлабон гавҳар тамаъ.

Лола жоми дурдидек ҳам даст берса яхшидур,
Даврдин гар айлай олмон лолагун соғар тамаъ.

Соқиё, жоми лабингдин эл тамаъ қилғонда нўш,
Бизга ғамзангдин эрур бир жонситон ништар тамаъ.

Қатлима андин қила олмон тамаъ, бер заҳри чашм,
Мен киму лаъли лабидин айламак шаккар тама?!

Десанғизким, бўлмағайсиз мен киби девонаваш,
Одамизод ичра қилманг бир пари пайкар тамаъ.

Пири дайр оллида қўйдум нақди жон, эй муғбача,
Ким манга бор эрди сендин лаъли жонпарвар тамаъ.

Истадим васлу вафо, деди: Навоий қилмағил —
Бу тамаъ, қил, гар қилурсен мундин ўзга ҳар тамаъ.

ҒАЙН ҲАРФИНИНГ ҒИЗОЛАРИНИНГ ҒАВҒОСИ «НАВОДИР»ДИН

295

Зиҳи буроқинг изидин қамар узорида доғ,
Муайян икки қароғингға сурмаи мозоғ.

Чу ёрутуб юзунг ўти фалак шабистонин,
Уётидин ўчуруб ҳар тараф нужум чароғ.

Шамимким сочибон зулфи анбарафшонинг,
Бўлуб савомиъи қудси элиға атри димоғ.

Ўтуб чу қадду узоринг сипеҳри ахзардин,
Бу навъ сарв ила гул топмайин яна ул боғ.

Улусқа зулмати куфр ичра изтироб эрди,
Юзунг қуёши фуруғидин ўлди мунча фароғ.

Китобинг ўзга кутубдинки бордурур аблағ,
Балоғатингға муносиб Ҳақ айламиш иблоғ.

Бу баски айни иноят била кўзунғ тушса,
Тамуғ ўтиға Навоийни судраб элтур чоғ.

Гарчи йўқтур лолазори ашкима пайдо қироғ,
Дудаи оҳим била қўймоқ бўлур бориға доғ.

Гуллар ўлмиш оташин то ўтлуғ оҳим тортибон,
Айламишмен оразинг ҳижронидин гулгашти боғ.

Зулф аро ул ораз узра зарварақ ҳар ён эрур,
Шом андоққим ёқилғай суда ҳар жониб чароғ.

Ошиқ ўлдум ул малаксиймо пари рухсориға,
Ўйлаким, ўт шуъласидин элга гарм ўлғай димоғ.

Ғамдурур кўнглумда ул Ширин санамни кўрғали,
Тоғ аро Фарҳод ўлур, ким кўрди Фарҳод ичра тоғ?

Давр ранжидин десангким, лаҳзае соғ ўлғасен,
Давр аёғи ичмакидин бўлмағил бир лаҳза соғ.

Эй Навоий, чун кўнгул бир дам очилмас бодасиз,
Истасанг ул уйни равшан дам-бадам тутғил аёғ.

297

Хазон фаслида ул ой жисму рухсоримни кўрган чоғ,
Дегайким, бир қуруғ шох узра қолмиш бир сариғ яфроғ.

Учамда ой тутулған доғдек қолди асар, гўё
Улуғ эрмиш фатила асру чун кўксумга қўйдум доғ.

Гунаҳсиз ўлган эл қони тутубтур шастини, йўқса
Ўшул қотил ҳино бирла қизил қилмайдурур бармоғ.

Гули раънодин этти кисватин сарви равон ёхуд
Сариғ терлик уза ул шўхму киймиш қизил ширдоғ?

Юзига меҳрдин йўқким, юзидин меҳрга ногаҳ,
Ҳарорат етмасун дерким, солур ҳар соридин қалпоғ.

Кўзи ул шўхнинг чун бўлди ҳам бемору ҳам усрук,
Тўло тут давр аёғин, эй кўнгулким, мен ҳам ўлмай соғ.

Кўз оч, ашки надомат соч ўз аҳволинггаким, бордур
Тунунг тийра, кўзунг хира, йўлунг буртоғ, отинг оқсоғ.

Қадам қўйма адабсиз бу хазон кўрган чаман ичра,
Ки бир гулранг юзнинг сафҳасидур ҳар сариғ яфроғ.

Магарким кўйида ёланг аёғ ул ой хиром этмиш,
Навоий кўзларига сурма бўлмиш ул қаро туфроғ.

298

Оқ ўти бирла юзунг ҳажрида қилсам гашти боғ,
Лола янглиғ ўртагай бир-бир шарар гулларга доғ.

Кўргач ул оразни йиғлармен тушуб мағзимға жўш,
Ўйлаким гулдин ёшарғай кўз, қизиқ бўлғоч димоғ.

Юзгаким санчиб бинафша истадинг ҳуснунгға зеб,
Гўйи ул гўгурд бирла равшан айларсен чароғ.

Доғу қоилиғ чок-чок ўлғон кўнгулдадур ғаминг,
Лола тоғ ичра бўлур, ким кўрди лола ичра тоғ?

Икки гавҳарким баногўшунғдадур анжум киби,
Ҳусн аро ойдек юзунг оллида тутмишлар чароғ.

Бодадин бир дам фароғат истама, гар истасанг
Давр аҳли меҳнатидин топқасен бир дам фароғ.

Ёр аёғин суға чун солди, кўзум тўлди сиришк,
Эй Навоий, бўйла болиғқа керак мундоқ булоғ.

299

Баски қўйдунғ кўксума кўнғлумни олғон чоғ доғ,
Жисмим ўлмиш хирқам ул янглиғки майдин доғ-доғ.

Демаким, не доғдур кўнглунгдаким, ўтлуғ кўзунг,
Қўйди анда кўргузуб юз лоба бирла лоғ-доғ.

Доғлар қўйдум, чу масту ошиқ ўлдум нечаким,
Ўзни асраб қўймас эрдим бор эканда соғ доғ.

Арғувоний тўн била то жилва қилдинг, ваҳки, бор
Ҳайратингдин арғувон шохиға ҳар яфрог доғ.

Солғали ўт бағриму кўнглумга ҳажринг бор эмиш,
Тортмоқ кўнглумдин оҳу бағрима қўймоғ доғ.

Гўйиё Фарҳоддек ҳамроз учун барқ ўтидин,
Лола эрмас бағриға ҳар сори қўймиш тоғ доғ.

Эй Навоий тўкма ўтлуғ кўнглунг узра ашкким,
Ўртанур кўпрак куяр ҳолатда қуйсанғ ёғ доғ.

300

Заиф жисмим аро бир-бирининг устига доғ,
Қуруғ ёғоч узадур яфроғ устига яфроғ.

Эвурса ҳар сари, тонг йўқ юзини оҳимдин,
Ки чайқалур ел, агар усрук тунд бўлса чароғ.

Чаманға гамзада кўнглумни чекма, эй булбул,
Ки келди чуғзға вайрона кунжи гўшаи боғ.

Ярам фатиласи захмимни куйдурур ҳар дам,
Магарки қон анга хосият ичра бўлмиш ёғ.

Керакки қўймаса бир дам пиёлани қўлидин,
Замоне улки тилар бу замона ичра фароғ.

Етишти бурниға офатки, тутти бурнин эл,
Ёруғлуғи била чун шамъ бўлди гандадимоғ.

Хаёлинг этти Навоий бошинда манзилгаҳ,
Нединки бир тепада жорий эрди икки булоғ.

301

Ончаким ул ғамза сурди кўргузуб бедод тиғ,
Сурмас элга қатли ом ўлғанда юз жаллод тиғ.

Шуълалиқ кўнғлум аро кўр ханжари ишқингниким,
Бўйла оташкорлиқ қилмайдурур ҳаддод тиғ.

Қатл этиб кунд ўлмади, ваҳ, не итикдур тиғи ишқ,
Ким анинг қошинда нарм оҳанча йўқ пўлод тиғ.

Менмену – кўҳи ғамимким, тоғ тиғи басдурур,
Ғам сипоҳи ҳарбиға истар эса Фарҳод тиғ.

Тиғи ишқинг олам аҳлин ўлтуруб кунд ўлмади,
Ҳеч қотил олам ичра бўйла бермас ёд тиғ.

Тиғи ғамзангға ажал суйи мағар бермиш қазо,
Ким ясай олмас итик ул навъ ҳеч устод тиғ.

Шасти ғамзанг бирла баҳри ашк аро тутқоч мени,
Кесма бошимким балиғқа сурмади сайёд тиғ.

Йўқ бу гулшан ичра имкони фароғат бўйлаким,
Баргидин ҳар ён чекибтур савсани озод тиғ.

Эй Навоий, бўғзинга ҳайвон суйидин яхшироқ,
Гар сурар қатл эткали ул сарви ҳуризод тиғ.

302

Сарғарибтур лоларўйим ранжи то бўлмиш қотиғ,
Лола бу йил гулшани умрумда очилмиш сориғ.

Кўп осиғ умрум баҳори мевасидин истадим,
Меваға етмай хазон бўлди баҳорим, не осиғ.

Шарбат этсам шираи жоним зулоли Хизр ила,
Дер ачиғланибки: не улдур чучук, не бу ориғ.

Эй Масиҳо, урма дам ул кўзда сафрат дафъиға,
Каҳрабо келтур қуёштин, Ҳут буржидин болиғ.

Васфи ул кўзнинғ қаролиғ бирла эрди, войким,
Эмди сориғликқа мансуб этмиш они хасталиғ.

Дерки, сафро касратидин бўлмиш оғзим таъми талх,
Не тонг, ўлсамким бу навъ ўлмиш чучук жоним очиғ.

Будур уммидимки, ҳам Ҳақ лутфи бўлғай дастгир,
Набз тутмоқ майли қилма, эй табиб, илгингни йиғ.

Гар қуёшим бўлса рокиб бўлғудек эмганмасун,
Тавсани афлок невчунким эрур беҳад чолиғ.

Эй Навоий, бўлса юз жоним, қилурмен садқаким,
Бўлди жонон заъфидин айшим ачиғ, ҳолим қотиғ.

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «НАВОДИР»ДИН

303

Тоғ ошиқлиқ юкидин хам бўлурға йўқ хилоф,
Кўрки, не навъ ўлди хам чун қолди ишқ остида Қоф.

Ишқ дашти мўридин айлар ҳазимат аждаҳо,
Аждаҳо бирла нечукким мўр эта олмас масоф.

Ер тутар қоттиғ кўнгулга ишқ ўтининг учқуни,
Барқ тиғи тоғни ул навъким айлар шикоф.

Улки дўзах ўтидин ишқ аҳлини тахвиф этар,
Ишқ ўтин чун кўрмамиш тутмоқ бўлур ани маоф.

Ишқ тиғи чун кўрунмай санчилур эл жониға,
Хўблар мужгонидин гўё анга келди ғилоф.

Эйки, ошиқсен бировга келса ҳар дам юз бало,
Шукрдин ўзга не сўзким айтсанг бордур газоф.

Эй Навоий, бермайин жон ишқдин дам урмаким,
Ҳар неким дер ўлмайин ошиқ эрур ул барча лоф.

304

Ғамзадин кўп тиғ урдунг айлабон кўксум шигоф,
Найча янглиғ тиғ учун гўёки қилдинг бир ғилоф.

Не ажаб, тиғинг бало рухсориға миръот эса,
Ким кўрунур суда юз акси қачонким бўлди соф.

Вақ, не қотиллардурур саф-саф анинг мужгониким,
Ҳар юмуб очқунча кўз зоҳир қилурлар бир масоф.

Ошиқу мажнунлуғум журмиға ўлтурдунғ мени,
Гарчи бор эл оллида Мажнун била ошиқ маоф.

Ишқ водийсинки осон деб эмишсен, эй Масиҳ,
Сен азимат қилки, мен ажзимға қилдим эътироф.

Ўлмайин ишқ ичра ким лоф урса бовар қилмағил,
Гар десаким, тарки лоф эттим, эрур ул доғи лоф.

Эй Навоий, зулфу қаддин гар демишсен мушку бед,
Ёр афв этсунки, айтибсен хато бирла хилоф.

305

Оразинг хуршиди келди ахтари буржи шараф,
Даврида хат шоми мушкосо юз урмиш ҳар тараф.

Доғима отқан ўқунг гар тегмаса жисмимдадур,
Ўқни банд айларгадур туфроқ уза қўйган ҳадаф.

Улки юб кетмас қўлидин баски ноҳақ тўкти қон,
Ваҳ, не ҳожатким ҳино бирла яна ранг этса каф.

Гар ато Юсуф, ано бўлса Зулайхо филмасал,
Мумкин эрмас, эй ҳабибим, сен киби келмак халаф.

Камдур, эй гулрух, муғанний ҳусни савтинг жанбида,
Янги ой бирла қуёш жирмидин ўлса чангу даф.

Эй фано кўйига озим, чун таваккул бўлди рост,
Ҳар неча бу йўл махуф ўлса, қадам ур лотахаф.

Гар талаф бўлди Навоий умри ишқ ичра не ғам,
Шукр, боре бўлмади зуҳду риё ичра талаф.

306

Не навъ кўнглум ўлур ишқ хайли бирла ҳариф,
Ким ул шаҳ асру тавоно, бу мунглуғ асру заиф.

Латофатинг эрур ул ҳадгаким, бадандин руҳ.
Неча латиф эса, сен руҳдинсен онча латиф.

Пари ниҳондурур элдин, вале бу девона
Паридин ўлди ниҳон, баски бўлди зору наҳиф.

Фидо санга мену юз мендек ўлса заъф била
Керакки, сиҳҳат аро бўлса ул мизожи шариф.

Сени не навъ зарофат била киши ўгсун,
Ки Ҳақ бошингдин аёғингға тегру қилди зариф.

Йигитлар ичра қари неча хиффат этса эрур,
Сақил авло эрур улки айлагай тахфиф.

Навоиё, сенга ул пок ила не нисбатким,
Сен асру бодаға олудасен ул асру афиф.

307

Новакинг токим эрур куйган кўнгулда муътакиф,
Ўртаган ё сабт қилған доғ аро бўлмиш алиф.

Ёшурун кофир кўзунғ дин қасди айлар, ваҳ, не суд,
Ҳийла айлаб шева меҳроб ичра бўлмоқ муътакиф.

Деб эмишсен ўлтурай ким деса ошиқмен санга,
Тиғ сурғилким мен ўз журмумға бўлдум муътариф.

Эгри боқмоқ бирла ул кўз қатл этар ушшоқни,
Гўйиё беморлиқ қилмиш мизожин мунҳариф.

Ёр васлин истаган қилсун ибодат, демаким
Мунда бир мақсуд эрур, лекин ривоят мухталиф.

Шайх айтур бир кароматини ҳар дам ўзга навъ,
Гўйиё нисён бўлур ғолиб киши бўлса ҳариф.

Маркаби ишқу наво миндик Навоий зинҳор,
Қил инон азмини сен майхона сори мунъатиф.

308

Тонг йўқ, урмоқ юз бу саргардону маҳзун ҳар тараф,
Не ажаб, урса қуюндек пўя Мажнун ҳар тараф.

Кўзларим боғи гулистон бўлмиш ул юз шавқидин,
Барги гуллардур сочилған ашки гулгун ҳар тараф.

Дашт аро Мажнунмен, аммо тоғ аро Фарҳод эдим,
Тоғлар дардим юкидин бўлди ҳомун ҳар тараф.

Ақлу ҳушум кишвари гар бўлса вайрон, йўқ ажаб,
Кўз ёшимдинким оқар андоққи Жайҳун ҳар тараф.

Ҳажр шоми анжум эрмастурки оҳим ўтидин,
Қатра терлардурки зоҳир қилди гардун ҳар тараф.

Эй хушо, муғ дайриким дин нақди торож эткали,
Зоҳир эткай жилва бир тарсойи мавзун ҳар тараф.

Кўйига топмас Навоий йўл рақиби таънидин
Гўйиё ул ит ҳурубдур айлаб афсун ҳар тараф.

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «НАВОДИР»ДИН

309

Жаҳон золи ҳам макр этар, ҳам нифоқ,
Ани тўрт мазҳабда қил уч талоқ.

Нечук дейки, рухсоридин олма кўз,
Ки мен айтманким, анинг сари боқ.

Сенинг сўнгга ёймиш оқ сочини,
Эмастур юзи меҳр нуридин оқ.

Қоши узра қавси қузаҳ вўсмаси
Вафо рангидин келди, албатта, тоқ.

Десанг қолғай обод дининг уйи,
Бу бедин била бўлмағил ҳамвисоқ.

Тажарруд тариқини бил муғтанам,
Тақайюд ғулусидин ўлғил йироқ.

Навоий, ўзунгни қил ул навъ фард,
Ки ўзлукни ҳам сол ўзунгдин йироқ.

310

Чеҳра гулгун сафҳасиға қилдинг афшон зарварақ,
Ё магар рахшон кавокиб зоҳир айлабтур шафақ.

Гар варақ зийнат топар хатдин, вале хат ёзмайин,
Турфа сурат бирла олам офатидур ул варақ.

Гулшан ичра қисмат этса лаълидин жон ширази,
Сидра гар гул очса, гул яфроғларидиндур табақ.

Хайдин ар бўлмиш жамолинг шамъи равшанроқ, не тонг,
Чун тушар ўт ичра айлар шуълани афзун арақ.

Ишқ абвобин ёзарға яхши жисмим хомаси,
Хоссаким, тиғи фироқинғ айлади бошимни шақ.

Ишқ дарсин гармравлар билди, йўқ афсурдалар,
Ким киши то ўртамас ўзлукни билмас бу сабақ.

Булбулу гул де Навоий бирла дилдориниким,
Ул ики мафҳумға йўқ бу иккидек мо садақ.

311

Мушкил ишдур уйда бир ғойибни ҳар дам йўқламоқ,
Лек муҳлик йўқлағандин сўнгра истаб топмамоқ.

Кимгаким юзланса бу шиддат не тонг олам юзин,
Оҳу ашки сарсару тўфони бирла қўзғамоқ.

Телба итдек ҳажр сўзидин келурмен ўт сочиб,
Офият аҳлиға авлодур йўлумдин тарқамоқ.

Не жунундур ул қуёштин айру ҳижрон даштида,
Гоҳ қўрқуб соядин қочмоқ, гаҳ ани қавламоқ.

Тоғ этакинда гар ағнармен жунун ифротидин,
Истарам ул пардани урён танимға чирмамоқ.

Турфадур тоғ авжида ҳар лаҳза кулмак барқдин,
Чун бўлур муфрит менинғ бирла булутқа йиғламоқ.

Мен чу кечтим ишқ аро бошдин маломат қилмангиз
Ким, ажабдур бошсиз элнинг қулоғин тўлғамоқ.

Сўзни англа, соқиё, маст эт мени ул навъким,
Бўлмағай мумкин манга давр аҳли сўзин англамоқ.

Сенда ноз ўлди, Навоийда ниёз эрмас ажаб,
Бас сен ани қарғаған сойи, сени ул алқамоқ.

312

Васлинга кечрак етишсам, лутф этиб узрумга боқ,
Ким қадам ўрнин супурмай кўз била қўймон оёқ.

Қатъ қилмоқ ишқ водийсин эрур бас турфа иш,
Хосса мажруҳки, ҳам бемор бўлғай, ҳам яёқ.

Соғинурмен ёр хайлидур кўрунса ҳар қаро,
Гарчи ҳайрат сели ашки кўзларимни қилди оқ.

Ваҳки, Салмо ноқаси илдамдурур, мен хастаҳол,
Лутф этиб, эй сорбон, фитрокини бўйнумға тоқ.

Эйки дерсен, ҳажр даштиға яроқсиз кирмагил,
Бори дегилким, эмас бу дашт аро кирмоқ яроқ.

Ташналаблар ҳоли бу водийда не бўлғайки, су
Кўз ёшидур, доғи ўтлуқ лолалар жоми — аёқ.

Эй Навоий, бу биёбон қатъин осон айладинг,
Ашқдин мундоққи ҳар манзилда чектинг юз булоқ.

313

Сипеҳр боғин нужум варди чу қилди ул навъиким Хаварнақ,
Юзидин ул шамъ анжуман ичра солди юз минг сафою равнақ.

Қамар масаллик юзи шабистонимизни андоқ ёрутти, гўё,
Ки чарх боғи қуёштин андоқ мунаввар ўлмайдур эрди мутлақ.

Узори меҳриға турраи шомини ҳар тарафтин қилиб мутарро,
Бу турфаким меҳр чашмасидин зақан ҳубобин осиб муаллақ.

Хиром вақтида суръатидин юзики терлаб бўлуб биайниҳ,
Гул узра шабнам, йўқ эрса хуршид уза сочилған сиғор зийбақ.

Тилида ўн лоба бўлса музмар, юзида юз ҳусни лутф мудғам,
Кўзида юз ғамза бўлса мамлу, қадиға минг нозу жилва мулсақ.

Ўнг илгида бир сафина, лекин бу хаста ашъоридин муҳалло,
Сўнг илгида шиша ичра май, лекин ўз майи лаълидек мураввақ.

Бу шакл ила кирди кулбам ичра ёнимга келдию тутти маскан,
Ҳасад ўтидин яқин эдиким эриб тўкулгай сипеҳри азрақ.

Не ҳуш қолди манга, не тоқат, не сабр қолди манга, не ором,
Чу кўрди ўлгум, кулуб тўла қилди бода дарёси ичра заврақ.

Ичиб манга доғи тутти, чун бехуд эрдим оғзимға қуйди ани,
Ўлуб эсам ҳам тирилсам ул дам яқин менинг жоним эрур ҳақ.

Мангаки ишқ ичра бўйла ком ўлса таркин этмақ эрурму мумкин,
Нечаки таклиф қилсалар шайхи лода бирла фақиҳи аҳмақ.

Навоий, ишқ таркин этма, қадаҳни ҳам қўймагил илигдин,
Ки даҳри мухтийда мундин ўзга эрур не қилсанг хатойи мутлақ.

314

Гар қуёш оразиға саъбдурур кўз солмоқ
Ул қуёш оразидин мушкил эрур кўз олмоқ.

Не қуёштур буки, чун чиқти, кўнгуллар хайли,
Бўлса юз минг ишидур зарра киби қўзғалмоқ.

Сарсари оҳдин ашкимга таҳаррук не ажаб,
Ел чу тез ўлди, бўлур баҳр иши чайқалмоқ.

Эй висол аҳли, фиғоним эшитиб кулмангким,
Ҳажр зиндони аро мушкил эрур қийналмоқ.

Соқиё, дема тугатгилки, эмастур мумкин,
Ҳажр лабташнаси жомида тарашшуҳ қолмоқ.

Эй муғанний, қадаҳу шамъу бу беҳуд сари боқ,
Бу бўлур музҳику мубкию мунаввим чолмоқ.

Сола олмайдур анинг сари Навоий ўзини,
Эй кўнгул, фойда йўқ, бўлмас ўзунгни солмоқ.

315

Ул парипайкарки бўлмиш инсу жондин хўброқ,
Бор анингдек хўбким, мумкин йўқ ондин хўброқ.

Гулшан ичра оразу қаддингға мойилменки бор,
Бу гули раънодин, ул сарви равондин хўброқ.

Ишқ журмиға гар ўлтургунг бировни бил яқин,
Ким бу ишга йўқ киши мен нотавондин хўброқ.

Ҳажр водийсинда улким бир мусофир ёри бор,
Йўқ ани истарга тарки хонумондин хўброқ.

Хўблуғдин жон олиб, ўзни йироқ тутмаққа йўқ
Хўблар хайлида, биллаҳким, фалондин хўброқ.

Хўб эди кўнглумни истар бўлса андин ўзға хўб,
Хўброқ будурки, йўқ ул дилситондин хўброқ.

Кўп жафо чектим кўнгулдин, еткурай десам жазо,
Топмағумдур кимса ул номеҳрибондин хўброқ.

Бир замон васл ўлса ё ҳижрон замона аҳлидин,
Тут ғаниматким, замон йўқ ул замондин хўброқ.

Гар жунун даштида ҳажр андуҳи кам бўлсун десанг,
Эй Навоий, топмағунг оҳу фигондин хўброқ.

316

Улки, кофур бўлуб мушки қилур раънолиқ,
Оқ сақолиға кулар халқ, зиҳи расволиқ.

Чун соқолсизлиқ эрур лозима раънолиққа,
Қирқмоқ лозим эрур они, зиҳи раънолиқ.

Умр элликка чу етти яна элликдин эмас,
Ёғилиқ Тенгриғаву амриға нопарволиқ.

Ким йигитликда қилур тавба, йигитлик улдур,
Қари булғор соқолин, қилса қадаҳпаймолиқ.

Тенгридин қўрқмай улким, қарибон бода ичар,
Яхшироқдур бу мусулмонлиғдин тарсолиқ.

Будур инсофки, чун бўлди қуво заъфпазир,
Йўқтурур ҳеч муфарриҳда нашотафзолиқ.

Қила олмас қори дебо кийиб ўзни зебо,
Шол ҳам кийса йигитка ярашур зеболиқ.

Қариликда ики иштин киши бор элга азиз,
Бири зуҳду бириси халқ аро нопайдолиқ.

Эй Навоий, қаридинг гўша тутуб, тоат қил,
Бўлмайин хор десанг, айлама базморолиқ.

317

Санга не ғам мен киби мажнуни шайдодин йироқ,
Иш мангадур сен париваш ҳурсиймодин йироқ.

Ҳажр даштида қуюндек ҳар тараф саргаштамен,
То тушубмен ул хиромон сарви раънодин йироқ.

Ой жамолин истамонким, кўргамен олам аро,
Бир дам ўлсам ул жамоли оламородин йироқ.

Дегасен: шоми ажал умрум қуёшин ёшурур,
Гар замоне бўлсам ул зулфи сумансодин йироқ.

Гар мени расво ўлармен сенсиз, эй ороми руҳ,
Ҳам йироқ эрмас агар бўлсанг бу расводин йироқ.

Қилма кўп, эй шайх, айбим хонақаҳга етмасам,
Ким харобот аҳли хушроқ аҳли тақводин йироқ.

То йироқ тушмиш Навоий ёр агар ёд этмади,
Қилма кўнглидин мунинг, ё Раб, анинг ёдин йироқ.

318

Ҳажр аро раҳминг киби бўлмас манга кам иштиёқ,
Балки ҳуснунғдин бўлур афзун дамо-дам иштиёқ.

Иштиёқинг баҳридин оламға томса қатрае,
Жонға еткайлар чекардин аҳли олам иштиёқ,

Гарчи бўлдум дард тоғи, лек қаддим заъфдин
Айлади остиға қолған Қофдек хам иштиёқ.

Ҳажридин ёлғуз эмас куймаклигимким, онсизин,
Ўртаган жонимни ҳам ҳижрон эрур, ҳам иштиёқ.

Иштиёқим ҳирқатиға чорае қил, эй рафиқ,
Ким хароб айлабтурур ҳолимни муҳкам иштиёқ.

Дилраболар оташин лаълидадур андоқки ўт,
Фурқат аҳлининг қотиқ жониға мубҳам иштиёқ.

Оҳ дудидин қаро эрмас Навоий кисвати,
Ким анинг оллиға солмиш бўйла мотам иштиёқ.

319

Ашқдин бўлди қарорған кулбаи вайроним оқ,
Кулбаи вайрон демайким, дидаи гирёним оқ.

Ишқ ўтининг дудидин ҳинду бўлубмен ёрға,
Ашк юғондин нечук бўлғай тани урёним оқ.

Баски кўз боғига берди оразинг ҳижрони су,
Ҳар сари гуллар очибтур бу ики бўстоним оқ.

Сабр тифли мактабимен ўрғана олмон сабақ,
Йиғламақдин чун бўлур лавҳи дабиристоним оқ.

Ваҳ, не кун бўлғайки ногаҳ ул қуёш айлаб тулуъ,
Юзидин бўлғай қарорғон ҳужрау айвоним оқ.

Шоми ҳажрим қилса тонғ йўқ, ногаҳон гар субҳдек,
Жилвагар бўлса либосин айлабон жононим оқ.

Чун оқиздинг зор жисмимни баҳорий селдек,
Ёр кўйи жониби, эй ашк бўлғон қоним, оқ.

Рўзгорим дайр аро қилди қаро чун муғбача,
Қолмаған бўлса тонғ эрмас чеҳраи имоним оқ.

Эй Навоий, халқни баским ўқурда йиғлатур,
Ашк селидин бўлур бўлғон сойи девоним оқ.

320

Юзунг қуёшига бу навъ эса аён бўлмоқ,
Париға мумкин эмас халқдин ниҳон бўлмоқ.

Тасаввур айласам эгнимда нуқтаи мавҳум,
Белим синарға етар онгла, нотавон бўлмоқ.

Магар бу ҳийла била пойбўсунг айлагамен,
Йўлунгда комим эрур хоки остон бўлмоқ.

Жаҳонда ҳар киши овора, мақсади ул кўй,
Ҳасаддин истарам овораи жаҳон бўлмоқ.

Нетиб қошинда кўрай девларки, бордур ишим
Малойик ўтса онинг сори бадгумон бўлмоқ.

Вафо чу гулда йўқ, эй булбул, айт ғунча киби,
Кўнгул қачонға сенга лахт-лахт қон бўлмоқ?

Чу хонақаҳдин ўттунг, Навоий, ўткарма
Маҳални, дайр сари истасанг равон бўлмоқ.

321

Очибон кўксумни ёрғил қилмасам доғи ёзуқ,
Айлагил бори хаёлинг манзилин очуқ ёруқ.

Булажаблиқлардурур ишқ ичраким ақл англамас,
Йўқ эса иссиғ кўнгул оҳи недин бўлғай совуқ.

Қатра-қатра қонки сенсиз юттум, айларман биҳил,
Ёрибон кўксум итингга берсалар қошуқ-қошуқ.

Захмиға ер кўрсатурмен чиқса ул бадмастким,
Манглай узра бармоғимни элтиб айлармен топуқ.

Кулса оғзинг, бўлса ҳам ёруғ узоринг яхшиким,
Ғунча хандон турфароқ, гул доғи хушроқдур очуқ.

Заврақи майдин мени маст этти пири дайрким,
Чарх жунгидур тағору бодаси узра қаюқ.

Бир дам эрмаским висолинғ истамасмен Тенгридин,
Бу ҳадисим қилмасанг бовар эрур Тенгри тонуқ.

Кимки восил бўлди, рафъ ўлди ародин қурбу буъд,
Каъба суккониға йўл хоҳи йироқ, хоҳи ёвуқ.

Эй Навоий, кир фано даштиғаву тин барчадин,
Ким яёқлиқ анда маркаб, тўшасизликдур озуқ.

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «НАВОДИР»ДИН

322

Санову зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок,
Гаҳи лоуҳси айтиб, замоне мо арафнок.

Не янглиғ аҳли идрокки чун гардунға сурди,
Кўзига сурма қилди ғуборин хайли афлок.

Зулоли сунъунг ичра сипеҳру сидра шохи,
Тенгизда ул ҳубобе, бу ҳам андоққи хошок.

Камоли қудратингда хирад ул навъ ўлуб лол,
Ки ҳайратдин ҳамиша қилиб исбаъни мисвок.

Фироқинг сўги ичра кеча кўздин сочиб ашк,
Висолинг ҳасратидин яқосин субҳ этиб чок.

Яримчуқ пашша ниши била ожиз қилурсен,
Нечаким пил янглиг қавийдур хасми бебок.

Чу туздунг ҳусн боғин узору қадни қилдинг
Бирин гулбарги раъно, бирисин сарви чолок.

Висолинг кўзгусига жило бердинг кулидин,
Анингким ишқ ўтидин вужудин ўртадинг пок.

Навоий ҳамдинг айтур ажаб йўқ гар тилига,
Иноят лужжасидин кетурсанг гавҳари пок.

Қолибмен заъфдин баским ул ой отти манга новак,
Тери бирла сўнгак, лекин сўнгак ўқлар, тери кўнглак.

Чидармен ҳар неча захм урса ул қотил, вале бўлмас
Чидамоқ, гар бирин ўз узвида қилса биров ўлчак.

Малойик доми зулфидин қутулмас, ваҳ, қутулғайму,
Ҳазин кўнглум қушиға айласа ул ҳалқадин илмак.

Ҳабибим ҳусни васфин ўйла муҳлик англаким бўлғай
Қошинда қиссаи Юсуф бир уйқу келтурур чўпчак.

Мен ўлдум ноладин, ноз уйқусидин ёр очмас кўз,
Не суд андинки, ҳижрон шоми бўлғай кўзларим сергак.

Қаро қайғу мени элтиб қаро зулфунг учун ҳар тун,
Қаро бошни тутуб овуч қаро ерға кириб тирсак.

Еман ғам телба кўнглум ранжидин муҳлик жафонг ичра,
Ки мен ўлгай эдим ўлса киши чекмак била эмгак.

Агар ҳусн ўлса қотил зор не дарвешу не султон,
Вагар ишқ ўлса комил, ёр не ҳиндуву не ўзбак.

Эрур аҳбоб ишқининг қусури ҳусн нуқсидин,
Жамолу ноз то кўпрак, ниёзу шавқ ҳам кўпрак.

Десанг огаҳ бўлай майдин ўзунгни ҳеч билмас қил,
Ки ғафлатдур фано таврида ўзни бир нима билмак.

Навоий ул юзу лаб шавқидин ногаҳ наво чекса,
Дам урмас булбулу тўти, ки будур кавча, ул — пилтак.

Ҳажркким ҳар дам мени беваҳму бок айлар ҳалок,
Гар мунга розидур ул хунрези бебоким не бок.

Қадди шавқидин дедим кўксумга тортай бир алиф,
Ишқ тиғи тез эди, кўксум саросар бўлди чок.

Тийрборони фироқингдин танимни истамон,
Ким кўзумга учрағайким бўлмиш асру дарднок.

Ҳусн миръотин очар куйган кўнгул хокистари,
Нечаким ул бўлса нури пок, бу бир тийра хок.

Ишқ ўти таъсир этар эл неча ноҳамвор эса,
Барқ сайриға не ғам ер гар бийикдур, гар мағок.

Пок ҳуснунг қадрин усрук кўнглум англар, не учун,
Ким бало соқийларидин ишқ жомин ичти пок.

Дема, ким эркин Навоий хаста кўнглиға талаб,
Эй кўнгул захмиға марҳам айла матлубий сивок.

Телба ким кўрди мени шайдодек,
Пари ул ҳури малак сиймодек.

Истасам сен киби покиза гуҳар,
Бўлмай ўлғайму кўзум дарёдек.

Бўстон сарви гар ўлсун Тўби,
Эмас ул нахлқади раънодек.

Хўблуғ мулкида юз шоҳ ўлса,
Бири бўлғайму бизинг Мирзодек.

Тенгри ишқ аҳли шикастиға магар,
Хўблар кўнглин этар хородек.

Ишқ Мажнунни кўп этти расво,
Қилмади лек мени расводек.

Эй Навоий, тилаган зуҳду салоҳ,
Кўзию кўнглини ҳам асродик.

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин,
Ким йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.

Ўйла мужгон ханжариға ёпишибдур дурри ашк,
Ким магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.

Одамилиқ туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча ўқласанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки тиккан сойи бўлғай чокрок.

Не ҳуш уммидиким урён нигун қад бирла урсам так,
Париларға жунун туморидур бўйнумда силкинчак.

Тери жисмимда ҳарён тоза доғу қон ила гўё,
Қазо Мажнунға тикмиш лолалар яфроғидин кўнглак.

Яро кўзлар бўлуб танда чу бўлди хира ул юздин,
Ясабмен ҳар тараф эски туганлар шаклидин айнак.

Юлуб пар жон қушидин, оҳ пайконин йиғиб кўнглум,
Ўқунг синғонларин гўё ясар афғон учун новак.

Назар солса юзунгдин ўзга юзга кўзни кўр айлай,
Қилибон тиғ ила мардумни онинг нуқтасидек ҳак.

Ҳаво қилғанда зулфунг ҳалқа домидин кўнгул, билдим,
Бу қушнинг ҳам аёғ, ҳам бўйнида муҳкам эмиш илмак.

Изин ердин кетар деб асрадим раглар киби кўзда,
Олиб жон риштаси бирла аёғи ўрнидин ўлчак.

Фалак зарфин тўло берди қазо ул ой майи ишқин,
Бу майдин бизга, ваҳким, тегмади бир қатрадин кўпрак.

Лиқо мумкин эса учмоқ, томуғдин қочмаким бўлмас,
Кишига ҳеч мақсуде муяссар чекмайин эмгак.

Чу бўлдум ишқида фоний, ҳадисин сўрмангиз мендин,
Ки қолмас зикри зокир бўлса мазкуринда мустаҳлак.

Тиларсен ўзлукунгнинг жузв-жузвин мунфак эткайсен,
Навоий назмининг жузвини қилғил жузви лоянфак.

Юзунг очиб не ажаб юз хонумонни ўртамак,
Ким бўлур бир шамъ ўти бирла жаҳонни ўртамак.

Чун кўнгул сайд айладинг, жисмимға ўт солмоқ недур,
Расм бўлмас қушни олиб ошиённи ўртамак.

Заъфлиқ жисмимни ўртаб бўлма оҳимдин малул,
Хосият жуз дуд не бўлғай сомонни ўртамак.

Бил шафақ ўтию анжум учқунидин ғам туни,
Ким қилибтур майл оҳим осмонни ўртамак.

Ўртади кўнглум тан ичра ўқларингни ўйлаким,
Тушса ўт ул навъи бўлмас найситонни ўртамак.

Халқ ўлуб ошиқ санға мен ўртанурмен, ваҳ, неча,
Элга солған ўт била мен нотавонни ўртамак.

Чарх оҳим ўқидин юз минг тушукдур, эй кўнгул,
Ўртамак они ҳам улдур парниённи ўртамак.

Невчун гул бўлди ўт, ашжор ўтун, сунбул тутун,
Истамайдур гар фалак бу бўстонни ўртамак?

Солма ўт ушшоқ жониға Навоий борида,
Невчунким яхшидур аввал ямонни ўртамак.

Халқ кўнғли бўлмағай ул шўхи кофар кўнглидек,
Ўйлаким куфр аҳлида куффори Хайбар кўнглидек.

Гулбуни меҳнат аро қонлиғ кўнгуллар ғунчадур,
Тандадур ҳар сори пайконинг анинг ҳар кўнглидек.

Гарчи ул қад сарвдек раънодурур, лекин эрур,
Анда боғланган кўнгул хайли санавбар кўнглидек.

Лола қонлиғ яфроғию тоза доғин кўрки бор,
Бу сифат бирла шаҳидинг кўнглаки гар кўнглидек.

Захмлиқ кўнглум лабинг шавқида бўлмиш қон аро,
Лаъли руммони била ёқути аҳмар кўнглидек.

Гармрў равшанравиш эл кўнглидин файз истагил,
Ким ёрутур даҳрни хуршиди анвар кўнглидек.

Соқиё, тутғил Навоийға лаболаб жомким,
Багридоғи захмлар бўлмиш саросар кўнглидек.

330

Шикоф эмас буки кўксумга солди тиғи ҳалок,
Ки жони хаста гамингдин яқосин айлади чок.

Улусқа ўт солур эрсанг мени бурун ўрта,
Нединки ўтни туташтурғоли керак хошок.

Неким бошимда эди, учти еткач ул чобук,
Ёниға боғласа бори узилмагай фитрок.

Ғамингни элга бериб йўққи бизни шод эттинг,
Ки элни шод этибон бизни айладинг гамнок.

Ғамингдин оҳим ўқи етти чархдин ўтти,
Нишон эрур Етти кавкабки, кўргузур афлок.

Кўнгул ўти била захмин кўруб не раҳм эткай,
Ўзин чу доғу алифдин аямас ул бебок.

Тиканда гул очилур андалиб янғлиғ анға,
Ки ишқи ўлса табиат хиёнатидин пок.

Ич ул беҳишт суйин муғ сафолидинким, ақл
Томуғ ўтидин анинг рангин этмагай идрок.

Навоий ичти маю фориғ ўлди ўзлукидин,
Кўрунг не заҳрни дафъ айлади ичиб тарёк.

331

Танға тошу қўлға тиш захмики солди телбалик,
Фош қилди элга кўнглаксиз бадан, енгсиз илик.

Гаҳ жунундин банду гоҳи панд ила сўҳон анга,
Бор эмиш савдои ишқ ичра басе қоттиғ-ирик.

Ҳар эшикдин азм қилсам кўйига боғлиқдурур,
Бошиму ул остондур то очилгай бир эшик.

Рокиб ўлғач қилди шабрангини ҳар ён жилвагар,
Соя гарчи кўп зуҳур этмас, қуёш бўлғач бийик.

Дарди ҳажримни не билгай чун юр ашким сафҳани,
Ул мусофир сори гоҳиким рақам қилсам битик.

Лолагун майдин қизармиш кўзларинг ул навъким,
Лолазор устида ҳар ён ағнамиш бўлгой кийик.

Соқиё, маҳзун мен асру қилмағил гардунни зарф,
Ким бўлур кечрак нашот ўлған замон соғар кичик.

Олам аҳлиға ўлумдин чора чун имкони йўқ,
Ўлма олам фикридин бу лаҳзаким борсен тирик.

Эй Навоий, ул Масиҳодам қуёш чун урди захм,
Они Исо игнасию меҳр тори бирла тик.

332

Қочинг ул кўздин, ангаким ул лаби хандон керак,
Эҳтироз эткай балодин гар кишига жон керак.

Захмлиқ кўнглумни айлар чок-чок ул қоши ё,
Ахтарур гўёки ғойиб айлаған пайкон керак.

Чархи кажрав узра сурма барқрафторингни ким,
Ростлар кўнгли фазосидин анга майдон керак.

Ул пари ишқида эрмастур малак ҳам маҳрамим,
Кимки ишқи пок эрур сирри анинг пинҳон керак.

Заъфдин чиқмас дамим нетиб оғирлай итларин,
Ким қўларға узри мардумлуғ бағрдин қон керак.

Дайр пирин хонақаҳ кунжига, эй шайх, истама,
Ким анинг базмиға гардун тоқидек айвон керак.

Эй Навоий, ул пари ўлтурса ҳам оздур сени,
Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак.

333

Неча бўлғай захмлиқ кўнглумни маҳзун айламак,
Захми қонидин кўзум ёшин жигаргун айламак.

Неча лаълинг ҳажридин қонлиғ қадаҳ ичкан сойи
Соғаримни ашк хунобидин афзун айламак.

Неча пинҳон айлабон оразни андоққим пари,
Бизни расвои жаҳон андоққи Мажнун айламак.

Неча бир ой ишқидин, эй дард, мен саргаштани
Кеча-кундуз беқарор андоққи гардун айламак.

Берди муҳлик дард ишқу қўйди миннат жонима,
Мунча бўлғай жавр ила ошиқни мамнун айламак.

Кимки дунё аҳли дунлардин тилар бўлғай халос,
Шарт эрур аввал видоъи дунёйи дун айламак.

Эй Навоий, чун ғубори ҳажр ўлтурмас не суд,
Бир кўзунгни Дажла қилмоқ, бирни Жайҳун айламак?

334

Ул париваш эрур андоқ нозук,
Ким қуёш партавидур жисмиға юк.

Гарчи қотил кўзидин ўлса тирик,
Тирилур нўши лабидин ҳам ўлук.

Кўнглума ўқ узра ўқ отти кўзунг,
Не ажаб бўлса тушук узра тушук.

Қотмангиз лаъли уза оби ҳаёт,
Гарчи бу шарбат эрур асру чучук.

Шавқ ўтин ғайр ила ёрутти чу ёр,
Кўнглума тушти менинг асру куюк.

Ҳуллаи равза санга лойиқ эмас,
Ким бўлур жинс чу эскирди чурук.

Соқиё, бода лабингдек тутқил,
Кайфиятлиғ доғи гулрангу сузук.

То ичиб ани даме бехуд ўлай,
Ким ичимда ғам эрур юз турлук.

Ташлаб ўзлукни, Навоий, қадам ур,
Ким йироқ йўлдуру бу оғир юк.

335

Чаманда сарвинозим жилва қилмоқ айламас оҳанг,
Жаҳон бўстонидин, биллаҳ, бўлубмен ғунчадек дилтанг.

Мизожиким тилар хилват, Худоё, бўлмасун офат,
Биҳилмен гар қилиб ишрат, ичар махфий майи гулранг.

Яшил яфроғлиқ ашжор эмас ҳажрингда, эй дилдор,
Ки оҳим таффидин гулзор миръоти тутуптур занг.

Солибтур чорболиш гул, тутуптур чоргаҳ булбул,
Не суд ул шаҳ ичай деб мул, мушарраф айламас авранг.

Малолат бўлса жононда тиконча бордурур жонда,
Агар ҳар гул гулистонда кўринса бир ҳарифи шанг.

Бу гулшанда гули раъно тўкулмак ваҳмидин гўё,
Жамолин кеч қилур пайдо, дема, булбулдин айлар нанг.

Навоий кўрмайин они етибтур оғзиға жони,
Магарким қилғай афғони гаҳи ул гул сари оҳанг.

336

Чаманда сабза манга ханжар ўлди, сарв – хаданг
Кўнгулни олғали ул сарв қадди сабзаранг.

Агар гул исламас ул кўркабой ҳайрат эмас,
Ғанидурур тўни юз пора элдин айлар нанг,

Кўтарса маҳмили ҳуснунгни чарх бухтийси,
Ики ёнида муносибдур ою кундин занг.

Нафас-нафас қадаҳ ичмасни жазм этармен, лек
Нетайки, ишва қилур лаҳза-лаҳза соқийи шанг.

Синуқ сафол ила вайрон аро гадо Жам эрур,
Ул анга жому бу Жамшид бағлаған авранг.

Бу базм ичинда наво ул топарки хидматда,
Қади хам ўлса, доги кўнгли холи ўйлаки чанг.

Бадан аносирининг чоргоҳин эт хориж,
Навоиё, десанг айлай фалак сари оҳанг.

337

Йўқ даҳрда гарчи ёр сендек,
Душман доғи қайда бор сендек?

Эй хаста кўнгул, санга керак васл,
Йўқ ҳажрда чунки зор сендек.

Не ишқ аро хоксор мендек,
Не ҳусн аро шаҳсувор сендек.

Гулгун тўн уза қаро чавук нақш,
Очилмади лолазор сендек.

Гар дайри фанода жом чексанг,
Йўқ шоҳи Жам иқтидор сендек.

Эй гул, тўкасен хумордин қон,
Ул наргиси пурхумор сендек.

Йўқ зулфиға тушкали, Навоий,
Ошуфтаи рўзгор сендек.

338

Қўюнг, тиғи кўксум шигофини йирдик,
Фироқида жоним аросиға кирдик.

Деманг ҳажр ўти шарҳини нома ёзким,
Куяр сафҳаву хома эрмас битирдек.

Қувонурмен ул ойни ҳар неча кўрсам,
Мени гарчи ул неча кўрса йигирдик.

Буюрғилки машшота холинг қўярға,
Кўзум мардумин тиғ учи бирла қирдик.

Юзумда юрак қони дурдингки, келдик,
Ажал илги ул қонни андин сийирдик.

Юзунг бирла, жоно, қуёшдек бир ўлғай,
Қуёш бирла зарра агар бўлса бирдек.

Айирмон сочинг банд-бандин кўнгулдин,
Агар банд-бандимни даврон айирдик.

Қошингнинг хаёлиға жон риштасин кўр,
Ки ёпишти ёй узра муҳкам сингирдек.

Навоийға ҳажрингда мотам суруди,
Бўлубтур нашот аҳли базмида йирдек.

339

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимға ҳар саридин хаданг отибон анга қафас айладинг.

Кўнгул ичра шуълаи ишқким етадур фалакка забонаси,
Таниму сўнгакларим ул ўтингни ёқарға хору хас айладинг.

Кўз ичиндаким тўла қон эди, оғиз ичра дағи тутундек оҳ,
Ани дам-бадам қилибон фузун, муни ҳам нафас-нафас айладинг.

Етиб эрдим ўлгаликим, тирилдим анинг жафоси ҳадисидин,
Нега уйқудин бурун ул фасонани, эй рафиқ, бас айладинг?

Манга ишқ аро ўлум эрди чорае ҳажрда бу не ранжким,
Ани дафъ этарга фироқ дарду ғамимни чорарас айладинг.

Чу гум ўлди чоку ҳазин кўнгул ғами ҳажр даштида, эй фалак,
Йўл озарға аҳли саломат ул кўнгул унини жарас айладинг.

Чу фироқ шиддати, эй кўнгул, ғами ишқ лозимаси эмиш,
Не етишса чек чу бурун ўзунг бу балони мултамас айладинг.

Туну кун сабу чекиб, эгнинга сол ўзунгни ҳалқаи дайр аро,
Чу белингга муғбачалар каманди хаёлини марас айладинг.

Чу замона аҳли аро вафо тиладинг чек эмди, Навоиё,
Аламу бало, не учунки эл аро йўқ нима ҳавас айладинг.

340

Кўрдум оғзингни манга қаҳр ила чун сўз қоттинг,
Кўрмаганни бу ғазаб ичра манга кўрсоттинг.

Ишқ пайконларини ёғдурубон бўйла манга,
Су сепиб зуҳду салоҳ уйқусидин уйғоттинг.

Бул ажаб ҳол ила билмонки жунун дашти аро,
Мени Мажнунғаму ё ани манга ўхшоттинг.

Офият қушларининг жамияти қолғайму,
Мунча мен телбагаким тафриқа тошин оттинг?

Доғлар демаки қоқтурмоқ ила кўксума тош,
Ишқ мисморларин кўнглум аро ўрноттинг.

Сотқун олдим ғами ишқингни бериб жон нақдин,
Мени оламға бу савдо била охир соттинг.

Кўрубон кўюнг аро зорлиғим тунд бўлуб,
Сургали ташқари итларга мени судроттинг.

Бир замон дўстқа ўрганки, будур ҳосили умр,
Ким замон аҳлиға кўнглунгни басе ўрготтинг.

Эй Навоий, магар илгингни тутуб чеккай пир,
Ким йигитлик хумининг дурдиға муҳкам боттинг.

341

Эй кўнгуллар зулфи занжирида қайд этмак фанинг,
Барчадин анда муқайядроқ вале кўнглум манинг.

Су аро кун акси ё кўк пардасинда меҳрдек,
Билгурур мовий катон кўнглак аро нозук танинг.

Бодадин ул юз не гуллар очти кўр, эй боғбон,
Ичма Кавсар суйи мундоқ гуллар очмас гулшанинг.

Важҳи йўқтур тийра бўлмоқ, эй кўнгул, то ул қуёш,
Юз чиқарғач бўлғуси кўзлардин икки равзанинг.

Ўртабон парвонани, эй шамъ, сўнгра не осиғ,
Йиғламоқ чирмаб қаро мотамлиқ элдек шеванинг.

Билки эминсен риёий зуҳд ужби хавфидин,
Эйки дайр ичра фано майхонасидур маъманинг.

Ёрни кўрғач Навоий ўлди, ишқ атворини
Вомиқу Фарҳоду Мажнун бори андин ўрганинг.

342

Тараrда тоб урар, турраи паришонинг,
Ки обнус тароғ ўйладурки мужгонинг.

Ичимга тушти кўнгул изтиробидин кўп захм,
Ким анда ҳар соридин бош чиқарди пайконинғ.

Кўнгулни, ваҳки, нетиб дафъа-дафъа сендин узай,
Ки ақл кўпроқ эрур лаҳза-лаҳза ҳайронинг.

Ўпар тахайюли дафъиғадур синонларким,
Шуоъи хатларидин чекти меҳри рахшонинг.

Кўнгул не навъ дам урсун фироқинг офатидин,
Ки захми оғзиға муҳр ўлди доғи ҳижронинг.

Нетиб қарор тутай, эй кўнгул, ки қўзғайдур,
Ичимда сабр уйини ҳар дам оҳи пинҳонинг.

Ғам этти тийра мени, жоми май эвур, соқий,
Ки кўзларимни ёрутсун бу барқи рахшонинг.

Чу субҳ наргис очиб кўзни тутти олтун жом,
Сабуҳ фавт ўладур, нозанинлар, уйғонинг.

Навоиё, чу ғаниматдурур йигитлик дами,
Йиғитлар илгидин ич токи бўлғай имконинг.

343

Манга бир лаҳза вафо айламадинг,
Ки ҳамул лаҳза жафо айламадинг.

Қоматингдин манга ком эрди хиром,
Ваҳки, комимни раво айламадинг.

Отмоқ ўқ элга хатодур, лекин
Манга отқанни хато айламадинг.

Элга – лутфунг, манга гар бўлса жафо,
Не жафоларки манга айламадинг.

Гарди рахшингға баҳо жон тиладинг,
Они туфроқча баҳо айламадинг.

Топмадинг мулки бақо то ўзни,
Озими дашти фано айламадинг.

Юз вафо ваъда Навоийға қилиб,
Оҳким, бирга вафо айламадинг.

344

Хизр — хаттинг сабзаси, ҳайвон суйи — нўши лабинг,
Ул су мавжидин бўлуб бир давр тавқи ғабғабинг.

Ё жамолинг чашмаи хуршиду ҳар ён бир ҳубоб,
Ҳар қулоғинг дурри, яъни икки рахшон кавкабинг.

Рокиби не важҳдин хуршид эрур, наъли — ҳилол.
Гар эмастур тавсани гардун сабукрав маркабинг?

Эй кўнгул, билким чекарлар гоҳ, ё Рабки, фиғон,
То малак хайлини ёлқитти фиғону «ё Раб»инг.

То дабистон майли қилдинг халқ ўлди гўйиё,
Қабр лавҳига қилур ашъор лавҳи мактабинг.

Қайт, эй сўфики, пири дайр дурди жомиға,
Бўлмоғинг шориб агар софий эмастур машрабинг,

Эй Навоий, борди кўнглинг, танни ҳам кўйига сол,
Ким итига қалбинг оз бўлса етишкай қолабинг.

345

Чекиб кўнглумни уздунг, андаким кўнглум уйин буздунг,
Бу меҳнатхонани бузғон замон мендин кўнгул уздунг.

Бузулди кўнглум эмди ғам сипоҳин чекма кўп, эй ҳажр,
Тузуклук кўрмагил ҳаргиз, бу янглиғким мени буздунг.

Бериб ғам нақди айлаб дилраболиғ ваъда қилдинг васл,
Карам қилдинг, йиқуғ кўнглумни олдинг, лутф кўргуздунг.

Согиндинг заъфу ул юз кўзгусин еткурдунг оғзимға,
Ўлуб эрдим яна бу важҳ ила гўёки тиргуздунг.

Висолинг ваъдаси бирла фироқинг даштиға солдинг,
Етиб мавъид чу қилдим авд еткон ерда турғуздунг.

Бало дурдин манга тутмоқ учун ойирдинг, эй соқий,
Чу даврон базмида аҳбоб учун ишрат майи суздунг.

Навоий жисмини ҳажр эмгакидин, эй ажал, қутқар,
Ки ашки дурларию жонининг нақдидурур муздунг.

346

Жисмимға варам ҳайъати ҳар тошки урдунг,
Ул тошни гўёки ҳамул ерда ёшурдунг.

Кўнглум бузулиб сабру хирад боғладилар рахт,
Чун мулкни буздунг, элини доғи кўчурдунг.

Эй ёр ити, узрумни қабул этки, танимда
Эт топмадингу эски сўнгакларни кўмурдунг.

Эй телба кўнгул, чиқмадинг ул зулф хамидин,
Гўёки қаронғу кечада йўлни итурдунг.

Кўнглум уйида сенсену йўқ кимса ҳамоно,
Кирпиклар ила ғайр хаёлини супурдунг.

Сендин юз эвурмак манга мумкин йўқ, агарчи
Ҳар соридин оллингғаки келдим, юз эвурдунг.

Матлубни бир дайри фано йўлида иста,
Топилмади чун бодияда неча югурдунг.

Эй муғбача, дайр ичра мени маст эта кўрким,
Жон қути кўнгул қувватидур софингу дурдунг.

Бир кўрмагу ўлмак била, эй хаста Навоий,
Ишқ аҳли арасинда янги расм киюрдунг.

347

Сарвға раъно хироминг бирла бедод айладинг,
Ким қадингнинг қуллуғидин они озод айладинг.

Гул доғи ҳуснунға эрди хўшачин юз важҳ ила,
Кўрмайин юз хирманин бир дамда барбод айладинг.

Қўйма миннат бизга гамгин айлабон ишқ аҳлини,
Бизни ҳам шод этмадинг, гар элни ношод айладинг,

Айладинг кўнглум иморат партави рухсор ила,
Каъбани бутхона қилмоғлиққа обод айладинг.

Айтмонким, умр ўтуб, соғинмадинг бир дам мени,
Қатл этарда чун керак бўлди киши, ёд айладинг.

Телбалик ўлтурса ҳам бўйнунғға қоним, эй кўнгул,
Бор экан одам, нега майли паризод айладинг?

Йиғламоқдин кўр бўл, эй кўз, фироқ айёмида,
Невчун ўзни хўблар ҳусниға муътод айладинг.

Бенасиб эрдинг фано ойинидин, эй шайхким,
Дўст васлин тоату тақвоға иснод айладинг.

Эй Навоий, ўлдунг армон бирлаким, фарёдинга,
Етмади ул нўшлаб ҳар неча фарёд айладинг.

348

Ё Раб, ул ойники эл кўнглиға марғуб айладинг,
Гарчи ишқидин хароб эттинг мени, хўб айладинг.

Шоҳ эсам ишқ аҳлиға тонг йўққи, эй гардун, мени
Ул жамол аҳли шаҳи ишқиға мансуб айладинг.

Не ажаб бошдин аёғим дард бўлса, эй қазо,
Ким нигоримни қадам то фарқ марғуб айладинг.

Телбараб эрмишсен, эй роқим, ҳамул кундин бери,
Ким жунунумни паризодимға мактуб айладинг.

Туҳмати зуҳд айлабон, эй шайхи козиб, не учун
Бегунаҳ бизни харобот ичра маъюб айладинг.

Жон бериб бўлсам ажаб йўқ толибинг, эй ишқким,
Ҳар не матлубидур онинг бизга матлуб айладинг.

Эй Навоий, ўзни солдинг итлари хайли аро,
Итни гўё одами хайлида маҳсуб айладинг.

349

Тийра қилмиш тун киби офоқни оҳим менинг,
То эшиттимким қилур шабгардлиқ моҳим менинг.

Тун қаросидек қаро пашминадурму сайрида,
Ё тутубтур ул жафогар шўхни оҳим менинг.

Учрамас ҳар кўй бошида туруб йўл асрасам,
Равшан эрмас, ваҳки, шамъи бахти гумроҳим менинг.

Ё қочар мендин халойиқ тониғай деб ногаҳон,
Ёрутур чун тунни ҳар дам оҳи ногоҳим менинг.

Хидматида нега йўл топмон экин мен тийраруз,
Шом мулкин чун мусаххар айлади шоҳим менинг.

Мен дағи аҳбобдек мақбули эрдим, оҳким,
Чоҳи идбор ўлди ул иқбол ила жоҳим менинғ.

Элга ҳар лафзи Навоий жониға бир дог эрур,
Неча қўйғай бағрима доғ ул юзи моҳим менинг.

350

Неча ул кўй итларига еткай озорим менинг?
Кош итлар туъмаси бўлғай тани зорим менинг.

Неча ул базм аҳлиға бўлғай фиғонимдин малол,
Кош, алар қурбони бўлғай жони беморим менинг.

Неча нозук кўнгли келгай ёрнинг мендин батанг,
Ким фидо кўнглига жону жисми афгорим менинг.

Неча ашким йиққай эл сабри биносин кўйида,
Ким ўюлғай кошки, бу чашми хунборим менинг.

Йўқу бор элдур жунунум шайнидин озурдадил,
Умр агар будур йўқум кўп яхшиким, борим менинг!

Эй фано тиғи, вужудум нақшин андоқ айла ҳак,
Ким замон авроқидин маҳв ўлсун осорим менинг

Соқиё, тутма Навоийға яна ишрат майи,
Ким эрур бадмаст ул мажнуни хамморим менинг.

351

Синғоли кўнглум оқар ҳар лаҳза хуноби анинғ,
Шишаким синди, чиқар турмай майи ноби анинг.

Солма ул кўй ичра қошингға гириҳким, шубҳадур
Тоат айлар ерда тушса эгри меҳроби анинг.

Баҳри ашким ўйла дарёдурки даври чархдек,
Бўлғали лойиқдурур ҳар сори гирдоби анинг.

Ўйла занжире дурур зулфунг қамар давридаким,
Тушкудек бўлмиш қамар даврига қуллоби анинг.

Қил киби жисмимки ҳажринг сўзи ичра тўлғанур
Ўтқа тушкандин нишондур печ ила тоби анинг.

Ўйла қурбондур анга кўнглумки, жон айлар фидо
Тиғ олмастин бурун илгига қассоби анинг.

Пири дайр айлар сабуҳ, аммо кўз очмас муғбача,
Айшни талх айламиш бизга шакархоби анинг.

Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг китоб,
Не учунким хуш келур айтурда итноби анинг.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кўнглум наво,
Гўйиё жон риштасиға тегди мизроби анинг.

352

Кўнгулки ҳажр туни қўймади қарорин анинг,
Мунинг ҳам оҳи қаро қилди рўзгорин анинг.

Висол гулшани бирла кўп ўлмағил машъуф,
Хазони ҳажр чу барбод этар баҳорин анинг.

Тутуб нашоту тараб чанг зулфин этма суруд,
Ки бир-бир узгуси ғам чанги тор-торин анинг.

Қадаҳ нашоти учун давр ичинда қон ютқан,
Чекарга билки кари айламас хуморин анинг.

Сипеҳр ком ила эврулмаса ҳазин бўлма,
Кишига бермади чунким Ҳақ ихтиёрин анинг.

Агар бақои абад истасанг фано йўли тут,
Ёрут кўзунгни қилиб тўтиё ғуборин анинг.

Навоий, ул киши топти фароғ оламдин,
Ки ҳиммати кўзи тенг кўрди йўқу борин анинг.

353

Ёр келса, дўстлар, оҳанги рафтор айламанг,
Инфиолимдин нафас урмоқни душвор айламанг.

Ёлғуз уйда қайда ёро боқмағим рухсориға,
Ҳолатим тағъйиридин сирримни изҳор айламанг.

Токи кўнглум изтиробию таним титратмаси,
Сокин ўлмас, нукта айтурга мени ёр айламанг.

Соате чунким ўтуб бу навъ келсам ҳолима,
Сўз аро ошиқлиқ алфозини такрор айламанг.

Чунки бўлса мултафит чун ер ўпуб ўлгумдурур,
Ҳар жафо қилсам ўзумға манъ зинҳор айламанг.

Эмдиким ўлдум таним ёр итларига ташлангиз,
Лек ағёрин бу маънидин хабардор айламанг.

Қайси ошиқким Навоийдекдурур, эй аҳли зуҳд,
Ишқ манъин айлабон кўнглига озор айламанг.

354

Ваққи, ўтлуқ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдин айтиб нукта жоним ўртадинг.

Дема, не қилдим, не қилдим нотавои кўнглунг олиб?!
— Ўртадинг, эй қотили номеҳрибоним, ўртадинг.

Ўт уза қил тўлгониб куйгандек ул юз шавқидин,
Нечаким тоб урди жисми нотавоним ўртадинг.

Кўкда зоҳирдир шафақдин шуъла, анжумдин шарор,
Ким ани, эй шуълалиқ оҳу фиғоним, ўртадинг.

Бисмил этгач сайдни андоққи эткайлар кабоб,
Захм этиб кўнглумни чунким оқти қоним, ўртадинг.

Урғали, эй ишқи золим, барқи офат жонима,
Ҳар не ўзлуктинки бор эрди гумоним ўртадинг.

Эй Навоий, то белу оғзи хаёли айладинг,
Бору йўқ, яъники пайдову ниҳоним ўртадинг.

355

Эй кўзу кўнглум, сиришку оҳдин тўфон қилинг,
Жону жисмимнинг йиқилғур кулбасин вайрон қилинг.

Қилса бу иш кўзу кўнглум, сиз доғи, эй дарду ишқ,
Кўзни кўр айлаб, кўнгулга дард ўқин паррон қилинг.

Ҳар баҳона бирлаким бўлса, ҳаётим қасрининг —
Тоқу айвонин бузуб, туфроғ ила яксон қилинг.

Яъни айлаб мунча бедоду жафолар, шаммае
Ҳажр дарди шиддатин мен хастаға осон қилинг.

Зинҳор, аҳбоб, ошиқ бўлмангиз, гар саҳв этиб —
Бўлмоқ истарсиз, бурун андишаи ҳижрон қилинг.

Дермен, эй аҳбоб, тортай ҳажрдин бир тийра оҳ,
Ер тўбига ой ила кун кўзгусин пинҳон қилинг.

Ҳажрдин кўнгли тўла келмиш Навоий, раҳм этиб,
Эй харобот аҳли, бир мамлу қадаҳ эҳсон қилинг.

Май била майхонанинг хиштин тош узра ҳал қилинг,
Чун хуморидин судоъ ўлса ани сандал қилинг.

Ҳар не қолса суда бўлған хиштдин таъзим учун,
Ип тоқиб ҳар жонибидин бўйнума ҳайкал қилинг.

Эй харобот аҳли, соқий орази акси учун,
Соф қилмоғлиғ била май кўзгусин сайқал қилинг.

Муғбача оллида чун бўлди сужуд этмак ишим,
Майға марҳун қилсангиз сажжодани аввал қилинг.

Саҳл эрур жон нақдини соқий учун қилмоқ нисор,
Лек бир паймона тўлдурмоқ била асҳал қилинг.

Масту мажнун чиқмишам майхонадин, эй дўстлар,
Комингиз гар ҳазл эса ийнак мени маҳзал қилинг.

Кўйидин қавланг ҳавосу ақлни, эй дарду ишқ,
Анда саргардон Навоийнинг вале анкал қилинг.

357

Бир ўт эсаки манга журмсиз вафони кам эттинг,
Юз ўтдур улки жиҳатсиз улусни муҳтарам эттинг.

Бошимға тиғ урубон нақди дард кўнглума солдинг,
Вафо тариқида тақсир қилмадинг, карам эттинг.

Юзумни нақш этибон ашк тийра қонидин, эй ишқ,
Тошимда қонлиғ ичим шарҳини ёна рақам эттинг.

Фасонаи ғаму меҳнат буюрдунг айламак азбар,
Қаноат этмай улусқа мени фасона ҳам эттинг.

Кўнгулда ишқим ўти чун фалакка тортти шуъла,
Бало ливоси бошиға бу шуъладин алам эттинг.

Дедингки, фақр йўлинда топилди мақсади аслий,
Вужуд нақшини жон лавҳидин магар адам эттинг.

Магарки ёр сени истар, эй шикаста Навоий,
Ки нақд жонни қилиб туҳфа, фарқдин қадам эттинг.

358

Саманди ноз уза ул чобуки балоға боқинг,
Пари бошинда малак парридин ўтоға боқинг.

Начукки қавси қузаҳ даври меҳр акси эрур,
Топиб ҳам эгнидин айланған икки ёға боқинг.

Садоғи жонибиким илгига синон тутмиш,
Юз ўқ йилонию бир қотил аждаҳоға боқинг.

Агар бу ўқу синон урмоғин инонмасангиз,
Очиб танимни ададдин фузун яроға боқинг.

Бу шакл бирла жаҳон бузмоғи яқин гар эмас,
Улуста ҳар тараф ошубу ибтилоға боқинг.

Бу боғ гулларини ерга сочмайин қўймас,
Хазон елини кўрунг, чархи бевафоға боқинг.

Навоий ўлди жаҳон аҳлидин наво топмай,
Не бўлди бир назар ул зори бенавоға боқинг.

359

Кўнгулким ҳар ёниға наъл кестим бўлгали зоринг,
Қушедур талланинг чанбарлари ичра гирифторинг.

Улус қатлидин ул кўз нотавонроқдур, не ҳол эркин,
Ки жон олған била майл айламас сиҳҳатқа беморинғ,

Юзу зулфунг чу дин қасди қилур кофир десам тонма,
Демон юз узра зулфунг, балки Мусҳаф узра зуннорinг.

Кўзи оллида, эй бодом, қилдинг ишва даъвосин,
Магар кирпикларидиндур нишони жисми афгоринг.

Ўзунгни сотмоғингда ҳусн савдосидин, эй Юсуф,
Ҳабибим етса эрди не ушалгой эрди бозоринг.

Юзунг гул-гул бўлубтур бодадин, ваҳ, кўзгуга боққим,
Не янглиғ тоза-тоза гуллар очмиш боғи рухсоринг.

Ғамим айтурға ёре топмағандин, соқиё, ўлгум,
Манга бир журъа бирла ёрлиқ қилсанг Худо ёринг.

Агар рангин май ичсам, эй қазо наққоши, ёзғурма,
Иҳота қилмағон иш қўймамиш, чун даври паргоринг.

Навоийни адам водийсиға солди фано сели,
Итурганлар ани ул селнинг хошокин ахторинг.

360

Донаи холинг била кўнглум қушин ром айладинг,
Гарди Яздий меъжарингдин қасдиға дом айладинг.

Сабзау гул истамон то вўсмаву гулгунадин,
Қошни айлаб сабзагун, оразни гулфом айладинг.

Ҳусн боғида қадинг бўлмиш латофат гулбуни,
Тўнни гулгун, тугмани то ғунчаандом айладинг.

Қоматим долу ёшим гулранг эрур то ноз ила,
Долу гул тиккан ниҳоли узра ором айладинг.

Юз уза очтинг сочинг зуннорин, эй кофир, магар
Фош этиб куфрингни қасди аҳли ислом айладинг.

Тонгла жаннат ҳуридин кеч, эй кўнгул, ноком ила
Гар бу кун дунё аруси васлини ком айладинг.

Эй Навоий, зулфиға бўлдунг паришон оқибат,
Яхши жамъият бу савдодин саранжом айладинг.

361

Эй муғанний, ёр базмида наво соз айласанг,
Жон фидонг ўлсун ғамим шарҳидин оғоз айласанг.

Уддек куймаклигим шарҳ эт лисони ҳол ила,
Нагмада удунг лисонин сеҳрпардоз айласанг.

Ўзга оламдин хабар деб бизни тиргуздунг не тонг,
Бу рисолат бирла гар изҳори эъжоз айласанг.

Розим ар созинг лисонидин баъид ул-фаҳм эса,
Анга руҳафзо унунгни доғи ҳамроз айласанг.

Отланиб бошимни рахшингнинг аёғи остиға,
Тиғ бирла солғудек масти сарандоз айласанг.

Парда ёп роз узрау дохил бўл ушбу базм аро,
Ким эрур хориж агар бепарда овоз айласанг.

Чекмадинг лаҳне Навоий кўнглун истаб айб эмас,
Англаб ўзунгни наво аҳлиға шаҳноз айласанг.

362

Ваҳ, не руҳафзо қаду дилкаш хироми бор анинг,
Гўйиё жон гулшани ичра мақоми бор анинг.

Ўлмакимда бор анга гўёки уммиди ҳаёт,
Жон била бу ишда баским эҳтимоми бор анинг.

Қолди кўнглум ғам тунига, субҳи васл аҳли қачон
Айлагайлар фаҳмким, не тийра шоми бор анинг.

Жоним узра доғлардин, ваҳ, қачон топқай хабар,
Улки, гулбарг узра холи мушкфоми бор анинг.

Бели бирла огзидин кўнглумга бор уммиди ком,
Не дақиқ уммид ила нобуд коми бор анинг.

Топтилар руҳи равоним парвариш ҳар лафзидин
Аллоҳ-Аллоҳ, не равонпарвар каломи бор анинг.

Сен Ҳарам азми қил, эй зоҳидки, кўнглум маст эрур,
Хоссаким майхонадек байтул-ҳароми бор анинг.

То кўнгул дайр ихтиёр этти билибтур муғбача,
Ким анинг васли сари савдои хоми бор анинг.

Эй Навоий, давлати зоҳирни доим топмоғунг,
Фақр иқболидурур, улким давоми бор анинг.

363

Ул пари бу телба бирла ошно бўлса не тонг?
Нотавон Мажнунға Лайлидин вафо бўлса не тонг?

Лаъли ҳажридин дамодам хаста кўнглум қон ютар,
Ул маразға бўйла шарбат ё ғизо бўлса не тонғ?

Дема қотилдур лаби, ўзунгга қилма қасди жон,
Бўйла қотил оллида жоним фидо бўлса не тонг?

Чархдин кўп бўлди оҳим дудиға боис рақиб,
Юзи онинг рўзгоримдек қаро бўлса не тонг?

Зулфи зулмат шомию давлат тонгидур орази,
Тийра ҳажрим шомидин зулматзудо бўлса не тонг?

Қасди дину ғорати имоним этмиш муғбача,
Эй мусулмонлар, ерим дайри фано бўлса не тонг?

Барча зийрак қушқа чун ул зулф доми бўлди қайд,
Эй Навоий, анда кўнглум мубтало бўлса не тонг?

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОИФИ «НАВОДИР»ДИН

364

Зиҳи ниҳоятинг охир келиб абад аввал,
Вале хабар бера олмай бидоятингға азал.

Не қудратинг жабалини қилиб тазалзул паст,
Не ҳикматинг қуёшиға бериб завол халал.

Бўлуб сифотингга мазҳар жамиъи махлуқот,
Алар муфассалу инсонни айладинг мужмал.

Жамол зевари қош айладинг, магар урдунг
Бу икки мисқал ила ўйла кўзгуга сайқал.

Фироқ шомини ошиққа айладинг тийра,
Агарчи анжумидин ёқтинг анда кўп машъал.

Баҳор мошитаси саъйи бирла кийдурдунг
Чаман аруси юзу қаддиға ҳуляю ҳулал.

Сипеҳр сафҳасин анжумдин айлабон афшон,
Бу сафҳа устига чектинг шиҳобдин жадвал.

Ёзарға матлаъи субҳ узра нурдин туғро
Қуёш тилосидин омода айладинг зарҳал.

Навоий айлади ҳамдингға номалар ирсол
Ани рад айламагил ҳаққи Аҳмади Мурсал.

365

Қилса жонон оллида жоним туфайл ўлмоққа майл,
Кош юз жон ўлсаким, ҳар дам бирин қилсам туфайл.

Истаса куйган кўнгул ўтлуқ юзунгни қилма айб,
Ихтиёри йўқтур айларда самандар ўтқа майл.

Йўл қилур жисмимда ашк, элтур сўнгакларни узуб,
Ер қозиб хошок оқизғандек қаён юзланса сел.

Қатраи саҳбо Суҳайлидин лабинг майгун эмас,
Ким ақиқедур буким ранг олур андин юз Суҳайл.

Бир мулоиб ҳинду ўлмиш ҳар кўзунгнинғ мардуми,
Кирпигинг ҳинд аҳлидин ҳангома тузган икки хайл.

Такя қилма тақвию тоатқаким, нафъ айламас,
Фазлдин етмай башорат Бишр бўлғил, гар Фузайл.

Шоми ҳажр эрмас шафақ, балким Навоий ғуссадин
Йиғлади қон анчаким гардунга рангин бўлди зайл.

366

Ўйла бўлмиш гул юзунг ёди била қонлиг кўнгул,
Ким тушар ҳар қатра қон ўрниға андин барги гул.

Дема, кўнглунг борким жисм ичра ҳажринг тиғидин,
Поралар бор қон аро билман бағирдур ё кўнгул.

Сарвдек бўлса бу гулшанда ато, гулдек ано,
Мумкин эрмас туғмоғи сен сарви гулруҳдек ўғул.

Куйдуму кул бўлдум, аммо жонда лаълинг шавқидур
Андоқ ахгар ҳифзиға беҳад муносибдур бу кул.

Лаълинг оллинда санамлар лаъли ранғ эткан бўлур,
Ким ичар ҳино суйин бўлған замон гулранг мул.

Қисмдин ортуғ тилаб хор этма ўзни, эй азиз,
Ким қаноатдин дурур иззат, тамаъдин барча зул.

Дайр пири бирла май ичсанг, Навоий, асра дам
Бўлса фаҳм ибриқ унидин гарчи қулқул ло тақул.

367

Менинг кўнглумни ишқ, ул гул юзин мул,
Бу қилди доғ-доғ, ул қилди гулгул.

Бошимға чирмашур савдосидин дуд,
Не тунким айласам зулфин тахайюл.

Юзунг давринда зулфунгдин салосил,
Қилибдурлар аён даври тасалсул.

Ўқунгдин зор кўнглум пар чиқармиш,
Юзунгдек гулга хуштур бўйла булбул.

Таҳаммул яхши ул ойдин йўқ афғон,
Вале афғон чу бўлсам бетаҳаммул.

Фано даштиға қўйма тўшасиз юз,
Вале тўшанг керак бўлса таваккул.

Қадингнинг эътидолидин Навоий
Чекар гардунға оҳ этса таодул.

368

Оразинг шавқи дамиким айланур қонлиғ кўнгул,
Ғунча янглигдурким, онда чирмашибдур барги гул.

Англамон гулранг рухсорингда майгун лабмудур,
Ё томибдур офариниш базмида гул узра мул.

Айлади кўнглум гадолиққким дирам янглиғ туган —
Қўйди ишқинг ё закоти ҳуснунг эҳсон қилди пул.

Телбараб қочқон қулунгменким, сочинг афъисидин
Ҳам аёғимда эрур занжиру ҳам бўйнумда ғул.

Кўзларингким турки тожик ўлди кўнглум мулкида,
Зулм этар ул навъким бир кишвар аҳлиға чуғул.

Не тафовут сифла элдин хорлиғ ё эҳтиром,
Ким баҳойимдин эрур тенг хоҳи иззат, хоҳи зул.

Нома кўп ёзмиш Навоий, кимса йўқ маҳрам магар,
Ким алар ирсолиға ҳам Тенгри еткургай русул.

369

Демонким, мени ёд этиб шод қил,
Унутғанларингни бирар ёд қил.

Санавбар санга бандадур сарвдек,
Бошингдин эвур, доғи озод қил.

Вафо йўқтур ул шўхда, эй кўнгул,
Ўзунгни жафосиға муътод қил.

Қилур жонима ҳажр қасд, эй ажал,
Бу ишда анга сен ҳам имдод қил.

Манга ишқ аро ўлмак ойин эрур,
Рақибо, яна санъат иршод қил.

Паришонмен, эй оҳ, афлокдин
Бу абтар варақларни барбод қил.

Чу буздунг кўнгул кишварин зулм ила,
Сиришким суйи бирла обод қил.

Фалак давридин ранжамен, соқиё,
Кел эмди қадаҳ даври бунёд қил.

Гар ул шўх фарёдинга етмаса,
Навоий, шаҳ оллинда фарёд қил.

370

Гар лабинг оллида даъво қилмади изҳор лаъл,
Бўйни невчун боғланиб осилди мужримвор лаъл?

Гўйиё тўти хатинг бирла лабингдин сўрди нутқ,
Ким либос ўлди зумуррадгун анга, минқор – лаъл.

Йўқ лабинг янғлиғ бири гўё демайким руҳбахш,
Кўрмишам бориб Бадахшон мулкида бисёр лаъл.

Лаъл оллинда анингдекким эрур беқадр тош,
Бўлмиш ул янглиғ лабинг оллинда бемиқдор лаъл.

Лаъли жонбахшинг такаллум вақти бир-бир сочти дур,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким кўрубтур бўйла гавҳарбор лаъл.

Кўзларимдур баҳру кон меҳмоним ўлсанг бир кеча,
Ҳам дур эткайлар фидо оллингда, ҳам исор лаъл.

Бир қадаҳ май бирла бўлди сурхрў аҳли хумор,
Куп аро гўёки маҳлул айламиш хаммор лаъл.

Лаългун май бошида бўлса кишининг, эй ҳариф,
Нафъи кўпракким тикилгай тожида шаҳвор лаъл.

Гар Навоийнинг сўзи ширину рангиндур не тонг,
Ким эрур кўнглида доим ул шакаргуфтор лаъл.

371

Ўйлаким гулгун қилур ҳусн аҳли рухсорини мул,
Мулға тушса оразинғ акси очар юз онча гул.

Ўйлаким бўлмас кўнгул гулбундин узмак ғунчани,
Мен ҳам ул нахли малоҳатдин уза олмон кўнгул.

Гўйиё ҳуру малакдин ҳосил ўлдунгким, эмас
Одами хайлиға мумкин сен паривашдек ўғул.

Ламъаи тиғидин ўртандим, ағар қонимдин ул
Занг тутмиш ёрутурға ҳам муҳайё бўлди кул.

Чун рақиб оғритти кўнглумни анга доғ ўртадим,
Боғлағандек эт жароҳат айлаган устига пул.

Қирқ ёшта фақр ойинин агар касб этмадинг,
Арбаин чекмак била ул ҳосил ўлмоқтин тўнгул.

Эй Навоий, ҳуру кавсар тонгла тақво аҳлига,
Сен ғанимат тут бу кун гулчеҳра соқий бирла мул.

372

Эй кўнгул, ул оташин оразға кўп ўрганмагил,
Ногаҳ айрилса фироқи ўтиға ўртанмагил.

Тут ўзунгга фарду бекаслик балою эмгакин,
Ё бировга ўрганиб айру тушуб эмганмагил.

Лозими ишқ ўлди ҳижрон, бўлма ошиқ кимсага,
Эмдиким бўлдинг, таҳаммул айлабон кунгранмагил,

Гул чоғи гулбонг ишдур чекмак, эй булбул, санга
Ою йил фарёд қилмоғни манга ўтканмагил.

Кўз юмуб очқунча сол уйғонмас уйқуға мени,
Нолишимдин ҳажр шоми ҳар замон сесканмагил.

Истасанг ул муғбача бошингға еткургай қадам,
Дайр пири йўлидин туфроғдек тебранмагил.

Эй Навоий, ёр агар дерким, ўзунгни ўтқа сол,
Тан ёлонг айларга куйма, жон учун куйманмагил.

Кўнгул ичраки ҳар дам қон тўкар ул кофири қотил,
Мусулмон бўлмасун ғар бўлса Руҳуллоҳ сари мойил.

Самандар қуш бўлуб анқоча зўри бўлса жазм эрмас,
Бўла олмоғлиғи сўзу ғамим мактубиға ҳомил.

Дедиким, жаврдин сўнг васл эрур, юз тиғи кин урди,
Висолин истагач, деди бу эрмас жаврға дохил.

Бағир парголаси ранги не тонг гар ашкдин кетмас,
Қачон гул баргининг рангин қилур ямғур суйи зойил.

Деганким топти мажнунлуққа Лайло ошиқи шуҳрат,
Мени ишқингда кўргач, билди Мажнун бор эмиш оқил.

Агар ул қоши ё ўқ отса чекмон оҳ оллинда,
Ки оҳим дуди чоғлиқ ҳам ўқиға бўлмағай ҳойил.

Чу ушшоқ ичра дермен дарси ишқин меҳри тонг эрмас,
Ки дерлар: илм баҳс айлар замон раҳмат бўлур нозил.

Қабул аҳли қошинда истасанғ мақбул бўлғайсен,
Фано иқболи бирла аввал ўзни айлагил қобил.

Гадолиғ айларам, эй муғбача, жоми майи лаълинг,
Агарчи расм бўлмас жавҳари жон истамак, сойил.

Ажал гар сўнгғи дам бўлса, бу дам коминг Хизр умри,
Бу номаълум мавъидқа бино қўйғон зиҳи ғофил!

Навоий бир нафасда ҳажр зулмидин халос ўлғай,
Агар аҳволидин бир нукта сўрса хусрави одил.

Эй кўнгул, ҳар макр ила қочсанг улустин шукр қил,
Ҳар вафоға минг жафо тортиб қутулсанг муфт бил.

Эл тилидин кўрдум анча ғуссаким, мингдин бирин
Айтмоқ бўлмас танимда ҳар сари мў бўлса тил.

Нечаким оламда бедод ўлса олам аҳлиға,
Гар муяссар бўлса юз онча тасаввур айлагил.

Жонинга билким жафодин ўзга етмас йилу ой,
Жон фидо қилсанг вафосинда аларнинг ою йил.

Давр жоми заҳридиндур доғи тиғи қонидин,
Сарву гул бу боғ ароким бўлдилар ёшил, қизил.

Фақр водийсиға кирган ташласун ўзлук юкин,
Ким қилур йўл қатъин осонроқ неча бўлғой енгил.

Эй Навоий, умр ўтуб ҳам маету ҳам уйқудасен,
Ҳеч билмонким сени уйғон дейин, ёхуд ойил.

375

Ул зақанни упаю гулгунадин наззора қил,
Ким эрур бир олмаким ранги эрур оқу қизил.

Ожиз ўлгай зулфининг савдолари тақриридин,
Гар қуруғ жисмим тароғ янглиг саросар чекса тил.

Неча ўзни ёшуруб чин юзга солиб ғунчадек,
Тангдилларга боқиб, хандон бўлуб бир ҳам очил.

Сочида шабнам бурунчак, эй кўнгул, эрмас ажаб,
Сунбул узра гар тушар шабнам таажжуб қилмағил.

То кийиб синжоби тўн, гулгун ўтук қилдинг хиром,
Йўқ сенингдек кабки раъно ҳусн саҳросида бил.

Раз қизи ҳамдамлиғидин ою йил маст ўлмағинг,
Неча бўлғай, ўтти умр, ар ўлмаган бўлсанг ойил.

Кўрмаган бўлсанг, Навоий, сарв уза гул, қил назар,
Ким ул ой гулгуна суртуб, хилъатин қилмиш яшил.

376

Қуруди чеккали қондин кўзум ниқоб қизил,
Бале, ёғинсиз ўлур чун бўлур саҳоб қизил.

Кўзумда лоладек ул юз ғариб эрур қон ёш,
Ки бўлса гул қизил, ўлмас анга гулоб қизил.

Бошим сипеҳрдек эврулдию қон ёшим сари боқ,
Ки ҳар замон югурур анда бир шиҳоб қизил.

Кўзум қизарди, қизил ашк рангидин гарчи
Қизил бўлур сую, бўлмас анга ҳубоб қизил.

Кўнгулни чуркади ишқинг валек эрур тўла қон,
Ёлинда куймишу кессанг эрур кабоб қизил.

Бу қонки водийи ишқ ичра оқти, бўлса не тонг,
Самум рангидек ул дашт аро сароб қизил?

Не жилва эрди қизил тўн билаки қон ёшдин,
Либосин айлади ишқингда шайху шоб қизил.

Лабинғ ғамида Навоий ўзин тилар бехуд,
Не тонг май ичса анингдекки лаъли ноб қизил.

377

Қасди жоним қилди ҳажр, эй қотили хунхор, кел,
Қон тўкуб жонимни олмоқ истасанг зинҳор кел.

Ашк дуррин кўзда, жон нақдин овучта асрадим,
Ким қачон келсанғ, йўлингда қилғамен исор, кел.

Руҳум айрилмиш бадандин, гар тиларсен, эй ҳабиб,
Айламак Исойи Руҳуллоҳ дамин изҳор, кел.

Айтмон, келгил доғи қилғил тавақкуф лаҳзае,
Келгач-ўқ борғил, вале жонимни олғоч, бор, кел.

Жон етибтур оғзима, дермен лабингға топширай,
Лутф этиб қилғил мени жон бирла миннатдор, кел.

Дайр аро май ичкали келгум десам, дер муғбача,
Бут қошида бош қўйиб боғлар эсанг зуннор, кел.

Жон Навоийни, Навоий жонни сенсиз истамас,
Ани жоннинг, жонни анинг ранжидин қутқор, кел.

378

Сарвдек хазро либосинг бирла, эй нозук ниҳол,
Тўтиесен жилвагар, шаккар санга ширин мақол.

Оғзингу белинг ҳадису рамзини билмай яқин,
Эл аро пайдою пинҳон мунча тушти қилу қол.

Билгурур юзунг таҳидин турфа хатти мушкбў,
Сабзадекким бўлғай анинг устида равшан зулол.

Ишқ аро топсам малолат сабрдин йўқ ҳайрати,
Дарддин беморға парҳез эрур кўпроқ малол.

Эй кўнгул, гар тори жисмимда наво йўқ не ажаб,
Нола қилмас ғарчи печу тоб урар саргашта нол.

Ҳасрат оҳидин фалакка ўт солурмен ҳар нафас,
Не экин ҳикмат буким топмас асоси ихтилол.

Бегунаҳ тўксанг Навоий қонини йўқтур ғами,
Ким сени кўрган дами қонин санга қилмиш ҳалол.

379

Эй жамолинг равзаси фирдавс боғидек жамил,
Лабларингнинг кавсари «айнан тусаммо Салсабил».

Истамас бўлса муҳаббат аҳли ёшин Дажладек,
Невчун чекти қазо машшотаси оллингға нил.

Кўзума йўлунгда туфроғлиқ тиканким санчилур,
Бор биайниҳ сурма ул туфрог, тикан андоққи мил.

Барги гулдек ҳулла жисмингда сабо таҳрикидин,
Титрар андоққим кумуш устида бир муфлис бахил.

Эй кабутар, восил ўлдум, нома келтурмакни қўй,
Ким ҳарими ломаконда маҳрам эрмас Жабраил.

Оразинг ойина, юз маҳваш сафодин урса дам,
Кўзгу олким, кўргузур юз важҳдин равшан далил.

Эй Навоий, бода ол, ич хосса бу шукронаға,
Ким саломатдур асолат гавҳари Саййид Асил.

380

Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,
Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол.

Менмену – бекаслигу айёми ҳажр,
Сен бўлу аҳбобу–даврони висол.

Сўрма ҳолимни сабодин гаҳ-гаҳи,
Кўнглунга ўлтурмасун гарди малол.

Гар бузуқ кўнглумни мардуд айладинг,
Бок эмастур ўзгаларнинг кўнглин ол.

Сиғмайин кўюнгда гар қовдунг мени,
Асру кенг саҳродурур дашти хаёл.

Олам аҳлида вафо мавжуд эмас,
Ҳар неким йўқтур, эрур топмоқ муҳол.

Эй Навоий, хуштурур озодалиқ,
Қайд аро хушлуққа йўқтур эҳтимол.

381

Белинг солур димоғимға тахайюл,
Берур зулфунг ҳадисимға тасалсул.

Буюрса гарчи ишқинг таркини ақл,
Ул ишни мен қила олмон тааққул.

Юзунг ҳажрида кўнглум музтарибдур,
Не навъ эткай балиғ сусиз таҳаммул.

Не тонг сенсиз ютуб қон, ғам есамким.
Керак ул бодаға мундоғ танаққул.

Қадинг титратти хокий пайкаримни,
Қиёмат ерга солғандек тазалзул.

Эмас мониъ фано йўлиға фоқа,
Керак раҳравға зоди раҳ — таваккул.

Навоий булбулу ёри гул ўлгай,
Агар юз поя қилғайлар таназзул.

382

Лаъли жонбахшингда бир гавҳар агар топмиш халал,
Жавҳари жоним қабул этсанг анга айлай бадал.

Қайда бўлғой жавҳари жон ҳам бадал ул дурғаким,
Оби ҳайвондин чиқармиш они ғаввоси азал.

Ул не гавҳардурки, жон мулки хирожи топқасен,
Ақл саррофи агар қилса баҳосин филмасал.

Бўлди гар бир гавҳар ўрни холи, аммо кўрки бор,
Нуктадин юз дурға ҳар соат мушарраф ул маҳал.

Лафзи дурборинг солиптур рахна гавҳар силкига,
Гар инонмаслар, десанг бир лафз, ўлур бу нукта ҳал.

Чарх саррофи қошинда бирдурур дур бирла тош,
Тошдек сўз келса, дурдек лафз ила қилма бадал.

Эй Навоий, силкидин тушкан йироқ дур бобида
Дурри маъни бўйла назм этмак эмастур муҳтамал.

383

Қасди жон айлар дамодамким анга юз жон туфайл,
Тифл учун гўё қилур ҳар дам чучуклик сори майл.

Гул юзунгдин келса ашкинг лолагун йўқтур ажаб,
Ким баҳор айёмида рангин келур, албатта, сел.

Тушта кўз суртар эдим юзунгга гўё хат эмас,
Бўлди мужгондин тикан бирла тўла ҳуснунгта зайл.

Барқдин бир ламъау хошоку хасдин кўҳ-кўҳ,
Ишқ – ёлғуз, зуҳду тақво черикидин хайл-хайл.

Ул саодат ахтарин кўргач сиришким қон бўлур,
Чун ақиқеким ани рангин қилур тоби Суҳайл.

Мазраи ишқ ичра сочмоқ қобилият донасин,
Айлади кўк тосидин гўё қазо деҳқони кайл.

Зулфу юзи фурқати айёмидин сўрманг ҳисоб,
Ким Навоий кўзига бирдек бўлубтур явму лайл.

384

Гар етар ағёрдин юз минг жароҳат, эй кўнгул,
Чунки бордур ёр учун бор айшу роҳат, эй кўнгул.

Каъба истарсен муғилон чекса тил қайғурмағил,
Бемаломат топмади кимса саломат, эй кўнгул.

Менмену – ул ой ғами, сен ҳам агар мардонасен,
Дарду ғам чек, истама кому фароғат, эй кўнгул.

Кимга еткай васл иқболи агар ҳижрон аро,
Сенда бўлса ғам чекарга сабру тоқат, эй кўнгул.

Хурдаи розингни асра ғунча янглиғ қон ютуб,
Ҳар неча қилса жафо ул сарвқомат, эй кўнгул.

Дема, ишқи сўзи кам бўлғай, бошимға урса тиғ,
Ким бу судин сокин ўлмас ул ҳарорат, эй кўнгул.

Ўртадинг охир Навоийни шарори оҳ ила,
Анга невчун мунча кўргуздунг шарорат, эй кўнгул.

385

Англадинг ё йўқмуким айлар сафар ёр, эй кўнгул,
Ваҳки, бўлдуқ ёна ҳажри илгида зор, эй кўнгул.

Ул худ айлар азму мен ҳам хастадурмен, ҳам гариб,
Гоҳ-гоҳи бўлгасен мендин хабардор, эй кўнгул.

Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим,
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул.

Бора худ олмон, туруб ҳам чун тирилгум йўқтурур,
Бас видоъинг қилдим, андин қолма зинҳор, эй кўнгул.

Маҳрами гар бўлмасанг, хуштур бу ҳамким, бўлгасен,
Итларига ҳамнишину соҳиб асрор, эй кўнгул.

Гар бўлубон ноғаҳон толиъ – мусоид, бахт – ёр,
Топсанг ул ой бирла сўзлашгунча миқдор, эй кўнгул.

Илтимосим будурурким, барча элдин ёшурун
Қилғасен мискин Навоий дардин изҳор, эй кўнгул.

Бўлса сенлик васл йўқтур ҳар неча қилсанг талаб,
Бўлмаса матлуб эрур ул дам талабгор, эй кўнгул.

386

Эй латофат касбида ҳуснунгға ҳожатманд гул,
Юз гулистон ичра йўқ ҳуснунгға бир монанд гул.

Хилъати хазро била ул қомату рухсор эрур:
Рост бир сарвеки, қилғайлар анга пайванд гул.

Нозу ғамзангдин мужамдин қон ёш ар зояндадур,
Йўқ ажаб чун бор тиканга доимо фарзанд гул.

Жолалар эрмас гули садбарг узаким, айламиш
Жисмини тишлар била ҳажрингда юз парканд гул.

Қайси важҳ ила юзунга даъво эткай, чун эрур,
Ганжи ҳуснунгдин муҳаққар важҳ ила хурсанд гул.

Сарв сен, эй гулъузор, ар бўлса хушрафтор сарв,
Гул сен, эй сарви равон, гар қилса шаккарханд гул.

Эй Навоий, гар сўзунгни ёр эшитмас айб эмас,
Турғони бирла қулоқдур, лек эшитмас панд гул.

387

Эй манга сенсиз баҳору боғу бўстондин малол,
Қайси бўстону баҳору боғким, жондин малол.

Сенсизин кўнглум тонг эрмас бўлса жаннатдин малул,
Не ажаб булбулға гулдин айру бўстондин малол.

Бўлмаса кофир кўзунг шайдоси мажнун кўнглума,
Ақлу донишдин танаффур, дину имондин малол.

Ишқ туғёнида юз кўрсатса гирдрухлар не суд,
Ким топар муҳриқ иситқан меҳри рахшондин малол.

Куйдурурлар доғи дафъ ўлсун малоли ҳажр деб,
Вой ангаким, воқиъ ўлғай доғи ҳижрондин малол.

Касрати пайконидин кўнглумториқмас, гарчи бор,
Эътидолидинки ўткач, оби ҳайвондин малол.

Базм аро ҳар дам қадаҳ кўнгли тўла хуноб эрур,
Мен киби гўё анга ҳам етти даврондин малол.

Қиблаи мақсад тиларсен дард ўқидин гам ема,
Истаган тавфи Ҳарам кўрмас муғилондин малол.

Чарх анжумдин қулоққа пахталар тиқти магар,
Ғам туни топмиш Навоий чеккан афғондин малол.

388

Кеча ул ой бирла эрдим, ваҳ, бу тушдур ё хаёл,
Туш эмас, чун йўқтурур уйқу хаёледур муҳол.

Ишқ изҳор айлабон васлин тилар мунглуғ кўнгул,
Бир гадо янглиғки, айбин кўргузуб айлар савол.

Ораз узра айн янглиғдур узоринг узра кўз,
Наргис узра нуқта янглиғдур кўзунг устида хол.

Эгма қаддим заъфи ҳаддин ошти ул юз қошида,
Нотавон бўлған киби хуршид васлидин ҳилол.

Йиғлабон ул сарвнинг йўлиға тушсам, ноз этар,
Су била туфроғдин бош тортқан янглиғ ниҳол.

Ҳажр тиғидин қуруқ жисмим қаламдек бўлди шақ,
Лек печон нолалар кўнглумдадур андоқки нол.

Ком эрур жонимға ул олудалиғдин пок лаб,
Эй Навоий, ўлсам ичмон Хизр нўш эткон зулол.

389

Демаким, мастлигдин қадди бўлмиш ҳар қаён мойил,
Ки оҳим елидин ҳар ёндур ул сарви равон мойил.

Юзи оллида бош сожид, чучук нутқиға тил зокир,
Хати сабзиға кўз роғиб, лаби лаълиға жон мойил.

Қуюндек пўя бирла кўйин истармен ажаб эрмас,
Ватанға бўлса бир саргаштаи бехонумон мойил.

Иситсам ҳажридин муҳриқ ул ўтлуқ юзни истармен,
Неким заъфин фузун айлар, ангадур нотавон мойил.

Қиличинг майли тонг йўқ бўлса жони хоксоримға,
Не ерким пастроқ, су ул ён ўлғай бегумон мойил.

Маҳол умид ила кулбамда доим мунтазирдурмен,
Ки шояд ул пари бу жониб ўлғай ногаҳон мойил.

Агар масжидға кирдим ҳалқаи зикринг аро, эй шайх,
Вале майхонаю мутриб сари мен ҳар замон мойил.

Неча гумраҳға исён бўлса, лекин кўптур уммиди,
Ағар туз йўлға кўнгли гоҳ-гоҳ ўлса ниҳон мойил.

Навоийнинг бузуғ кўнглини манзил қилди ғам хайли,
Нечукким тушкали вайронға бўлғай корвон мойил.

390

Онча бўлди тан ўқунгдин ичкари, ташқори йўл,
Ким ажал кирмакка, жон чиқмоққадур ҳар сори йўл.

Доира атрофидин марказга чеккандек хутут,
Тийрборони фалак кўнглумга топмиш бори йўл.

Ўқларинғ захм айлагандин танда хайли ғам кириб,
Ўйла ерга еттиларким, йўқтур андин нори йўл.

Кўксума ҳажр ичра тирноғларки чекти шоҳроҳ,
Бу тараф солғай, дедим, ул шаҳсувор илғори йўл.

Риштаи лаълинг хаёли кўз сари келмаккадур,
Буки ҳар ён чекти ашким қатраи қонлори йўл.

Қани муғ кўйики, пири дайр бирла муғбача,
Ўйладурларким топар ул ён йигиту қори йўл.

Гар Навоий кўкси чокин тикти, будур қасдиким,
Топмағай дардинғ ичидин чиққали тошқори йўл.

391

Айлади кўнғлум қуши ул шом гису сори майл,
Шаппарак янғлиғким ул қилғай қоронғу сори майл.

Лаъли ҳижронида рухсорин тилармен ўйлаким,
Бодадин махмур бўлғон, айлагай су сори майл.

Ишқима ушшоқ ширкат қилмағайлар деб эрур,
Кўнглума бир қотили бебок бадхў сори майл.

Ғайрдин кўнглумни соф эттим юзунг акси учун,
Гарчи худбинсен санга бўлмас бу кўзгу сори майл.

Эшитиб ақшом кўнгул афсонасин ушшоқдин,
Қилди мен бедилға навбат еткач уйқу сори майл.

Бу чаманда не вафо бўлғайки, ҳар ён ғунчаси
Зоҳир этмиш булбул аҳволиға кулгу сори майл.

Ҳар тараф мойилдур ул шўху Навоий мунтазир,
Кулбаси ичраки шояд айлагай бу сори майл.

392

Не ажаб майл айласам йўқлуққа ҳар дам, эй кўнгул,
Ким йўқ ўлсам йўқтурур йўқлар кишим ҳам, эй кўнгул.

Фикр этиб билман не навъ эркин кўнгул хуррамлиғи,
Кўрмадим ҳаргиз сени бир дам чу хуррам, эй кўнгул.

Олам аҳлиға вафо кўп қилдиму кўрдум жафо,
Улфатинг бу хайлдин сен бори қил кам, эй кўнгул.

Гар такаллуф қилмасанг сендин эди ҳар нечаким,
Жонима юзланди дарду меҳнату ғам, эй кўнгул.

Қайдаким ҳусн аҳлидин оламға тушти офате,
Ишқидин қилдинг мени расвои олам, эй кўнгул.

Кўзларим шўробасин, ваҳким, оқиздинг юз сари,
Бир малоҳат аҳли тўккач гулга шабнам, эй кўнгул.

Ҳар париким очти бир девонанинг қасдиға зулф,
Айладинг занжирини бўйнумга маҳкам, эй кўнгул.

Ўткан ўтти бори, эмди айла бу пандим қабул,
Ким яна қилма ҳавои жинси одам, эй кўнгул.

Ёнаким севсанг бировни чун қориб тарк этти ишқ,
Бас, Навоий узрини тутқил мусаллам, эй кўнгул.

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «НАВОДИР»ДИН

393

Зиҳи мулкунгнунг ўн секкиз мингдин бири келиб олам,
Бир уйлук қул санға олам аро Ҳавво била Одам.

Бериб чун офариниш маҳвашига ҳикматинг жилва,
Бўлуб рухсори нилий бу мудаввар нилгун торам.

Гул аҳмар, савсан азрақ бу чаман ичра бўлуб андин,
Ки елдин тарбият кожин аларға еткуруб муҳкам.

Нуҳуд фолин кўруб анжумдин аввалги авж мезон,
Чу амринг чарх золин айлабон маккораи қадхам.

Чаманға оташин гулдин чу қўйдунг тоза қонлиғ доғ,
Момуқ оқ гулдин эттинг доғи узра қўйғали марҳам.

Чу ёздинг субҳиға ёрлиқ босарға ол тамғасин,
Шафақдин ҳал қилиб шингарф қилдинг, меҳрдин хотам.

Кусуф ичра қуёшни тобиқун-наъл эттинг ой бирла,
Хирад ваҳм эттиким, ҳамжинс ики ҳарф эрур мудғам.

Чу боглаб бир-бирига ҳикматинг бу коргаҳ вазъин,
Хирадпарвар муҳандисларға сиррин айлабон мубҳам.

Итингдур шоҳлар, йўқтур Навоий итча оллинғда,
Алар иттин кўпу бу ит аёғи туфроғидан кам.

394

Мен гадо махмуру пири дайр элинда жоми Жам,
Айласам ибром, мендин камлигу андин карам.

Эй хушо, муғ дайриким бордур анинг атрофида,
Ҳар синуқ сойил Жаму синған сафоли жоми Жам.

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гадолиғ дайр аро,
Ўзға қилмоқ яхшироққим, ўзгага қилмоқ ситам.

Қайғу гар жон қасди айлар, жоми май дафъин қилур,
Ғам нечаким муҳлик ўлсун, бор эса дофиъ не ғам?!

Эй харобот аҳли, дунлардин мурувват истаманғ,
Доғи ҳирмон жонда хушроққим, арозилдин дирам.

Шайх ғафлатдин самад зикрин қилурдин яхшироқ,
Муғки дайр ичра дегай огоҳлик бирла санам.

Бир қадам нафс узра қўйғил бирни мақсадға дедим,
Йўл узун деб ема гамким, асл эрур аввал қадам.

Даъвии фақр этсанг, эй зоҳид, гум ўл майхонадин,
Ким бу йўлда кимсага бўлмас вужуд ўлмай адам.

Буки ёр истар эмиш ишқу жунун аҳлиға қатл,
Эй Навоий, шукрким ошиқ мену девона ҳам.

395

Ҳам субҳи оразингдур вардиятун-насойим,
Ҳам шоми сунбулингдур мискиятуш-шамойим.

Ваҳ, ул не хўблуқтурким, қаҳр чоғи сурса,
Юз ҳарфи номулойим, андин келур мулойим.

Бир кеча тушта кўрдум ул зулф бирла юзни,
Бахтим киби тилармен, бўлсам ҳамиша нойим.

Ҳар кун хаёлу доим будур мурод ҳамким,
Бўлсам қошида ҳар кун, боқсам юзига доим.

Кўнглумдин олди ул кўз орому сабр нақдин,
Бир туркдекки олғай торож ила ғанойим.

Суфий кўзу кўнгулни пок этмаса не осиғ,
Ўткарса тунни қойим ё бўлса кунда сойим.

Юз оҳ, эй Навоий, ким ул қуёшқа етмас,
Гарчи етар ғамидин ғардунға оҳу войим.

396

Не итни ул бути беғонаваш итики соғиндим,
Ит ошноға ёлинғон киби ул итка ёлиндим.

Юзи назораси дафъ айлади совуғ нафасимни,
Ёланг гадой киби офтобрўда исиндим.

Жунун йўлида бу расвоға ёпма пардаи исмат,
Ки йўл қолур агар андоғ оғир либос ёпиндим.

Чу тиғ чекти манға бўлди қатл давлати рўзи,
Ки эл қочиб, анга-ўқ мен заъифи хаста сиғиндим.

Ўчурди шуълаи оҳимни тиғи, шукрки бори —
Гудозу сўздин андоқки шамъ гам туни тиндим.

Бурунғи ком ажаб йўқ гар ўлса Каъбаи мақсад.
Талаб йўлинда бу дамким фано самандиға миндим.

Сочи кўнгул қушининғ ҳар бириға боғлади торе,
Навоий, эмди сен ўткилки, мен бу навъ илиндим.

397

Ўртанур эл фурқатингдин навҳа бунёд айласам,
Қўзғалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Емрулур бошимға гўёким фалак ғамхонаси,
Ул қуёш ҳамхонам эрканни қачон ёд айласам.

Ҳажр бийми чун етар ғамгин қилур беихтиёр,
Васл умиди бирла кўнглумни неча шод айласам.

Чарху анжумдин куюбмен, айб эмас гар оҳ ила,
Бу неча ахгар била ул кулни барбод айласам.

Дафъ этай дермен жаҳондин ашк ила ғам туфроғин,
Бу бузуғни сел ила истармен обод айласам.

Салтанатдин бода ортуқдур манга юз қатлаким,
Хушроқ эл бедодидин ўзумга бедод айласам.

Эй Навоий, ҳажр аро етти ажал, қилғайму сабр,
Ул Масиҳо ваъдаи васлини миод айласам.

398

Бу кун аҳли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам.

Мени жону жаҳондин ҳажр вақтиким малул эткай,
Ватан ё мулкдин худ ким десун, бал хонумондин ҳам.

Кўнгулдин жонға еттим, эй ажал, неткай халос этсанг,
Мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин ҳам.

Не айрилмоқ дурурким, ёр то айрилди, айрилмиш
Кўнгул мендин, фиғон кўнғлумдину ўтлар фиғондин ҳам.

Манга жононсиз ўлмоқ яхшироқ, эй Хизр, юз қатла,
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри жовидондин ҳам.

Нафас қатъ ўлди ул юз фурқатидин, кўзгу келтурманг,
Ки мен эмди қутулдум ибтилосиз имтиҳондин ҳам.

Ямон-яхшиға кўп зулм этмагилким, гар будур даврон,
Қутулғунг, кимки андин яхшироқ йўқ, мен ёмондин ҳам.

Итига туъма, дарбониға бўлсун муттако ўлсам,
Таним ул кўйдин олманг, бошим ул остондин ҳам.

Фақиҳу—Каъба, ринду — майкада, хушдур Навоийким,
Сенинг ёдинғ била мундин эрур озоду ондин ҳам.

399

Лоладек юзунг хаёлидин тўла қондур кўзум,
Балки лола жомидек қон ичра пинҳондур кўзум.

Ичида су, теграсида ёш қобарған шакл ила,
Сенсизин бир тоза қўйған доғи ҳижрондур кўзум.

Ел хам эткан шамъ ўти андоми бирла ўртанур,
Йўқ ажаб гар кеча тонг отқунча ғирёндур кўзум.

Шохи маржондур қизил раглар, дури ғалтон – сиришк,
Бу зарофатдин биайниҳ баҳри Уммондур кўзум.

Ҳар ёрам жисмимда бир ҳайрон кўз ўлмиш ҳолима,
Турфа кўрким, мунча ҳайрон кўзга ҳайрондур кўзум.

То тўкар жонбахш лаълингнинг хаёлидин сиришк,
Баҳри ашк эрмаски, айни оби ҳайвондур кўзум.

Кўз назар йўлин тилар тутқай видоъ ашкин тўкуб,
Кўз юмуб очқунча юз кўргузки, меҳмондур кўзум.

400

Қадингға Тўби ўлубтур мутию чокар ҳам,
Бу ишга адл тонуқ сарв эрур, санубар ҳам.

Бир учиғаки момуқ чирмалибдурур бошоғинг,
Кўнгул яросиға бўлмиш фатилалиқ марҳам.

Кўнгулки, оҳи тиғидин қароpди пайконинг,
Мени ул этти сияҳрўзу тийра ахтар ҳам.

Ёпишти қонима ҳажринг палоси, ўйлаки бор
Шаҳидликда кафан, хасталиқда бистар ҳам.

Ишимни муғбачалар ишқи ичра сўрса фақиҳ,
Денгизки, боғлади зуннору чекти соғар ҳам.

Кўнгулга шамъи жамолинг солибдурур бир ўт,
Ки тўзмагай анга парвона, бал самандар ҳам.

Хумор заъфида май баҳри ичра ғар тушсам,
Ғариқ мумкин эрур бўлмоғим, шиновар ҳам.

Гадойи васлинг эрур булбул, айла раҳм, эй гул,
Ки бир қарор ила қолмас гадо тавонгар ҳам.

Навоий айтса гаҳ ёва, гоҳ лол ўлса,
Не тонгки, музтариб айлабсен ани музтар ҳам.

401

Чу ёпса наъшим уза муғ палоси идборим,
Белин тонгорға палос узра яхши зуннорим.

Чекиб май аҳли хароботу хирқа чок айлаб,
Кўтарсалар йиғилиб наъш ила тани зорим.

Муғона навҳа била дайр сари азм айлаб,
Чекиб суруди фано ёр, балки ағёрим.

Ясарда дайри фано даргаҳида қабримни,
Борисиға будурур илтимосу зинҳорим.

Ки дайр пирининг оллида бош қўюб, ер ўпуб,
Ниёзлар била арз этсалар бу гуфторим:

Ки мен худ англамай иш сирридин хабар ўттим,
Иш ул дурурки, гаҳи бўлмасанг хабардорим.

Қадам ағар лаҳадим узра қўйсанг эрмас тонг,
Ки бўлса равзаи жаннат бу кулбаи торим.

Умидим охир эрур дайр пирининг карами,
Гар эмди муғбачалар бирладур сару корим.

Навоиё, боқибон фазл баҳри мавжи сари,
Худой учун тилама тавба бирла озорим.

402

Кўнглума ёр истабон меҳнат келурни билмадим,
Жонға етмай ул ҳануз офат келурни билмадим.

Суратин кўрмак таманно айлабон кўрмай ҳануз,
Оллима юз минг ажаб сурат келурни билмадим.

Мен юзин кўрмай ҳануз, эл васл этар эрмиш тамаъ,
Кўнглума мундоқ қотиқ ҳолат келурни билмадим.

Кўрмай охир таркин эттим, ваҳки, мунглуғ жонима
Васл етмай жовидон фурқат келурни билмадим.

Ишқ кўйида бало кўп кўрмагин билдим валек,
Ёр таркин тутқуча ғайрат келурни билмадим.

Реш этиб кўнглумни улким, деди: марҳам келтурай,
Марҳам андин ништари ҳасрат келурни билмадим.

Ул рафиқеким анга дедимки, жон айлай туфайл,
Мунча андин жонима ваҳшат келурни билмадим.

Кўнглума асҳоб зулми жанбида, во ҳасрато,
Чарх нешин марҳами роҳат келурни билмадим.

Ишқ шаҳроҳиға кирмакни хаёл этмак била,
Оллима юз водийи ҳайрат келурни билмадим.

Эй Навоий, қилмағунча мосиволлоҳ таркини,
Комим ичра журъаи ваҳдат келурни билмадим.

403

Зулмати ҳижрон қилур қатъи ҳаётим дам-бадам,
Эй Масиҳи Хизрпай бошимга еткур бир қадам.

Новакинг кўнглум аро синғай дебон пайванд учун,
Кўз қароси обнўсу қон ёшим бўлмиш бақам.

Бошда тиғинг, жон аро новакларингнинг шарҳини,
Ёзарам доимки бор бу ишда ҳамдардим қалам.

Ёр келмиш қабрима, ҳар ён соғинманг лолаким,
Ғайрини ўртарга ғайрат ўтлари урмиш алам.

Руҳ учар ҳар ён, вале ўртар парин ҳижрон ўти,
Оҳ, агар ул тоири давлат бу ўттин қилса рам.

Эйки, шоҳид кўзу зулфу оғзиға ошуфтасен,
Бир тааммул айлаким, бордур бу мақсудинг адам.

Гар Навоий ишқи ортар, оҳидин сен ваҳм қил,
Ким ўчурур шамъни гарчи ёрутур ўтни дам.

404

Лаълингки, соғиндим ани жон розиға маҳрам,
Билмонки недин хат чиқарур қонима ҳар дам.

Терлаб гул уза сабзанг ўлубтур тару тоза,
Хат гарчи ҳамиша бузулур бўлса варақ нам.

Бош саждаға роғибдур, кўз сурмаға толиб,
Йўлунгда ажаб эрмас агар бўлса қадим хам.

Эл панд берур кўнглума, сен новак отарсен,
Неткай эдим ул захмға бўлмаса бу марҳам.

Билгилки, кўнгул шуъласин изҳор қилибмен,
Ул кунки, тугашқай ғам ўтидин бари олам.

Гар оқибат аҳволиға мен воқиф эмасмен,
Кимдурким анга қолмади бу масъала мубҳам?

Гар итти эса хаста кўнгул ғам ема, эй ақл,
Ғам егали бордур, чу Навоий, санга не ғам?!

405

Ҳажридин кўксумни дермен ўйла афгор айласам,
Ким ичим ҳолини тошимдин намудор айласам.

Чун мени мажнун шажар яфроғидин қилдим либос,
Авло улдурким гияҳдин эмди дастор айласам.

Истарамким, руқъасин ғамгин кўнгул оромиға,
Риштаи жонимға чексам, доғи тумор айласам.

Ҳар сари мў бир тил ўлмиш ишқим иқрориға, вой,
Ким инонғай эмди юз тил бирла инкор айласам?

Телба кўнғлум бехуду ёр ул тараф юзланди, оҳ,
Дарк қилмас нешлар санчиб хабардор айласам.

Ҳажр селоби бузар гар ашку жисмим туфроғин,
Ҳар нечаким сабр уйи тарҳиға девор айласам.

Ҳажрдин кўксум эрур озурда, соғар лойидин
Суртубон марҳам, тилармен дафъи озор айласам.

Не қазодин келса таслим ўлмоқ авло, чунки йўқ
Суди гар қилсам ситез, ар ўзни кўп зор айласам.

Эй Навоий, майни то тарк эттим ортибдур ғамим,
Истарамким эмди азми кўйи хаммор айласам.

406

Борди ёру тўзмон эл бормоққа ҳам, турмоққа ҳам,
Чин десам, рашк ўлтурур Тангрига топшурмоққа ҳам.

Кўрсам ул юз кўзгусин тағъйир ваҳмидин эмас,
Қаттиқ оҳ урмоққа ҳад, сокин нафас урмоққа ҳам.

Ул паридин лутф ағар зулм ўлса андоқ телбамен,
Ким шуурим йўқ севунмакликка, қайғурмоққа ҳам.

Ўлтуруб ёниға мен киммен юзин ўпмоққаким,
Йўқ ҳадим кўйида ер ўпмакка, ўлтурмоққа ҳам.

Нотавон жисмимда юз новак фироқинг хайлидин,
Ким кучим етмас бирин тортарға, синдурмоққа ҳам.

Демагил ишқин ниҳон тутқил мени урёнғаким,
Тиғи захмин йўқ нимам боғларға, ёшурмоққа ҳам.

Тут Навоий, ишқи зулмин хуш, чу йўқтур ихтиёр,
Ул кўнгул олмоққа ҳам, сен кўнглунг олдурмоққа ҳам.

407

Ул қуёш юзлукни ҳар тун ёд қилмоқдур ишим,
Ўз-ўзумга то саҳар бедод қилмоқдур ишим.

Баски, фарёд айламактин ҳар дам ўздин борибон,
Ҳолима келгач, яна фарёд қилмоқдур ишим.

Телбалардек ҳар дам айтиб ул пари афсонасин,
Топмайин мақтаъ яна бунъёд қилмоқдур ишим.

Ашк этиб сабрим уйин вайрону ҳар дам оҳ ила,
Ул бузуғнинг туфроғин барбод қилмоқдур ишим.

Нахли қаддин чун хаёл айлаб қўюб туфроққа бош,
Саждаи ул сарви ҳуризод қилмоқдур ишим.

Ҳажру шавқу чарх муҳлик зулми ичра ҳар нафас
Ўзни юз бедод ила муътод қилмоқдур ишим.

Ғамдин ўлмасликка боисдур муҳол андишаким,
Васл умиди бирла ўзни шод қилмоқдур ишим.

Ваҳки, ер тутмас неча ҳар лаҳза шайдо кўнглума,
Сабру тоқат шевасин иршод қилмоқдур ишим.

Йиғласам таскин топар кўнглум, Навоий, войким,
Ул бузуғни сел ила обод қилмоқдур ишим.

408

Гар анинг васлиға ҳаддим йўқ, эрур хуш ёди ҳам,
Ул мени ёд этмаса, басдур анинг бедоди ҳам.

Боғ аро рухсору қаддинг жилвасин то кўрдилар,
Бўлди обу тобсиз гулбарги ҳам, шамшоди ҳам.

Лайлию Ширин бўлуб сендин хижил, мендин доғи,
Ҳам анинг Мажнунидур ҳайрон, мунунг Фарҳоди ҳам.

Аллоҳ-Аллоҳ, не балодурким, лабу мужгон била,
Ёлғуз эл тиргузгучи йўқким, эрур жаллоди ҳам.

Қатл учун кўнглумга кирди, қўрқарамким ўтидин,
Тошдек кўнгли су бўлғой, ханжари пўлоди ҳам.

Не бало бераҳмдурур ул ойки, кўнғлумнинг анга
Ёшурун оҳи асар қилмас, бийик фарёди ҳам.

Бандаю озодга бедод этар бу боғнинг —
Сунбулининг ҳиндуси ҳам, савсани озоди ҳам.

Қилма зоҳир давлатию меҳнатиға эътибор,
Ким анинг доғи вафоси йўқ, мунунг бунёди ҳам.

Бийми ҳажридин, Навоий, гар йўқ эмин маргдек,
Шукрким, эрмас муайян маргдек миоди ҳам.

409

Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим,
Ўз-ўзумни куч била расвои олам айладим.

Аҳли роз эл оллида одам деса бўлмас мени,
Менки ўз розимға маҳрам жинси одам айладим.

Булъажаб сирримни махфий асрамоқ душвор эди,
Барча гар Фарҳод ила Мажнунни ҳамдам айладим.

Ўз ғамим ифшосидин оламниким қилдим қаро,
Иш ўзумға демаким, оламға мотам айладим.

Айладим жонимға юз бедод, лекин ўлмаги,
Сиррим ифшоси била эрди, ани ҳам айладим.

Элға расво бўлмоғи бўлдум не суд эмди, агар
Юз туман мисмор ила оғзимни муҳкам айладим.

Кофири ишқ ўлмоқ эрмиш фош қилмоқ сирри ишқ,
Номусулмонлиқни кўнғлумга мусаллам айладим.

Шодмен аҳли замон бирла замондинким, ўзум
Айладим ўз қисматим андуҳ, агар ғам айладим.

Эй Навоий, дема сирринг кимсага мундоқки, мен
Кимсани дард аҳли деб, сирримға маҳрам айладим.

410

Дам-бадам ҳар кун ул ой бедодини ёд айларам,
Кеча турлук-турлук ўз жонимға бедод айларам.

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Зулфу юзи ҳажридин ғам шоми анжум гулларин,
Тундбоди оҳдин ҳар лаҳза барбод айларам.

Ўзни қатл уммидию ағёр қатли биймидин,
Лаҳзае шод айласам, юз лаҳза ношод айларам.

Қомату рухсоридин бўе топармен, эй рафиқ,
Буки ҳар дам гулшан ичра майли шамшод айларам.

Сўрманг, эй ушшоқ, мендин нукта пири ишқ деб,
Негаким куймак била ўлмакни иршод айларам.

Эй Навоий, ҳар жафо келса ул ойдин элга ҳам,
Рашкдин мажмуъин ўз жонимға иснод айларам.

411

Эйки аввал қоматинг васфини шамшод айладим,
Сарви жаннат бўлки, эмди сени озод айладим.

Ўзгаларни давлати васлингда хуш тут, чунки мен
Хаста кўнғлумни ғами ҳижрон била шод айладим.

Хоҳ сен ёр ўл манга, хоҳ ўзгаларнинг ёри бўл,
Чун мен ўз табъимни бекасликка муътод айладим.

Мужда бер, эй шайхким, тортиб надомат оҳини,
Булҳаваслиқ жузви авроқини барбод айладим.

Неча мен маҳрум ўлуб бўлғай анга маҳрам рақиб,
Шукрким, ғайрат тариқин оқибат ёд айладим.

Ул вафосиз ишқини тарк этмагунча тинмадим.
Не ёмон соатда бу шум ишни бунёд айладим.

Эй Навоий, ҳеч билмонким, уноғойму кўнгул,
Анга мунча ажнабий сўзларки иршод айладим.

412

Етти сўзи ҳажру чектим оҳи дардолуд ҳам,
Хаста жоним куйдию бошимға чиқти дуд ҳам.

Ким вафо аҳлин синуқтурса билурмен ончаким,
Кўп зиён қилмаса боре қилмағай кўп суд ҳам.

Истаган Мажнун мазорин, келки андин кам эмас,
Телба қўнғлумни ёшурғон жисми ғамфарсуд ҳам.

Анжум эрмас, ғам туниким, ишрат абвобин сипеҳр
Михдўз айлаб, саросар қилди қийрандуд ҳам.

Муддаи, кўп кулма идборимғаким, ёр оллида,
Сен киби мақбул эдим бир чоқ мени мардуд ҳам.

Кўп торикма, эй кўнгул, ул шўх ҳижрони аро,
Шояд ушбу ишда-ўқ эрди экин беҳбуд ҳам.

Эй Навоий, бўлмаса ёре фироқингдин малул,
Айрилурда яхшироққким қилмасанг падруд ҳам.

413

Яна фироқ ўтиға тушти тоблиғ кўнглум,
Тараҳҳумеки қиладур хароблиғ кўнғлум.

Соғинса ғунчанг учун қонға эврулур ҳар дам,
Бу юз жароҳат ила печу тоблиғ кўнглум.

Фироқу дард қачон тузса базм кулбам аро,
Берур кўзум майи лаълу кабоблиғ — кўнглум.

Эрур шарораки хуршид сари борғай тез,
Юзунг висолиға жаҳду шитоблиғ кўнглум.

Юзунгни кўрдум эса су била балиғдек ўлур,
Қарорсиз таниму изтироблиғ кўнглум.

Фано ели қаниким, очса чеҳраи мақсуд,
Ки тан ғуборида бўлмиш ҳижоблиғ кўнглум.

Навоий ғам едию ўлди, доғи топти висол,
Не топмасун бу сифат хўрду хоблиғ кўнглум.

414

Кеча куйдурди фалакни шуълаи тобу табим,
Кундуз ул ойға ета олғайму, ё Раб-ё Рабим?

Еткурур жонимға офатлар узори узра хол,
Рост андоққим, қарориб суға тушкай кавкабим.

Айтдим: «Бошимни фитрокингга чек, эй шаҳсувор».
Деди: «Бош асрардек эрмас тезликдин маркабим».

Туфроғ ўлдум, ишқ, агар қилсанг иморат яхшидур,
Хишт қўймоққа фано майхонасида қолабим.

Даҳр бозорида умре ишқ таврин касб этиб,
Ақлу дин нақдинки олдурдум бу эрди максабим.

Маст агар сажданг қилурмен ёпма юз, эй муғбача,
Не учунким дайр пири мазҳабидур машрабим.

Эй Навоий, тоза жон топтим ҳамоно оғзима
Дурд жомидин томизди соқийи нўшинлабим.

415

Ҳажри мундоқки, узар бир-биридин пайвандим,
Кўргай эл ҳар итининг оғзида бир паркандим.

Тори умрум ажал илгидин узулса ғам эмас,
Тори зулфунгға агар муҳкам эрур пайвандим.

Қоматинг ҳожат эрур жонға, раво қил аниким,
Ноумид ўлмасун оллингда бу ҳожатмандим.

Кўзга десам: «Нега ёшингни назардин солдинғ?»
Дерки: «Ғаммоздурур, гарчи эрур фарзандим».

Соқиё, ўт киби боданг била кулбамни ёрут,
Ким хумор ичра ул ўт ҳасратидин ўртандим.

Айлайолмон сафари дашти фано ўзлук ила,
Эй Навоий, негаким асру оғирдур бандим.

Носиҳо, ошиқу девонамену масти хароб,
Санга не от қўяр эл, буки дегайсен пандим.

416

Нўши лабини ҳар неча сўрдум, ўсонмадим,
Ичмак била ҳаёт зулолини қонмадим.

Зоҳид дедики: «Раҳн этибон хирқа дайр аро,
Қилмишсен анда бутқа доғи сажда!» Тонмадим.

Муғ пири май бериб, тилади жонни муғбача,
Ҳар неки дедилар қилуридин тожонмадим.

Сархайл эдим бу кеча харобот аҳлиға,
Ул салтанатни лек ўзумга инонмадим.

Ақл этти манъ муғбачаю дайрдин басе,
Кўп ўгди ҳуру равзани, лекин бегонмадим.

Шукр, эй кўнгулки, бўлмадим афлок жавридин
Ошуфтаҳолу жоҳиға доғи қувонмадим.

Азм эттим, эй Навоий, ул ой сори бу кеча,
Маҳвашлар очти шуълаи рухсору ёнмадим.

417

Бақо дашти нечук қатъ ўлмасун айлаб мурур айём,
Ки ҳар манзил анға бир кундуру, ҳар дам анға бир ғом.

Бўлур манзилда турмоқ муддате, гом урмамоқ кўп вақт,
Бу манзил қатъию бу гомдин бўлмас даме ором.

Ажойиб қатъи бир манзилда гомидурки, ўрнидин
Киши тебранмайин ҳам қатъ ўлур, ҳам солилур ноком.

Бу янглиғ манзилу гоми зарурий чун эрур воқиъ,
Ҳам авло Каъбаи мақсуд сари боғламоқ эҳром.

Сулуку сайрким кўрмишки гар чилланишин қори
Ва ёхуд чилла ичра тифл тенгдур анда субҳу шом.

Эрур бу турфаким мундоқ сулуку сайр аро солик,
Эмас ўз ихтиёри бирла не оғозу не анжом.

Бу андин турфароқким, етмайин мақсадқа мингдин бир,
Бу йўл қатъида туфроғ ўлдилар йўл топмайин итмом.

Мусофирким бу йўл оллиға тушкай тарфатул-айне,
Агар ўз ҳолидин ғофил бўлур, бўлғай бағоят хом.

Илоҳий, йўл эрур беҳад қотиқ, манзил йироқ асру,
Навоий бирла сен бўлсанғ, етар манзилға аввал гом.

418

Тишларимдин ики дандонаки чарх айлади кам,
Рахналар бўлди ажал киргали жон чиққали ҳам.

Ҳар бино рахнасини тутса бўлур турфа буким,
Мумкин эрмас бу ики рахнани қилмоқ муҳкам.

Турфароқ буки неча қилса риоят тўкулур,
Бу фано рахнасининг икки ёнидин ҳар дам.

Демаким, бўлди ажал кирмак учун рахнаву бас,
Ангача йўл будурур киргали минғ турлук ғам.

Юз ситамдур манга тиш рахналаридин, гўё,
Тишни синким дедилар, бор эмиш ул сини ситам.

Йўққи тиш сини ситам бўлдию бас, кўзда доғи
Қолмади нури ани доғи дегил айни адам.

Тиш ики рахнасидин ҳасрату ғам дуди чиқиб,
Тутти гўё кўз ики кўзгусини занги зулам.

Тийралик бирла шикастики тишу кўз йўлидин,
Манга юзланди, демак бўлмас ани кўрмак ҳам.

Бўл, Навоий, сафар оҳангига омодаву чуст,
Ким булар барча ажал пешравидур фафҳам.

419

Менки ҳар дам, дўстлар, бедод этардин зор эсам,
Дўстлар айб этмасунлар душманимға ёр эсам.

Жон фидо қилсам, қилурлар дўстлар душманлиғим
Не ажаб гар дўстлуқ ойинидин безор эсам.

Дўстларға қилмангиз таклиф, эй душманларим,
Заъфдин оғзимға су томизғудек бемор эсам.

Ёғдурурлар тош қотиқ сўзлар била, ваҳ, не ажаб,
Сангсор ўлғон киби боштин-аёғ афгор эсам.

Душманим жон олса хуштур, дўст миннат қўйса йўқ,
Не ажаб душмандин ар жон бирла миннатдор эсам.

Фориғ айлар бу балолардин даме беҳушлуқ,
Бас, тонг эрмас сокини сарманзили хаммор эсам.

Давр аёғидин мени тиргуз дамодам, соқиё,
Ким ўлармен давр зулмидин даме ҳушёр эсам.

Дилбарим Лайли сифатдур англангиз, эй аҳли ишқ,
Бу сабабдиндур агар ҳажрида Мажнунвор эсам.

Эйки, айтурсен, Навоий халқдин озурдадур.
Юз туман озор кўрдум, бор экин мен бор эсам.

420

Қаю манзилки анда ҳосил ўлғой лаҳзае комим,
Бу ҳасрат ўлтурурким, не учун йўқтур дилоромим?

Қачон гул бирла сарв андомиға боқсам чаман ичра,
Бузар кўнглумни ёдимға кириб сарви гуландомим.

Таҳаррук топқали лаълинғ била ғунчанг такаллумда,
Не жоним ичрадур таскину не кўнглумда оромим.

Фироқинг зулмидекдур шоми ҳажрим муддати, яъни
Давосиз дардим ул янглиғдурурким, субҳи йўқ шомим.

Кўнгул олдурмасунлар ҳусн боғи гулларин кўргач,
Сабо, лутф айлабон ишқ аҳлига еткур бу пайғомим.

Харобот ичра ишқу мастлиғдур ҳолим оғози,
Не бўлғай билман, эй пири харобот, анда анжомим.

Риёйи хонақаҳға келмасам, эй шайх, тут маъзур,
Ки гом урғон сойи ул ён кейинрак сийрилур гомим.

Сизу — нўши висол, эй дўстларким, соқийи даврон
Фироқу дард заҳридин тўла қилмиш менинг жомим.

Навоий, мен киму софий тараб майлу таманноси?!
Муқайяд чун эмас мундоққа масти дурдошомим.

421

Май учун дайрдадур оромим,
Дайрнинг эски сафоли жомим.

Дайр пири қўлидин бир соғар
Гар етар, умрдин улдур комим.

Ёқа чоку яланғоч бошу аёқ,
Булъажаб ҳол ила субҳу шомим.

Ўйнатиб муғбачалар маету маланг,
Куфр помоли бўлуб исломим.

Жоми расволиқ ила ҳар дам ўлуб,
Олам аҳлиға салойи омим.

Менмен ўзлук юкидин эмди халос,
Негаким қолмади нангу номим.

Эй Навоий, киринғиз дайрға деб,
Тақво аҳлиға етур пайғомим.

422

Не янглиғ дей қошинда арзи ҳолим,
Ки қолмас они кўргач дер мажолим.

Хаёлим васлдур гар топмасам ҳам,
Тутар хушҳол доим бу хаёлим.

Кўнгулни кўп малул этканда ҳижрон,
Висолинг ёдидур дафъи малолим.

Топиб жон соя гўё қолмас андин,
Хиром этканда ул раъно ниҳолим.

Қолибмен ғам юки остида ул навъ,
Ки тебранмаклик эрмас эҳтимолим.

Фалак зулмин десанг кўрмай, май ичкил,
Ки бас мазлумкуштур чархи золим.

Ўзин гар ўлтурур ғамдин Навоий,
Дема муфритким, улдур эътидолим.

423

Ўтуб санамлар аро бир-бирига кўз солдим,
Сенинг жамолинга еткач кўзум, боқиб қолдим.

Не тиғ солмоқ эрур чун юзунгга кўз солғоч,
Бошимни даҳи бурунроқ аёғингга солдим.

Не ўтдурур буки, етмиш экоч эриб оқти,
Урарға кўксума ердин не тошким олдим.

Сариғ узору қуруқ жисмима фироқ ели
Етиб сомонни совурғон мисоли қўзғолдим.

Қадам яна талабингда бошимдин эткумдур,
Нединки пўя урарда қадам била толдим.

Не бўлди қофиласолор ўзлукум юкидин
Халос қилсаки, бу йўлда асру товшолдим.

Навоиё, дема жисмингда мунча захм недур,
Фироқ хайли қитолида бўйла тўғролдим.

424

Зиҳи биҳишти жамолинг келиб менинг чаманим,
Хату юзунг бу биҳишт ичра сабзаву суманим.

Хатинг вафосида ўлдум, не тонгки ҳашр куни,
Вафо хати била нақш ўлса сарбасар кафаним.

Не навъ мўр киби судрай ўзни кўюнг аро,
Ки мўр судрагудек бўлди заъфдин баданим.

Ғаминг нечукки кўнгул кунжини ватан қилмиш,
Ғамингда гўшаи вайронаедурур ватаним.

Гар ўлмасам итинг ул зулф тобидин недурур,
Ер узра судраладурғон бўюндағи расаним.

Қадаҳға садқа бўлуб бода шамъидин куйсам,
Эмас ғарибки, парвонамен, эрур бу фаним.

Навоиё, манга васли маҳол эрур баским,
Муяссар ўлса йироқтин наззора айлаганим.

Йўқ дема, гар оғзингни десам нуқтаи мавҳум,
Ким анча доғи бўлмади ақл оллида мафҳум.

Рухсоринг уза хатму экин ё қалами сунъ,
Кун сафҳасиға тун рақамин айлади марқум.

Жонимға кўзунг зулми эмас зулм, будур зулм,
Ким мен туратургоч тилагайсен яна мазлум.

Тонг йўқ агар ул юз ёритур тийра уюмни,
Меҳр ўлди чу мавжуд, қилур сояни маъдум.

Ҳуш аҳли сени билмасу мен телба билурмен,
Ким келди пари шеваси девонага маълум.

Май важҳи бер, эй шайх, манга чун дираминг бор,
Ким бухл эрур барча милал оллида мазмум.

Лаълинг майи ёдидин эрур маст Навоий,
Йўқ даврда андоқ яна бир фосиқи маҳрум.

Қароғ эрмаски, қилмишмен кўзум сели йўлин муҳкам,
Сиришк эрмаски, ул йўл беркимай қилмиш тарашшуҳ нам.

Итининг гар аёғи куйди ўтган чоғда қабримдин,
Сўнгаклар туфроғимдин куйдуруб айланг анга марҳам.

Кўнгулдур ул паридин ишқ мулкининг Сулаймони,
Ки ҳам бор оҳидин ел ҳукмида, ҳам доғидин хотам.

Қуёшнинг қурбидин ойким ҳилол ўлғай эрур андоқ,
Ки бир маҳваш санга еткач, ер ўпмакликка бўлғай хам.

Париваш тифллардин ҳар замон ортар жунунумким,
Берурлар ҳушу ақлим қушлариға тош отардин рам.

Улустин чиқтиму ҳар дам қочармен соядин ҳам, ваҳ,
Ки ногаҳ ул қуёш сиррин десам ул ҳам эмас маҳрам.

Шикоф эрмас қаламдаким фироқим шарҳи ёзғондин,
Ёқа чоқ айлабон чирмаб қаро бўлмиш анга мотам.

Бу эрса майки куйдурди вужудум кишварин атри,
Яқин бил, соқиёким, жом сиррин билмай ўтмиш Жам.

Май ич даҳр ичраким иш сирридин англай десанг рамзе,
Эрур ҳар зарранинг моҳияти хуршиддин мубҳам.

Саҳар кун ашҳабиға чун керактур поймол ўлмоқ,
Фалак майдониға ҳар тун қамардек сурди тут адҳам.

Навоий дарди ҳолидин дам очмас бўлса, айб этманг,
Не дам очсун бировким, топмади оламда бир ҳамдам.

427

Сарви озодимни боғ ичра хиромон истарам,
Сабзасин сарсабзу гулбаргини хандон истарам.

Дард жононимда, балким юз алам жонимдадур,
Йўққи, жононимға, бал жонимға дармон истарам.

Тийрадур вайроним онсиз, ваҳ, яна бир қатла ҳам
Ул қуёшни байтул-аҳзонимда меҳмон истарам.

Нафъ этар бўлса ҳино янглиғ кафи пойингға қон,
Чок этиб кўксум ани бағримда пинҳон истарам.

Эй Хизр, ҳайвон суйи тут дам-бадамким ёр учун,
Садқа қилмоқлиқ учун ҳар лаҳза бир жон истарам.

Муждае бергил мизожи сиҳҳатидин, эй табиб,
Ким бу пайғоминг учун жонимни қурбон истарам.

Ўқ киби қаддин кўруб рафторада чун ўлмадинг,
Эй Навоий, кўзларингда нўги пайкон истарам.

428

Чу бердим жонни, қилма зулм расму қатл ойин ҳам,
Қатилинг бўлдум, урма новаки ғам, ханжари кин ҳам.

Лабинг шавқида бир девонаи банди наботи Миср,
Сочинг савдосида бир пўстпўше нофаи Чин ҳам.

Юзунг васфин деб ўткан тун дури ашким тўкар эрдим,
Тутуб тоғ кейнин ой кирди, қаро туфроққа Парвин ҳам.

Лабинг ҳушум олиб қон ёш юзумга тўкса, айб эрмас,
Мукаййиф лаъл майдин маст ўлур эл чеҳра рангин ҳам.

Чу сен сархуш чиқиб кўнглакча рахшингға бериб жавлон,
Бўлуб шайдо кўнгул беҳол ақли маслаҳатбин ҳам.

Кўнгул сўзин қиличинг қилди кам, не айб оҳ урсам,
Су урғоч ўтқа ортар дуд, топса шуъла таскин ҳам

Жамолингға ниҳоят йўқлуғи ишқим кибидурким,
Эмас мумкин демак миқдорин айтмак, балки тахмин ҳам.

Неча насринбару гулрух эсанг қилғил вафо майли,
Ки гул ҳам бевафолиғ кўрди бу гулшанда, насрин ҳам.

Навоий маст бутқа сажда қилса не ажаб, эй шайх,
Ки чун дайр ичра кирди ақл учти бошидин, дин ҳам.

429

Яна ишқ аро зордурмен, ҳазин ҳам,
Бориб ишқ торожиға ақлу дин ҳам.

Бадан дарддин ранжаву хаста доғи,
Кўнгул ҳажрдин зору андуҳгин ҳам.

Юзунғдин чаманда су бориб ўзидин,
Қизармиш уятдин гули оташин ҳам.

Ғаминг тошидин йўққи, захм ўлди бошим,
Йўлунг туфроғидин ёпилмиш жабин ҳам.

Кўзунг Чин ғазолию остида холи,
Анинғ нофасидин томиб мушки Чин ҳам.

Бўлуб сожид ул бутқа ширк аҳли йўқ-йўқ,
Демон ширк аҳлики, аҳли яқин ҳам.

Навоий жаҳондин не нафъ олса бўлғой,
Ки зиндоне эрур, марг айлаб камин ҳам.

430

Тоқибон жон риштасин руқъангни тумор айладим,
Захмлиқ кўксумга ондин дафъи озор айладим.

Кўнглаким ёпишти қонлиғ танға андоққим тери,
Баски тошлар захмидин жисмимни афгор айладим.

Оразинг ҳажрида қонлиғ қўнглум ўлди лоладек,
Доғидин савдои ишқингни намудор айладим.

Жонинғ олғум деб эдинг, муҳликдурур дарди фироқ,
Қолмасун кўнглунг сенинг аввал хабардор айладим.

Хирқаву дафтарни келтур, майға раҳн эт, эй рафиқ,
Хонақаҳдин мен чу азми кўйи хаммор айладим.

Давлати фақру фано вобастаи тавфиқ эмиш,
Бўлмади ҳар неча жидду жаҳд изҳор айладим.

Эй Навоий, фақр йўлинда ура олдим қадам,
То солиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор айладим.

431

Содаваш ёрим бағоят пурфан эрмиш англадим,
Ошкоро дўст, пинҳон душман эрмиш англадим.

Мен муқайяд ҳажр зиндонидаю аҳбоб ила
Ҳар кун ул гулрухқа азми гулшан эрмиш англадим.

Менки бу ҳижрон тунида ўлдуму бўлмас саҳар,
Шамъи меҳр оҳим ўтидин равшан эрмиш англадим.

Дам-бадам оҳим ўтиким чиқти кўнглум захмидин,
Ўқидин бу кулба равзан-равзан эрмиш англадим.

Лаълидин эл жон тилаб, мен жон бериб мардудмен,
Хотириға қайси иш мустаҳсан эрмиш англадим.

Бу чаманда кўнглакин гул чок айлардин иши,
Булбул аҳволиға ҳар кун шеван эрмиш англадим.

Эй Навоий, буки кўнглумни бирав сайд айламиш,
Ғам ема, ул чобуки сайдафкан эрмиш англадим.

432

Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим,
Ваҳки, зоҳир бўлди расволиқ уза расволиғим.

Ул паридин айру бас девоналиғдин девмен,
Заъфу қовмоғлиғ эмас кўйида нопайдолиғим.

Туфроғ ўлдум, ул қуёш ҳажриндаву суд этмади,
Чархи сойирдек ани истай жаҳонпаймолиғим.

Гарчи тушти шамъдек бошимға ўт, бўйнумға тиғ,
Бўлмади кам шоми ҳижронингда побаржолиғим.

Ҳусн аро чун ўйла фард ўлдунгки, йўқ ҳамто санга,
Ишқинг ичра хуш келур даҳр аҳлидин яктолиғим.

Соқиё, май берки бу дайри куҳан авзоида
Бўлди ўз нодонлиғимни англамоқ донолиғим.

Эй Навоий, кўп ниҳон тутқум ва лекин оқибат,
Ёр маълум айламиш ошиқлиқу шайдолиғим.

433

Нега қон ёшим оқизди дилситоним билмадим,
Не гуноҳ айлаб эдимким, тўкти қоним билмадим.

Озди кўнглум сайр этиб чиққунча ул ой кўйини,
Қайда қолди ул заифи нотавоним билмадим.

Демадингму, дема, рашкимники боқтинг ғайрима,
Билмадим, эй кофири номеҳрибоним, билмадим.

Сўрғали келганда заъфимдин ўзумдин бормишам,
Чун сўруб қўпти, не янглиғ чиқти жоним билмадим.

Ул пари то жилва қилди борди кўнглум, ваҳ, қаён
Бўлди ул оввораи бехонумоним билмадим.

Дўстдин билдим нишон, то топмадим ўздин нишон
Лек ўздин токи бор эрди нишоним билмадим.

Эй Навоий, ёр кўнгли меҳрму қилди аён
Ё асар қилди анга ўтлуқ фиғоним, билмадим.

434

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб, соғиндим, ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, ғафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул, кўз бирла фош этмак не тонғ
Қалбу тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосиға гирифтор истадим.

435

Лоларўюм бордию ишқин ниҳоний асрадим,
Кўзда қон, кўнглум аро доғи нишоний асрадим.

Айлади бир оҳ дуди бирла элга ошкор,
Ишқ ўтин нечаки кўнглумда ниҳоний асрадим.

Ҳар замон кўнглум ҳалок ўлса не ғам, чун жон аро,
Лаблари шавқидин оби зиндагоний асрадим.

Зойил эрмас ишқ бир соат кўнгулдин, войким,
Они жонимга балойи жовидоний асрадим.

Бўлса меҳмоним ити, кўнглумни қилса туъма ҳам
Айб эмас невчунки, мундоқ кунга они асрадим.

Нақди жонимни бериб май келтурунг, эй дўстлар,
Ким ани ичмак учун бир дўстгони асрадим.

Хонумоним гар қаро бўлди, Навоий, не ажаб,
Мен чу бир тун ул кўзу, қоши қарони асрадим.

436

Чун ўлармен бир нафас ул дилрабони кўрмасам,
Не ҳаёт имкони бўлғай бир кун они кўрмасам.

Кўнглум ичра топилур ғам новакидин юз нишон.
Ўқидин ҳар кун танимда юз нишони кўрмасам.

Кўнгул итти, кўзни доғи истарам ашк этса кўр,
Ким тилармен ҳаргиз ул юзи қарони кўрмасам.

Соғинурмен куфри зулфи можаросидин басе,
Гар даме ул шўхи кофирможарони кўрмасам.

Ким вафо гулчеҳралардин кўрдиким, мен кўргамен,
Бўлмас ушбу айб ила ул дилрабони кўрмасам.

Ҳар бири юз миннат айларлар, эрур бу ҳам жафо,
Олам аҳлидин не кунким, юз жафони кўрмасам.

Эй Навоий, не балодурким, ўлармен қайғудин,
Гар даме оллимда ул шўх балони кўрмасам.

437

Лаълича эмас оғзи қилур вақт такаллум,
Гўёки қилиптур бу хижолатдин ўзин гум.

Ҳайвон суйининг ғулғулию рашҳаси янглиғ,
Лаълингға гаҳи қаҳ-қаҳадур, гоҳ табассум.

Ишқ ичра нечукким менга йўқ сабру таҳаммул,
Ҳусн аҳлида йўқ сен киби бемеҳру тараҳҳум.

Қайтарма инон, зулм этиб, эй шўхки, қўймиш
Йўлунг аро туфрог уза юз аҳли тазаллум.

Майдонда бировни, деди, ўлтургум уруб тиғ,
Еткунча менинг бошима ўлтурди таваҳҳум.

Чун бода йиқор даврда не софу не дурдий,
Чун давр ўтар хоҳ аламу хоҳ танаъум.

Булбуллар олур нолани таълим, агар этса
Боғ ичра Навоий ўз-ўзи бирла тараннум.

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «НАВОДИР»ДИН

438

Эй кўнгул, айлама даҳр эски работин маскан,
Ким работ ўлмади ҳаргиз сафар аҳлиға ватан.

Навсафар сенсену мақсад йироқу маркаб — ланг,
Йўл махуф, айлама зинҳор аро ерда маскан.

Йўл билур қофиладин тушмагил айруким, бор
Бу биёбон аро ҳам ғул кўпу ҳам раҳзан.

Йўл эрур жодаи шаръ доғи тўшау су,
Санға ойини убудият, анга фарзу сунан.

Йўл билур қофила ул навъки дилбар васлин,
Тилабон қилди бори ўзига йўл қатъини фан.

Эй хуш, ул роҳрави гармки, бу йўл қатъин,
Барқи ҳотифдек этар даҳрни айлаб равшан.

Ишқ водийси ажаб водий эрурким, ҳар мўр
Анда шерафкану ҳар пашша эрур пилафкан.

Соқиё, ўзлук ила мушкил эрур қатъи анинг,
Дермен, ўздин борайин, жомима қуй дурдидан.

Ўйла ўтким, киши ичкач бошидин чиққай дуд,
Куйгай андин хираду донишу бал жон била тан.

Ғайр нақшидин этиб лавҳи замирин софий,
Ёр қолғай доғи ул балки бири сирру алан.

Эй Навоий, тиласанг фақр йўлининг қатъи,
Урма ул сари қадам фонийи маҳз ўлмас экан.

439

Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун,
Менда ҳам Фарҳоду Мажнундин фузун ишқу жунун.

Ғам эмас чун хоки роҳидин топармен жон иси,
Гарчи муҳлик ғам юки қаддимни айлабтур нигун.

Зулфунг оллида фусунгар кўзларинг ҳар гўшадин,
Гўйи ул мушкин йилон қайдиға айларлар фусун.

Ёғдуруб новак бузуғ кўнглум иморат айладинг,
Гўйиё пилпўш этиб қўйдунг анга ҳар ён сутун.

Лабларинг ҳажринда гирён кўзларимнинг қонлари,
Қатрае гар томса бир дарёни айлар лаългун.

Ҳусн айёмида хуш тут зарраларни, эй қуёш,
Ким бу кунларни бағоят қисқа айлар чархи дун.

Бошим узра фурқатинг тошини кўрсанг билгасен,
Нуқта зоҳир айламиш гўё Навоий узра нун.

440

Бенавомен айру хайли ҳамдаму ҳамроздин,
Заъфлиғ ул тор янглиғким, узулгай создин.

Қолдиму ноз уйқусинда туну кун кофир кўзунг,
Ё очилмас нотавонлар сори айни ноздин.

Сўз демай жонбахш лаълингким ўлукни тиргузур,
Кўрса Руҳуллаҳ ани дам урмағай эъжоздин.

Ҳеч жониб кўйидин кўнглум қила олмас ҳаво,
Ўйла қуш янглиғки қолмиш бўлғай ул парвоздин.

Новакандоз ўлғали кофир кўзунг, эй қоши ё,
Кимсага жон қолмағай фаҳм айладим андоздин.

То сиришким қилди сиррим фош, кўздин солмишам,
Эҳтироз, эй дўстлар, вожибдурур ғаммоздин.

Чарх ўртанғай қуёш ўтиға кўрганни десам,
Ул қуёш бедодию чархи жафопардоздин.

Қўрқутуб элни тамуғ, лекин мени қисми азал,
Элга ваҳм анжомдин, аммо манга оғоздин.

Даҳр аро не кўпка чун топқунг бақо, не озға,
Эй Навоий, озу кўп сўз дема кўпу оздин.

441

Улча кўнглум кўрди, ожизмен ани изҳордин,
Ул қуёш рафторидин ё чархи кажрафтордин.

Сарсари ҳижрон эсар, ваҳким, сочинг савдосида,
Нотавон кўнглум осилғондекдурур бир тордин.

Тўкти захмимдин багир қонини ҳижрон нолиши,
Ўйлаким сиқмоқ била эл су оқизғай нордин.

Рост ул янглиғки сурган ердин урғай сабза бош,
Чиқти пайконинг учи ҳар ён тани афгордин.

Менда бийми ҳажр, дерлар найлали чоранг дегил,
Халқ сўргондек васият нақл этар бемордин.

Кофири масте йўлум урмишки, дайр ўлмиш ерим,
Дайр аро ҳам балки чиқмон кулбаи хаммордин.

Чун мен ўлдум кофири ишқ, эй мусулмонлар, денгиз,
Ким не чорам бўлғай эмди бут била зуннордин?

Шайх имонин менинг куфрум била тенг тутмасун,
Ким яқиндур куфрдин ҳам кечкамен бу ордин.

Эй Навоий, билки бўлмас чеҳраи мақсудни
Пардадин кўрмак, хусусан пардаи пиндордин.

442

Гарчи тўкти қон кўзум сенсиз ҳамон кўнғлум ҳамон,
Не кўнгулдин бир замон чиқтинг, не кўздин бир замон.

Чун танимни ҳажр ўти куйдурди, оҳ урсам не тонг,
Дуд қилмай найлагай ахгар уза тушкан сомон.

Ҳажр ўтининғ дуди кўз очмоққа қўймас, оҳким,
Кўз юмуб очқунча ҳижрон зулмидин топмон омон.

Даҳр аро яхши-ёмон ичра басе қилдим назар,
Дилбаримдин яхши йўқ, андоққи йўқ мендин ёмон.

Ваҳшатим дашт узра зоҳирдур жунундин ончаким,
Ваҳшким Мажнунға ром эрди, эрур мендин рамон.

Соқиё, ҳижрондин ўлдум, айлагил бехуд мени.
Қуй тўлоким, бода ёхуд заҳр эканни толғамон.

Эй Навоий, бир замон гар васл топсанғ айш қил,
Ким замонға мумкин эрмас ҳеч ким бўлмоқ зимон.

443

Лаъли шавқиндаки боғланди кўзум устида қон,
Ангадур суқбаи пинҳон, мунғадур доғи ниҳон.

Заъфим андоқки бузуқ ичра ҳануз ўлмай мўр,
Уйига судрабу йўқ менда қутилмоқ имкон.

Не ажаб кўнглум уйин бузса сиришким югуруб,
Ғунчанинг гунбазини ёшлар этарлар вайрон.

Ғуссадин чангдек ар нола қилурмен не ажаб,
Эгри қадим аро ҳар гўша эрур бир пайкон.

Йўқ ажаб, етмаса фарёдимаким, кўйи аро,
Юз фиғон ичра нетиб анга етишкай бу фиғон.

Оташин гул била булбулдай ўлуб кетса, не тонг,
Бўйла кўп ўт била кул ёд билур бу бўстон.

Гар Навоий деди ҳажр ўтида ишқинг гиласин,
Айлама айбки, дер муҳриқ иситқон ҳазаён.

444

Қоматингдек боғи ҳусн ичра йўқ сарви равон,
Оразингдек худ қони сарв узра арғувон?

Сийми соид кўргузуб кўнглум олди ул қуёш,
Кучлук онинг панжасию мен бағоят нотавон.

Ғам юкидин мен киби қадди хам бўлмоқ не тонг,
Ҳар қориким дилбари бўлгай анингдек навжавон.

То қароқчи кўзларинг дин йўлини урдилар,
Зуҳду тақво мулкидин келмади бир корвон.

Нақди жон истаб мени қийнаса кофир кўзунг,
Неткамен бермайким ул турк мастедур авон.

Даҳр элидин зинҳорким вафо қилмон тамаъ,
Ким тамаъдин кимсага юзланур доим ҳавон.

Эй Навоий, гўйиё келгусидур ёрким,
Ўтрусиға кўз ёшинг турмайин бўлди равон.

Кўйи туфроғиға дафн айланг таним қилмай кафан,
Токим ул туфроғ бирла топсун омизиш бу тан.

Чоклик кўнглум аро хаттинг хаёли не ажаб,
Мўр хайли ер шикофида қилур кўпрак ватан.

Юзу зулфи ҳажридин гул ўтдуру сунбул тутун,
Ойтқил, эй боғбон, не навъ гашт айлай чаман?

Кофири ишқ ўлди деб шаръ айласа қатлимға ҳукм,
Дайр даргоҳида зуннорими-ўқ айланг расан.

Ишқ журмиға агар дўзах насибимдур не тонг,
Ҳажр ўтиға куймак ўлмиш чун манга оламда фан.

Хонақаҳда тақви ибриқиға май солдим ниҳон,
Айладим байтул-нашот, уйким эди байтул-ҳазан.

Эй Навоий, май хумиға сол мени майхонада,
То фароғат бирла ул хилватда тортай дурдидан.

446

Қуруғ жисмим ўтундекдур бало даштида қақшолған,
Анга ўтканда ҳижрон корвони аҳли ўт солған.

Эмас ғам шоми бу янғлиғ қаронғу, билки субҳи ғам
Кулумдур, балки ҳижрон тундбоди бирла қўзғолған.

Кўнгул бирла қарору сабру ҳушу ақлим олмишсен,
Чу еттинг, жонни таслим айлайинким будурур қолған.

Бало дарёси эрмастур жаҳонни бузғудек мавжи,
Эрур ашким суйи оҳим ели эсканда чайқолған.

Фироқинғ ранжидин бўлғач халос ўлсам ажаб эрмас,
Оғир уйқуға борғондек қатиқ эмғакда тавшолған.

Айирма бир-биридин жон била кўнғлумни раҳм айлаб,
Берурмен жонни ҳам олғил, чу сендурсен кўнгул олған.

Фано дайрида гар дин нақди барбод ўлди, топқум йўқ,
Ки жамъ ўлмайдурур ҳаргиз харобот ичра сойғолган.

Қил ўзлук даштини тай истасанг мақсадда осойиш,
Не тонг тинса ҳарам ичра биёбон қатъида толған.

Каромотин деди шайху Навоий тарки ишқ этти,
Анинг доғи сўзи кўп чин эмас, гар мен дедим ёлған.

Қилмағай гардун қуёшқа мужтамиъ ҳар кавкабин,
Кўрса ул ой орази даврида тавқи ғабғабин.

Лабға майдин рангу майга лаълдин жонбахшлиқ,
Бермаса гулранг майдин не учун олмас лабин.

Ўйла майдон ичра кирмиш тунд ул чобуксувор,
Ким дегайсен чарх уза секреткусидур ашҳабин.

Ишққим ёзди ҳуруфи дард кўксум лавҳида,
Ошкор этти бало атфоли лавҳи мактабин.

Кечалар ул бут лаболаб май ичар ғавғо била,
Гар эшитмас не ажаб дард аҳли ё Раб-ё Рабин.

Не тафовут шурб қилса дурд ёхуд софни,
Дурдкашким ишқ аро софи қилибтур машрабин.

Борибон жонон вафосинда Навоий бўлди гард,
Руҳ айрилгон замон туфроқ қилди қолабин.

448

Донаи холинг терарга қўйма кўнглум булбулин —
Ким тиларким ўпса бу тазвир ила ҳуснунг гулин.

Ғофил ул сайёдким, кўнглум қушин сайд айламиш,
Оразу хол узра ёймиш ҳалқа-ҳалқа кокулин.

Демаса сунбул қарориб, гул қизарсун не учун,
Тарқатур жаннат гули узра муанбар сунбулин.

Неча куйсам ёрур ул юз, гўйиёким қилди ишқ
Шамъ миръоти учун парвона жисмининг кулин.

Йўқ ажаб мен қон ютуб эл ичса соғарким, алар
Мул тиларлар лаълдек базм ичра, мен — лаълинг мулин.

Демаким, дайр ичра не ошуб эди шарҳин дегил,
Риндлар ғавғосин айтай ё суроҳий ғулғулин?

Умр ўтуб, бир дам Навоий топса васлингни не тонг,
Йилда бир ой васл ила гул хушдил айлар булбулин.

449

Гул эмаским, қон этиб афлок бахтим ахтарин,
Қилди тиғи зулм ила юз пора онинг пайкарин.

Булбул эрмас, чиқти кўксум чокидин кўнглум қуши
Ҳажр ўқи пайконлари бирла ясаб болу парин.

Сабзадин эл равшан айлаб кўзу лекин мен кўруб,
Кўзда ҳижрон хайли заҳролуд қилғон ништарин.

Ул сочиб сариқ, қизил гул яфроғин бўстон аро,
Оҳ ила мен ёрутуб ҳижрон шарору ахғарин.

Не баҳор ўлғайки, эл гулгун қадаҳдин масту мен
Бир тўла наргис киби кўрмай нишотин соғарин.

Ҳуснунг авроқиға, эй гулшан, қувонма асруким,
То хабар топқунг совурмиш тонг ели гул дафтарин.

Эй Навоий, майдин осойиш эрур бу важҳ ила,
Ким баҳо бермак кераксен ақлу дониш гавҳарин.

450

Кўзумга ҳажрда бирдек қоронғудур туну кун,
Манга фироқ туни хоҳ қисқа, хоҳ узун.

Нетиб кўнгулда хаёлингни ёшурайки, эмас
Бу уйни ҳар сориким айласам назора бутун.

Унунгни бир эшитибмен валек йиллардур,
Ки йўқ дамеки қулоғимға келмагай ул ун.

Тамом юз очибон фурқатимни васл эттинг,
Кеча тонғ отқуча равшан бўлур ой ўлса тўлун.

Яроларимда момуғлар эмаски, ҳажр илги,
Бу васлалар била тан хирқасиға тикти юрун.

Бу арсада қаю мансуба дафъини қилайин,
Солур сипеҳри мулоиб чу ҳар дам ўзга ўюн.

Навоий ўлди фироқингда ул сифат расво,
Ки қайда турса улус жамъ ўлур назора учун.

451

Лаъли оқ уй уғлари қонлиғ мужам бўлмиш яқин,
Анда мардумлуқ қилиб кир, эй маҳи хиргаҳнишин.

Хирмани ҳуснунгда зулфунг сунбули ёнида хол,
Меҳр тобидин қоронғон лўлиедур хўшачин.

Чун нигин ичра ҳамиша хат ёзилмоқ расм эрур,
Сабзада ғунчанг киби хат ичра ким кўрмиш нигин?

Лаълиға руҳум учар, лекин ўлармен рашкдин,
Ким анинғ сари манга Руҳул-амин эрмас амин.

Зулфининг ҳар чинида юз фитнадур дин аҳлиға,
Арғадол ичра қароқчи айлаган янглиғ камин.

Фақр аро андоқ дақойиқдурки, ишқ англар ани,
Ким анинг даркида аъмо келди ақли хурдабин.

Эй Навоий, байтул-аҳзон келди, ҳар байтимки бор,
Назм этарда ҳам ўзум маҳзуну ҳам нолам ҳазин.

452

Уюй олсам эшикинг туфроғини ёстанибон,
Салтанат тахтиға чиқмоқ тиламон уйғонибон.

Ит киби ҳар неча қавсанг урубон тошу кесак,
Ёна келгум эшикинг туфроғини ёстанибон.

Васлинга хўй бериб, қовма эшикдин мениким,
Кўнгул узмаклик иши саъбдурур ўрганибон.

Номаи ҳажрим анга етмадиким, элтур қуш
Йиқилур ерга ҳаводин қаноти чурканибон.

Васл ила айла сабукборки, ҳажринг юкини,
Тортмишмен мени дилхаста басе эмганибон.

Ҳар не Ҳақ амридурур шукр ила қилким, қилмоқ
Бандадин яхши эмас хожа иши кўнгранибон.

Тонг қуши тортар эса кеча тонг отқуча наво,
Эй Навоий, қилур ул ишни санга ўтканибон.

453

Хатингким меҳр уза чекти саводин,
Ҳамоно мушкдин қилмиш мидодин.

Сочингда чун гириҳдин ўзга йўқтур,
Не навъ андин тилай кўнглум кушодин.

Ажалдин йўқ малолим мундин ўзга,
Ки қобил қўймағай қилмоққа ёдин.

Бўлур кўнглум уйидин хайр барбод,
Қачонким фикр қилсам хайрбодин.

Муроди гар эмас дилбар муроди,
Илоҳий бермагил ошиқ муродин.

Салоҳин гар кўрар зуҳд ичра зоҳид,
Риёву ужбдин кўрмас фасодин.

Навоий топмаса юз қатла ўлгай.
Исинг бир қатла ҳар соат сабодин.

454

Қилди айшим субҳини ул шўх лаъби тийра тун,
Тифл ўйнаб ўт ўчургондин сўнг ўлғондек тутун.

Бошин айландурғай элнинг қилсалар наззораси,
Қўпса мен саргаштанинг туфроғидин ноғаҳ қуюн.

Зулф аро солди гириҳ узра гириҳ, ўлмай нетай,
Ким ҳаётимториға тушти тугун узра тугун.

Ҳажр жисмимда сўнгакларни ушотиб куйдурур,
Яъни ўт ботроқ ёнар, кўпрак ушотилса ўтун.

Нахли қаддинг кийди сориғ ҳулла, андин сўнг яшил,
Норбундекким, хазон қилғай кўкармастин бурун.

Соқиё, тонгла хумор ўлтурмоғи имкони, бор,
Руҳ топмоқ роҳдин боре ганиматдур букун.

Дема кўнглунг мазраъида ишқ тухмин эк ниҳон,
Эмдиким хирманға ўт тушти қолурму ёшурун.

Ҳар юрунда бир дирам тикмиш мураққаъ аҳли зуҳд,
Ҳар тугун узра менинг хирқамда тушмиш бир юрун.

Эй Навоий, зулфининг таърифига туштунг магар,
Ким сўзунгнунг тори ҳам бўлди паришон, ҳам узун.

455

Тамуғ ўтиға унаб, ҳажринг ўтиға унаман,
Бошим борурға чидармен, фироқинга чидаман.

Бало бошимға басе келди, қўймадим ишқинг,
Кес эмди ани, йўқ эрса булар билан кесаман.

Аёғинга буки қилмон нисор жон нақдин,
Ҳақаротидин уёлурмен, эй бегим, аяман.

Бу ваҳмдинки, бўлур захм бас латофатдин,
Хаёл бирла доғи лабларингға тиш қадаман.

Кўруб заиф мени туҳмат этма жаврунгтаким,
Ёдотти ҳажр мени, йўқса жаврдин ёдаман.

Тугандим ўйла фироқингдаким чекарга фироқ,
Демонки васл нишотин кўрарга ҳам яраман.

Лабинг жавобидаким, ваъда қилди монгсизмен,
Йўқ эрса умри абад муждасида олдараман.

Мени киши демаса эл малул невчун ўлай,
Киши ҳисобида мен ҳам ўзумни чун санаман.

Навоиё, санга кўрмон раво анинг васлин,
Ким асру яхшидур ул дилрабо, сан асру ёман.

456

Не тонг бўлсам сияҳрўз ул қуёшдин айру, эй гардун,
Ки ҳажрим шоми қиш ақшомларидек бўлди рўзафзун.

Сиришким қонидин ҳар сабзаким бутмиш, қизил бутмиш,
Улус бошиға пар санчар масалликким бўлур гулгун.

Гадолар зарқ учун бир телба маҳбус айлаган янглиғ,
Мени олиб юрурлар Вомиқу Фарҳод ила Мажнун.

Қизил тўн бирла ётмиш маету бир мисраъ масалликдур,
Ки ёзмишлар дурур шингарф ила ул қомати мавзун.

Йилон афсун қилурдин банд ўлур зулфунг, не воқиъдур,
Ки қилмиш юз кўнгулни банд зоҳир айламай афсун.

Янги ойни қошинг гўё қулум дебтур ҳилол отлиқ,
Қади таъзим учун хамдур, бўлуб бу нуктадин мамнун.

Қизил коғаз аро руқъамки сориғ ришта чирмабмен,
Не очмоқдур сиришку заъф шарҳи англағил мазмун.

Риёий шайхдурким шайтанатдин тавқи лаънатдек,
Солур ўз бўйниға тасбиҳини ҳар лаҳза ул малъун.

Закоти ҳусн учун, эй муғбача, лутф айла бир соғар,
Ки дунё бирла диним йўқлуғидин бўлмишам маҳзун.

Фано шоли чубулғон риштасин тутқил ганиматким,
Эрур ўт риштаи зар бирла буткан атласу иксун.

Навоий хирқасин таън этма, эй ринди хароботий,
Ки махмур ўлса, улдур важҳ майға қилғоли марҳун.

457

Гар ўлсам зарра-зарра ул қуёш тиғи жафосидин,
Тажовуз қилмағаймен заррае онинг вафосидин.

Хадангинг токи қонлиғ кўз қароси ичра ер тутти,
Эрур милеки чиқмиш лоланиинг доғи аросидин.

Ёрур холинг хаёлидин оқарган кўзларим гўё,
Қўюбтур килки сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин.

Тешилгай тешадек Фарҳоднинг бағри, анга етса,
Унеким чирманур тоғ ичра афғоним садосидин.

Балоедур қаро зулфунг ёйилғон даҳр аро андоқ,
Ки ер остида эл озод эмас онинг балосидин.

Қазо онча қуёш келтурсаким, тўлса фалак жавфи,
Эмас юздин бири Юсуф узоримнинг баҳосидин.

Танимға тийрборонингни шикоят айламон оз деб,
Насибим мунча-ўқ эркандур онинг қоши ёсидин.

Агар тиғ урса ул қотил, бўюнсунмай нетай охир,
Не янглиг кимса бўйнин тўлгағай Ҳақнинг қазосидин.

Сафолим ичра бўлса дурд, оламни бағишлармен,
Салотин, ўрганинг шавкат фано дайри гадосидин.

Навоий бенаволиқ бирла жон берса ажаб эрмас,
Ким ул оромижон огоҳ эмас бу бенавосидин.

Гар ул огоҳ эмас бўлса керак огоҳ шоҳеким,
Қуёш келди бир олтун хишт даргоҳи асосидин.

458

Ваҳки, ваҳшу тайр уюмаслар ғамим бедодидин,
Кеча ит афғонидин бил, субҳ қуш фарёдидин.

Чиқса тўбидин қуёш кўргузмагай бу лутфким,
Англадим юз жилва қилған қоматинг шамшодидин.

Гарчи ҳар дамким соғинсам шавқидин жоним чиқар,
Истамон жонимни ғофил бир дам онинг ёдидин.

Ғам саҳобидин ёғар Мажнунға меҳнат ёмғури,
Дуди оҳи чиқти гўё хотири ношодидин.

Деб эдинг, ҳажримдин ўлсанг тиргузай бир тиғ ила,
Орзу ўлтурди, ваҳ, ўткармагил миодидин.

Ростлиқ озодалар ойинидур фаҳм айлагил,
Бу чаманнинг сарви бирла савсани озодидин.

Шайх агар масжидқа, мен майхонаға борсам не тонг,
Эй Навоий, ҳар кишига чора йўқ муътодидин.

459

Ўтда қил янглиғ танимни ҳажр ўтининг тобидин,
Билмасанг, фаҳм эт гул узра сунбулунг қуллобидин.

Қалб эрур кўнглумга боғлабтур сочинг зуннорини,
Турфа буким бир нафас қочмас қошинг меҳробидин.

Хаста кўнглум гар лабинг уннобини истар не тонг,
Нега айрилғай жиҳатсиз хаста ўз уннобидин.

Оразингнинг Мусҳафи тафсири бас душвор эди,
Равшан ўлди холу хаттинг нуқтаву эъробидин.

Сокин ўлдум дайр аро, то бода ичкан муғбача
Жонима ўт солди оташнок лаъли нобидин.

Шоми ҳижроним висол аҳлиға беҳад қисқадур,
Они сўрдиклар Навоий дидаи бехобидин.

460

Кўнгуллардин кўруб зулфунг аро ўтлуқ асар ҳар ён,
Туну анжум, дема, билгил тутун ичра шарар ҳар ён.

Ғараз улдурки, ишқингдин ғалатқа солғамен элни,
Буким истаб суманбарларни солурмен назар ҳар ён.

Пари рухсоралар тоши мени девона давринда,
Сочилғондекдурур нахли маломатдин самар ҳар ён.

Дема, кўйидин эл кетсунки, банд этмиш чибин янғлиғ
Улусни сўзда лаълинг нўшидин оққон шакар ҳар ён.

Улус қонини туфроққа тўкарни сўрма, кўз солким,
Улар қон бирла туфроғ ичра бир хунин жигар ҳар ён.

Бузуқ қабримни кўрган ўқчи дўконига ўхшатқай,
Фироқинг ўқидин анда кўруб пайкону пар ҳар ён.

Ул ой ҳусниға ишқингни ёшурғил дема, эй носиҳ,
Ки тутмиш олам аҳли ичра шуҳрат бу хабар ҳар ён.

Маю маъшуқ учун пўямға кулманг, эй салоҳ аҳли,
Югурмай неткамен, чекса қазо бирла қадар ҳар ён.

Сени истарда мумкин йўқ, Навоий, мултафит бўлмоқ,
Нечаким жилва қилса ноз ила бир сиймбар ҳар ён.

461

Ваҳ, не хуштур шаҳсуворим келса майдон соридин.
Кирпиким бирла оритсам гардни рухсоридин.

Ўйлаким етмиш фалак тоқиға қўйсам тоқ уза,
Дуди оҳимдек қаро парни олиб дасторидин.

Ёшибон заррин камар нозук белин қилсам халос,
Тортибон гулгун қабо сарви саҳи рафторидин.

Ҳар аёғидин ўтук тортиб, аритсам юз била,
Тер гулобин ул ҳино ёққан кафи гулноридин.

Неча соғар бирла сархуш бўлса, лекин журъае,
Лутф этиб ҳам ҳуш зойил айласа бу зоридин.

Маст ўлуб эл ётсаю мен юз аёғиға қўюб,
Ўзни қутқарсам замоне Хизр умри оридин.

Даҳри фоний, эй Навоий, туштурур ёхуд хаёл,
Давлати боқий умидинг бўлса кечгил боридин.

462

Моҳиён ҳавзида ёру ҳажрида мен қайғудин,
Музтарибдурмен йироқ тушкан киби балиқ судин.

Кўз йўлида телмуруб кўнглум соғинурким, мени
Истамоққа келгуси ҳар кимки чиқса ўтрудин.

Гар жаҳоноро эмастур жаннату кавсар бу ҳавз,
Бас ушоқ тоши нединдур лаъл бирла инжудин.

Турфа болиғлар су ичра ҳар тараф чирмашқани,
Мавж зоҳир бўлди пўлод узра гўё кўзгудин.

Ориғида су уни кулмак садосидур, магар,
Ким су ўзидин борур айлаб фараҳ ул кулгудин.

Суйи заҳру болиғи чун ханжар ўлди даҳрнинг.
Не ҳаёт уммиди бу ханжар била ул оғудин.

Чун Навоий қилди кўздин ҳавзу кирпикдин балиғ,
Кўз тутар ул ён келиб қутқорсанг они қайғудин.

463

Йўқтурур бир дамки ўлмон фурқатинғ бедодидин,
Оҳ агар жон топмасам ҳар лаҳза васлинг ёдидин.

Сарв титраб ерга қўйди юзни савсан, гўйиё,
Бир насим эсди чаман сори қадинг шамшодидин.

Эй кўнгул, ул ғамза оллинда ҳазин ноланғ не суд,
Қуш қутилмас дардлиғ афғон чекиб сайёдидин.

Қатлни ул кўз ажалдин ўрганиб эрди, валек,
Юз маротиб эмди ўткармиш ишин устодидин.

Қайғулиқ бўлсанг тўла ичкил қадаҳниким, бу сел,
Дарду ғам қасрин йиқар, ичкач ани, бунёдидин.

Топмағунг бу боғ аро якранг бирла якзабон,
Не гули раъносидин, не савсани озодидин.

Гар Навоий кўргузур ўзни такаллуф бирла шод,
Бетакаллуф жонға етмиш хотири ношодидин.

464

Ул сабабдин тийрадур кўнглум уйи ҳижронидин,
Ким эмас тобон кўзум шамъи анинг тобонидин.

Бошиға десамки эврулуб ўпай тобонини,
Войким, ҳар дам аёғ тортар бу саргардонидин.

Чун тикондин айру эрмас дойимо гул яфроғи,
Не учун олур кафи пойин кўзум мужгонидин.

Кирпигимдин захм ўлуб гўёки ёқибдур ҳино,
Ё қизорибтур кафи пойи сиришким қонидин.

Қилмамиш тирноғларин рангинки пайдодур асар,
Кўз қароси ҳар бирига саждалар қилғонидин.

Чеҳраи мақсуд кўрди улки қилди тўтиё,
Гармрав соҳиб назарлар соҳати майдонидин.

Келмаса равшан зулол, албатта, бўлур чашма кўр,
Бас аёқ чекма Навоий дидаи гирёнидин.

465

Ақлу жону кўнглум ул ой фурқати озоридин,
Бори бир-бирдин малул ўлмишлару мен боридин.

Шоми ҳажрим тору бепоёнлиғин англай, десанг,
Фаҳм ўлур ялдо туни янглиғ сочинг ҳар торидин.

Бордур андоққим бузуғ кўнглумда ҳар ён қону доғ,
Лолаларким, чиқти вайрон масканим деворидин.

Ул пари кўнглум қуши қонин оқизған фаҳм ўлур,
Очсалар бўйнумдағи дафъи жунун туморидин.

Ғунчаи васлим очар, шамъи фироқим сўндурур,
Ҳар насимеким келур гулрух баҳорим соридин.

Даҳр боғи лола бирла сабзасидин кечки, йўқ —
Ғайри қону заҳр бу шингарф ила зангоридин.

Эй Навоий, нуқтаи айш истасанг майхонада,
Бош кўтарма май тағори давраи паргоридин.

466

Менки ҳар соат чекармен юз жафо ағёрдин,
Не ажаб гар юз бало ҳар лаҳза кўрсам ёрдин.

Кимки ёр истар, не тонг ағёрдин кўрмак ситам,
Гулбун ичра гул терар эл нешлар ер хордин.

Кимки юз минг зорлиғлар тортибон топмиш висол,
Туфроғ ўп оллида мен ҳижронда ўлган зордин.

Ошиқи содиқ вафо бирла жафони толғамас,
Хуш келур кўнглига ҳар неким келур дилдордин.

Чарх даврин ўйла паргор урди меъмори қазо,
Ким қадам чиқмоқ эмас мумкин хати паргордин.

Гар десанг махмурлиқ дарди саридин ўлмайин,
То тириксен бош чиқарма қулбаи хаммордин.

Эй Навоий, гар тиларсен ёр васлин топқасен,
Кеч ики оламдину қўл торт йўқу бордин.

467

Меҳр эмас машъал ёрутқон қалъаи афлокдин,
Ким фалакка солди ўт рухсори оташноқдин.

Ишқдин куйди танимда ҳар чурук бўлғон сўнгак,
Ким кўрубтур мундоқ авж олмоқ чоқин хошокдин.

Бас муносибдур тикар ҳолатда кўксум чокини,
Ип сувурмоқ кўнглаким жайбиға қилған чокдин.

Саргаронмен ишқдан чопсанғ бошимни боғла берк,
Ким чопарда рахш узулуб қолмағай фитрокдин.

Гар ғазаб вақти қўлиға туштуму тиғи яланг,
Бок эмас олманг мени ул қотили бебокдин.

Маст агар майхонада ўлдум мени, эй дўстлар,
Май била юб боғлангиз наъшим белини токдин.

Дема поко-пок кеч мендин, Навоий, негаким
Покликдин бўлмағай кечмак сенингдек покдин.

Бир паривашким кўнгул девонадур савдосидин,
Гар эрур бандангки озод ўлманг истиғносидин.

Ошиқ ўлса шоҳу маъшуқи гадо, билким чекар,
Ишқ ғавғоси ани хайлу сипаҳ ғавғосидин.

Ошиқ ўлғон аждаҳо бўлса забун ўлмоқ керак,
Жавр тортиб ишқ кўйи мўрининг изосидин.

Не ҳавоедур ҳавои ишқким ҳар пашшаси,
Туъма айлар ақлу тақво Қофининг анқосидин.

Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балким фузун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

Кимки раънолиқ била ошиқ бўлуб истар висол,
Тортингиз отиға хат ишқ аҳлининг асносидин.

Ишқ атвори Навоийга мусалламдур, ким ул,
Юз бало чекти доғи ўлди анинг ихфосидин.

469

Мен киммену қилмоқ ҳавас ул шўх либосин,
Ит билса керак муғтанам идбор палосин.

Гул жилва қилиб базм аро булбул ичи қондур,
Ўз ҳолинг ила қилма кўнгул ҳоли қиёсин.

Мажнунвашим илгида қадаҳ, жабҳасида хай,
Бу ақл уйин буздию ул зуҳд асосин.

Лаълинг ғами кўнглумни далер этти куярга,
Май айлади зойил ичидин шуъла ҳаросин.

Ғам мазраъида кўнглуму ул қош хаёли,
Деҳқонки мудом асрағай ўзи била досин.

Ўз бошинг ила қўйма қадам фақр йўлиға,
Топмағуча бу марҳаланинг роҳшуносин.

Шоҳидни қўйиб, истама зоҳидни, Навоий,
Ким бу саридур ҳусни хат, ул сори маҳосин.

470

Тирик қолсам гар ўзни базми васлинғ ичра солғаймен,
Фироқинг шиддатин дейолмасам, худ йиғлай олғаймен.

Қабо бир қатла васли хилватида мени, эй гардун,
Неча ҳижрони зиндонида ул ойнинг қаболғаймен.

Жунун тоши бошингға ёғди деб таън этма, эй носиҳ,
Тасаввур қилмаким, бу сарзанишлардин уёлғаймен.

Нигоринг гар борур, бот келгусидур, ема ғам дерсиз,
Ҳамоно соғинурсизким, мен ул келгунча қолғаймен.

Мени даврон бузубтур, сиз ясай олмассиз, эй аҳбоб,
Менға не журм азалда чун бузуқ мундоқ ясолғаймен.

Агар аҳбоб теъдодин қилурсиз бўлмоғум сонда,
Манга бас бу шарафким, итлари ичра санолғаймен.

Сабуҳи васл аро тут бир қадаҳ, эй соқийи даврон,
Неча ҳижрон туни махмурлиқ бирла қинолғаймен.

Ўлармен ё етармен мақсадимға ёнмоқ имкон йўқ,
Бадан заъфи била йўл шиддатидин ғарчи толғаймен.

Кўнгул уздум, Навоий, кўйи тавфидин не тонг, эмди
Эришса итлари ул кўй аро кўнғлумни солғаймен.

471

Ёр ила ағёр озоридин андоқ зормен,
Ким тани зорим киби боштин аёқ озормен.

Ёр зулми тиғидин кўнглум киби мажруҳмен,
Эл жафоси тошидин бағрим киби афгормен.

Ёр ҳолим англамоқ уммидидин навмидмен,
Халқнинг юз меҳнату бегоридин нокормен.

Ғам емак бўлмиш ишим, йўқтур вале ғам ер кишим,
Турфа ишким, гарчи беғамхормен ғамхормен.

Жон талошурмен не дардим билгурур, не сиҳҳатим,
Не ўлукмен, не тирик, не соғ, не бемормен.

Гар бошим олиб жаҳондин чиқсам эрмастур ажаб,
Ким малул аҳли жаҳондин улча дерсан бормен.

Эй Навоий, умр агар будур ажал раҳм айлабон,
Келса жоним олғали жон бирла миннатдормен.

472

Туфроғимдин аҳли ишқ этса тануре шодмен,
Ким ичимда ишқ ўти ёнмоқ била муътодмен.

Одамилиғдин мени шод истаманг, эй дўстлар,
Ким мени мажнун пари ҳижронидин ношодмен.

Ишқ аро қоздим бало тоғини тирноғим била,
Ўйла соғинмангки, Ширин ошиқи Фарҳодмен.

Шоми ҳажр ул кўй аро, эй сарсари ҳажр, эсмаким,
Ўйла туфроғменки, субҳ анфосидин барбодмен.

Зулму бедодингдин элга оҳу афғон солма кўп,
Зулм агар сен айлагунг, мен қобили бедодмен.

Гар бериб қуллуққа хат бир соғар ичтим дайр аро,
Қилмангиз айбимки, олам фикридин озодмен.

Эй Навоий, ишқ аро гардунға сунмасмен бўйин,
Лекин ул хуршид агар тиғ урса ҳам мунқодмен.

473

Тушта лаълин кўрдум уйғонмай дебон қайғудамен,
Урма дам, эй субҳким, бир дам чучук уйқудамен.

Кўзгуда то кўрдум они қилмағил аксим гумон,
Ким кириб қилмоққа васлин жустужў кўзгудамен.

Ногаҳ ул қотил нишон айлаб бир ўқ отқойму деб,
Кўйида йиллар сўнгакдек жисм ила ўтрудамен.

Ишқ баҳрининг наҳанги деса бўлғай, негаким,
Ашк дарёсин чекиб гардунға мен ул судамен.

Ҳолима кулмакка ҳар захмим бир очилған оғиз,
Турфаким мен ҳам алар кулгусидин кулгудамен.

Ҳар балият ўқиким чархи муқаввасдин келур,
Гўйиё менменки олам аҳлидин қобудамен.

Эй Навоий, ул пари ишқида маҳрам йўқидин,
Телбалар янглиғ ўз-ўзум бирла гуфтугўдамен.

474

Ул ой фироқ ила қисмим ғам этса найлагамен?
Висоли ғайри ичин хуррам этса найлагамен.

Мангаки тори вафо суст айлади, ўлдум,
Рақиб бирла ани маҳкам этса найлагамен?

Ҳазину ошиқу зор этти найладим охир,
Ки ишқ тиғи қатили ҳам этса найлагамен?

Мениқи ҳамдам эдим, қовди, найлай олдимким,
Рақибни ўзига ҳамдам этса найлагамен?

Чу маҳрами мен эдим, қилди зулм ила маҳрум,
Висоли маҳрумин маҳрам этса найлагамен.

Сипеҳр меҳрин агар мендин этти кам, не илож
Тахайюл ўйлаки мундин кам этса найлагамен?

Демангки иста ижозат борурға кўйидин,
Дебон: «Замини сияҳ!» Мулзам этса найлагамен?

475

Оразингни туш кўруб то субҳ тиндим уйқудин,
Чун кўз очтим уйқудин кун чиқмиш эрди ўтрудин.

Суда бўлғон жилвагар оё қуёш аксимудур,
Ёхуд ул ой зоҳир айлабтур жамолин кўзгудин?

Кеча баским ҳолима гаҳ кулдиму гаҳ йиғладим,
Тун асардур йиғламоқдин, субҳ доғи кулгудин.

Сўрманғ, эй васл аҳли, мендин шодлиғким, ҳажр аро
Ўзни ҳаргиз кўрмадим бир дам қутулган қайғудин.

Чунки урдунг тиғ, ўқ ҳам ёғдур эмди ҳар неча,
Ким ёғин нафъ айламас, улким ҳалок ўлғай судин.

Ҳалқаи дарс ичра ғавғодин димоғим топти заъф,
Май тутуб соқий, даме қутқор мени бу ёрғудин.

Эй Навоий, жон олиб, деди, берай коминг, валек
Дам ура олмон анга ҳоли бу олғу-бергудин.

476

Зарварақтин ё киби қошингда зевармү экин?
Ё мағар мушкин ҳилол устида ахтармү экин?

Ел учурғон парниён ҳар ён бурунчак азмидин,
Ул пари учмоққа эгни устида парму экин?

Титрагуч гавҳарлари бошингда эркин, ё магар
Ой бошинда ҳайъати Парвин мусаввармү экин?

Кўзгу ичра оразинг аксиму эркин жилвағар,
Ё зулол ичра кўрунган меҳри анварму экин?

Сочбоғинг урғонмудур сиймин танинг даврида печ,
Йўқса ҳуснунғ ганжиға чирмашқан аждарму экин?

Бу чаман гулбунларида хор эканму ё магар,
Зор булбул жонининг қасдига ништарму экин?

Эй Навоий, мен худ ул ой васлидин навмидмен,
Билмон ўзгаларга бу давлат муяссарму экин?

477

Не баҳор ўлғайки, бир гул ҳажридин бадҳолмен,
Ўйлаким булбул хазон фаслида гунгу лолмен.

Тифл тошидин йиқилғон қуш киби ҳажр илгида
Кўз юмуб, бошим солиб, оғзим очиб беҳолмен.

Гул киби юз пора хунолуд бўлған жисм ила,
Дард ила меҳнат ҳужуми базмида помолмен.

Ул маҳи гулгунқабо бирла тилаб ҳамранглик,
Ғўта еб гулранг ашким баҳри ичра олмен.

Ёғдурурлар тош мени мажнунни қавлаб кўбакўй,
Бир париваш ҳажридин бозичаи атфолмен.

Берма панд, эй шайхким, ишқида фоний бўлғали,
Журму тоат фикридин озоду фориғболмен.

Эй Навоий, ҳажрдин эрмаски то ёр оллида
Муддаи аҳволи хуштур, мен хароб аҳволмен.

478

Мовийи беҳол кўнглак, ваҳ, не фаррухфол экин,
Ким танингға суртулур бу важҳдин беҳол экин.

Сунбулунг ошуфтаю савдойи ўлмиш мен киби,
Чун менингдек бош аёғингға қўяр помол экин.

Мушки зулфунг атридур шамшод боши узра шам,
Қаддинг остида хами шамшод тарфи дол экин.

Донае тушмиш ики товус аро улким дедим,
Вўсмалик икки қошингнинг ўртасида хол экин.

Каффадур гардуни хам ҳажрим юкини чексалар,
Арз жирми ул тарозу ичра бир мисқол экин.

Улки маънидин хабар топти яна дам урмади,
Англамон аҳли жадал ичра не қилу қол экин?

Сувратин Лайлию Мажнуннинг деди кўргач хирад,
Ким Навоий бирла ёри шаклидин тимсол экин.

479

Чок-чок эттинг кўнгул комини ҳосил қилмайин,
Кескулаттинг нотавон сайдингни бисмил қилмайин.

Ҳажр ўқининг манзили бўлмоқ кўнгул не судким,
Еткач-ўқ ўтти хадангинг анда манзил қилмайин.

Тушмасун ҳар кўз юзунгта, элга ҳам ўт тушмасун,
Чиқма уйдин парда ўтлуғ юзға ҳойил қилмайин.

Гарчи ҳажри рўзгорим тийра қилмиш, эй сипеҳр,
Маҳфилим ёрутма они шамъи маҳфил қилмайин.

Ул пари мажнунидур кўнглумни зинҳор, эй ҳаким,
Банд қилма зулфи қайдидин салосил қилмайин.

Даҳр иши олудалиғдур, эй хушо, ул покрав,
Ким ўтар бу жифаға кўнглини мойил қилмайин.

Эй Навоий, шарт қилдимким қутулсам ҳажрдин,
Неча кўнглум десаким ишқ орзу қил, қилмайин.

480

Ошиқ ўлдум, неча жавр аҳли замондин тортайин?!
Улким ошуби замондур бори ондин тортайин.

Ёр ила ағёр зулми ҳаддин ўтти, ваҳ, неча
Васл учун жавру жафо яхши ямондин тортайин?

Ҳажр гирдобидадур кўнглум, каманди васл бер,
Ким солиб они бу баҳри бекарондин тортайин.

Сен танаъум гулбунидин уз фароғат ғунчаси,
Мен бало пайкони жисми нотавондин тортайин.

Борғали кўйига энгимдин чиқар гўё қанот,
Жавридин десам аёқ ул остондин тортайин.

Меҳмоним бўлсанг оллинғда ҳаводис туҳфаси,
Неш тандин, ўқ кўнгулдин, нола жондин тортайин.

Эй Навоий, неча қилғайлар этакдек поймол,
Мен доғи эмди этак аҳли замондин тортайин.

481

Чеҳра ёптинг, хаста жонимни анга зор айлабон,
Зулф йиғдинг, телба кўнглумни гирифтор айлабон.

Гар муродинг қатл эса жон топшурай, олғил равон,
Раҳм этиб ўлтурма, йиллар ҳажрингга зор айлабон.

Дема жавримдин агар ул қочса кимга жавр этай,
Ким қочарда азм қилғумдур хабардор айлабон.

Сўзки лаълингдин эшитсам ўйлаким оби ҳаёт,
Қонмон, эй жон, то тирикмен они такрор айлабон.

Дема Мажнун, ул пари ишқида менмен дашт уза,
Нола чеккан тош ила кўксумни афгор айлабон.

Фақр кўйида гадолиг гарчи фахримдур валек,
Салтанат арз этсалар, майл айламон ор айлабон.

Кўйи азмида Навоийға наво етса не тонг,
Ким қилур булбул наво оҳанги гулзор айлабон.

482

Шоми ҳижрон зулматида оби ҳайвон истамон,
Не учунким сенсиз, эй умрум хуши, жон истамон.

Чун тилар кўнглум самандингнинг изидин топса наъл,
Ғайри кўнглум соҳати, рахшингға жавлон истамон.

Чун ўқунгдин ҳар бошоқдур қатра су, эй қоши ё,
Сендин ўтлуқ кўнглума жуз тийрборон истамон.

Истасам лаълинг майин, ҳар дам берур хуноб чарх,
Мен худ ўз комим била май ўрниға қон истамон.

Ул париваш тифл тоши танда, дермен, тутса ер,
Йўқса кўп девоналиғдин ўзни урён истамон.

Ёр кўнғлум бузмоқ истар, мен ҳам истармен бузуқ,
Эл ёшурсун ганж деб бу уйни вайрон истамон.

Эй Навоий, кўргач эл ҳайронлиғин ўлсам, не тонг,
Менки ғайратдин анга ўзумни ҳайрон истамон.

483

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

Кўзи қаҳринму дейин, кирпики заҳринму дейин,
Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?

Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қатиқ дардлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,
Бирининг қайди, яна бирнинг адосинму дейин?

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму дейин?

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?

484

Кўз оҳим ўти сори шоядки солмағайсен,
Солсанг, тамуғ ўтини оғзингға олмағайсен.

Дашти висол қадрин Мажнундек англа, токим
Зиндони фурқат ичра мендек қаболмағайсен.

Деди, саҳар келурмен, ғам шоми бехуд ўлдум,
Чиққунча меҳр, эй кўз, уйқуға қолмағайсен.

Эй тонг насими, ул ён бормай даминг тутулди,
Ҳолим демакка борсанг ногоҳ толмағайсен.

Эй кўз, суғолди ашкинг саъй айлагилки ногаҳ,
Сен ҳам ул ой жамолин кўрмай суғолмағайсен.

Муғ дайри, эй муғанний, хуштур валек ичмон,
То нағмаи муғона базм ичра чолмағайсен.

Гар десанг, эй Навоий, фақр ичра йўлни озмай,
Кўзни тикиб йўлунгға ҳар сори солмағайсен.

485

Кимса мендек ишқ аро бесабру ором ўлмасун,
Ёр анга бир сен киби бадмеҳру худком ўлмасун?

Гарчи ҳижрон шоми ўткач, субҳи васл уммиди бор,
Шоми ҳажримдек кишига субҳсиз шом ўлмасун.

Дема, ашкинг нега гулрангу кўзунг гулфом эрур,
Ҳеч кимнинг ёри гулрўю гуландом ўлмасун.

Ишқ аро Фарҳоду Мажнунни манга ўхшатмангиз,
Ким алар ҳам мен киби расвои бадном ўлмасун.

Хонақаҳдин ташналаб еттим, карам қил пири дайр,
Ким тағор ўлсун ичар зарфим менинг, жом ўлмасун.

Богласам дайр ичра зуннор, эй мусулмонлар, не тонг,
Кофир ул янглиғки ҳоло аҳли ислом ўлмасун.

Гар фано бўстониға айлар ҳаво кўнглунг қуши,
Эй Навоий, олам асбоби анга дом ўлмасун.

486

Лабларинг шарбатини чашмаи ҳайвонму дейин?
Демасам чашмаи ҳайвон, не дейин, жонму дейин?

Тун-кунумким ёруғ ул юздин эрур, ваҳки, ани
Моҳи анварму дейин, меҳри дурахшонму дейин?

Кулубон жилва қилур чоғда қаду оғзин анинг,
Сарви раъному дейин, ғунчаи хандонму дейин?

Ғамзаи қотил ила кофири хунрез кўзин
Душмани жонму атай, офати имонму дейин?

Ишқ дардини десам саъб, мени айб этманг,
Ишқ минг мушкил эрур зимнида осонму дейин?

Ақл агар ишқ ўтидин қочса, нечук манъ қилай,
Шуъладин саъй қилиб қочса биров, ёнму дейин?

Ичмагим зоҳид агар билди, Навоий, найлай,
Сўрса сўз ўйла киши оллида ёлғонму дейин?

487

Неча ул чеҳрани кўз лавҳида тасвир этайин,
Ани кўрмакка бу сурат била тадбир этайин.

Неча тун тонгғача кўрмакка қуёшдек юзини,
Юз тахайюл қилибон, бориға тағйир этайин?

Неча уйқу йўқу васлин ясағон туш кўрубон,
Борин ўз кўнглум учун топқали таъбир этайин?

Неча йўқ ерда хаёлингни тааққул қилибон,
Фурқатинг шарҳи гамин оллида тақрир этайин?

Неча ҳад сизгали йўқ ерда санга ҳолимни,
Номалар килки тахайюл била таҳрир этайин.

Май бер, эй барҳаман, ар муғбача ишқида кўнгул
Бўлса бадмаст фироқи била таъзир этайин.

Эй Навоий, дема жон бергилу илгин ўпгил,
Мундоқ иқбол илик берса не тақсир этайин?!

488

Ишқ аро мен киби йўқ бесарусомон бўлған,
Хонумон бузған алохону аломон бўлған.

Оҳ дуди била ишқ ўтини зоҳир қилған,
Лек ул дуд аро ахгар киби пинҳон бўлған.

Тийрборони бало ишқ анга ёғдурған,
Танида ҳар сари мўй ўрнида пайкон бўлған.

Сарсари оҳи била нахли умиди синған,
Сели ашки била сабри уйи вайрон бўлған.

Пора-пора жигари дард ўтидин ўртанған,
Қатра-қатра юраги ҳажр ўтидин қон бўлған.

Ишқ дарёси ани мардуми обий эткан,
Ҳажр саҳроси аро ғули биёбон бўлған.

Тонг йўқ ўлдум эса ишқ ичра жаҳон расвоси,
Кимдурур ошиқ ўлуб оқили даврон бўлған.

Соқиё, бодаки ё васли керактур, ё май,
Махлас истар эса побастаи ҳижрон бўлған.

Мизбонлиғда Навоий не ажаб жон берса,
Ким ўлук тиргузур эрмиш анга меҳмон бўлған.

489

Бўлди аёғинғ қаро зийнату пероядин,
Ўйлаки бўлғай қаро шамъ туби соядин.

Зулфунга товус пари, холинга олтун варақ,
Мусҳафингга бўлди зеб ушр била оядин.

Лайлию Ширинға ҳам айла гаҳи илтифот,
Бекага чун йўқ гузир уй қизила доядин.

Кўзидин эл ўртамак касб этар ул турфа қош,
Ўйлаки ўт олғай эл ёққали ҳамсоядин.

Васлға йўл бермасанг, ишқни тарк эт дема,
Суд чу йўқ ноумид айлама сармоядин.

Иззу шараф пояси узра висол истаган,
Топмағай ўткармайин ўзини бу поядин.

Васл тамаъ айласанг ҳажр била бийм этар,
Вой Навоий санга, ўтмасанг ул воядин.

490

Кўргузур ағёр юз туҳмат ниҳони найлайин,
Ёрким сўрмай инонур, бу балони найлайин?

Юз жафо элдин чекиб буким жафогарликка от
Эл аро пайдо қилибмен, бу жафони найлайин?

Кимки дарди бўлса ёр айлар даво, мен ёрсиз
Дард аро ўлдум, бу дарди бедавони найлайин?

Дам-бадам қонимға тонуғлуқ берур кўз, эй кўнгул,
Билмон ул тардомани юзи қарони найлайин?

Юз вафо айлаб халойиққа, кўрубмен минг жафо,
Айламай Холиққа эмди илтижони найлайин?

Эй Навоий, чун ватанда бир дами хуш урмоғим —
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?

491

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.

Не андуҳу малолимға балият даштидек ғоят,
Не савдою жунунумға маломат баҳридек поён.

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон, сиришким қон.

Заифи дарду ғампеша, наҳифи меҳнатандеша,
Залили бесару сомон, қатили ханжари ҳижрон.

Фиғонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,
На дардим ўтиға таскин, на ҳажрим дардиға дармон.

Бошим ғам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора,
Кўнгул бу ёраға чора топарға топмайин имкон.

Кўзум намлиқ, бўюм хамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ,
Не ҳамдамлиқ, не марҳамлиқ топиб бу меҳнати пинҳон.

Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру, не сомон.

Ҳам аҳволи табоҳимдин, ҳам оҳи умркоҳимдин,
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарориб кулбаи аҳзон.

Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,
Қолиб жон хисравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон.

Навоий бўлса меҳнат кўп, ичокўр жоми ишрат кўп,
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон.

492

Нола номақдур тонг эрмас мени маҳжурдин,
Не учунким ҳажр бедоди ўтар мақдурдин.

Телбаликда ишқнинг маъмуримен, эй офият,
Барча расволиқни тут маъзур бу маъмурдин.

Гар десанғ ҳуру пари васлиға кўз солмай, валек,
Боғлай олмасмен назарни сен киби манзурдин.

Ўлсалар аҳли ниёз имкони йўқтур ғайри ноз,
Зоҳир ўлмоқ шаммае ул ҳуснига мағрурдин.

Фосиқу зоҳид демаким, эсти эрса ғам ели,
Совурур гарди фано вайронаю маъмурдин.

Сарнавиштинг ҳар не бўлса кўрмакига чора йўқ,
Кимса бош чекмак не мумкин оллиға мастурдин.

Эй Навоий, ёрға ҳар кимсаким зокирдурур,
Рози эрмон зикр қилса ғайри ул мазкурдин.

493

Ёрни дерларки чекмиш юз жафо мен зор учун,
Бўлса минг жоним фидо айлай жафокаш ёр учун.

Ёрким ёри учун чекса жафо бил ани ёр,
Ўлса оздур кимса андоқ ёри меҳросор учун.

Ёрлиқ кўргузди мен жон бирла миннатдорлиқ,
Жонини Ҳақ асрасун бу зори миннатдор учун.

Мен не қилғаймен анга лойиқ магар минг сарву гул
Олиб озод эткамен ул сарви гулрухсор учун.

Ростлиқ бирла равишким анда бордур, кимда бор,
Хўб экандур ўлмаким ул қомату рафтор учун.

Ўлмаким беморликдин саҳлдур чун тиргузур
Ани, ё Рабким, саломат асра бу бемор учун.

Эй Навоий, йўқ эди оламда ойини вафо,
Ҳақ насиб этти санга сенда бу маъни бор учун.

494

Ҳамул тоғеки толиъ бўлмиш эрди ул қуёш андин,
Қуёш лаълича бордур бошима ҳар пора тош андин.

Оти туйногидин меҳробваш из қайдаким кўрсам,
Муҳол ўлғай агар олсам бошим бор неча бош андин.

Кўзумга уйқу ғам шоми нетиб киргайки мардумни,
Яқиндурким оқизғай сел рўди бирла ёш андин.

Кўнгул қони ағар тутти кўзумни айб эрмастур,
Нединким бўлди олам ичра кўнглум сирри фош андин.

Кавокиб нарғисию чархнинғ қавси кўнгул ҳушин,
Не олсунлар, чу олмишлар ани бир кўзу қош андин.

Жунун афғонидин тоғ ичрадур нолам харошида,
Анингдекким садо фарёдиға тушмиш харош андин.

Кўнгул бир ойни истай борди, жон қолди ўлум ҳоли,
Бу ҳам айрилмағай эрди бу қаттиқ йўлда кош андин.

Бағир парголасин айлаб ғизо, қонин қилиб шарбат,
Таваққуъ қилма олам аҳлидин ўтса маош андин.

Навоий мукнати қон ёш ила бир ерга еттиким,
Бўлубтур лаъл фарш офоқ аро ҳар ён тутош андин.

495

Адаб сиёсати чекти кўзумга мужгондин,
Синонки баҳра далирона олмағай андин.

Не кўзки Тенгри билурким, кечурмадим ҳаргиз
Кўнгулда беадабона хаёли жонондин.

Вале не судки, ул шўх беадаблиғ ила
Малул этар мени юз қатла ҳар нафас жондин.

Ғараз манга чу анинг зотидур тафовут йўқ,
Гули висол била тоза доғи ҳижрондин.

Париму ёки малак, йўқса руҳи покмудур,
Ки зоҳир ўлмади мунча латофат инсондин.

Не тарки ишқ учун афсона дерсан, эй носиҳ,
Кўнгулни мен уза олмон, чу кўнглум олгондин.

Навоиё, санга бастур хаёли, ошиқ эсанг,
Киши висол тамаъ қилмас оби ҳайвондин.

496

То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен.

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топманом,
Бўйлаким ишқу жунун саҳросида оворамен.

Қайси захмимға қилурсен чора чун мен, эй рафиқ,
Тийрборони балиятдин саросар ёрамен.

Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени,
Билдиким ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.

Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулға чун ҳамкорамен.

Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз майхора, мен хунхорамен.

Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.

497

Оҳу вовайлоки, ишқингдин жаҳон шайдосимен,
Ҳам жаҳон шайдоси, ҳам аҳли жаҳон расвосимен.

Кўрса ҳуш аҳли юқар мендин жунун ҳолимға боқ,
Ким хирад аҳли улуснинг боиси савдосимен.

Ким жунун аҳли аро нодонроқ ул, донороқ ул,
Ишқу дард иқболидин ул хайлнинг доносимен.

Олами савдода тинмай пўя урмоғлиқ била,
Подшоҳи ишқнинг пайки жаҳонпаймосимен.

Кўрмакимдин ақли кулга юзланур савдои ишқ,
Эй кўнгул, шахси хираднинг мояи васвосимен.

Дашти савдода ҳавои ишқу меҳнат гардидин,
Бесарупо пўялар бирла қуюн ҳампосимен.

Эй Навоий, ҳолима эл йиғлару ул ой кулар,
Шукрким ҳар навъ ила анинг нашотафзосимен.

498

Лабингким ўлук тиргузур жонму эркин?
Агар жон эмас, оби ҳайвонму эркин?

Юзунг шуъласи устида анбарин дуд,
Ки жамъ ўлди зулфи паришонму эркин?

Бало селидин ишқ даштида Мажнун
Менинг телба кўнглумча вайронму эркин?

Қирор куфру дин аҳлин ул шўх, билмон,
Ки кофурму эркин, мусулмонму эркин?

Қилур телба мардумлиғи элни оё,
Париму экин ёхуд инсонму эркин?

Вафо аҳлини кўп қилур қатл гардун,
Шафақму эркин ё қўли қонму эркин?

Дедилар, биров солди давронға ошуб,
Навоий, ул ошуби давронму эркин?

499

Чун хаёлингда кўнгул беҳол эди ўз рашкидин,
То не ҳол ўлғай висол ичра анга кўз рашкидин.

Васлида чун ўзни маҳрам кўрмай ўлдум, ғайрни —
Кўрса маҳрам найлагай улким ўлар ўз рашкидин.

Сўз дегон эрмишки бир сўз деб ўлукни тиргузай,
Эй кўнгул, мен ҳуд дами нақд ўлдум ул сўз рашкидин.

Гул қизил, сориг эмас гулшанда сен кўрган замон,
Оқ гул эрдиким неча ранг ўлди ул юз рашкидин.

Меҳри тобон рашкдин ботти кўруб чеҳрангда хай,
Ким қуёшқа кўрди мунча тоб юлдуз рашкидин?

Лутфу қаҳри сарбасар муҳликдурур ул шўҳнинг,
Бўлмади ўлмак мени маҳзунға ёлғуз рашкидин.

Ул қуёш чунким бўлур кундуз аён, ақшом ниҳон,
Кеча ҳажридин Навоий ўлди, кундуз рашкидин.

500

Эй қуёш, ёйдинг туман минг зарра бу ғамнокдин,
Баски оттинг сарнигун туфроғ уза афлокдин

Қушқа ўтдин рам бўлур, юз войким, кўнглум қуши
Ўзни асрай олмас ул рухсори оташнокдин.

Эй мусулмонлар, манга чун зулму жавридур мурод,
Бок эмас айрилмасам ул кофири бебокдин.

Пок Тенгри ишқ аро пок айлаган шукронаға,
Тортарам юз туҳмату минг ғусса ҳар нопокдин.

Ишқ куйдурган замон оҳ урмасам эрмас ажаб,
Барқ ўртар чоғда чиқмас дуд ҳам хошокдин.

Ўлтурур чобуксуворим, мен қўярмен ерга бош,
Ким бошимни қилмагай маҳрум ул фитрокдин.

Кўнглакимда қон не тонгким, бағрима юз чокдур,
Ким тарашшуҳ айламас, бал қон оқар ҳар чокдин.

Бода тафриҳини ёқути муфарриҳ бермади,
Хўша лаълу дур магар еткурди деҳқон токдин.

Эй Навоий, моҳвашлардин чу йўқ толиъ манга,
Бежиҳат не шиква айлай анжуму афлокдин.

501

Юзинда май гулидур ё юзин кўргузди кўзгудин,
Ваё жаннат гули аксини зоҳир айлади судин.

Юзунгга чун таважжуҳ айладим, қолди қаро қайғу,
Кейин тушкан киби соя кўрунгач меҳр ўтрудин.

Тушумда дедиким, кўксунгга бир ўқ урсам илгим ўп,
Кўрунг толиъким ул ўқ еткач-ўқ сескандим уйқудин.

Дема, ҳижрон туни муҳлик ғамимдин субҳ сарғарди,
Ҳамоно булажаб ҳолим кўруб заъф этти кулгудин.

Бор эрди ҳуснунг афзун, ғам туни чун чеҳра кўргуздунг,
Кўрунур шамъ равшанроқ зуҳур эткач қоронғудин.

Дема, менсиз нечукдурким сени ўлтурмади қайғу?
Санга йўқтур хабар мен худ ўлубмен ушбу қайғудин.

Қадаҳ наззораси ҳушумни зойил қилса айб эрмас,
Ки шоҳид акси ҳар дам жилва айлар ушбу кўзгудин.

Бу гулшандинки булбул зоғ ила тенгдур, фироқ авло,
Нетай ул ердаким йўқтур арабға фарқ ҳиндудин?!

Навоий Каъба қасдин айласун, эй шайх, дей олсанг,
Ки имкон йўқтурур топмоқ киши дайр ичра мақсудин.

502

Чоклик кўксум эшикдур, жисм уйи байтул-ҳазан,
Ул эшикнинг ҳалқасидур наълу гулмехи туган.

Гул юзунг шавқида тиғи ишқ ила бўлсам шаҳид,
Бўлғусидур ҳурлар гулгунаси қонлиг кафан.

Арғадол ичра қароқчи махфий ўлғондекдурур,
Фитна хайлиға панаҳ зулфунгдағи чину шикан.

Чуғз ташбиҳин манга, эй ҳусн ганжи қилмаким,
Мен ватан бузмишмен, ул қилмиш бузуғ ичра ватан.

Судраманг ул кўйдин юз захм ила мен хастани,
Ким ёпишмиш остони фаршиға қонлиғ бадан.

Ўйла, эй булбул, баҳор ўлмиш хазон бирла қарин,
Ким дегайсен бир гули раъно бўлубтур бу чаман.

Юз ҳиял қилдинг Навоий қатлиға, фарёдким,
Айладинг бир тиргузур учун юз ўлтурмакни фан.

503

Хаёлинг келса кўнглумга бўлур озурда мужгондин,
Ҳарамға азм қилған ўйлаким хори муғилондин.

Ўқунг кўнглумга тегмасдин ғуборе эрди кўнглумда,
Ғубори ўлтуришмиш то су септинг анда пайкондин.

Кўзум хуноби лаълинг шавқидин баҳр ўлди тонг эрмас,
Чиқиб гулгун бу дарёнинг саҳоби ёғса қон ондин.

Хатинг нақши бузуғ кўнглумда айлар қасди жон, ваҳким,
Бўлур неши бало ҳар сабзаким буткай бу вайрондин.

Чаман туфроғин, эй аҳбоб, аритманг зор жисмимдин,
Либосин сўймангиз ҳазл айлабон мажнуни урёндин.

Лабинг васфида жонбахш ўлса анфосим тонг эрмаским,
Дамим ул дам насимидурки эскай оби ҳайвондин.

Сочинг сарриштасидин бир гириҳ кўнглумда жам ўлди,
Бу жамъият эрур кўнглумга ул зулфи паришондин.

Не гулгун соғаре мумкин, не гулрух соқие мавжуд,
Жиҳат будур: Навоий гар тилар кетмак Хуросондин.

Буюрди шайх паймон майдину муғ тутти паймона
Ризо йўлида не паймонадин қочтим, не паймондин.

504

Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига, дермен, ушбу хаста бош ўлсун.

Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун.

Ситам зангин темурдек кўнглидин, ваҳким, қира олмас,
Нечаким нолаи зоримда суҳондек харош ўлсун.

Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойға айламак ташбиҳ,
Оғиз гар зарра, Чўлпон — кўз, янги ой анга қош ўлсун.

Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, ғам йўқ,
Келиб йиғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўлсун.

Сипоҳи ҳуснунга бир маҳчаси рахшон алам бўлғай,
Қуёш кўзгусига оҳим сутуни гар тутош ўлсун.

Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,
Қадаҳ тутким, харобот аҳлиға фош ўлса, фош ўлсун.

Кўнгулга жон била бир доғинг оздур, қўй яна бир ҳам,
Неча икки гадоға бир дирам узра талош ўлсун.

Ўларда тенгдурур, шоҳ айласун гулшан гулин мафраш,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўлсун.

Навоий ашк дурридек тиларким кўзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.

505

Ҳуққаи лаълингда кўптур хурдаи маъни ниҳон,
Ушбу маънидин ани гўёки дерлар хурдадон.

Ҳуш ила сабрим сипоҳи уйларин куйдурди ишқ,
Ҳар янги доғим ул уйлар ўрнидин қолмиш нишон.

Кўзда ашким қонидин ҳар сори кўргил қатралар,
Нуқталар янғлиғки қўйғайлар қачон ёзилса қон.

Тиғ чун бошимға еткурдунг таваққуф қилмаким,
Су мақом этмас бийик ердин қуйи бўлмай равон.

Бир момуқ тиққан қулоқдур ҳар ярам марҳам била,
Хаста кўнглум баски ўқи захмидин тортар фиғон.

Дурд жоми бирла йиқ, эй соқийи даврон, мени,
Ким ўлармен ишқ кўйида соғалсам ҳар замон.

Эй Навоий, эмин эрман зуҳд аро мундин нари,
Дайрни маъман қилай, гар умрдин топсам амон.

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВИЛОҲАТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВАҚОЕЪИ «НАВОДИР»ДИН

506

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.

Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлуқни инонмассен,
Йиғи кўр чарҳдин ҳар шом доғи субҳдин кулгу.

Камол истар эсанг сидқ аҳлидин қилма кўнгул тийра,
Мукаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.

Сафо аҳлиға гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранғ бўлғай су.

Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб огоҳлар нақлин,
Ки ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур уйқу.

Бақо нақди ҳаётинғға чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлағай шер оллида тулку.

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур ушбу.

Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмағай боқий,
Фанодин бал, бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.

Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳи динпаноҳ андин —
Ўтарда тутқуси, албатта, бир соғар чиқиб ўтру.

507

Қаён қилса ҳаво ул турфа қуш уйқум олур қайғу,
Вагар кулбамда бир тун қўнса худ кўздин учар уйқу.

Фироқинғ шомида субҳи висолинг ёдима киргач,
Келур ҳар лаҳза тинмай йиғламоқ ичра манга кулгу.

Қуёшим сарвдек қад бирла ҳар ёнким қилур жилва,
Аёғи остида, ваҳ, соядур ё сунбули ғесу.

Янги жон топқамен бўлса лабинг оби ҳаётидин,
Ўларда оғзима чун томизурлар пахта бирлан су.

Лабингнинг холидин жон истадим, ул олди жонимни,
Гунаҳ мендиндур, андин йўқ, чу ишни акс этар ҳинду.

Қул ўлдум холу зулфу қаддинга гар жаврдин қочсам,
Эрур кўксумда ҳар ён доғ ила наълу алиф белгу.

Қадаҳ миръоти руҳ, эй соқию махмурлуқ ранжи,
Мени ўлтурди, бовар қилмасанг қўй оғзима кўзгу.

Чу даврон бевафодур неча соҳибжоҳ эсанг, эй шаҳ,
Гадолар хотирин асраю мағрур ўлмағил асру.

Ичар эрмиш ул ой ушшоқ ёди бирла соғарлар,
Сени ул эл туфайли, эй Навоий, ёд қилғайму?

508

Оҳу ашкимдин шикоят айламиш ул тундхў,
Не дей олғайменки бир оғизда ўтдур, бирда су.

Жонфизо васлин қилурмен ком муҳлик ҳажр аро,
Жон берур эл айлагандек умри жовид орзу.

Муддаиларнинг ҳужуми булажаб ҳолимғадур,
Ногаҳон қилған киби кўргач ғариб итлар ғулу.

Мену – кунлар юз бало, сен ком ила юз айш сур.
Мену – тунлар уйқусизлиқ, ноз ила сен хуш ую.

Соқиё, чиний идиш бирла такаллуф қилмаким,
Бетакаллуфларға хушроқдур суроҳидин сабу.

Ҳуру жаннатдин муродим давлати дийдор эрур,
Ёрсиз боғу канизи беш эмастур улу бу.

Ишқ даштиға фанодин нори эрмиш юз хатар,
Эй Навоий, ёр ишқида бериб жон бўлдиму?

509

Кўнглуму бағримни ғамзанг тиғи айлар ков-ков,
Йўқ ажаб гар қон оқар икки кўзумдин нов-нов.

Хайли хаттинг чаргаси юз даври узра гўйиё,
Ким ики мушкин ғазолинг сайд этарга бўлди ов.

Ишқинг ўти шуъласин муфрит тилар мажнун кўнгул,
Ўйлаким девоналар доим тилар қилмоқ олов.

Ишқ бошимдин чиқориб ўзлукумни урди тиғ,
Ани боштин сов этиб, бошни танимдин қилди сов.

Зоҳидо, ишқингни ёшур дерсен, андин сўнграким,
Ҳолима ташниъ ила солдинг бари оламға чов.

Қайда мумкиндур алифдек чиқмоқ элдин хоссаким,
Кун аро олти жиҳатдин қолмишам андоққи вов.

Эй Навоий, тиғ тортиб, чобукум жавлон қилиб,
Бошима еткач, дедим: тарк эт урушни, деди: ёв!

510

Сипеҳри ойинагун ғар дамимдин ўлди қоронғу,
Асар йўқ эмди дамимдин қўюлса оғзима кўзгу.

Фироқ базмида эрмас суроҳий оғзида қул-қул,
Ки қилди қаҳ-қаҳа бирла ғариб ҳолима кулгу.

Сипеҳр баҳриға боқсанг юзунгга акс дурур меҳр,
Кўрунур икки қуёш чун бўлур қуёшқа су ўтру.

Юзунгда қатраи хай хол нуқтасинму ёшурди,
Ваё чўмуб нафас асрар ҳаёт суйида ҳинду.

Нетиб ҳабиб висолин тамаъ қилай мени шайдо,
Ки телба беадабу тундхўй эрур пари асру.

Ёруқ гар ўлмади шамъи муродинг, айтма кўп сўз,
Киши қазо била бўлмас урушмоқ, айлама ёрғу.

Навоий, истар эсанг ёр лаъли комини, жон бер,
Ўзунг де элга тирилмаклик ўлмагунча бўлурму?

511

Қад эрмаски, сарви хиромон эрур бу,
Лаб эрмаски, гулбарги хандон эрур бу.

Кўнгул ичра ул ой менгининг хаёли,
Гумон қилмаким доғи пинҳон эрур бу.

Бағирдинки кўксумга пайкон тиралмиш,
Ғаминг ўқидин нўги пайкон эрур бу.

Кўзум баҳрида қатрадин дур топилса,
Ажаб бўлмағай баҳри Уммон эрур бу.

Бузулған кўнгул мулкига қилма ҳайрат,
Ки то сели ғам етти вайрон эрур бу.

Ҳалок айласа ғам туни жонни ҳар дам,
Не тонг, эй кўнгул, шоми ҳижрон эрур бу.

Ғамим ҳаддин ўтти кетур, соқиё, май,
Ким ул муҳлику оби ҳайвон эрур бу.

Саломат ҳавасланди шайху соғинди,
Ки зуҳди риё янглиғ осон эрур бу.

Замон аҳлида йўқ вафо, эй Навоий,
Тилаб йўқни топмоқ не имкон эрур бу.

512

Кофургун либос аро ул сарвиноз экинму?
Ё шоми ҳажр дафъиға шамъи Тироз экинму?

Қатл айларида даҳр эли бош қўйдиларму эркин?
Ё қиблаи жамолиға эл саждасоз экинму?

Елму ниҳолларни чаманда хам этти ёхуд
Ул сарвиноз оллида аҳли ниёз экинму?

Кўз баҳру кони бўлди нисор анга нақди жон ҳам,
Буким тараҳҳум этмади, билман бу оз экинму?

Яғмо солурға ҳар тараф отланди ул ситамгар,
Кўнглум вилояти сари бу турктоз экинму?

Ушшоқ ишқ бодиясин қатъ этарда оё,
Маъшуқ кўйи қасдлари ё Ҳижоз экинму?

Кўнглунг, Навоиё, сочидин кеч етар юзига,
Оқшом қоронғу, йўлда нишибу фароз экинму?

513

Лабингға то етибтур бармоғим ҳайратдин эркинму?
Ки тишлармен ани ҳар лаҳза ё лаззатдин эркинму?

Чақилғач барқи ҳуснунгким, халойиқнинғ кўзи ёрур,
Менинг ўртанмағим ул шуъла ё ғайратдин эркинму?

Сочинг рангу исидинким, димоғим бўлди ошуфта,
Бу савдодинму эркин, йўқса ул накҳатдин эркинму?

Насиме еттиким руҳумни қилди тоза, ваҳ, билмон,
Ки анинг кўйидин ё равзаи жаинатдин эркинму?

Танимда тошлар зарби, ичимда нешлар захми,
Жунун бедодидин ё ишқ аро шиддатдин эркинму?

Тамуғ ўти бу янглиғ тез экинму, эй кўнгул, ёхуд
Анга мунча ҳарорат шуълаи фурқатдин эркинму?

Буким олам аро ишқим сўзидин ўзга сўз йўқтур,
Ўтум таъсиридин эркинму ё шуҳратдин эркинму?

Ичимда заъфедур, соқий, қадаҳ бер, гарчи билмонким,
Хумор осебидин ё давр аро меҳнатдин эркинму?

Фано лофин уруб ўзни улусқа айламак муҳтож,
Бу даъво ичра кизби маҳз ё ҳиммatдин эркинму?

Мену муғ дайриким, ҳар сойил анда шаҳ сари боқмас,
Дегин, эй шайх, ҳиммatдинму ё шавкатдин эркинму?

Навоий кўнгли ёниб ишқидин куймакни бас қилмас,
Надоматдин анга ё эртаги одатдин эркинму?

514

Олди чун илгига ул ҳури суманбар кўзгу,
Аксидин қилди аён руҳи мусаввар кўзгу.

Жавҳари ҳуснин агар кўнглида қилмайдур нақш,
Не учун топти жавоҳир била зевар кўзгу.

Ўйлаким ой қуёш оллига келиб бўлди мунир,
Рўбарўюнгда қилур ўзни мунаввар кўзгу.

Оразинг ойинаси ҳажрида кўксум бўлмиш,
Ҳар тараф эски туган бирла саросар кўзгу.

Ой сари боқмаю хуршидни миръот этким,
Кўргузур эгри эмас бўлса мудаввар кўзгу.

Тиласанг файз кўнгул айла хавотирдин пок,
Айламас акс қабул ўлса мукаддар кўзгу.

Майда соқий юзи, соқий юзида май кўрдум,
Эй Навоий, бу сафо қайда топар ҳар кўзгу.

515

Юзунг баёзида ул холи мушксо ҳинду,
Ғариб тушти Хўтан кишвари аро ҳинду.

Не хол эрурки кўнгулни рабуда айлаб олур,
Киши бу навъ қачон кўрди дилрабо ҳинду.

Қаро кўзунгки вафо айнидин манга боқмас,
Ажаб эмастур, агар бўлса бевафо ҳинду.

Тутуб қуёш уза маскан солур жаҳонға бало,
Юз узра холинг эрур воқеан бало ҳинду.

Кўнгулни олса малоҳат била тафовути йўқ,
Хитойи ўлсину ё армани ва ё ҳинду.

Тенг ўлди булбулу зоғ ушбу боғ аро, яъни
Фасоҳат ичра каччау юзи қаро ҳинду.

Навоий этти ўзин ўйла турк ҳиндуси,
Ки аҳли Чину Хито бўлдилар анго ҳинду.

516

Агар ошиқ этса висол орзу,
Аён этмиш ўлғай маҳол орзу.

Анга баски қилғай агар берса даст,
Йироқтин кўрарга жамол орзу.

Куруб оғзим, истармен ул чеҳрани,
Сусиз айлагандек зулол орзу.

Суға, йўқса кўзгуга солғил назар,
Гар этсанг ўзунгга мисол орзу.

Ҳам ошуфта, ҳам тийрадур бўлғали
Замиримға ул зулфу хол орзу.

Қуёшдек манозил тай этмак керак,
Не раҳравки қилғай камол орзу.

Навоий тилар эди шоми қошинг,
Улус айлагандек ҳилол орзу.

517

Кўзумдин учти яна ёрсиз бу шом уйқу,
Яна тонг отқуча бўлди манга ҳаром уйқу.

Мен уйқудин тўнгулубменки ёр кетса учар,
Чу келди хаста кўнгулдин чиқар тамом уйқу.

Эл уйқусин агар ул шўх этмади торож,
Ики кўзинда недур ноздин мудом уйқу.

Не қушдурурки учиб шавқ ҳою-ҳўйидин,
Кўз ошёнида қилмас яна мақом уйқу.

Кўзунгга суди учун нақди жон берай, гар ул
Кўзумга кўз юмуб очқунча берса вом уйқу.

Тушунгга киргали ул шўхи масти хоболуд,
Тилармен айлагамен тун-кун илтизом уйқу.

Бировга давлати бедор ёр эмас, эй шайх,
Ки шарҳи воқеа айларга қилди ком уйқу.

Фасона боиси ғафлатдур элга воиздин,
Нединки келтурур афсонаваш калом уйқу.

Навоий айласа кўз тўтиёси гарди фано,
Зиёни йўқ анга бўлса алад-давом уйқу.

518

Эй йўлунгда подшоларға ғадолиғ орзу,
Ўйлаким бўлғай ғадоға подшолиг орзу.

Ўқлар урди зуҳду тақво жониға усрук кўзунг,
Ким яна бўлмас кишига порсолиғ орзу.

Топсам ул беғонаваш бедодидин махлас яна,
Қилмағаймен хўбларға ошнолиғ орзу.

Лаълидин ком истадим, жонимға етти юз бало,
Лек жонимдин кам ўлмас бу балолиғ орзу.

Эврулуб ул тифлваш бошиға ою кун қилур,
Ул анолиғ орзу, бу бир атолиғ орзу.

Андоқ олди дилраболар кўнғлини ул дилрабо,
Ким бирига эмди бўлмас дилраболиғ орзу.

Кўйида жоним фидосидур, бу маъни бирлаким,
Оллида доим қилурмен жонфидолиғ орзу.

Гар замон аҳли жафосиға чидарсен иста ёр,
Чун топилмас, истама они вафолиғ орзу.

Давр элида чун сафо йўқ, базм давринда магар,
Жом ичинда майни қилғайсен сафолиғ орзу?

Қайси гумраҳ комили раҳбар аёғи туфроғин,
Тўтиё қилдики, қилмас раҳнамолиғ орзу.

Эй Навоий, даҳр боғида чу йўқ баргу наво,
Барги фақр эт, истама ўзни наволиғ орзу.

519

Фироқинг ичра ишим изтиробдур асру,
Тараҳҳум айлаки, ҳолим харобдур асру.

Кўзумдин ашк туганди, кўнгулдин ўт ўчти,
Ғамингда бу ики беобутобдур асру.

Фироқинг ўтида ранжимға йўқ ҳисоб, ўлма
Билурга ранжаки, ул беҳисобдур асру.

Жамол даврида ушшоқ кўнглини асра,
Ки ҳусн хайлиға ойин шитобдур асру.

Бирорта шефтаи жону кўнгулга раҳм айла.
Ки бу харобдур, ул бир ябобдур асру.

Ангаки масжид аро етмади кушод, не ғам,
Етишса майкадаға фатҳи бобдур асру.

Навоий андин эрур ғусса туфроғи ораст,
Ки кўнғлин олғали олийжанобдур асру.

520

Қад эрмас равза сарви нозидур бу,
Калом эрмас, Масиҳ эъжозидур бу.

Дедим: ишқингда ўлмак топтим анжом,
Кулуб дерким, ҳануз огозидур бу.

Берур қатлимға оғзи ваъда пинҳон,
Менинг бирла ниҳони розидур бу.

Қилур қаддинг ҳавоси кўнглум, эй сарв,
Бийик ҳиммат қуши парвозидур бу.

Ғамингда май берур кўнглумга қувват,
Ки фурқат аҳлининг дамсозидур бу.

Фано даштиға кўнглум чекти тиндим,
Улустин, ваҳ, не дилкаш ёзидур бу.

Юзунг боғиға булбулдур Навоий,
Наво қилса, анинг овозидур бу.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГИЗЛИҒЛАРИ «НАВОДИР»ДИН

521

Юсуф эрмас чу малоҳатда жамолингға шабиҳ,
Ҳуснунга ани малиҳ ўлмағай этсам ташбиҳ.

Одам асрорининг ижмолини қилдинг тафсил,
Мундин эркинки дединг алваладу сирру абиҳ.

Чун берур боғ гулу шўра тикон, сен очибон,
Лутфдин гул нечаким хори жафо урса сафиҳ.

Восил ўлди нафасинг руҳини англаб ориф,
Шаръ тузди, чу анинг зоҳирини билди фақиҳ.

Андаким сен чекибон иззу назоҳат этагин,
Йўқ жанобингда малойикка маҳалли танзиҳ.

Ҳам қамар шаққин ишорат била айлаб зоҳир,
Ҳам шажар машшин иродат била айлаб танбиҳ.

Кимки сендин эвуруб чеҳра қаро топиб важҳ,
Ким ҳадисингға қилиб таън дебон бетавжиҳ.

Ой тулуъ этса бўлур меҳри жамолинг зоҳир,
Ким бўлур фаҳм жамил оллиғаким келди кариҳ.

Гар Навоий сори маҳшарда назар айламасанг,
Сақару нордек ўлгай анға хулду мо фиҳ.

522

Тикмагаймен тиғи захмин ўлсам ул озор ила,
Бўлса Исо игнаси Марям игирган тор ила.

Доғлар шаклин киши кўксумда кўрса фаҳм этар,
Ким балони анда тикмишлар магар мисмор ила.

Кўк равоқинда қуёш васфини қилманг, чунки мен
Кўйида хурсанд ўлубмен сояи девор ила.

Юзу зулфи ишқида кофиру мўмин – аҳли дин,
Бўйлаким Мусҳаф ҳамойил қилмишам зуннор ила.

Сабзаи хат ёрутубтур оразинг миръотин, оҳ,
Кўзгуга бу навъ ким бермиш жило зангор ила?

Соғинурлар қон ила бўлмиш мунаққаш кисватим,
Ҳар ён этсам азм бу урён тани афгор ила.

Давр аёғин, соқиё, хуш тут, дамеким йўқтурур,
Хушлуғум давр аҳли, балким гунбади даввор ила.

Бору йўқнинг меҳнатин чекмас бу давлат басдурур,
Ҳар киши оламда қониъ бўлса йўқу бор ила.

Кўкка еткай боши қўйған лаҳза шоҳ оллида бош,
Гар Навоий ичса май шоҳи фалакмиқдор ила.

523

Ингали кўктин балолар зинадур қилсанг нигоҳ,
Ҳажр ўтидин тортсам тобу шиканлик дуди оҳ.

Зулфининг ҳар ҳалқасида бир шикандур ўйлаким,
Ҳабе занжирида ҳар тавқ ичра бир аҳли гуноҳ.

Буки оҳим тийрборони борур гардун сари,
Ғам сипоҳи ингали кўнглумга улдур шоҳроҳ.

Тиғ сурмай нетсун ул қотилки турмай икки кўз,
Қонима дорил-қасоси ишқ аро бўлди гувоҳ.

Буки урдунг бошима ҳар тук ҳисоби тиғи жавр,
Бўлса бўлмас ҳар сари мў бўлса бир тил узрхоҳ.

Дайр аро жон бер Масиҳи дам била, эй муғбача,
Ким хумор ўлтургудек ҳолимни айлабтур табоҳ.

Кирпигингдин қочти юз сори Навоий тонг эмас,
Хордин гар қилса гул қалқонини булбул паноҳ.

524

Гулгун енг ичра илгин ул мушкбўй ғазола,
Ё ранг қилди мушкин ё қўлға тутти лола.

Ошуфта сочин ул гул йиғдию тишлаб ўрди,
Гарчи қилур паришон сунбулға етса жола.

Санчилмамиш гажакким жону кўнгул чекарға,
Ойирди икки қуллоб ул анбарин кулола.

Юз даврида қирондур ё анжум инжусидин,
Гардун териб мудаввар қилди қамарға ҳола.

Ёғлиғ иликда таҳ-таҳким нақши хат ёзилмиш,
Жавру жафо фанида ёздинг магар рисола.

Раззоқ Ҳақни англа ҳар вақту ҳар маконда,
Ҳар кимга рўзи ўлса ҳар хонда ҳар навола.

Фарёдинга ул ой чун етмайдур, эй Навоий,
Недур фалакка ҳар дам еткурмак оҳу нола.

525

Гар дурдии хум бўлсун, агар соф пиёла,
Ичкум чу азалдин, манга бу бўлди ҳавола.

Тан шишасида умр майи ўксуса ғам йўқ,
Эй соқийи гулчеҳра, тўла айла пиёла.

Сен май ичибу рост қилиб соз ила оҳанг,
Мен қон ютубу тортибон афғон била нола.

Юз тақвию зуҳд аҳлин этар масту паришон,
Ул наргиси сармасту ул ошуфта кулола.

Гулгашти чаман хуштур агар соқию мутриб,
Бу келса тута-тутаву ул бир чола-чола.

Лаълинг майидин бизга жигархорлиқ, ўлмиш,
Йўқ чора насиб ўлса кишига бу навола.

Ул зулфмудур икки кўзунг авжида ёхуд
Гулзор ичида мушк сочар икки ғазола.

Ҳолоки муяссар бўлур ул май била хушҳол,
Невчунки рақам қилмадилар умрға ҳола.

Дайр ичра Навоийға қилур муғбачалар зулм,
Гар пири харобот тутар жоми адола.

526

Мен нетиб ишқида оқил бўлаю фарзона,
Ким паривашлар эрур ҳасратидин девона.

Чоклик кўксум аро телба кўнгул турмас ҳеч,
Гарчи Мажнунға ватан лойиқ эрур вайрона.

Шамъ гирдида магар сояси рашкидин эрур,
Айланиб буки қанотин эвурур парвона.

Ошно айламак ул ойни не мумкинки, сипеҳр
Меҳр ойинидин айлабтур ани беғона.

Достонимни деманг ёрға, невчунки гаҳе
Йиғлатур, гарчи гоҳе кулдурур ул афсона.

Фарқи май бўлсам анингдек бу фано дайри аро,
Ки ҳубоб уйидин-ўқ бўлса манга майхона.

Бир қадаҳ бирла Навоийни бу дам тиргузсанг,
Нетти, эй муғбача, тўлғунча анга паймона.

527

Зиҳи гул ичра кулар чоғ этиб аён ғунча,
Чу ёпилиб қила олмай киши гумон ғунча.

Куларга хўблар оғзидин оғзинг ўлди қариб,
Ки қилмишам очилурға яқин нишон ғунча.

Агарчи ғунча аро гул ниҳон эрур доим,
Вале юзунг гули ичра эрур ниҳон ғунча.

Кўп ўлди ҳуққаи лаълингда хурдаи маъни,
Қаю чаманда бўлур мунча хурдадон ғунча.

Бўлурму оғзинг ила тенгки риштаи дури бор,
Нечаки жолаға қилсун ўзин макон ғунча.

Варақ-варақ эмас оғзида баргиким, оғзинг
Чу нукта сурди ютар лахт-лахт қон ғунча.

Май ич баҳор, хусусанки лаългун майлиқ,
Суроҳи ўртаға келтурди ҳар қаён ғунча.

Замона боғида кўнглум ажаб тутулмиш, лек
Ажаб эмастурур очилса ногаҳон ғунча.

Навоий ўлмаки мумкин эмас, агар ичса
Ҳаётбахш лабинг бодасини қонғунча.

528

Сипеҳр сақфиға олтун сутун бўлур, эй моҳ,
Дамеки чархқа чексам ғамингда шуълаи оҳ.

Дедимки: ўлтурасен ишқ аро недур гунаҳим?
Дедики: ишқдин ортуқ яна бўлурму гуноҳ?!

Демаки тоза туганлар гувоҳи ишқинг эрур,
Юзи қаролиғи ёлғон бўлурдин ўлди гувоҳ.

Кўзумга кирди хаёлинг сиришк касратидин,
Қачон ёғинда қилибтур киши булутни паноҳ.

Чу куйди ғайр хаёли кўнгулга тушти хатинг,
Ки сабза хуш кўкарур дашт аро, чу куйса гиёҳ.

Фано йўлидин агар ёнса роҳрав не ажаб,
Ки йўл махуфдурур анда йўқтурур ҳамроҳ.

Навоий ар деди, жуз Ҳақ вужуди йўқ, эй шайх,
Не ёзғурурсен ани ло илоҳа иллаллоҳ.

529

Қилмағил борғали шитоб яна,
Солма кўнглумга изтироб яна.

Келдингу кулбам ўлди қасри биҳишт,
Қилма ани чиқиб хароб яна.

Ҳар дам оҳим ели чу элтур ани,
Солма рухсор уза ниқоб яна.

Лаби лаълингға ўхшамас ёқут,
Яна дур тошу лаъли ноб яна.

Соқиё, тут қадаҳки, ранжи хумор
Қиладур жонима азоб яна.

Майкада боғлиқ эрди тўктум ашк,
Ончаким бўлди фатҳи боб яна.

Ич Навоий, қадаҳки тузди наво,
Базм аро уд ила рубоб яна.

530

Ё Раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама,
Ё кўзумни андин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Чеҳрасига мизбон ўлсун кўзум, ул чеҳрани
Кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама.

Очмайин зулфи паришон кўнглума чектурма оҳ,
Етмайин оҳим ели зулфин паришон айлама.

Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт,
Лаълиға жонимдин ўзга жонни қурбон айлама.

Бошима кўйидин ўзга кўйни қилма ватан,
Кўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама.

Эй кўнгул, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут,
Ё алардин етса юз минг ғусса, афғон айлама.

Истасанг, эй гул, Навоийдек хуш илҳон булбуле,
Ғунчадек кўнглунг маломат хоридин қон айлама.

531

Очиб кўксум шигофин айладим кўнглумни наззора,
Эрур юз пораву ғам тиғидин минг ёра ҳар пора.

Не тош урён танимға урди кўксум чокига солдим,
Мени бедил кўнгул касб эттим, онинг кўнглидек хора.

Таним чун ишқ асири айладинг, манъ этма оҳимни,
Чу қил ўт узра тушти, дуд қилмоқтин эмас чора.

Ўтарсен ўйнай-ўйнай, мен гадойи хаста йўл узра,
Қолурмен бир қиё боқмоқ учун ёлбора-ёлбора.

Ўлумдин ҳажр душвор ўлмаса дард аҳлиға невчун,
Ажал Мажнунни асраб, айлагай Лайлини овора?

Киши май ютса, кўнглум они қон ютқон гумон айлар,
Су ичканни май ичкан соғинур ким бўлса майхора.

Кўнгул саргашталикдин бўлди йўқ оғзинг киби, гўё
Ани чарх айлагандур ғунча йўнмоқлиққа инкора.

Малак таслими шайтон кибридекдур буки, ақл ўзин
Қилиб маъмури амр, истар аморат нафси аммора.

Навоий кўксини чок этти ҳажр андоққи фаҳм эткай,
Тахайюл ҳайъатин кўнгул аро ким қилса наззора.

Яна зулфунг бузуғлуқ солди кўнглум хонумонинда,
Йилон андоққи солғай қўзғолон қуш ошёнинда.

Не қотилдур кўзунгким, тўкса қон Баҳром шаклидур,
Тааммул қилсалар мақтулнинг ҳар қатра қонинда.

Биҳамдиллаҳ, кўзу кўнглумда сен, йўқ эрса топилмас,
Сенингдек гавҳари покиза олам баҳру конинда.

Жаҳон аҳлиға жон ҳар нечаким топмас омон сендин,
Сен, эй жону жаҳон, ё Рабки, бўлғил Ҳақ амонинда.

Юзунғким бўлди майдин лаългун, ўлмиш ики зулфунг
Ул ики ломдекким лаълинг бор икки ёнинда.

Начук сиррин дей оғзингнингки танда ғунчадек кўнглум,
Эрур пинҳон ул пинҳон анинг сирри ниҳонинда.

Ёзилғон жон анингдекким алифсиз, нуқтасиз бўлмас,
Эрур холу қадинг нақши бу зору хаста жонинда.

Замони ҳуснға чун бўлмади расми вафо ҳаргиз,
Вафо расмин ғанимат англағил ҳуснунг замонинда.

Не ҳуснунг нисфича Ширину Лайли ҳуснида мумкин,
Не ишқим жузвича Фарҳоду Мажнун достонинда.

Мурувват рангию инсоф иси кўз тутмағил элдин,
Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда.

Қилур кўйида ит қатли, Навоий телмурур маҳрум,
Нединким эрмас ул ёр оллида бу хайл сонинда.

533

Манга май ўлмади рўзий тараб аёғинда,
Тарабдурур ича олсам итинг ялоғинда.

Куп оғзин очқилу май тобидин мулоҳаза қил,
Ҳаёт суйи начукким Хизр булоғинда.

Фироқ кунжида топсам қадаҳ, бўлай бехуд,
Нединки кўнглум очилмас фароғ боғинда.

Тағорлиқ май эрур ҳавзи Кавсар, эй зоҳид,
Чибинлар ўлди малойик анинғ қироғинда.

Буюрди тавба йигитликда ишқу майдин шайх,
Киши чекарму риёзат нишот чоғинда?

Вафо насими тамаъ қилма гулдин, эй булбул,
Ки йўқ Масиҳ дами эски даҳр боғинда.

Навоий ўлмағуси хонақаҳ сари мойил,
Нединки майкада атри дурур димоғинда.

534

Ҳудҳуд элтур дардлиғ пайғомим ул ой қошиға,
Санчибон худранг руқъам пайк янғлиғ бошиға.

Бас муносибдур сен ўрганмак учун, эй навҳагар,
Байтларким ёздилар дард аҳли қабрим тошиға.

Ҳолини чеккан мунажжим ҳукмин айлар қон аро,
Кимки кўрғай аксини боқса кўзумнинг ёшиға.

Юз ажаб сурат кўрар кўрган юзунгнинг суратин,
Чеҳра очмоқ хатм бўлмиш суратинг наққошиға.

Ҳар тун ақшом пардаи жондин қилай дермен қанот,
Бошиға эврулмак учун кўйининғ хаффошиға.

Шайхқа тасбиҳининг ҳар донаси бир қайд эрур,
Хатмдур озодалиғ кўйи фано қаллошиға.

Меҳмон бўлсанг Навоийға нисор айлар учун,
Обрў бўлғай кўзининғ мардуми дурпошиға.

535

Фиғонки, умрум ўтар туну кун хаёл била,
Хаёл орасида юз муваҳҳиш эҳтимол била.

Ул ой хаёли била телба бўлмишам кечалар,
Жавоб бирга эшитмон туман савол била.

Чу топмон ул гул исин субҳу шом бўлмишмен,
Гаҳи сабо била ваҳшатда, гоҳ шамол била.

Мисоли мумкин эмас тортмоқ мусаввири ақл,
Йўқ эрса қониъ ўлур эрдим ул мисол била.

Хаёл ила доғи густохлиққа заҳрам йўқ,
Мену – фироқ, манга, ваҳ, не иш висол била?

Май ички, умри абад топсанг арзимас ангаким,
Даме замона аро бўлғасен малол била.

Чу ишқу май мени ҳолимға қўймас, эй носиҳ,
Нетиб салоҳ тариқин тутай бу ҳол била.

Чу бўлди дайри фанонинг гадойи айб этманг,
Агар май ичса Навоий синуқ сафол била.

536

Номаи шавқум киши арз айлай олмас ёрға,
Бас ғалат бўлғай жавоб этмак тамаъ мен зорға.

Рашқдин дерменки, панжамни солиб тошлай чекиб,
Кўйида ҳар неча шакли чексалар деворға.

Истарам ҳар ҳалқаси бўлғай менинғ бўйнумға тавқ,
Гар тушар юз ҳалқа банди зулфидин ҳар торға.

Зарнишон тиғи керак бўйнумға османг зинҳор,
Заъфарон бирла қилич шакли чекиб туморға.

Оразу зулфунг ғамидин кофири ишқ ўлғали,
Бутқа бош индурману сунмон бўюн зуннорға.

Ғам хуморидин басе бадҳол ўлубмен, эй рафиқ,
Чек мени ҳар ҳол бирла кулбаи хамморға.

Мунча хориж нағмаким даври мухолиф кўргузур,
Эй Навоий, топмадим бирин боқиб адворға.

537

Лаъли серобингдин ул янғлиғ келур жон оғзима,
Ким ағар худ томизурлар су тотир қон оғзима.

Новакинғдин кўнғлум андоқ тўлдиким чекканда оҳ,
Зор кўнглумдин келур ҳар лаҳза пайкон оғзима.

Бодаи ҳажр андоқ аччиғдурки, они ичкали
Заҳр ўлур ғар худ етишса оби ҳайвон оғзима.

Васл нўшин чунки тотмай мен мазоқим тонимас,
Лек англармен етишкач заҳр ҳижрон оғзима.

Гарчи кўп қон ютмишам айлар талофи барча умр,
Умр ўтуб бир етса ул гулбарги хандон оғзима.

Жон бериб ул заъфни топманки жонбахш эрнидин,
Касби қувват шарбати еткурса жонон оғзима.

Давр аёғин, соқиё, тутғонда лаълинғ қил ғазак,
Ким майи еткурмамиш жуз заҳри даврон оғзима

Бағриму кўнғлум аро мундоқки солди лаълинг ўт
Дам ерига ғайри ўт келмак не имкон оғзима.

Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл жонин олур,
Ўз ўлар дардим демакта келса афғон оғзима.

538

Чиқти пайконинг кўнгулдин оҳи дардолуд ила,
Шуъла ўттин айрилиб андоқки чиққай дуд ила.

Юз қўюб туфроққа гардолуд этар юз аҳли дин,
Ҳар қаён юз қўйсанг ул рухсори гардолуд ила.

Зулфи савдоси мени суду зиёндин қилди фард,
Мену — ул савдо, ишим йўқтур зиёну суд ила.

Айши равшан субҳи васл аҳлиға бўлсун, чунки мен
Меҳнат ичра ўрганибмен шоми қийрандуд ила.

Ғусса ғардидин етар эл жониға фарсудалиғ,
Ҳар қаён майл айласам бу жисми ғамфарсуд ила.

Буд ила нобуд чун ҳузну тарабқа арзимас,
Шод бўлма буд ила, ғам ҳам ема нобуд ила.

Майға оҳанг эт, Навоийким, муғанний ҳар замон
Айш таҳрисин аён айлар лисони уд ила.

539

Мушкин хатинг ул юз киби гулгун варақ ичра,
Тун анбари гўёки сочилди шафақ ичра.

Жон сабзаи хаттингға фидоким кўрунур хуш,
Зангор ила хат ҳайъати гулгун варақ ичра.

Боғ ичра келурсен деб эрур мунтазир ийнак,
Гуллар солибон нақдини ҳар ён табақ ичра.

Хижлатда не терларки кавокибдин оқизди,
Ой кўрди чу хуршиди жамолинг арақ ичра.

Олди сабақи ишқ юзунг лавҳида кўнглум,
Ҳар кун ўқуғон нуктаси йўқ мосабақ ичра.

Уммидки Ҳақ эткай анинг саъйини ботил,
Ҳар кимки ниҳон айлади ботилни ҳақ ичра.

Ишқ ўтида гар ақлни хас деди Навоий,
Йўқ кимсага сўз масъалаи муттафақ ичра.

540

Истарам етсам қуюндек гул узорим қошиға,
Оллида туфроғ ўлуб эврулсам онинг бошиға.

Хора узра лола буткондек эрур ҳар ерда қон,
Боқсалар жисмимга отқан ҳар маломат тошиға.

Кўзларидин ёш оқизған, балки қон беихтиёр,
Ҳар кишиким солса кўз ғирён кўзум қон ёшиға.

Ишқ дашти зоғининг минқоридур ёқутранг
Гўйиё тушкан дурур лаълинг ҳалоки лошиға.

Кўзларим қилсун ҳадаф, кирпикларим этсун қалам,
Бўлса дарбойист зебо суратинг наққошиға.

Кўп тажаммул сотмағил, эй чархким, ҳар кавкабинг
Бир дирамча йўқтурур дайри фано қаллошиға.

Ҳар гуҳарким васфида сочти Навоий назмидин,
Ул пари девона деб бир тош отар подошиға.

541

Фироқ солди бир ўт жисми нотавонимға,
Ки ўртанур киши сўрмоққа келса ёнимға.

Не айб зор таним куйса доғи хас янглиғ,
Бу шуълаларки анинг ҳажри солди жонимға.

Тахайюл айлади Фарҳоду Вомиқу Мажнун,
Чу боқтилар аламангез достонимға.

Анинг туфайли санамлар юзун кўрармен, лек
Муни ким айта олур шўхи бадгумонимға.

Кўнгул шикоятидин юз рисола ёзмишмен,
Ким айлагай бу рисолатни дилситонимға.

Ичурди муғбача дайр ичра оби оташранғ,
Ки шуъласи анинг ўт солди хонумонимға.

Не суд элни кар этса Навоий афғони,
Чу ёр солмади ҳаргиз қулоқ фиғонимға.

542

Ҳаргиз эрмас ҳусн ул меҳри жаҳоноройча,
Меҳр анинг оллинда, меҳр оллинда бўлғай ойча.

Бир-бири узра неча ё кўргузур қавси қузаҳ,
Бошқа-бошқа эрмас ул икки муанбар ёйча.

Оғзиға еткач шакар су бўлди не навъ, эй кўнгул,
Бас бўла олғай шакар ул лаъли шаккархойча?

Гар муфарриҳ ўлса ёқути лабинг жонбахш эрур,
Ул бўла олғайму ёқути муфарриҳзойча.

Лайлию Ширин ситам айларда ўз ушшоқиға
Ҳаргиз эрмас эрдилар ул шўхи бепарвойча.

Гар фароғат мулки истарсен май ичким, бўлмади
Ғамсиз ўлмоқлиқда шаҳ ринди қадаҳпаймойча.

Ўкма булбулники, ул гул ҳажрида ҳар кечалик
Ноласи эрмас Навоий тортқан бир войча.

543

Кўнглумда доғ шамъи жамолинг хаёлида,
Андоққи ҳол ҳар сори парвона болида.

Йилда беш-ўн кун ўлди ниҳол узра гул, валек
Гул келди тўрт фаслида қаддинг ниҳолида.

Шарбатдурур лабингки чучук жон эзилди кўп,
Сероб ўлурда чашмаи нўшунг зилолида,

Ҳижрон маризидур кўнгул, эй раҳмсиз ажал,
Бир доғи етмадинг бошиға, бу малолида.

Ўт узра тушти нуқтаи анбарки чиқти дуд,
Тукким зуҳур қилди юзи узра холида.

Даврон фалакка чекса сени эмин ўлмағил,
Ким еткурур завол қуёшнинг камолида.

Тақвойи зоҳириға, Навоий, не эътибор,
Ҳайрондурур чу ақли кул анинг маолида.

544

Эй сабо, ҳолимни арз эт гулрухи таннозима,
Эгма қаддимнинғ саломин айт сарвинозима.

Айт: кўптин кўпу оздин оз ашким шарҳини,
Дарду сабрим нақди садқанг, боқма кўпу озима.

Чунки ўлгум, ёшурун ишқим баён қил шаммае,
Воқиф этма лек ишқ аҳлин бу махфий розима.

Новакандозимки элни йиқти кўп андозадин,
Ваҳки, эмди тортмиш новак менинг андозима.

Ул кабутарға фидо жонимки, шавқум номасин
Қилса таслим элтибон шўхи кабутарбозима.

Чангдек ғам базмида қаддим хам ўлди, эй рафиқ,
Ашк ҳар торидин ортар нолае бу созима.

Эй Навоий, ишқ аро қочма балодан зинҳор,
Чунки ошиққа балокашлик келибтур лозима.

545

Кўзларида ашкдин су эрди уйқу ўрнида
Турфа кўрким ҳажрдин қон бўлди ул су ўрнида.

Кимгаким кирпик ўқин ёғдурса ул гул рашкдин,
Жисмим ичра бир тикондур ҳар сари мў ўрнида.

Ғайр нақшидин қилибмен пок кўнглум сафҳасин,
Тут ул ой оллида, эй машшота, кўзгу ўрнида.

Шаҳсуворимнинг аёғин ўпкали розидурур,
Ой била кун ҳар бириси бир тепингу ўрнида.

Изтироб этса қошинг кўргач не тонғ шайдо кўнгул,
Телба ким кўрди янги ой ўлтурурму ўрнида.

Даҳр бўстони аро барқу булутдин англадим,
Йиғламоқ юз қатладур бир қатла кулгу ўрнида,

Эй Навоий, дерсен: ул қоматни кўнглунгдин чиқар,
Не ниҳол ўлтуртайин ул сарви дилжў ўрнида?

546

Ёрдин яхши эмас айламаги ёр гила,
Йўқса ул ёрдин эрди манга бисёр гила.

Буки ағёрға мендин гила изҳор этти,
Ҳар неча айласам изҳор яна бор гила.

Кўрубон ғайриға лутфунгни агар дам урмон,
Дема, йўқтур гилалик, айламон изҳор гила.

Кўп жафосидин агар ўлсам эрур турфа буким,
Яна мендин қилур ул шўхи жафокор гила.

Хирқа куйдурди хумор ўтиға қилма, эй шайх,
Ани қилсам гарави кулбаи хаммор, гила.

Чун азал қисматидин ҳеч нима хориж эмас,
Айламас фоқасидин воқифи асрор гила.

Эй Навоий, десанг ойини ризо ҳосил этай,
Ёрдин ҳар не келур айлама зинҳор гила.

547

Илтифот этти букун мен қулга ул шоҳ ўзгача,
Ўзгача англабмен ўз ҳолимни, биллоҳ ўзгача.

Гоҳ ўзумдамен, гаҳи беҳолменким, ул пари
Гоҳ яхшидур мени мажнун била, гаҳ ўзгача.

Ҳолим ўлса ўзгача Фарҳоду Мажнундин не тонг,
Ким эрур Ширину Лайлодин бу дилхоҳ ўзгача.

Гар дамимдин чиқса ўт демангки, тортар ҳар дам оҳ,
Куйгай оҳимдин фалак, дам ўзгадур, оҳ ўзгача.

Не ажаб гар ўзгача сайр этса ҳайратдин сипеҳр,
Юзни май таъсиридин қилғонда ул моҳ ўзгача.

Васли ҳолимға берур тағъйир андоқким бўлур,
Бу замонда улки топқай давлату жоҳ ўзгача.

Меҳр зоҳир айласа, айлар Навоий ваҳмким,
Чарх даври қилмагай ул ойни ногоҳ ўзгача.

548

Ваҳки, умрум барча зойиъ бўлди эл коми била,
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.

Кимса юз йил комронлиқ қилса билким арзимас,
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоғлиқ биров коми била.

Заҳрни ўз коми бирла ичса андин яхшиким,
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Юз дилором айлагандин равза ҳабси, яхшироқ
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.

Эй кўнгул, эл субҳи айши сори боқма, хўй қил
Фардлиқ вайронида меҳнат қаро шоми била.

Қушқа юнг маскан аро хушроқ дурур озодлиғ,
Бўлғанидан банд аро сайёд ипак доми била.

Бўлмоқ итлар мунъими тан туъма айлаб яхшироқ,
Танни қилғунча самин нокаслар инъоми била.

Жоҳу маркаб бирла, эй ким, бормадинг мақсад йўлин,
Қатъ ўлур бетўшалиғ зоди фано гоми била.

Эй Навоий, ҳузн ила ўткар қарилиғ меҳнатин,
Чун йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

549

Меҳрида мен хастанинг ҳар лаҳза ҳоли ўзгача,
Лек ул бадмеҳрнинг ҳар дам хаёли ўзгача.

Гулбун ўлди пасту вард асру бийик, биллаҳки, бор,
Сарви гулрўйим қадининг эътидоли ўзгача.

Боғ нахлининг қадингдек бошида гул бутмамиш,
Ҳусн боғининг бўлур эрмиш ниҳоли ўзгача.

Ҳар замон лаълинг майи ёди кўнгулни маст этар,
Они ҳар дам айлар ул фикри муҳоли ўзгача.

Эй мусаввир, айласанг тақлид жонон суратин,
Чекмагил жонким эрур онинг мисоли ўзгача.

Гар гули раъно қизил, сориғ кўрунур важҳи бор,
Ҳар дам айлар они чеҳранг инфиоли ўзгача.

Тақви аҳлидек бориб муғ дайрида йўл топмадуқ,
Соқиё, май тутки бу қатла бороли ўзгача.

Хонақаҳ аҳлига, эй зоҳид, мени ўхшатмаким,
Зуҳд эли бор ўзгача, ринд лоуболи ўзгача.

Икки дунёдин кечиб ёр истаган топмиш висол,
Эй Навоий, келки йўқтур эҳтимоли ўзгача.

550

Солиб қон онча қўйдунг доғ бу жисми фигор ичра,
Ки онча доғ ила қон бўлмағай бир лолазор ичра.

Қушеким тушса, оҳим ғирдбодидин чиқа олмас,
Биров янглиғки қолғай эшики боғлиқ манор ичра.

Ики рухсори икки зулф ёпқондин ниҳон эрмас,
Начукким шуъла дуд ичра қуёш ёхуд ғубор ичра.

Юзунг шавқида ашким кўзлар ичра жола богланмиш,
Ёғин ул навъким дур боғлағай абри баҳор ичра.

Қолибтур анбарин зулфунг ичинда боғланиб кўнглум,
Кийикдин қатра қон қолғон киби мушки тотор ичра.

Қизиқ кўнглумдаги пайконлари дардин не фаҳм эткай,
Ангаким қатралар хайдиндурур ўтлуқ узор ичра.

Чу ўлдум ҳасратидин шояд ўлган чоғда кўргаймен,
Мени судранг гадолар кўйида бир раҳгузор ичра.

Гар ул шаҳ базмида бир журъа май топмон ажаб эрмас,
Ки май шўхи кириптур ширадин муҳкам ҳисор ичра.

Мениким айламиш ул муғбача ишқи майи махмур,
Мағар ҳам дайр пири чора қилғай бу хумор ичра.

Вафо айларда элга рўзғоринг айлама зоеъ,
Ки улким сен тиларсен йўқтур аҳли рўзгор ичра.

Навоий, ғар фалак даври санга еткурмас ул ойни,
Не чора чун сипеҳр эрмас кишига ихтиёр ичра.

551

Ваъда айлаб васл жисми нотавоним ўртама,
Келмагунгдур, интизор ўтиға жоним ўртама.

Ишқ ўтинг ўртади басдур, яна жоним аро,
Доғи ҳижрон ҳар дам, эй номеҳрибоним, ўртама.

Жонни олдинғ, солма охир нотавон жисмимға ўт,
Нақди жон яғмоға борди, хонумоним ўртама.

Новакингнинг касратидинким, найистондур кўнгул,
Ўт олиб кирма қамишқа, найситоним ўртама.

Жонима ўт солди ишқинг, бал жаҳоним ўртади,
Раҳм этиб мундин нари жону жаҳоним ўртама.

Ҳар иафас куйдурма бир ўт бирла, эй гардун, мени
Куйдурурга ҳар дам айлаб имтиҳоним ўртама.

Қилма нисбат хўблар бирла Навоий деб мени,
Туҳмат айлаб ҳар замон, эй бадгумоним, ўртама.

552

Ваҳки, келтурдунг фироқингдин балолар бошима,
Ул балолардинки қочтим, келди олар бошима.

Захм агар бўлса бошимнинг ҳар туки сойи не тонг,
Мунча тошким ёғдурурлар дилраболар бошима.

Сарвқадларнинг таманноси бошимдин чиқмағай,
Қаҳр этиб, эй шайх, синдурсанг асолар бошима.

Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимға юз бало,
Кўр, нелар келтурди бу юзи қаролар бошима.

Ишқ аро гаҳ-гаҳки эл пандиға бош индурмадим,
Келди турлук-турлук андин можаролар бошима.

Муддаолар бошима тушкунча ҳар дам ақлдин,
Келса хушроқ ишқ тиғидин яролар бошима.

Кўйида ўлди Навоий, қочти андин итлари,
Йўқ эди ўлганда ёру ошнолар бошима.

553

Мен ўлсам айламанг ул тифлга хабар ногаҳ,
Ки ваҳм ўлуктин анга қилмағай асар ногаҳ.

Тутай фироқ туни ғайридин ниҳон ўзни,
Нетай чиқар эса оҳ ўтидин шарар ногаҳ.

Нетайки, бағрим эрур пора-пора, ваҳ, найлай,
Югурса ашк ила парголаи жигар ногаҳ.

Дедики, шом келай кўнглум ичра ўтдурким,
Баҳона қилмағай ул шамъи сиймбар ногаҳ.

Жаҳонни куйдурур оҳим ўти бало бўлғай,
Бу ўтдин этмаса мажнунвашим ҳазар ногаҳ.

Замона боғида эктинг ниҳоли меҳр валек,
Нетарсен ўлса надомат санга самар ноғаҳ.

Навоий, улча керак айладинг не қилғайсен,
Ишингни адл била сўрса ёр агар ногаҳ.

554

Дайр аро то айладинг кўнглумни зор, эй муғбача,
Куфр ила зуннор қилдим ихтиёр, эй муғбача.

Демаким, гар истасанг кўнглумни, бутға сажда қил,
Сен боринда бутқа худ, не эътибор, эй муғбача,

Дайр пирининг муридимен, сенинг ҳам ошиқинг,
Йўқса дин аҳлиға дайр ичра не бор, эй муғбача.

Аҳли ислом ичра ногаҳ чиқма сархуш дайрдин,
Юз халал дин ичра қилма ошкор, эй муғбача.

Кеча шамъу май била қошингға келгумдур дединг,
Субҳ бўлди неча тортай интизор, эй муғбача.

Туррани ошуфта этма очибон марғуласин,
Қилма кўнглумни паришонрўзғор, эй муғбача.

Ҳашр субҳигача маст ўлғум ғар этсам бир саҳар,
Бодаи лаълинг била дафъи хумор, эй муғбача.

Дайр пири савлати манъ этмаса ҳар дам қўпуб,
Бошинга эврулгамен девонавор, эй муғбача.

Маст агар ўлсам асоға боғлабон зуннорни,
Қил алам кўйинг аро айлаб мазор, эй муғбача.

Бузма кўнглум кишварин бедод бирлаким, эмас
Ҳусн мулкининг биноси пойдор, эй муғбача.

Асру ғамгиндур Навоий май тила, эй пири дайр,
Бўл анга соқийлиқ айлаб ғамгусор, эй муғбача.

555

Қошининг ёйи чекилмиш зулфи чавгониғача,
Зулфи чавгони доғи гўйи занахдониғача.

Демангиз мушкин булутким бўлди кўк тоқи қаро,
Баски оҳим дуди борди чарх айвониғача.

Ичкали сўзон кўнгул қонин ўқунғ очти оғиз,
Ўт тушуб суфоридин кул бўлди пайкониғача.

Кўп ёшурдим ҳолим, охир чок этиб кўксумни ишқ,
Ошкор этти кўнгулнинг доғи пинҳониғача.

Бўлмасун дарде итинггаким бағирни тишлағач,
Еди ҳар ёндин узуб ердин ялаб қониғача.

Тушти гўё булбул афғони муассир гулғаким,
Чок-чок этти гирибонини домониғача.

Бўлганингда меҳмон ўлса Навоий, не ажаб,
Чекти чунки оллинга бору йўқин жониғача.

556

Гули рухсоринг аро бўлғали пинҳон ғунча,
Рашкдин боғда пинҳон ютадур қон ғунча.

Ғунча сероб бўлур, лек оғизу лаълингдин,
Ошкор айлади сарчашмаи ҳайвон ғунча.

Топмай оғзингни овунмоқ тиласам гулшан аро,
Санчилур кўнглума ул навъки пайкон ғунча.

Кўз ёшимдин агар оғзингда эрур кулгу не тонг,
Чунки бўлур неча булут йиғласа хандон ғунча.

Гул юзи васли ила кўнглум очилмас, гарчи
Дард боғида ани айлади ҳижрон ғунча.

Очмади жуз гули дард ончаки бедил булбул,
Қилди кўксида кўнгул ўрнида пинҳон ғунча.

Дўстлар васл ўтин истарга Навоий бормиш,
Фош қилманг бу ҳадисини анинг ёнғунча.

557

Топиб ҳаёт зулоли хатинг қаросинда,
Ёзилди ояти раҳмат юзунг сафосинда.

Ики лабинг ёпишурлар, гар оби ҳайвондин
Рутубат ўлмаса ул иккининг аросинда.

Не нутқ ила не адо топти руҳбахш лабинг,
Ки руҳи нотиқа ожиздурур адосинда.

Фироқ бийми дурур чоклик кўнгулда не тонг,
Гар ўлса улки қилич захмидур яросинда.

Кўзунг отиб манга новак хато қилур амдан,
Тириклигимға хатодур анинг хатосинда.

Дедимки, умр вафо қилса даҳр ҳам қилғай,
Валек баҳсдур ул иккининг вафосинда.

Наво минг айласа булбул Навоий ортуқ эмиш,
Ки мунглар ўлди ададсиз мунунг навосинда.

558

Гар неча чавгонға бирдур гўй эл майдонида,
Неча гўй ўлмиш тугундин ҳар сочинг чавгонида.

Ўйла аблақ тунд сурдиким, кира олмас қуёш,
Тун била кундин қилиб маркаб анинг майдонида.

Ҳар тараф боқсангки кўнглум қони қайнар ғуссадин,
Бу ҳарорат рашк ўтидин тушти кўнглум қонида.

Сарсару баҳр, оҳу ашкимдин таажжуб айламанг,
Ким йўлуқмайсиз ҳануз ул иккининг туғёнида.

Ҳажр аро ғамгин эсам тонг йўққи, васлида анинг
Неча топтим шодлиғким, топқамен ҳижронида.

Кўзу кўнглумдин ўқин чеккан қаро топсанг башоқ,
Кўз саводию кўнгул дудидурур пайконида.

Эйки, дерсенким фалакдин кўрмайин саргашталик,
Давр аёғин солма илгингдин анинг давронида.

Бевафолиғ тонг эмас элдинки, деҳқони азал
Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида.

Эй Навоий, тут бутун бу аҳд аро паймонани,
Чун бутунлук йўқтурур эл аҳд ила паймонида.

559

Бўлсам ул қотил шаҳиди ҳасрату ҳирмон била,
Бир қилич тортинг мазорим лавҳи узра қон била.

Бир фатила англағил марҳам била ул шўҳдин,
Жонға ҳар момуққи чирманғон келур пайкон била.

Чексалар тандин ўқин чун ул чиқар, жон ҳам чиқар,
Уйдин эл чиққан киби таъзим учун меҳмон била.

Қоши гар кўнглумда куймак боисидур, айб эмас,
Ёй агар бўлса бўлур ўт барги ҳам қурбон била.

Ишқ даштининг самумидин дегай бўлмиш қуюн,
Ҳажр ўтин боштин-аёқ кўрган бу саргардон била.

Дўзах аҳли, ғам емангким, дўст раҳми келгудек,
Келгум ул ён оҳу ашкимдин ажаб тўфон била.

Эй Навоий, итларига туъмадур боис ўлуб,
Ёр агар истар кўнгул таслим қилғил жон била.

560

Эй ниҳоли қоматинг сарсабз жон бўстонида,
Жилвасидин вола ўлмоқ сарву тўби шонида.

Қошларингдур гўйи икки ҳиндуйи оташпараст,
Майл қилғон саждаға ўтлуқ узорингғ ёнида.

Ўлсам олманг ул париваш тошларинким тутти ер,
Ким эрур жонлар бу мажнуннинг тани урёнида.

Қолқиғай ҳар сори гардун бир мужавваф гўйдек,
Ҳажр шоми тушса ашким селининг туғёнида.

Лаъли ҳажринда бағир парголасидур истасанг,
Кўз ёшимнинг лаългун ҳар қатра томған қонида.

Чун фалак давронига йўқ эътимоде, эй қуёш,
Меҳр кўргузмакни хўй эт хўблиқ давронида.

Базл илгин юқори, сойил қўлин кўргил қуйи,
Тенг бўлурму термаку сочмак хирад мезонида.

Шоми ҳажр эрмас ҳамоноким, чу золимдур сипеҳр,
Тушти мазлум оҳи онингғ кулбаи эҳзонида.

Ул Масиҳ анфосқа ёқмас Навоий, не осиғ,
Нағмаи Довуд агар зоҳир қилур афғонида.

561

Доғи қонин кўргузур Мажнун мазаллат шолида,
Холидин ҳумрат киби парвонанинг ҳар болида.

Заъф кўргилким қаламда ноллар сиққан киби
Неча мендек ҳам сиғо олур анинг ҳар нолида.

Суратин коғазда кўргач, бордим ўздин, ваҳ, ўзин
Кўргач ўлгум, чунки бехудмен анинг тимсолида.

Ҳар дам ўзга шакл бирла жилва айлар, ваҳ, не тонг,
Бор эса кўнглум гаҳи беҳолу гаҳ ўз ҳолида.

Ваъдаи қатл эттию эҳмол этар ўлтурди фикр,
Ким тараҳҳум ёхуд истиғномудур эҳмолида.

Субҳидам кирдим харобот ичра, чиқти пири дайр,
Бор эди юз файз анинг рухсори фаррухфолида.

Эй Навоий, ул йигит ою қуёштин туғдиму,
Ким анга лойиқ бу волиддур, дағи ул волида.

562

Саводи холи анинг хатти мушкбор ичра,
Магарки зоғ ёшунмиш бинафшазор ичра.

Дегайки, гулшани жаннатда очилибдур гул,
Кишики май гулини кўрса ул узор ичра.

Жамоли кўзгуси ичра сариғ юзум акси
Ажаб хазоне аён айламиш баҳор ичра.

Қошинг хаёлини хоки танимда англамас эл,
Ҳилол руъяти мушкулдурур ғубор ичра.

Лабингда жисми заифим сўзи эрур ул навъ,
Киришта ўткарилур лаъли обдор ичра.

Фидоси муғбачанинг нақди дину имоним,
Майи муғона манга тутса бу хумор ичра.

Демак не суд Навоийға ўртагум доғи,
Чу куйди жони анинг доғи интизор ичра.

563

Рўзгорим чун қароpди шоми ҳижрони била,
Эл кўзин ёрутса найлай меҳри рахшони била.

Не лабидин ком эрур мумкин, не андин кечмаким,
Кимса мендек бўлмасун дармонда ўз жони била.

Юзга солса кўнғлум аҳволин манга йўқтур гуноҳ,
Кўз ёшимким булғошиб чиқса бағир қони била.

Раҳм кўргузгай азоб айлар малак, гар ошиқинг
Кирса дўзахқа яролиғ жисми урёни била.

Олти ойлиқ Нуҳ тўфонича бузғай даҳрни,
Олти кун қолса кўзум ёши бу туғёни била,

Ҳусн боғинда кўруб зулфу қадингни боғбон,
Чекти хижлат сунбулу сарви хиромони била.

Эй Навоий, умри боқий истасанг Ҳақ бирла бўл,
Боқий ўлким, вола ўлма олами фоний била.

564

Ул учуғ эрмас қабарған лаъли руҳафзосиға,
Шишада ҳайвон суйи солмиш улус эҳёсиға.

Не учун шамъ оллида саргаштадур парвона, ғар
Садқа қилмас ўзни онинг қомати раъносига.

Онча ул ой кўз қарортибтур менинғ қонимғаким,
Сурма чекмак ҳожат эрмас наргиси шаҳлосиға.

Боқмас истиғнодин элга, ваҳ, не эрким ишқидин,
Юз туман хайли бало ҳар дам кўнгул яғмосиға.

Топмаса лаъли майиға бодапаймолиғ кўнгул,
Хуштурур наззора ҳам лаъли қадаҳпаймосиға.

Ҳусн аро маглуб анга Ширину Лайло ўйлаким,
Ишқ аро Фарҳоду Мажнун ҳам анинг шайдосиға.

Оҳу вовайлодин ўлдум, оҳу вовайло ағар
Боқмаса ул шўх кўнглум оҳу вовайлосиға.

Сўфи ибн-ул вақтдур гар истасанғ осудалиғ,
Эй кўнгул, кўп илтифот этма замон абносиға.

Боғладим зуннор, аммо қилмадим маълумким,
Исо айлар иқтидо бу дайрнинг тарсосиға.

Гар Навоий ўлди ишқи тиғидин зинҳорким,
Қўйғасиз туфроққа юз ҳолин дебон мирзосиға.

Улки тўққиз чарх айвони ўзун кўп кўрди паст,
Чун назар солди бийик даргоҳининғ кирёсиға.

565

Нилдин беҳол холинг лаъли сероб устина,
Тухми райҳон тушти гўё шарбати ноб устина.

Соч ила қошинг аро жабҳангни кўрган соғинур,
Ким тўкулмиш қадр шоми нури меҳроб устина.

Ул қуёш ҳажринда заъфим ўйладурким ўлгамен
Соя тушса ногаҳон бу жисми бетоб устина.

Қон ютар эрдим ғамингдин, ҳажр анга қилдинг фузун,
Найлай ўлмай, заҳр чун қўйдунг бу хуноб устина.

Кўнглум ичра ёралар чун бутти, қўйди доғи ишқ,
Хозин ул янглиғки босқай муҳр абвоб устина.

Хатту холингдин юзунг моҳияти равшан бўлур,
Сафҳадекким, нуқта бирла бўлғай эъроб устина.

Итларинг ғавғоси тонг йўқ, чун Навоий берди жон,
Кимки ўлди, жамъ ўлурлар хайли аҳбоб устина.

566

Юз бало тоши агар ёғдурса дилбар бошима,
Шод ўлурмен барчаси гар текса яксар бошима.

Мазраи жонимда тухми шавқ ила меҳр экмишам,
Йўқ ажаб гар қўнсалар хайли кабутар бошима.

Ҳажр тиғи қилди гар юз пора бу мажнунға бош,
Турфа кўрким ул пари савдосидур бир бошима.

Ҳар туки сойи бошимнинг бир ўқи пайконидур,
Ғам туни монанд бўлди чарху ахтар бошима.

Икки бошим бўлмаса, икки кўнгуллук ёрни,
Севмагайменким, бало урсун мукаррар бошима.

Чун ўзум севдим сени дарду ғамингдин шодмен,
Гар кўзу кўнглумгадур, гар жонима, гар бошима.

Сабзаи хаттингға бўлдум садқа ушбу важҳдин,
Гўйиёким эврулур бу чархи ахзар бошима.

Май тағорин сипқариб дафъиға қалқон айлайин,
Фитналарким ёғдурур чархи ситамгар бошима.

Ғам қуёшидин куюб эрдим Навоий, солмаса
Зилли раъфат шаҳриёри додгустар бошима.

567

Холин ўпсам не учун манъ қилур жонона,
Ким кўрубтур киши мўр оғзидин олмоқ дона.

Тийрборони ғаминғ йиқти бузуғ кўнглумни,
Ерға майл этти ёғин касратидин вайрона.

Қадди ҳажриндаки кўксумда алифлар кестим,
Бўлди андуҳу бало кулбасиға дандона.

Жаннату ҳурни зуҳд аҳлиға кечмай нетайин,
Басдурур чунки манга муғбачаву майхона.

Эй пари, телбамен андоққим ўзумни тониман,
Ўз-ўзидин чу мени қилди ғаминг бегона.

Келди зеб аҳлиға раънолиғу ушшоққа — сўз,
Ул бири чун кўпалакдур, бу бири парвона.

Зулфи савдоси Навоийни чиқарди элдин,
Телба эттию аёғида анинг завлона.

568

Буки мен маҳруму эл маҳрамдурур жононима,
Мунграниб бекаслигимдин ўт тутошур жонима.

Гарчи вайрон этти ақлу ҳуш ила сабрим уйин
Кош бир қатла етишса кулбаи вайронима.

Эй балият новаки, ул фитнакўздин айрилиб,
Ким ҳавоийсен келиб, сен доғи ўлтур ёнима.

Қатлим истаб қонлиғ ашким селидин ўтти рақиб,
Не учун, ё Раб, кирар эркин гунаҳсиз қонима.

Қолғали ҳайрон санга, ёпилмади ҳайрон кўзум,
Уйқудур бир хайли ҳайронлардин ул ҳайронима.

Кўнглума киргач гаминг тўксам бағир хунобини,
Не ажаб, гулранг май матлуб эрур меҳмонима.

Куфр ила бўлди бадал диним магар, эй муғбача,
Риштаи зуннор пайванд айладинг имонима.

Ишқ даштида бало гарди манга чун парда бас,
Атласи гардунни ёпмасмен тани урёнима.

Эй Навоий, то сени тонибмен афғондур ишим,
Жонима раҳм эт, мени сен бори эмди тонима.

569

Ёқар ўлсанг итинғ илгига ҳино қоним ила,
Қўйки, аввал супурай гардини мужгоним ила.

Ашк ўлтурди мени, ҳашр элига, вой, агар
Чексалар арсаи маҳшарға бу тўфоним ила.

Байт ул-аҳзон била Яъқубни Юсуф ғамида
Кўрмаган ҳажрида кўрдик мени вайроним ила.

Дашт аро гар ёвумас кўнглума гардун, не ажаб,
Бўла олмас бу алохону аломоним ила.

Панаҳим ғайри қуюн бўлмағаю тоғ этаги,
Мени саргаштани кўрган тани урёним ила.

Сарв аёғики ботибдур суға найлаб қилғай,
Жилваи ноз менинг сарви хиромоним ила.

Жонда пинҳон дурур ул ою эшитмас нетайин,
Неча ёлборса кўнгул нолаи пинҳоним ила.

Тийрамен дуди гунаҳ бирла магарким ўлсам,
Дўзах ўти ёруғай шуълаи исёним ила.

Эй Навоий, мени жон олгали жонон тиламиш,
Айларам азм анинг кўйи сари жоним ила.

570

Яна ишқ илгидин ҳолим уланди зорлиғларға,
Фироқ ошубидин қолди ишим душворлиғларға.

Кўзидин жуз бало пайкони етмас гарчи қолмишмен,
Оғизға қатра су томузғудек беморлиғларға.

Ҳурар ит кеча тонг боши, уюр мендек қачон тушмиш,
Кеча тонг отқуча фарёд ила бедорлиғларға.

Жафони чунки ноҳамвор этар ул қотили бебок,
Танимда захмлар дол ўлди ноҳамворлиғларға.

Анингдек зуҳду тақво йўлини урдунғ чиқиб усрук,
Ки тушти юз менингдек порсо хамморлиғларға.

Кўзу зулфунгдин андоқ куфр шойиъдурки ер ҳасрат,
Белин тақвиға қилғон маҳкам эл зуннорлиғларға.

Биров ўзни фалак озоридин озод қилдиким,
Фано туфроғи ичра тушти беозорлиғларға.

Десангким, ҳар замон бир ёрнинг душманлиғин кўрмай,
Замон аҳли била оз майл кўргуз ёрлиғларға.

Навоий ашк дурру лаълидин не васл топқайким
Бу давлат етмади Қорун масаллик борлиғларға.

571

Маст отланди ул ой қилмай хабар аҳбобқа,
Ғарқа майлик шиша янглиғдур кўнгул хунобқа.

Бир тараф гўё ўзин солмоқ хаёли бор эди,
Йўқса невчун солди юз фосид хаёл аҳбобқа.

Не эришмоқликка ҳаддим, не турарға тоқатим,
Йўқ манга ёлғуз бу шиддатким бори асҳобқа.

Ҳар бири бадҳол бир ён тарқашиб тушти валек,
Нотавон жисмим қаронғу уйда печу тобқа.

Ул кеча то субҳ не дейким не ўтти ҳажридин,
Пайкари беҳолға ё дидаи бехобқа.

Соқиё, ғам шомида ўлдум, сабуҳий бода тут,
То даме машғул этай ўзни раҳиқи нобқа.

Эй Навоий, андин ўлса махласим бермай кўнгул,
Ҳеч банди зулфи дилкаш турраси қуллобқа.

572

Эй кўнгул, ҳажрим балосин арз қилдим шоҳима,
Ваъда қилдиким, мени қўшқай париваш моҳима.

То паёпай бўлғай ул афтодаларға дастгир,
Умру давлат, ё Раб, афзун қил дамодам шоҳима.

Дема, ҳижрон бийми чун кетти, недур ўтлуқ даминг,
Васл умидидин ёруғлуғлар етибдур оҳима.

Зулмати ҳижронда итмиш кўнглум, эй барқи висол,
Ламъа солиб гаҳ-гаҳи йўл кўргуз ул гумроҳима.

Кўнглум истар эрди ул ойни, берай юз муждаким,
Еткурур янглиғдурур гардун мени дилхоҳима.

Истарам ишқин ниҳон бўлгай эл ичра киргали,
Эътимодим йўқ нетай бу нолаи ногоҳима.

Васли юзидин манга жоми жаҳонбиндур кўнгул,
Даври жоми етса тонғ йўқ хотири огоҳима.

Буки васл иқболида мумкиндур осеби фироқ,
Васл етмай кўнглума солур тараддуд воҳима.

Эй Навоий, айтқил ул шаҳға шайаллоҳким,
Васл мулкин айлади инъом шайаллоҳима.

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «НАВОДИР»ДИН

573

Лабинг фикри бағримни қон қилдило,
Чу қон қилди, кўздин равон қилдило.

Юзумни демайким, бари ер юзин,
Ҳамул қон ичинда ниҳон қилдило.

Деди кўнглунг эттим нишон васл учун,
Фироқи ўқиға нишон қилдило.

Кўнгулким бузулди тилаб ганжи васл,
Ани чуғзи ҳажр ошён қилдило.

Кўнгул бирла кўз сиррини, эй рафиқ,
Яна оҳу ашким аён қилдило.

Вафо аҳлини чарх беком этиб,
Жафо хайлини комрон қилдило.

Навоийға гар тавба яхши эди,
Яна таркини ул ёмон қилдило.

574

Ошно ёрим яна бегоналиғ фан қилдило,
Ўзни ўз ёриға ҳар фан бирла душман қилдило.

Ваъдаи ҳамхоналиғ айлар эди ул, бўлмади,
Хонавайронлар сари кўйини маскан қилдило.

Деди, лаълимдин қилай жонинг иложи, қилмади
Ғамзасин жонимға, охир новакафкан қилдило.

Гулшани васлин манга зиндони ҳижрон айлабон,
Муддаиға ҳажр зиндонини гулшан қилдило.

Ишқ ўти ўртаб мену парвонани ҳижрон туни,
Булбул ул мотам аро то субҳ шеван қилдило.

Эй кўнгул, ул турфа қуш мойил бизинг сори бўлуб,
Ғайр боғу гулшанин охир нишиман қилдило.

Куйганин айтиб Навоий, бовар этмас эрди халқ,
Ёрутуб ҳажр ўтин ул даъвони равшан қилдило.

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «НАВОДИР»ДИН

575

Зиҳи тажаллийи ҳуснунг келиб жаҳонорой,
Жамиллар санга ойинаи жамолнамой.

Жамол бирла жалолиятингдин ўлди бу навъ,
Саҳар узори уза шоми зулфи анбарсой.

Бу тийра даҳрни гар ошиқ этмасанг бўлмас,
Аруси меҳри фалак мазҳарида жилванамой.

Басити олам аро гар сен ўлмасанг Босит,
Кўнгулга қайда бўлур Зуҳра лаҳни бастфизой.

Чаман аройиси зебиға бўлди ҳуснунгдин,
Зулол ойинадору насим – нофакушой.

Сенинг хаёлинг ила хонақаҳда ҳой ила ҳуй,
Сенинг висолинг учун дайр ичинда нолаю вой.

Навоий ўлди гули ҳамду шукрунга булбул,
Ани бу боғ аро лутф айлаб айла нағмасарой.

576

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,
Ким замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга,
Қатл учун остида қилғон заҳр пинҳон хотаме.

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб
Ёғдуруб ашкин тутар ҳолингға ҳар тун мотаме.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ Одаме.

Нукта нозук бўлди асру бўлғай эрди кошки,
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.

Дарду захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй огзима,
Соқиё, кўксума лойидин дағи ёқ марҳаме.

Давр аро суҳбат бу янглиғдур Навоий тонг эмас,
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

577

Не бир субҳ ул қуёшнинг илгидин ичтим тўла жоме,
Не ёттим маст рухсорим аёғиға қўюб шоме.

Не бир қуш ҳаргиз ул гулшан сари еткурди пайғомим,
Не бир ел ҳаргиз ул гулдин манга еткурди пайғоме.

Ўқунгдин минғ тўшуклук кўнглак ичра толпинур кўнглум,
Ҳамул қуш мисликим ани муқайяд айлагай доме.

Начукким тутмадинг, эй умр, вайроним аро ором,
Ғамингдин тутмади жон ҳам бузуғ жисмимда ороме.

Ҳамул кундин сариғ чеҳрамда гулгун ашкдур, эй шайх,
Ки бир зарбафти гулфомий кийиб чиқти гуландоме.

Югурдунг Каъбаи мақсад тилаб кўп, лек тинмайсен,
Чиқарсанг ўзлукунгнинг дайридин ўзни эрур коме.

Навоий, тонгла ҳуру софийи кавсардин ортуғдур,
Букун ул муғбача ишқида бўлсанг дурдошоме.

578

Чеҳра кўрсатгилки жон бермоқ тариқин кўрсатай,
Ишқ атворини даъво қилған элга ўргатай.

Кўрсатиб юзким, дединг: қилма кўнгулни музтариб,
Гар жавоб истарсен онча турки, они тўхтатай.

Бахтим уйғонмас бу нафхи сурдек фарёд ила,
Менки марг уйқуси босқонларни дермен уйгатай.

Меҳр ила васлинг куни бир субҳдек кулдур мени,
Неча ҳажринг тунлари кўзни фалакдек йиғлатай.

Риштаи ашким керишдур эгма қаддим ёсиға,
Оҳ ўқин ғам шоми бахтим кавкаби чиққач отай.

Кўнглума холинг хаёли кирса мардумлуқ қилиб,
Кўз уйида они мардумлар ичинда асратай.

Келки, гамзанг игнасиға тоқибон жон риштасин,
Кўнглаким чоки киби кўнглум шикофин тевратай.

Бир қадаҳ май бирла тиргузгил мени, эй муғбача,
Дайр эшикинда неча махмур, ўлук янглиғ ётай.

Эй Навоий, шарбати лаъли эрур жонбахш, лек
Заъфдин ўлсам, не ҳадким дегамен они тотай.

579

Ёр тандин жоним айрилғунча зулмин қилмоғи,
Эрмас онча саъбким, мендин ўзи айрилмоғи.

Гар тутулмоқ истамас кўнглум қушин, бас негадур,
Донаи хол узра зулфи доминнинг очилмоғи.

Боғлайин дермен кўнгул тоатқа қўймас, найлайин,
Ҳар нафас кўнглумға ул бут гамзаси сончилмоғи.

Кирпики ёнмиш кўнгуллар илғали қуллобдек,
Бўйладур ул шўхнинг кўнглумни кўзга илмоғи.

Васлидин, вах, не сўз айтайким, эмас мумкин, валек,
Холи аз айше ҳам эрмас ҳар замон айтилмоғи.

Ҳар кишиким дайр ичинда ғойиб этти нақди дин,
Эй мусулмонлар, анинг мумкин эмас топилмоғи.

Чок этиб кўксин Навоийнинг, кўруб кўнғлида ўт,
Деди: беважҳ эрмас эрмиш мунча афғон қилмоғи.

580

Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофире,
Куфр элига ҳомие дин аҳлиға яғмогаре.

Чобуке, нўшин лабе, раъно қаде, хоро диле,
Маҳваше, Ширин узоре, гулрухе, сийминбаре.

Жон берурда лаълидин Исо сифат жононае,
Кўнгул олурда юзидин Юсуфойин дилбаре.

Зулфи кўзларни қаро қилмоққа шоми фурқати,
Шоми фурқат дафъиға рухсори меҳри анваре.

Ҳам гулистон сайри ичра сарв қоматлиғ гуле,
Ҳам шабистон базми эҳёсида шамъи анваре.

Аллоҳ-Аллоҳ, бўйла офатнинг гирифтори бўлуб,
Найлагай бир мен киби зори заифи абтаре.

Не қарору сабру не тобу тавон, не тоқате,
Не кўнгул, не жону не руҳу равон, не пайкаре.

Соқиё, дилдорим ул янглиғ, мени бедил бу навъ,
Раҳм этиб тутқил манга айлаб лаболаб соғаре.

То бўлуб бехуд Навоийдек қилай девоналиг,
Ким тараҳҳум қилмаса, қилғай тамошо ул пари.

581

Не ажаб гирён кўзум гар бўлмас уйқу манзили,
Ким етишмас баҳрнинг бир ерга икки соҳили.

Эйки кўрдунг жонима фурқат куни юз минг бало,
Билки эрмастур булар ҳажрим тунининг дохили.

Деманг, ул оразда бурқаъдур ва ёхуд йўқтурур,
Ё эмастур ғояти равшанлиғидин ҳойили.

Дафн этар чоғда ичимдин чекмангиз пайконларин,
Ким бу жавҳарлардурур нақди ҳаётим ҳосили.

Ҳар тараф чун тиғ чекти, рашкдин бўлдум ҳалок,
Элга жон берди ва лекин бўлди жоним қотили.

Ишқ майли чунки ҳижрон сори эрмиш, хуш ул,
Ким бурундин бўлмади кўнгли биравнинг мойили.

Гар жунун аҳли аро айтур Навоий дарси ишқ,
Не ажабким улдурур девоналарнинг оқили.

582

Бас ажабдур, икки лаълин кўрсангу оғзин доғи,
Ғунча бўлмоқ бир-бири узра ики гул яфроғи.

Мил агар бўлса ўқунгдин йўқ ажаб, эй қоши ё,
Чун кўзумни сурмадон этмиш аёғинг туфроғи.

Ғарқи ашк ўлдум кўнгулда гавҳари ишқ ўйлаким,
Баҳр аро дур маскани бўлғай болиғнинг қурсоғи.

Йўққи тиғинг тўкти қоним, балки чекти дам била,
Ул ики аждарки кўрсатмиш қиличинг болчоғи.

Чиқти қон тўкмакка ул кофир, шафоат қилмангиз,
Эй мусулмонларки, мумкин йўқ тараҳҳум қилмоғи.

Бодаю ишқу шабоб айёмию, фасли баҳор,
Панд нетсунким эрур ошуфталиғларнинг чоғи.

Воиз айлар васфи жаннат ичра кавсар бодасин,
Бўл Навоий маст, хоҳи мундоғи, хоҳ андоғи.

583

Жисми ул гулнинг қизил тўндинмудур гул хирмани,
Ё солиб рухсори бир хирманға ўт ўртар мани.

Оташин гул жисмида андоқки су музмардурур,
Ўйладур гулгун тўн ичра оби ҳайвондек тани.

Гўйиё гул ичра савсан барги айлабтур ниҳон,
Йўқса гулгун тўн ичинда кўнглакидур савсани.

Қатл учун ол айлади тўн, йўқса ул қаттолваш,
Ғарқа бўлмиш қонға, баским бўлди қон тўкмак фани.

Оташин гулму экин гулбунда ҳар ён ё магар,
Ишқ сўзидин тушуб ўт, куйди булбул маскани?

Гул сочиб юз йил агар гулранг май нўш айласанг,
Арзимас бир кун тикон нешиға даврон гулшани.

Гул эрур юз хурдаси бирла гадойи жандапўш,
Эй Навоий, муфлиси қониъни бил шоҳи ғани.

584

Кўнгулнинг чокидин гар бўлса жоннинғ ваҳмию боки,
Не тонг, эй гулки, кўнглак чоки эрмастур кўнгул чоки.

Ўлук ушшоқ баҳри ишқ атрофида тонг эрмас,
Эрур хасларки сурмиш ҳар тараф бу баҳр кўлоки.

Бало саҳросида, эй ой, таним ўртарға саъй этма,
Ки баҳр ичра чоқин тушса куяр бу дашт хошоки.

Бошим аввал ити оллиға сол, эй чархким, тўйсун,
Ки қоним бирла рангин бўлмасун ул шўх фитроки.

Буким ул шўх элни ўлтурур бу рашкдин оё,
Билур эркинмуким эрмас тирик бу зори ғамноки.

Бўлур ҳусн ичра бир онеки аҳли ишқ дарк айлар,
Йўқ эрса зоҳиди беишқнинг йўқ мунча идроки.

Начук ҳар зарра бу доир фалакдин меҳр кўз тутқай,
Ким онинг давридин саргашта бўлмиш меҳр афлоки.

Тирилдим бодадин қайғум кетиб, эй боғбон, гўё,
Ки ҳайвон суйидин шодоб бўлғондур анинг токи.

Навоий назм аро тиғи забонин ўйла сурдиким
Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка Саккокий.

585

Кош санчилса ики кўзума кўюнг тикани,
Кирпикинғ игнаси бирла чиқарур бўлса ани.

Чиқмағай туфроғи бўлғунча гадоларға ватан,
Ҳар гадоким эшикинг туфроғи бўлмиш ватани.

Захмдур лола киби доғларнинг дудидин,
Ханжари ишқ шаҳиди уза қонлиғ кафани.

Пуршикан зулфунг аро туштиким, эй аҳдшикан,
Юз шикан солди кўнгулларга анинг ҳар шикани.

Туну кун зулфу юзунғ шавқидадурмен, негаким,
Гулшани ҳусннинг ул сунбулидур, бу сумани.

Бода қон, нағма фиғон, сури азо, айш бало,
Кўргасен жилва агар айласа ишқ анжумани.

Ҳуснидин бўлса Навоийға гадолиг, не ажаб,
Ки будур асру фақир, ул доғи бор асру ғани.

586

Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботқон чоғи,
Ким сабо пайки манга еткурди бир гул яфроғи.

Тўлди шавқинг гавҳаридин баҳри ишқ ичра кўнгул,
Гўйиё бўлмиш менинг кўнглум садафнинг қурсоғи.

Ерға томғоч ашки ҳайвон чашмаси бўлмоқ не тонг,
Қайси кўз ичраки ер тутса аёғинғ туфроғи.

Суртсам мужгон кафи пойингға кўп ваҳм этмаким,
Қилмади афгор гул баргини булбул тирноғи.

Нетиб асрай ўзниким ҳолимни ул чиққон замон,
Англатур ёнимға ўлтурғанға кўнглум солмоги.

Ёшим эллик бўлди юз ҳасрат есамким суди йўқ,
Ўзни майдин хуш тутай чун ўтти умрум хушроғи.

Эй Навоий, Вомиқу Фарҳоду Мажнун бордилар,
Бўлма ғофил, дам-бадам қилғунг азимат сен доғи.

587

Неча йилда қилмади кўнглумга ишқи шиддати,
Улча қилди хаста жонға неча кунлук фурқати.

Ҳажр бедоди аро ҳар кун яқиндур ўлгамен,
Дўстлар, беҳад қотиқ эрмиш йироғлиқ меҳнати.

Боғни қўйким кўнгулнинг ул қаду юз ҳажрида,
Сарв ила ҳам унси йўқ ғул бирла доғи улфати.

Сен билу жисмим неча дог ўртар эрсанг, эй сипеҳр,
Ким кўнгулга басдур ул бадмеҳр доғи фурқати.

Эй кўнгул, даврон элига чунки йўқ ҳусни вафо,
Қайда бас ҳусн аҳлиға бўлғай вафонинг нисбати?

Истасам жоми муғона тутса гоҳи муғбача,
То тирикмен айлагумдур дайр пири хидмати.

Эй Навоий, чарх золининг фирибин емагум,
Ёр ағар бўлса менинг бирла эранлар ҳиммати.

Ўйла ҳижрон тийрадурким, зулм экоч ул ой фани,
Ёқибон кундуз чароғ истаб топа олмон ани.

Лаълинг уммидида мунглуғ жоним ўлмиш бир гадо,
Ким мунунг йиртуқ тўнидекдур анинг захмин тани.

Ул кўз оллида мукаҳҳал кўзлари ҳусн аҳлининг,
Кулга булғонғон сурук девоналардур гулхани.

Оғзи жон қасди қилур, жонга таваҳҳум йўқ ажаб,
Хавфи кўпроқдур анингким, махфий ўлса душмани.

Келса тонг йўқ гоҳ пири дайру гоҳи муғбача,
Риндким кунжи харобот ўлғой онинг маскани.

Яхшироқдур кўрмаган оламда ҳусн аҳли юзин,
Ким санамлар ишқининг бу келди важҳи аҳсани.

Эй Навоий, ком топмай гар мен ўлдум ишқ аро,
Кимки топса ком анға гоҳи соғиндурғил мани.

589

Чун сўз айтурсен лабинг титрар ғазаб қилғон чоғи,
Рост андоққим сабо таҳрикидин гул яфроғи.

Кимки кўрди суратинг коғаздағи сурат киби,
То қиёмат оғзи ичра қолди ҳайрат бармоғи.

Баски кўз оқу қаросин суртмишмен, шавқдин,
Ҳам қаро, ҳам оқ ўлубтур бодпойинг туйноғи.

Не ажаб қон тўкса тиғингким, анинг ошомиға,
Оғзин очқон икки аждар зоҳир этмиш болчоғи.

Бошима туфроғ совурғондинму чеҳрам ғард экин,
Ё фалак ёғдурмиш устимга мазаллат туфроғи?

Деди, лаълимни сўрарсенмуки, топқайсен ҳаёт,
Бир ҳаёти тоза худ еткурди онинг сўрмоғи.

Дайр пири хидматиға улки дер, бел боғладим,
Чин деғай ул вақтким, зуннор бўлғой белбоғи.

Менки эллик йил чекиб ғам, топмадим хушвақтлиқ,
Топқаменму умрнинг эмдики ўтмиш хушроғи.

Эй Навоий, олам аҳлидин вафо қилдинғ тамаъ,
Мен эдим сенинг киби, мен янғлиғ ўлғунғ сен доғи.

590

Ким экин ул кўй аро деб, келса андин ит уни,
Ит уни вазни била кўнглум солур ҳижрон туни.

Демангизким, шоми ҳажрингнинг нечук поёни йўқ,
Субҳ шамъин тийра айлар ғам тунининг шудруни.

Шоми ҳажримни қаро қилмоқ не ҳожат, эй сипеҳр,
Рўзгоримдин қарорақдур чу ҳажримнинг туни.

Ишқ иқболидин андоқ кимиёедур юзум,
Ким қилур касби иёр андин қуёшнинг олтуни.

Дард кўркким, истаса келмак ғамим сўрмоққа ёр,
Рози эрмонким, сиришким селининг бор ўзгуни.

Даҳр бўстониға зийрак қуш, не қилсун майлким,
Ғунча жуз қонлиғ кўнгул очмас бу гулшан гулбуни.

Ғам Навоийнинг кўзин қилмиш булутким заъфдин,
Истар оғзиға томизғайлар момуғ бирла суни.

591

Юзи давринда қиронму зоҳир этмиш ул пари,
Ё қуёш бирла қирон айлабтурур юз Муштари.

Йўқса анжум ҳалқа урдилар тамошо қилғали,
Жилваи ҳусн айлаганда офтоби ховари.

Бу баҳона бирла рухсориға еткайменму деб,
Риштаи жоним аро тортилди ашким гавҳари.

Гул уза шабнам эмас, ул юзда дур монандиким,
Инфиолидин ботибтур терга гулбарги тари.

Жолаларнинг лолазор ичра йўқ онча зебиким,
Лолагун рухсоринг атрофида дурлар зевари.

Дур била фахр этмаким, ул беш эмас бир қатра су,
Панд дурриға қулоқ сол, эй санамлар сарвари.

Юзи васфида Навоий доғи айлабтур қирон,
Назм силкигаки чекмиш дурри маъни ҳар сари.

592

Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари,
Ул нимаким билмагай одам, қачон билсун пари?!

Хўблар ҳуснин қазо машшотаси кўп қилди зеб,
Анда юз минг ҳайфким, йўқтур вафонинг зевари.

Мен киби айлаб вафо, кўрган жафо топилмағай,
Ахтарилса сарбасар аҳли муҳаббат дафтари.

Эй кўнгул, жинси башардин сен вафо кўз тутмаким,
Йўқтурур бу хайл зотида муҳаббат жавҳари.

Эйки дерсен, меҳр шамъи бирла кулбангни ёрут,
Ҳам магар ани ёрутқай шамъи меҳри ховари.

Fуссадинким жон олиб парвойим этмас муғбача,
Бехуд ўлмоқ истаб ўлдум дайр пири чокари.

Эй Навоий, гар десанг кўрмай жафо, бўлмоқ керак –
Хўблардин, балки мутлақ насли одамдин бари.

593

Қон айладинг кўнглумни ниҳони,
Кўргил ики кўзумда нишони.

Тушти фиғонға кўнглум ул ойдин,
Тонг йўқ етишса кўкка фиғони.

Ҳажринг тунига тушкали кўнглум,
Бўлмиш кўзига тийра жаҳони.

Ҳасрат гули ҳамул дам очилғой
Бағримнинг томса кўйида қони.

Ҳар кимсага не туҳмат этайким,
Иткан кўнгулни олди фалони.

Айларда ишқинг шарҳини таҳрир,
Сиғмас қалам тилига баёни.

Хусрав, Навоиё, сени кўрса,
Шаҳни дегай, Маликшаҳи соний.

594

Кўнгулки иткали андин топилмади хабаре,
Топилса ҳам анга мендин топилмағай асаре.

Қадингки нахли балодур ситам ёғар андин,
Не бўлғуси самари, бўлса ул сифат шажаре.

Не шоми фурқат экин, ваҳки, умр ўтуб андоғ,
Тулуъ қилмади хуршиди васлидин саҳаре.

Гузарда кўрмак учун заъфдин йиқилмишмен,
Гадои хастадек ул кўй аро тутуб гузаре.

Итингки бор анга ушшоқ бағридин тўъма,
Қилай деганга ани меҳмон керак жигаре.

Оқар қадаҳға, томар ерга боданг, эй соқий,
Хумор аҳлиға тегмасму ҳеч оқар-томари?

Фироқ ўтида Навоийни, эйки, куйдурасен,
Чу ишқинғ айлади хасча анга не бас шараре.

595

Ит киби неча самандинг сўнгича пўя урай,
Ногаҳ ўтсам боқибон сен ёна ўткунча турай.

Чунки еттинг кўруб ул чеҳрани беҳол бўлуб,
Ўзга келгач ёна ул рахш сўнгинча югурай.

Тўрт аёғланиб итинг хайли аро мен мажнун,
Гар кесак отсанг ўпай, гар сўнгак отсанг кўмурай.

Уйқунга мониъ агар бўлмаса ул кўй ичра,
Югуруб итлар ила кеча тонг отқунча ҳурай.

Субҳидамким уюр итлар манга чун йўқ уйқу,
Посини меҳр ила олам ёруғунча етурай.

Ишқ кўйида агар шери жаёндур, итдур,
Тонг йўқ ар фахру мубоҳот ила бу нукта сурай.

Нетти итликка Навоий киби қойил бўлсам,
Элга кўз йўқмудурур гарчи ани мен ёшурай.

596

Хунфишон кўзни юбон оқ этти ашким касрати,
Гарчи кетмас лоланинг судан саводу ҳумрати.

Шуша олтунлар эрур дурри висолингға баҳо,
Коҳи аъзом узра эскирган алифлар ҳайъати.

Тушта васлин кўргали, ваҳким, ажал уйқусиға,
Бордиму кўнглум аро қолди ул уйқу ҳасрати.

Гарчи оллимдин ўтарсен ҳар замон майдонда, вой,
Ким эрур мониъ юзунг кўрмакка рахшинг суръати.

Тиғи зулмингдин эмастур захмлар кўнглумдаким,
Чоклар қилди бу уйнинг ҳажр ўтининг шиддати.

Буки ҳоким жоҳилу маҳкум эрур олам анга,
То Ҳакими сунънинг не эрди эркин ҳикмати?

Эй Навоий, кўзга кўнглумдин адувроқменки, бор
Манга кўнглум меҳнати, кўнглумга кўзнинг офати.

597

Гул ёпиштурдингму юзга шўхлиқтин ҳар сари,
Ёхуд очилмиш узоринг боғида май гуллари.

Келгач ул юз оллима, қолур қаро қайғу кейин,
Соя тушкандек кейин хуршид бўлғоч илгари.

Бўлмиш ул ой ҳажрида ранжим фалак жавфи тўла,
Ўзга ранж ўлса, магар бўлғай фалакдин ташқари.

Дема мендин бўл йироқким, тушмишам андоқ йироқ,
Ким эмас мумкин яна бўлмоғлиғим мундин нари.

Тонг эмас пайваста қошлар оразинг устидаким,
Ёйни пайваста Мусҳафтин қўярлар юқари.

Зулм ила бедодидин махлас не мумкин, эй кўнгул,
Чунки қувватлиғ йигитдур ёру мен ожиз қари.

Эй Навоий, ҳажр аро билмон сенинг ҳолинг недур,
Ёрдин айру ҳаётимдин тўюбон мен бари.

598

Сўз вафодин демаким, ул эрмас аҳли ҳусн иши,
Жавр кам қилким, вафо сендин тамаъ тутмас киши.

Ишқ аро таскин таваққуъ тутма кўнглум сўзиға,
Ким ҳарорат дафъини қилмоқ эмастур ўт иши.

Чекти саф кирпикларинг кўнглум сипоҳи оллиға,
Синдурур юз қалбни лекин аларнинг сончиши.

Совуғ оҳ ўтлуғ кўнгулдинким чекармен турфа кўр,
Ким ҳавои ишқнинг мамзуж эмиш ёзу қиши.

Термагайсен жолани гул барги ичра, эй баҳор,
Зоҳир ўлса ёр лаъли дуржидин дурдек тиши.

Нури ботин ичра, эй солик, тилар бўлсанг камол,
Қил қуёш янглиғ манозил қатъ қилмоқ варзиши.

Чекти оллингға Навоий ақл ила ҳушу хирад,
Тарк чексун жисм аро гар хаста жондур қолмиши.

599

Тоғ аро Фарҳоду ҳар ён сурма қилған тошни,
Кўзга чеккан не ажаб юз мил оқизмақ ёшни.

Аҳли ишқ ул кўй аро саргаштадур, жодуларинғ
Сеҳр ила гўё бу навъ айландурурлар бошни.

Кўкта ҳар ой бир ҳилол, ул машқдурким килки сунъ,
Айламиш сизғонда ул икки муқаввас қошни.

Эй сабо, ушшоқ нақди жонларин еткур йиғиб,
Қайда топсанг ул муқомиршеваи қаллошни.

Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,
Чеҳра очиб нақши девор айладинғ наққошни.

Кимни мендек хонақаҳдин сурдилар аҳли салоҳ,
Муғтанам тутдик фано дайри аро авбошни.

Лаълини кавсар майиға гарчи ташбиҳ айладинг,
Эй Навоий, бордурур бу майда ўзга чошни.

600

Хаёл ўлғон киши ишқ ичра фаҳм айлар хаёлимни,
Билур ҳижрон аро беҳол бўлған саъб ҳолимни.

Кўнгул боғи ародур нахли қадди, лек қўрқармен,
Ким ул иссиғ ҳаво сўлдурмағай наврас ниҳолимни.

Эрур ҳижрон туни бас тийра, эй гардун, дурахшон қил,
Саодат матлаидин ахтари фархундафолимни.

Не заъф ўлғайки бир қил гар қаламдин устига тушкай,
Ниҳон қилғай мусаввир тортғон қилдек мисолимни.

Кўруб хандон лабин оғзим очилди буки ўлмаймен,
Қилурмен дафъ кулмак бирла гўё инфиолимни.

Ҳақарот бирла боқма шайху муғ дайри сари юз қўй,
Боқ ул кўй итлари силки аро жоҳу жалолимни.

Навоийдек агар нафс итлигидин қилмағаймен рам,
Қачон гардун манга ром айлагай раъно ғазолимни?

601

Неча тиғ урдунг кўнгулга тийра оҳи итмади,
Кимса ўттин дуд чиркин су била оритмади.

Бош қўярмен шукрдинким қилмайин бошимни гўй,
Чобукум майдонға ҳаргиз рахшини секритмади.

Хоҳи тиғи жавр ё тиғи забон бирла рақиб,
Илтифоте қилмади кўнглумгаким оғритмади.

Айлади юз қатла су, бир қатла қон кўнглумниким,
Урмади бир тиғ ани юз қатла то инжитмади.

Қилмади маҳбус кўнглум кулбасида ғамни ишқ,
Рахналарни то маломат тошидин беркитмади.

Эй хуш, ул қушким тегиб жисмиға ҳар бир тикан,
Эл қулоғин ноладин булбул киби ёлқитмади.

Баҳри ашк ичра Навоий собит эрди тоғдек,
Ким эсиб бир ел танининг тахтасин қолқитмади.

602

Сарсари оҳимдин ул ой фурқатида ғам туни,
Уйқуға қўймас халойиқни эшикларнинг уни.

Ишқ ўтин Фарҳоду Мажнун руҳи билгай чарх уза,
Ҳар бирига етса оҳим ўтининг бир учқуни.

Буки дерлар кимиёдур ишқ, бовар қилмасанг,
Қилғуси юз важҳ ила собит узорим олтуни.

Орази гулгул бўлуб майдин оқизди қон ёшим,
Кўр, не гуллар очти ул бўстони офат гулбуни.

Эйки, дўзах ўтину маҳшар кунин шарҳ айладинг,
Учрамайдур жонинга ишқ ўтию ҳижрон туни.

Шоҳиди мақсуд ҳусни жилвагоҳи жом эмиш,
Истасанг мақсуд иликдин қўймағил ул кўзгуни.

Чун Навоийға ики лаъли майидин тутса қўш,
Қоривор жон истасаким, жон бериб топти муни.

603

Менмудурменким, кўнгулдин айрумен жондин доғи,
Аллоҳ-Аллоҳ, не кўнгул, не жонки жонондин доғи.

Ул пари зуннори зулфин боғламай девонамен,
Бўлмишам бегона, яъни ақлу имондин доғи.

Хонумондин ҳам тушубтурмен мени бедил йироқ,
Кўнгул отлиғ ҳам алохону аломондин доғи.

Ҳар замон кирса бузуғ кўнғлум аро ёру диёр,
Олам аҳлин сиқтатурмен оҳу афғондин доғи.

Эй ажал, жон бирла миннатдормен қилсанг халос,
Интизори васлидин ҳам дарди ҳижрондин доғи.

Кўзларим боғи сочарда ашки гулгун оштилар,
Бу бири айнул ҳаёт, ул бир гулафшондин доғи.

Кимки истар жониға даврон жафоси етмагай,
Кўнғлини даврондин узсин, аҳли даврондин доғи.

Даҳр чун бузди мени, мен ҳам мукофот айладим,
Ўткариб оҳимни барқ, ашкимни тўфондин доғи.

Эй Навоий, кўнглунғ ар итти, ани ёзғурма кўп,
Бу эмиш тақдир, эмас сендин доғи, ондин доғи.

604

Дашт уза саргашта мажнуннунг таку пўй урмоғи,
Йўқ ажаб, чун мумкин эрмастур қуюннинг турмоғи.

Ёзғурур ҳар дам мени ул қотил, ўлтургум, дебон,
Ўлтурур ҳар дам мени балким анинг ёзғурмоғи.

Кўкни оҳим ўқлари гар қилмамиш юз минг тешук,
Недур онинг шуъласин бас чархдин ошурмоғи?

Ул пари лутф айлабон девоналар кўнглин олур,
Не ажаб ушшоқи бедилнинг кўнгул олдурмоғи.

Соқийи давронға майли қатл агар йўқтур, недур,
Ҳар замон аҳбобнинг паймонасин тўлдурмоғи?

Боғбони даҳр ҳар нахлеки пайванд айлади,
Хўб эди гар бўлмаса эрди яна синдурмоғи.

Демангиз, ишқин Навоий халқдин тутсун ниҳон,
Олам аҳли билди, эмди не осиғ ёшурмоғи?

605

Неча ниҳони ишорат рақиблар сари,
Кўз учидин назаре ҳам ғариблар сари.

Тиканлар ичра бўлур гул не тонг, гар ул гулрух
Ҳам этса майл ҳамиша рақиблар сари.

Бу важҳдинки даво дардмандларға етар,
Насиби васл керак бенасиблар сари.

Юзум сенинғ сари бўлғусидур, биҳамдиллаҳ,
Муҳаббат аҳли борурда ҳабиблар сари.

Не айб телба кўнгулни қочурса носиҳлар,
Бўлурму тифлға рағбат адиблар сари.

Чу ҳусн даври вафосиздур, эй гули раъно,
Қил илтифот гаҳи андалиблар сари.

Навоий, чу эрур ҳажр дардидин аламинғ,
Тазаллум этма, гар ўлсанг табиблар сари.

606

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу ҳашам чекти,
Шиои хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.

Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургусин,
Музаҳҳаб парларин андоққи, товуси ҳарам чекти.

Китоба сунъи килки сураи «Ваш-шамс» тафсирин,
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.

Муаззин Каъба тоқи узра гулбонги Самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти.

Ёқа чок этти гоҳи субҳ ул мотамғаким, ошиқ
Бу муҳлик шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Замона қулди ул ғофилғаким даврон ситам тиғин,
Анга урмоғни англаб ўзгага тиғи ситам чекти.

Хушо, улким мунунгдек чоғ вафосиз умрни англаб,
Сабуҳи жомини аҳбоб бирла дамбадам чекти.

Маоний аҳли гоҳи нукта узра қилу қол этти,
Тағанний хайли нағма ичра гоҳи зеру бам чекти.

Агар кўнғлида бир гул ҳажридин хори фироқ ўлса,
Баҳона йигламоққа бир неча жоми алам чекти.

Вагар худ васл иқболи муяссар бўлса бир соат,
Фаридун тахти узра базм тузди, жоми Жам чекти.

Бўлуб матлуб рухсориға маҳву жомдин сархуш
Юзин туфроққа қўйди, бошини оллиға хам чекти.

Не давлатдурки, бу ҳолатда андоқ борди ўздинким,
Бақо иқлимидин рахтини то мулки адам чекти.

Навоий, шояд ул раҳравға бу мақсад насиб ўлғай,
Ким ул дашти фано қатъ эткали йиллар қадам чекти.

607

Чарх агар солса йироқ юз йил висолингдин мени,
Ойира олғайму бир соат хаёлингдин мени?!

Белу оғзинг зикру фнкри бирла бўлсам не ажаб,
Шавқ бир дам ғофил этмас қилу қолингдин мени.

Янги ойдур мужиби савдою мен девонамен,
То фалак солди жудо мушкин ҳилолингдин мени.

Элга юз очиб қоронғу қилма оламни манга,
Тийра қилмағлиғ недур шамъи жамолингдин мени.

Жон бағишлаб элга лаълингдин, мен ўлдум ташналаб,
Ваҳки, қилдинг қатл жонпарвар зулолингдин мени.

Бастаи зуннор қил бир риштаға, эй пири дайр,
Ҳар сари тори чубулғон эски шолингдин мени.

Эй Навоий, ёна ишқ айлаб тахайюл зинҳор,
Қилма ҳар дам ранжа бу фосид хаёлингдин мени.

608

Йўқ вафо аҳлида бир зори паришон мен киби,
Бевафовашларни севмакдин пушаймон мен киби.

Жон бериб бу хайл учун бирдин вафое кўрмаган,
Барчадин навмид ўз ҳолиға ҳайрон мен киби.

Хонумонидин кечиб Мажнунки тутмиш эрди дашт,
Қайда бор эрди алохону аломон мен киби?

Туттилар аҳли жунун вайроналик ул жамъдин,
Ким паришонлиғлар ичра бўлди вайрон мен киби.

Ҳазлу завқ айларга туттунг дашт, бир сўз қот манга,
Ким тилаб топмас киши ғули биёбон мени киби.

Билмайин ҳусн аҳлидин қилдим тамаъ расми вафо,
Йўқ алардек бевафо, андоқки нодон мен киби.

Эй Навоий, сен доғи қилсанг тамаъ сайри Ҳижоз
Қил Ироқ оҳанги, тарк айлаб Хуросон мен киби.

609

Киши кетурса манға сарви гулузоримни,
Анга фидо қилайин жони хоксоримни.

Ёшурғай аҳли бақо оразини гарди фано,
Чу ел совурса адам кўйида ғуборимни.

Йўл узра онсиз эмаским бузулмағай кўнглунг,
Наззора қилсанг ўтарда бузуқ мазоримни.

Чу зулфунг эрди кўнгул рўзгори, ваҳки, сипеҳр
Қарортиб айлади ошуфта рўзгоримни.

Рақиблар тоши ё итларинг тишидин эрур,
Ўлук йўл устида кўрсанг тани фигоримни.

Мени чу майкададин ваъз жашниға тиладинг,
Таҳаммул айла дамеким ёзай хуморимни.

Дема, Навоийгаким, берма ихтиёр элдин,
Муни деким манга ким берди ихтиёримни?

610

Гулшан ичра махфий ичсанг бодаи гулфомни,
Чирма нарғис ғунчасидек пардаларға жомни.

Ёр зулфида ниҳон айш айлаган янглиғ кўнгул,
Сен доғи ишрат учун тутқил ғанимат шомни.

Қил шабистон тунларин майдин ёруғ, андоққи чарх,
Меҳрдин махмурлуқ бирла ўтар айёмни.

Гар тариқи эътидол осон эмастур, хуштурур,
Дайр аро тарк айламак ойини нангу номни.

Маст чок айлаб яқо, йиғлаб замон бедодидин,
Бир қадаҳ майға сотиб даврони нофаржомни.

Чун харобот ичра кирдинг маст бўлким, муғбача,
Маҳрами базм айламас жуз ринди дурдошомни.

Зуҳдунга мағрур ўлуб, кўп қилма исъёнимни таън,
Не учун, эй шайхким, билмас киши анжомни.

Мен мену — дайри фано, сўфию — кунжи хонақаҳ,
Ким тилар ул кавсару мен бодаи гулфомни.

Эй Навоий, даҳрдин кўз тутма жуз нокомлиқ,
Ком ким топмишки, сен топқайсен андин комни?!

611

Чун аён қилди лабинғ аксини жом, эй соқий,
Бодадин жон иси касб этти машом, эй соқий.

Мастликдур манга ҳам майдину ҳам аксингдин,
Нелар айлар қадаҳи ойинафом, эй соқий.

Кайфиятдин эмас эл боши қуйиким, қиладур
Ҳуснинга базм элининг ишқи салом, эй соқий.

Гарчи биз қон ютадурмиз лабинга етса қадаҳ,
Санга бўлсун тарабу айши мудом, эй соқий.

Қўйма уй азмигаким, энди бўлибсен сархуш,
Қилма базм аҳлиға ишратни ҳаром, эй соқий.

Лабинг ўпмакка не ҳаддим, газак эткан қандинг
Оғзима етса бу басдур манга ком, эй соқий.

Ваъда қилдинг чу сабуҳиғаву мает ўлмишсен,
Уюсанг нетти бизинг бирла бу шом, эй соқий.

Билгали куфрдурур ниятинг, айлабдурмен
Хонақаҳдин чиқибон дайр мақом, эй соқий.

Гар Навоий деса ичманки, қилибмен тавба,
Йиқибон бўғзиға қуй бир тўла жом, эй соқий.

612

Лаҳза-лаҳза чунки ортар ул пари зеболиғи,
Дам-бадам афзун бўлур мажнун кўнгул шайдолиғи.

Халқ кўп парвосидин жон топқонинму айтайин,
Ё аниким не қилур жонимға бепарволиғи?

Итти шаҳлар кўнглини оғзи ўғурлаб оқибат,
Айлади пайдо бу шаҳкорини нопайдолиғи.

Гарчи расво эрди Мажнун, чун менинг расволиғим
Бўлди афзун, эмди кўрунмас анинғ расволиғи.

Майда соқий зулфу юзи гар кўрунмас, бас недур,
Дайр пирининғ кеча-кундуз қадаҳпаймолиғи?

Жаннату дўзахга чекмас, лутфу қаҳринг бўлмаса,
Гар мунунг мўминлиғидур, гар анинг тарсолиғи.

Лаъли майни то майи лаълиға ташбиҳ айладинғ,
Эй Навоий, андин ўлди бу нишотафзолиғи.

613

Оғиз ичра тилингдек ғунчада гулбарги тар бўлғай,
Вале бу шарт илаким, барги гул ичра шакар бўлғай.

Қадинғға сарви раъно ўхшағай, лек ул замонким сарв
Хиромон бўлғаю гул бергай, ул гулдин самар бўлғай.

Юзунг даврига ой даврини ташбиҳ эткамен, вақте,
Ки анда хол ила хат фитнаи даври қамар бўлғай.

Кўзунга ўхшағай наргис, ағар қиймоч ўлуб оқи,
Мудаввар асфари ичра, қаролиғдин асар бўлғай.

Хатингға қадр шоми ўхшағай бу шарт бирланким,
Тажалли нуридин ул шом аросинда саҳар бўлғай.

Чу минсанг ашҳабинг ул дам, қуёш бўлғай санга монанд,
Ки берса кўкбўзин жавлон жаҳон зеру забар бўлғай.

Манга ишқинғда Мажнун бирла Фарҳод ўхшағай ул чоғ,
Ки бу бўлғай жаҳон расвоси, ул мундин батар бўлғай.

Хабардор они билғил, эй кўнгул, бу давр жавридин,
Ким ул тун-кун харобот ичра масту бехабар бўлғай.

Дедим, назм аҳлининг сархайли ким бўлғай? Деди ҳотиф:
– Навоий бўлгай, улким сен тилайдурсан агар бўлғай.

614

Кўнгул ўт берки, бир гул ҳажридин кўксумга доғ ўртай,
Фатила чирмаб, ой даврича солиб, анда ёғ ўртай.

Эмас мумкин ғазолим мултафит, мен ўйлаким лола,
Неча бағримни қон айлай, неча кўнглумга доғ ўртай?

Анинғдек тийрадур шоми ғамимким бўлмагай равшан,
Агар хуршид шамъи янглиғ анда юз чароғ ўртай.

Чиқинғ Фарҳоду Мажнун, ишқ ўти лофидин урмай дам,
Ки ҳижрон сўзидин бир оҳ тортиб, дашту тоғ ўртай.

Эмас кулбамни ҳарғиз ул қуёш ёрутқудек, эй чарх,
Ўзумни шамъдек ҳар тун неча бошдин аёғ ўртай.

Мени дўзах сари бошлангки, ташлаб сарнигун ўзни,
Бу янглиғ ҳажр ўти бедодидин истаб фароғ ўртай.

Неча ул шўх элға нўшханду лоба қилмоқдин,
Йиғимни ҳой-ҳой айлай, ичимни лоғ-лоғ ўртай?

Бу гулшан гулларида чунки йўқ бўйи вафо, невчун
Тилаб они таманно ўтидин ҳар дам димоғ ўртай?

Замон аҳлин вафосиз дебки, қилдим достонлар сабт,
Навоий бир кишида гар вафо топсанг сўроғ ўртай.

615

Неча килки тахайюл бирла бир сурат ниғор айлай,
Анга ошиқ ясаб, кўнғлумни амдан беқарор айлай?

Неча чирмаштуруб бир зулф савдосин димоғимға,
Ўзумни аҳли савдодек паришонрўзгор айлай?

Неча бир сарвдек қомат ҳавоси бирла ҳар соат,
Жаҳонда оҳу афғондин қиёмат ошкор айлай?

Неча бир лоларух доғи ғамин истаб таним узра,
Қўюб юз доғ ани қонлиғ ёшимдин лолазор айлай?

Эрур бас тийра шоми ишқ, ё Раб, ҳусн шамъин ёқ,
Ки жон бирла кўнгул ўртанмагин парвонавор айлай.

Неча ғам дашти ичра бир пари меҳрида соямни,
Жунундин бир замон қовуб, ғаҳи андин фирор айлай?

Неча анжум била чарх офатидин чарху анжумдек,
Ҳавони оҳим ўтидин тўла дуди шарор айлай?

Чу ҳеч иш ихтиёри кимсада йўқтур, қўй эй зоҳид,
Ки тарки ихтиёр этмакни мен ҳам ихтиёр айлай.

Навоий, бода баҳри бегаронига мени солғил,
Ки гардун баҳрининг мавжи балосидин канор айлай.

616

Неча кўргузсам ниёз, ул шўх ноз айлар, нетай?
Жавр кўптин-кўп, тараҳҳум оздин-оз айлар, нетай?

Мен ниёз айларда истиғнодин этмас ноз ҳам,
Ноз ҳам ҳайф элга изҳори ниёз айлар, нетай?

Эл билаким лаълидин жон истар, айлар ихтилот,
Жон бериб лаълиға мендин эҳтироз айлар, нетай?

Васли шоми бода янглиғ маст этиб аҳбобни,
Шамъдек то субҳ ишим сўзу гудоз айлар, нетай?

Жаврини чекмакта мен мумтозмен аҳбобдин,
Лутф вақти ул тарафни имтиёз айлар, нетай?

То ҳақиқий ишқ мастимен кўнгулни қовмушам,
Ониким андишаи ҳусни мажоз айлар, нетай?

Мен ҳусайний мазҳаб ар ҳамроҳ эмасмен, йўқ ажаб
Чун Навоий ҳар дам оҳанги Ҳижоз айлар, нетай?

617

Рўза бўлдию манга ичмак-емак кам бўлмади,
Ичмаким жуз қон, емак жуз ғуссаву ғам бўлмади.

Элни сероб айлади ишрат зулоли шоми айш,
Ғайри кўз селобидин эрним менинг нам бўлмади.

Эл янги ой кўрдию мен кўрмадим қошинг хамин,
Элга байрам бўлди, аммо бизга байрам бўлмади.

Олам ошуби учун майдонға кирдинг секретиб,
Ул замон ким қолдиким расвои олам бўлмади?

Янги ой бўлғач аён тутқил ҳилоли жомким,
Жуз бу иш имосиға қадди анинг хам бўлмади.

Ҳажр зиндонидин озод эт мениким, йўқ букун
Ҳеч зиндонийки махлас бирла хуррам бўлмади.

Эй Навоий, ийд ўлуб эл ичтилар май дам-бадам,
Бизга жуз хуни жигар жоми дамо-дам бўлмади.

618

Кўз ёшим ғалтон борур ул орази дилжў сари,
Тифлдекким ағнабон майл айлагай кўзгу сари.

Ул бути зебо гар истар, ашким оқса айби йўқ,
Зийнат аҳли майл этарлар доимо инжу сари.

Хол ширинлиғни лаълингдин магар касб айламиш,
Ким эрур кўнглум бағоят мойил ул ҳинду сари.

Ҳажр даштида кўзи сори борур шайдо кўнгул,
Телба саҳро сайрида борған киби оҳу сари.

Ҳар сари майл этканингдиндур ҳасаддин ўлмаким,
Ёлғуз андин йўққи кўнглум мойил ўлғай бу сари.

Оби ҳайвондек чучук лаълинг муяссар чун эмас,
Ҳажридин ҳар лаҳза кўнглум тортар аччиғ су сари.

Ул маҳи хиргаҳнишиннинг остонин мендин ўп,
Эй Навоий, ҳар қачон майл айласанг ўрду сари.

619

Нотавон нарғисидек айлади бемор мени,
Сунбули доми аро қилди гирифтор мени.

Ёр кўйида гар ўлсам ғам эмас ўлтурадур,
Кўйидин буки қовар ҳар нафас ағёр мени.

Дард тоғию бало даштида кўрким, қилмиш
Ишқ Фарҳод ила Мажнунға намудор мени.

Тонгдин оқшомғача ноз уйқуси ичра ул кўз
Ваҳки, қилмиш кеча тонг отқуча бедор мени.

Куйдуруб ҳар сари дудумни паришон қилди,
Дуддек зулф ила ул ўт киби рухсор мени.

Куфр зулфи расанинким белима боғлади руст,
Тортти дайрға ул ҳалқаи зуннор мени.

Хонақаҳ аҳлидин асру мутанаффирдур табъ,
Пири дайр айлагали воқифи асрор мени.

Чун фано дайрида ўзлуктин оғирроқ юк йўқ,
Шукрким ишқ ўти қилди сабукбор мени.

Дема, эй шайх, Навоийғаки, чиқ майкададин,
Чиқайин қўйса гар ул дилбари хаммор мени.

620

Эй қуёш, невчун қошингдин соядек сурдунг мени,
Равшан айлаб жумлаи оламни, куйдурдунг мени?

Куйдуруб, эй ишқ ўти, гардунға совурдунг кулум,
Пояда охир бу янглиғ кўкка еткурдунг мени.

Ҳажр ўти тоби яна беҳол қилди нечаким,
Эй насими васл, ўз ҳолимға келтурдунг мени.

Ишқ манъида сўзунг чун ҳашв эди, бўлдум хамуш,
Қилма, эй воиз, гумонким йўлдин озғурдунг мени.

Найладим, эй ишқким, бўлдум ўлум муставжиби,
Ким бу янглиг ҳажр жаллодиға топшурдунг мени?

Васлинг эттинг ваъда, аммо ҳажрингга қилдинг асир,
Кўкка чектинг, лек ерга оқибат урдунг мени.

Эй Навоий, васл агар рўзи эмастур чора йўқ,
Қилмадинг деб саъй, бас не ишга ёзғурдунг мени?

621

Бор эди ул ҳамки бир чоғ бизга ёре бор эди,
Куллий ар ёр ўлмаса филжумла боре ёр эди.

Васлдин буткормаса таскин берур эрди сўруб,
Хаста кўнглум дардиниким ҳажрдин афгор эди.

Мен агар маҳрум эдим, маҳрам ҳам эрмас эрди ул,
Кўнглум ар озурда эрди, лек миннатдор эди.

Шамъ агар ёрутмаса куйдурмаса ҳам яхшидур,
Не улусқа улфат андин, не манга озор эди.

Гўйиё шукр этмадимким, онсиз ўлмишмен бу дам,
Ул қуёшимни ёшурған чархи кажрафтор эди.

Чарх билмонким манга бу узрни тутти раво,
Йўқса меҳр аҳлиға ул то бор эди, ғаддор эди.

Ёрсиз деманғ Навоий маст эмиш, эй аҳли ҳуш,
Ким анға то ҳажр бор эрди, қачон ҳушёр эди?

622

Яна лаълинг ғами ашкимни жигаргун қилди,
Ҳам жигаргун ани, ҳам бизни жигархун қилди.

Мазҳари ҳусну жамол ўлди юзунг андоқким,
Шод этиб олам элин, тек мени маҳзун қилди.

Сочинг афъиларидин йўқ кўзунга ҳеч газанд,
Сеҳр ила то бу йилонларға не афсун қилди?

Ҳусни Ширин била Лайлидии агар ортуғ эмас,
Нега юз хастани Фарҳод ила Мажнун қилди?

Сели ашким ғамида сарсари оҳим бирла,
Даштни баҳр этибон, тоғии ҳомун қилди.

Қули бўлдим негаким, муғбачаи бодафуруш
Мени махмурни бир жом ила мамнун қилди.

Эй Навоий, демаким қилмасун ул ой ошиқ,
Ҳозир ул эмди нетай, ҳозир ўлуб чун қилди.

623

Йўқтур андуҳу малолат ўтиға хас мен киби,
Бедилу бечораву бемору бекас мен киби.

Эйки Мажнун васфин эттинг, ўлмади ёр оллида,
Мен қилиб юз жон фидо ул бўлмағай, бас мен киби.

Дема парвона куяр мендекки сўз шамъ узрадур,
Не учунким ул доғи ғам шоми куймас мен киби.

Турки анжумға дедим: «Ҳусн ичра сен, ё ул фузун?»
Дедиким: «Бўлғай анга — юз банда чаркас мен киби».

Қошларинг ёйиға қурбон қилғали йиллар тилаб,
Топмағай бир бу кўҳан тоқи муқаввас мен киби.

Эйки, даҳр аҳли вафоси йўқ, дебон озурдасен,
Ошнолиғни алардин сен ҳам эт бас мен киби.

Эй Навоий, ишқни ҳар ким ёрутмоқ истаса,
Ер юзинда топмағай тутруқ учун хас мен киби.

624

Чок бўлғоч кўнглум олди шўхлар филҳол ани,
Ғунчадекким аввал очилғач узар атфол ани.

Ҳажр аро оғриқ кўнгул қолмиш ики зулфунг аро,
Дарддекким қопсамиш ҳар соридин бир дол ани.

Боғи рухсорингдадур кўнглум қушиким, қилди сайд,
Дом бирла дона янглиғ зулф бирла хол ани.

Тушкали кўюнгга кўнглум айладинг туфроққа паст,
Тушса ўт бир ерга, эл қилған киби помол ани.

Суратингдин ақл мажнун бўлғали бир тифл эрур,
Ким қилибдур музтариб коғазда бир тимсол ани.

Даҳри дунни айла рад, невчунки қилмайдур қабул,
Улки даҳр аҳлиға муқбил айламиш иқбол ани.

Гар Навоий давр аро беҳол эрур, соқий, не ғам,
Келтурур ўз ҳолиға бир жоми моломол ани.

625

Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,
Солмағай эрдинғ бори оламда ғавғо кошки.

Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез,
Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки.

Бўлмағай эрди кўзум ўтлуғ юзунг кўрган замон,
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,
Қилмағай эрдинг мени маҳзунга парво кошки.

Тушмагай эрди фирибомез лутфунғ билмайин,
Нотавон кўнглумга васлингдин таманно кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин талабгор айлабон,
Қилмагай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Бевафолиг англағач, ишқингни кўнглум тарк этиб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмдиким девонаю расвои олам бўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда,
Нечаким десанг агар ёхуд магар ё кошки?!

626

Ёрдин айрилса, қотилмағлиғин билмас киши,
Билсаким: чун айрилур—қотилмас, айрилмас киши.

Кимса ўлса ёридин айрилмағай, юз войким,
Айрилурда бўйла ҳижрон шиддатин билмас киши.

Васл қадрин билмайин ўлдум ғами ҳажрида, вой,
Ким висол айёми ҳажр андишасин қилмас киши.

Ҳажр биймидин ўлубмен, соқиё, тут жомким,
Кўзга, маст ўлған замон, Жамшидни илмас киши.

Мендин эрмас, ҳажрдиндур ҳар тараф бағримда чок,
Йўқса тиғи қатл ила ўз бағрини тилмас киши.

Ёшурун дардимни қилмай ошкор ўлгумдурур,
Оҳким, оламда аҳли дард топилмас киши.

Тўйди жонидин Навоий ҳажр аро тут, эй ажал,
Ўйла майким чун ичар то ҳашр ойилмас киши.

627

Баски кўнглумни фалак мажруҳу вайрон истагай,
Истарам ўлмакни андоқким, ўлук жон истагай.

Фурқатинг ошубидин истар кўнгул қўймоқ туган,
Кимса андоқким яра манъиға қалқон истагай.

Ҳажрким жоним тилар ҳар дам азоб айлаб, эрур
Золимеким қийнаб элдин нақди пинҳон истагай.

Бўлмасун ошиқ менингдекким, кўруб дилдорини,
Ўзгаларга мултафит ҳар лаҳза ҳижрон истагай.

Ваҳ, неча меҳнат тоши атфолдин ёғдургали,
Ишқ шаҳру кўй аро жисмимни урён истагай.

Ул пари ушшоқиға раҳм этса этсун, ушбу бас,
Ким мени девонаву расвои даврон истагай.

Ўқларингдин ўлганимдин сўнгра топқай қатл учун,
Туфроғимдин чарх агар юз қарн пайкон истагай.

Қилсун осон ўзлукидин бўлса бир душворлиғ,
Ҳар киши даврон гами душворин осон истагай.

Эй Навоий, сен киби маҳрум қолғай, кимки ул
Олам аҳлидин вафойи аҳду паймон истагай.

628

Фироқ ашкидин, эй кўз, даме очил боре,
Бошимға ким қадам урмиш, назора қил боре.

Келибдур ул пари, эй бешуур телба кўнгул,
Келиб ўзунгга не дейдурмен англағил боре.

Жаҳон халойиқи жаврунгдин ўлди, эй бадмаст,
Булар тафарружиға бир нафас ойил боре.

Иёдатимға менинг, эй Масиҳ, чун келдинг,
Дам урмай ўлма равон, нуктае дегил боре.

Буким жаҳон аро расвомен, айламон таҳсин,
Сенинг ғамингдин ўлубмен бу навъ бил боре.

Неча улусқа маю бизга заҳр, соқийи давр?
Дедингки, мастмен, ар чин дединг, ёнгил боре.

Навоий ўлғусидур илтифотинг озлиғидин
Чу кўрмагунг яна бир қатла кўзга ил боре.

629

Гул эмас ҳар ён юзунг даврида оро қилғали,
Ҳалқа урмишлар жамолингға тамошо қилғали.

Оразинғ Чин нақши, зулфунғ мушку ҳарён хол эрур,
Ҳинд эликим Чинға келмиш мушк савдо қилғали.

Юз уза оғзинг ўғурлаб нақди дин бўлди ниҳон,
Чекти хаттинг хайли саф ўғрини пайдо қилғали.

Қилғали ишқингни пинҳон айладинг кўксумни чок,
Дема пинҳон қилғаликим, ошкоро қилғали.

Эйки, сўрдунгким: «Қачондин сен жунун ошубида?!»
– Ул пари хайли ғами кўнглумда ғавғо қилғали.

Бодаға раҳн айлаганда офият дасторини,
Йирттим бир гўшасидин бодаполо қилғали.

Йўл чиқармон тийра шомимдин Навоийдек, вале
Мунтазирдурмен ҳидоят барқи бир чоқилғали.

630

Эй кўнгул, васлидин ул ой бизни навмид этмагай,
Жонимизға фурқат андуҳини жовид этмагай.

Қасди жон айларда лаълиға татаббуъ қилмағай,
Кўнгул ўртар чоғда рухсориға тақлид этмагай.

Васл уммиди била ушшоқини қилғанда шод,
Ғуссалиғ кўнглумни ҳажри бирла таҳдид этмагай.

Тушта кўрдум оразин кўнглумни барқи ишқ ила,
Ул қадар гарм эттиким, туш вақти хуршид этмагай.

Итларинг сииған сафоли тушкач илгимга, кўнгул
Онча фахр эттики, жоми бирла Жамшид этмагай.

Дурри ваҳдат топмағай ҳаргиз фано гирдобидин,
Соликеким ўзни ғарқи баҳри тажрид этмагай.

Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин,
Ким Уторид шеъридин чарх узра Ноҳид этмагай.

631

Сўрмангиз ашким суйинким муттасилму келгуси,
То кўнгул ишқ ўтидин куйгуси ул су келгуси.

Зулфунга еткач кўнгул бехуд йиқилди атридин,
Билмадим ул шомға кирганга уйқу келгуси.

Тийра бўлди ламъаи пайконинг ўткандин кўнгул,
Чун қуёш борғуси, оламға қаронғу келгуси.

Ҳаддин ўтти оразим кўрғач, лабинг хандонлиғи,
Билмадим бу заъфарондин мунча кулгу келгуси?

Чиқти кўнглумдин ҳавосу ақл ишқинг оллиға,
Қўйса юз мулкига шоҳи, халқ ўтру келгуси.

Соқиё, тут майки ўзлук нақшидин бўлғум халос,
Ҳар қачон илгимга ул рахшанда кўзгу келгуси.

Эй Навоий, ўлма ҳар дам ул мусофир ой учун,
Ғам ема шаҳ ёнғусидур, тонгла урду келгуси.

632

Аҳли дил оллида дилдор илтифоти камлиғи,
Онча саъб эрмаски, ҳар ноаҳл ила ҳамдамлиғи.

Гар ўғурлуқ истамас лаълинг доғи жон нақдидин,
Бас недур ўғри киби пайваста қошинг хамлиғи?

Зулфи торин торта олмас кимса кўнглумдинки, бор
Беркроқ жон риштасидин ҳам анинғ маҳкамлиғи.

Ўйлаким тун дудини оҳим паришон айлади,
Тонг елидиндур муанбар сунбулунг дарҳамлиғи.

Ҳар не эл кўнглуга хуррамлиғ, менинг кўнглумға ғам,
Ким ғаминғдин бўлмиш ул девонанинг хуррамлиғи.

Соқиё, май берки, дардим зоҳир айлай маст ўлуб,
Ким ичим қон айлади иш сирринининг мубҳамлиғи.

Гар Навоий айлади бадмастлиғ, эй пири дайр,
Сен карам кам қилмағилким, кўптур онинг камлиғи.

633

Бормағил қаҳр била бағрим этиб қон эмди,
Ё бу бедил сари, ё лутф сари ён эмди.

Ўқларингдин кўз аро кўп тикон эрди қочтинг,
Келки, қон ёшим ани қилди гулистон эмди.

Деди, ҳижрон аро фарёдинға еткум бир кун,
Заъфдин, оҳки, мумкин эмас афғон эмди.

Қатлдин кўп мени қўрқутмағил, эй муҳлик ишқ,
Ким ани ҳажр қилибтур менга осон эмди.

Билди махмурлуғум, тутти қадаҳ соқийи давр,
Шаҳ мени денгки, эрур комима даврон эмди.

Бодадин ком, лабинг бодасидин жон топтим,
Соқиё, йўқтурур ўлсам доғи армон эмди.

Эй Навоий, дема тарк айлаки кўптур ғами ишқ,
Менки чектим ғамини, тарк не имкон эмди?

634

Неча мен меҳнат чекиб, ул ой танаъум айлагай,
Ошкоро йиғласам, пинҳон табассум айлагай?

Жавридин ул навъ хушменким, ўлум ҳоли бўлуб,
Ваҳм этарменким, кўруб ногаҳ тараҳҳум айлагай.

Нукта сургач лаъли ўлгонлар топар умри абад,
Умрида Исо қачон мундоғ такаллум айлагай?!

Тиғи зулми тегмагидин айласа эл кўнгли бим,
Тегмасун ғайриға деб, кўнглум таваҳҳум айлагай.

Дема, зулмум кўп етиб кўнглунг тазаллум айламиш,
Ким агар оз етса шоядким тазаллум айлагай.

Эй кўнгул, бир лаҳза ҳижрон шиддатига арзимас,
Гар висол ичра киши юз йил танаъум айлагай.

Ёр базмиға чу йўл топмас Навоий не осиғ,
Дилхарош афғону гар дилкаш тараннум айлағай.

635

Истадим ёреки, кўнглум дам-бадам шод айлагай,
Билмадим жонимға бедод узра бедод айлагай.

Лаъли анфосидин очилғай ҳаётим ғунчаси,
Йўққи, умрим хирманин бир дамда барбод айлағай.

Васл ила йиққай кўнгулдин дарду ғам бунёдини,
Йўққи, ҳар дам ўзга ҳижрон тарҳи бунёд айлагай.

Шамъи рухсори ёрутқай тийра кўнглум кулбасин,
Йўққи, зулфи дуди они меҳнатобод айлагай.

Риштаи жонимдин очқай нўги мужгони гириҳ,
Ҳар бирин қатлимға йўққим неши пўлод айлагай.

Ҳеч гулга бўлмасун мойил бировким сарвдек,
Десаким ўзни хазон давридин озод айлагай.

Кўп Навоий ноласин манъ айламангким, токи ул
Ёрини ёд айлагай, албатта, фарёд айлагай.

636

Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай?
Бошима гар гул сочар, сенсиз гулафшонни нетай?

Нахли қаддинг чун эмас гирён кўзумда жилвагар,
Жўйбор атрофида сарви хиромонни нетай?

Ул итингга бўлмаса туъма, бу оллингда фидо,
Заъфлиқ пайкарни найлай, нотавон жонни нетай?

Лаългун ашким лаби ҳижронида айб этмангиз,
Кўз йўлидин тўкмайин бағримдағи қонни нетай?

Зулмати ҳажрида чашманг васфин этма, эй Хизр,
Менки умримдин тўюбмен, оби ҳайвонни нетай?

Доғима марҳамни кўп таклиф қилма, эй рафиқ,
Туттум ул догим ўнгарди, доғи ҳижронни нетай?

Ёрдин айру бузуғ кўнглумга қилдим хайрбод,
Эй Навоий, ўйла ганж ўлмай бу вайронни нетай?

637

Чу қўйдум ишқ, уят ҳар бедилу девонадин доги,
Демай Фарҳоду Мажнун, булбулу парвонадин доғи.

Чу мен бегона бўлдум ишқ бирла ошнолиғдин,
Бу ишга ошнолардин уят, бегонадин доғи.

Бу ишниким мен айлабмен, мени қилмоқ бўлур ихрож,
Ватан маъмурасидин ҳам, бузуғ кошонадин доғи.

Чу зуҳд эттим ҳавас, йўқ айб пири дайр агар дерким,
Қовунг они фано дайридину майхонадин доғи.

Менинг жонимға ўтканларни шарҳ этсам, улус ўлгай,
Ки жон қотилларидин кечтиму жононадин доғи.

Манга зулм онча ўтти ишқдинким, таркини туттум,
Оғиз муҳр айладим ул бобда афсонадин доғи.

Тазарвойинлар этса жилва гулшан ичра йўқ улким,
Назар солмайки, чиқмай чуғздек вайронадин доғи.

Фалак жомидин онча заҳр нўш айлабмен, эй ҳамдам,
Ки майдин элни юбмен, соғару паймонадин доғи.

Навоий, тарки ишқ эттим деса, бутмангки, бутмаслар,
Киши ҳар сўз эшитса усруку девонадин доғи.

638

Чархким ою қуёши бору юз минг анжуми,
Поймолу тийра туфроғ эмгагидин не ғами?

Боғбон гулшанда юз минг гул билаким айш этар,
Не ғами гул ҳажридин булбулнинғ ўлса мотами.

Шаҳға шавкат оламию бандадур юз моҳчеҳр,
Ҳажр аро билмас ғадонинғ бор не муҳлик олами.

Эй рафиқ, олғил ярам момуқларин, бўлғил биҳил,
Ўлгудекменким, тикондур захмларға марҳами.

Мен башар жинсиға жон ўйнаб вафое кўрмадим,
Қочмай одам хайлидин ҳар кимки бўлса одами.

Мен чу зоҳир қилмадим не навъ улусқа бўлди фош
Ишқ аро ошуфта кўнглумнинг бу сирри мубҳами.

Эй Навоий, ишқ сиррин ҳеч маҳрамға дема,
Ким бунинг ҳам маҳрами бўлғай, анинг ҳам маҳрами.

639

Агар ишқ айлади бечора бизни
Ва лекин қилди ҳажр овора бизни.

Не ишқу ҳажр балким рашк тиғи,
Дамодам қилди пора-пора бизни.

Бу ишдур турфаким ҳар кимга бир тиғ,
Ки урди айлади юз ёра бизни.

Мену Фарҳоддин Мажнун узулмас,
Нединким топти ул ҳамкора бизни.

Вафо қил бағри тошимким, Ҳақ этмиш,
Жафо тортарда санги хора бизни.

Жаҳон шўхин талоқ этсанг не тонгким,
Чиқарди элдин ул маккора бизни.

Навоийдек юзунг бир кўрдук, этти
Жаҳон расвоси бир наззора бизни.

640

Гулбун узра субҳидам ҳар сори гулбарги тари,
Ҳар шажар узра магар қўнған дурур хайли пари.

Су аро тушмиш қуёш акси, йўқ эрса ғайбдин
Кирди гулшаннинғ тамошосиға меҳри ховари.

Мактаб атфоли киби булбуллар ўлмиш наъразан,
То насими субҳ элидин очилур гул дафтари.

Гул аруси ҳусн мулкида эрур соҳибқирон,
То юзи даврига зийнат берди шабнам гавҳари.

Жола бирла нилуфар бир навъ тутмиш зебким,
Собиту сайёра бирла гунбади нилуфари.

Ул киши умри баҳоридин терар гулбарғи айш,
Ким кафида лолагун май бирла бўлгай соғари.

Дўстлар бирла тутуб ишрат баҳорин муғтанам,
Бир нафас осуда бўлғай жони меҳнатпарвари.

Кимғаким бир дам бу ком ўлса муяссар яхшироқ,
Бўлғуча юз қарн анинг ҳукмида олам кишвари.

Эй Навоий, фақр мулкин тут ғанимат зинҳор,
Ким ғинову салтанатнинг кўптурур дарди сари.

641

Чеҳра ёпиб мени куйдурма, ахи,
Важҳсиз жонима ўт урма, ахи.

Даме ўлтурмас эсанг ёнимда,
Боре эл ёнида ўлтурма, ахи.

Шишадек кўнглум аро гар майи васл,
Солмас эрсанг ани синдурма, ахи.

Ўзгалар сари боқиб тишлама лаб,
Захмлар жонима еткурма, ахи.

Зулфи савдосина чирмашма, кўнгул,
Юз бало бошима келтурма, ахи.

Эй кўз, ул шўҳқа чун хуш келмас,
Кўп анинг жониби телмурма, ахи.

Ёзуғум бор эса қатл айла ўзунг,
Ҳажр жаллодиға топшурма, ахи.

Соқиё, тинмоғим истар бўлсанг,
Май ичардин мени тиндурма, ахи.

Юз жафо тоши Навоийға уруб,
Ит деб оллингдан ани сурма, ахи.

642

Кўнгулнинг ҳажр аро жондин малоли,
Ки йўқ сенсиз тириклик эҳтимоли.

Қадидин сарвға етти хижолат,
Ки тузлукда йўқ эрди эътидоли.

Хаёли бас чу йўқ васлиға ҳаддим,
Висоли бўлмаса бори хаёли.

Ниҳоледур қади Тўбидин ортуқ,
Агарчи йўқтурур Тўби ниҳоли.

Янги ой шомға майл айлагандек,
Уланмиш зулфиға мушкин ҳилоли.

Лаби жонбахши сўз айтурда, қолмас —
Масиҳонинг дам урмоққа мажоли.

Не ғам, соқий, агар худ жоми Жам йўқ,
Етар майхонанинг синғон сафоли.

Мени беҳол қил бир май биланким,
Кўнгулнинг ўзгадур ҳар лаҳза ҳоли.

Навоий, сен чу ҳижрон лойиқисен,
Пишурма васл савдои муҳоли.

643

Соқиё, йўқ ғаму дардима ҳаде,
Вақт эрур май била қилсанг мададе.

Меҳнатим тоғича йўқтур Уҳуде,
Ани тортарға менингдек аҳаде.

Тут манга бодаи жоми азали,
Ки берур қатраси умри абадий.

Бўйла дардимни магар андоқ май
Дафъ қилғайки анга умр фади.

Бодаким ани чун нўш этсам,
Ҳар замон Хизрға бўлғай ҳасади.

Ки қиёмат куни Кавсар майини
Ичкали ҳам бу май ўлғай санади.

Ажаб иш қилди Навоийки, бу навъ
Май, ичиб бизга сало айламади.

644

Кўнглум олғон дилбарим дилдорлиғ билмас, нетай?
Билса ғамгин айламак, ғамхорлиғ билмас, нетай?

Ҳусиниға боқтим кўзумнинг мардумиға урди неш,
Маҳвашим ойини мардумдорлиғ билмас, нетай?

Дема усрукдур кўзум, қилма тазаллум оллида,
Кўз юмуб очқунча ул ҳушёрлиғ билмас, нетай?

Ул парипайкарға ёқмас зорлиғ бирла фигон,
Телба кўнглум юз фиғону зорлиғ билмас, нетай?

Одамивашлиқ пари рухсорлардин хўб эрур,
Чун бу ишни ул пари рухсорлиғ билмас, нетай?

Эйки дерсен, дайр пириға недин бўлдунг мурид,
Шайхи ҳийлатпеша жуз маккорлиғ билмас, нетай?

Масту беҳуш ўлмоғим тун-кун, Навоий, сўрмағил,
Чархи жаврандиша жуз ғаддорлиғ билмас, нетай?

645

Яна ниҳон қиласен бизга қасду кин боре,
Рақиб ила бўласен ёру ҳамнишин боре.

Дедингки, ишқим ичинда тариқи тақво тут,
Бу сўзни деб оласен ёна нақди дин боре.

Бу ваъда бирлаки, ишқ аҳли ҳузнин ўксутайин,
Алар орасида қилдинг мени ҳазин боре.

Дедингки, кел санга эҳсон қилай, чу мен келдим,
Қошингдадур гириҳу манглайингда чин боре.

Жамол гулшанида элга сен гули хандон,
Бу хасни ўртагали бўлдунг оташин боре.

Шиор айламасанг нақшбанд ойинин,
Риёву зуҳд била бўлма нақшбин боре.

Фано йўлиға чу кирдинг, Навоий, урма нафас,
Бу дашт туфроғиға суртмай жабин боре.

646

Ишқ аро ҳолимға бир ҳамдам тараҳҳум қилмади,
Ёр ҳолим билмади, гар билди, кўзга илмади.

То ул ой ағёр ила нўш айлади жоми висол,
Қайси ҳижрон нешиким бағрим аро санчилмади.

Не ажаб гар билмасам ҳолимни бу ғамдинки, ёр
Ўлгали еттим ғами ишқида ҳолим билмади.

Қон ёшимнинг саргузаштин ким ёшурсун, эмдиким
Қолмади ерким, бу рангин можаро айтилмади.

Ҳусн богидин вафо варди тавақҳуъ қилмангиз,
Ким бу гулшан гулбунида бўйла гул очилмади.

Ишқим ихфосини, ваҳким, қилмадим ҳаргиз хаёл,
То ул ойнинг ҳуснидек олам аро ёйилмади.

Эй Навоий, сендин ўту су ародур халқким,
Ёғмади ашкинг суйи то оҳ ўти чоқилмади.

647

Сен зулоли васл ичиб, мен заҳри ҳижрон ичкучи,
Оғу ичкондин не воқиф оби ҳайвон ичкучи?!

Ул юзин гулранг этиб, мен ашк хунобин тўкуб,
Ким эрур ул бодаи гулгуну мен қон ичкучи.

Ичса гулгун бода оламдур гулистон юзидин,
Бўйла йўқ олам гулистонида имкон ичкучи.

Давр аёғин ичмайин давронға солдинг рустахез,
Кўрмади давр ичра сендек аҳли даврон ичкучи.

Ошиқ ўлмай, сизки, дерсиз тавба қил, эй аҳли зуҳд,
Нетсун ичмай жони маҳжур, ўлса жонон ичкучи?

Бода шўхидин агар нолон бўлубмен айб эмас,
Ким эрур кўнглумни олғон шўхи нодон ичкучи.

Эй Навоий, ёр меҳмон бўлса, май тутқач, сумур,
Мизбон зоҳид хуш эрмас, бўлса меҳмон ичкучи.

648

Йўқ манга ҳад васл алфозин тилима сургали,
Тенгри халқ этмиш мени ҳижрон ғами ўлтургали.

Ишқ ўтиға истасанг тутруқ етар хасдек таним,
Шуъла ёқмоқ истасанг ушшоқни куйдургали.

Тун қаронғу маст отланди, кўнгулнинг шуъласин
Айлабон машъал борурмен уйига еткургали.

Телба кўнглумни сўро келдию ул иткан эмиш,
Они мен худ бормағум, биллаҳ, топиб келтургали.

Ёшурун эрди ғамим, ваҳким, бало тоши ёғар,
Бошима ишқи ниҳонин эл аро билгургали.

Бегунаҳ қонимни тўкти ишқ, эмди не осиғ,
Келсалар Фарҳод ила Мажнун анга билдургали.

Гар Навоий тутса тоғ авжин жунундин, эй сипеҳр,
Сангборон ҳожат эрмастур ани индургали.

649

Неча ҳажрингда чекиб ун йиғлай,
Ҳар кеча йиғлаю ҳар кун йиғлай?

Кеча, фарёдима еткай деб ул ой,
Осмондин ошириб ун йиғлай.

Ҳар тараф зоҳир этиб кавкаби ашк,
Кун тулуъ эткуча ҳар тун йиғлай.

Ашкдин кирпик уза ул хат учун
Ёғдуруб сабзаға шудрун йиғлай.

Чарху анжум сари оҳим ўтидин,
Юбориб дуд ила учқун, йиғлай.

Чарх бедодидин ул мушфиқ ёр,
Бир замоне мени қўйсун, йиғлай.

Дема, васлимда Навоий йиғлар,
Васл мумкин эса невчун йиғлай?

650

Лабинг Масиҳу анинг нутқи нуктапардози,
Ки руҳи қудсий эрур у, бу — Масиҳ эъжози.

Хатингни Хизр демонким, бу сабза ҳар гияҳи —
Хизрдурур, лабинг — оби ҳаёт дамсози.

Ҳавои ишқида кўнглумда ҳуш қолмадиким,
Бу телба қушнинг эрур ул ҳавода парвози.

Қадаҳ бу дайрда андозасиз тутунгким, бор
Бошимда муғбачалар шўри ишқи андози.

Не соғ ўлайки, чу борғумдур ўлмайин маълум —
Бу корхонанинғ анжоми бирла оғози.

Навоий истади беҳуш ўзинки аҳли хирад,
Фалакнинг ўлмади бу ишда маҳрами рози.

Анга бу баски жаҳон мулкин олди сўз бирла,
Чекиб сипоҳи маоний дами фусунсози.

Бу важҳ бирлаки Соҳибқирон дебон лақабин,
Атади хусрави Соҳибқирон Абулғозий.

Янаки нутқ илаю руҳ ила етурди анга
Фуюз орифи Жомию ринди Шерозий.



Мустазод

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,
майхораву бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту ёқом чок.
Ҳам туррасининғ дуди вараъ белига зуннор
мен кофири ишқи.
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,
мен ўртанибон пок.
Ул чеҳра фуруғи тушубон зор танимға
бир навъ куярким.
Ҳар кимса ани кўрди соғиндики ёнодур
ўт ичида хошок.
Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру
ул журъаи майким,
Тегмиш анга майгун лаби жонимға даводур
не заҳру, не тарёк.
Бу навъки ойлар майи васли ҳавасидин
махмур бўлубмен.
Мушкилки ёзилғай бу хуморики мангодур
соғар бўлуб афлок.
Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг
бухл айлама, жоно,
Ким барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур
мазмум эрур имсок.
Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас,
бечора Навоий.
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур
ул булбули ғамнок.



Мухаммаслар

1

Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шоҳни,
Тийра айлабмен фиғондин нилгун хиргоҳни,
Эй сабо, арз айла ногаҳ кўрсанг ул дилхоҳни,
Кўктадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни.
Даъвии меҳрингга тонуқ тортадурмен оҳни.

Эй ғубори маркабинғ кун кўзгусининг сайқали,
Нечаким мен бир гадо, сен подшоҳдурсен бале,
Йўқ ажаб сен ҳусн шоҳин майл қилсам севгали,
Сен киби султонни севмак ҳаддим эрмастур, вале
Бу балолиғ ишқ фарқ этмас гадову шоҳни.

Хирмани васлинг тўла сенда, аё халқ аҳсани,
Сабзаи хаттинг тамошосинда, эй кўз равшани,
Сунбули зулфунг хаёлотида, эй жон гулшани,
Донаи холинг таманносинда, эй гул хирмани,
Раҳм қилким, чеҳраи зардим ёшурди коҳни.

Зулфу юзунг кўрдию куйди кўнгул ҳасрат била,
Васлинг уммидига жон қилди фидо рағбат била,
Сенда йўқ эрмиш вафою мен куюб меҳнат била,
Зулфунгу юзунг фироқинда туман ҳасрат била,
Ҳайфким зоеъ кечурдум мунча солу моҳни.

Эйки, йўқтур ҳусн иқлимида сендек подшо,
Ошиқингнинг неча тутқайсен мунунгдек бенаво?
Нечаким бўлди эшикингда Навоийдек гадо,
Қавма Лутфийни эшиктин, бер закоти ҳусн анго,
Қайда этсун сен ғани боринда шайлиллоҳни.

2

Оҳким, волиҳмен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гул барги хандондин жудо,
Бенаводур жон дағи ул ҳури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ваҳ, неча ишқ ўти жисмимда сўнгакни ўртагай,
Кўнғлаким жайбиға ўт солғай этакни ўртагай,
Телбалик оҳим самодин то самакни ўртагай,
Ул қуёш ҳажрида қўрқармен фалакни ўртагай,
Ҳар шарореким бўлур бу ўтлуғ афгондин жудо.

Ваҳки, бағрим тўкти кўзлар йўлидин паргола кўп,
Кўз ҳам ул гул ҳажридин ёғдурди гулгун жола кўп,
Заъф этибмен қонлиғ ашким баски тўкти лола кўп,
Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп!
Жисм айларму фиғон бўлған нафас жондин жудо.

Қилғали маҳрум жоми васлидин жонон мени,
Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ҳар замони ўлтурур ғам заҳридин ҳижрон мени,
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.

Бағрима, эй хори ҳижрон, ҳар замон санчилмағил,
Эй кўнгул, юз жавр етса кўзга ғайрин илмағил,
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмағил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил,
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Жонни андоқ ҳуснунг ўти шуъласи кул қилдиким,
Жисм анингдек ламъаи рухсоринға ёқилдиким,
Шарҳи ҳолиға аларнинг бу рақам ёзилдиким,
Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

Ошиқеким бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Ўйла булбулдурки қолмишдур гулу гулзорсиз,
Вой, ул бедилғаким, қолгай тирик дилдорсиз!
Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

3

Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки,
Бўлса ҳам қилғай эдинг кўзлардин ихфо кошки,
Қилмағай эрдинг улус қатлин таманно кошки,
Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки.

Эмдиким очтинг жамолу халқ ила қилдинг ситез,
Кўрғач ани хайли ишқинг тортибон юз тиғи тез,
Қилдилар кўнглумни ҳижрон ханжаридин рез-рез.
Чун жамолинг жилваси оламга солди рустахез,
Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки.

Очгоч ул юз шуъласин маҳзун кўнгул топмай амон,
Бор эди ул шуълани кўрмак ҳамон, куймак ҳамон,
Саҳв эди сендин вафо қилмоқ таманно мен ямон,
Бўлмагай эрди кўзум ўтлуғ юзунг кўрган замон,
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.

Чун сенинг ишқинг менга бўлди балойи ақлу дин,
Ваъдаи васл айладинг юз лутф ила, эй маҳжабин,
Эмдиким бўлдум гирифторинг қилурсен қатлу кин,
Айлагач зулфунғ балоси зор кўнглумни ҳазин,
Қилмағай эрдинг мени маҳзунға парво кошки.

Кўнглум олғанда дединг, сендин даме айрилмайин,
Жон нисорим айласа ишқ аҳли кўзга илмайин,
Дам-бадам лутфунгни эрмас эрди бовар қилмайин,
Тушмагай эрди фирибомез лутфунг билмайин,
Нотавон кўнглумга васлингдин таманно кошки.

Кўнглум олдинг чеҳра бурқаъдин намудор айлабон,
Сўнгра жаврунг не эди жонимни афгор айлабон,
Эй қуёш, аввал вафову меҳр изҳор айлабон,
Лутф ила кўнглумни васлингдин тамаъкор айлабон,
Қилмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Эй қоши ё, ишқинг ўқин кўнглум ичра беркитиб,
Дер эдинг қилғум вафо сарвақтинга гоҳи етиб,
Телбараткач зулм қилдинг, ваъда ёдингдин кетиб,
Бевафолиг англағоч ишқинғни кўнглум тарк этиб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

Васли савдосида менким бастаи ғам бўлмишам,
Ўйлаким Мажнун бало хайлиға ҳамдам бўлмишам,
Ваҳки, расволиққа оламда мусаллам бўлмишам,
Эмдиким девонаю расвойи олам бўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо кошки.

Дема, кўнглум кош итса зулфи анбарсойида,
Ё агар жон маҳв бўлса лаъли шаккархойида,
Ё магар бошим эмасму рахши хоки пойида,
Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойида,
Нечаким десанг агар ёхуд магар, ё кошки.

Mycaddac

Даҳр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ,
Айш субҳин истама бешоми офат, эй рафиқ,
Ким эмас бир-бирдин айру нуру зулмат, эй рафиқ,
Шуълаи ишрат қани бедуди меҳнат, эй рафиқ,
Кимки васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ,
Кўз тут ул шамъ ўтидин-ўқ доғи фурқат, эй рафиқ.

Бевафодур бу қадимий давр уза бу эски тоқ,
Кўрсанг анда нўши ишрат неши ғам зимнида боқ,
Ким ичарга васли жомин зоҳир этти иштиёқ,
Ким анга талх этмади дарди фироқ охир мазоқ,
Васли софий мумкин эрмас, чунки бедарди фироқ,
Зинҳор ул бода сори қилма рағбат, эй рафиқ.

Офият сарманзилидин ўзни маҳжур этмагил,
Хўблар кўйи сари майл улча мақдур этмагил,
Айласанг, ул ой ғамидин ўзни ранжур этмагил,
Васли уммиди била кўнглунгни масрур этмагил,
Васл йўқким, ишқ лафзин тилга мазкур этмагил,
Ҳар нафас кўрмай десанг юз навъ шиддат, эй рафиқ.

Гар саломат кўйининг асбобин истарсен тўкуз,
Хонақаҳ саҳни ичинда зикр оҳангини туз,
Масжид айларга иморат дайр деворини буз,
Ишқ кўйи туфроғиға ҳар замон еткурма юз,
Шўх чобуклар ғубори тавсаниға солма кўз,
Юзда истар бўлмасанг гарди мазаллат, эй рафиқ.

Бир қуёш ишқиға гардун айлабон маҳрам сени,
Зарра янглиғ айласа саргаштаи олам сени,
Қочма ул ўтдин неча кул қилса ҳам ҳар дам сени,
Офият фикрига солса зуҳду тақво ҳам сени,
Куйма ҳар бемеҳр ўтиға, гар десанг ҳар дам сени,
Қилмагай кул шуълаи андуҳу фурқат, эй рафиқ.

Тори ишқингни десангким чарх даври узмасун,
Хаста кўнглинг жуз навои дарду меҳнат тузмасун,
Жон уйида ғайри жонон ишқ ўлтурғузмасун,
Чарх умрунг қасриға десанг халал кўргузмасун,
Боқма гулдек юз уза хай шабнаминким, бузмасун
Ақл ила сабринг биносин сели офат, эй рафиқ.

Офият базмида гарчи жоми васлинғ тўлмаса,
Зуҳд бедоди бошингдин бир нафас ўксулмаса,
Шайх айлаб юз жафо, бир қатла узрунғ қўлмаса,
Бўйла ўтлардин керак барги умидинғ сўлмаса,
Гар солиб юз минғ балоға мендек ўзни, бўлмаса
Ишқсиз бир дам санга ҳам сабру тоқат, эй рафиқ.

Айтмон, бир сарв қадду моҳ рухсор истагил,
Айшсози қотили шўхи ситамкор истагил,
Тош бағирлиқ раҳмсиз хунрези айёр истагил,
Лек дермен, даҳр аро ёри вафодор истагил,
Токи мумкиндур кезиб бир меҳрибон ёр истагил,
Бағритошларни севарга қилма журъат, эй рафиқ.

Арзимас фикр айламакка даҳри беҳосил ғами,
Ҳулладек хилъат сўзи ё равзадек манзил ғами,
Бода ич десангки кеткай даври мустаъжил ғами,
Истабон қатлингни ногаҳ ишқнинг мушкил ғами,
Гар Навоийдек бошингға тушса бир қотил ғами,
Анда доғи кўргасен не бўлса қисмат, эй рафиқ.

Тарҷумаи ҳол

Жаҳон қасриғадур су узра бунёд
Чу йўқ бунёди, андин бўлмағил шод.

Не шод ўлғай киши бир қасрдинким,
Ани Тенгри яратмиш меҳнатобод.

Эмастур қаср, балким қосиредур,
Ки тақсир айламас айларга бедод.

Тириклик қушлариға ёйибон дом,
Тенгиз амвожидин андоққи сайёд.

Кийиб қатл айламакка лоладин тўн,
Қиёдин тиғ тортиб мисли жаллод.

Эмас қотил париваш дилбаредур,
Ки жавридин қутулмас одамизод.

Фунуну лобаси андоқ муассир,
Ки мум айлар кўнгул гар бўлса пўлод.

Вале не ишвасиға эътимоде,
Не онинғ ваъдаи васлиға бунёд.

Висоли кўз юмуб очқунча охир,
Фироқи кўз очиб юмғунча барбод.

Кўнгул қўйма ангаким боқий эрмас,
Инонмас бўлсалар, айлай қасамёд.

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.

Жаҳон шўхидин олмиш Ҳақ вафони,
Не олмақким, анга бермайдур они.

Буким йўқтур вафоси бас эмастур,
Ки дарду меҳнатидур жовидоний.

Бу меҳнатлар била истар ани халқ,
Фаҳум лояърифу ҳозал-маоний.

Тикондин гулға ҳар дам еткуруб неш,
Ки айлар лаългун жисмини қони.

Сабо кожин уруб савсанға андоқ,
Ки қолиб кўклуги андин нишони.

Чоқин тиғидин айлаб пора-пора,
Чаманда ғунчанинг кўнғлин ниҳони.

Ёғиннинг йиғлабон андин нафири,
Булутнинг титрабон андин фиғони.

Ғалат қилдим бу туҳматдин барийдур,
Жаҳон раъно аруси дилситони.

Ки Ҳақ тақдиридиндур олам ичра,
Ямону яхшининғ яхши-ямони.

Жаҳон фонийдурур, эй хожа, зинҳор,
Ки сен боқий тасаввур қилма они.

Кўнгул берма ўшул раъноғаким, Ҳақ
Эрур боқию, боқий барча — фоний.

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўққим, мосиваллоҳ.

Жаҳонким зоҳир айлар лолаву боғ,
Эрур ул боғ – зиндон, лоласи – доғ.

Арусидур фусунсоз ул дилошуб,
Иши кўргузмак элга лобаву лоғ.

Кишиким сайди доми бўлди, бордур
Анинг оллида минг булбулча бир зоғ.

Ёқибон оташин гул жониға ўт,
Қуяр ёмғирдин ул ўт устига ёғ.

Кўруб наргисни савсан ғунчасидин,
Чекар онинғ кўзи қасдиға бормоғ.

Хазон бедодидин ел саъйи бирла
Сочар шамшоду гул бошига туфроғ.

Тааддий бирла насрин яфроғидин
Ясар гул чеҳрасин йиртарға тирноғ.

Жафоси ёсидин ёғдурди пайкон,
Гумон қилма шажар жисмида яфроғ.

Начукким бўстоннинг йўқ вафоси,
Хусусанким хазон ели эсар чоғ.

Анинг ҳам нисбатин гар истар эрсанг,
Анингдекким хазон айёмида боғ.

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.

Жаҳон раъносидин бўлғил мужаррад,
Ки қилмишлар қабул аҳли ани рад.

Начук мақбулунг ўлғай улки, бўлғай
Анга мардудлуғ асбоби беҳад.

Агар ҳикматда ул миқдор бўлким,
Ўқусун Бу Али оллингда абжад.

Вагар бўлсанг фасоҳат ичра навъе,
Ки назминг айлагай Ҳассонни беҳуд.

Тамаввул касратидин бўлсанғ андоғ,
Ки Қорун даргаҳингда айлагай кад.

Шижоат даштида рахшингға бўлса,
Рикоб ўпмак учун Рустам нигунқад.

Скандар янглиғ олиб баҳру барни,
Бало яъжужи учун боғласанг сад.

Анингдек бўлса тахтинг рифъатиким,
Гуҳарлик айласа тожингға Фарқад.

Жаҳонга чун бақо йўқтур бу барча
Неча кундур, вале эрмас мухаллад.

Таманно айласанг бир навъ иқбол,
Ки бўлғай ҳам мухаллад, ҳам муаббад.

Демон ёлғуз жаҳондин айла тажрид,
Неким Ҳақ ғайридур бўлғил мужаррад.

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.

Жаҳон раъноси бирла қилма пайванд,
Эр ўлсанғ бўл анинг ҳажриға хурсанд.

Эрур олам уйи раҳравға зиндон,
Анинг ҳар қайди йўл манъиға бир банд.

Ушотмоқ истасанг бу бандларни,
Муқайяд бўлма анда, ушбудур панд.

Жаҳон нўши аро қилмиш ниҳон заҳр,
Сен они нўш этарсен, ўйлаким қанд.

Топиб лаззатким айларсен табассум,
Эрур ул заҳрханд, эрмас шакарханд.

Ғараз ирфон экиндурким адамдин,
Сени мавжуд айлабтур Худованд.

Қўюб кўнглинг аро нақди амонат,
Малак бўлмай санга бу ишда монанд.

Сени ғофил қилиб асли ишингдин,
Сарову боғу роғу завжу фарзанд.

Ўзунгға келсанг оздур, гар ўзунгни
Бу ғамдин айласанг парканд-парканд.

Жаҳон жоҳилға маҳбуб ўлди, лекин
Анинг оллинда ким бўлғай хирадманд?

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.

Жаҳон жоми тўлодур заҳри қотил,
Анга майл айламас ким бўлса оқил.

Ажаб ишдурки мундоқ заҳр ичарга,
Жаҳон аҳли эрур жон бирла мойил.

Ажаброқ буки ичкан сойи бўлмас,
Бу заҳр ичканга ичмак ҳирси зойил.

Ғаробат кўрки, гар юз мингни ҳар кун,
Қилур ул заҳр ўлган элга дохил.

Яна юз минг дурур ичмакка машғул,
Яна юз минг ани истарга шоғил.

Магар бу заҳрдин қутқарғай элни
Фано тарёки бирла пири комил.

Вале Қоф устида ул кимёгар,
Ани кўрмакка Анқо парри ҳойил.

Жиҳатсиз, эй кўнгул, севдунг жаҳонни,
Менинг пандимдин айлаб ўзни отил.

Чу бердинг барча сармоянгни барбод,
Пушаймон бўлмоғинг эмди не ҳосил.

Магар ёдингда йўқтурким, санга мен
Дедим юз қатла к-эй мажнуни ғофил:

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўққим, мосиваллоҳ.

Жаҳон айёрасидин тут канора,
Ки макру фанниға йўқтур шумора.

Аёғ-илгидаги зарринаси ўт,
Тўни зар басмаси андин шарора.

Бўлубон руҳ тўтисиға сайёд,
Иши қилмоқ ани қасдиға чора.

Бу ишга гардияздий меъжари дом,
Ичинда дона инжу гўшвора.

Назар мақсуд рухсориға солмоқ
Тилар бўлсанг анга қилма назора.

Чекибон кун шиоидин синонлар,
Қилайин деб улус бағрини ёра.

Анга ҳино шафақ рангидин айлаб,
Кеча навшодиридин они қаро.

Йироқ бўл, эй кўнгул, бу дилрабодин,
Ки сенсен — шиша, онинг кўнгли — хора.

Бориб хуш-хуш анга сайд ўлғанингдин,
Қилай дермен ёқамни пора-пора.

Дединг, кечмоқ начук бўлғай жаҳондин?
— Не ҳожат хайр ишига истихора?

Демон, ёлғуз жаҳондин тут каноре,
Ки тутқил мосиваллоҳдин канора.

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўққим, мосиваллоҳ.

Жаҳон шўхин арусе қилғил эҳсос,
Ки киймиш тун била кундин кишу ос.

Бу рангомезлиғдин ганжи Қорун
Кишида бўлса тутқай кунжи ифлос.

Тириклик мазраи қасдиға ҳар ой,
Аён айлаб янги ой шаклидин дос.

Фалак бирла шафақ эрмаски, қилмиш
Муҳайё дам-бадам қон тўккали тос.

Эмас қон, бодадурким бехуд айлаб,
Йиқарға элни қилмиш чархдин кос.

Соғинма бодаи лаъл аниким, бор
Улус қониға рангин бўлған олмос.

Бу қон тўкмак била кимдурки, йўқтур
Анинг савдосидин кўнглида васвос.

Бу пандимни эшит сен доғи, эй дўст,
Иродат юзидин тут поси анфос.

Жафоларким мен онглабмен жаҳондин,
Вафо сендин манга ғолибдурур ёс.

Валав ҳозал маоний анта қулта,
Тақулу иъламу ё айюҳаннос.

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.

Паркинбанд

Даҳр боғики жафо шориидур ҳар чамани,
Жуз вафо аҳлиға сончилмади анинг тикани.

Кимдаким доғи вафо кўрса шаҳид айламаса,
Лоласининғ не учун қонға бўялмиш кафани?

Поймол этмаса андинки келур меҳр иси,
Оёғ остида недин қолди гиёҳи дамани?

Сафҳаи хотири пок ўлмаса барбод андин,
Бас, не соврулмоқ эрурким кўрар онинг самани?

Ростлар бўлса анинг арсасида бархурдор,
Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви фани?

Гар яқин аҳлини Мансур киби қатл этмас,
Бас нединдур шажару сунбули дору расани?

В-ар камол аҳли жалойи ватан эрмас андин,
Нега туфроғдур ул акмали даврон ватани.

Баҳри урфон дури Саййид Ҳасан улким, афлок
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дури пок.

Золи гардун кишига майли вафо айламади,
Кимдаким кўрди вафо, ғайри жафо айламади.

Қайси бир васл кунин меҳр ила қилди равшан –
Ким яна ҳажр туни бирла қаро айламади?

Қайси давлат қуёшин чекти камол авжи уза,
Ким яна ер тубида маскан анго айламади?

Қайси лабташнаға тутти қадаҳи софи нишот,
Ким яна қисми анинғ дурди ано айламади?

Қайси дилхастаға еткурди фароғат нўше,
Ким насиби яна юз неши бало айламади?

Ҳар дил озурдағаким новаки зулм этти кушод,
Гарчи бор эрди хато, лек хато айламади.

Чекти бу зулмин анинг барча халойиқ, лекин
Чора бу дардға жуз аҳли фано айламади.

Хосса ул фонии давронки, бўлуб восили Ҳақ,
Қўймади кўнгли аро ғайр хаёлин мутлақ.

Гарчи ул равзаи Ризвон сари рафтор этти,
Ҳажридин умрни аҳбобқа душвор этти.

Гарчи ҳуро юзи шамъи била ёрутти кўзин,
Мотами бизга ёруғ даҳр юзин тор этти.

Гарчи учмоғ сари азм этти, вале оламни,
Ваҳки, томуғ ўтидин элға наʼмудор этти.

Гарчи ул борди бақо мулкига, лекин юз алам
Сўгидин чарх фано аҳлиға изҳор этти.

Ҳалқаи зикр дема, фақр элига шому саҳар,
Ки азосида бу эл навҳа падидор этти.

Фақр хуршиди фано шоми уёқти не ажаб,
Ки қуёшини фалак доғи нигунсор этти.

Ўчти ул шамъи валоятки, фалак мотамида,
Қаро кийдию дури ашкини ийсор этти.

Гарчи фақр аҳлиға бу навъ азо кам тушти,
Мени савдозадаға ўзгача мотам тушти.

Эй фалак, айтким ул солики атвор қани,
Фақр атвори аро кошифи асрор қани?

Ташлаб ўзлукни фано бодиясин қатъ эткан,
Ушбу йўл ҳолидин огоҳу хабардор қани?

Фақр манзилларининғ раҳрави, бал раҳбари,
Ҳодийи аҳли фано муршиди аҳрор қани?

Шаръ қонунини диққат била маръий тутқон,
Солики жодаи Аҳмади Мухтор қани?

Қурб айвониға тақво йўлидин гом урғон,
Восили боргаҳи Қодиру Ғаффор қани?

Бу қадар манзилату қурбу буюк поя била,
Ўзини тутқучи туфроғ ила ҳамвор қани?

Мени мотамзадаға ҳам ота, ҳам муршиду пир,
Балки ҳам ғамхўру ҳам ёвару ҳам ёр қани?

Сенсизин даҳр элидин асру малолим бордур,
Кошки келсангу кўрсангки, не ҳолим бордур.

Сангаким, равзаи Ризвонда фароғат бўлғай,
Даҳр вайрон чамани ичра не улфат бўлғай?

Сенки, Кавсар суйидин қилғасен ўзин сероб,
Бу сароб ичра санга қайда иқомат бўлғай?

Сенгаким, хайли малак бўлса мусоҳиб, мунда –
Девваш халқ қачон қобили суҳбат бўлғай?

Фақр тутқонда деб эрдинг санга ҳам еткурайин,
Манға ҳар файзки бу кўйда қисмат бўлғай.

Бўлубон кошифи асрори илоҳий бординг,
Мени маҳрумға жаҳл ичра не ҳолат бўлғай?

Бор умидимки мадад руҳунг ила қилғайсен,
Ҳар қачон оллима даврон аро шиддат бўлғай.

Ҳаргиз эткайму эдим давлати васлингни тамаъ,
Билсам эрдики сўнги андуҳи фурқат бўлғай.

Дўстлар, бир-биригиздин тиламанг жоми висол,
Десангиз ичмали ҳижрон қадаҳин моломол.

Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор,
Керак эрдики мен ўлсам бошинг узра ғамхор.

Шарбатинг эзсам эди шираи жоним қўшубон,
Ичурурга қилибон жаҳд неким мумкин бор.

Ҳам ғизо мен керак эрдики тутуб оллингда,
Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.

Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёғингни ёпиб,
Эврулуб бошинга фарзандлиғ айлаб изҳор.

Гар қазо етса, қилиб ҳўй ила оламни қаро,
Ёқа йиртиб, этибон тош ила кўксумни фигор.

Навҳалар тортибу наъшинг кўтариб эгнимга,
Бош яланг айлабу бехудлуғ этиб мажнунвор.

Тарк этиб олам ишин қабринг уза сокин ўлуб,
Кўрсатиб элгаки не навъ керак эрмиш ёр.

Чора йўқтур чу бу навъ эрмас экандур тақдир,
Мумкин эрмас киши тақдирға бермак тағъйир.

Дўстлар, даҳр вафосини хаёл айламангиз,
Буржу кохиға тамаъ ғайри завол айламангиз.

Турфа маҳбубдурур умру вафоси йўқ анинг,
Андин истарга вафо фикри маҳол айламангиз.

Ҳар киши комил эрур, бас анга Ҳақ бандалиғи,
Мундин ўзга тамаъи касби камол айламангиз.

Йўқ жамол ичра вафо ҳусниға доғи бунёд,
Ғарраи ҳусн бўлуб, арзи жамол айламангиз.

Олами фоний учун ранжу машаққат чекманг,
Мол учун ғам емангиз, фикри манол айламангиз.

Ишқ дардиға Навоий киби мағрур ўлманг,
Ўзни ҳар маҳваш учун шефтаҳол айламангиз.

Турк пири киби оламдин этакни силкинг,
Дўстдин ғайри таманнои висол айламангиз.

То саломат бу хатар манзилидин солиб гом,
Маъмани васлға бўлғай тута олмоқ ором.



Китоблар

1

ҲАҚ ТАОЛО ХОНИ ИНЪОМИЮ КАРАМИ ОМИ БОРИДА ЎЗГАДИН НИМА ТИЛАГОННИНГ ТАМАЪИ ХОМИЮ ЗОТИ НОФАРЖОМИ

Тенгри хонин очуқ ақида қилиб,
Халқдин рўзий истаған гумроҳ.

Ўйладурким тенғиз қироғинда,
Рўза очмоққа кимса қозғой чоҳ.

2

МУҲАММАДНИ ТЕНГРИ ТАОЛО АЙНИ МУҲАББАТДИН ЯРАТҚОНҒА ДАЛОЙИЛ ТУЗМАК ВА ШАВОҲИД КЎРГУЗМАК

Муҳаммадни яратти, чунки Ҳақ айни муҳаббатдин,
Киши вазнин мувофиқ, чунки даъво этса содиқдур.

Бурунғи икки ҳарфи ҳар бирининг доғи бир келди,
Талаффуз ҳолатида улки собиқ, йўқса лоҳиқдур.

Учинчи икки ҳарфи бирла тўртинчи ики ҳарфи,
Тааммул айлаган махраж ҳам англарким мувофиқдур.

3

ҲУКАМО ҚАВЛИ ТАРЖИМАСИ: ШОҲНИНГ ДАРЁҒА МУШОБАҲАТИДА ВА НАФЪУ ЗАРАРИДА

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ эттилар,
Ким ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.

Гаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур.

4

ФАҲМСИЗ МУЛОЗИМЛАР ҒАФЛАТИДА ВА АЛАР БИЛА МАОШ ЎТКАРМАК МЕҲНАТИДА

Йўлдин озди ҳар мулозимдинки, ғафлат айладинг,
Будур ойин гар гадолиғдур ишинг, гар шоҳлиғ.

Уркудар элдекки чиқти кеча йўлдин маркаби,
Кўз юмуб очқунча чунким қилмади огоҳлиғ.

Олам аҳлида мулозимлар эрур ҳайвон киби,
Қайси ғафлат англағоч зоҳир қилур бероҳлиғ.

5

МУТАКАББИР МАНЗУРНИНГ ҲУСНИ ЧОҒИДАКИМ ИСТИҒНОСИ ДАРДНОК ҚИЛУР ВА ҲУСНИ КЕТКАНДА МУЛОЙИМАТИ ҲАЛОК

Хўб экан чоғдаки мустағний эдинг, келмас эдинг,
Ўтти чун хўблуғунг жавр манга еткурма.

Кўп келур вақтда оз келмакинг эмгатти мени,
Оз келур вақтда кўп келмак ила ўлтурма.

6

МАЖОЗИЙ МАҲБУБ ИШҚИ ТАРКИДАКИМ, ХЎБЛУҒИ МУЖИБИ ЙИҒЛАМОҚДУР ВА САҚОЛ ЧИҚАРМОҒИ, МУЖИБИ КУЛМАК

Чу ҳусни вақтида ул ойға зор ошиқ эдим,
Кўруб жаҳон эли йиғлар эрди ҳолимға,

Сақол чиқарғонида тарк қилмасам ишқин,
Улус кулар ҳам анинг, ҳам менин сақолимға.

7

ОЛТУН, КУМУШГА ҲИРС МАНЪИКИМ, ТУТМОҒИ ИЛИКНИ ҚОРА ҚИЛУР ВА МУҲАББАТИ КЎНГУЛНИ

Кўп олтун, кумуш сари қўл сунмоғил,
Ки тутсанғ кафингни қаро занғ этар,

Кўнгулда доғи майлини асрама,
Ки кўнглунгни доғи ҳамул ранг этар.

8

МАЪНИ АҲЛИДИН ГАДОЛИҒ БАШОРАТИ ВА СУРАТ АҲЛИДИН ШОҲЛИҒ ИШОРАТИ

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин.

Ким буларға ғадолиғ ортуғдур,
Аҳли суратқа подшолиғдин.

9

ПОКРАВ НИСО ТАЪРИФИДАКИМ, ИНСОН ОНСИЗ ХОЛИДУР ВА ОЛУДАВАШ РИЖОЛКИМ, НУРСИЗЛИКДИН ДАЖЖОЛИ БЕМИСОЛДУР

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи.

Лут ўғлин кўрки солди тийралик
Динға нафс илгида табъи ожизи.

Даҳр аро ёқти сиёдат машъалин,
Покравликтин Расулуллоҳ қизи.

10

БИЗНИНГ ШОҲ ХОНҒА ЛАЪЛГУН АЁҒ БЕРГАНДА АЙТИЛИБДУР ВА ҲАВОДИН СИЙМИ СУДА ЁҒАРДА РАҚАМ ҚИЛИБДУР

Фалак сочти хон бошиға сийми ноб,
Бизинг шоҳ аёғиға лаъли музоб.

Фалак бирла шаҳ қадру жоҳи аро,
Тафовут нисоридин этгил ҳисоб.

11

БЎЙНИҒА ЯШМ ОСИЛҒОННИ ДЕБДУРКИМ ШИФО УЧУН ЭМАС, БАЛКИ ФАЛАКДИН МУТААДДИД ЖАФО УЧУНДУР

Бўйнума яшм осилғондин эмас,
Буки заъфимға даво бўлғай фош,

Ип била боғлади бўйнумни фалак,
Ҳар қадам урмоқ учун кўксума тош.

12

РУМ ТУҲФАЛАРИНИНГ УЛАШИНГОННИ ДЕБТУРУР, БАЛКИ ШОҲ ПОЙАНДОЗИДЕК ТАЛАШҚОННИ АЙТИБДУРУР

Туҳфаларким юборди қайсари Рум,
Бурса жинси, фаранг дебоси.

Турфа кўрғилки зумраи ислом,
Анга солди фаранг яғмоси.

13

ЎЗ НАЗМИДИН КЎРГАН МАЛОЛАТЛАР ШИКОЯТИ ВА КЎНГУЛ ЎТИДИН ЖОНСЎЗ ҲИКОЯТИ

Не назмики ўтлуғ кўнгулдин чиқардим,
Дедимким, менинг хотиримға ёронғай.

Манга онча ўт солди ҳар байтким, табъ,
Гар оби ҳаёт ўлса андин ўсонғай.

Тилармен ани мен доғи ўтқа солсам,
Ки қайдинки келди ҳамул сари ёнғай.

14

ҲУСН АҲЛИНИНГ КЎНГЛИ НИСЁНИ ВА ВАФО АҲЛИ АНДА УНУТУЛУРИНИНГ БАЁНИ

Жон басе қилдим фидо ул ҳусн миръоти учун,
Оҳ кўп чектим вафосида анинг шому саҳар.

Бир нафаским хизматидан ғойиб ўлдум ўйла бил,
Ким мени умрида ул бадмеҳр кўрмайдур магар.

Ўз-ўзум бирла дер эрдимким: недин бу навъ экин?
Айлабон огаҳ хирад деди менга: «Эй бехабар,

Мунда рамзедур дақиқ, аммо қилай равшан санга,
Ким латофатда сафо кўзгусидур ул сиймбар.

Англаким то кўзгунинг оллида сен, кўнглида — сен,
Чунки бординг оллидин, йўқ кўнглида сендин асар».

15

ДЕВОНДА МУҲР БОСҚОНДИН НАФСИҒА ШИКАСТ ЕТМАГАН УЧУН МУҲРҒА ШИКАСТ БЕРГАНИ

Чун манга лутф этти шаҳ девонда муҳр,
Бу эди элдин қуйи муҳр урмоғим.

Ким ғурури нафси саркаш манъиға,
Барчадин бўлғай қуйи ўлтурмоғим.

Чун шикасти нафс ҳосил бўлмади,
Мундин ўлди муҳрни синдурмоғим.

16

ХИЛВАТДА ФАЛАК ЖАФОСИНИНГ ОЗОРИ ВА АНЖУМАНДА УЛУС БЕДОДИНИНГ ИЗҲОРИ

Байтул-ҳазанға кирсам улустин қочиб даме,
Атрофдин ғубори малолат манго ёғар.

Силкай деб ул ғуборни чиқтим чу кулбадин,
Эл жавру зулмидин бошима юз бало ёғар.

17

ХЎБЛАР ҲУСНИ ШАРҲИДАКИМ, МАШШОТА САЪЙИ БИЛА АФЗУН БЎЛУР ВА ОРОЙИШ БИЛА САФОСИ ГУНОГУН

Не тонғ ўлса фузун жамолу сафо,
Хўблар қирққон замон бошлар,

Шамъ нури ёруғроқ ўлғондек,
Учини кимса чун ола бошлар.

Сартарош анию муни фаррош
Бир-биридек олиб-олиб тошлар.

18

БИРОВГА ВОБАСТА ЭМАС КИШИ МАДҲИДАКИМ УЛ БЕПАЙВАНДЛИҒ МУЖИБИ САОДАТМАНДЛИҒДУР

Даҳр аро ани дегил давлатманд,
Ким биров сари эмас дилбаста.

Хаста бўлмас чиройин кўрса читуқ,
Жони чиқмас ани кўргач хаста.

Минг балодин деса вораста бўлай,
Кимса қилдик ўзини вораста.

19

ХАЙРОБОД БАНДИ ХАЁЛИДИН ХАЛОС БЎЛҒОНИ ВА ЎЗЛУК БАНДИ МАЛОЛИДИН ХАЛОСЛИҒ ТИЛАГОНИ

Чу Хайробод бандин ўзлугум бирла ясаб эрдим,
Мени андин халос этти иноят айлабон шоҳе.

Не бўлғай ўзлукумнинг бандидин доғи халос этса
Ҳақиқат кишвари сори ҳидоят айлаб огоҳе.

20

ОРИФ КЎНГЛИН ДАРЁҒА НИСБАТ БЕРУРКИ, АНДА ҲАР НЕ ТУШСА СИНГУРУР, БАЛКИ ИТИРУР

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин они ёшурмоқ.

Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмоқ.

21

ШОҲНИ АЖДАҲОҒА НИСБАТ ҚИЛИБТУРУРКИМ ГАНЖ УМИДИ ҲАМ АНДИН БОРУ РАНЖ БИЙМИ ҲАМ

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.

Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида.

22

ФАҚР ТАЪРИФИДАКИМ РИФҚ БИЛА МУВОФИҚДУРУР ВА ФАҚИР ҲУРУФИ РАФИҚ БИЛА МУТОБИҚ

Айни рифқ айла гумон фақрни, анинг бирдур
Ҳарф ҳам иккисиға яхши гар этсанг таҳқиқ.

Жамъи ҳам бирдурур инак фуқарову руфақо,
Сийғаи муфради ҳам айни фақир ўлди рафиқ.

Бор ишорат анғаким рифқу мувосодур иши
Ҳар мухолиф эл ила фақрға топқон тавфиқ.

Поя мундин бийик ўлмаски рисолат хатми,
Фақрнинг нисбатида фахрға қилди тасдиқ.

23

УЙ КИТОБАСИҒА СЎЗ БИТМАК ВА ИЗОРАСИҒА НИМА БОҒЛАМОҚ

Уй ичра ҳам китоба ҳам изора
Заруратдур туганган чоғда қилмоғ.

Йўқ эрса ул уй ўхшар бир кишига,
Ки анда бўлмагай иштону белбоғ.

24

ВАФО БОЗОРИНИНГ КОСИДЛИҒИДА ВА ВАФОЖЎЙЛАР ХАЁЛИНИНГ ФОСИДЛИҒИДА

Кимгаким қилдим вафо, ваҳким, жафо подош эди,
Олам аҳлида вафо мавжуд эмас беиштибоҳ.

Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб, топмадим,
Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ, хоҳ сойил, хоҳ шоҳ.

Топмоғидин ноумид ўлғонда ақли хурдабин,
Истабон худбин мени кўзгуга қилди рўбароҳ.

Бевафолар орази янглиғ топиб кўзгу анга,
Ҳар нечаким эҳтиёту саъй ила қилдим нигоҳ.

Кўрмадим невчунки тийра эрди кўзгу, неғаким
Ҳам вафосизлар ғамидин баски тортиб эрдим оҳ.

25

УЛ МАЗМУНДАКИМ АНДОҚКИ ҚОЗИ РИЁЗИЙ КЕРАКМАС, РИЁЗИЙ ҲАМ ҚОЗИ КЕРАКМАС

Риёзий бўлса қози, бас, ажабдур,
Керакким фиқҳ илмин билса қози.

Анга чун фиқҳдин асло хабар йўқ,
Не янглиғ бас бўлур қози Риёзий?

26

ИМОРАТ ТОҚИ КИТОБАСИДАКИМ КОШИКОРЛИҒ КИТОБҒА САРЛАВҲ БЎЛҒОНДЕК МУНОСАБАТИ БОР

Ҳар иморатким туганди гарчи шўҳедур жамил,
Бўлса кошикорлиғ айлар жамолин бирга ўн.

Бу яқиндурким жамол аҳли ёлонғлиқдин басе,
Яхшироқдур бўлса коши нақшлиқ эгнида тўн.

27

ИККИ МАНОРНИНГ МУШОБАҲАТИДАКИМ ШАРЪ БЎСТОНИДА ИККИ САРВЕДУРУРЛАР ҲАМҚАД ВА ИККИ АЛИФДУРУРЛАР ҲАМАДАД

Бизнинг иморат ичинда тузолган икки манор,
Ки қуббалардин эрурлар сипеҳр сонида.

Ики ағо-инидур тавъамон гумон қилғил,
Ки фарқ йўқ арода бўлсалар намоянда.

Замона золини кўрким не навъ бикр ўлғай,
Ки мундоқ, икки ўғил андин ўлди зоянда.

28

БАШАРИЯТ МУҚТАЗОСИДАКИМ ҚИЛҒОНИ МАРҒУБДУР ВА ҚИЛҒУЧИНИНГ ЎЗ ОЛЛИДА МАҲБУБ

Башар хайли анга мажбул эрурлар,
Ки бўлғай ҳар бир ўз оллинда маҳбуб.

Ажаб йўқ неча қилса номулойим
Кишига келса ўз маҳбубидин хўб.

Ва лекин лозим эрмас буки бўлғай,
Анинг марғуби доғи элга марғуб.

Ҳам андоқким киши фарзанди бўлғай,
Неча манқуб эса оллинда матлуб.

Кишига айта олғаймуки, бўлсун
Санға ҳам ёру матлуб ушбу манқуб.

Ҳунар аҳли ани дегилки бўлғай,
Ўзини қилса ўз оллида маъюб.

Чу ўз айбиға воқиф бўлди, айбин
Начук қилғай ҳунар ўрниға маҳсуб?

29

ФУЗУЛ ЭЛ БОБИДАКИМ БОР ИШГА ДАХЛ ҚИЛУРЛАР ВА ҲАР ХОРИЖ ИШГА ДОХИЛ ДУРУРЛАР

Фалонға ажаб ҳол эрурким халойиқ
Не қилса алар бирладур можароси.

Сола олмас эл ошиға бир нухуд, гар
Тузулмас анинг бирла ул эл ароси.

Қазон йўққи, ул анда кафлиз эмастур,
Ки бўлсун юзига қазонлар қароси.

30

ХУШКСОЛ ТАЪРИФИДАКИМ ЧАШМАЛАР АЙНИ ҚУРУБ ШАММАЕ СУ ҚОЛМАДИ

Хушксол ўлди бу йил ул навъким гард ичра эл,
Бир-бирин кўрмас агарчи, ўлтурурлар рўбарў.

Далвға кирмак қуёшнинг чашмаси не судким,
Томмади ул далв ила ул чашмадин бир қатра су.

31

ИССИҒ ЕЛ ВАСФИДАКИМ БАҲР СУЙИ АНДИН ҚУРУР ЭРДИ ВА СУ ТУБИНИНГ ГАРДИН СОВУРУР ЭРДИ

Бу ёз ўрдуда ел андоқ эсарким,
Самум андин бўла олғай нишона.

Исиғдин хишти хона элни ўртар,
Бўлубтур хиштхона — дошхона.

32

ЖАВШАН БОБИДАКИМ ДИЛОВАРЛАР ЖИСМИНИНГ ҲИСОРИДУР ВА ЖОНСИПОРЛАР ЖОНИНИНГ ҲИСНИ ПОЙДОРИ

Разм майдонидаким икки тарафдин аҳли ҳарб,
Бош ила жон таркин айларлар ажаб ҳангомадур.

Кийнаварлар анда жавшан кийсалар тан ҳифзиға,
Жисм сандуқи учун гўёки оҳанжомадур.

33

ЖЎКИ ШОҲНИНГ ҚАСРИДА ШОҲ ЖЎКИ МАСКАН ТУТҚОН БОБДА

Даҳр жўкиликларидин турфа иш,
Чеҳра кўргузди бизинг шаҳ асрида.

Ким фусуну лаъб бирла тутти ер,
Шоҳ Жўки шоҳи Жўки қасрида.

34

САРКАШ МАНЗУРНИНГ ХАТТИ ҲАМ ЎЗИДЕК БОШ ТОРТҚОНИДА ВАФОҒА ТАРҒИБ ҚИЛМОҚ

Хаттинг йўқ эрканида қочтинг онча мендинким,
Хаттинг бош урди юзунг гулшанида сабза мисол.

Мулойимат қилакўр, йўқса мен дағи қочқум,
Ўтуб чу бир неча кун ушбу сабза бўлса сақол.

35

УЛ ҲАЙСИЯТДИНКИ МОЛ ВА ЖОН ДЕБТУРЛАР. СИЙМФИШОНЛИҚ ЖОНФИШОНЛИҚҚА ДУШВОРЛИҒИ

Сиймни сочқучи мингдин бирдур,
Ўзгаларнинг иши келди термак.

Ул жиҳатдин будурур одатким,
Олмоқ осондуру мушкил бермак.

36

САФИҲ ЗОЛИМНИНГ МАҲРАМЛИҚҚА ВА АБЛАҲИ НОДОННИНГ ҲАМДАМЛИҚҚА ЯРАМАСЛИҒИДА

Сафиҳ золим ила бўлма хон уза ҳамдаст,
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақлиққа.

Ўзунға аблаҳи нодонни айлама ҳамроз,
Ки яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақлиққа.

37

МУҲТАСИБНИНГ ТЎККАН МАЙИКИМ ЕР ҚОНИ БЎЛУБТУР ВА ХУНХОРА РИНДЛАР ИЧИБ МАСТЛИҒ ҚИЛҒАНИ

Муҳтасиб ҳар сори май тўкмакка борса шаҳр аро,
Риндлар ҳам айлабон пайравлиғу ҳамдастлиғ,

Май кўл ўлғоч, тортибон барча қироғинда чўкуб
Каф сочиб ҳар сори бухтидек қилурлар мастлиғ.

38

ПАҲЛАВОН МОТАМИНИНГ САРГУЗАШТИ ВА МАНЗУРИ САБЗХАТ ФИРОҚИНИНГ САРНАВИШТИ

Паҳлавон эрди менинг ёриму бир шўх анисим .
Бири ўлдию бири итти, ишим бўлди таассуф.

Ровиё, ҳажрларидин манга йўқтур кеча уйқу,
Қиссаи Ҳамза дегил гоҳию гаҳ қиссаи Юсуф.

39

УЛ БОБДАКИМ ЖАҲОН АҲЛИ БЕВАФОДУР ВА АЛАРДИН ВАФО КЎЗ ТУТМОҚ ХАТОДУР

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг.

Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор,
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, гар хато қилсанг.

40

ЁМҒУР ДУОСИ ҚИЛҒАНЛАР АҲВОЛИКИМ КЎЗ ТУТҚАН ЁҒИНДИН АШКЛАРДИН ЎЗГА ҚАТРАЕ ТОММАДИ

Бордилар ёмғур дуосин қилғали аҳли риё,
Мен ниёз аҳли эдим, даъво кумайтин сурмадим.

Ёмғур иккидур: бири маъҳуду ул бир кўз ёшим,
Кўз ёшим йўқ эрди, то ул ойға кўз олдурмадим.

Тенгри ёмғур бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга кулгу келди, ашким ёмғурин ёғдурмадим.

41

ЮҚОРИ ЎЛТУРМОҚ ТАЛАШҚУЧИЛАРКИМ, ҲИНДУИ ДИДБОН АЛАРДИН ЮҚОРИРОҚ ДУРУР, УЧАР ҚЎНҒУЗ ИЛГАРИРОҚ

Юқори ўлтурурни ким тиласа,
Кишиликдин ани йироқ билгил.

Ўлтурур сафда юқорилиқдин,
Ўлтурур сафда яхшироқ билгил.

42

БАДОВОЗ МУҚРИ УНИДАКИМ ЖАМОАТҚА ПАРИШОНЛИҒДУР ВА ЖАМОАТҚА КЕЛГАНЛАРГА МУЖИБИ ПУШАЙМОНЛИҒ

Шайхи муқри салоти вақтида эл
Масжиди жумъани солиб чиқадур.

Элни жамъ эткали эмас бу салот,
Гўиёким салоти тафриқадур.

43

НОКАС КИШИ БЎЛМАСЛИКДА ВА НОЖИНС КИШИ ЖИНСИ БЎЛМАСЛИКДА

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.

Ким кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одамий.

44

ЎЗИНИНГ КУФРИ НИҲОНИЙСИН ОШКОРО ВА ФИСҚИ ПИНҲОНИЙСИН ПАЙДО ҚИЛҒАНИ

Фосиқмену кофири ниҳоний,
Каъба сафари эрур манго ҳайф.

Ўзни буки яхши кўргузурмен,
Биллаҳки, менга калисо ҳайф.

45

БУ ЙИЛ ХУРОСОН РОКИБЛАРИНИНГ ЖАҲОНПАЙМО МАРКАБЛАРИ БИР ПЎЯ БИЛА ЖАҲОНДИН КЕТКАНИ БАЛКИ ЯНА ЖАҲОНҒА ЕТКАНИ

Бу йил қазодин ажал даштиға хиром этти,
Неким улус аро бор эрди хинги сайл хиром.

Сипоҳи эл аро чун яхши от қолмади ҳеч,
Эрур бу кун алар андоққи зумраи бадном.

46

ШАРБАТИЙНИНГ ҚУЛОҒИ ОҒИРЛИҒИҒА ҚИТЪА ДЕМАК, АГАРЧИ БУ ҲАМ АНГА ОҒИР КЕЛУР

Шарбатий кар бўлди эрса оқибат,
Зотида лекин карам бордур амийм.

Ушбу икки важҳ ила эрмас ажаб,
Гар анинг отин хитоб этсам карим.

47

ЗИЁРАТГОҲНИНГ ОРИҒ ТУФРОҒИ ИБОДАТ БОИСИ ДЕМАК, БУ ҲАЙСИЯТДИНКИ, НАМОЗ ФАРОИЗИДИН БИРИ ОРИҒ ЕРДУР

Қубур тавфи намозу ниёз боисидур,
Бу важҳдинки мазорот ўлур ибодатгоҳ.

Ажаб йўқ эрса зиёратгоҳ аҳли обидким,
Ибодат эткали хуш ердурур зиёратгоҳ.

48

МАҲМУД САЙЁДНИНГ САНЪАТ ДОМИ ВА ФИРИБ ДОНАСИ БИЛА ВАҲШИЙ ҚУШЛАРНИ САЙД ҚИЛҒАНИ

Ишида фард эрур Маҳмуд Сайёд,
Ки кўп шаҳбозларға домидур қайд.

Денгиз сайёдларнинг шоҳи ани,
Ки шаҳ кўнгли қушини айламиш сайд.

49

ҲУКАМО ҚАВЛИНИНГ ТАРЖИМАСИ: ИНСОНИЯТ БОБИДА

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса они аҳли давлат.

Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул,
Ки зоҳир бўлгай эл топқанда қудрат.

Ато ҳам турфа ишдур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.

Ҳаким инсони комил дебтур они,
Ки бўлғай зотида бу неча хислат.

50

ЎЗИНИНГ ЭЪТИБОРИДИН КЕЧКАНИГА ЭЪТИБОР ҚЎЙМАЙ, ИХТИЁР ТАРКИНИ БЕИХТИЁРЛИҚҚА ҲАМЛ ҚИЛҒАНИ

Қўюб аморату бебоклик биҳамдиллаҳ,
Ки фақр кўйи насиб этти Кирдикор манга,

Эшикда тарк этибон ихтиёру мулкда ҳам
Бу навъ мартаба лутф этти шаҳриёр манга.

Гар ихтиёр ила қўйдум ўз ихтиёримни
Валек йўқ эди ҳам мунда ихтиёр манга.



Муаммолар

1

ОДАМ

Қон тўкар юздин дамодам ашку, ваҳким, ҳар замон
Боғланиб оҳимдин айлар кўкка майл ул қатра қон.

2

АҲМАД

Майда икки юз агар кўргузмаса ул маҳжабин,
Дурд дардин истабон жон бермагай аҳли яқин.

3

БОҚИЙ ВА БОҚИР

Жаннат гулию насриниға бўлсанг муштоқ,
Гаҳ ёр юзига, гаҳ кафи пойиға боқ.

4

БАҲО

Дайр аро кир, пандни гўш айлагил,
Бода бешак соф эрур нўш айлагил.

5

ТАҚИЙ

Мустақим эрди кўнгул ишқингда, эй ороми жон,
Ўртанур ул мустақимим эмди ғамдин ҳар замон.

6

ТОЖ

Юз кўнгул сайдин ажал домидин озод айлади,
То жамолинг тоблиғ зулфини барбод айлади.

7

САМУД

Танимда доғлар узра ғаминғки ўртади доғ,
Кўринди ўзгача ул доғдин танимда фароғ.

8

ЖУНАЙД

Оҳ ўқин жондинки чексам ул париваш ёдидин,
Қолмас ул ёдимда ҳам фарёд анинг бедодидин.

9

ЖАЪФАР

Жонондин айру топти кўнгул, умрдин малол,
Ўздин кечибтур эмдию айлар вафо хаёл.

10

ҲАСАН

Қошинг гўшаси чеккали ғамза досин,
Янги ойнинг устида кўргузди ёсин.

11

ҲАМЗА

Ёшун, эй гулки, ул гулрух жамоли
Эрур ҳам содаву ҳам тоза холи.

12

ХОЛИД

Нуқтаи мушкинки ул юз узра бўлмиш жилвагар,
То ҳисобин англасун эл юз ёшур, эй сиймбар.

13

ХУСРАВ

Ул ниҳолеким қадингға йўқ шабиҳ, андоқ ниҳол
Бошида кўргузса юз хуршид ўлур сендин мисол.

14

ДОВУД

Ўт тушти ваҳм дуди аро фурқатидин,
То куйдию ўртанди кўнгул ҳирқатидин.

15

ДАРВЕШ

Ҳар не топсанг давр аро, соқий, аёққа сол ани,
Юз кўрардин ўтти иш, тут эмди моломол ани.

16

ЗУННУН

Васл саъйидин эмиш ишқ аҳли ичра можаро,
Завқдин кўрким юзум олтундек ўлмиш ишқ аро.

17

РУСТАМ

Нечаким ёр ситам эткан ила узди вафо,
Ёдин этканча оти вирди забон бўлди манго.

18

РАЖАБ

Ою қуёш айлади юзунг била даъво,
Бизга алардин ажаб кўринди бу маъно.

19

ЗАЙНИ ВА ЗАЙД

Кўз учи қоши ёсидур соҳир,
Ани ёд ол алардин, эй сомир.

20

ЗОҲИД

Ой юзинда холини кўргач, ул ой топти жамол,
Охир ул юздинки ёпти, ваҳки, пинҳон бўлди хол.

21

САЪД

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от.

22

САЛМОН

Қилур эсанг манга сомон, аё рафиқ, ҳавас,
Анинг аёғига еткур менинг бошимнию бас.

23

ШОҲ

Жон қуши чу бўлди донаи холига зор,
Шод ўлдию ҳалқа айлади зулфини ёр.

24

ШУКРИЛЛОҲ

Қаро эрди кўзум ҳажрингдин, эй моҳ,
Яна кўрдум юзунгни шукрилиллоҳ.

25

СИДДИҚ

Юзунг била юзума кош бўлса ўйла висол,
Ки бўлмаса ароларинда ғайри ул хату хол.

26

САФИ ВА САФО

Қасди жонимға чу мужгонинг икки саф тузди.
Бири қош ёси, бири ғамзанғ ўқин кўргузди.

27

ЗИЁ

Гул авроқин сабо қилди паришон,
Қабул этти нечаким топти имкон.

28

ТОҲИР

Гириҳни туррадин то очти моҳим,
Паришон қилди филҳол они оҳим!

29

ТОЛИБ

Оғиз лабиға чу қўйдум, яна талаб қилайин,
Ки ғайр нақши кам ўлғой, яна тараб қилайин.

30

ЗАҲИР

Халқ ичра зуҳури ҳусн ул сийминбар,
Кўргузди ваё бўлди қиёмат яксар.

Ким жилвагар эрди гар кичик, ёхуд улуғ,
Бир-бир ҳаракатин айлади зеру забар.

31

ОМИР

Жумлаи ашёға бўлдум ошиқу ошуфта ҳол,
Оламу одам юзин чун қилди миръот ул жамол.

32

ОДИЛ

Ҳам қоши бирла орази хуш эрур,
Ҳам кўзи бирла қадди дилкаш эрур.

33

ҒАРИБ

Чок бағрим тарфин айладинг икки парканд,
Бирини ташлабон охир бирин эттинг пайванд.

34

ҒАЙБИЙ

Сўзга эвурди икки лабингни такаллумунг,
Ё барги гулни ики айирди табассумунг.

35

ФАРҲОД

Ҳар кеча кўнглум ғаминг тоғида фарёд айлагай,
Ўйлаким фарёд-фарёдини Фарҳод айлагай.

36

ФАРРУХ

Гар юзунгдин ҳусн эли юзинда бир хол этса фош,
Ул арода бесарупо заррадек киргай қуёш.

37

ҚУБОД

Сочинг ғубори гаҳи юз ёпар, гаҳи юз очар,
Не зулфдурки ёпар ойни, чунки мушк сочар.

38

ҚОСИМ

Рухсораси узра, эй кўнгул, хол недур,
Зулфи аёғи остида помол недур?

Қани ани кўрган сени кўрса мени ҳам,
Ким ойидин айру элга аҳвол недур.

39

КАМОЛ

Юзинким қатра хай сероб қилмиш,
Гуледурким су ичкандин очилмиш.

40

КОКО

Жон қилғай икки юзунг гули сори шитоб,
Гар бўлмаса икки сунбулингдин қуллоб.

41

ЛОЛО

Сабодин кўрди чун машшота икки зулфини дарҳам,
Анингдек учларин кестики қатъ ўлди гириҳлар ҳам.

42

ЛАТИФ

Саф чекти ҳар тараф юзидин кирпик, эй кўнгул,
Ул шаклни кўруб хираду сабрдин тўнгул.

43

МУҲСИН

Мажлисда шайх бу кеча кўп шайн бошлади,
Синдурди шамъу нуқлни ҳавз ичра тошлади.

44

МУРОД

Лутфунг ели чун эсти бу мардудқа филҳол,
Идбор ниҳоятқа етиб, келди юз иқбол.

45

НЕКПАЙ

Ўқунгға тан, ваъдангға жон хуш қилмиш эрди хотирин
Кести чу пайконинг бирин, куйдурди пайғоминг бирин.

46

НОСИР

Кўрунса кўзга ногаҳ-ногаҳ ул ой,
Кўзум ҳайрон қолур юзига, эй вой.

47

ВАЛИ

Чу ул ойға қул ўлди бу ғамкаш,
Қулидин юз ёшурди ул маҳваш.

48

ВАРҚА

Жавр ила қаҳрингки ҳаддин ошти бағоят,
Ваҳки, не бор ибтидо анға, не ниҳоят.

49

ҲУМОМ

Ул шўх онча жаврда кўргузди эҳтимом,
Ким от чиқарди, балки анга ушбу эрди ком.

50

ҲИЛОЛ

Кўнглум ҳалок бўлди, чу ишқингни бошлади,
Охир бошинда ҳар неки бор эрди, тошлади.

51

ЮСУФ

Сайр ичра қачонким юзунгга етти қуёш,
Тер оқиб, анинг чеҳрасидин борди ёш.

52

ЮНУС

Зулф очмаки юзунгдур манга шамъи мажлис,
Маҳв қил тун рақамин кун юзидин, эй мунис.

Кўрсаткичлар

ТАРИХИЙ, АДАБИЙ ВА АФСОНАВИЙ ШАХСЛАР НОМИНИНГ ИЗОҲЛИ КЎРСАТКИЧИ[1]

АЁЗ – асл исми Абу Нажм Аёз ибн Уймоқ. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг садоқатли ва соҳибжамол қули. Султон саройида тутган мавқеи барча ашрофлардан баланд бўлган. Султон Маҳмуд вафотидан кейин бир муддат Султон Муҳаммад, сўнг Султон Масъуд Ғазнавий саройида хизмат қилган. «Тарихи Байҳақий»да келтирилишича, Аёз умри охирида Мукрон вилояти ҳокими этиб тайинланган. Султон Маҳмуд ва қули Аёз ўртасидаги дўстлик ва самимий муҳаббатни адабиётга илк марта Саноий ва Низомий олиб кирган. Форс шоири Зулолий Хонсорий «Маҳмуд ва Аёз» номли йирик ирфоний достон ёзган. Аёз – ишқ ва ошиқлик йўлида шоҳу гадо тенглигининг рамзи сифатида талқин қилинади. *Ғазал 200, 6.*

АНАС – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) саҳобайи киромларидан. Асли мағриблик бўлиб, исломнинг илк давридаёқ имон келтирган. Муҳаддислар бу кишидан 2268 ҳадис ривоят этишган. *Ғазал 51, 6; 223, 3; 234, 1.*

АНҚО – афсонавий қуш номи. *Таржиъбанд 65.*

АФЛОТУН – Қадимги Юнонда яшаган файласуф, шоир ва драматург Платон (мил.ав. 427–347, Афина). Аттика қироли сулоласига қарашли Кодра оиласида туғилган. Машҳур мутафаккир Суқротнинг шогирди. Жаҳон тамаддуни тарихида илк марта Академияга асос солган. Афлотун суҳбат шаклида қатор бадиий-фалсафий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг фалсафий қарашлари «Тимей», «Катта Гиппий», «Федон», «Базм», «Филеб», «Федр», мантиқий таълимоти – «Софист», «Театет», «Менон», сиёсий қарашлари эса «Сиёсат», «Қонунлар», «Критий», «Давлат» ва бошқа асарларида баён этилган. *Ғазал 69, 5.*

АҲМАДИ МУРСАЛ – қаранг: Муҳаммад. *Ғазал 364, 9.*

БАҲРОМ – Сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Баҳром Гўр, Баҳром ибн Яздижурд номлари билан ҳам машҳур бўлган Варахрон V (421 – 438). Шоиртабиатлиги, ҳаётсеварлиги, овчиликка ишқибозлиги, одиллиги билан машҳур бўлган. «Сабъаи сайёр» достонининг асосий қаҳрамонларидан бири. *Ғазал 365, 6.*

БУ АЛИ – Машҳур қомусий аллома Абу Али ибн Сино (980, Бухоро – 1037, Ҳамадон)нинг қисқартирилган исми. Тиббиёт, мантиқ, фалсафа, мусиқашунослик, адабиёт, психология, физиология, табиатшунослик каби 12 дан ортиқ фан соҳаларида қалам тебратган. Ибн Синодан бизга 280 дан ортиқ асар мерос қолган. Ундан 50 та асар тиббиётга, 40 дан ортиқ асар табиатшуносликнинг турли соҳаларига, 3 та рисола мусиқа илмига, 185 таси психология, мантиқ, фалсафа ва ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига бағишланган. Форс ва араб тилларида ёзган шеърлари бизгача етиб келган. Арастунинг «Поэтика» асарига шарҳ ёзган. Асосий асарлари: «Ал-қонун фит-тиб», «Шифо», «Нажот»,

[1] Изоҳларни Сайфиддин Рафиддинов ва Олимжон Давлатовлар тайёрлаган.

«Таълиқот», «Донишномаи Алойи», «Ишқ ҳақида рисола», «Қушлар ҳақида рисола», «Китоб ал-инсоф», «Қурозайи табиат» ва бошқалар. *Таржиъбанд 38.*

БУЗАР – машҳур саҳоба Абу Зар Ғифорий. Асли яманлик бўлган. Муҳаддислар Абу Зар Ғифорийдан қатор ҳадислар ривоят қилишган. *Ғазал 223, 3; 234, 7.*

ВОМИҚ – XI асрда яшаб ижод қилган форс-тожик шоири Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро» достонидаги ошиқ йигит. *Ғазал 341, 7; 456, 3; 541, 3; 586, 7.*

ГАДОИЙ – XV асрда яшаб ижод қилган туркигўй шоир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва «Муҳокамат ул-лугатайн» асарларида Гадоий ижодига юксак баҳо беради. *Ғазал 400, 8.*

ДОВУД – исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд исми Қуръони каримда 16 марта зикр этилган (2:251, 4:163, 5:78, 6:84, 17:55, 21:78, 21:79, 27:15, 27:16, 34:10, 34:13, 38:17,38:22, 38:24, 38:26, 38:30). Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Довуд (а.с.) ҳақида маълумот беради. Тўрт муқаддас китобдан бири саналмиш «Забур» китоби Довуд (а.с.)га нозил бўлган. Довуд (а.с.)нинг хуш овози ва қизиб турган темирни қўлда ушлаб унга шакл бериши у кишининг мўъжизаларидан ҳисобланган. *Ғазал 287, 6; 560, 9.*

ЁФАС – Нуҳ пайғамбарнинг ўғли. Кўпроқ Абут-Турк номи билан танилган. *Ғазал 89, 3.*

ЖАБРАИЛ, Жибрил, Руҳуламин – пайғамбарларга илоҳий ваҳийни етказувчи фаришта. *Ғазал 242, 6; 284, 5; 379, 5.*

ЖАМШИД, Жам – Пешдодийлар сулоласига мансуб учинчи подшоҳнинг исми. Баъзи манбаларда ёзилишича, етти юз йил ёки минг йилга яқин подшоҳлик қилган. Таҳмураспнинг ўғли. Ривоят қилинишича, Жамшид инсонларга зарур кўп нарсаларни ўйлаб топган, жумладан, қурол-аслаҳа ясаган, бинолар ва ҳаммом қурган. Одамларга либос тикиш, кемасозлик ва табибликни ўргатган, Наврўз байрамини жорий қилган. Гавҳар ясашни ўйлаб топган ва гавҳарли тахт ясаган. Бу тахт Жамшид тахти, Жамшид маркаби, Жамшид чодири, Жамшид курсиси каби номлар билан аталган. Шунингдек, Жамшид «жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом ҳам ихтиро қилган, деб ривоят қилинади. Бу жом Кайхисравга, сўнгра Дорога ўтган экан. Саъдий Шерозий ҳам «Гулистон» асарида биринчи бўлиб тўн тиккан ва қўлига узук таққан киши Жамшид эканлигини айтган. Худолик даъвосини қилганидан сўнг таназзулга юз тутган. Заҳҳок томонидан ўлдирилган. *Ғазал 8, 3; 69, 5 ; 89, 4; 123, 6; 127, 5; 131, 7;134, 6; 168, 6; 225, 1; 238, 7; 336, 4; 337, 5; 394, 1; 2; 3; 4; 426, 8; 606, 8; 630, 5; 642, 7; 650, 9.*

ЗОЛ – афсонавий паҳлавон Рустами Достоннинг отаси. Манбаларда келтирилишича, Зол туғилганида сочлари қарияларникидек оппоқ бўлган. Отаси – Сом бундан орланиб, гўдакни Албурз тоғи этагига олиб бориб ташлайди. Семурғ гўдакни кўриб, балоғатга етгунга қадар уни тарбиялайди. Сом қилмишидан пушаймон бўлиб, Золни ўзи билан олиб кетади. Заҳҳокнинг авлодидан бўлмиш Рудобага уйланиб, ундан икки ўғил – Рустам ва Завора туғилади. Каёнийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келишига жонбозлик кўрсатган. «Шоҳнома»да Зол энг узоқ умр кўрган паҳлавон сифатида тасвирланган. *Ғазал 275, 6.*

ЗУЛАЙХО – Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонидаги асосий қаҳрамонларидан бири. *Газал 305, 4.*

ИБЛИС – Шайтоннинг бошқа бир исми. *Газал 262, 6.*

ИСКАНДАР, Сикандар – ўз даврида Ер юзининг ягона ҳукмдори бўлган машҳур шоҳ. Айрим манбаларда Қуръон тафсирлари ва «Хамса» достонларида келган Искандар Зулқарнайн билан македониялик Александрнинг бошқа – бошқа шахс эканликлари таъкидлаб ўтилган. Унинг ҳаётини Навоий «Тарихи мулуки ажам» асари ҳамда «Садди Искандарий» достонида ёритган. Ундаги талқин бўйича, Искандар ҳикмат, валийлик ва пайгамбарликни ўзида мужассам этган. *Газал 30, 6; 62, 2; 89, 4; 178, 3; таржиъбанд 42, 69, 2.*

ИСО, Масиҳ, Масиҳо, Руҳуллоҳ – исломиятдан олдин ўтган пайгамбарлардан бири. Насронийлик динининг асосчиси. Инжил китоби унга нозил бўлган. Қуръони каримда Исо исми 25 марта учрайди. Исо Масиҳ (а.с.) Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай касалликларни тузатиш, ўликларни тирилтириш каби мўъжизаларга эга бўлган. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида таъкидлашича, Исо (а.с.)дан илгари ўтган пайғамбарларга қирқ ёшидан сўнг пайғамбарлик мақоми берилган, Исо (а.с)да гўдакликдан пайгамбарлик нишоналари намоён бўлган. Онаси Марям Жаброил алайҳиссаломнинг нафаси билан ҳомиладор бўлади ва Исо (а.с.) дунёга келади. Исо (а.с.) халқни ҳақ динга даъват этиб, улуғ мўъжизалар кўрсатади. Аллоҳ таоло иймон келтирмаганлар зараридан асраш учун Исо (а.с.)ни осмонга чиқаради. Навоий мазкур асарида Исо (а.с.)нинг Имом Маҳдий зуҳур қилганидан сўнг осмондан тушиши, Дажжоли лаънини ўлдириши, миллатларни тўғриликка ва ҳақ динга даъват этиши, шунингдек ўн етти ёшда пайғамбар бўлганию ўттиз уч ёшида осмонга чиқиб кетганидан хабар беради.

Мумтоз адабиётда Исо Масиҳ (а.с.) қўплаб ғоявий-бадиий вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган образлардан биридир. У поклик, гўзаллик, қаноат, тажрид, тафрид ва ҳозиқ табиб тимсоли. Маъшуқнинг ахлоқи, ҳусни, чиройи, аъзолари таъриф-тавсиф этилганда Исо Масиҳ (а.с.)га қиёсланади, баъзан ундан устун қўйилади. *Газал 3, 2; 6, 4; 33, 9; 78, 4; 141, 3; 150, 4; 176, 3; 183, 1; 191, 5; 193, 6; 179, 6; 215, 2; 224, 2; 225, 2; 228, 3; 242, 4; 245, 2; 246, 7; 262, 4; 284, 1; 287, 6; 301, 9; 302, 4; 304, 4; 331, 9; 373, 1; 377, 3; 403, 1; 440, 3; 520, 1; 522, 1; 523, 6; 533, 6; 580, 3; 597, 7; 634, 3.*

ЛАЙЛИ, Лайло – гўзал ва латофатли маҳбубанинг исми; Мажнуннинг севикли ёри. *Газал 2, 7; 3, 5; 43, 6; 59, 5; 238, 3; 326, 3; 363, 1; 373, 5; 408, 3; 409, 3; 419, 8; 439, 1; 478, 7; 531, 5; 532, 9; 542, 5; 547, 3; 564, 6; 622, 4.*

ЛУТФИЙ – таниқли ўзбек шоири. 1366 йили туғилиб, 1465 йилда, 99 ёшда Ҳиротда вафот этган. Бизгача ўзбекча шеърлар девони ҳамда форс тилида ёзган шеърлари етиб келган. *Мухаммас 1, 5.*

МАЖНУН – «Лайли ва Мажнун» достонининг бош қаҳрамонларидан Қайснинг лақаби. *Газал 2, 7; 3, 5; 23, 5; 38, 7; 43, 6; 45, 5; 56, 2; 59, 5; 75, 5;91, 2; 124, 1; 127, 6; 128, 4; 138, 5; 192, 4; 197, 5; 238, 5; 254, 6; 304, 4; 308, 1; 3; 325, 6; 326, 3; 341, 7; 363, 1; 373, 5; 408, 3; 409, 3; 419, 8; 439, 1; 442, 5; 456, 3; 458, 4; 478, 7; 485, 4; 498, 3; 526, 2; 531, 5; 532, 9; 541, 3; 542, 5; 561, 1; 564, 6; 586, 7; 602, 2; 608, 3; 612, 4; 613, 7; 619, 3; 622, 4; 623, 2; 639, 4; 648, 6; мухаммас 5, 8.*

МАНСУР – Ҳусайн ибн Мансур Ҳаллож (857–922) – машҳур сўфийлардан бири. «Анал-Ҳақ» (Мен – Ҳақман) дегани учун дорга осилган. Мансур Ҳалложга «Тавосин ал-азал» китоби ҳамда газаллар девони нисбат берилади. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида Мансур Ҳаллож ҳаёти ҳақида алоҳида ҳикоят мавжуд. *Таркиббанд 1,6.*

МУСО – Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Мусо (а.с.) нинг золим Фиръавн, хасис Қорун, Бани Исроил қавми билан муомаласи, Хизр (а.с.) билан қилган сафари, Тавротнинг нозил бўлиши воқеаларини ёритади ва Мусо (а.с.) «мўъжизоти барча анбиёдин кўпдир» деб хабар беради.

Мумтоз адабиётда Мусо (а.с.) тимсоли воситасида маъшуқнинг нутқи илоҳий қудсий калом ва маънога қиёсланади. Мусо (а.с.)нинг ҳассаси аждарга айланиб, барча сеҳргарларнинг сеҳрини барбод қилгани каби маъшуқнинг зулфи, сочи ҳам ошиқлар кўнглини ошуфтаю барбод этади. Баъзи ирфоний шеърларда Мусо ва Хизр (а.с.) лар пиру муршид тимсоли сифатида талқин қилинади. *Ғазал 6, 4; 51, 5.*

МАРЯМ – исломиятдан аввал ўтган Исо Масиҳ (а.с.)нинг онаси. Қуръони каримда «Марям» сураси мавжуд. Муқаддас китобда Марям исми 34 марта келади. Марям образи Навоий шеъриятида поклик, иффат ва аёл шаънини улуғловчи тимсол сифатида қўлланилган. *Ғазал 19, 4; 522, 1.*

МУҲАММАД – Аҳмад, Аҳмади мурсал (570–632) – пайғамбарлар силсиласидаги энг сўнгги пайғамбар. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти ислом тарихига оид ишончли манбаларда ҳамда сиярларда батафсил ёритилган. Навоий девонидаги бир қатор ғазал ва қитъалар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га бағишланган. Уларда пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сифатлари, шафоат ва меърож мўъжизалари, нури муҳаммадия тўғрисидаги таълимот, ул зотнинг «макорими ахлоқ» эканлиги шоирона талқин қилинган. *Қитъа 2, 1.*

МАҲМУД – Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Султон Маҳмуд Ғазнавий (яна қар.: ҒАЗНАВИЙ ҳамда АЁЗ). *Ғазал 200, 6.*

МАҲМУД САЙЁД – Навоий замондошларидан бири. Қушчилик билан шуғулланган. *Қитъа 48, 1.*

НУҲ – исломиятдан аввал ўтган ва узоқ умр кўрган пайғамбар. Қуръони каримда «Нуҳ» сураси мавжуд. Қуръонда Нуҳ исми 33 марта зикр этилган. Нуҳ (а.с.) замонида буюк Тўфон воқеаси содир бўлган. Нуҳ (а.с.) кема ясаб, ҳар бир ҳайвондан бир жуфтдан, барча ўсимликлардан намуна олиб, Ҳаққа имон келтирганлар билан бирга кемага чиқади ва тўфондан нажот топади. Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида берилишича, бугунги башарият асли Нуҳ (а.с.)нинг уч ўғли – Сом, Ҳом ва Ёфаснинг авлодларидир. Шу сабабдан Нуҳ (а.с.)ни «Одами соний» – Иккинчи Одам ҳам дейишади. *Ғазал 5,7; 8; 89, 3; 106; 563, 5.*

ОДАМ, Одам Ато – илк инсон ва пайғамбар. Қуръони Каримда Одам Ато исми 25 оятда келтирилган. Мумтоз адабиётда, жумладан, Навоий шеъриятида Одам (а.с.) нинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, амри Илоҳий бўлгани сабабли фаришталарнинг унга сажда қилгани, Шайтоннинг кибр қилиб унга сажда қилмагани ва Илоҳий даргоҳдан ҳайдалгани зикр этилади. Шунингдек, Одам (а.с.) жуфти – Момо Ҳавво билан Шайтоннинг макрига учиб, манъ қилинган дарахт мевасини егани ва жаннатдан қувилиб ерга тушгани,

тавбаси туфайли Аллоҳ таоло томонидан афв этилгани каби воқеалар ғазалларда турли муносабатлар билан талмеҳ сифатида келтирилади. *Ғазал 89, 3; 339, 1; 393, 1.*

ПАРВЕЗ – Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи Хусравнинг исми. Низомий ҳамда Амир Хусравнинг «Хусрав ва Ширин» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири. *Ғазал 193, 8; 204, 6; 209, 5.*

РУСТАМ, Таҳамтан – афсонавий паҳлавон. Каёнийлар сулоласининг жаҳонпаҳлавони – Золи Зар ҳамда Кобул ҳукмдори – Меҳробнинг қизи бўлмиш Рудобанинг фарзанди. Туғилишида афсонавий Семурғ доялик қилган. Болалигидан унинг ҳаёти қаҳрамонликларга тўла бўлган. Тўққиз ёшида оқ филни гурзи билан уриб ўлдиради. Ўн бир ёшида бобоси очолмаган Албурз тоғидаги Оқ Қалъани фатҳ этади. Оқ дев, Аждарҳо, Аквондев, икки бошли шер каби даҳшатли махлуқлар, Комус Кашоний, Ашкбўс, Ҳомоварон шоҳи, Афросиёб каби енгилмас баҳодирлар ҳам Рустамнинг куч-қуввати олдида ожиз қоладилар. Билмасдан ўз фарзанди – Суҳробни ўлдириб қўяди. Умри охирида Исфандиёр – Эрон тахтининг валиаҳдини ўз шаънини асраш йўлида ночор ўлдиради. Ўзи укаси Шағоднинг ҳийласи билан чоҳга тушиб, ҳалок бўлади. Рустам мумтоз адабиётда жасорат ва ботирлик, жисмоний қувват, қаҳрамонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. *Ғазал 275, 6; таркиббанд 41.*

РИЁЗИЙ – Алишер Навоий замондошларидан бири. *Қитъа 25,2.*

САЙЙИД ҲАСАН – Алишер Навоийнинг маслакдош дўстларидан бири. Умри аввалида сипоҳийлик билан шуғулланиб, умри охирини хонақоҳда ўтказган валийсифат шахс. Навоий «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарида бу зот билан муносабатларини батафсил ёритган. *Таркиббанд 1, 8.*

САККОКИЙ – XIV аср Самарқанд адабий муҳитининг туркийгўй шоирларидан бири. Саккокий ҳақида Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» ҳамда «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида маълумот берган. *Ғазал 584, 9.*

САЛМОН, Салмон Форсий – Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири. Макка мушрикларига қарши ғазотларнинг бирида хандақ қазишни масалаҳат бериб, мусулмонларнинг ғалабасига сабабчи бўлган. Салмон разияллоҳу анҳу машҳур ҳадисга кўра, пайғамбаримиз оиласининг аъзоси ҳисобланади. Салмон Форсийдан қатор саҳиҳ ҳадислар ривоят қилинган. *Ғазал 51, 6.*

СОМ – афсонавий паҳлавон, Рустами Достоннинг бобоси. «Шоҳнома»да келтирилишича, Мозандарондаги аждаҳони ўлдириб, у ердаги халқни бир умрлик мусибатдан қутқарган. Шунингдек, Нуҳ (а.с.) тўнғич фарзандининг исми ҳам Сом бўлган. Сом – Араб, Ажам ва Рум аҳлининг аждодидир. *Ғазал 89, 3.*

СУЛАЙМОН – исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд (а.с.)нинг фарзанди. Сулаймон (а.с.)нинг исми Қуръони каримда 17 марта зикр қилинган. Ўз даврида бутун ер юзининг якка ҳукмдори бўлган. Ғайб ва шаҳодат оламидаги жамийки мавжудот – инсу жин, деву парилар, наботот ва ҳайвонот бу зотга бўйсунган. Сулаймон (а.с.)нинг қушлар тилини билиши, Сулаймон ва чумоли мунозараси, Исми Аъзам нақш қилинган узук қиссаси каби унинг ҳаётига боғлиқ воқеалар мумтоз адабиётимизда турли мақсад ва йўналишларда ўз ифодасини топган. Ғазал 426, 3.

СУЛТОН ҲУСАЙН БОЙҚАРО – тўлиқ номи Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро (1438–1506). Хуросон ҳукмдори (1470–1506). «Ҳотамий» ва «Ҳусайний» тахаллуслари билан ўзбек тилида шеърлар ёзган. Асосан ғазаллардан иборат девони бор. Навоийнинг яқин дўсти ва маслакдоши, ўзбек тили ва адабиёти ривожига катта ғамхўрлик қилган темурий ҳукмдорлардан. 1485 йили ёзган «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» номли насрий асарида Навоийга «шеърият мулкининг соҳибқирони», деб таъриф берган. «Хазойин ул-маоний» девони айнан Ҳусайн Бойқаро ташаббуси билан тузилганини Навоий дебочада алоҳида эҳтиром билан қайд қилиб ўтади. *Ғазал 35, 7; 650, 8.*

СУҲАЙБ – пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг яқин саҳобаларидан. Асли Рум мамлакатидан бўлган бу зот исломнинг ҳижратдан олдинги давридаёқ мусулмон бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Кашф ул-асрор» асарида келтирилишича, исломнинг илк даврида тўрт киши дунёнинг тўрт бурчагидан Маккага келиб, дини муҳаммадийга имон келтирдилар. Булар – Суҳайб Румий, Салмон Форсий, Абу Зарр Ғифорий (Яман) ҳамда Анас ибн Молик (Мағриб). Бу ҳодиса келажакда ислом дини дунёнинг барча ўлкаларида ёйилиши, ислом – жаҳоний дин эканлигига башорат эди. *Ғазал 51, 6.*

СУРУШ – ғайб оламидан инсонларга хабар етказувчи фариштa. Суруш «Авесто»да Сраоша тарзида қўлланилган бўлиб, тингламоқ, эшитмоқ, итоаткорлик, бўйсунмоқ маъноларини англатади. Маздапарастлик динида Суруш парҳезкор, пок, эзгу, яхшиликни тақдирловчи, қудратли, қўрқмас, даҳшатли уруш қуроллари соҳиби, Аҳура Мазда яратган азизларнинг бири сифатида зикр этилади. Мумтоз адабиётимизда Жабрайил (а.с.)нинг муқобили ҳамда гайбдан овоз берувчи ҳотиф маъноларида кенг қўлланилади. *Ғазал 262, 6.*

УЗРО – XI асрда яшаб ижод қилган форс-тожик шоири Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро» достонидаги гўзал маҳбуба образи. *Ғазал 38, 7.*

ФАРИДУН – «Шоҳнома»да зикр этилган Пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири. Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» асарида Фаридунга бағишланган алоҳида боб мавжуд. Унда келтирилишича, Жамшид авлодидан бўлмиш Отибиннинг ўғли – Фаридун Заҳҳокка қарши қўзғалган Кова бошчилигидаги исёнга раҳбарлик қилади. Нужум, тиб ва афсунгарлик илмлари ҳамда Меҳржон байрамига асос солган. Уч ўғли – Салм, Тур ва Эражга мамлакатини бўлиб берганидан сўнг ораларида адоват пайдо бўлиб, Рум ва Турон ҳукмдорлари – Салм ва Тур ўз укалари – Эражни ўлдиришади. Йиллар ўтиб, Фаридуннинг набираси – Манучеҳр отаси учун амакиларидан қасос олади. Шу тариқа, беш юз йил адолат билан ҳукмронлик қилган Фаридун уч ўғлини тупроққа топширади ва ҳасрат билан бу дунёдан ўтади. *Ғазал 69, 5; 238, 7; 606, 8.*

ФАРҲОД – Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Чин ҳукмдорининг ўғли, Шириннинг севгилиси. *Ғазал 3, 5; 43, 6; 45, 3; 5; 56, 2; 75, 5; 127, 6; 138, 5; 193, 5; 8; 197, 5; 204, 6; 209, 5; 228, 5; 230, 2; 247, 3; 264, 6; 296, 5; 299, 6; 301, 4; 308, 3; 341, 7; 408, 3; 439, 1; 456, 3; 457, 4; 472, 3; 485, 4; 532, 9; 541, 3; 547, 3; 564, 6; 586, 7; 599, 1; 602, 2; 614, 4; 619, 3; 622, 4; 637, 1; 639, 4; 648, 6; муаммо 35.*

ФУЗАЙЛ – Фузайл ибн Иёз – машҳур сўфий (711–803). Тўлиқ исми Фузайл бин Аёз бин ал-Масъуд ат-Тамимий. Самарқандда туғилиб, умри охирида Маккада яшаган. Имом Шофеъйга ҳадис илмидан сабоқ берган. Ёшлигида Марв ва Бистом орасидаги биёбонларда қароқчилик қилган. Тавба қилганидан сўнг тариқат йўлига кириб, етук шайх мақомига

эришган. Фузайл ҳақида Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ҳамда Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида маълумот берилган. Ғазал 365, 6.

ХИЗР – «оби ҳайвон» (тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичган, пайғамбарлигига эса шубҳа бўлган кишининг номи. Одамларга йўлдошлиги билан машҳур. Хизр (а.с.)нинг исми ҳақида турли фикрлар билдирилган. Баъзи манбаларда унинг исми Биқё бин Милкондир. Қуриб қолган ўт-ўлан устига ўтирганда яшил майсага айлангани учун Хизр деб аталган.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилишича, Хизр (а.с.) Арфахшад бинни Сомнинг фарзандидан бўлиб, Зулқарнайннинг мулозимларидан биридир. Зулқарнайн тириклик сувини қўлга киритиш мақсадида зулматга кирганида Хизр (а.с.) уни бошлаб борган. Ўша пайтда Илёс (а.с.) ҳам улар билан бирга эди. Аммо ушбу тириклик сувини Аллоҳ таоло Хизр ва Илёс (а.с.)ларга насиб қилди. Айрим манбаларда айтилишича, тириклик сувидан мурод илми ладунийдир. Аҳли ислом эътиқодига кўра, Хизр (а.с.) абадий ҳаётга эришган. Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу асарларида битилишича, у Сабзаворнинг Кавк шаҳридан бўлиб, ислом динининг имом Шофеъий мазҳабидадир. Навоий шеъриятида Хизр образи абадий мангулик рамзи, ҳаёт ва ишқ тимсоли, раҳнамо – пир, дарвешлик ва руҳий ҳурлик намунаси сифатида энг кўп қўлланилган образлардан ҳисобланади. *Ғазал 10, 2; 82, 3; 178, 3; 225, 1; 245, 2; 373, 10; 388, 7; 398, 5; 403, 1; 427, 5; 461, 6; 533, 2; 636, 5; 643, 5; 650, 2.*

ХУСРАВ, Амир Хусрав Деҳлавий (1253, Патёли – 1324, Деҳли) – Ҳиндистонда яшаб, форс-тожик ва ҳинд тилларида ижод қилган туркий лочин қабиласига мансуб мумтоз шоир. Отаси – Сайфиддин Маҳмуд Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳрининг нуфузли амалдорларидан бўлган. Амир Хусрав Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сига муваффақиятли жавоб ёзган. Унинг «Хамса»си «Матлаъ ул-анвор», «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли» (учала достон 1299–1300 йилларда ёзилган), «Ойинаи Искандарий» (1301 йил), «Ҳашт биҳишт» (1304 йил) достонларидан иборат. Умумий ҳисобда Амир Хусрав «Хамса»си 18000 байтдан ошади. «Туҳфат ус-сиғар» (Ўспиринлик даври туҳфаси), «Васат ул-ҳаёт» (Йигитлик даври шеърлари), «Ғуррат ул-камол» (Камолот ёшидаги ғаройиботлар), «Бақияи нақия» (Умр сўнгидаги ижод маҳсуллари) номида тўрт девон тузган. Булардан ташқари, «Қирон ус-саъдайн», «Нўҳ сипеҳр», «Тож ул-футуҳ», воқеиятга асосланган «Дувалроний ва Хизрхон», «Афзал ул-фавойид», «Эъжози Хусравий», «Туғлуқнома», «Хазойин ул-футуҳ», «Маноқиби Ҳинд», «Тарихи Деҳли» каби маснавий, достон ва насрий асарлари ҳам бор. Навоий Амир Хусравни газалнависликда ўзига устоз деб билган. *Ғазал 593, 7.*

ШИРИН – Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги гўзал маҳбуба, Фарҳоднинг севгилиси. *Ғазал 3, 5; 38, 7; 43, 6; 45, 3; 103, 4; 203, 4; 203, 5; 238, 3; 408, 3; 439, 1; 472, 3; 489, 3; 532, 9; 547, 3; 564, 6; 580, 2; 622, 4.*

ШУАЙБ – Машҳур пайғамбарлардан бири. Хушсуханлиги ва беназир воизлиги сабаб «Хатийбуллоҳ» лақаби билан ҳам эсланади. Қуръони каримда Шуайб исми 9 марта зикр этилган. Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилишича, Шуайб (а.с.) Шом ўлкаси яқинидаги Мадян аҳолисига пайғамбар қилиб юборилади. Мадян аҳли унга бўйсунмагач, Аллоҳ таоло уларга олов ва иссиқлик балосини юборади. Шуайб (а.с.) ва унга эргашган солиҳ зотларгина бу балодан омон қоладилар. Мусо (а.с.) пайғамбарликдан

аввал Шуайб (а.с.) хонадонида бир неча йил чўпонлик қилади, у зотнинг қизига уйланади. Шуайб (а.с.) Навоий шеъриятида кўпинча раҳнамо – пир сифатида қўлланилган. Ғазал 51, 1.

ЮСУФ – канъонлик Яъқуб (а.с.)нинг ўғли. Қуръонда Юсуф (а.с.)нинг қиссаси «энг гўзал қисса» дея таърифланади ва у «Юсуф» сурасида тўлиқ келтирилади. Юсуф (а.с.)нинг беқиёс ҳусни, отаси Яъқуб (а.с.)нинг унга бўлган чексиз муҳаббати, акаларининг Юсуф (а.с.)га ҳасад қилиб уни қудуққа ташлашлари ва арзимас чақа учун Миср карвонига қул қилиб сотиб юборишлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, қуллик даврида Юсуф (а.с.) ва Миср Азизининг хотини – Зулайхо ўртасидаги можаролар, туҳмат билан зиндонга тушиши, тушларни тўғри таъбир қилиш мўъжизаси, умрининг охирида сабри ва лаёқати туфайли Мисрда азиз бўлгани, Юсуф (а.с.)дан айрилгач Яъқуб (а.с.)нинг йиғлайвериб кўр бўлгани, фарзанди Юсуф (а.с.)нинг кўйлагини кўзига суртгач отанинг кўзлари очилгани каби воқеалар мумтоз шеърият вакиллари учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи бўлган. Умуман, мумтоз шеъриятда Юсуф гўзаллик тимсоли бўлса, Яъқуб маъшуқига нигорон ва интизор бўлган ошиқ тимсоли сифатида келтирилади. *Ғазал 43, 5; 103, 5; 115, 5; 190, 5; 209, 5; 273, 4; 305, 4; 323, 4; 359, 5; 457, 6; 569, 3; 380, 3; қитъа 38, 2.*

ЯЪҚУБ – улуғ пайғамбарлардан бири. Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.)нинг ўғли – Исҳоқ (а.с.)нинг фарзанди. Яъқуб (а.с.)нинг исми кўпинча ўғли – Юсуф (а.с.)нинг бошидан ўтган можаролар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Манбаларда келтирилишича, ўн икки фарзаднинг отаси бўлган Яъқуб (а.с.) Юсуфни айрича бир муҳаббат билан яхши кўрган. Юсуфнинг акалари унга ҳасад қилиб, Миср карвонига арзимас баҳога сотиб юбориб, қонли кўйлагини оталарига келтириб, «Юсуфни бўри еб кетди», деб ёлғон гапирадилар. Яъқуб (а.с.) уларга ишонмайди, гўзал сабр қилишдан бошқа чора топмайди. Юсуф (а.с.) фироқида уйига (бу уй кейинчалик «байт ул-аҳзон» – ғамхона, ғам уйи номи билан машҳур бўлади) кириб, кечаю кундуз шунчалик кўп кўз ёш тўкадики, алалоқибат кўзлари кўр бўлади. Юсуф (а.с.) узоқ йиллардан кейин Мисрдан ўз кўйлагини тириклиги нишонаси сифатида отасига юборади. Яъқуб (а.с.) жигарбандининг кўйлагини кўзига суртади ва кўзлари очилади. Навоий шеъриятида Яъқуб (а.с.) воқеасига ишора қилиб, ўз ёридан айро тушган ва уни соғиниб яшаган ошиқ ҳолатини тасвирлайди. «Байт ул-аҳзон» воситасида эса ғам, алам ва ҳижрон дардига мубтало бўлган ошиқ маскани назарда тутилади. *Ғазал 175, 3; 178, 3; 569, 3.*

ҚОРУН – Мусо (а.с.) замонида яшаган хасис бой. Сеҳр-жоду туфайли жуда кўп бойликка эга бўлиб, Мусо (а.с.)га қарши фитна уюштиради. Мусо (а.с.)нинг дуоси туфайли бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Мумтоз шоирларимиз Қорун воқеасини ибратли талмеҳ сифатида келтирадилар. Бу орқали хасислик ва очкўзликни қоралайдилар. *Ғазал 570, 9; таржиъбанд 40.*

ҲАВВО – Одам Атонинг жуфти ҳалоли, Аллоҳ таоло томонидан яратилган илк аёл. Халқ орасида Момо Ҳаво номи билан машҳур. *Ғазал 393, 1.*

ҲАМЗА – охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари. Ислом йўлидаги урушларда кўп қаҳрамонликлар кўрсатган. Машҳур Уҳуд жангида ёлланма аскар Ваҳший томонидан ўлдирилган. Халқ оғзаки ижодида «Амир Ҳамза қиссаси» ниҳоятда машҳур бўлган. *Қитъа 38, 2.*

ГЕОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АДАН – Яманнинг жанубида жойлашган шаҳарнинг номи. Ўзининг қимматбаҳо дурлари билан машҳур. *Ғазал 606, 10.*

БАДАХШОН – Помир тоғ тизмасида жойлашган Тожикистондаги Тогли Бадахшон автоном вилояти ҳамда Афғонистондаги ўлка номи. *Ғазал 370, 3.*

БУХОРО – Ўзбекистонда жойлашган машҳур қадимий шаҳар, дунё тамаддунининг ўчоқларидан бири. *Ғазал 124, 6.*

БАҒДОД – ҳозирги Ироқ пойтахти. *Ғазал 124, 6; 283, 5.*

ДАЖЛА – Бағдод шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтадиган дарё номи. *Ғазал 124, 8; 333, 7.*

ЖАЙҲУН – Амударёнинг бошқа бир номи. *Ғазал 124, 8; 308, 4; 333, 7.*

ИРОҚ – мамлакат номи бўлиб, тарихий манбаларда Араб Ироқи ҳамда Форс Ироқи каби иккига бўлинган номда ҳам учрайди; «Шашмақом»даги мақомлардан бирининг номи. *Ғазал 608, 7.*

КАНЪОН – ҳозирги Фаластинда жойлашган минтақанинг номи. Яъқуб ва Юсуф (а.с.) ларнинг ватани. *Ғазал 158, 6; 175, 3.*

КАШМИР – Ҳиндистоннинг шимолидаги воҳа ва шаҳар номи. Сеҳргарлари ва гўзал аёллари билан машҳур бўлган. *Ғазал 80, 7.*

КАЪБА – мусулмонларнинг Маккадаги зиёратгоҳи. *Ғазал 12, 6; 59, 7; 114, 4; 184, 7; 200, 4; 232, 2; 347, 4; 384, 2; 396, 6; 398, 9; 501, 9; 577, 6; 606, 4.*

МИСР – Шимолий Африкада жойлашган мамлакат. *Ғазал 158, 6; 428, 2.*

УММОН – ҳозирги Арабистон денгизи. *Ғазал 399, 4; 511, 4.*

ХАВАРНАҚ – Анушервони одил бунёд этган Мадоиндаги гўзал қаср номи. *Ғазал 313, 1.*

ХИТО – Хитой мамлакати ва унинг маркази. *Ғазал 515, 5; 7; қитъа 39, 2.*

ХУРОСОН – шарқдан Мовароуннаҳр, ғарбдан Кўҳистон билан туташган минтақа номи. *Ғазал 174, 7; 503, 8; 608, 7.*

ХЎТАН – Кошғар минтақасига кирувчи, киндигидан мушк ажратувчи жайронлари билан машҳур воҳа ва шаҳар. *Ғазал 515, 1.*

ШЕРОЗ – Эроннинг шимоли шарқида жойлашган шаҳарнинг номи, Шайх Саъдий ва Хожа Ҳофизнинг она юрти. *Ғазал 650, 9.*

ЧИН – Хитой мамлакати ва унинг маркази шундай ном билан аталган. *Ғазал 428, 2; 429, 5; 629, 2.*

ЭРАМ – худолик даъвосини қилган золим подшоҳ Шаддод томонидан қурилган жаннатсимон боғ. *Ғазал 241, 4.*

ҚОФ – афсонавий тоғ номи. *Ғазал 140, 5; 303, 1; таржиъбанд 65.*

ҲИЖОЗ – Арабистон ярим оролидаги (Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган) минтақанинг номи. *Ғазал 608, 7; 616, 7.*

ҲИРОТ – Хуросоннинг маъмурий ва сиёсий маркази бўлган обод шаҳар, темурийлар пойтахти. *Ғазал 12, 7.*

ЭТНИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АРМАНИ – *ғазал 515, 5.*
ЛЎЛИ – *ғазал 73, 6; 111, 4.*
МЎҒУЛ – *ғазал 100, 4.*
ТОЖИК – *ғазал 368, 5.*
ТУРК – *ғазал 368, 5; 395, 5; 598, 7; 623, 4.*
ЧАРКАС – *ғазал 623, 4.*

ҚИЁТ – *ғазал 73, 6.*
ЎЗБАК – *ғазал 100, 4; 180, 2; 232, 8.*
ҚЎНҒИРОТ – *ғазал 73, 6.*
ҲИНДУ – *ғазал 100, 4; 111, 4; 319, 2; 323, 8; 365, 5; 501, 8; 507, 5; 510, 4; 515, 1; 2; 3; 4; 5; 6;7; 560, 2; 629, 2.*

АЙРИМ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ[1]

А

Абр (булут) – тасаввуф истилоҳида ортиқча ҳисобланган ҳижоб (парда); у бандалик ва раббонийлик пардасидир; жидду жаҳд билан мушоҳада мақомига етишишга сабаб бўлган ҳижобдир. Шунингдек, нафсоний зулмат афъоллари ва руҳоний малакалардан ҳосил бўлган қалб ҳижоби. Бу ҳижоб – зотий ва асмоий тажалли офтобини мушоҳада қилишга монелик қилади. Навоий ёзади:

Эй Навоий, чиқти чун рангин булут, рангин май ич
Ким, сен ўлмай қилғуси кўп жилва бу рангин булут.

(«Бадоеъ ул-васат», 70, 7)

Абру (қош) – Илоҳий зотни тўсиб турадиган илоҳий сифатлар. Ва вужуд олами бу сифатлардан равнақ, гўзаллик ва жамолга эга бўладилар. Навоий ёзади:

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 117, 1)

Авбош – гуноҳу савобнинг гамини емайдиган киши.
Алойиқ (алоқалар) – толибларни мурод ва мақсадлардан йироқлаштирувчи сабаб ва муносабатлар.
Арш – айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ – кулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Арш «нафси кулл» ҳам дейилади. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, тажаллий манбаи, яъни илоҳий қудрат намунаси. Навоий ёзади:

Суфийи олами қудсий сену асҳоб русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 339, 4)

«Арши муалло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» – булар Аршга қўйилган номлардир. Қалб ўзининг сир-синоати, азамати ва файз мазҳари бўлгани учун Аршга, Каъбага қиёсланади.

[1] Биз ушбу изоҳларда сўзларнинг асосан тасаввуфий маъноларига эътибор қаратдик *(нашрга тайёрловчилар).*

Асмои ҳусно – АЛЛОҲу таолонинг гўзал исмлари. Навоий орифона ғазалларида ва «Хамса» достонларининг ҳамд ва муножот қисмларида асмои ҳуснони зикр қилади, уларни турли ният ва мақсадларда қўллайди. Асмои ҳусно ҳақида Қуръони каримнниг бир қанча оятларида хабар берилган: «АЛЛОҲнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)» (Аъроф:180). Ёки «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «АЛЛОҲ, деб чорлангиз ёки Раҳмон – Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, у Зотнинг гўзал исмлари бордир» («Исро» сураси, 110-оят). Бу исмлар, асосан, тўқсон тўққизтадан иборат дейилади.

Ақли кулл – Жабраил алайҳиссалом, нури муҳаммадий, Арши азим ёки тугал ва комил ақл назарда тутилади.

Аҳли дил, аҳли фақр, аҳли ҳол – валийлар; тариқатда ҳол ва мақомларга эришган кишилар.

Б

Бақо – ориф АЛЛОҲга оид ҳақиқатлар билан ўзида мавжуд нарсалардан кечади ва бақобиллоҳ мартабасига эришади. Бу мартабада башарий иродада илоҳий ирода ва сифатлар намоён бўлади.

Бел – сайри сулук пайтида ошиқ ва маъшуқ ўртасида содир бўлиши муҳаққақ бўлган нозик сирлар. Нозик бел – нозик сир ва ҳақиқатлар. Ўртада бошқа пардалар қолмаган пайтда соликнинг борлик, мавжудлик пардаси тушунилади.

Боди сабо – руҳоният машриқидан эсадиган раҳмоний нафас.

Ботин – соликнинг сийрати, руҳи ва ички олами.

Бут – маъшуқ, мақсад ва матлаб; бошқа бир талқинга кўра солик қалбида зоҳир бўлувчи нозик маънолар. Навоий ёзади:

Ул бут ғамидин кофири ишқ ўлғали кўнглум,
Жон ришталарин жамъ қилиб боғлади зуннор.

(«Наводир уш-шабоб», 182, 5)

Бутхона – лоҳут илмидан ва аҳадият зотининг мазҳаридан киноя.

Буткада, бутхона, шаробхона, дайру харобот ва маъно олами – зикр ва Ҳақ ошиқларининг мажлислари ҳамда комил орифнинг ботини.

Бўса – руҳнинг жисм билан лаззатланиши ва давомли муроқаба. Навоий ёзади:

Бош қўяй дедим оёги туфроғиға деди: қўй,
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 385, 3)

Бўса, канор ва ғамза – соликнинг мақом ва даражасига кўра воқеъ бўлувчи файз ва ботиний жазба.

В

Важд – ишқ ва муҳаббат. Ошиқ қалбида табиий бир равишда туғиладиган илҳом, сурур ва тажаллийлар. Ҳужвирий «Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро,

важд ҳақиқий кўриш (кашф) даги аламдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ», дейди.

Важҳ – Ҳақ зотининг файз етказувчилик сифати. Файёз.

Васл – Маъшуқи азал ишқига тамоман ғарқ бўлмоқ; ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфийлар бир хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари АЛЛОҲ ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишини кўзда тутиб, васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўртадаги парда кўтарилиб, инсон Ҳақ васлига эришади, деб ишонадилар.

Ваҳдат, ваҳдоният – АЛЛОҲ таолонинг ягоналиги.

Ваҳдат майи – АЛЛОҲнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май, Ҳақ ишқи ва жазбаси.

Вафо – Ҳақнинг азалий иноятн ва марҳаматидир.

Висол – ваҳдат мақоми. Тариқат машойихларининг таъкидлашича: «Манозил ул-вусли ло юқтаъу абад ул – абад фил умрил касирид дунявий» (Маъноси: Васл манзилларини абадул – абад дағал дунёвий умрда босиб ўтиб бўлмайди). Навоий ёзади:

Не висолу не умиди васл, ваҳ, ўлмай нетай,
Эй Навоий, кошки ё васл бўлса ё умид.

(«Бадоеъ ул-васат», 127, 7)

Ворид (воридот) – соликнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган равишда қалбда юзага келадиган маъно, илҳом ва файз.

Воҳид – тенги, шериги йўқ ягона Зот, асмои ҳуснодан бири.

Вужуд – Ҳақ вужудига айтилади. Вужудни нафй ва исбот қилиш, яъни бутун борлиқ абадийлигини инкор қилиб, Ҳақ вужуди боқийлигини исбот қилмоқдир. Бу зикр пайтида ўзига хос сўз ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Тариқатда буни «нафйи исбот» дейдилар.

Г

Гармий (иссиқлик) – муҳаббат ҳарорати.

Гарди пой – оёқ чанги, ғубори. Сўфийлар ўз жисмларини чангга тенглаштирганлар.

Гесу (ўрилган соч) – соликни талаб йўлида Ҳаққа етказадиган ип-арқон; висол ва боғланишни талаб қилиш йўли, гайб оламидан иборат бўлган мутлақ жамол ва Ҳақ дийдори.

Гулгун чеҳра – комил ориф қалбида порловчи мутлақ тажаллий; уйқу ё беҳушликда моддадан ташқарида бўлган тажаллиёт.

Д

Дайр – ориф ва авлиёлар мажлиси; хонақоҳ ва инсоният олами.

Дарвеш – нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунёвий лаззатларни тарк этиб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Сўфий, девона, қаландар каби атамалар ҳам баъзан дарвеш маъносида қўлланади. Дарвешлик, тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир. Яссавий «Фақрнома»сида таъкидлайди: «Ҳар ким дарвешлик даъвосини қилса, аввал Ҳақ амрига бўйинсуниб, шариат амри билан бўлғай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилгай, кеча қиём бўлмағунча, кундуз хизмат қилмағунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил турур».

Дарвешларга яқинлик – нафсу ҳаводан йироқлашув демак. Дарвешлар суҳбатини тинглаш Ҳақ сирларидан огоҳликдир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан: «Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади?» – деб сўралганида, «Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу таоло буни дарвешларга ато қиладики, «фаиннаҳу янзуру би нуриллаҳи» – «Чунки у (яъни, дарвеш) АЛЛОҲнинг нури орқали боқади», деб жавоб қайтарган эканлар.

Даҳан (оғиз) – махфий сир. Инсоннинг фаҳм ва ваҳмидин пок ва муқаддас бўлган мутакаллимлик сифатидир. Калом (сўз)нинг асрор ва нозик маъноларига ишора қилиниб, оғиз тор ва кичикликда зарра ва нуқтага ташбиҳ қилинади. Навоий ёзади:

Нукта дуррию камар лаъли эрур бас турфаким,
Бел анга маълум эмас, маълум эрурки йўқ оғиз.

(«Наводир уш-шабоб», 207, 5)

Дил (қалб) – илоҳий хитобнинг, маърифат ва ирфоннинг мазҳари. Орифлар тилида илоҳий сирлар макони ва махзани бўлган жой. Ва яна «нафси нотиқа» маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги мужаррад нуроний жавҳардир. Ҳакимлар уни нафси нотиқа дейдилар.

Қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томондаги аъзоси. 2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа, раҳмоний файз ва нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар жойдир. Тасаввуфдаги «Дил назаргоҳи Ҳақ» деган таъриф ёки «Мўъминнинг қалби – АЛЛОҲнинг Арши» деган ҳадис, шунингдек, «Ер-осмонга сиғмадим, мўъминнинг қалбига сиғдим», деган ҳадиси қудсийлар инсон қалбининг илоҳийлиги ва имкониятларининг чексизлигидан дарак беради. Бироқ илоҳий таважжуҳ, зикр, фикр ва саодатлар билангина бу қалбнинг сир-саноат ва имкониятлари юзага чиқади. Сўфийлар қалб деганда айнан шу руҳоний латифани назарда тутганлар.

Қалбнинг атвори, табақоти еттитадир: 1. Садр – кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоги. 2. Қалб – юрак, имон жавҳарининг ўчоғи. 3. Шигоф – халқни севиш, халқ учун куйиниш жойи. 4. Фуод – кўнгилнинг мушоҳада маскани. 5. Ҳаббат ул-қалб – Ҳаққа қаратилган муҳаббат макони. 6. Сувайдо – гайбий мукошафа жойи. 7. Муҳжат ул-қалб – илоҳий нурлар тажаллий қиладиган жой.

Дилбар – орифлар тилида тажаллиёт вақтида кўнгилни файзли ва нурафшон қиладиган нарсага дилбар дейилади.

Дилдор – дилга ором берувчи, кўнгил овловчи, кўнгилли, севгили, маҳбуба, ёр. Тасаввуфда АЛЛОҲ, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ва улуғ зотлардан киноя.

Дўст – АЛЛОҲ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ва муршиди комиллар ва бошқаларга дўст деб мурожаат этилади. Навоий ёзади:

Дўст зикру фикрини қилғил ғизоким яхшироқ,
Ҳуш ила туфроқким гафлат била кандий кулоч.

(«Наводир уш-шабоб», 96, 8)

Ж

Жавр – соликни сулукдан ва сулук мақомларига юксалишдан тўсиб қолиш; қаҳр сифатининг зуҳур этиши.

Жазба – банда саъй-ҳаракат қилмасдан Аллоҳнинг иноятн билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишидир; Аллоҳнинг лутфи билан руҳнинг севинч, сурур ва ғайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздан кечиш ҳоли.

Жазба икки турлидир: а) хафий жазба – ошиқнинг Ҳақни севиши; б) жамъий жазба – Ҳақнинг ошиқни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у АЛЛОҲ томонидан ато этилади. Соликда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳаққа яқинлаша олмайди. Сайри сулукнинг бошланғичи жазбанинг ниҳояси ҳисобланади.

Жалол – улуғлик, буюклик, азамат. АЛЛОҲнинг буюклик, иззат, кибриё ва қаҳрга далолат қиладиган васфлари. Маъшуқнинг ошиққа мутлақо муҳтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг ғурурини синдириб, ўзининг қаршисида нақадар чорасизлигини исботлаш. Соликни «мен»лик даъвосидан халос этгувчи илоҳий тажаллийлар. Жалол – Ҳақнинг кўз ва назардан пинҳон ҳайбати.

Жамол – ҳусн, гўзаллик; чирой. АЛЛОҲнинг лутфига ва раҳматига сабаб бўлган сифатлари; Ҳақ тажаллийси; жамол – АЛЛОҲнинг марҳаматига далолат қиладиган васфлари. Ҳақнинг лутфу эҳсон ила қилган тажаллийси; жамол – маъшуқ ошиққа ҳожатманд эмаслигини кўрсатиш учун камолиятини зоҳир қилиши.

Жафо – солик қалбини маърифат ва мушоҳададан тўсувчи ҳолат; маҳбубнинг бевафолиги.

Жилва – ноз, истиғно, гўзалнинг кўнгилни фатҳ этувчи ҳоли ёхуд чиройли ҳаракатлари. Сулук аҳлининг кўнглида порлаган илоҳий нур. Бу нурдан ошиқларга ошуфталик, телбалик, мастлик кайфияти етади.

Жон – инсон руҳи, раҳмоний нафас ва Ҳақ тажаллиёти. Ва яна воҳидият ва жабарут оламида илоҳий тажаллийдан зоҳир бўлган аъёни собита ва ҳақиқатлар.

Жом – қадаҳ. Орифнинг маърифат бодасига тўла дили ва аҳволи. Баъзилар жом – бадан, жисм баданни тозаловчи, софловчидир, дейдилар. Зотан, комил ориф илоҳий бода жомидан ичади ва тавҳиддан сармаст бўлади. Соғар, суроҳи ва мино атамалари ҳам ориф қалбини англатади. Қалб – хумхона, майхона ва майкада иборалари билан ҳам таъбир қилинади. Мастлик деганда, ишқнинг чулғаб олиши, ботиний ва зоҳирий сифатлар, маърифат сархушлигига ғарқ бўлиш назарда тутилади. Навоий ёзади:

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

(«Гаройиб ус-сиғар», 1, 5)

Жоми илоҳий – орифни сармаст қиладиган муқаддас илоҳий тажаллий.

Жоми май – шайхнинг маърифат бодасига тўла қалби ва Ҳақ нурининг тажаллийси.

Жоми жаҳоннамо – комил инсон ва Ҳақ эранларининг ботини.

Жоми Жам (Жамшид), жоми жаҳоннамо – Жамшид жоми. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Жамшид салтанатининг тараққиёти ва таназзули ҳақида маълумот берган. Ирфоний адабиётдаги «жом шароби» илоҳий сирларни ошкор қилиши билан «жоми жаҳоннамо»га қиёс қилинган. Мутасаввифлар гайб асроридан воқиф қалбни ҳам «жоми жам»га ўхшатишган. Солик бу «жоми жаҳоннамо»га назар солиб, унинг сирларидан огоҳ бўлади ҳамда қалбини ғурур ва ўзлигидан халос этиб, дўст ишқи билан лиммо-лим тўлдиради.

Жунун – телбалик, жиннилик. Илоҳий ишқдан сармастлик ҳоли. Ҳамма нарсани унутиб, фақат Ҳақ дийдорини исташ.

З

Завқ – ишқ лаззати ва унинг ошиқда мавжудлиги. Муҳаббат чақмоғининг порлаши пайтида соликнинг Ҳақни зоҳир ва мушоҳада қилишидаги илк ҳолат ва даражаси. Бу мушоҳада – мушоҳада қилувчининг завқ ва машрабига кўра юксак ё паст даражада бўлади. Завқ қанчалик бузуқ хилт, аралашмалардан соф бўлса, мушоҳада этилувчи зотни идрок қилиш, васл ҳаловатини туйиш ва кўриш лаззати шу қадар мусаффо ва тотлироқ бўлади. Завқ – ҳузур, лаззат. Илоҳий тажаллийларнинг бошланиши. Ҳақ ишқидан етадиган ирфон нури.

Зақан (занах, зақан, занахдон) – бағбақа. Тасаввуфда соликнинг табиатига мувофиқ ва уйғун бўлган иш; илоҳий тажаллийлар пайтида юз берадиган теран мулоҳаза дамлари; жамол мушоҳадаси бўлган лаззат мақоми.

Зикр – эслаш, хотирлаш, АЛЛОҲга яқинлик қилиш мақсадида айтиладиган вирд ва дуолар. Тариқатда бандани АЛЛОҲга яқинлаштирувчи энг осон ва самарали йўл бу зикр қилишдир. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида АЛЛОҲни зикр қилиш буюрилади. «Аҳзоб» сурасининг 41-42-оятларида шундай амр қилинади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч у Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар».

Бир ҳадиси шарифда келтирилишича: «Жаннат аҳли ҳеч нарсадан афсусланмайдилар, фақатгина дунёда зикрсиз ўтказган вақтларидан афсусланишади». Зикр барча тариқатларнинг асли, асосидир. Ҳақ тариқатнинг, дарвешликнинг зикрсиз қарор топиши мумкин эмас.

Зикр – инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган машаққатли ва завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Зикр дил, фикр ва туйғуни АЛЛОҲга йўналтириш, АЛЛОҲ билан мукаммал шуурий, зеҳний мулоқот қилишдир. Тасаввуфда зикр икки қисмга ажратилган: бири «зикри омма», иккинчиси «зикри хос». Зикри омма савобни қўлга киритмоқ нияти билан амалга оширилади, аммо, зокирнинг табиатидаги ёмон хислатлар (кибр, ғурур, риё, ҳирс, ғазаб, қаҳр, макр) бутунлай барҳам топмаган бўлади. Хосларнинг зикрида нафс тамоман мағлуб этилади, қалб маърифат ва муҳаббат нурларидан ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам АЛЛОҲ исми ва ишқидан бошқа ҳеч нима қолмайди.

Икки хил зикр мавжуд: зикри хуфия – яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия – очиқ, овоз чиқариб айтиладиган зикр.

Зот – ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли, асоси. Сўфийлар ақидаси бўйича, АЛЛОҲ ўз зотида қоим, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зуҳури, сифатлари эса ул зотнинг тажаллийсидан иборат.

Зоҳид – дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатга мансубдурлар». Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, қўрқув, умид ва «Илм ал-яқийн»дир. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан бехабарлиги учун ҳам танқидга нишон бўлган. Навоий шеърларида ҳақиқий зоҳидларни эмас, риёкор, ишқсиз ва ихлоссиз зоҳидларни танқид қилган.

Зуннор – ишқ йўлида садоқатли бўлмоқ; маъшуққа хизмат ва итоат этиш учун астойдил бел боғламоқ; баъзи ўринларда дунёга кўнгил бермоқ ва «мен»лик даъвосини илгари сурмоқ маъносида ҳам келади. Навоий ёзади:

Дайр пири хидматига, эй кўнгул, бел боғладинг,
Балким ушбу боғламоққа бор эди зуннор шарт.

(«Наводир уш-шабоб», 281, б)

Зулф – Зулфнинг тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкилотлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жалолий сифат; зулф – яширин моҳиятдурким, уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг ғаройиб суратлари; йўқлик олами.

Зулф – ваҳдат мартабаси ва АЛЛОҲ таолонинг зотидурки, унинг сир-синоатига етмоқ мумкин эмас. Зулф – ғайбий ҳувиййат. Шунингдек, зулф қудрат ва жамол тажаллийсининг сифати бўлиб, у ваҳдатга тўсиқдир. Ва сўфийлар истилоҳида зулф тугал, бўлак нарсалар – ақл ва ҳис билан идрок қилинадиган нарсалар, арвоҳлар ва жисмлар, жавҳар ва аразларнинг даража-мақомлари имкониятидан киноядир.

Зулф – куфр зулматидан ҳам киноя. Тасаввуфда зулфнинг узунлиги, беқарорлиги, гажаклиги, хамлиги, паришонлигининг ўзига хос маънолари бор. Айтайлик, зулфнинг хамлиги – илоҳий асрор демак. Унинг узунлиги – борлиқ мавжудотнинг кенглиги. Беқарорлиги – оламнинг ўзгарувчанлиги ва ҳоказо.

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган мавлоно Атойи бир байтида:

Ҳар маърифатки, шайх ани таҳқиқ сўзи дер,
Билмас муники, маънийи ул – зулфу хол эрур, –

деб тасаввуфдаги «зулфу хол» атамаларининг илоҳий маърифат ва ҳақиқатларга ишора қилувчи рамзий маънолари борлигини таъкидлайди.

Зулф гажаги – илоҳий сирларнинг махфийлиги; тариқат мушкилотлари; шаҳодат (кўз билан кўриладиган, мавжуд) оламида илоҳий асрорнинг пинҳонлиги.

Зулф ҳалқаси – илоҳий борлиқлар ва ашёларнинг айри-айри ҳолдаги мартабалари.

Зуҳд – парҳез қилмоқ, яъни дунёга илтифот этмасдан тоат-ибодат ила кун кечирмоқ. Асл зуҳд – АЛЛОҲга маъқул нарсаларни севмоқ. Тангри тақиқлаган нарсалардан ҳазар этмоқ. Расулуллоҳ (с. а. в.) шундай дейди: «Дунёда зуҳдни таржиҳ этки, Мавло сени севсин ва носнинг (инсонларнинг) қўлидагиларга илтифот этмагилки, нос ҳам сени севсин».

Аҳмад ибн Ҳанбал зуҳднинг уч мартабаси борлигини айтади. Биринчиси – авом зуҳди. Бу – ҳаромни тарк этмоқ. Иккинчиси – хавос зуҳди. Бу – ҳалолнинг ҳам заруриятдан ортиғини тарк этиш. Учинчиси – ахас зуҳди, яъни АЛЛОҲдан бошқа ҳаммасини тарк қилмоқ.

И

Имон – Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш. Қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол.

Ислом динида, АЛЛОҲнинг мавжудлиги, бирлиги, фаришталарга, Муҳаммад пайгамбар (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) АЛЛОҲнинг элчиси эканига, Қуръонга, ундан олдин нозил этилган диний китобларга, охират кунига шубҳасиз ишонган, намозини канда қилмаган, рўза тутган, ҳажга борган, закот берган киши мўъмин, яъни имонли киши дейилади. Имоннинг туб моҳияти ва бош асоси Қуръони карим оятларида белгилаб

берилган. Масалан, «Нисо» сурасининг 136-оятида шундай дейилади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲга, унинг пайгамбарига, нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган китобларига имонингиз комил бўлсин. Кимки АЛЛОҲга, фаришталарига, китобларга, пайғамбарларга ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди».

Диний ва тасаввуфий адабиётларда имон икки қисмга ажратилган: тақлидий имон ва таҳқиқий имон.

Тақлидий имон – ота-боболари, дин вакиллари ва муҳит таъсирида юзага келган имон бўлиб, бунда тақлид қилиш, эргашиш жиҳатлари устуворлик қилади.

Таҳқиқий имон – имонга оид барча масалаларни далил ва тафсилот, талаб ва қонуниятлари билан билмоқ, сўзсиз унга амал қилмоқдир. Бу имон инсонни ҳар қандай шубҳа, қўрқув, гуноҳ, фалокат ва ожизликдан муҳофаза этувчи илоҳий қудрат манбаи ҳисобланади.

Илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар.

Иксир – мис, қалай каби қиммати паст маъданларни олтинга айлантириш ҳамда барча касалликларни дафъ қилиш хосиятига эга деб ишонилган фаразий кимё «илми»; Тасаввуфда камолга эришган улуғ зот (пир) нинг назари, таъсири; фавқулодда таъсир кучига эга бўлган нарсалар: масалан, ишқ, ошиқлик.

Ирфон – кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим. Маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм. Навоий ёзади:

Фақр кўйида мусаллам тут, не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

(«Гаройиб ус-сиғар», 90, 6)

Исми аъзам – Худонинг энг улуғ исми.

Истиқомат – тўғри, дурустлик. Шариатга, диний амрларга тўла риоя қилиш. Сўфийлар «Энг буюк каромат, бу – истиқомат», деганлар ва карогматга эмас, истиқоматга эътибор қаратганлар.

Ишорат – илоҳий маънога дахлдор бўлгани боис сўз билан изоҳланмайдиган ва сўзловчи сир сақлайдиган ҳақиқатлар. Ишорат – фақат аҳли илмнинг улуғлари идрок қила оладиган бир нарсадир. Тасаввуф тили – ишорат тили, дея эътироф этилганлиги учун Абу Али Рўзборий: «Бизнинг илмимиз ишорат эрур. Иборага кўчгач, ғойиб бўлур», дейди.

Ишқ – Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат. Тасаввуфда Ҳусни Мутлақка бўлган шиддатли севги. Ҳақнинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллийсининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ишқ АЛЛОҲдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос. Навоий ёзади:

Ҳавойи ишқинг аро ўзга оламим бордур,
Ки ашким анжум эрур, оҳ дуди афлоким.

(«Гаройиб ус-сиғар», 425 , 4)

Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – Аллоҳга, мажозий ишқ эса АЛЛОҲ яратган нарсаларга, одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур.

Ё

Ёр, дилбар, маҳбуб, санам, дўст – бу сўзлар орқали Аллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга, муршиди комилга ва кўнғилга яқин кишиларга хитоб қилинади. Шунингдек, бу сўзлар воситасида сифотий тажаллийга ҳам ишора этилади.

К

Кабоб – Ҳақ тажаллийси учун қалбни парвариш қилиш.

Кавн – бор бўлиш, бирор-бир нарсанинг борлиги. Бутун мавжудот.

Калисо – насронийлар ибодатхонаси. Тасаввуфда – ҳайвоний олам.

Камол – етишганлик, қусурсиз ва камчиликсиз бўлиш, камоли мутлақ: илоҳий камол; комил инсон, валий, муршид, намунали инсон, ўрнак инсон, қутб, ғавс, ғавси аъзам, қутб ул-ақтоб.

Каромат – АЛЛОҲнинг лутфи билан солиҳ ва тақводор бандалардан содир бўладиган хариқи одат – ғайритабиий ҳодисалар. Каромат иккига бўлинган: биринчиси – каромати кавний. Иккинчиси – каромати илмий. Булар «кавний» ва «ҳақиқий» деб ҳам аталган. Кавний карокатлар – қисқа фурсатларда рўй берадиган фавқулодда ғайритабиий ҳодисалар. Масалан: ҳавода учмоқ, денгизда юрмоқ, қушга ўхшаб парвоз қилмоқ ва ҳ. Ҳақиқий каромат эса – илм, ирфон, маърифат, ибодат, ахлоқ ва инсонликдаги устунлик ва шу устунликдан юзага келган турли шакллардаги ҳодисотлар. Тасаввуф аҳлининг эътиқодига кўра, асл каромат – каромати илмий ҳисобланади. Шунинг учун ақл ва маърифатнинг кучига ишонган одамлар каромати кавнияга иштибоҳ билан қараганлар.

Кашф – ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги ғайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб, уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик; илҳом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларидир. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи руҳоний, кашфи маънавий, кашфи мужаррад, кашфи мухайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд.

Каъс – қадаҳ. Мақсадга интилаётган соликни маст қилган ваҳдат шаробининг қадаҳи. Шароб зоҳир бўлса, коса мазҳардир. Севги қадаҳи; соликнинг сирри; ошиқнинг қалби.

«...Кунту канзан...» – ҳадиси қудсийдан олинган ибора. Ушбу ҳадиснинг тўла таржимаси шундай: «Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айтди: «Мен бир гўшаи қаноатда ёшуруғлуғ ганж эрдим. Мани Тангрилигимни ҳеч ким билмас эрди. Ўз қудратимни билдирмакни дўст тутиб, қамуғ оламни халқ қилдим. Мени бирлигимга иқрор қилсунлар деб». (Рабғузий. «Қисасул анбиёи туркий». Тошкент. 1898. 3-бет.)

Кофир (Куффор) – динсиз, ишонмайдиган, инкор этувчи, ғайридин. Мажозан: раҳмсиз, бепарво ёр; сўфийлар истилоҳида кофир – ваҳдат оламидаги якранглик. Макоми тафриқа, айри оламда бўлган киши. Габр ва кофир (кофирбачча) – ваҳдат оламидаги садоқатдурким, қалб мутлақо мосиводан юз ўгириб, фано зулматидан жой олган бўлади.

Куфр – зулматга ишора.

Кўнгил – қалб ва дил маъносида ҳам келади. Кўнгил ишқу муҳаббат ва нозик сирлар мазҳаридир. Тасаввуфда Ҳақ нури жамолини кўрсатадиган кўзгу. Айрим сўфийлар кўнгилни Каъбадан ҳам устун қўйганлар. Дил гўё (гапирувчи) бўлиши учун жидду жаҳд қилмоқ керак, дил гўё бўлгач, у ҳеч ўлмайдиган ҳаётга етган бўлади. «Дили ишқ билан тирик бўлган киши ҳеч қачон ўлмайди, олам рўзномасига бизнинг доимий ишқимиз шундай деб ёзилган», дейди Ҳофиз Шерозий бир байтида.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан шундай нақл қилинади: «Ейиш пайтида ҳар бир аъзо бир ишга машғул, дил бу пайтда нима билан машғулдир?» Жавоб бердилар: «Ҳақ субҳонаҳу зикри билан». Буюрдилар: «Зикр айтишдан мақсад «ла илаҳа иллаллоҳ» эмас, балки сабабдан сабабгача бориш ва неъматни сабабчидан деб билишдир».

Л

Лаб – мавжудотга вужудий файз етказувчи раҳмоний нафас; лабдан мақсад калом (сўз) ва раҳмоний нафасга ҳам ишора, ашёлар вужудига файз бағишлаш. Лаб жонни қувватлантирувчидир, шариат тилида «нафхи руҳ» дейилади. Шунингдек, лаб – ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш; илоҳий оламдан пайғамбарларга фаришта, валиларга илҳом орқали нозил бўлган сўзлар.

Лаби лаъл – маъшуқ қаломининг ботиний маъноси, аҳволнинг софлиги ва нозиклиги ҳамда илоҳий жамол гўзаллигини зикр этувчи сўзлар.

Лаби ширин – ҳадиси қудсий ва воридоти ғайбийлар каби идрок қилинадиган ва бевосита нозил бўлган сўзлар.

Лавлок (лавлока ламо халақтул афлок) – Агар сен (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бўлмасайдинг фалакларни яратмасдим», деган ҳадиси қудсийга ишора.

Лайлат ул-меърож – Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга кўтарилган кечалари.

Лиманил-мулк – «Мулк кимга тегишли?» Қуръон оятига ишора. Яъни, «Лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор – Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрлардан) ўша кун (қиёматда) бирорта ишлар ҳам АЛЛОҲу таолодан махфий қолмайди (Яъни, АЛЛОҲу таоло бандаларнинг барча ишларини билади ва ҳисоб-китоб қилади). Ана шу кун АЛЛОҲ: «Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?» – деб хитоб қилади! Бандалар бир овоздан: «Бу куннинг мулки ягона ва қаҳрли АЛЛОҲгагина тегишлидир», деб жавоб берадилар («Ғофир» сураси, 16-оят). Тасаввуфда бу Қуръоний ибора орқали ҳар бир нарса: мулк, қудрат, ҳусн ва шунга ўхшашларнинг Вужуди Мутлақка тегишли эканига ишора қилинади.

Лиқо (юз, чеҳра, кўриниш) – маъшуқнинг зуҳур этиши.

Лутф – Эҳсон. Бандани Ҳақ тоатига яқинлаштирадиган ва гуноҳлардан узоқлаштирадиган нарсалар. Маъшуқнинг муроса, мадад ва осойиш билан ошиқни тарбия қилиши.

М

Мавт – ўлим, нафсни туб илдизи билан ҳавою ҳавас заминидан ажратиб ташлаш. Чунки, ҳавою ҳавас нафснинг жонидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Усули ашара» рисоласида бундай ўлимни беш турга ажратиб кўрсатади: 1. Мавти иродий – инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши, яъни, фанои куллийга етишиш. 2. Мавти аҳмар – «қирмизи ўлим». Бу – нафснинг истакларига қарши тура олиш, чидам билан уларни бартараф эта олиш демак. 3. Мавти абяз – «оқ ўлим». Очлик йўли билан нафс ва тамаъни забун айлаш. Шунда кўнгил покланиб, шаффофлик, яъни оқлик касб этади. 4. Мавти ахзар – «яшил ўлим». Ямоқдан кийим тикмак ва киймак. Чунки, янги ва чиройли кийим ўзгаларнинг диққатини жалб қилади, эътибор ва шуҳратга сабаб бўлади. 5. Мавти асвад – «қора ўлим». Бу қайғу ва мусибатларга сабр этиш, халқу халойиқнинг ҳар қандай жабру жафосига чидашдир.

Мазҳар – зоҳир бўлиш вақти ва макони; пайдо бўлиш, чиқиш ўрни; кўриниш. Бир нарсанинг зуҳур этадиган ери, АЛЛОҲнинг исм, сифат ва феълларининг ашё ва моддада зуҳур этиши.

Майхона – илоҳий ишқ улашиладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури; завқ, шавқ ва илоҳий маърифат тўла орифнинг ботини. Навоий ёзади:

Эшит майхона ичра дайр пиридин Ҳақ асрори
Ки, воиз хонақаҳда гоҳ дер афсона, гаҳ афсун.

(«Бадоеъ ул-васат», 451, 7)

Лоҳут олами маъносида ҳам келади. Майхона – мушоҳада ила матлубга восил бўлиш иштиёқидагилар, ҳақиқий маҳбуб ишқига гирифторлар, ҳақиқат бодасидан сармаст, якдил ва сафоли дўстлар тўпланадиган жой.

Майи лаъл – ошиқлар қони, уларнинг кўз йўлидан кўксидаги жомга тўкилувчи қон.

Майл – ошиқнинг ҳушёрлик ва шуур билан ўз аслига қайтиши.

Масти хароб – ошиқнинг маҳбуб ишқига ғарқ бўлиши. Бунда дил тамоман истигроқ – ишқ ва иштиёқ ғалабасидан ўзини билмас даражада ҳайратга чўмиш, ғарқ бўлиш ҳолатида бўлиб, шуурни ҳаётий зарурий нарсалардан халос этади ва вуслат – эришиш мартабасига етказади.

Мастлик – барча сифатлари билан ишқнинг чўлгаб олиши. Масту хароб – истигроқ ҳолатига, масту шайдо – завқ ва ҳузнга ишора.

Маърифат – инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали АЛЛОҲга яқинлашадилар. «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади». «Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Имом Ғаззолийнинг ёзишича: «Соғлом қалб фақатгина зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, ҳикмат озуғидир». Шу боис яссавийликда маърифатни эгалламаган солик ишқ мартабасига юксала олмайди. Маърифатни ирфон ҳам дейдилар. Ирфон – АЛЛОҲнинг эҳсони бўлганидан сўфийлар ирфонни илмдан устун қўйганлар.

Мақом – манзил, марҳала, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Диний ахлоқ ва феълатвор. Қушайрийнинг айтишича, мақом соликнинг такрор асосида сифат ҳолига етказган одоби ва ахлоқидир. Мақом ирода, риёзат, мужоҳада билан қўлга киритилади. Тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ризо – тариқат мақомларидир. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараъ мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айни шу тартибда давом этади.

Маҳбуб ва санам – севикли зот; тажаллийнинг сифотий суратда зоҳир бўлишидаги ҳақиқати руҳийя.

Мижа (мужгон), киприк – адабиётшуносликда найза, ўқ ва камоннинг учларига ташбиҳ қилинади ва маъшуқнинг нозу карашмаси билан ошиқ кўксига санчилади. Тасаввуф истилоҳида соликнинг валоятига, ҳол ва мартабасига ҳижоб бўлганни айтадилар; орифнинг амалларни сусткашлик билан бажариши ва унга басират кўзи билан боқмаслиги.

Мосиво – мосиваллоҳ: АЛЛОҲдан бошқа ҳар нарса, махлуқот, мумкинот, ҳодисот.

Мосиво – АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарса касрат демакдир. Ҳақ соликлари Худо яратган ашёларга мафтун бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлганлар ва ҳақиқий борлиқ – Аллоҳнинг ишқу ёди билан умр ўтказишни афзал деб билганлар. Навоий ёзади:

Эй Навоий, фақр аро қил мосиваллоҳ дафъиким,
Келди солик бошиға дунёву мо фиҳо бало.

(«Бадоеъ ул-васат», 29, 9)

Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ – АЛЛОҲ борлиғининг тасдиғи ва далилларидир. Тариқатчи шоирлар «ғайр», «сиво», «давъо», «ёлғон», «ағёр» каби атамаларни ҳам мосиво маъносида татбиқ қилганлар.

Мужоҳада – нафсни вужудий машаққатлар билан қийнаш, ҳавою ҳавасга қатъиян қарши курашиш.

Мукошафа – кашф йўли билан билиш, авлиёуллоҳнинг қалбида ғайбий сирларнинг очилиши. Мужоҳада мақомидан кейин, яъни солик узоқ бир мужоҳададан сўнг етишадиган мақом.

Мурид – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук йўлига кирган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

Мурид ва муршид – «Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таъоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз қолидан воқиф бўлиши зарур... нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун шарт ҳисобласин».

«Агар толиб (мурид) муқтадо (пир)га етишиш ишида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сири очилгунча сабру тоқати етгунча чидасин. Агар у мубтадий (сулукни бошлаган) бўлса, пирга савол қилиши мумкин. Агар мутавассит (сулук ўртасида) бўлса, баъзан савол қилсин.

«Авлиёлар ҳузурида мурид ўз аҳволини яшириши жуда қийин, чунки муршид валоят султони бўлиб, одамларнинг қолига қокимдир. Агар муршиднинг ўзи йўл бермаса, ҳеч ким унинг сифати ва қолидан огоҳ бўлолмайди» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муроқаба – мушоҳада, бирор нарсага диққат ила нигоҳ ташламоқ, АЛЛОҲ ёдига берилиб, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майллардан фориг бўлмоқ. Тасаввуфда муроқаба икки хилга ажратилган: бири авомнинг муроқабаси бўлиб, бунда Ҳаққа толиб киши АЛЛОҲнинг амрларини адо этади. Унинг ўз аҳволидан огоҳ ва талабгор эканини англаб, айни шу мулоҳазадан ғофил қолмайди. Иккинчиси – муроқабаи хавос. Бунда солик муҳаббат жазбаси билан Ҳусни Мутлақнинг сирри бўлган аҳадиятни давомли тарзда барча ашёда мушоҳада ва мулоҳаза қилади ҳамда шу жараёнда ашёни тамоман эсдан чиқаради.

Муроқиб – муроқаба этувчи, ўзликдан халос бўлган, АЛЛОҲга боғланган киши.

Муштоқ – орифларга кўра, Ҳақ дийдорини тўла, кучли шавқ билан кутиш.

«Муту қабла ан тамуту» – «Ўлмасдан бурун ўлинг!» Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «Ўлмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис сўфий ориф, эран, абдол – яъни Ҳақ ошиқлари учун ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Шу боис Аҳмад Яссавий айрим ҳикматларида бу ҳадисни изоҳлаб, уни тарғиб қилади.

Имом Раббоний «... ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча Муқаддас Зотга етишмак мумкин бўлмас... Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган

илк одимдир ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражасидир», деган. Ҳақ ошиқлари, хос кишилар сайру сулукда ишни шу ҳадисга амал қилишдан бошлашган. Бу муроқаба орқали амалга оширилган. Бу тасаввуфда «робитайи мавт» дейилади (Қаранг: робита).

Муршид – тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо, иршод қилувчи шайх. «Саййид Амир Кулол қуддиса сирруҳнинг тилларидан кўп ўтар эдики, ҳузур (ҳозирлик) ва ғайбат (гойиблик) да ҳам толибнинг руҳонияти қуши бир соҳибдавлатнинг тарбияти орқали башарият тухумидан чиқиши зарур. Шундан сўнг бу қушнинг учиб борадиган жойини ҳазрати Илоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди». «Муршид (пир) бу – ҳозиқ табиб, муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муршид ва мурид – XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаб ўтган Азим Хожа эшон ҳикматларидан бирида ёзади:

Муршид бўлган суҳбат тутур мурид бирлан,
Ошно этар илму ҳикмат, тавҳид бирлан.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу борада шундай деганлар: «Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб-суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур.

...Муршид Аллоҳнинг марҳамати билан толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидин хабардор бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади.

...Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда олти томон. Қирқ йилдирки биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни бехато кўрамиз».

Муғбача – мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; тасаввуфда садоқатли ва самимий мурид, толиб, ошиқ,

Мусҳаф – Қуръони карим.

Муғ дайри – майхона, ичкиликхона, ўтга топинувчилар ибодатхонаси. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар мажлиси.

Муҳаббат – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири. Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси уруғ бўлгани каби диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг асли ва асоси муҳаббатдир.

Мўй (соч) – ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ; талаб йўли ва яна орифнинг «ҳаблул матин»и – мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим.

Н

Нафас – тирикликни таъминловчи нафас, ҳаво; дам, фурсат, лаҳза; тасаввуфда муршиддан етадиган файз ва ишқ ўтида ёнган қалбнинг фараҳланиши. «Рисолаи Қушайрий»да ёзилишича: «Нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра кўп нозиктаъб ва покизадур. Шу боис вақт соҳиби мубтадийдир (бошланғич ҳолда). Нафас соҳиби мунтаҳидир (охирги марҳалада). Ҳол соҳиби эса шу иккиси орасида бўлур... Вақт қалб соҳибларига, ҳол руҳ соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир».

Сўфийлар Ҳақ таоло билан ўтган нафасларини ибодатларнинг энг аълоси ва фазилатлиси деб ҳисоблайдилар.

Нафс – ўзлик, руҳ, зот. Инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, гуноҳ ва ёмонликларга етакловчи майл ва истаклар нафсга нисбат берилади. Нафсга бўйсунган

кишининг нафси ақлга эмас, шайтонга итоат қилади. «Нафсини таниган Раббисини танийди» ҳадиси ҳам унинг мураккаб хилқат эканини билдиради. Навоий ёзади:

Ҳар киши нафс итлигидин айласа ўзни халос,
Ваҳш хайлин айлар ул дашт узра Мажнунвор сайд.

(«Бадоеъ ул-васат», 119, 7)

Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. Нафси аммора – ёмон ва гуноҳ ишларни қилишга буюрадиган ҳайвоний нафс, «Шубҳасиз, нафс ёмонликка буюради» («Юсуф» сураси, 53-оят).

2. Нафси лаввома – маломат қиладиган, койийдиган ва ёмонлайдиган нафс. Ёмон ва гуноҳ иш қилганнинг ўша иши туфайли уни маломат қиладиган, ҳисобга тортадиган нафс, виждон азоби. Қилган ёмонлиги натижасида пушаймон бўладиган, тавба қиладиган ва узр сўрайдиган нафс («Қиёмат» сураси, 2-оят).

3. Нафси мулҳима – илҳом ва кашфга мазҳар бўлган нафс. Ниманинг яхши ва савобли, ниманинг ёмон ва гуноҳ эканлигини илҳом орқали биладиган ва ўшанга кўра ҳаракат этадиган, виждон овозини эшитадиган ва тинглайдиган нафс («Шамс» сураси, 7-8-оятлар).

4. Нафси мутмаинна – қаноатланган, ҳузур ва сукунга қовушган, фазилатларга ўралган, илоҳий феълларнинг тажаллийларига мазҳар бўлган нафс («Наҳл» сураси, 106-оят, «Фажр» сураси, 27-оят).

5. Нафси розийя – ўз шахсий иродаси ва истагидан воз кечган, жалолий ва жамолий тажаллийларни кўнгилхушлик билан кутиб оладиган, қазо ва тақдирнинг ҳар қандай кўринишини мутлақо розилик билан қаршилайдиган, ризо мақомига эришган нафс («Моида» сураси, 191-оят, «Фажр» сураси, 28-оят).

6. Нафси марзийя – АЛЛОҲ рози бўлган нафс. «Розияллоҳу анҳум». Бу мақомда АЛЛОҲ розий, банда марзийя. Ўзаро ризо ҳолати («Фажр» сураси 27–30, «Баййина» сураси, 8-оят).

7. Нафси комила ёки «нафси закиййа» ёки «нафси сафиййа» – барча камол сифатларини қозониб, инсонларни иршод қилиш мақомига юксалган комил, тоза ва соф нафс, комил инсон сифати («Шамс» сураси, 9-оят).

Ниёз – ҳожат, эҳтиёж, истак, ҳадя, эҳсон маъноларини билдиради. Тасаввуфий истилоҳ сифатида маъшуқ лутфига ҳожатмандлик; кичикнинг каттага саломи ва дуоси мазмунини англатади.

Нубувват – пайғамбарлик. Тасаввуфда АЛЛОҲдан етган таблиг, Ҳақдан келган хабар, малакдан келган илоҳий билим. Ғаззолийнинг шарҳлашича: «Нубувват хос инсонлар ҳолларидан бир ҳолдурки, шу ҳол ичида инсонда маънавий бир кўз очилар. Бу кўзда бир нур бўлиб, у нурла ғайбни ва ақл идрок эта олмайдиган нарсаларни кўришга эришилур».

Нунул қалам – Қуръондаги «нун» сурасига ишора ҳамда маъшуқнинг қошидан – илоҳий сифатларидан киноя.

Нур – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. «Ан-Нур» Асмои ҳуснодан бири. АЛЛОҲнинг зоҳир исми билан тажаллийсига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадиган вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний билан юзага чиқиши ва қалбдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий воридотга ҳам нур дейилган.

О

Об (сув) – ҳаётдан мурод маърифат бўлгани каби сувдан мақсад ҳам маърифатдир.

Оби ҳайвон – Аллоҳ нурларининг порлаши ва тажаллийси.

Оби ҳаёт – зулматдаги булоқ. Ривоятларда айтилишича, унинг сувидан ичган одам абадий тирик қолади. Тасаввуфда ишқу муҳаббат чашмасидан киноя.

Обид – ибодат қилувчи. Ибн Синога кўра, дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимса зоҳид, нафл ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган киши обид дейилади. Обидларнинг ибодатлари – намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, ҳажга бормоқ, нафсга дахлдор орзу-ҳавасларни енгиб, охират ғамини емоқ. Обидлар бир-бирини ранжитиб, бир-бирига озор етказгани учун улар авом тоифасига нисбат берилган. Шунингдек, уларнинг табиатида кибр, ҳасад, хусумат, фисқ ва ғанимлик сингари иллатлар ҳам тез-тез кўзга ташланиб турган. Зеро, обид шубҳа ва даъво одамидир. Ибн Ҳанбал «Олимнинг обиддан устунлиги ойнинг юлдузлардан устунлиги кабидир», дейди.

Огоҳ – воқиф, ориф, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолни англовчи, тўғри йўлга тушган Ҳақ йўлчиси. Қалб кўзи очиқ валий.

Озод – дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай боғлиқликдан қутулиб, маънавий ҳурриятга эришган инсон. Тўла маънодаги эркин одам.

Ойна – Ҳақни мушоҳада этишга восита бўлган мавжудот. Комил инсоннинг кўнгли.

Олам – дунё, жаҳон, коинот, борлиқ. Тасаввуфда АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарсага олам дейилади ва олами амр, олами арвоҳ, олами дунё, олами кубро, олами суғро, олами халқ, олами шаҳодат каби бир неча оламлар тушунчаси илгари сурилади. Амр олами билан халқ олами орасидаги фарқ амр оламининг лаҳзада бор бўлганлигидадир. Инсон катта олам ичидаги кичик олам деб ҳам юритилади.

Оли Або – беш киши: Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али, набиралари Имом Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар назарда тутилади.

Олимул ғайб – гайб сирларини билувчи – Худо.

Ориф – ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон – туйғуларга асосланади. Ориф АЛЛОҲ томонидан бахш этилган ладуний илм воситасида унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри ёди билан умр ўтказади.

Ориф – танувчи, билувчи. АЛЛОҲни, унинг сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган, валий.

Оташ – Аллоҳ ишқининг ҳайбати.

Ошиқ – тасаввуфда Ҳақ ишқига мубтало бўлган киши. Ибн Арабийнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ қуйидаги сифатлар соҳиби бўлиши керак: «мақтул»лик, қуш каби парвоз эта олиш, доимо бедор яшаш, ғам ва кадарларни пинҳон сақлаш, таркидунё этиш, кўп дарду изтироб чекиш, маъшуқани эслашдан тўхтамаслик, ўзидаги фазилатларга ортиқча аҳамият бермаслик, севгилига итоат этиб, унга қарши боришдан қочиш, нафсдан халос бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр қилиш, қалб жунунига етишиш, маъшуқасини ҳатто ўзидан-да қизғаниш...

П

Паймона – ҳақиқат майи; ғайбий нур ва маъноларни идрок қиладиган орифнинг қалби.

Пири харобот – комил инсонлар ва йўлбошчилар, пири майхона маъносида ҳам келади.

Пири муғон, пири харобот, хаммор ва бодафурўш – майхоначи, ҳазрат пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда пири комилнинг сифатлари. Муҳаммад алайҳиссалом ва асосан муршиддан киноя.

Р

Рамз – сўз замирида яширинган ва аҳли дилдан ўзга киши англай олмайдиган маъно.

Раҳматан лил оламин – Ҳазрат пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламнинг «оламларга раҳмат» сифати. АЛЛОҲу таоло Қуръони каримда «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз сени барча оламларга раҳмат қилиб юбордик», деб марҳамат қилади («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур Қуръоний ибора асосан наът шеърларда кўпроқ келтирилади.

Риё – иккиюзламачилик, сохтакорлик, мунофиқлик. Ҳақ ризоси учун қилинмаган ихлоссиз амаллар.

Риёзат – машаққат тортиш, ранж чекиш. Оз ейиш, оз сўзлаш, оз ухлаш ва хилватга чекиниш машаққати билан нафсни тарбиялаш. Нафс орзуларидан батамом кечиш.

Рижол ул-ғайб – валилар жамоаси. Улар ғайб эранлари, рижолуллоҳ, мардони Худо, мардони ғайб, ҳукумати маънавия деб ҳам юритилган.

Ризо – розилик, хушнудлик, мамнунлик. Маъшуқнинг жабру жафоларини мамнунлик билан қабул қилиш. АЛЛОҲ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Зуннун Мисрийга кўра, «Ризо – қайғу ва кадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ». Рувайм бин Аҳмад ал-Бағдодий эса ризони инсонга қисмат этилган балолардан лаззатланиш истеъдоди, деб таърифлайди. Жунайд Бағдодий эса: «Ризо қалблар восил бўлган илмнинг мустаҳкам ва саҳиҳ бўлишидир. Қалб илмнинг ҳақиқатига юзлангач, илм уни ризога йўналтирар», дейди.

Ризо масаласида сўфийлар хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирганлар. Абдулкарим Қушайрий шундай деган: «Ироқлик сўфийлар билан хуросонлик маломатийлар ризо ҳолми ёки мақомми деган масалада мунозарага киришдилар. Хуросонликлар дедиларки, ризо мақомлар жумласидандир, таваккулнинг ниҳояти эрур. Бунинг маъноси, ризо қулнинг ҳаракати ва интилиши билан эришиладиган нарсалар тоифасидан демак. Ироқликлар эса бундай дейдилар: «Ризо – ҳолларга мансуб. Қул бунга меҳнат, машаққат билан етиша олмас». Аслида, ризо дастлаб қулнинг интилиши билан қўлга киритилар. Шунга кўра, у сайри сулук мақомларидан бири ҳисобланади».

Робита – алоқа, боғланиш, занжир, тартиб, қоида. Нажмиддин Куброга кўра, ирода тобланиб, «толибдаги самимият ҳам кучга тўлса, ҳиммат соҳиби ила матлуб орасида робита майдонга келур. Бу робита ё ижод ва пайдо айлаш, ёки ихфо ва йўқотиш шаклида воқе бўлур».

АЛЛОҲ ва солик ўртасидаги робита илоҳий нурдир. Робита уч қисмдан иборат: «робитаи мавт» – ўлимни эслаш; «робитаи муршид» – шайхи билан маънавий боғланиш; «робитаи ҳузур» – Аллоҳни жон томиридан яқин билиб Унинг кўриб, кузатиб турганини ҳис қилиш.

Рух – юз, бет; афсонавий йирик қуш; шахмат доналаридан бирининг номи. Тасаввуфда АЛЛОҲ ҳуснининг мазҳари; Рух – кўп исм ва сифатларга эга бўлган якка-ягона илоҳий Зотга ишора. Рух – ҳазрати Вожиб таолонинг тажаллийси, оламдаги нарсалар ва илоҳий исмлар зуҳурини вужудга келтирувчидир; илоҳий лутф; Баъзи мутасаввифларга кўра, рухдан мақсад – илоҳий жамолнинг лутф сифати билан тажаллий қилишидир. Бунда Ҳақ «Латиф», «Рауф», «Таввоб», «Муҳйий», «Ҳодий» ва «Ваҳҳоб» сифатлари билан тажаллий қилади. Рухнинг нурга, зулфнинг зулматга муносабати бор. Гоҳида мосиво (АЛЛОҲдан ўзга

нарсалар) мутлақо зулфга таъбир қилинади. Чунончи, зулф – маҳбуб юзидаги парда ва ниқобдир. Коинот ва касратдаги нарсалар илоҳий Зот ҳижоби ва ҳақиқий Воҳид жамолининг ниқобидир. Рух эса – моддадаги тажаллиёт.

Рух ва рухсор – зотий ҳусн мазҳари ва жамолий тажаллийларга айтилади; Навоий ёзади:

Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг
Шавқи бўлса, хотири майли раёҳин айламас.

(«Бадоеъ ул-васат», 225, 3)

Баъзан мавжудот олами рухсор дейилади.

Руҳ – ҳақиқатидан банда бир оз хабардор бўлган илоҳий сир. Илоҳий бир нафас ва АЛЛОҲ амрларидандир. Ҳақ тажаллийсидир. Руҳ наботий руҳ, ҳайвоний руҳ, инсоний руҳ ва изофий руҳ каби қатор турларга ажратилган. Маъшуқнинг камоли назарда тутилиб, унга «Эй руҳ!» деб мурожаат этилган.

Рўъятуллоҳ – АЛЛОҲ сирларини ва тажаллийларини қалб кўзи билан сайр айлаш, маънавий оламни томоша қилиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш.

С

Сабр – чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устиворлик. Тасаввуфий тушунчада сабр – инсон яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам барчаси АЛЛОҲдан эканлигини англаши ва шунга рози бўлиши. Яхши ва ёмон ҳолларда ҳам шукр қилиб, шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир.

Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, сабр уч нарса орқали камолотга етади: 1. Илм. 2. Ҳол. 3. Амал. Сабр қилувчилар уч тоифадир: 1. Мутассаббир, яъни зўрма-зўракилик ила сабр қилувчи, сабрда бесабрликка ён берувчи. 2. Собир – сабрли, сабрига содиқ киши. 3. Саббор – ўта сабрли.

Собирлик уч мақомдан иборат: нафс ва шаҳватларни тарк этиш; қазою қадарга рози бўлиш; АЛЛОҲдан келган ҳар бир нарсани хушнудлик ва ишқ ила қабул қилиш.

Сабр деганда авом йўқчилик, қийинчилик ва кулфатларга бардош кўрсатишни англайди. Аслида, сабрнинг энг қийини шоду хуррамлик, омад, бой-бадавлатлик асносидаги сабр ҳисобланади. Бу ҳақда Имом Ғаззолий шундай деганлар: «...Йўқсилликдаги сабр бир жиҳатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликдаги сабр ҳақиқий сабрдир...» Сабрда сўз ва амал заррача бўлсин бир-биридан йироқлашмаслиги ва ажралмаслиги зарур.

Санам – бут. Соликни Худодан тўсиб турувчи нарса.

Сийна – илоҳий илм сифати.

Соқий – маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчи. Баъзан соқийдан мурод Кавсардир, у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади.Навоий ёзади:

Тут, эй соқий, манга бир майки, онинг нашъаси еткач,
Кўнгул беҳол бўлғай, жонға ҳар дам ўзга ҳол ўлғай.

(«Фавойид ул-кибар», 581, 9)

Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада: «Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади» дейилади. Бу сўз (соқий) истиора йўли билан «муршиди комил»ни англатади.

Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий ҳусн шаробини ичадиган маъшуқдир.

Соқий ва мутриб – маъно оламидан файз етказувчилар.

Соғар, суроҳи ва мино – орифнинг қалби. Уни хумхона, майхона ва майкада ҳам дейдилар. Шаробхона деганда, малакут, маъно ва арвоҳ оламлари ҳам тушунилади. Баъзан семург, анқо, иксир, жоми жаҳоннамо ва оиналардан комил инсон англашилади. Баъзи тасаввуф истилоҳларида майхона, буткада, шаробхона деганда илоҳий маърифат ва завқ-шавққа тўла комил орифнинг ботини назарда тутилади.

Соғар ва паймона – маънавий идрок ва ғайбий нурлар мушоҳада қилинадиган манба ва шу манба соҳиби.

Сулук – йўл тутиш, яхши йўлга кириш, равиш, сўфиларнинг тариқат йўли. Нафсни тузатиш ва вуслатга эришиш учун тасаввуф йўлига, унинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук: усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик деб тасаввуфда муттасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишига айтилади.

Сухан (сўз) – ғайб олами билан ошнолик ва унга ишорат.

Сўфий – тасаввуф йўлида юрган, тариқат одобу арконига риоя қиладиган, халқ орасида бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган киши. Сўфий – тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сўфий қалбини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди. Сохта сўфий эса авом, риёкор ва мунофиқдир.

Т

Тавҳид – тасаввуфда АЛЛОҲни битта (ягона) деб билиш, ёлгизлигини тан олиш, сўфийликнинг бешинчи босқичи, суфийнинг Аллоҳга етишуви, у билан ниҳоятда яқинлашуви. АЛЛОҲнинг ягоналиги. Унинг зотини ақлий тасаввурлар ва зеҳний хаёллардан холи қилиш. Тавҳид уч хилдир: 1. Ҳақнинг ўзини ягона ва тенгсиз эканини билиши; 2. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халққа билдириши; 3. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халқнинг тил билан иқрор айлаши. Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сўфий фақатгина Бир (АЛЛОҲ)ни кўради ва Уни билади, Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифлар муваҳҳид ва тавҳид аҳли дейилади. Халқнинг тавҳиди Худойи таолони Бир сифатида эшитиш, зиёлилар тавҳиди Бир билиш, хосларнинг тавҳиди Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан «ла машҳуда иллаллоҳ»нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди – Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажаллий этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва «ла фоъила иллаллоҳ» дейди; сифот тавҳиди – Ҳақ соликка сифатлари билан тажаллий этганда, солик АЛЛОҲни ва Унинг сифатларини кўради; Зот тавҳиди – Ҳақ соликка зоти билан тажаллий этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина АЛЛОҲни кўради ва «ла мавжуда иллаллоҳ» дейди. Ваҳдати вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш, жилоланиш, партавланиш; Ҳақ таоло лутфига муяссар бўлиш; ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Тажаллий – илоҳий файзнинг солик кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол. Навоий ёзади:

Магар тажаллийи ҳуснунгга мазҳар ўлди қуёш
Ки, зоҳир айлади онча жило била ёғду.

(«Бадоеъ ул-васат», 506, 4)

Тажаллий икки қисмдир: 1. Руҳоний тажаллий 2. Раббоний тажаллий. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улуҳият тажаллийси. 2. Рубубият тажаллийси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга, иккинчиси ҳазрати Мусо алайҳиссаломга тегишлидир. Тажаллий – доимо гайбдан шуҳудга, зулматдан нурга, номаълумдан маълумга ўтиш, демакдир. Тажаллий соликка баъзан жазба, баъзан сукунат беради. Тажаллий тўртга бўлинади: зотий тажаллий – илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси; сифот тажаллийси – илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; исм тажаллийси – Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зоҳир бўлиши; феъл тажаллийси – илоҳий феълларнинг банда қалбида юзага келиши. Ҳақ таоло ҳар лаҳза, ҳар ерда турли мартабаларда тажаллий этади, яъни ўзини ошкор қилади.

Ваҳдати вужуд аҳлига кўра икки хил тажаллий мавжуд: умумий ва раҳмоний тажаллий – бу тажаллийдан барча баробар насибасини олади; хос ва раҳимий тажаллий – бу тажаллийда мўъминлар, сиддиқлар ва орифлар тавҳид, маърифат ва ризо каби неъматларга ноил бўладилар.

Тажрид – мужаррад бўлмоқ. Мужаррад деб яланғоч ва бўйдоқ кишини айтадилар. Сўфийлар истилоҳида дунёвий ғараз ва андишалардан батамом холи бўлиш тажриддир.

Тажрид-тафрид – соликнинг зоҳиран молу мулкдан, ботинан зиддиятли фикр ва тушунчалардан ўзини халос айлаши. Тажрид молик бўлмаслик, тафрид эса мамлук бўлмасликдир. Тажрид қалбни мосиводан қутқариш, тафрид Ҳақни шаънига нолойиқ сифатлардан баланд тутиш, Уни фард, яъни қиёссиз, тенгсиз кўришдир.

Таквин – АЛЛОҲнинг хос сифатларидан бири. АЛЛОҲ шу сифати билан ҳар қандай нарсани йўқдан бор, бордан йўқ қилади.

Талаб – матлубдан муродни қидирган, излаган одам.

Талвин – бир рангдан бошқа рангга ўтиш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгаришдир. Талвиннинг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин бир манзилда қарор топмоқ, вазминлик ва руҳий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади.

Тараб – истилоҳда Ҳақ билан унсият(яқинлик) ҳосил қилиш.

Тарсо – замима (ёмон) сифатлардан халос бўлган ва ҳамида (яхши) сифатларга эришган ҳамда нафси амморадан қутилган руҳоният одами.

Тарсобачча – ғайб оламидан солик қалбига ворид бўлган (қуйилган) гайбий воридотлар. Тарсобачча – раббоний жозиба ва руҳоний жолиба (жалб қилувчи нарсалар)дир. Баъзилар руҳлар оламидан кишилар қалбига ғалаба қилиб файз етказган ва нафслар қутқусидан халос қилган кишини тарсобачча дейдилар.

Тариқат – луғавий маъноси йўл демакдир. Тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат АЛЛОҲга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва таълимот йўлидир. Аммо тариқат шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. Яъни тариқат аҳли шариат амрларини бажариш билан бир қаторда қўшимча нафл ибодатларни ҳам адо этади. Қаттиқ риёзатлар чекиб, суннатга жиддий эътибор қаратади. «Тариқат» сўзидаги ҳар бир ҳарф солик зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (Қ) ва буткул таважжуҳ (Т) каби мажбуриятларни юклайди.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр – хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифланган ушбу йўлнинг асосини зуҳд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида қаралган. Бу йўл – Ҳаққа етишишнинг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр – яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл – нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланган. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ халқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғриликдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби бўлган.

3. Тариқи шуттор – ошиқлар йўли. Унинг иккинчи бир номи – тариқи соирин. Бу – ишқ, муҳаббат ва жазба билан мақсадга эришиладиган йўл. Бу йўлга кирган киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда кўп мақомлардан ўтмоғи шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулук асосдир.

Тариқатларнинг ибтидоси ҳазрати пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)га бориб боғланади. Тариқатлар у Зотнинг икки буюк саҳобаси – ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али томонидан давом эттирилган. Ҳазрати Абу Бакрга бориб боғланадиган тариқатлар зикри хуфияга асосланган. Зикр ва дуоси очиқ ҳамда баланд овозда, жамоат ҳолида ижро этиладиган жаҳрий тариқатлар ҳазрати Алига нисбат берилган.

Турра – жамолдан киноя.

Ф

Файзи илоҳий – Ҳақ таолодан етгувчи файз. Икки қисмга ажратилган: бири – файзи ақдас, иккинчиси – файзи муқаддас. Дастлабкисига илм мартабаси орқали, кейингисига ҳақиқат ва олий моҳият туфайли эришилади.

Фано – йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топиши. Фанонинг туб маъноси – қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, АЛЛОҲнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Фано ҳолидаги ошиқ «мен»лигини унутиши билан тавҳид асрорига соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори даражаси эса фанофиллоҳдир. Бу эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши.

Тасаввуфда фано фил ишқ тушунчаси ҳам мавжуд. Бунга кўра кўнгил тасфияси ва руҳни даражама-даража юксалтириш орқали фано фил ишқ даражасига эришилади. Алишер Навоий «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни ҳам» сатрида фано фил ишқ мақомига ишора қилган. Фақру фано эса маънавий бойлик мақоми. Навоий ёзади:

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин
Ким, Навоийга эрур фақру фано туфроғи хўб.

(«Бадоеъ ул-васат», 48, 7)

Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми; фақирлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, АЛЛОҲу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Фақр мосиводан халос бўлиш, таваккул туйғуси билан яшаш демакдир. Фақр шараф хирқаси, пайғамбарлар ва солиҳларнинг либосидир. Фақр тожини кийган икки жаҳонда султондир. Шу боис фақр тасаввуфнинг асоси ва манбаи ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Фақирлик фахримдир» деганлари учун ҳам ориф инсонлар фақирлик билан фахрланганлар. Бу фахрланиш халққа камбағаллигини, тиланчиларга хос ҳаётини кўрсатиш эмас, АЛЛОҲ олдида ожиз ва фақирлигини ҳис этиб ёлворишдир.

Фақр – йўқсиллик, АЛЛОҲга муҳтож бўлиш ҳолати ва шуури, сўфийлик. Фақир, дарвеш, сўфий, мурид, толиб, ўзини ҳар жиҳатдан АЛЛОҲга муҳтожлигини биладиган, ал-фақру илаллоҳ – АЛЛОҲга муҳтож бўлиш, ал-фақиру илаллоҳ – ўзини АЛЛОҲга

муҳтож деб билган киши. Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди.

Фақр – тарки дунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари фақрнинг олти одоби борлигини таъкидлайди:

1) Яхши ва ёмон муомалада бўлмаслик;
2) Пир олдида хомуш бўлмоқ ва унинг ижозатисиз сўзламаслик;
3) Ҳеч ким билан ёмон муомалада бўлмаслик;
4) «Хосу омнинг хизматини» адо этмоқ;
5) Нафсни енгмоқ;
6) Ҳавою ҳавасни тарк қилмоқ.

Машҳур сўфий Саҳл ибни Абдуллоҳ Тустарий: «Сўфи ҳар қандай гам-ғуссадан холи, тафаккурли, Худонинг даргоҳида фисқу фасод қилишдан йироқ ва унинг кўзига тупроқ ҳам, тилло ҳам бир хил кўриниб, тафовути қолмаган кимсадир», деб фақр мақомининг сўфийлик шартларидан бири эканлигига урғу беради.

Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: «Фақр – молинг бўлмаслиги, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслиги, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг АЛЛОҲдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди.

Х

Харобот – шаробхона. Суфийлар истилоҳида башарий сифатларнинг хароб, жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир. Хароботий ундан беихтиёр илоҳий маърифатлар содир бўладиган комил инсондир. Хароб – башарият оламининг хароб бўлишига ишорадир. Навоий ёзади:

Кир харобот ичраким, бир журъасидин еткурур,
Файзни юз шайхча базм аҳлига хаммор файз.

(«Фавойид ул-кибар», 278, 5)

Хат – кибриёлик (улуғлик, буюклик) хитоби; Муҳаммадий ҳақиқатга, баъзан вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳ оламига ишора; маҳбуб юзига латофат, нозиклик, гўзаллик билан чизилган хат. У барча нозиклик ва ҳусну жамол нуқталарини жамловчидир. Навоий ёзади:

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 171, 1)

Хат ва маҳбуб юзини кўрган шак-шубҳасиз, касратни ваҳдат деб билади, маълум бўладики, ваҳдат – кундуз, касрат кечасидир; хат – ғайб олами. У вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳлар олами борлиқларига ҳам ишора, дейдилар.

Хол – ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. У касрат – кўпликнинг бошланиши ва интиҳосидир. Агёрнинг идрок ва шууридан беркитилган ва махфий қилинган. «Барча

амрлар ундан бошланади ва унга қайтади...». Хол йўқлик оламини англатиши билан бирга Мутлақ зот ягоналигига ҳам ишорадир.

Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 87, 7)

«Миръот ул-ушшоқ»да вужуд фалагининг маркази бўлган қалбнинг сувайдо нуқтаси бу холни жилолантирувчи ва зоҳир қилувчи жойдир, дейилган. Баъзи мутасаввифларга кўра, хол — тоат нурлари ичидаги маъсият зулматидир. Агар яхшилик оз бўлса, хол дейдилар. Холнинг қора рангга ташбиҳ қилиниши ғайбий ҳақиқатдир, идрок ва шуурдан панададир; мабдаъ ва касрат интиҳосининг ҳақиқий ваҳдат нуқтасидир. Ва яна Мутлақ Зот ваҳдатидан киноя ҳам дейдилар. Қора хол деганда, баъзан, гайб олами тушунилади.

Хум — сир мартабаси ва руҳий латифа. «Аҳадиятул жамъ» ва мавқиф (тўхташ, тин олиш мақомлари)га ҳам айтилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида «хуми ишқ» ибораси кўп қўлланилган. Навоий ёзади:

Эй Навоий, хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладинг.

(Бадоеъ ул-васат», 348, 7)

Ч

Чашм (кўз) — ашёлар (нарсалар)да Ҳақни мушоҳада қилиш. Бу мушоҳадакорлик лаёқати басарий сифат деб таъбир қилинади. Яъни солик назаридан бирор нарсани четда қолдирмайдиган фойдали ва зарарли нарсаларни назорат қилиб турувчи, унинг барча яхши ва ёмон аҳволига тааллуқли басарий сифатлар. Навоий ёзади:

Қотил кўзунгки ўлтурур элни боқиб туруб,
Боқмас манга, кўзум нечаким турса телмуруб.

(«Бадоеъ ул- васат», 66, 1)

Чашми пурхумор — соликнинг ўзида сайр қилиши.
Чашми жоду — илоҳий жазбалар.
Чашми маст — илоҳий сир ва унинг жазбалари.
Чашми наргис — камол аҳли пинҳон тутадиган олий мартабалар.
Чашмаи ҳайвон — маърифатнинг манбаи ва асоси, Ҳақ маърифати.
Чашм ва абру (қош) ва жамол — солик қалбига қуйилувчи ғайбий илҳомлар.
Чеҳра — бет, юз, башара, афт; тасаввуфда соликнинг кайфият ва ҳолатига кўра содир бўладиган ҳамда соликнинг гайб ҳолатида рўй берадиган тажжалиёт.
Чеҳраи гулгун — комил орифнинг қалбида порлайдиган тажаллиёт.

Ш

Шайдо – жазба ва шавқ аҳлидан киноя.

Шамъ – АЛЛОҲнинг нури, илоҳий нур қуёши; тажаллий. Навоий ёзади:

Жон қуши ўртанмасун деб ёпма ўтлуқ чеҳраким,
Шамъ ўтин кўргач куядин айламас парвона бок.

(«Бадойиъ ул-васат», 325, 3)

Шароб, май, бода – муҳаббат; асосан, ишқ-муҳаббат шароби. Май – илоҳий май. Нақл қилинишича, Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) меърожда илоҳий ишқ шаробидан тотиб, беҳуш бўлган эканлар. Шу боис ишқ шароби тасаввуф адабиётида асосий тимсоллардан бўлиб келган. Шароб – ишқ, илоҳий муҳаббат; ишқнинг галаба қилиши. Ҳақиқий маҳбуб жилваланиб, муҳаббат ғалаба қилган пайтда, солик қалбига қуйилиб уни масту беҳуш қилувчи завқ, важд ва ҳолатдир. Бу ҳолат чулғаб олганда ақл муҳокамалари ва хаёл хоҳишлари зойил бўлади, масту мустағрақлик ҳолати юз беради. Шароб – мастликдан киноя ва Ҳақ муҳаббатининг жазбасидир. Навоий ёзади:

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 1, 7)

Пайғамбар алайҳиссалом АЛЛОҲ таолодан ҳикоя қилиб айтдилар: «Эй Аҳмад (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар маст бўладилар. Агар маст бўлсалар хурсанд бўладилар, агар хурсанд бўлсалар талаб қиладилар, агар талаб қилсалар топадилар, агар топсалар тавба қиладилар, агар тавба қилсалар халос бўладилар, агар халос бўлсалар етадилар, агар етсалар бирлашадилар, агар бирлашсалар улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди». (Муҳаййир, «Девон», «Муҳаррир», 2010, 23-б.)

Шароби хом, шароби пухта – хом шароб ҳақиқий бандаликдан йироқ бўлган гўзал ҳаёт бўлса, пухта (етилган, пишган) шароб – бандалик, ошиқликнинг мусаффо, холис ҳаётидир.

Шаробан таҳуро (тоза, соф шароб) – Қуръонда зикр қилинган ва мўъминларга жаннатда улашиладиган шароб. Шайх Акбарободийнинг «Нодир ул-меърож» асарида ёзилишича, мўъминлар жаннатда шароби таҳурдан ичсалар, АЛЛОҲ таолонинг беназир ва беқиёс дийдорига мушарраф бўлар эканлар («Инсон» сураси, 21-оят).

Шўх – нозли дилбар; илоҳий жазба ва илоҳий тажаллий.

Қ

Қад – ваҳдат оламига таважжуҳ қилиш учун қойим бўлмоқликни айтадилар.

Қаландар – дарбадар кезувчи, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрувчи, қаландарлик қиладиган, шунингдек, қаландария тариқатига мансуб киши. Тасаввуфий шеърларда асосан дарбадар кезувчи Ҳақ ошиғи сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий асарларида сохта, текинхўр қаландарларни қаттиқ танқид қилган бўлсада, шеърларида ошиқнинг турли ҳолатларини ифодалаш учун қаландар атамасидан фойдаланади.

Қаландар ва қаллош – маъно товланишларига кўра сафо аҳли, тарк аҳли ва фано аҳли назарда тутилади. Навоий ёзади:

Илгида жому кўрар май ичра олам ҳолини;
Ё Раб, ул Жамшид ё майхона қаллошимудур.

(«Бадоеъ ул-васат», 173, 6)

Қоба қавсайн – икки ёй оралиғи, яқин масофадан киноя. Бу ибора Қуръонда зикр қилинади ва меърож кечаси қурб манзилида АЛЛОҲ ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзаро яқинлашувини ёки йўлда Муҳаммад алайҳиссалом ва Жабраил фаришта ораларидаги масофа яқинлигини англатади.

Қолу бало – Ҳақ таоло Одам болаларининг пушти камарларидан қиёматга қадар дунёга келажак барча зурриётлардан: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» деб сўраганида, улар: «Ҳа, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг» («Аъроф» сураси, 172-оятдан олинган ибора).

Қомат – севикли ёр; муҳаббат манбаи; қалбнинг юқори оламга таважжуҳ қилиши, сигинишга муносиб назарда тутилади. Зеро, Худодан бошқа сигинишга муносиб эмас.

F

Ғамза – кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш, ноз ва дилбарона ишва билан кўз сузиш, боқиш. Тасаввуфда қўрқув ва умид (хавфу ражо); идрок қилинган ишоратлар. Навоий ёзади:

Ул ғамза қон қилурға, ул кўз вафо қилурға,
Бедоду зулм боис, нозу итоб монеъ.

(«Фавойид ул-кибар», 291, 5)

Ғариб – мусофир, кимсасиз, ажойиб, нодир, қизиқ, камёб. Солик асл ватани бўлмиш руҳлар оламидан келганини ва ўткинчи дунёда ғурбатда яшаётганини ҳис қилса, ғариб дейилади.

Ҳ

Ҳаблул варид – бўйин томири. Қуръондаги: «Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз» оятига ишора («Қоф» сураси, 16-оят).

Ҳай – солик қалбида ҳосил бўлиб, уни хушвақт қиладиган завқ.

Ҳайрат – ҳайрон қолиш, ажабланиш. Қалбда юз очган тажаллий туфайли соликнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишиши. Навоий ёзади:

Кўнгулу кўз санга муштоқу йўлуқсанг, чиройингдин
Ани бехудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни ҳайрат.

(«Фавойид ул-кибар», 76, 6)

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама

юритишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни ёришиш, ойдинлашиш, ойдинликдир. Шиблийдан ҳайрат ҳақида сўраганларида, у: «Ҳайрат икки турлидир: бири – гуноҳ қилиш қўрқувининг шиддатидан туғилган ҳайрат, иккинчиси эса қалблардан ўрин олган таъзим туйғусидан майдонга чиққан ҳайрат», деган экан. Ҳайрат фанофиллоҳ ҳолига кўтарилиш учун восита бўладиган мақомлардан бири ҳамдир.

Ҳал мин мазид – «Яна қўшимча борми?» «Яна зиёдаси борми?» маъноларини билдирадиган Қуръоний ибора. «У Кунда Биз жаҳаннамга: «Тўлиб битдингми?» дермиз, у эса: «Яна қўшимча борми?» дер («Қоф» сураси, 30-оят). Тасаввуфий асарларда бу ибора орқали ёрнинг чексиз нозу истиғноси ва фазилатларига ишора қилинади.

Ҳаловат – мушоҳададан ҳосил бўлувчи нурлар.

Ҳақиқат – қалбнинг доимий суратда АЛЛОҲнинг ҳузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги, илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган, аммо ифода қилиб бўлмайдиган, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган маънавий ҳақиқатлар, маърифат. Тариқат сирри, яъни латоифалар нури зоҳир бўлса, ҳақиқат дейилади.

«Таҳқиқ» – ҳақиқат мартабасига етиш учун бутун қувватини ва тоқатини сарфлаш, «таҳаққуқ» – ҳақиқат мартабасига етишиш. «Ҳақиқати Муҳаммадийя» – ҳақиқатлар ҳақиқатидир. Илк ҳақиқат «АЛЛОҲ биринчи бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.) руҳини ва нурларини яратди, кейин ҳамма нарсани шу руҳ ва нурдан, шу руҳ ва нур учун яратди» шаклидаги ишонч, нури Муҳаммадий ва ақли куллий ақидаси.

Ҳақиқат бир неча маънода қўлланади. Жумладан, Худони таниш ва билиш; мажознинг зидди; банданинг Худо васлига интизорлик ҳолати; Ҳақ жамолини кўрсатиши; нарсалар манбаида илоҳий қудрат ва санъатни мушоҳада этиш ва ҳоказо.

Ҳақиқат шариат ва тариқат босқичларидан кейинги мақом бўлиб, Илоҳий Зот маърифатини ифодалайди. Тасаввуф буни «Шариат – соликнинг жисми, ҳақиқат – унинг руҳи», деб таърифлайди. Сўфийлар ҳақиқатга етишишни асосий мақсад деб биладилар. Сайру сулук натижасида моддий ва маънавий тўсиқлардан ўтиб, ўз нафсларининг асл жавҳаридан, яратилиш ва дунёга келиш сирларидан огоҳ бўладилар. Баъзи сўфийлар бу мақомни фанодан сўнгги бақо деганлар. Бу тушунчанинг ривожланиши асосида аста-секин «комил инсон» тушунчаси юзага келган.

Тасаввуфий манбаларда ҳақиқат атамасидан ташқари «ҳақиқати жомиъ», «ҳақиқати мутлақ», «ҳақиқатул ҳақоиқ» иборалари ҳам қўлланади.

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳақиқат истовчиларни тўрт гуруҳга: мутакаллимлар, файласуф ва ҳакимлар, исмоилия ва таълимия тарафдорлари ҳамда сўфийларга бўлади. Сўфийлар ҳақида: «Мен учун тамоман равшан бўлдики, Худойи таоло тариқатига қадам қўйганлар фақат сўфийлардир. Уларнинг ҳаёт тарзлари, тариқатлари, феъллари ҳам энг яхшидир, мақбулдир», деб таъриф беради.

Ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир. Қушайрийнинг ёзишича, шариат фиқҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир танганинг икки томони кабидир. Ҳақиқатсиз шариат мақбул эмас, шариатсиз ҳақиқат эса ботилдир.

Ҳижоб – парда, тўсиқ. Ошиқни маъшуқидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Навоий ёзади:

Ўзлугининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

(«Наводир уш-шабоб», 10, 7)

Дунё ва охиратга оид тамаъ ва ниятлар инсонни АЛЛОҲдан йироқлаштирувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам Ҳақ ва солик орасини тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади. «АЛЛОҲ ила қул орасида нурдан ва қоронғуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир», дейди Нажмиддин Кубро. Оддий ҳижоб – парда, моддий олам билан маънавий олам орасидаги нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Кишининг Ҳақ ва ҳақиқат орасидаги пардаси. Ҳижоб ва парда фақат нафсдир.

Ҳол – меҳнат орқали қўлга киритилмайдиган Ҳақ неъмати. Мақомларга эса меҳнат билан эришилади. Ҳол – сўфийнинг юксак маънодаги маънавий-руҳий ҳолати; кайфият, қувват. Ҳол ўзгарувчандир. Ҳол ўзгаришларини бошидан кечирган солик ҳол соҳибидан мақом соҳибига айланади. Ҳол – ошиққа маъшуқнинг лутфи. Ҳол эгаси ишқ туғёнида ҳолдан ҳолга юксалиб боради.

Ҳол соликнинг хоҳиш-иродасисиз АЛЛОҲдан қалбга етган маънолар, файзлардир. Илми қол – шариат, илми ҳол – тариқат. Тасаввуфда соликнинг ҳоли муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам тасаввуф баъзан илми ҳол деб юритилади. АЛЛОҲнинг розилигини топган тақводор инсонлар «ҳол соҳиби»дирлар. Шунинг учун ҳол соҳиби валий маъносида ҳам қўлланади.

Ҳол соҳиби – маънавий ҳолати яхши бўлган, тасаввуфий ҳолларни кўриб ва яшаб таниган; важд, жазба ва истиғроқ ҳолатида бўлган, сакр ва талвин соҳиби, ҳолига ҳоким инсон.

Ҳусн – гўзаллик, чирой. Илоҳий ҳусн. Энг мукаммал камолот ва сифатга эга бўлган Зот, Ҳақ. «АЛЛОҲ гўзалдир ва у гўзалликни севади» (Ҳадиси шариф). Ҳақ зотидаги барча мукаммал камолот; АЛЛОҲ жамоли, маҳбуб дийдори. Навоий ёзади:

Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

(«Бадоеъ ул-васат», 205, 6)

МУНДАРИЖА

ҒАЗАЛЛАР

АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо 6
Илоҳий, амринга маъмур етти торами аъло 7
Юзунг кўзгусидин оламда юз нуру сафо пайдо 8
Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро 9
Ё Раб, ул соатки тушкай ҳажр жисму жон аро 10
Зиҳи Буроқинг изи меҳру сайри барқосо 11
Бедилинг хайли русул, сенсен аларга дилрабо 12
Кимки еткай ишқ дарду доғидин офат анга 13
Ул парипайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга 14
Чин кийиги десам кўзин, ваҳ, недурур итоб анга 15
Ваҳки, ҳол ошуфта қилди анбарин холе манга 16
Буким қолибдур ул ой ҳажрида ҳаёт манга 17
Келмай ул қотили замона манга 18
Нечаким куяр ҳажр аро жон манга 19
Борди раҳм айламай ул кофири худрой манга 20
Эй кўнгул, телбарадинг, эмди не тадбир санга 21
Ийди рухсоринг кўруб, бўлди улус ҳайрон санга 22
Тушкали қаддинг ҳавоси бошима авбош аро 23
Кирса ул гул хирмани ағёр ила гулзор аро 24
Жонда қўйдум чирмаган мактубини ҳижрон аро 25
Нуқтайи мушкдур бу ё холи анинг жабин аро 26
Эй, ғаминг гавҳари жону тан аро 27
Қосидеким ёрдин бир сўз ривоят айласа 28
Яшил тўн бирла олтун тугмалардин зебу фар анда 29
Жамолинг жилва қилди, бор эди оғзинг ниҳон анда 30
Ер тутқали ул кофири худком кўнгулда 31
Буду нобудум агар тенг бўлди жонон оллида 32
Йигитлигимда эдим мубтало йигитларга 33
Хатту зулфу қошларинг, эй дилбари чобук, бало 34
Тифллар тошики, жисмим қилди сартосар қаро 35
Кўзунгга тани нотавоним фидо 36
Чу ишқ дарду балони жаҳонға урди сало 37
Ҳар жафо қилсанг тўзармен, қилмасанг дағи вафо 38
Кўзумдин ашк тугандию бўлди қон пайдо 39
Шарора хатлари соғинма дуди оҳим аро 40

Лабингға айламиш ул холи анбарин ғавға 41
Кўз юзидин олғанимға ашкдин қондур сазо 42
Сен киби бир гул топилмас кезса юз гулшан аро 43
Бас ажабдур гар манга ул дилрабо қилгай вафо 44

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «НАВОДИР»ДИН

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб 45
Топмиш ул юз қатра-қатра хайдин ўзга обу тоб 46
Етти ҳажр айёми, қатлимға недур ҳар дам итоб 47
Эл парию ҳурни дегай гумон қилғонча хўб 48
Ажаб йўқ ўлса қаро зулф оразингға ниқоб 49
Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб 50
Сочинг қаронғу тун, эй сарвқадди ширинлаб 51
Ул ойнинг гулшани ҳуснин хазондин асрағил, ё Раб 52
Хатинг ҳам хўбдур асрую холинг ҳам бағоят хўб 53
Қайси бир туҳматки бизга қилмади нисбат рақиб 54
Наботдин газак этсанг ичарда бодаи ноб 55
Оғзи рамзин билмасам, эй хурдадон, кўп қилма айб 56
Гул чоғи ҳар гулга бир булбул тараннум кўргузуб 57
Шоми ғам ёғдирдиму оҳим шафақни су қилиб 58
Раҳм этар кофир кўзунг ул зулфу юзда чирмолиб 59
Гулрухи раъноқадим чун боғ тавф айлар бориб 60
Чун кулар ёни сўкулган жисми зоримни кўруб 61
Дуди оҳим кеча-кундуз чу фалак сори бориб 62
Тиғ ила хоки танимни ҳар тараф ёрдинг келиб 63
Туганмас меҳри йўқ ҳажрим туни шарҳин савод айлаб 64
Эй кўнгул, маст ўлали азми харобот айлаб 65
Баҳор элга айшу манга изтироб 66
Кўзунгдин ҳам кўнгул, ҳам жонда ошуб 67
Кўзум ёшиму оқиб, ул қуёш сари чу боқиб 68
Бу кеча базмим аро турфалар ифшо айлаб 69
Ғозаву сурмаға чун кўнгли бориб 70
Ёр ул вақт жафо расми тутуб 71

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИЙВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «НАВОДИР»ДИН

Ул парийнинг чу бу мажнундин эрур ваҳшати кўп 72
Аввал иста манзили амну ҳарифи сода топ 73

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «НАВОДИР»ДИН

Чун қўюб кеткунг жаҳон мулкин мусаххар бўлди тут 74
Бир мақоми амн топ, анда бурун ором тут 75
Навбаҳор ўлдию мен ҳажрида, соқий, май тут 76
Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон оқибат 77
Лаълидин чунки такаллумда томар оби ҳаёт 78
Лаъл эмас ширин лабингким, жон топар андин ҳаёт 79
Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғат 80
Менга бегонадурур ул буту мен ишқида маст 81
Бодайи ишқинг кўруб топти бузуғ кўнглум шикаст 82
Эй кўнгул, дедимки, айлаб азм жононимға ет 83
Тийраву афсурдабиз, эй ишқ тарқатқан булут 84
Ким экин майдонда, ё Раб, ул тўни гулгун йигит 85
Оҳким, олди қариған чоғда кўнғлум бир йигит 86
Ҳабиб ғайр ила май ичти, эй кўнгул, қон ют 87
Чобукеким қатл учун сурди яна майдонға от 88
Етилмиш, Аллоҳ-Аллоҳ, не қомат, ул қомат 89
Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт 90
Ишқ солди хонумоним ичра ўт 91
Қилди душман раҳм, баским қилди жавр изҳор дўст 92
Эйки, файз истарсен, ўзни сарвдек озода эт 93

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «НАВОДИР»ДИН

Замона эрур чун маҳалли ҳаводис 94
Фалак ҳаводисидин бўлса ҳар бало ҳодис 95
Менинг расволиғимға бодаи гулгун эрур боис 96

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи бошинг уза «Ва-ш-шамс» зеваридин тож 97
Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахту тож 98
Майи лаълингга гўёким ҳаёти жон эрур мамзуж 99
Кўнглумга айла лаъли шакарханд ила илож 100

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «НАВОДИР»ДИН

Наргис ул кўздек эмас, эй боғбон, боқиб кўз оч 101
Қўйди юз шоми ажал зулфин паришон айлагач 102
Гириҳ-гириҳ чу тугарсен етар оёгинга соч 103
Кўруб дардим тараҳҳум қилмадинг ҳеч 104
Ул турки хитонинг эрур андоққи кўзи қиймоч 105

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРАМИЙЛАРИНИНГ ҲУСНОРОЙЛИҒИ «НАВОДИР»ДИН

Бу чаманким, тўкилур шом, гул очилса сабоҳ 106
Жонима еткурди ул лаъли равоносо фараҳ 107
Бўлса бўлғай сарв қадлар ичра ҳар гулрў малиҳ 108
Ахтарин ашк эттию совуғ нафасни оҳ субҳ 109
Ҳажрдин асру ҳазинмен, соқиё, тутқил қадаҳ 110
Субҳ дайр ичра муғанний ўйла тузди шадди руҳ 111

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «НАВОДИР»ДИН

Фано тариқида ҳар кимки ҳосил этти русух 112
Фироқ ўтики, бало оғзидур анга манфах 113
Шўх кўп йўқ бириси, ўйлаки, айёр ул шўх 114
Эй кўнгул, чунки эрур ёр майи фурқати талх 115
Эрур барот ила байрам ул ойға зулф ила рух 116
Мени ишқдин манъ этар сода шайх 117
Хатинг сипоҳи чу чиқти нечукки мўри малах 118

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «НАВОДИР»ДИН

Эй жамолинғ меҳридин равшан азалдин то абад 119
Ситам эрмас эдиким, айладинг кўнглумни юз парканд 120
Қайда қилғай соядек мен телбайи хокийни банд 121
Нолонмен очар бўлса юз ул ҳури парийзод 122
Бўлди кўнглум шод топқач тиғдин кўксум кушод 123
Гар кўнгулни айласа ул қотили хунхора сайд 124
Дуди оҳ эрмас, кўнгул уйин қаро қилғанда дард 125
Эй, юзунг оллида беҳол хирад 126

Кўнгул ҳароратин анғлатди оҳи дардолуд 127
Зиҳи ҳажрингда айлаб бизни ғам шод 128
Ишқ аро расволиғим элга берур Мажнунни ёд 129
Кўнгулда юз била хаттинг гар ўт солур, гар дуд 130
Зикринг айларда чекармен ҳар дам оҳ, эй сарвқад 131
Сену – фирдавс ичида кавсару ҳур, эй зоҳид 132
Эй, сочинг занжирининг савдосида мажнун хирад 133

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗУЛҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛИҒИ «НАВОДИР»ДИН

Қазо не ҳукмки айлар жаҳонгадур нофиз 134
Кўнглум эрур ул ғунчайи сероб ила мултаз 135
Эй лабларинг ҳаловатидин жонга илтизоз 136

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТАХЕЗИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи мазоҳир аро меҳри оразингдин нур 137
Сариғ коғазмудурким сўзи ҳажрим айладим таҳрир 138
Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур 139
Ранғсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар 140
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқим ажойиб унс тутмишлар 141
Ҳам кўзум тортар, ҳамул мезон била кўнглум солур 142
Тийра шомим ичраким барқи балолар чоқилур 143
Кечаким зулфунг хаёли кўнглум ичра айланур 144
Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқарур 145
Кўнгул уйида юзунг нақшин айламан тасвир 146
Етти жон оғзимаким чиқмас уйидин ул ҳур 147
Жунун салосилида бўлди жисми зор ҳақир 148
Чун мени мажнун бошин атфол тоши синдурур 149
Қайси тўбий жилваси сарви хиромонингча бор? 150
Суда юзунгму акси ё чашма аро париймудур? 151
Лаълинг, аё, не ажаб рангиндур 152
Дилрабо, сендин бу гамким, менда бордур, кимда бор? 153
Гул юзунг ҳажрида чиқса ўтлуғ оҳим гоҳлар 154
Куфрдин зуннорлар гар турраси тобинда бор 155
Ошкоро юз туган гарчи тани зоримда бор 156
Хатту юзунг ҳажрида кўзким, булут монандидур 157
Кўксумни чунки қилди лабинг ҳажри ёралар 158
Қуёш юзинда хатинг сабзасига маскандур 159

Қилғали азми сафар улким манга дилхоҳдур 160
Сарв уза гул очтиким, қад узра рухсорим будур 161
Чиқмаса жонон ғаму андуҳдин, жоним чиқар 162
Шамъ ул ой ҳажрида тун куймагим оғоҳидур 163
Тоза сарве боғ аро, дерларки, ноз оғоз этар 164
Ул ўтлуғ чеҳраға зарбофт хилъат не ярошибдур 165
Ложувардий қошинг узра зарварақ тобонмудур? 166
Ул қуёштин айру ўртанган ичимда қайғудур 167
Дуд янглиғ дема, кўнглум оҳи дардолудидур 168
Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар 169
Нетиб туз этай қадким, жисмимда шиканлардур 170
Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур 171
Ул саводи хатмудур ё сабзайи жаннатмудур? 172
Кўзунг сарфитнайи олам тушуптур 173
Яна ҳамдамим шуълайи ғам бўлуптур 174
Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур 175
Ўтлуғ юзидин ул ойким бурқаин олиптур 176
Қачонким боданўшум май ичарга изтироб айлар 177
Ҳар гаҳки қадаҳнўшум майли майи ноб айлар 178
Жонға йўқ кўнглумдину кўнглумга йўқ жондин хабар 179
Қосидеким еткурур кўнглумга жонондин хабар 180
Куйди кўнгулки, қолмади ашкда қонидин асар 181
Бизға жаҳон боғидин ул сарви гуландом етар 182
Ёри бирла бода ичкан нўши жондурким, ичар 183
Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур 184
Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр 185
Кимки анинг бир малаксиймо париваш ёри бор 186
Юз олман йўлидин қатлимға чун ташриф ёр элтур 187
Сариғ либос аро ул нўшлабки, хандондур 188
Хаста кўнглумнингки, зулфунг шомида ороми бор 189
Кўнгул кўзлар йўлин тутмоққа ҳажрингда шитоб айлар 190
То дайр ичинда муғбачалардин нишонадур 191
То турраси торинда ҳар сори тугунлардур 192
Кўз қонидин дема, этагим лолавордур 193
Ҳарорат жонима ул оташин лаъл ахгариндиндур 194
Икки кўзумки дарду бало жўйборидур 195
Жонда ишқинг бўлғуси, то танда жон бўлғусидур 196
Донайи ашкимки, ёғмоглиғ била афсонадур 197
Маркаб эрмаским, сабо майдонда гардангез эрур 198
Не лўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар 199

Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлок ўртанур 200
Бу тоза туганким ғамидин кўнглум ародур 201
Оразинг ҳуснин фузун қилған ҳилолий қош эрур 202
Телба кўнглумга хирад аҳли маоши қайдадур 203

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «НАВОДИР»ДИН

Эй жалолу раҳматингдин ғар залилу, ғар муаззаз 204
Сарв янглиғ жилва қилсанғ ноз ила, эй сарвиноз 205
Шаҳсуворим тавсани айларму оё пўя тез 206
Қуш кетурди номангу, кўнглумни қилди шуълахез 207
Совуғ оҳимдин ўлсанг бетаҳаммул кўзга келтур юз 208
Чу нома чирмадим ёзиб юзунг шавқида шўрангез 209
Бас эттим ашкфишонлиғ чу зоҳир эттинг юз 210
Чун қўярмен ул жаҳон оройиши базмиға юз 211
Мотам ўз ҳолимғадурким, ўлтурур ул раҳмсиз 212
Сарвқадлар агар биру ғар юз 213
Қилур пайконларинг кўнглум ўтин тез 214
Кўрунур оташин лаълинг дилафрўз 215
Деман, эй хўблар, вафо қилинғиз 216
Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз 217
Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз 218
Ғам шоми гар ўтумға бўлур шамъ ашкрез 219
Не айб жон манга беҳол бўлса жононсиз 220
Онсиз ўлмоқ, эрур ўлмоқ жонсиз 221
Эй шикибу сабр, бир кун худ манга ёр эрдингиз 222
Деди: кўзум қичишур, айтдимки: бода томиз 223
Бўлди шому жонға ул ой ҳажридин қайғу ҳануз 224
Бўлмас қаро кўз элдин тутмоқ киши вафо кўз 225
Ёпилмас гар менга қонлиғ судин кўз 226
Ишқ юки айлади торами аълони кўж 227

СИН ҲАРФИНИНГ СУМАНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «НАВОДИР»ДИН

Жуд эмас кўп базл учун кўп мол қилмоғлиг ҳавас 228
Боғ аро не сарв этармен орзу, не гул ҳавас 229
Жонға лаълинг майи жомидур мултамас 230
Кўнгул ҳар тун фароғ истаб бало тоғини ёстанмас 231
Менга бир сарви гулрух бўлди мунис 232

Гулгун май ичиб сунбули чун гулга ёпишмас 233
Бизга ул маҳваш тилию кўнгли бирла ёр эмас 234
Жонға лаълингдин бир ўпмакдур қиёсан илтимос 235
Гар менингдур ёр лўли бўлса, шоҳ этмон ҳавас 236
Кўйи тоши бошима ҳайф, айласам уйқу ҳавас 237
Манга манзил кўҳан дайри фано бас 238
Қилмон ул бебок кесган наълни ўпмак ҳавас 239
Тонг эмас гар чин юзинда қаҳрдин мавжуд эмас 240
Эй, фироқингда ҳаётимдин менга озору бас 241
Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас 242
Кўнглум ичра дарду ғам аввалғиларға ўхшамас 243
Ҳар неча куйсам ул ой кўнглумни пайдо айламас 244
Хўблар минг бўлсалар, мен хастаға бир ёр бас 245
Нигорим дардима наззора қилмас 246

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «НАВОДИР»ДИН

Жамоли нурини чеккан тарозу ою қуёш 247
Қўймади шоми хуморим тийраликдин ақлу ҳуш 248
Дўстлар, кўнглумни васл уммиди беҳол айламиш 249
Сабзаи хат оразинг боғини хазро айламиш 250
Шомким тун пардасинда айлади ихфо қуёш 251
Ҳусн боғи ичра қаддинг сарви бўлмоғлиққа туш 252
Ул париваш одамивашлиғлар айлаб қилди хуш 253
Меҳр эмас, гардун юзунг ҳижронидин доғ ўртамиш 254
Юз сеҳр қилса кимғаки элликдин ўтти ёш 255
Тун ҳам кечу йўл дағи йироқ, сен дағи сархуш 256
Донаи холи лабинг кўнғлум қушин ром айламиш 257
Гўйиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош 258
Сўз демай икки шакардек лабиким банд ўлмиш 259
Вафодин чекса бош ул сарви маҳваш 260
Неча оҳ урсам бўлур кўздин багир хуноби фош 261
Ишқ ичинда жуз ўлум мушкилки, бўлғай бизга иш 262
Зулфиға ҳар ён гириҳ тушкан эрур бас турфа иш 263
Куйдуму топтим кўнгулни ўтға солғондин бу иш 264
Менмудурменким қуёш кулбамни равшан айламиш 265
Лабингни сўрғали муҳри сукут оғзима тушмиш 266
Майки лаълидин томизди ул нигори боданўш 267
Суроҳи то майи лаълинг висолин орзу қилмиш 268
Шабистонимда жом ичра юзунг акси чароғ ўлмиш 269

Қайси водийким танимни ашк сели сурмамиш? 270
Телбалик сенсиз, эй пари, менга иш 271
Оразинг ҳижронидин келмас манга гулзор хуш 272
Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш 273
Менга эмди сарв ила гул муддаоси қолмамиш 274
Кўнгулни бу кеча бир ой хаёли мубтало қилмиш 275

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «НАВОДИР»ДИН

Бировки дайр сори зоҳир айлади ихлос 276
Ҳусн оятики келди юзунг қиссасида нас 277
Қатл учун элга чу таъмим ила бердинг танқис 278
Май мени қилди риёйи порсолиғдин халос 279
Кишига берса ғаму меҳнати даврон танқис 280

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «НАВОДИР»ДИН

Қила олғонча риё аҳлидин эткил иъроз 281
Истасам бўсе лабидин, жон тилар жонон эваз 282
Оразингдур офтоби оламородин ғараз 283
Гар будур қомати раъно била зебо ораз 284

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «НАВОДИР»ДИН

Десангки, фақр тариқини айлайин мазбут 285
Қилди ботил меҳрдин ҳар неча қилди ёр шарт 286
Ой юзунг кўзгуву атрофини тутқан занг хат 287
Холларининг нуқтасидин топти зеб ул турфа хат 288

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «НАВОДИР»ДИН

Не нутқи дилкаш эрур, ваҳ, не дилрабо алфоз 289
Лабингдин бўлди бу маҳжур маҳзуз 290
Неча ёлғон сўзу музҳик ҳаракот, эй воиз? 291
Чекти булбул киби минг лаҳн ила достон ҳофиз 292

АЙН ҲАРФИНИНГ ИЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «НАВОДИР»ДИН

Иззат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ 293
Меҳр ила гар келди чарх айвони рифъатдин муниъ 294
Қилди уқор ўтоғасин ул қотили шижоъ 295
Лабларингдин ҳар замон жонни тилармен мунтафиъ 296
Кўруб оразинг йиғласам йўқ бадеъ 297
Ҳажр ўтидин шом агар мендек эмас бехоб шамъ 298
Торттим ранжи хумор айлаб майи аҳмар тамаъ 299

ҒАЙН ҲАРФИНИНГ ҒИЗОЛАЛАРИНИНГ ҒАВҒОСИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи буроқинг изидин қамар узорида доғ 300
Гарчи йўқтур лолазори ашкима пайдо қироғ 301
Хазон фаслида ул ой жисму рухсоримни кўрган чоғ 302
Оҳ ўти бирла юзунг ҳажрида қилсам гашти боғ 303
Баски қўйдунг кўксума кўнглумни олғон чоғ доғ 304
Заиф жисмим аро бир-бирининг устига доғ 305
Ончаким ул ғамза сурди кўргузуб бедод тиғ 306
Сарғарибтур лоларўйим ранжи то бўлмиш қотиғ 307

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «НАВОДИР»ДИН

Тоғ ошиқлиқ юкидин хам бўлурға йўқ хилоф 308
Ғамзадин кўп тиғ урдунғ айлабон кўксум шигоф 309
Оразинг хуршиди келди ахтари буржи шараф 310
Не навъ кўнглум ўлур ишқ хайли бирла ҳариф 311
Новакинг токим эрур куйган кўнгулда муътакиф 312
Тонг йўқ, урмоқ юз бу саргардону маҳзун ҳар тараф 313

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «НАВОДИР»ДИН

Жаҳон золи ҳам макр этар, ҳам нифоқ 314
Чеҳра гулгун сафҳасига қилдинг афшон зарварақ 315
Мушкил ишдур уйда бир ғойибни ҳар дам йўқламоқ 316
Васлинга кечрак етишсам, лутф этиб узрумға боқ 317
Сипеҳр боғин нужум варди чу қилди ул навъиким Хаварнақ 318

Гар қуёш оразиға саъбдурур кўз солмоқ 319
Ул парипайкарки бўлмиш инсу жондин хўброқ 320
Улки, кофур бўлуб мушки қилур раънолиқ 321
Санга не ғам мен киби мажнуни шайдодин йироқ 322
Ҳажр аро раҳминг киби бўлмас манга кам иштиёқ 323
Ашкдин бўлди қарорған кулбаи вайроним оқ 324
Юзунг қуёшига бу навъ эса аён бўлмоқ 325
Очибон кўксумни ёргил қилмасам доғи ёзуқ 326

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «НАВОДИР»ДИН

Санову зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок 327
Қолибмен заъфдин баским ул ой отти манга новак 328
Ҳажрким ҳар дам мени беваҳму бок айлар ҳалок 329
Телба ким кўрди мени шайдодек 330
Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок 331
Не ҳуш уммидиким урён нигун қад бирла урсам так 332
Юзунг очиб не ажаб юз хонумонни ўртамак 333
Халқ кўнгли бўлмағай ул шўхи кофар кўнглидек 334
Шикоф эмас буки кўксумга солди тиғи ҳалок 335
Танға тошу қўлга тиш захмики солди телбалик 336
Қочинг ул кўздин, ангаким ул лаби хандон керак 337
Неча бўлғай захмлиқ кўнглумни маҳзун айламак 338
Ул париваш эрур андоқ нозук 339
Чаманда сарвинозим жилва қилмоқ айламас оҳанг 340
Чаманда сабза манга ханжар ўлди, сарв – хаданг 341
Йўқ даҳрда гарчи ёр сендек 342
Қўюнг, тиғи кўксум шигофини йирдик 343
Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг 344
Кўрдум оғзингни манга қаҳр ила чун сўз қоттинг 345
Эй кўнгуллар зулфи занжирида қайд этмак фанинг 346
Тарарда тоб урар, турраи паришонинг 347
Манга бир лаҳза вафо айламадинг 348
Хизр – хаттинг сабзаси, ҳайвон суйи – нўши лабинг 349
Чекиб кўнглумни уздунг, андаким кўнглум уйин буздунг 350
Жисмимға варам ҳайъати ҳар тошки урдунг 351
Сарвға раъно хироминг бирла бедод айладинг 352
Ё Раб, ул ойники эл кўнглиға марғуб айладинг 353
Тийра қилмиш тун киби офоқни оҳим менинг 354

Неча ул кўй итлариға еткай озорим менинг? ... 355
Синғоли кўнглум оқар ҳар лаҳза хуноби анинг ... 356
Кўнгулки ҳажр туни қўймади қарорин анинг ... 357
Ёр келса, дўстлар, оҳанги рафтор айламанг ... 358
Ваҳки, ўтлуқ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг ... 359
Эй кўзу кўнглум, сиришку оҳдин тўфон қилинг ... 360
Май била майхонанинг хиштин тош узра ҳал қилинг ... 361
Бир ўт эсаки манга журмсиз вафони кам эттинг ... 362
Саманди ноз уза ул чобуки балога боқинг ... 363
Кўнгулким ҳар ёнига наъл кестим бўлғали зоринг ... 364
Донаи холинг била кўнглум қушин ром айладинг ... 365
Эй муғанний, ёр базмида наво соз айласанг ... 366
Ваҳ, не руҳафзо қаду дилкаш хироми бор анинг ... 367
Ул пари бу телба бирла ошно бўлса не тонг? ... 368

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОИФИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи ниҳоятинг охир келиб абад аввал ... 369
Қилса жонон оллида жоним туфайл ўлмоққа майл ... 370
Ўйла бўлмиш гул юзунг ёди била қонлиг кўнгул ... 371
Менинг кўнглумни ишқ, ул гул юзин мул ... 372
Оразинг шавқи дамиким айланур қонлиғ кўнгул ... 373
Демонким, мени ёд этиб шод қил ... 374
Гар лабинг оллида даъво қилмади изҳор лаъл ... 375
Ўйлаким гулгун қилур ҳусн аҳли рухсорини мул ... 376
Эй кўнгул, ул оташин оразға кўп ўрганмагил ... 377
Кўнгул ичраки ҳар дам қон тўкар ул кофири қотил ... 378
Эй кўнгул, ҳар макр ила қочсанг улустин шукр қил ... 379
Ул зақанни упаю гулгунадин наззора қил ... 380
Қуруди чеккали қондин кўзум ниқоб қизил ... 381
Қасди жоним қилди ҳажр, эй қотили хунхор, кел ... 382
Сарвдек хазро либосинг бирла, эй нозук ниҳол ... 383
Эй жамолинг равзаси фирдавс боғидек жамил ... 384
Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол ... 385
Белинг солур димоғимға тахайюл ... 386
Лаъли жонбахшингда бир гавҳар агар топмиш халал ... 387
Қасди жон айлар дамодамким анга юз жон туфайл ... 388
Гар етар ағёрдин юз минг жароҳат, эй кўнгул ... 389
Англадинг ё йўқмуким айлар сафар ёр, эй кўнгул ... 390

Эй латофат касбида ҳуснунгға ҳожатманд гул 391
Эй манга сенсиз баҳору боғу бўстондин малол 392
Кеча ул ой бирла эрдим, ваҳ, бу тушдур ё хаёл 393
Демаким, мастлиғдин қадди бўлмиш ҳар қаён мойил 394
Онча бўлди тан ўқунгдин ичкари, ташқори йўл 395
Айлади кўнғлум қуши ул шом гису сори майл 396
Не ажаб майл айласам йўқлуққа ҳар дам, эй кўнгул 397

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи мулкунгнунг ўн секкиз мингдин бири келиб олам 398
Мен гадо махмуру пири дайр элинда жоми Жам 399
Ҳам субҳи оразинғдур вардиятун-насойим 400
Не итни ул бути бегонаваш итики соғиндим 401
Ўртанур эл фурқатингдин навҳа бунёд айласам 402
Бу кун аҳли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам 403
Лоладек юзунг хаёлидин тўла қондур кўзум 404
Қадингға Тўби ўлубтур мутию чокар ҳам 405
Чу ёпса наъшим уза муғ палоси идборим 406
Кўнглума ёр истабон меҳнат келурни билмадим 407
Зулмати ҳижрон қилур қатъи ҳаётим дам-бадам 408
Лаълингки, соғиндим ани жон розиға маҳрам 409
Ҳажридин кўксумни дермен ўйла афгор айласам 410
Борди ёру тўзмон эл бормоққа ҳам, турмоққа ҳам 411
Ул қуёш юзлукни ҳар тун ёд қилмоқдур ишим 412
Гар анинг васлиға ҳаддим йўқ, эрур хуш ёди ҳам 413
Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим 414
Дам-бадам ҳар кун ул ой бедодини ёд айларам 415
Эйки аввал қоматинг васфини шамшод айладим 416
Етти сўзи ҳажру чектим оҳи дардолуд ҳам 417
Яна фироқ ўтиға тушти тоблиғ кўнглум 418
Кеча куйдурди фалакни шуълаи тобу табим 419
Ҳажри мундоққи, узар бир-биридин пайвандим 420
Нўши лабини ҳар неча сўрдум, ўсонмадим 421
Бақо дашти нечук қатъ ўлмасун айлаб мурур айём 422
Тишларимдин ики дандонаки чарх айлади кам 423
Менки ҳар дам, дўстлар, бедод этардин зор эсам 424
Қаю манзилки анда ҳосил ўлғой лаҳзае комим 425
Май учун дайрдадур оромим 426

Не янғлиғ дей қошинда арзи ҳолим 427
Ўтуб санамлар аро бир-бирига кўз солдим 428
Зиҳи биҳишти жамолинг келиб менинг чаманим 429
Йўқ дема, гар оғзингни десам нуқтаи мавҳум 430
Қароғ эрмаски, қилмишмен кўзум сели йўлин муҳкам 431
Сарви озодимни боғ ичра хиромон истарам 432
Чу бердим жонни, қилма зулм расму қатл ойин ҳам 433
Яна ишқ аро зордурмен, ҳазин ҳам 434
Тоқибон жон риштасин руқъанғни тумор айладим 435
Содаваш ёрим багоят пурфан эрмиш англадим 436
Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим 437
Нега қон ёшим оқизди дилситоним билмадим 438
Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим 439
Лоларўюм бордию ишқин ниҳоний асрадим 440
Чун ўлармен бир нафас ул дилрабони кўрмасам 441
Лаълича эмас оғзи қилур вақт такаллум 442

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «НАВОДИР»ДИН

Эй кўнгул, айлама даҳр эски работин маскан 443
Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун 444
Бенавомен айру хайли ҳамдаму ҳамроздин 445
Улча кўнглум кўрди, ожизмен ани изҳордин 446
Гарчи тўкти қон кўзум сенсиз ҳамон кўнглум ҳамон 447
Лаъли шавқиндаки боғланди кўзум устида қон 448
Қоматингдек боғи ҳусн ичра йўқ сарви равон 449
Кўйи туфроғиға дафн айланг таним қилмай кафан 450
Қуруғ жисмим ўтундекдур бало даштида қақшолған 451
Қилмағай гардун қуёшқа мужтамиъ ҳар кавкабин 452
Донаи холинг терарга қўйма кўнглум булбулин 453
Гул эмаским, қон этиб афлок бахтим ахтарин 454
Кўзумга ҳажрда бирдек қоронғудур туну кун 455
Лаъли оқ уй уғлари қонлиғ мужам бўлмиш яқин 456
Уюй олсам эшикинг туфроғини ёстанибон 457
Хатингким меҳр уза чекти саводин 458
Қилди айшим субҳини ул шўх лаъби тийра тун 459
Тамуғ ўтиға унаб, ҳажринг ўтиға унаман 460
Не тонг бўлсам сияҳрўз ул қуёшдин айру, эй гардун 461
Гар ўлсам зарра-зарра ул қуёш тиғи жафосидин 462

Ваҳки, ваҳшу тайр уюмаслар ғамим бедодидин ... 463
Ўтда қил янглиғ танимни ҳажр ўтининг тобидин ... 464
Кўнгуллардин кўруб зулфунг аро ўтлуқ асар ҳар ён ... 465
Ваҳ, не хуштур шаҳсуворим келса майдон соридин ... 466
Моҳиён ҳавзида ёру ҳажрида мен қайғудин ... 467
Йўқтурур бир дамки ўлмон фурқатинг бедодидин ... 468
Ул сабабдин тийрадур кўнглум уйи ҳижронидин ... 469
Ақлу жону кўнғлум ул ой фурқати озоридин ... 470
Менки ҳар соат чекармен юз жафо ағёрдин ... 471
Меҳр эмас машъал ёрутқон қалъаи афлокдин ... 472
Бир паривашким кўнгул девонадур савдосидин ... 473
Мен киммену қилмоқ ҳавас ул шўх либосин ... 474
Тирик қолсам ғар ўзни базми васлинг ичра солгаймен ... 475
Ёр ила ағёр озоридин андоқ зормен ... 476
Туфроғимдин аҳли ишқ этса тануре шодмен ... 477
Тушта лаълин кўрдум уйгонмай дебон қайғудамен ... 478
Ул ой фироқ ила қисмим гам этса найлагамен? ... 479
Оразингни туш кўруб то субҳ тиндим уйқудин ... 480
Зарварақтин ё киби қошингда зеварму экин? ... 481
Не баҳор ўлгайки, бир гул ҳажридин бадҳолмен ... 482
Мовийи беҳол кўнглак, ваҳ, не фаррухфол экин ... 483
Чок-чок эттинг кўнгул комини ҳосил қилмайин ... 484
Ошиқ ўлдум, неча жавр аҳли замондин тортайин?! ... 485
Чеҳра ёптинг, хаста жонимни анга зор айлабон ... 486
Шоми ҳижрон зулматида оби ҳайвон истамон ... 487
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин ... 488
Кўз оҳим ўти сори шоядки солмағайсен ... 489
Кимса мендек ишқ аро бесабру ором ўлмасун ... 490
Лабларинг шарбатини чашмаи ҳайвонму дейин? ... 491
Неча ул чеҳрани кўз лавҳида тасвир этайин ... 492
Ишқ аро мен киби йўқ бесарусомон бўлған ... 493
Бўлди аёғинг қаро зийнату пероядин ... 494
Кўргузур агёр юз туҳмат ниҳони найлайин ... 495
Бало дашти аро Мажнун менинғдек кўрмамиш даврон ... 496
Нола номақдур тонг эрмас мени маҳжурдин ... 497
Ёрни дерларки чекмиш юз жафо мен зор учун ... 498
Ҳамул тоғеки толиъ бўлмиш эрди ул қуёш андин ... 499
Адаб сиёсати чекти кўзумга мужгондин ... 500
То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен ... 501
Оҳу вовайлоки, ишқингдин жаҳон шайдосимен ... 502

Лабингким ўлик тиргузур жонму эркин? ... 503
Чун хаёлингда кўнгул беҳол эди ўз рашкидин ... 504
Эй қуёш, ёйдинг туман минг зарра бу ғамнокдин ... 505
Юзинда май гулидур ё юзин кўргузди кўзгудин ... 506
Чоклик кўксум эшикдур, жисм уйи байтул-ҳазан ... 507
Хаёлинғ келса кўнглумга бўлур озурда мужгондин ... 508
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун ... 509
Ҳуққаи лаълингда кўптур хурдаи маъни ниҳон ... 510

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВИЛОҲАТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВАҚОЕЪИ «НАВОДИР»ДИН

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру ... 511
Қаён қилса ҳаво ул турфа қуш уйқум олур қайғу ... 512
Оҳу ашкимдин шикоят айламиш ул тундхў ... 513
Кўнглуму багримни ғамзанғ тиғи айлар ков-ков ... 514
Сипеҳри ойинагун гар дамимдин ўлди қоронғу ... 515
Қад эрмаски, сарви хиромон эрур бу ... 516
Кофургун либос аро ул сарвиноз экинму? ... 517
Лабингға то етибтур бармогим ҳайратдин эркинму? ... 518
Олди чун илгига ул ҳури суманбар кўзгу ... 519
Юзунг баёзида ул холи мушксо ҳинду ... 520
Агар ошиқ этса висол орзу ... 521
Кўзумдин учти яна ёрсиз бу шом уйқу ... 522
Эй йўлунгда подшоларга гадолиғ орзу ... 523
Фироқинғ ичра ишим изтиробдур асру ... 524
Қад эрмас равза сарви нозидур бу ... 525

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГИЗЛИҒЛАРИ «НАВОДИР»ДИН

Юсуф эрмас чу малоҳатда жамолингга шабиҳ ... 526
Тикмагаймен тиғи захмин ўлсам ул озор ила ... 527
Ингали кўктин балолар зинадур қилсанг нигоҳ ... 528
Гулгун енг ичра илгин ул мушкбў ғазола ... 529
Гар дурдии хум бўлсун, агар соф пиёла ... 530
Мен нетиб ишқида оқил бўлаю фарзона ... 531
Зиҳи гул ичра кулар чоғ этиб аён ғунча ... 532
Сипеҳр сақфиға олтун сутун бўлур, эй моҳ ... 533
Қилмағил борғали шитоб яна ... 534

Ё Раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама 535
Очиб кўксум шиғофин айладим кўнглумни наззора 536
Яна зулфунг бузуғлуқ солди кўнглум хонумонинда 537
Манга май ўлмади рўзий тараб аёғинда 538
Ҳудҳуд элтур дардлиг пайғомим ул ой қошига 539
Фиғонки, умрум ўтар туну кун хаёл била 540
Номаи шавқум киши арз айлай олмас ёрға 541
Лаъли серобингдин ул янглиғ келур жон оғзима 542
Чиқти пайконинг кўнгулдин оҳи дардолуд ила 543
Мушкин хатинг ул юз киби гулгун варақ ичра 544
Истарам етсам қуюндек гул узорим қошиға 545
Фироқ солди бир ўт жисми нотавонимға 546
Ҳаргиз эрмас ҳусн ул меҳри жаҳоноройча 547
Кўнглумда доғ шамъи жамолинг хаёлида 548
Эй сабо, ҳолимни арз эт гулрухи таннозима 549
Кўзларида ишқдин су эрди уйқу ўрнида 550
Ёрдин яхши эмас айламаги ёр гила 551
Илтифот этти букун мен қулға ул шоҳ ўзгача 552
Ваҳки, умрум барча зойиъ бўлди эл коми била 553
Меҳрида мен хастанинг ҳар лаҳза ҳоли ўзғача 554
Солиб қон онча қўйдунг доғ бу жисми фигор ичра 555
Ваъда айлаб васл жисми нотавоним ўртама 556
Ваҳки, келтурдунг фироқингдин балолар бошима 557
Мен ўлсам айламанг ул тифлга хабар ногаҳ 558
Дайр аро то айладинг кўнглумни зор, эй муғбача 559
Қошининг ёйи чекилмиш зулфи чавгониғача 560
Гули рухсоринг аро бўлгали пинҳон ғунча 561
Топиб ҳаёт зулоли хатинг қаросинда 562
Гар неча чавгонға бирдур гўй эл майдонида 563
Бўлсам ул қотил шаҳиди ҳасрату ҳирмон била 564
Эй ниҳоли қоматинг сарсабз жон бўстонида 565
Доги қонин кўргузур Мажнун мазаллат шолида 566
Саводи холи анинг хатти мушкбор ичра 567
Рўзгорим чун қарорди шоми ҳижрони била 568
Ул учуғ эрмас қабарган лаъли руҳафзосиға 569
Нилдин беҳол холинг лаъли сероб устина 570
Юз бало тоши агар ёғдурса дилбар бошима 571
Холин ўпсам не учун манъ қилур жонона 572
Буки мен маҳруму эл маҳрамдурур жононима 573
Ёқар ўлсанг итинг илгига ҳино қоним ила 574

Яна ишқ илгидин ҳолим уланди зорлиғларға 575
Маст отланди ул ой қилмай хабар аҳбобқа 576
Эй кўнгул, ҳажрим балосин арз қилдим шоҳима 577

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «НАВОДИР»ДИН

Лабинг фикри бағримни қон қилдило 578
Ошно ёрим яна бегоналиғ фан қилдило 579

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «НАВОДИР»ДИН

Зиҳи тажаллийи ҳуснунг келиб жаҳонорой 580
Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме 581
Не бир субҳ ул қуёшнинг илгидин ичтим тўла жоме 582
Чеҳра кўрсаттилки жон бермоқ тариқин кўрсатай 583
Ёр тандин жоним айрилғунча зулмин қилмоғи 584
Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофире 585
Не ажаб гирён кўзум гар бўлмас уйқу манзили 586
Бас ажабдур, икки лаълин кўрсангу оғзин доғи 587
Жисми ул гулнинг қизил тўндинмудур гул хирмани 588
Кўнгулнинг чокидин гар бўлса жоннинг ваҳмию боки 589
Кош санчилса ики кўзума кўюнг тикани 590
Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботқон чоғи 591
Неча йилда қилмади кўнглумга ишқи шиддати 592
Ўйла ҳижрон тийрадурким, зулм экоч ул ой фани 593
Чун сўз айтурсен лабинг титрар ғазаб қилғон чоғи 594
Ким экин ул кўй аро деб, келса андин ит уни 595
Юзи давринда қиронму зоҳир этмиш ул пари 596
Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари 597
Қон айладинг кўнглумни ниҳони 598
Кўнгулки иткали андин топилмади хабаре 599
Ит киби неча самандинг сўнгича пўя урай 600
Хунфишон кўзни юбон оқ этти ашким касрати 601
Гул ёпиштурдингму юзга шўхлиқтин ҳар сари 602
Сўз вафодин демаким, ул эрмас аҳли ҳусн иши 603
Тоғ аро Фарҳоду ҳар ён сурма қилған тошни 604
Хаёл ўлғон киши ишқ ичра фаҳм айлар хаёлимни 605
Неча тиғ урдунг кўнгулга тийра оҳи итмади 606

Сарсари оҳимдин ул ой фурқатида ғам туни ... 607
Менмудурменким, кўнғулдин айрумен жондин доғи ... 608
Дашт уза саргашта мажнуннунг таку пўй урмоғи ... 609
Неча ниҳони ишорат рақиблар сари ... 610
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу ҳашам чекти ... 611
Чарх агар солса йироқ юз йил висолингдин мени ... 613
Йўқ вафо аҳлида бир зори паришон мен киби ... 614
Киши кетурса манга сарви ғулузоримни ... 615
Гулшан ичра махфий ичсанг бодаи гулфомни ... 616
Чун аён қилди лабинг аксини жом, эй соқий ... 617
Лаҳза-лаҳза чунки ортар ул пари зеболиғи ... 618
Оғиз ичра тилингдек ғунчада гулбарги тар бўлғай ... 619
Кўнгул ўт берки, бир гул ҳажридин кўксумга доғ ўртай ... 620
Неча килки тахайюл бирла бир сурат нигор айлай ... 621
Неча кўргузсам ниёз, ул шўх ноз айлар, нетай? ... 622
Рўза бўлдию манга ичмак-емак кам бўлмади ... 623
Кўз ёшим ғалтон борур ул орази дилжў сари ... 624
Нотавон наргисидек айлади бемор мени ... 625
Эй қуёш, невчун қошингдин соядек сурдунг мени ... 626
Бор эди ул ҳамки бир чоғ бизға ёре бор эди ... 627
Яна лаълинг ғами ашкимни жигаргун қилди ... 628
Йўқтур андуҳу малолат ўтиға хас мен киби ... 629
Чок бўлғоч кўнглум олди шўхлар филҳол ани ... 630
Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки ... 631
Ёрдин айрилса, қотилмаглиғин билмас киши ... 632
Баски кўнглумни фалак мажруҳу вайрон истагай ... 633
Фироқ ашкидин, эй кўз, даме очил боре ... 634
Гул эмас ҳар ён юзунг даврида оро қилғали ... 635
Эй кўнгул, васлидин ул ой бизни навмид этмагай ... 636
Сўрманғиз ашким суйинким муттасилму келгуси ... 637
Аҳли дил оллида дилдор илтифоти камлиғи ... 638
Бормағил қаҳр била бағрим этиб қон эмди ... 639
Неча мен меҳнат чекиб, ул ой танаъум айлагай ... 640
Истадим ёреки, кўнглум дам-бадам шод айлағай ... 641
Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай? ... 642
Чу қўйдум ишқ, уят ҳар бедилу девонадин доғи ... 643
Чархким ою қуёши бору юз минг анжуми ... 644
Агар ишқ айлади бечора бизни ... 645
Гулбун узра субҳидам ҳар сори гулбарғи тари ... 646
Чеҳра ёпиб мени куйдурма, ахи ... 647

Кўнгулнинг ҳажр аро жондин малоли ... 648
Соқиё, йўқ ғаму дардима ҳаде ... 649
Кўнглум олғон дилбарим дилдорлиғ билмас, нетай? ... 650
Яна ниҳон қиласен бизға қасду кин боре ... 651
Ишқ аро ҳолимға бир ҳамдам тараҳҳум қилмади ... 652
Сен зулоли васл ичиб, мен заҳри ҳижрон ичкучи ... 653
Йўқ манга ҳад васл алфозин тилима сургали ... 654
Неча ҳажрингда чекиб ун йиғлай ... 655
Лабинг Масиҳу анинг нутқи нуктапардози ... 656

МУСТАЗОД
Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур ... 658

МУХАММАСЛАР
Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шоҳни ... 660
Оҳким, волиҳмен ул сарви хиромондин жудо ... 661
Бўлмагай эрди жамолинг мунча зебо кошки ... 662

МУСАДДАС
Даҳр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ ... 666

ТАРЖИЪБАНД ... 669

ТАРКИББАНД ... 678

ҚИТЪАЛАР ... 684

МУАММОЛАР ... 703

КЎРСАТКИЧЛАР ... 715

ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАР ... 724

УДК 821.512.133
84 (5ў)1
Н14
ББК 84 (5ў)1

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчилар:

Ҳамид Сулаймон, Иброҳим Ҳаққул

Масъул муҳаррир
Сайфиддин Рафиддинов

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2011 й.

ISBN 978-9943-03-365-8

Адабий-бадиий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик

Иккинчи жилд

ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ

Наводур уш-шабоб

Китоб безаклари ва макетини
Анатолий Бобров ва *Шуҳрат Мирфаёзов* тайёрлади

Нашр учун масъуллар: *Лазиз Тангриев, Илҳом Зойиров*
Муҳаррирлар: *Маъсуда Йўлдошева, Ваҳоб Раҳмонов*
Бадиий муҳаррир *Акром Баҳромов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Саҳифаловчилар: *Умида Валижонова, Акмал Сулаймонов*
Мусаҳҳиҳлар: *Доно Тўйчиева, Фотима Ортиқова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 02.06.2011 й.да рухсат этилди.
Бичими 70 x100 $^{1}/_{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
62,25 шартли босма тобоғи. 20,0 нашр тобоғи.
Адади 3000 (1-завод 1000) нусха. 62 – 2011 рақамли шартнома.
247 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Навоий, Алишер.

Хазойин ул-маоний: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А.Навоий; нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, И.Ҳаққул; масъул муҳаррир С.Рафиддинов; ЎзР ФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 772 б.

Ж.2 : Наводур уш-шабоб. – 772 б.

ББК 84 (5ў)1